

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2008



**САИД АҲМАД**

# **КИПРИКДА ҚОЛГАН ТОНГ**

*ҚИССАЛАР  
ХОТИРАЛАР  
ҲИКОЯЛАР*

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ 2008

**Саид Аҳмад**

Киприкда қолган тонг: Қиссалар. Хотиралар. Ҳикоялар. — Т.: «Шарқ», 2008. — 320 б.

**ББК. 84(5Ў)6**

**ISBN 978-9943-00-294-4**

© «Шарқ» нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2003, 2008

## КИПРИКАДА ҚОЛГАН ТОНГ

*Кисса*

Инсонни бадном қиласынан ҳар қандай ҳаром-харип шиллардан үзини тия олган, бу дүнёга пок келиб, пок кетганды, нурдек тиниң ҳаёт кечирған, Аллоҳ даргоҳында фаришта бўлиб йўл олган дўстим, укам, жигарим, қадрдоним, хотираси ҳеч қачон ёдимдан чиқмайдиган севикли ёзувчим ЎЛМАС УМАРБЕКОВга багишладим ушбу қиссани.

*Муаллиф*

### *Биринчи бўлим*

Машинада водий томонга кетяпмиз. Ёш ёзувчи укаларим билан баъзан шунақа саёҳатга чиқадиган одатимиз бор.

Ўзим руль бошқариб келяпман. Ёнимда ниҳоятда чаккон, зийрак, ҳеч нарсани назаридан қочирмайдиган, гоҳо кулдираман деб гапнинг орқа-ўнгига қарамай айтвонрадиган Анвар Эшонов. Орка ўринидикда шу водийда туғилган, биринчи ҳикояларини шу ерда ёзиб эълон килган Худойберди Тўхтабоев билан икки ҳикоялар китобини, «Севгим — севгилим» қиссасини нашр килган, фоятда одобли, ёш бўлишига қарамай қўпчиликнинг таважжухини ўзига қаратган Ўлмас Умарбеков ўтирипти.

Боя йўлга чиқаётганимизда у, тоғдан кетмаймизми, деб сўраган эди. Унга хозирча тоғда водийга хос ҳеч нарса йўқ, ҳаммаёқ темир-терсак, техника, экскаватору булдозерлар тош суриб йўл очяпти. Мен сизларни отабоболаримиз қатнаган йўлдан олиб келяпман, деган эдим.

— Отабек юрган йўлданми? — деб такрор сўради Ўлмас.

Кўпчиликни Отабек юрган йўл қизиқтиради. Ўша йўлни кўргилари келади.

— Отабек юрган йўл манави тоғлар орасида, — дейман уларга. — У йўлдан ё отда, ё эшик миниб ўтиши мумкин. Биз Кумушбиби ота-оналари билан аравада Топкентга борган йўлни ёқалаб келяпмиз.

Кайроккум «денигизи» бўйлаб бориб, «Қиста кўз» бекатида тўхтадик. Чой ичиб, пича дам олмоқчи эдик. Самоварчи бола корачой йўқ, деб баҳона қилди. Ўзимизда бор, десак ҳам кўнмади. Корачой дамласам дадам уради, деб ичкарига кириб кетди-ю, қайтиб чиқмади.

Кула-кула яна йўлга тушдик.

Ҳаво тоза, осмон тиник. Денгизни мавжлантириб биз томон эсаётган ажиг бир намхуш эпкин кўнгилларимизни яиратади. Сомоншувоқ томларда лолақизғалдоқ гулхани лов-лов ёнади. Йигитлар чаккасида чучмўма, қизлар сочида толбаргакдан сочпопук...

Узун новдалари ерга тегай-тегай деб аста елпинаётган мажнунтол тагидаги сўрида етмишларниң нари-берисидаги, чап қулогига ўн беш тийинлик таңга кистирган бир қария тиззасини қучоқлаб, ўй ўйлаб ўтирипти. У бизни кўриб, келинглар, меҳмонлар, деб илкис ўрнидан турди. Шоша-пиша палосларни қокиб, бошқатдан тўшади. Тол кучаласи тушган жойларни бир сидра супуриб чиқди.

— Озроқ хордик олиб туринглар, мен ҳозир...

У шундай деди-ю, шопиб ичкарига кириб кетди. Ичкарида андак хаяллаб қолди.

Елкасида дастурхон, билагида сочиқ. Бир кўлида корачой дамланган «Кузнецов» чойнаги, яна бир кўлида шундака тўртта пиёла билан чиқди. Анвар чаққонлик билан елкасидан дастурхонни олиб ўртага ёзи. Самоварчи чойнак-пиёлаларни дастурхон четига қўйиб Анварга, укагинам, чойни уч марта қайтариб манави сочиқка ўраб қўйинг, деб илтимос қилди. Чойхона ичидан исирининг хушбўй хиди димоқларимизга урилди.

У исирин тутуни буралиб-буралиб чиқаётган хокандозни кўттарганча машина томон кетди. Машина эшигини очиб исирик тутата бошлиди. Ишқилиб ўриндиққа чўф тушмасин-да, деб жоним ҳалак. Хокандозни ерга қўйиб, қофозга ўроғли исирик уруғларини машина ишкопчасига сочиб юборди. Кейин ҳаммамизга бир-бир исирик тутатиб чиқди. Кўз тегмасин, хушрўй йигит экансиз, деб Ўлмаснинг бошидан хокандозни уч айлантирди.

— Ёмон кўздан асрасин, бунақа ҳуснни худойим ҳар

кимга ҳам беравермайди, суйган бандасига беради. Бу заифона чирой әмас, мардона чирой. Уламоларнинг ганларига қараганда, Хизир бувам ҳам худди шунаقا чиройли одам бўлган эканлар. Хўжандда дарёдан ўтишингиз билан «Чорух даррон» деган тошлок адирга рўбарў келасиз. Чўпонларнинг чориги тошлокда йиртилаверганидан ўз исми ўзи билан бўлсин, деб тошлокни «Чорух даррон», яъни «Чорик йирттар» деб аташган. Шу адирнинг исириги минг дардга даво. Тошкент томонларда тумов хуруж қилганда машиналарини тўлдириб испандисириқ олиб кетишади. Ўша ердан мен ҳам анчагина испанд опкелтирганман.

Самоварчи ичкарига кириб, марғилоннусха дўппи, оппок яктак кийиб, иккита патнис кўтариб чиқди. Биттасида қанд-қурс, седонали олтита нон. Ноини ушатиб чойнак устидаги сочиқни олди, пиёлага бир хўпламгина чой қўйди-да, лабларини чўччайтириб ичди. Пиёланинг лаб теккан жойини оппок яктагининг кўксига сенгилгина суртиб, бошқатдан чой қўйди. Уни менга узатар экан, «индиjsкий», деб қўйди.

Унинг ҳамма ҳаракатларини диққат билан қузатиб турган Ўлмас қойил қолганини яширолмай, қалин қошлиарини кериб жилмайиб турарди.

Ўлмаснинг нимадир дегиси келди.

— Эски замоннинг буюмларидан ҳали ҳам бор эканда?

Самоварчи жавобни нимадан бошлашини билмай, андак ўйланиб турди.

— Э, укам-е, бу ҳаммаси ўзидан кетиши, ҳаддан ошиш, сендан қолсан қулоғимни кесганим бўлсин, деган нодонликдан чиқсан нарса. Бундан ўттиз йил олдин десам тўғри бўлармикан, бир эси йўқ самоварчи ўртоғимиз чойхўрларни ўзига оғдириш учун факат шунаقا чойнак-пиёла ишлатадиган бўлди. Сопол пиёлада чой ичиб юрган чойхўрлар ўрис пошонинг пиёласида чой ичайлик, деб самоварга аридек ёпирилди. Агар шу чўтирдан қолсан калламни олиб ташлайман, деб яна биттаси кунига уч марта соғиладиган сигирини бузоги билан сотиб, худди ўшанақа чойнак-пиёла олдириб келди. Яна битта самоварчи, очиғини айтсам, ўзимнинг тоғам, ўғил уйлайман, деб қачонлардан бери тишида тишлаб йиккан пулига «Кузнецов» харид қилиб келди. Кўқонлик арман савдогарлар қарасаки, «Кузнецов»нинг харидори кундан-кун кўпайяпти. Мана бўлмасам, деди-ю нархни қопда

пул олиб келадиган бойваччаларнинг ҳам бўйи стмайдиган баландга кўтариб қўйди. Отам раҳматли энди «Кузнецов» олини менинг навбатим, деб турганда савдогар унинг қўлини калта килиб қўйди. Отам раҳматлиниңг кўпкарида улокни биронга олдирмайдиган, думига дўланна тақилган эпчил оти бўларди. Чиннишурушлар шу оти берсанг «Кузнецов» сеники, деб оёғини тирааб олди. Отам раҳматли, болам ўксимасин, деб шу оти бағридан юлиб олгандек икки яшик чойнак-пиёлага айирбош қилди. Ундан эсадалик бўлсин, деб думига бойланган дўланани олиб колди. Шу дўланани ҳалигача асрайман. Ўша чойнак-пиёлалардан биттаси чегалангган, учта чойнак билан тўққизта пиёла бор. Нозик-нозик меҳмонларга ишлатаман. Копқоғини чойнакка уриб шиқирлатиб, чой чақира-диганларни жинимдан ҳам ёмон кўрааан. Шиқирлатаве-риб қопқоғини арра килиб юборишади. Кар бўлмасам, кўр бўлмасам, овоз чиқазиб, битта чой, десанг бўлди-да, офтобни сояга етказмай олдингга обориб қўяман. Биз тарафларда эркак меҳмонларни уйда кутмайдилар. Ай-никса хотин-халаж кўп хонадоиларга бегона эркакнинг қадам изи тушмайди. Ҳар қанча меҳмон бўлса самоварда кутиб юборади. Мен ўзи андархонликман. Онам то-жик, отам ўзбек, Рўзғорда тоҷикча, ўзбекча аралап қилиб гаплашаверамиз. Самоварчилик отамга отасидан қолган. Бени яшарлигимда отам мени ёнига олган. Мана, бир кам етмиш йилдан бери самовар қўяман. Кўп ажойиб инсонларнинг хизматини қилдим. Сухбатини, дуосини олдим. Кам бўлмадим.

Иккита қовун қовғасининг бандини бир-бирига боғ-лаб, елкасига хуржундек ташлаб олган саккиз-тўққиз ёшлардаги бола қўлида портфел билан бизга салом бе-риб, чойхона ичига кириб кетди.

— Неварам бу. Дарсдан чиқиб олдимга келади. Бу-гун мактабда қандайдир тадбир бўлар экан. Дириектор ошининг масаллигини ташлаб кетган эди. Оши дамлаб кўйганимда келиб қозони билан замбарда олиб кетишиди.

Эрталаб соат саккиздан бери гаичилар камкатнов ас-фалт йўлимизда шоғёрлардан имтиҳон олишди. Шунинг учун ҳам чойхўр кўп бўлди. Чарчаб колдим. Сизлар келганингизда тизза қучоклаб ухлаб қопман, ёмонам хижолат бўлдим.

Қовунларимизни адирдаги кумга кўмиб қўямиз. Адир томондан қовун иси келдими, билингки, адирда қум кўчиб қовунлар очилиб қолган. Офтоб тегиб хид чиқазяпти.

Тонгга яқин қаттиқ шамол бўлганди. Адирга қовун олиб келиш учун бричка арава кетган эди. Бола бобомга қовун обораман деб кутиб қолган экан.

Шу неварамниFaфур Фуломнинг хизматига бермокчиман. Эти сизники, суваги меники, деб уйига ташлаб келаман. У киши анчадан бери бу томонлардан ўтмай қўйдилар. Тинчмикинлар? У киши ҳали ҳам министерстводамилар?

Анварнинг шайтони ғалаба қилиб, уни қалака қиласидиган бирон гапга оғиз жуфтлаб турганини сезиб қолиб жаҳл билан унга ёмон қараб қўйдим. Унинг оғзидағи гапи бўғезида қолди.

Хайр-хўшланиб энди машинага чиқамиз, деб турганимизда чойхоначи пешонасига шапиллатиб бир урди. Ҳаҳ қаллам курсин, қовун қолиб кетибди-ку, деди-да, шошиб чойхона томони пилдираб кетди. Бир зумдан кейин патнисда чиройли қилиб каржалган қовун, бир қўлида обдастада илиқ сув олиб чиқди.

— Қовунни ким сўйди? — деб сўрадим ундан.

— Неварам. Қовунни жуда чиройлик сўяди. Қаранг, гул қиворипти, боласи тушмагур. Андархонимизга келиб бир ёшга кирган қовун емай кетиш яхши эмас. Ўзи ҳам асал бўлиб кетгандир. Бирон ўн беш кунлардан кейин бунақа қовунни тополмайсиз. Ҳаммасининг уругини олиб экиб қўямиз. Андархоннинг қовупини қовун деса бўлади.

Самоварчи Андархон қовуининг таърифини сал ошириб юборяпти, деб ўйлаган эдим, йўқ, мақтаганича бор экан. Faфур Фулом айтгандек, тилими тилни ёраман дейди.

У қўлимизга сув қўйиб, энгашиб елкасидаги сочиқни тутди. Худойберди унинг яктак чўнтағига эллик сўмлик пулни солиб қўйди. Бу ишимиздан у астойдил ранжиди.

Қозокларга пичоқ совфа қилсангиз албатта тиф ҳақи, деб танга-чака аралаш пул берадилар. Бизларда ҳам исиррик тутатган кишига пул бериш бир удум бўлиб қолган.

— Оқсоқол, — дедим, — исиррик ҳақи бермасдан кетиш шаънимизга тўғри келмайди. Олинг, олмасангиз хафа бўламиз.

Бу гапимдан кейин қўлини қўксига қўйиб, давлатинглар зиёда бўлсин, укаларим, деди мамиун.

Қўқон томон кетяпмиз. Ҳозиргина бизни кузатиб қолган бу ажойиб инсон тўғрисида ўйлајпмиз. Уни биринчи марта кўришимиз. Факат бир соатгина у билан ҳамсух-

бат бўлдик. Лекин эски қадрдонлардек уқдан ажралиш кийин бўлди. Бу ёқимтой, дилбар инсон меҳрини, муҳаббатини, одамийлигини ўзимиз билан олиб кетяпмиз.

Исирик ҳамда қовун иси ўринашиб қолган машинамиз қайикдек сузиб боради.

Самоварчи, ошга ҳозир гуруч соламан, бир чўқимгина еб кетинглар, деб шунча тавалло қилди, кўнмадик. Соат иккода Кўконниинг Фишткўпригида Адҳам Ҳамдам билан Анвар Муқимов, Йўлдош Сулаймон ҳамда хофиз Қобилжон Юсуповлар бизни кутади, шунга улгуриб бор- масак бўлмайди, дедим.

Фишткўприкда одам кўп. Кўча оши ичаман, деб навбат кутиб турғанлар сон-саноқсиз. Адҳам Ҳамдам бутун водийда машхур одам. Уни ҳамма танийди, хурмат қила- ди. У биз учун ошхона орқасига алоҳида жой қилдириб кўйибди.

Фишткўприкнинг кўча оши водийда овоза бўлиб кет- ган. Янги сўйилган кўй гўшти, жиндаккина туз еган пешноб, пўстдумба солинган, устига майда кертилган кўм- кўк хушбўй кашнич сепилган, ёғи олинмаган икки қошик- қина қатик солинган, бетида кўк қалампир сузиб юрган бу таом чимхўр, овқатга инжик ҳар қандай лаиж одам- нинг ҳам иштаҳасини очиб юборар эди. Бу ноёб таомни ҳузур қилиб иchar эканимиз, кўли гул ошпазларга раҳ- матлар айтардик.

Унча-мунча овқатни кўнгли тортиб еявермайдиган Ўлмас косани ҳаммадан олдин бўшатиб, уялиб-истиб ўти- рмай, яна икки чўмичгина сўрасам айб қилмайсизларми, деди.

Бошига бирон мушкул иш тушган хонадон ок жўхорини туиб кўча оши қиласди. Уни пакири билан кўчага опчикиб қўяди. Пакир ёнига беш-олтита сопол коса, кўза- чада қатик, тақсимчада кертилган кашнич қўяди. Ўтган- кетган тўхтаб, кўча ошини ўзи сузиб ичади. Хонадон эгаларини мушкулингиз осон бўлсин, деб дуо қилиб, ўтиб кетади.

Кўча оши камбағаллар овқати, очарчилик замонла- рининг овқати, деб уни таъқиқлаб қўйган эдилар. Бу тўкин, фаровон, дориломон замонамизда бунақа овқат қилиб халққа тарқатиш сиёсий хато деб қишлоқ фаолла- ри кўча ошини арикқа ё ахлатга тўкиб ташлар эдилар.

Шу ернинг ўзида маслаҳатни бир жойга қўйиб, тўп- тўғри Бувайдага борадиган бўлдик. Анвар Муқимов ўша ерда мактаб директори. Адабиёт ўқитувчиларига кели-

шимизин айтиб қўйган. Улар мактаб боғига дастурхон тузаб кутиб ўтиришибди.

Адабиёт муаллимлари билан сухбат курсанг хузур қиласин.

Улар дарсликларда, программада айтилган гапларни хар йили такрорлайвериб зериккан муаллимлардир. Бугунги адабий ҳаёт уларни қизиқтиради. Адабий ижод соҳасида қандок жараёнлар кечаштганини билгилари келади. Кутубхонадаги дарсликлар уларга аллақачон ёд бўлиб кетган.

Ана шунақа ўқитувчилар билан сухбат курсам яйраб кетаман. Ёзувчининг шахсига, қанақа асарлар ёзаётганига, қандай ёзишига, ҳатто кечаси ё кундузи ёзишигача – ҳамма-ҳаммасига қизиқадилар. Бирпасда саволларга кўмиб ташлайдилар. Мактаб директори, китоблари чиқкан ёзувчи Анвар Мукимов улар учун маҳаллий класик бўлиб қолган.

Бонка соҳа одами сухбатга аралашиб қолса, албатта, битта китобга қанча пул оласизлар, деб сўрайди.

Китобингизнинг орқа муқовасидаги нархи бир сўм деган ёзувга кўзи тушади. Сўнгги сахифани очиб, олтмиш минг нусха босилди, деган ёзувни ўқиб, кўзи тиниб кетади. Бир сўмни олтмиш мингга зарб қиласи. Эҳ-хе, бунга ўнта «Волга» олиш мумкин. Хукуматнинг пули ёзувчиларнинг чўнтаига тушиб кетибди-ку, деб ўйлаб қолади. Бунақада итининг туваги тилладан бўлиб кетмайдими?

Унга тушунтиришнинг фойдаси йўқ.

Унга қофоз ҳақи, ҳарф терувчи ҳақи, бўёқ ҳақи, расом ҳақи, корректор ҳақи, муқоваловчи ҳақи, китобни ротацияда босган уста ҳақи, электр қуввати ҳақи... Буларни унга гапириб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Бари бир у ёзувчилар бой, итининг туваги... вассалом, деяверадилар.

Муаллимлар билан бўладиган мулоқот бутунлай бошқача. Уларни ёзувчининг иқтисодий ҳаёти эмас, маънавий ҳаёти қизиқтиради.

Муаллимлар топган-тутганиларини дастурхонга тўкиб согланлар. Ўз кўллари билан ош дамлаганлар.

Бир сухбат бўлди-бир сухбат бўлди, айтилмаган гап, сўралмаган масала қолмади. Саволларни қалаштириб ташлашиди. Бонларимиз айланиб кетди. «Ўткан куплар» қолмади, «Кутлуг қон» қолмади. «Сароб»ни титкилаб кўрдик. «Кўкан батрак»ни кавлаштиридик. Миртемирнинг «Қора-

қалпок дафтари», Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асарларидаги ёш ёзувчи учун ибрат бўладиган томонларини, маҳорат сирларини эзиб-эзиб гапирдик. «Шум бола»нинг гўзал тили, унда тасвиirlанган Тошкент манзаралари, фавқулодда ўхшатишлар, ундаги бошқа бирон асарда учрамаган киёфалар тўғрисида роса ганиришиди. Айниқса «Қўшчинор чироқлари» тўғрисида баҳс қизиб кетди. Йўқ, баҳс эмас, шу топда романда тасвиirlанган жойда турганимиз учун ҳам уларни ўз кўзимиз билан кўриб тургандек бўлаверамиз. Асарнинг ниҳоятда ростгўйлик билан, санъаткорона ёзилганига қойил қолганимизни яширолмасдик. «Асрор бобо» уруш даврида ёзилган ҳикоялар орасида энг яхиси, деб тан олинган. Бу ҳикоя ва унинг каҳрамони Асрор бобо ҳам биз учун ниҳоятда қадрли. Чунки у бизнинг ён қишлоғимизда яшаган. У туғилиб ўстган Қўштегирмон, Ултарма қишлоқлари шундоккина бикинимизда. Ҳозир сизлар билан гаплашиб ўтирган жойимиз Олчин қишлоғимизда томга чиқиб қарасак Асрор бобо юрган кўчалар, гузарлар кўриниб туради. Бу ҳикояни кўп мамлакатларнинг ёзувчилари, адабиётшунослари мумтоз ҳикоялар рўйхатига киритганлар.

Умуман, Абдулла Қаҳҳор бошқа ёзувчиларга ўхшамagan, ўзига хос услугга эга бўлган санъаткор сифатида қадрланади.

Ёзувчининг отаси Уста Абдукаҳҳор шу жойларда устахона очган. Ёш Абдулла отаси билан ёнима-ён катталардек ишлайди. Тирикчилик кори билан устахонага келган дехқонларнинг сухбатлари қулогига ўринашиб қолган. Хилма-хил ташвиш билан келган одамларнинг киёфалари кўзига сувратдек ўриашган. Шунинг учун ҳам Асрор бобо образи ниҳоятда рост, ишонарли, санъаткорона яратилган. «Асрор бобо» мумтоз ҳикоялар сафидан жой олишга ҳакли, деб тан олинган.

Ёзувчи учун ҳам, китобхон учун ҳам худди шу бугундагидек жонли мулоқот ниҳоятда фойдали ҳамда мароқли эканига яна бир марта икрор бўлдим.

Адҳамни бунақа сухбатлар қизиқтиrmайди. Даврага ўзи бош бўлса, латифалар айтиб ҳаммани ўзига қаратса, гурра-гурра кулдирса.

Сухбатимиздан зериккан Адҳам соатига қараб, энди бас, кетдик, деди. Зарконида бир уй одам бизни кутяпти. Ўша ерда тонготар майшат қиласиз, зўр аскиячилар ўша ерда. Кобилжонни булбул қилиб сайратамиз, айда, кетдик...

Үлмас билан икковимиз боролмаслигимизни айтиб үзр сўрадик. Бу срга майшат учун эмас, бопқа иш билан келганмиз, мезбонга узримизни айтиб қўй, деб илтимос қилдик.

Зиёфатга борадиганларни Адҳам олиб кетди. Анваржон, энди меҳмонлар дам олишсин, деб мезбон муаллимларга жавоб бериб юборди. Ўзи пионер лагери учун олдириб қўйган йиғма каравотларни супа ёнига қўйиб, жой қилиш билан банд.

Ўлмас бир киссанинг хомаки сюжети боинда айланётганини айтди. Бўлгуси киссанинг икки иштирокчиси бир кишлодка яшайди. Иккови ҳам архитектура институтининг охирги курсида ўқиди. Диплом ёқлаш ҳаракатида.

— Вокея Янгиқўрғоннинг айланма гузари билан Фурқат станцияси оралиғидаги йўлларда ўтиши керак. Ҳозирча ўйлаганим шу, холос. Агар сизга малол келмаса, машинангизда шу йўлнинг тунги манзараларини бир кўрсам дегандим. Ўз кўзим билан кўрсам, фикрим ти ниқлашармикан, деб ўйляяпман.

Анваржон унинг гапларига қизиқиб қулоқ соляпти.

Анвар Муқимовни ёш ёзувчилар семинарида танигандим. Унинг яхшигина бир ҳикоясини ўқиб катта газеталардан бирида «Оқ йўл» тилаганман.

Абдулла Қаҳҳорнинг маслаҳати билан уни «Муштум»-да ишлаш учун Тошкентга чакирадиган бўлдик. Лекин унинг бунга хоҳини бўлмаяптими ёки келишига бирон тўsicк борми, билиб бўлмайдиган ланж ахволда эди. Таклифимизга на ха, деди, на йўқ.

У Олчин қишлоғидаги ўрта мактабда директор. Малакали ўқитувчилар кам бўлганидан ҳар икки сменада ҳам адабиёт дарсини ўзи олиб боради. Оталиғидаги иккита етти йиллик мактабда ҳам кунора дарс беради.

Район ҳалк маорифи бўлимида ўtkазиладиган турли семинарлар, конференциялар, ветеран ўқитувчилар билан учрашувлар усиз ўтмайди. Бунака тадбирлар учун маориф пул аямайди. Узоқ қишлоқлардан келган ўқитувчилар газеталарда доимо ҳикоялари босиладиган тирик ёзувчи билан ҳаяжонли учрашувда худди Ойбекни ёки Faфур Гуломни кўраётгандек қўзлари яшишаб ўтирадилар.

Анвар Муқимов бу учрашувлардан қуруқ кайтмасди.

Отасини невара-эваралари «Катта» деб аташарди. У, худди солик инспекторларига ўхшаб, қаердан ўғлининг

қанча пул олганини аник билиб юради. Пулни ўғлиниң кўлидан қоқиб олмагунча кўнгли тинчмайди.

— Айваржон укам, — дедим унга. — Сиз ўсишингиз керак. Тошкентда устозлардан сабоқ оласиз, пойтахтдаги адабий мухит, ўз тенги ёш ёзувчилар билан бўладиган мулокотлар фикр доирангизни кенгайтиради. «Муштум» эса сизни элга танитади. Келсангиз ёмон бўлмайди...

— Кани, эшикдагилар билан бир маслаҳатлашиб келай-чи, — деб Олчинга жўнаб кетди.

«Катта»дан рухсат тегди, шекилли, кўрпа-тўшагини орқалаб Тошкентга келди.

Айваржонга Тошкентда яшаш осон бўлмади. «Катта» ҳар ойда қишлоқда топадиган миқдорда пул юбориб туришини бўйнига кўйиб жўнатган эди. Вазирлар оладиган маошдан бир ярим баробар кўп пул топишининг асло иложи йўқ эди.

«Муштум»дан оладиган маоши, қалам ҳаки отаси та-лаб қилаётган пулга урвоқ ҳам бўлмасди. Ейиш-ичиш, квартира ҳаки, трамвай ҳаки олган маошини ямлаб қўярди.

Унга адабиёт жамғармасидан икки марта ёрдам пули, «яхши ишлайти» деб редакциядан мукофот пули ҳам олиб бердик. Кўча овқатига пул етказиб бўладими? Уй эгаси, берадиган пулинг чироқ ҳақига ҳам етмайди, деб соат ўн бўлиши билан электрни ўчириб қўяди.

Айваржон озиб-тўзиб, ранг-рўйи бир ҳолатда бўлиб қолди. У эрталаб ионушта қилмай Кўкчадан пиёда оч-нахор ишга келади. Шу ахволда у отаси белгилаб қўйган пулни юборишга мажбур эди.

Охири, бўлмади. Бу ахволда бирон дардга чалиниб қолмасин, деб қишлоққа қайтиб кетишига рози бўлдик.

У қадрдон кўрпа-тўшагини орқалаб, туғилган Олчин қишлоғига қайтиб кетди.

Ўлмас бирон асар ёзадиган бўлса «одамови» бўлиб қоларди. Бошқа ишларни унтар, факат ёзаётган асари ни ўйларди. Шу пайтларда у меҳмонга ҳам бормас, меҳмон ҳам чакирмасди. Унинг бу одатини билмай тасоди-фан келиб қолган танишларини қачон кетаркин, деб бе-зовта бўлаверарди.

Унинг феълини билганимиз учун безовта қилмасдик. Иши битгандан кейин ўзи телефон қилиб, келаверинглар, «туғиб» бўлдим, деб куларди.

«Севгим-севгилим» қиссасини бошлаганига хали йи-гирма кун ҳам бўлмаганди. Ўзи телефон қилиб қолди.

— Бизникига келсангиз. Ош дамлайпман. Нозик мөхмөн келгап. Сигаретни күпроқ ола келинг. Мөхмомимиз капшанда чикиб қолди.

Айтган вактида бир блок «Родопи» сигарети билан етиб бордим. Даастурхон атрофида номдор ҳайкалтароши Яков Шапиро, «Ўзбекфильм» режиссори Мухтор Оғамирзаев билан... айтсам ишонмайсиз, росмана космонавт ўтирипти. Унча-мунча космонавт эмас, беш марта фазо кемасида учган, икки марта «Олтин юлдуз» олган Жонибеков ўтирипти. У аввал қўлимдаги сигаретга, кейин ўзимга каради. Битта чектиринг, биродар, деди ялингандек.

Бир блок «Родопи»ни қўлига бердим. Шошиб блокнинг зар қоғозларини бирпасда шилиб олди. Битта пачкани очиб, ичидан сигарет чиқазди-ю, зажигалкада ўт олдирди. Ҳузур қилиб сўрди. Оғиздан паға-паға тутун чиқарар экан, менга миннатдор бир қараш қилди.

Шу билан танилигимиз бошланди. Суҳбат орасида, фазо кемасида чекиш мумкин бўлмаса керак, унда қандоқ қилиб чидайсиз, деб сўраймай.

— Биласизми, чекиши мутлақо эсимга ҳам келмайди. Фазога учадиган қуним ҳам эрталаб босиб-босиб чекканман, Космодромга келишим билан умрида чекмаган, ҳатто сигаретни ушлаб кўрмаган одамга айланаман. Ҳар гал шунақа бўлади. Мураккаб аппаратлар, вазисизлик холати, бажарилиши лозим ғоятда аниқ бўлган юмушлар, мисқол-мисқолигача ўлчанган буюмлар, иллюминатор орқали фазо қенглигини синчковлик билан кузатишлар, ерга аниқ маълумот юборишлар бутун вужудимни эгаллаб олади.

Ерга қўнишум, оёғим ерга тегиши билан ҳушум ўзимга келади. Биринчи учраган одамдан сигарет сўрайман.

Ўлмас ҳам шунақа. Асар ёзишга ўтиридими, тамом. Бошқа нарсаларни унутади, ёзаётган асари тугагандан кейингина хуши ўзига келади...

...Ўлмас билан энди йўлга тушмокчи бўлиб турган эдик, кафтларини бир-бирига ишқаб Аивар келиб қолди.

— Бормасангиз бўлмас экан, кутиб ўтиришипти.

— Аиваржон билан икковларинг айланиб кела қолинглар, бормасам бўлмайдиганга ўҳшайди, — дедим унга машина калитини узатар эканман.

Борганимда зиёфатдан файз кетиб бўлган, район газетасининг мұхаррири Мирзаабдулла кайф устида одамгарчилик, меҳр-оқибат тўғрисида кўп «доно» гапларни

айтаётган эди. У мени кўриб кўзлари яшиаб кетди. Гандираклаб келиб бағрига босди.

— Бу менинг қадрдоним. Уйимда ётиб қолганда қок ярим кечаси машинка чиқиллатиб ҳикоя ёзган. Оти нима эди? Ҳа, топдим. Ҳикоянинг оти «Ялпиз ҳиди» эди. Зўр ҳикоя чиққан, аммо-лекин. Ўзининг машинасида уни Найманга оборганман, Эшонтўпига оборганиман.

Мирзаабдулла хонадон сохибини кўп балолардан асрар юришини билардим. Бу хонадон ўзиники бўлиб қолганидан хам хабарим бор эди.

Бачкирлик ҳаваскор хонанда «Онам дерман»ни бошлиди. Мирзаабдулла ашулани тўхтатиб уни турғизди. Судраб ташқарига опчиқиб кетди:

— Шу ерда туриб айтасан. Ҳамма эшитадиган килиб қаттиқ-қаттиқ айт!

— Бу таъсирли қўшикни кўзингни юмиб эшитсанг маза қиласан, — деди кайфи ниҳоятда ошиб қолган йигит. У кўзини юмди-ю, ухлади-қолди.

Хофиз бола «Онам дерман»ни ниҳоятда берилиб айтарди. Қўшиқ авжига чиқканда хотинлар бирдан уввос солиб йифи бошладилар. Йифи орасида «Жаннатмаконим онам» деган сўзлар қулоққа элас-элас чалиниб қоларди. Гўё хотинлар бўғзида куч билан ушлаб турган фарёд, алам-ситам бирдан ташқарига отилиб чиқаётган эди.

Пишиқиб кетган Аивар шошиб ташқарига чиқиб кетди.

Хонадон эгаси ҳофизини этагидан тортиб ичкарига олиб кирди. Учиб қолганлар алаҳсираб хар замонда бир «дўй-ўст» деб юборишарди.

Үйкум келиб мудраяпман. Бир кеча-кундуз кўз юммай машина хайдаб келишнинг ўзи бўладими! Адҳамга, кетмасам бўлмайди, жон дўстим, менга жавоб олиб бер, деб ёлвордим.

Алҳам ичидагап ётмайдиган одам. Унга бир гап айтсанг, эртасига бошқа шахарда эшитасан.

— Мен бунга Ёзёвонда тегирмонда туйилган икки кило аччиқ қалампирни қатиққа қўшиб ичирганиман. Ўлиб қолишига бир баҳя қолган. Майли, чарчаган экан, кетса кета қолсин, — деди.

Ана шу гапдан кейин Адҳамнинг шофёри мени мактаб боғига ташлаб қўйди. Йўлда у «Домла, кетиб жуда тўғри қилдингиз. Бу ерда жуда хунук иш бўлган. Нима бўлганини эртага биласиз», деган эди.

Боғ жимжит. Ўлмас маза килиб ухляяпти. Мен муд-

раб судралгандек бориб жойимни топдим-у, ётиб ухладим-колдим.

Шовкин-сурондан уйғониб кетдим. Күзимни очиб қарасам, кечә зиёфатта борган йигитларимизнинг ҳаммаси шу ерда. Йўлдош Сулаймон ўзини қўярга жой тополмай у ёқдан-бу ёққа юрар, қўлини ҳавода силкитиб,вой аблак-е,вой сволоч-е, деб тинмай сўкинарди.

Кечә рубоб чалиб «булбул» бўлиб сайраган Қобилжон тамоман ўзини йўқотгаи, бирон нима дейишга тили айланмасди. Адҳам ҳамон ўша-ўша Адҳамлигича. Гўё хеч гап бўлмагандек юрипти.

— Мирзаабдулла аканинг гаплари ҳаммадан ҳам ошиб тушди... — дер эди Худойберди. — У хонадон эгасининг елкасига қоқиб, йигит киши ана шунаقا ўғил бола бўлиши керак, деб уни чўпиллатиб ўрганига ўлайми. Устоз, сиз авлиё одам экансиз. Худо қўнглингизга солганимиди, билмайман. Вақтида кетиб, бу маломатлардан, бу қарғишлардан кутулиб қолдингиз.

— Дурустрок тушунтириб айтсанглар-чи. Ўзи нима гап, типчликми? — деди хайрони бўлиб Ўлмас.

Худойберди бошини кўтарди.

— Шарманда бўлдик, устоз. Биронтамиз шу пайтгача эл олдида бунақа мулзам бўлмаганимиз. Биз майшат қилиб мастиласт бўлиб, кийкириб ўтирганимизда мезбонининг онаси оламдан ўтган экан. Бу воқсани бизга билдирмаган. Марҳуманинг қизлари, келинлари, сингиллари кўзда ёш билан қозон бошида хизмат килаётган эканлар. Ҳовлининг бир бурчида кийкирик, кулги, қўшик, бир бурчида кўзёши, фарёд, изтироб. Тоңг отиб кетди. Мезбонга бу қувноқ, бу шодон базм учун раҳматлар айтиб чиқиб кетяпмиз. Шу пайт мезбон орқамиздан келиб, «волидамизни бериб қўйдик, кайтиб кириб фотиха ўқиб кетсангизлар», деб колди. Ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмадик. Мехмонларнинг ҳаммаси масти. Оёқда туролмайди. Жанозада масти бўлиб гандираклаб юриш жуда хунук бўлар экан. Баъзилар ўзини эплолмай қолган.

Худойберди ер чизиб ўтирган Қобилжонга қаради.

— Қобилжон бечора нима қилишини билмайди. Бутун қишлоқ ахли жанозага кириб келяпти. Қобилжон қўлидаги рубобини қаёққа япиришини билмайди. Орқага қайтиб «базм» бўлган меҳмонхонага қўйиб чиқай, деса у ер йиғишишилиб, фотихачиларга жой қилиб қўйилган. Энг одобсиз отарчи ҳофиз ҳам жанозага рубоб кўтариб келмайди. Каергадир ташлаб ~~келди~~, Қобилжон ру-

бобини қаерга яширади? Шунча йил қадрдан бўлган, уни элга манзур ҳофиз килган рубоб ҳозир қўлларини чаён бўлиб чақарди.

Мирзаабдулла ака мезбонни бағрига босиб:

— Ўғил боланинг ишини қилдингиз, дўстим. «Отавонанг ўлса ўлсин, ёри дўстинг ўлмасин» деган доно гапга юз фоиз амал қилдингиз, қойил. — У шундай деб мезбонни чўпиллатиб ўпа бошлади.

Шу пайтгача кафтларини бир-бирига ишқаб жимгина турган Айвар Эшонов гапга аралашди:

— Ўтиравериб пишиқиб кетдим. Ташқарига чиқиб дарахт наласига ўтдим. Мендан беш-олти метр нарида, электр нури аранг ёритиб турган жойда мезбонимиз бир хотин билан қаттиқ гаплашяпти.

— Ўзинг ўйласанг-чи, апа, қандок қилиб айтаман, қайси юз билан айтаман?

Сенда ҳам юз борми, ноинсоф. Кириб шундок-шундок бўлди, де. Тамом. Ё шу гапни ҳам айттолмайсанми? Ахир, уларни ҳам она туккан-ку!

— Хотин кишилигингга борасан-да, апа.

— Агар сен айтмасанг, ҳозир ўзим кириб айтаман. Онагинамни тиригида хор қилганинг каммиди, энди...

Хотин бир силтаниб меҳмонхона томон интилди. Мезбонимиз унинг йўлини тўсди.

— Шунаками, бўпти. Меҳмонларинг билан қўшимзор бўл. Поччангни мошинаси билан онагинамни «Тагоб»га олиб кетаман. «Тагоб»лилар нега майитни бакқа олиб келдинг, деса, уруғимиздан биттаси ҳез чиқиб қолди. Зарконида бош кўтаролмай қолдим, дейман. Жанозани ҳам, бошқа маросимларини ҳам шу ерда ўтқазаман, дейман.

— Оғзингга қараб гапир, апа! Уриб жағингни айириб ташлайман.

— Қўлингдан келадиган ишдан гапир, бу ишни эркак одам килади.

Хотинлар келиб «Апа»ни судрагандек қилиб олиб кетишди...

Кайтиб ичкарига кирдим. Базм авжида. Орқама-орқа кирган мезбон қўлини қўксига қўйиб, «Хуш кўрдик, азиз меҳмонлар», деб илжайди.

(Бўлиб ўтган қўнгилсиз воқеадан эл олдида хижолат чекмасинлар, деб қинилок ҳамда уй эгасининг номини пича ўзгартириб қўйдим.)

Муаллимлар ҳам бирин-кетин кириб кела бошлишди.

— Яхши ётиб турдингларми, аммо биз роса маза килдик. Таваккалжоннинг кўшикларидан сел бўлиб оқдик.

Ухлаётганимда шамол қаердандир Таваккалнинг овонини элас-элас олиб келаётган эди.

Ўша тўйга борган муаллим тассуротларини оқизмай-томизмай гапира бошлади:

— Эсингларда борми, «Янги матч» тепасида самолёт тоққа урилиб қулаганди. Ўшанда «Найман-бустон»лик бир отахоннинг кизи билан кўёви ҳам ҳалок бўлганди. Уларнинг тоғ орасида музлаб қолган жасадини лўм билан кўчириб, вертолетда олиб келишганди. Улардан уч яшар ўғил бола етим қолган экан. Боланинг бўйи чўзилиб, овози дўриллаб копти ҳамки, чолнинг қўли қисқалик қилиб, халигача суннат қилдиролмаган экан. Ижроқўм бобонинг ўзи бош бўлиб тўй бошлаб юборибди. Таваккал Кодировни тўйга чакиртирипти.

Бир тўй бўлди, бунақа тўйни ҳали кўрмаган эдим. Бозорқўмлар, бензинчилар, бош ошпазлар, кассоблар, кабобиазлар — бир томонда колхоз кассирлари, совхоз бухгалтерлари, омборчилари — бир томонда. Ана пул кистиришу мана пул кистириш. Ҳофизнинг олдига нонсават кўйдилар. Кетма-кет саватга пул ташлаб туришибди.

Таваккал ўн бешта ашулани кетма-кет тўхтамай айтиб, рубобини микрофончи шеригига берди-да, саватдаги пулларни тўй эгасининг этагига тўқди.

— Мана шу пуллар сизга менинг тўянам, отахон. Рози бўлсангиз, битта ўн сўмликни ният қилиб оламан. Мен ҳам сизнинг ёшинигизга етайди...

Чол йиғлаб юборди. Кўзи тўла ёш билан: «Болачақангнинг роҳатини кўр, мартабанг бундан ҳам улуф бўлсин», деб дуо килди.

Таваккалнинг бу одатини мен ҳам билардим. Бечораҳол одамларнинг амал-тақал қилиб ўтказаётган тўйларида хизмат қилиб, тушган пулларни олиб кетмай тўй эгасига ташлаб кетишидан хабарим бор эди.

Атиги йигирма тўрт соат, яъни бир кеча-кундузда ўзи ҳам, тақдирни ҳам, қиёфаси ҳам бир-бирига ўхшамаган, «Дунёйи бо умид» деб чумолидек меҳнат қилса ҳам косаси оқармаган — омади келмай тақдирга тан бериб яшаётган бечораларни, иккинчи томонда иши юришиб ўзини йўқотган, дунёни пул ушлаб турипти деб жиндек амали бор одам олдида эмаклаб юришга тайёр насткашларни ҳам кўрдик.

Шу бир кеча-кундузда, яни йигирма түрт соат мобайнида бири шодликка тұла, бири ғам-андухга ботган воқсаларнинг шохиди бўлдик.

Кани эди уйда ўтириб, қаламни сўриб, воқсаларни ҳам, одамларни ҳам тўқиб чиқазадиган ёзувчиларимиз юрт кезса, хилма-хил тақдирли кишиларга рўбарў келса, дехконнинг далада ҳазон ёки қайнатган тутун иси келадиган қумғон чойидан ҳўплаб сухбат курса, балки ўзи ҳам снгил тортармиди, ёзганлари ишонарли чиқармиди, деб ўйлайман.

Бир кеча-кундуз. Атиги йигирма түрт соат.

Соф, ҳар кандай сунъийликни бағрига сифдирмаган умримнинг унудилмас яхлит бир парчаси, бир кеча-кундуз, сенга таъзимлар қиласман!

Юрган дарё, ўтирган бўйра, дейдилар.

\* \* \*

Анвар Эшонов «Колхозлар тарихи институти»дан Кува колхозининг раиси Шербўтаевга хат олиб келган экан. Раис билан учрашиш учун «Бекат»га кетар экан, «Бугун келолмасам хавотир олманглар, эрталаб етиб келаман», деди.

Мусажон Шербўтаев республикада таникли одам. Унинг колхози илғор хўжаликлар қатори қурултойларда, пленумларда тилга олинарди. Ўзи ҳам жуда дилбар, сухбати ширин инсон.

Эртасига эрталаб етиб келган Анвар қилган ишларини, раис билан курган сухбатларини оқизмай-томизмай айта бошлади.

У икки соатдан ортиқ Шербўтаев билан гаплашиб, уч соат ўтириб ёзганларини раиснинг машинасида Фарғонага – вилоят газетасига олиб борган, редакция машинисткасига икки соатдан ортиқ диктовка қилиб ёздирган.

Машинистка опа жуда тезкор экан. Мен айтиб турибман, у ёзиб ташляпти. Чумоли изига ўхшаган қўлэзмамни эплаб ўқигунимча, ха қани, буёғини айтинг, деб кутиб қолади. Икки соатга колдирмай йигирма бет материални шатирлатиб босиб ташлади. Куни билан хатга тикилган кўзларим жимиirlаб кетяпти. Энди кандоқ қилиб Кувага бораман, раисга телефон қилиш қийин. Шахарлараро телефон станция орқалигина Кувага билан гаплашиш мумкин, деб ўйлаб турганимда, сизни телефонга чақиришяпти, деб қолишиди. Бориб трубкани ол-

сам, раис. Машина қачон борсии, деб сўраяпти. Унга машинистка ҳақини ҳам бериб юборсангиз яхши бўларди, деб айтдим.

Кўчирилган сахифаларни редакция котиби пешма-пеш ўқиб, яхши, тиник чикмаган харфларни тузатиб бораётган эди. Ўзим ҳам синчилаб ўқиб, кайтарик сўзларни тузатдим.

Биринчи сахифанинг энг тепасида шундай сўзлар бор:

«Колхозлар тарихи институти» йўлланмаси билан.

«Нурга иштилганлар»

Мухаррир ҳам дикқат билан ўқиб чиқди. «Бугунги сонга туширилсин», деб имзо чекди. Масъул котиб жин-дек фашлик килгандек бўлди.

— Газета деярли босишга тайёр бўлиб қолган эди-ку.

— Шу сонга берасан. Учинчи сахифага. «Афанди латифалари»ни олиб ташла. «Лоффлар»га бало борми? Бу бачканга миниатюраларни кайси ахмоқ ёзган?

Шундай килиб, мақоланинг ярми бугун «Давоми келгуси сонда» деб босиладиган бўлди. Босмахонада линотипчилар аллақачон теришни бошлаб юборган эдилар.

Мухаррир, эртага Йўлдошли газета билан иккала сахифа учун қалам ҳақини сизга обориб беради, деб менга рахматлар айтиб кузатди.

«Бекат»га келиб ёзганларимни раисга ўқиб бердим. Жуда маъкул бўлди.

— Тошкентда раисларнинг икки ойлик малака ошириш курсида ўқиганимизда Отабой Эшонов деган академик бизга «Конституция ва фуқаролик хукуклари» деган мавзуда уч-тўрт марта маъруза килган эди. Сиз шу одамнинг ўғиллари эмасмисиз, ўхшаб кетяпсиз, — деб сўради.

— Қаттиқ чарчаган эдим, пима деб жавоб берганимни билмайман. Шошиб овқат едиму ётиб ухлаб колдим. Уйғонсам, тонг отиб, офтоб чараклаб турибди. Раис йўқ. Каёққадир кетибди. Иш тифиз пайт, дала айлангани кетган бўлиши керак. Кўчага чиқиб эрталабки ҳавода айланниб юрган эдим, раис кўлида бир даста бугунги газста билан машинадан тушди. У хурсанд. Газетанинг бутун бир сахифасини эгаллаган. «Нурга иштилганлар»ни кўрсашиб, тагига «давоми келгуси сонда» деб ёзиб қўйипти. Койил, чапдаст ёзувчи экансиз, деб елкамга қоқиб қўйди.

Девона феъл Аивар ўзини гўлликка солиб, бирга келган дўстларини «куйдириш» учун газстанинг мақола босилган сахифасини очиб, устига йигирмата ўй сўмлик-

ни териб чиқди. Охирига, «Давоми Йўлдошалининг чўнта-  
гида» деб ёзилган қоғозни ҳам қистириб қўйди.

\* \* \*

Хорунбой Эрматов район котиби. Ўтган йили Қаҳра-  
монлик унвонига сазовор бўлиб, «Олтии юлдуз» таққан  
фарғоналикларнинг бири. Ўзи жуда шинаванд одам.  
Санъат-адабиёт ахлларини бошига кўтаради. Келгани-  
мизни эшитиб Адҳамга, меҳнаткашларимиз билан бир  
учрашув кильсак, қандок бўларкин, деган экан. Эртага  
ўша ёққа борадиган бўлдик.

Ўлмас билан икковимиз Анваржон етовида катта йўл  
ёқасидаги ховлилардан бир-иккитасини кўргани йўлга чик-  
дик. Ўлмас ёзмоқчи бўлган қисса иштирокчиларидан ик-  
китасига ховли кўришимиз керак. Биз танлайдиган хов-  
лилар ўта замонавий ҳам, жуда эскича ҳам бўлмаслиги  
керак. Ҳудди шу кунларнинг одамлари яшайдиган од-  
дий, лескин бир қараганда ховли эгасининг кимлигини  
«айтиб» турадиган покиза, файзли, рўзгор буюмлари  
ҳам ортиқча зийнатли бўлмасин. Тўғри, бунақасини дар-  
ров тополмайсан. Кам-кўстлари ҳам бўлади. Ҳалқда «Ко-  
зончида ихтиёр — қайдин қулоқ чиқарса» деган накл  
бор, қолган-қутганини ёзувчининг ўзи қўшиб-чатиб ола-  
ди.

Биринчи кирган ховлимиз жуда ивирсик, ҳар ер-ҳар  
ерда гўнг ўюлиб ётиди. Ўн бештacha товуқ уларни тин-  
май титкилаб, ҳаммаёққа сочиб ташлаган.

Иккинчи ховли аввалгисидан ҳам баттар. Икки аза-  
мат йигит ҳамма нарсани унутиб шахмат суриншапти.  
Шундек ёнгиналарида кир юваёттан хотин ариққа ма-  
звава тўқар экан:

— Камиссиямисизлар? — деб сўради. — Газ йўқ,  
раисларнида бор, бизнида йўқ.

У липпа урилган этагини ҳам туширмай, «Шуни даф-  
тарга ёзиз қўйинглар», деди.

Чиқиб кетдик. Хотин орқамиздан жавраганча қолди.

— Бошқалари ҳам шунақамикан? — деди Ўлмас Ан-  
варжонга қараб.

— Йўғ-е, — деди у, — жуда покиза, файзли ховли-  
лар ҳам кўп. Қани, қўраверайлик-чи.

Кетма-кет саккизта ховли кўрдик, газчилар план қил-  
гани келишган деб ўйлаб, хотин-халаж орқамиздан эрга-  
шиб юриди.

Кўрганларимиздан иккитаси ҳудди биз қидирган ховли

эди. У саранжом-саришта, файзлигина, озода эди. Узум новдалари балаңда валишга чиройли килиб тараган. Фўра туғиб қолган «пошишой» ўриги шохидаги иккита бедана қовок илиб қўйилган. Устига тўқ яшил мато ёпилган қафас титраётгандек кимирлаб турипти. Ундан ҳар замонда бедана чўкиб ташлаган тарик тўклилади. Шифер томда кўлбола антения. Шифтига ҳафсала билан нақш чекилган айвонда, устига баҳмал ёпиб қўйилган, кўлда ҳам, оёқда ҳам, электр кувватида ҳам ишлатса бўладиган тикув машинаси. Ҳовли ўртасидаги сўрида офтобда кўпчисин, деб охорли атлас кўрпанинг астар томони ёйиб қўйилган.

— Гулчехранинг ҳовлиси, — деди Ўлмас ўзидан-ўзи.

Гулчехра ким, деб хеч ким сўрамади. Шу топда Ўлмас ўзи хаёлан яратаетган қисса иштирокчисини тасаввур килаётганини сезиб турадик.

Ўлмаснинг чехраси ёришди. «Пошишой» шохига илиб қўйилган тўрқовоқ тагига қўлини тутди. Кафтига бир-икки томчи сув тушди.

Иккита ҳовлидан кейин яна битта шунаقا файэли, озода, саранжом-саришта ҳовлига кирдик. Ошхона деворида куёни кувлаб кетаётган бўри сувратига қўзимиз тушди. Суврат тагига «Ну, погоди!» деб ёзиб қўйилган, ҳовли этагида пуштасига саримсоқ пиёз қадалган қулупнай арифига галифе шим кийган ўрта яшар бир киши сув очишли.

Чилонжийда тагида дўнг пешонасида осилиб тушган куюқ, узун толалар қўзларини бутунилай тўсиб қўйган оппоқ бир кучук бола ёнига яқин келган мусичага фашлик қилиб акиллаяпти. Кичикроқ олхўри кокисидек қоп-қора тумшуғи бўлмаса уни бир ҳовуч пахта деб ўйлаш мумкин эди.

У олд оёқлари билан каттакон елим халтани босиб кўриклаяпти. Халтада қўл насоси, тўрт бешта ёнфок, юрмай қолган эски ёнсоат, велосипед қўнғироғи, милтиқдан чиқазиб ташланган гилзалар, шоколад зар қофозлали, ичига нўхат солинган тунука хуштак ҳамда бир синик қўзойнак бор.

У ёнидан ким ўтса кўриклаетган «хазина»сини қизғаниб ириллайди. Бизни кўриб жон-жаҳди билан акиллаади. Ўз овозидан ўзи чўчиб елим халтани тишлаб судраганча уй орқасига ўтиб кетди. Гўё бир ҳовуч оппоқ жунини шамол учирив кетгандек бўлди.

Кулупнайга сув очган киши лой бўлиб кетган кали-

шини ечиб ариқда оёғини ювар экан, ховли ўртасида тұнтарилиб ётган бир пой шиппагига қаради.

— Ҳа, ярамас, — деди у ҳадиксираб турған күчүкчага. — Шундан бошқа әрмабинг йўқми? Ҳали қараб тур...

— Бу Абдулланинг тоғаси, — деди Ўлмас пичирлаб.

Офтобрў томондаги кенг айвон шифтида худди бояги айвон шифтига чекилған нақш. Икковини ҳам битта нак-қош чеккан бўлса керак, деб ўйладик. Айвон ўртасидаги каттакон стол устида орқа қопқоғи очилган «Рекорд» телевизори. Афтидан, уста керакли лампочка топиб келиш учун хозиргина чиқиб кетганга ўхшарди.

Абдулланинг «тоға»си ювилған оёғининг биттасида шиншиллик билан сакраб-сакраб, тұнтарилиб ётган бир пой шиншиллик тепасига келди. Энгашиб, кийналиб оёғига илар экан, муюлишда унга гунохкорона қараб турған күчүкчага «сен» ярамасни лўлининг лайчасига уйлаб қўйганим бўлсин, ана ўшанда «келин»нинг орқасида хуржунини тишингда кўтариб, лўкиллаб юрганингни томонаша қиласман дея кулди.

Күчүкча асабий бир алпозда югуриб бориб бир оёғини кўтартганча тизиллатиб девор тагини ҳўллаб, хотиржам қайтиб келди.

Ховлидан чиқиб кетарканимиз, күчүкча орқамиздан остоңагача акиллаб келди. Анваржон унга таҳдид қилиб, икки марта депсиниб ер тепинган эди, вангиллаб қочиб қолди.

— Бўлди, — деди Ўлмас, — менинг ишм битди. Колгани «қозончининг қўлида».

Эрталабдан бери ўзимни лоҳас сезяпман. Бутун вужудим қақшаб оғрияпти.

— Ўлмас, — дедим зорланиб. — Машинани минолмайдиганга ўхшайман. Энди то Тошкентга етгунимизча машина сеники.

Ётөқ жойимизга келганимизда Анваржон медпункт навбатчиси, фельдшер чолни бопилаб келди. У ёқ-бу ёғимни текшириб, юрагим уришини эшишиб, ҳароратимни ўлчаб кўрди.

— Иситмангиз анча баланд, тинчрок жойда ётиб, укол олиб, бир кунгина даволансангиз отдеқ бўлиб кетасиз,— деди кекса фельдшер, у айтган «тинчрок жой» атлас комбинатининг сихатгоҳи эди.

Ўша ерда ётибман. Иситмам тушган. Лекин кўзимни уйқу босиб, ўринмдан турсам гандираклаб кетяпман.

— Чарчабсиз, каттиқ чарчабсиз, оксоқол. Тўйиб бир

ухласангиз, дард кўрмагандек бўлиб кетасиз, — деди даволовчи шифокор.

Каинча ухлаганимни билмайман. Кўзимни очсан, тепамда Умарали турипти.

— Бунақа қилиғингиз йўқ эди-ку, — деди Умарали юпатувчи қандайдир бир оҳангда.

Очик кўнгил, бирорга тирноқча ҳам озор бермайдиган, оғзидан бирон ножёя сўз чикмаган, ўта одобли, маданиятли бу олим йигитни қаттиқ хурмат қиласардим. Ёзганларимнинг биринчи ўқувчиси, биринчи баҳоловчиси ҳам шу эди. Агар бирон асарим китобхон оғзига тушиса, илик-иссик гаплар бўлса мендан олдин у севиниб кетарди.

Уни кўриб чехрам ёрингандек бўлди. «Одам тафтини одам олади» деганилари шу бўлса керак-да.

Водий сафарларимизда у албатта бирга бўларди. Эркин Воҳидов, Уткир Хошимов хизмат тақозоси билан бу галги сафарга чиқолмадилар. Умарали эса университетнинг сиртки талабаларидан имтиҳон оляпти.

— Сизлар кетдингизлару мен бечора етим боладек мунғайиб қолавердим. Сиртки талабаларимга, хордик куни ҳам имтиҳон олмоқчиман деганимда севиниб кетишди. Тошкентда бир кун бекор юришдан кутулдилар. Водиллик талабамнинг «Жигули»сига ўтириб бакка келавердим.

Умаралининг қизик одатлари бўларди. Ювуқсиз, иркит одам билан кўришиб қолса, меҳмонхонага югуриб бориб чўмилиб келарди. Ўпиниб кўришадиганлардан қочиб юрарди. Тирноғи ўсиб кетган одам чой узатса олмасди. Пешонаси-бўйни терлаб, ҳадеб дастрўмолини шилта килиб ўтирадиган одам ёнидан туриб ҳовлига чиқиб кетар, қайтишда бошқа одам ёнига келиб ўтиради.

— Сизни менга худо етқазди. Эртага Қува марказида Ўлмаснинг «Севгим — севгилим» қиссаси муҳокамаси бўлади. Мен бу аҳволдаман. Муҳокамани ўзингиз ўтқазиб берасиз, — дедим унга ялингандек. Индинга Хорунбой aka ёзувчи меҳмонларни бедана овига олиб чиқмоқчи. Тоза ҳавода маза килиб, бир айланниб келасиз.

Биламан. Умарали бедана овига бормайди. Ўқ еб ти-тиричилаб жон бераётган беданаларни кўришга юраги дош беролмайди.

У болалик пайтларида уйда қўй сўймоқчи бўлсалар, уни қариндошлариникига жўнатиб юборардилар. Кўрса мутлақо гўйит емай қўяди, деб шундай қиласардилар. То у

келгүнча терисиу калла-почасигача кўз тушмайдиган жойга яшириб кўярдилар.

Шунақа инжиқ одамларнинг хотинига осон тутиб бўлмайди. Кунига неча марталаб дастрўомулут кийим-бош алмаштирадиганларнинг хотини кир ювишдан бўшамайди. Унинг хотинидан, келин, тирикчилик қалай, деб сўрайман.

— Дорилфунунга кўшилигимиз ҳам бошимизга бало бўлди. Ликка-ликка кириб келаверадилар. Битта бефаҳм мен билан қучоқлашиб кўришди, деб чўмилиб кийим алмаштириб чиқиб кетадилар, сал вакт ўтмай, кўли терладиган биттаси кўришиб кафтимини жиққа шилта килиб юборди, деб яна ювингани келадилар. Дорилфунундан оладиган маошлари факат совунига етади. Газета-журналлардан, радиодан, телевизорлардан оладиган қалам ҳақларини нон пули килиб ўтирибман.

Келин тагдор гапни тушунадиган бешариқликлардан эди.

Умарали билан анча гаплашиб ўтиридик. Рухим енгил тортгандек бўлди. У эртага албатта «Севгим — севгилим» учрашувини ўзи ўтқазишга сўз бериб чиқиб кетди.

Бош шифокор ҳам гапни топиб-топиб гапирадиган серхазил киши экан.

— Жуда эрка касал чиқиб қолдингиз. Серқалампир аччик шўрва ичиб, ўралиб ётса тузалиб кетадиган нарсаку, бу. Бугун ётиб бир ухланг, эртага хайдаласиз. Кўряпсизми, сиздан бошқа битта ҳам «бемор» йўқ. Бир ўзингизга қозон-чўмич, идиш-товоқ килиб шунча одамни овора килиб ўтирибмиз.

Дарҳакикат, бу шифохонада мендан бошқа битта ҳам даволанувчи йўқ эди. Билишимча, ҳамширалар, фельдшерлар, шифокорлар ёрдамчи хўжаликка у-бу экиш, экилганларнинг тагини чопиш, сугориш учун боришлари керак. Мени ташлаб кетишолмаяпти. Инсоф ҳам керак, дедим ўзимга ўзим.

Эрталаб соат ўн бирларда бош шифокорнинг ўзи мени «тез ёрдам» машинасида учрашув бўлаётган жойга олиб борди. Машинага жавоб бериб юборди-да, ўзи қолди.

— Мана, эрка касалларингни олиб келдим. Отнинг белига мушт урса умуртқасини синдирадиган одам ўзини касалга солиб ўтирипти-я?

Учрашув энди бошланаман деб турган экан.

Ажаб, учрашув катнашчилари асосан хотин-қизлар

эди. Онда-сонда ўғил болалар ҳам кўриниб қоларди.  
Учрашувда негадир эркак муаллимлар кам эди.

Адабиёт муаллималарининг ҳаммаси шу ерда.

Умарали меҳмон ёзувчиларни бир-бир танишириб,  
урчашувни бошлади. Маслаҳат билан учрашув савол-  
жавоб йўсинида ўтадиган бўлди.

Кўринишидан шаддодлиги билиниб турган бир қиз  
ўрпидан турди. У оғзидағи қоплама тилла тишини яқинда  
кўйдирган бўлса керак, бўлар-бўлмасга оғзини катта очиб  
куларди. Кулиб бўлгандан кейин ҳам оғзи очиқлигича  
коларди. Унинг офтоб уриб корайган юзи, шамолда ёри-  
либ, қалинлашиб кетган лаблари орасида тилла тиши  
чакнаётганга ўхшарди.

— Хурматли Ўлмас акамиз битта саволимга жавоб  
берсалар... — У қўлидаги «Севгим — севгилим» китоби-  
ни баланд кўтариб кўрсатди. — Бу китобни эшикдаги  
аячамиз ўқиганларми?

Ўлмас, ха, ўқиган, деб жавоб килди.

— Ҳеч нарса демадиларми?

— Китоб менга ёқди, табриклайман, деди.

Савол берган қиз ёқасини ушлади.

— Ё тавба! Индамадиларми, а?

— Бир нима дейиши керакмиди? — деди хайрон  
бўлиб Ўлмас.

— Тошкент аёлларининг ҳаммаси шунақами ё битта  
сизники шунака чиқиб қолганми?

— Гапларингизга тушунмаяпман, синглим. Тушуна-  
диган қилиб гапиринг.

— «Яккачинор»га келиб Ойнупук деган қизга ошиқи-  
бекарор бўлганини, шу қизни деб «Яккачинор»да бир  
умр қолиб кетишига аҳд қилганини китоб қилиб ёзиб, ўз  
хотинига ўкиб берса, янгачамиз уни ўпиб табрикласа,  
иля, бу қанақаси бўлди. Ё тошкентлик аёлларда рашк  
йўқми? Тушунмадим, сира тушунмадим.

Бу шаддод қизнинг исми Фапура, дугоналари Фупра  
деб аташар экан...

Ўлмас нима деб жавоб қилишни ўйлаб анча жим  
туриб қолди. Бу ҳолатни қизлар ўзларича тушуниб ёзув-  
чини жавоб тополмаганга йўйдилар.

Шундоқ катта, шундоқ машхур ёзувчини «мот» қил-  
ган Фупра тантана қиласарди.

Қизлар елтиниб ўтирган «Севгим — севгилим» ки-  
тобини кўлтиққа қисиб қарсак чала бошладилар. Ўлмас  
уларга караб бир чиройли жилмайиб турибди. Қизлар

кўлтиқка қисилган китобни олиб яна елпина бошладилар. Ҳаммаёқни иссиқкина «қиз хиди» тутиб кетди. Китоб сахифаларидан эсаётган Ойпопукнинг иси шу хидларга омухта бўлгандек эди.

«Оқсоқол» кўлинин кўтариб ғовурни босди. У колхоз раисининг маданий ишлар бўйича биринчи ўринибосари, шаддодлиги учун уни «оқсоқол» дердилар. Ҳамон оғзи ни очиб турган қизга қаради.

— Китобни дурустстрок ўқимабсан, каллаварам. Бошлинишидаёқ кўрга хасса қилиб ёзиб қўйган-ку! Қариб қолган отаси болалигига даёқ онадан етим қолган ёлғиз ўғлини кийинчилик кўрсин, мустақил яшашга ўргансин, ўзига фойда бўлади, деб институтни битириши биланоқ «Яккачинор»га жўнатиб юборган. Билдингми? Шундан маълумки, у ҳали уйланмаган, рўзгор қилмаган. Сен бўлсанг хотинингга ўқиб бердингми, у нима деди, тошкентликлар рашқ қилишни биладиларми, деб валдираянсан. Билиб қўйларинг, Умарбеков ака бираавга ем бўладиган ёзувчилардан эмас, Абдулла Каҳхор ака айтганларидек, Умарбеков эртага қишишадиган жойини бугун қашлаб қўядиганлардан. Мамаданалик қилиб ҳар балони гапираверасаними? Эси йўқ.

— «Оқсоқол» мен сизга нима ёмонлик килдим? Нега мунча ғазаблайверасиз?

— Бўлди, ўтириж жойинингга! — деди «оқсоқол» буйруқ оҳангиди.

— Ҳали айтадиган гапларим кўп, — қизнинг оғзи яна очик қолди.

— Оббо, ҳеч гапиниг тамом бўлмас экан-да. Ичининг саволга тўлиб кетган экан. Қани, вақтни олмай, тез-тез гапир.

— Ёзувчилар нима учун шафқатсиз, раҳмсиз, қаҳри каттиқ бўладилар? — деди жиддий туриб...

Бу гапдан кейин ўтирганлар бирдан унга қизикиб қарадилар.

— Китобларни охиригача ўқимай қўя қолсам, дейман. Агар ўқисам, азага боргандек эзилиб кетаман. Қайси китобни ўқисам меҳрим тушган, қадрдон бўлиб қолган «қаҳрамон» ўлиб қолади. «Ўткан кунлар»даги Кумушшиби нима бўлди? Уни ким ўлдирди? Албатта, ёзувчи ўлдирган. Кечаси «Ўткан кунлар»ни ўқиб ётиб охирiga келиб қолган эдим. Ўлган жойига келганда чидамай дод деб ҳовлига чиқиб кестибман. Уйғониб кетган бувим, болам китоб ўқийверса телба бўлиб қолади, деб уни то-

пиб бўлмайдиган жойга беркитиб ташлади. Барибир китоб ёд бўлиб кетган... «Бой ила хизматчи»даги Жамилани, «Кутлуғ кон»даги Йўлчини роҳат кўрмай ўлиб кетганига сира чидамайман. Йиғлайвериб, қовоқларим ёнғоқ пўчоғидек бўлиб шишиб кетди. Мана шу «Севгим – севгилим»даги Ойпопукни ҳам ёзувчи ўлдирди. «Уфқ»даги Жанинат хола ёлғиз ўғлининг ғамида тўқайда, қамишлар орасида, боткоқда фарёд уриб оламдан кўз юмади. «Кеча ва кундуз»да ўрисча билмайдиган Зебихон суд килиниб Сибирга хайдаб кетилади. Телба бўлиб қолган опасини занжирга солиб Эшоннинг уйида калтаклайдилар. Унинг шеър тўқиб айтган фарёдига одам боласи чидаёлмайди.

Зеби, Зеби Зебона,  
Мен кўйингда девона,  
Заҳар қилиб ошингни,  
Пирим еди бошингни.  
Зеби, Зеби Зебарим,  
Қайда қолдинг, дилбарим...

— «Кеча ва кундуз»ни қасрдан топиб ўқидинг? — деди оқсоқол.

— Топтим-да, Ёзёвонимизда тўққизта одамда бу китобнинг кўлда кўчирилган нусхаси бор. Шулардан биттасини ўқидим-да!

— Ёзувчи китобни бошламасдан олдиноқ ким ўлади, ким қолади, белгилаб олади. «Олтин девор» билан «Келинлар қўзғолони»ни ўқинг. Уларда битта ҳам одам ўлмайди. Уларда ҳамма «Аришин мол олон»дагиларга ўхшаб мурод-максадларига стадилар. Шундай қилса бўлар экан-ку!

Умарали унинг бу гапларига қулоқ солиб ўтирад экан, китоблар тўғрисида болаларча чиқазган хulosаларини ўйларди. Қизгина ишлаб туриб кечки мактабни «олтин медал» билан тугатибди. Адабиётнинг конун-коидаларини мутлақо билмайди. Буни унга тушунтирадиган одамнинг ўзи йўқ. Ўзича тўғри-нотўғри хulosалар чиқариб юрипти. У жон-жаҳди билан китобга ёпишиб олган. Қува тарафларда унчалик кўп ўқийдиган китоб «жинниси» йўқ, деса бўлади. Қани энди унга бир раҳнамо топилса, Тоинкентга ўқишга юборса. У дорилфунунда устозлардан сабок олса, яхшигина ўз сўзли адабиётшунос чиқармиди.

Хозиргина «Оқсоқол»дан эшитадиганини эшишиб дили вайрон бўлган Фупра қовоқ-думогини осилтириб ўтиради. Умарали ёнида ўтирган Қуванинг котиби Эрматовга

шу фикрини айтган эди, у ўйланиб қолди. Юзларини офтоб қорайтириб сополга ўхшатиб қўйган, кир шамоли лабларини пўрсилдок қилиб ташлаган бу қишлоқ қизишинг бир кун келиб катта олим бўлиб кетишини сира кўз олдига келтиролмасди.

— Аввал менга айтинг, шу қишлоқ қизидан олим чикадими?

— Чикқаңда қандоқ. Катта олимлариниң кўпчилиги қишлоқдан чикқан. Бу киз «Ўн йилликда» олган сабоги билан ўзини билағон санаб, ҳар балоларни ваддираб юрипти. Тошкентга борса эси кириб қолади.

— Агар шундок бўлса ҳар қанча харажат бўлса Қуванинг бўйнида.

— Ҳеч қанақа харажат бўлмайди. Дорилфунунига ки-  
рувчи қишлоқ болаларига имтиёз берилади. Ундан таш-  
қари бу қиз кечки ўн йилликни «Олтин медал» билан  
битирган. Битта имтиҳон билан ўтиб кетади. Қолаверса  
Ўлмасбек билан иккавимиз қараб турмасмиз.

Гупра «Оқсоқол»га нима, арпангизни хом ўриб қўйип-  
панми! деб ҳурпайиб ўтиради. Эрматов уни имлаб ёнига  
чақирди. «Оббо, энди райком бовадан ҳам гап эшиштаман  
шекилли», деб ҳадиксираб олдига борди.

— Ўтири, — деди Эрматов ҳудди ўз қизига айтиётган-  
дек. — Тошкентга ўқишига юборсак борасанми?

— Бораман, — деди Гупра ҳеч иккilaнмай.

Гупралар оиласи Кашқадарёниң Нишон районидан  
кўчиб келган. Отаси трактор кетида пахтага дори сепиб  
юриб ўпкасини хаста қилиб қўйган экан. Бу оила водий-  
га тоза ҳаво истаб келиб қолган эди. Ўша кезларда Мар-  
казий Фарғона чўлларини ўзлаштириш жадал кетаётган  
эди. Шу баҳона бўлиб улар Ёзёвон фуқароси бўлиб  
қолган эдилар. Ота болаларини стим қолдириб оламдан  
ўтиб кетди.

— Рўзборга карашадиган сендан бошқа яна ким бор?

— Иккита акам бор. Биртаси Кўқонга қатнайдиган  
автобусда хайдовчи. Биртаси майший хизмат комбинати-  
да райкомларга, исполкомларга зўр костюмлар тика-  
ди...

— Ия, Алиқул «портной»нинг синглisisимисан? У жуда  
кўп пул топадиган бойвочча йигит. Сенга ёрдам қилиб  
кундузги мактабга ўтқизмаган экан-да.

— Кўйинг, миннатли иш курсин. Дадам ўлгандан  
кейин буцдан буёқ ўз кунимни ўзим кўраман, деб аҳд  
қилиб қўйганман.

— Ундаи дема, жигар ахир, мен айтаман, сенга Тошкентда кийиб юришинг учун бош-оёқ кийим тикиб беради.

— Бу гапни унга айтишнинг фойдаси йўқ. Медалимни бувим дадам раҳматлининг орден-медаллари билан сандиқда сакларди. Ноинсоф акам бувимни алдаб, медалими олиб, хотинига тиш ясатиб берипти. Қилдим тўполонни, қилдим тўполонни. Бу медал қийналиб ишлаб, кийналиб ўқиган пайтларимдан хотира бўлиб турсин, дегандим. Сиз, аканг сенга Тошкентда кийишингга бош-оёқ кийим тикиб беради, деяпсиз. Агар акам бировга текинга бирта тугма қадаб берса, ўша куни жони чиқиб кетади. Бувим келин бўлиб тушганда, катта ачам «юз очди» куни «қўрмана»га тилла тўғноғич берган экан. Шуни сандиқдан олиб менга берди.

— Хафа бўлма, болам, бу сапсем тилла. Янгачанганинг қопламасига жез аралашган, — деб мени юпатмокчи бўлди.

Тўғноғични бир пас томонга килиб, кейин уни бувимга қайтиб бердим. Бу тўғноғич бувимга қайнонасидан эсадалик. Қандоқ килиб уни сира унутилмас баҳтиёр кунини эслатадиган, эллик беш йиллик хотирасидан маҳрум киласман.

Бу ишимдан бувим бечора андак кўз ёши қилиб олди. Марғилонда зўр тиш техники бор, деб эшитган эдим. Ўшанга уч кун қатнаб росмона тиллодан қоплама қўйдирб келдим.

Унинг ҳикоясини берилиб эшитган «Райком бова»:

— Медали бўлмаса ҳамма имтиҳонлардан ўтиши кепрак бўлади-ку, — деди афсусланиб.

— Медални обориш шарт эмас. Ҳужжати бўлса бас. Медал эсадалик учун уйда сақланига берилган, — деб тушунтириди Умарали.

— Беш йилдан бери топган цулларимниг ярмидан кўпини кассага кўярдим. Пул устига пул тугиб ётибди. Бирта апачам сартаронга шогирд тушиб юрган тожик бала билан Душанбега қочиб кеткан. Бирта янгачам болалар боқасида мураббий. Яна бирта янгачам яқинда «Жижилаган». Яъний бўшанган. Ҳозир эшикда жижи бокиб ўтирипти. Бувим парранда фермасида ишлаб ойлик ўрнига тухум билан пати юлинган товук олади. Лозимадаларини шунаقا килиб эплаб юрипти. Райком бова, агар бувим ўқиши қочиб кетмайди, аввал уни эрга бераман, деса, айтиб қўйинг, апамга ўхшаб қочаман-кетаман.

Эрматов: «Бу киз «бало»га ўхшайди. Тегирмонга тушса бутун чикадиганлардан экан. Болалигиданок мустақил яшашга, биравга қарам бўлмасликка ўрганганди. Бу нақалар интилган ниятига етмагунча тинчмайди, деб», қатъий ишонди.

Гупра бир дунё қувонч билан жойига бориб ўтиради. Аммо «Оксокол» яна эски гапни бошлади.

— Олдингдан окқан сувнинг қадри йўқ, деб шуни айтадиларда. ОйбегуFaфур Fуломларнинг биттаси Абдулла Кахҳор ака ўзимизга ҳамқишиш. У кишининг ҳамма китобларини мазза қилиб ўқиганман. Гупра кизнинг гапида пича жон бор. Ҳамқишлоғимизнинг китобларини ўқиган одамнинг яшагиси келаверади. Бир куни келиб мен ҳам ўламан-ку, деган ўй калласига келмайди. «Мингбиржон» деган асарини ўқиганмисиз? Ўқимаган бўлсанглар албатта топиб ўқинглар.

Ана ўлади, мана ўлади деб кутишаётган бемор эшикдан олиб кирилган ўз тобутини деразадан кўрган, айвонда унинг жони узилишини кутаётган фассолининг овозини ҳам эшиштган. У ўлимга тик бокиб у билан олишиб ётибди. Ёзувчи уни тирилтириб юборади. Ҳикоя охирида ўлимни енгтан Мастура Алиевани от устида карсиллатиб олма тишилаётган пайтини тасвирлайди.

«Севгим севгилим»нинг ҳам ҳар бир сўзини синчиклаб ўкиш керак. Ёзувчи сўз тагига сўз яширади. Ўша сўзни топиб ўкиш керак. Ойпопук нега ўзини нобуд килди? У бошига кора кун тушиб, ўзини қўярга жой тополмай, энг яқинларининг мададга муҳтоҷ бўлган бир пайтда, ягона яқин кишисидан эшиштган бир оғиз хиссиз, бепарво сўз уни ўлдирди. Эй оғзи очик тилла тишли Гупра киз, китоб бошидаги сўзларни ўқимасанг, юрагим дош беролмайди деб охирини ўқимасанг... Шунинг учун ҳам ҳеч балога тушумаган экансан-да. Ўти, ўти-ре!

Гупра паст келмаса бўлмайдиган. «Оксокол» уни буйдалаб ташлайдиган. Олишсам шармандалини чиқазади, деб жойига ўтиради. Оғзи ҳам юмилди. Тилла тиши ҳам кўринмай кетди.

Аёл киши билан олишиб ҳам бўлмайди, бас келиб ҳам бўлмайди. Ҳатто паррандаларнинг ҳам урғочиси жонини тикиб «қонли жангга» киради.

«Оксокол» ҳам ана шунака шаддод, гапни билиб билиб айтадиган, фурурини ерга урмайдиганлардан эди.

Ўлмасдан кўз узолмай унинг қошларига маҳлиё бўлиб ўтирган киз ўрнидан турди.

«Гапга сукулмаган битта сен колувдинг, сузилмай ўлгир» деган овоз чиқди.

Кизлар қарсиллаб кулиб юборищди.

— Бу китобни кечалари болишимнинг тагига қўйиб ётаман. Ҳар уйғонганимда олиб силаб-силаб жойига қўяман. Шуни ёзган йигитни бир кўрармиканман, деб нолалар қилганман. Мана, нолишим худога етиб, у билан рўбарў қилиб қўйди.

Бир бақалоқ киз ўрнидан турди.

— Энди уни кўлдан чиқазма. Маҳкам ушла! Тўяна-нинг каттаси мендан. Битта қўй сендан айлансан.

Сузук кўз киз нозланиб Ўлмасни «эритмоқчи» бўлди. Ўлмас Тошкентда не-не там-там кизларнинг «тузоғи»дан омон чиққан, бу масалада катта малака орттирган йигитлардан эди. Бу қизнинг ноз-карашмаларидан ичидаги кулибина ўтиради. Киз унинг олдига китоб билан ручка қўйди.

— Шунга дастхат ёзиб беринг. Илтимос, синглим деманг...

Кўй тўяна қилмоқчи бўлган киз гап қотди:

«Севгим-севгилим, кўзларимнинг оқу кораси» деб ёзсинми?

Яна кулги, яна чапак бўлди.

— Кўп ёзинг, — деди у, — яхшилаб ёзинг, менга караб туриб ёзинг.

— Отингиз нима эди, синглим? — деди қўлига ручка олиб дастхат ёзишга чоғланар экан Ўлмас.

— Отимми? Отим Роно. Ҳайрон бўлманг, ҳали тилла тишимни кўйдирганим йўқ. Шунинг учун оғзимди катта очмаяппан.

— Оилада битта кизмисиз, эркагина экансиз.

— Йў-йў, учта апачам бор. Ҳаммаси тилла тиш қўйдирб олган. Энди очирт менга келган. Худо хоҳласа тилла тиш қўйдирганимдан кейин Тошкентга бораман, кўришиб қолармиз.

— Тошкентлик бечоралар умрида тилла тиш кўрмаган. Қўлингдан судраб телестудияга опкириб кетади. Ўшакда диктор бўлиб қолиб кетишинг ҳам мумкин, — кизларнинг калака қилиб айтган сўзларини ҳам «Рўнў» яхшиликка йўйди.

— Бўлиши мумкин. Ҳаётда нималар бўлмайди. — деб жавоб қилди уларга.

Дастхат ёзилган китобни оларкан бирор эшитмайдиган қилиб секингина:

— Иккаламиз бирга сувратга тушайлик, — деди ҳар қандай эркакни эритиб, «үйғотиб» юборадиган ғалатиғамза билан.

— Кўпчилик — групповой бўлиб сувратга тушамиз, — деди Ўлмас.

— «Групповойда» ёнингизда ўтирсам майлими?

Ўлмас энсаси қотганидан индамади.

«Рўнў» бир қўли билан икки ёқасининг учини бирлантириб, номаҳрам кўзи тушмасин, дегандек «ибо» билан келинчакларниң саломига ўхшатиб энгашди, сўзилиб дастхат ёзилган китобни олди.

У жойига кетаркан дастхатга нималар деб ёзилганини билишга қизиқсан бесабр қизлар ушинг қўлидан китобни юлқиб олиб қўйдилар.

— Вуй қизлар. Яқиндан кўрмадинглар-да. Коши куууп-қуюқ. Кооп-кора экан. Сокол олганда бетига зўр одеколон сепаркан. Шундок гушиллаб хиди келиб турипти...

\* \* \*

Умарали «бедана ови»га бормайди. Уни ёлғиз қолдирив кетолмай ўтирибман. Шунча одамни ўзим бошлаб келиб, ўзим бормасам қандоқ бўларкин. Умаралини ҳам боришга кўндиришим керак.

— Менга каранг, беданага ўқ узганда тескари қараб ўтираколарсиз, хўп, денг, домла.

У биз ўйлаганча таъсирчан эмаслигини билдириш учун, хўп, майли, борсам борақолай, деди ноилож.

Эрталаб Йўлдошли Анварга газетадан «қалам ҳақи» олиб келганда Тонкентдан Эркин редакцияга телефон килиб, кечга яқин Яйпанга бораман, шерикларимизни хабардор қилиб қўйинглар деб тайинлаганини айтган эди. Демак кечқурун Эркин Воҳидов ҳам етиб келади.

Районга азиз меҳмонлар келадиган бўлса Хорунбой Эрматов албатта овга олиб чиқади. Бир кун оддин бедана кўп бўладиган жойга тарик септиради. Улар тайёр донни ташлаб бошқаёқقا учиб кетмайдилар. Ризқларини шу сурʼан териб юраверадилар.

Райпо битта чоғроқ бино куриб қўйган. Унда тахтадан ясалган «қўлбола» йифма столлар, скамейкалар, идиштовоқлар, катта-кичик бир нечта қозон, темир ўчоклар сақланади. Келгинди овчилар оёқости қилмасин, деб қўриқлашга милтиқли маҳсус қоровул қўйилган.

Ноябр бошланиши билан бу жой ҳувиллаб қолади.

Беданалар қаёkkадир қишлоға учиб кетадилар. Фақат күкси қызил саъвалар кор титиб, қолган-күтгән хўракларни териб, сайраб юрадилар.

Бадий хаваскорлар кўригида магнитофон соврин олган болани одам юбориб олдириб келадилар. У ҳайвонлар, паррандалар овозига тақлид килади. Булбул бўлиб, бедана бўлиб сайрайди. Хўroz бўлиб, ўрдак бўлиб қичкиради.

Жамоат жам бўлди. Энди овни бошласа ҳам бўлади. Тақлидчи «бедана бола» чап тарафдаги буталар орасига яшириниб «сайраш»га шай бўлиб турипти.

Ов бошланди. «Бедана бола» пит-пилик, пит-пилик, деб «сайрай» бошлади. Унинг орка томонидан бир гала бедана патирлаб ҳавога кўтарилиб у томон учиб кела бошлади. Чап томон мергани қўшофиз милтикнинг битта тепкисини босди. Олтида бедана ўқ сб, тап-тап қилиб ерга туцди. «Бедана бола» энди ўнг томонга эмаклаб ўтиб ҳашаклар орасига яширилди. Ҳашак орасидан яна «пит-пилик» товуши келди. Содда, лакма, бўш-баёв беданалар ўша томонга гурра кўтарилдилар. Ўқ узилганда уларнинг бештаси ҳавода питирлаб жон бериб, ерга тўкилди. Бу бегуноҳ, ювош жонворларнинг осмонда жон таслим килиши ҳар кандай бағритош одамнинг ҳам юрагини эзарди. Тескари караб ўтирган Умарали варанглаб ўқ узилганда «Одам боласи нақадар шафкатсиз» деб кўйди.

Энди бир томондаги мерган ўрнини Ўлмас эгаллади. Бола «сайраши» билан ҳавога кўтарилган беданалар Ўлмаснинг тепасидан париллаб ўта бошладилар. Ўлмас шошиб қолиб қўндокни елкасига тирамай иккала тепкни баробар босиб юборди. Икки ўкнинг нихоятда кучли зарбаси қўндокни фавқулодда бир куч билан силтаб юборди. Ўлмас орқасига ағдарилди. Ҳаммамиз баробар ўша томонга югурдик. Хайрият, уни шунчаки қўндок тепкан экан. Икки ўки баробар отилган милтиқ қўндоганинг зарбига унча-муғча полвон мерган ҳам дош беролмайди.

Ўлмас ўнг елкасини силаб инграр эди.

Адҳам бир шиша арак олиб келди. Унинг галстугини, ёқаларини ечиб елкасидаги тепки урган жойни очиб кафтига қуйган арак билан бор кучини ишга солиб эзиб-эзиб, босиб-босиб ишқалай бошлади. У шишадаги арак яримлагуича кафтига қуйиб уқалайверди. Адҳам кўли толгунча ишқалади. Уқалайверди. Бу хил уқалаш тўртбеш марта қайтарилендан кейин Ўлмас инграмай кўйди.

Ундан овоз чиқмагач, кимдир Адҳамга «Юрагига қулоқ тутинг» деб юборди хаяжон билан. Адҳам Ўлмаснинг очиб кўйилган чап кўксига қулогини кўйди. У қулогини кўкракдан узмай ўнг қўлининг бош бармоғини кўрсатди. Ҳаммамиз енгил нафас олдик. Икки-уч даққиадан кейин Ўлмас кўзини очди.

Унинг ранги паҳтадек оқариб кетган, «Хеч нарса бўлгани йўқ, ўтиб кетади» дегандек хижолатлик билан кийналиб жилмаймоқчи бўларди.

Адҳам шу пайтда ҳам ҳазилини кўймасди.

— Мени кўп ичасан, деб кўз очирмасдинглар. Мана, аракнинг ҳам фойдаси бор экан-ку! Сизлар ҳам тез-тез ичиб туринглар, — деярди.

Ўлмасни кўтариб келиб тўшакка ётқиздик.

Унинг аҳволини кўрган Ўмаралига беданаларнинг питирлаб жон бериши ҳеч гап бўлмай қолди.

— Гап шу ерда қолсин, — дедим. — Гапни чувалатиб юрманглар. Ҳеч гап бўлмади деб ўйланглар. Хорунбой аканинг бу ишдан ҳали хабари йўқ. Қишлоқ хўжалиги вазири Уркипбоев келган экан, Қувадан одам келиб Эрматовни машинада олиб кетди. Бу воқеани у кинига ҳам билдирамай қўя қолайлик. Хижолат бўлиб юрмасин. Агар Ўлмаснинг хотини эшитса борми, қоқ ярим кечаси бўлса ҳам етиб келади. Уни зинғиллатиб Тошкентга олиб кетади.

— «ТИР»да ўқ ўрнига пистон солинган «Воздушка»-ни отиб, мерганиман, деб юрган экансиз-да, Бек ака, — дедим ҳазил қилиб. — Илгари шунаقا катта милтиқдан сира отмаган эдингми?

— «Воздушка»да кўп отканман. Уларни елкага тирамасдан отса бўлаверарди. Елкага қаттиқ тираб туриш кераклигини мен қаёқдан билай, — деди Ўлмас қилиб кўйган ишидан ҳали ҳам ўзига келолмай.

— Сенинг дадил бориб милтиқни олишинг, худди мерганлардек милтиқнинг ўёқ-буёкларини кўришингдан, тажрибали овчига ўхшайди, деб ўйлашган бўлсалар кепрак.

— Милтиқни олдиму кўзимни чирт юмиб бошим устидан ўтаётган беданаларга қаратса кўш тепкини босиб юбордим. Кўндоқ елкамдан бир қаричми, ярим қаричми узоқликда эди, хозир эсимда йўқ, билмайман. Иккала тепкини баробар босганимни биламан.

— Сени худо асрэди, — дедим. — Қўндоқ иягиннга тегса нима қиласардинг. Жағингни дабдала қилиб оғзинг-

дан учириб чиқариб юборарди. Умр бўйи ямалган жағ билан яшардинг.

Ўлмас қилмишининг оқибати бу даражага етишини ўйламаётган эди. У радиода тўрт йил бирга ишлаган, фронтда жағини осколка майдалаб ташлаган дўстини эслади. У нихоятда хунук бўлиб кетган, оғзидан ҳамма вақт бадбўй хид келиб турарди. Ўлмас уни эслаб сесканниб кетди.

Ов тўхтади. Ўлжа беданаларни йиғиб келиб пақирда вакирлаб қайнаб турган сувга ботириб патларини юла бошладилар.

Водий йигитлари диди баланд пазанда бўладилар. Улар яланғоч беданаларни бир пасда тозалаб, пешноб билан иликдек пўст думба қиймасига кўк кашич, арик бўйларидан териб келинган ялпиз, зира, зирк, жамбил қўша бошладилар. Улар бу масалликларни эрталабок уйда тайёрлаб тоғорада олиб келган эдилар. Шуларни беданалар ичига жойлаб, қоринларини ип билан чатиб доғланган ёғда қизартириб олдилар. Кейин бошқа қозонга босиб устига кўнгина серсув помидорни катта-катта бўлак қилиб териб чиқдилар. Қизил сабзи, саримсок пиёз, қизил лавлаги, жуда ҳам юлқа парракланган анчагина оқ пиёзни чиройли қилиб териб қўйдилар.

Ана шундан кейин дамтовоқ зичлаб ёпиб қўйилди.

Фалокати ариган Ўлмас тамоман ўзига келди. Айниқса Адҳам «бир пиёллагина» ичириб қўйгандан кейин чордона қуриб, гапга тушиб кетди.

— Орият қилиб чида б турдим. Елкада жон колмаган. Қўл тегизсам ўликининг баданига ўхшаб муздек-карахт. Ҳаёлимга нималар келмади, дейсиз. Гангренага — кора-сонга айланиб кетса нима бўлади? Албатта қўлимни елкам аралаш кесадилар. Энди қўлсиз юришимни ўйлаб хафа бўлиб кетдим. Адҳам ака арак билан ишқаб, кучларининг борича қаттиқ-қаттиқ уқалаганларидан кейин қони кочган пучак томирларимга жимир-жимир қилиб яна қон кайтиб келаётганини, ўлай агар, аник сезиб турдим. Сизга минг раҳмат, Адҳам ака! Энди сиздан умрбод миннатдор бўлиб яшайман.

— Бу гапни қўй, — деди Адҳам. — Арафимни тўлайсан. Тишимнинг кавагида асраб юрган арафим эди. Тўлайсан-а?

— Бўпти, беш баробар қилиб тўлаганим бўлсин, — деди кулиб Ўлмас.

Унинг кулгиси энди ўзига ярашди.

Бу кулги тани дарддан фориғ бўлган одамнинг кулгиси эди.

Пазанда йигит йиғма столга дастурхон ёзиб бир лиқопчада аңчагина «кўксомса» қўяр экан, бедана дўлма пишгуича эрмак қилиб туринглар, «кўк сомса» иштаҳани очади, — деди.

— Кўп еб қўйманглар, беданага ҳам жой қолсин — деб огоҳлантириди.

Аввалги куни Бешариққа кираверишидаги чойхонада самоварчи Ўлмасга исириқ тутатганида:

— Кўз тегмасин, хушрўй йигит экансиз, — деб хокандозни бошидан уч марта айлантирган, «Ёмон кўздан асрасин, бунака хуснни худойим ҳар кимга ҳам беравермайди, суйган бандасига беради. Бу заифона чирой эмас, мардона чирой», деган эди.

Бугун «ҳасадгўй» тақдир шу мардона чиройни кемтик қилмоқчи бўлди. Аммо эпломади.

\* \* \*

«Катта» Анваржондан бошқа яна тўрт фарзанд кўрган. Ўртганча ўғли Мухторали ювош, қўли гул дурадгор бўлди. Пойтеша чопканда тўсиннинг бетини ойна қилиб юборади. Атроф қишлоқлардаги иморат қурдирадиганлар албатта Мухторалини танлайдилар. У иморатнинг пойдеворидан томигача ҳамма ёғоч ишларини ўзи бажаради. «Катта» чойхоналарда жўраларига ҳасрат қилиб қолади. Мухторалини уйлаганимга мана тўрт йил бўлай деяпти, энди учта болали бўлди. Боласи кўпаймаганига диккат бўляпман...

Жўралар кулишади.

— Мунча бесабрсиз, мулла Муқим. Одам боласи қўён эмас-ку! Йилига ўн-ўн бештадан туғса. Мусулмончилик ҳам аста-аста-да. Ҳали қараб туринг, эшигиниз болага тўлиб кетади. Ҳазрат Муқимишнинг тупуклари қучини кўрсатади.

«Катта»нинг юзи буришиб сесканди.

— Ўша воқеани ўйласам ичимда микроб ғимирлаётганга ўҳшайверади. Бефарзанд одамнинг тупуги... Э, қўйинге! Чиллали бола гулдан нозик бўлади деб ўйлашмаганини қаранг. Бола кўпайтириш бунака бўлмайди-да. Мана, тўнгичим Анваржонни олайлик. Тупук аралаштирасдан етти болага ота бўлди. Бунака кетишда ха-ху, дегунча болани ўнтага етказиб қўяди. Кенжам Ҳамроали эркарок, субутсизрок чиқди. Ўқишига ҳам, ишга ҳам бўйин бермади.

«Катта» феълда, қиласар ишда отаси Нинсон бобога

тортди. Бир иш киладиган бўлса етти ўлчаб бир кесарди. Фойдаси қанчаю зиёни қанча, акл торозига солиб кўрарди. Фойда бермайдиган ишин иш демасди. «Катта узоқ йиллар мактаб директори, колхоз бухгалтери, иктисадчиси, колхоз раиси бўлди. У мана шу лавозимда ишлаган пайтларда колхозга юлгичларни йўлатмади. Жамоат «иони»ни ўзи ҳам смади, бирровга ҳам едирмади. Уйига колхоздан ақалли битта пиёс кўтариб келмади.

Бумайрам эрига ҳасратини тўкиб солди:

— Отангиз қандок овқат чиқарсалар шуни ейишга мажбурмиз. Ўзингиз биласиз, ўғил бола кучли овқат ейини керак. Бўлмаса катта бўлганда мижғов, нимжон бўлиб қолади. Ҳар куни бир хил овқат чиқаришади. Болалар бунақа бемаза овқатни емаймиз, деб кун ботмай оч-наҳор ётиб қолишади. Уларга қараб ичим ачишиб кетяпти. Ана, чиқарган овқатларини бир кўринг.

Анваржон устига лаган бостирилган тогорани очиб қаради. Тўрттагина жази бор, ион билан картошка қоришириб димланган «нон-палов».

— Болалар унга қайрилиб қарашмади ҳам. Тескари қараб ётиб олишди. Ўзимни айтмай қўяколай. Хотин кишининг бирорга айтиб бўлмайдиган харжалари бўлади. Тўрт тийинлик нарса. Шуни ҳам аптекадан насияга оламан. Собесдан болалар учун бериладиган нафақани почтачи «Катта»нинг қўлларига бериб кетади. Ўзим тийинга зор бўлиб қолавераман. Тураколинг, дадаси, гузарга чиқиб насияга бўлса ҳам гўшт топиб келинг. Йўлакай овсиним Тўхтанисанни айтиб юборинг, ҳарқалай хотин киши, ёнимда бўлсин.

Анваржоннинг йўл пули харжланмай ёнида қолганди. Олтиарикли таниши машинасида олиб келган, уни Яйпаинга ташлаб ўзи Бағдод томонига ўтиб кетган эди. Анваржон халта кўтариб гузарга чиқиб кетаётганда офтоб ҳали ҳам ўчмаган, эндигина тераклар орқасига ўтиб кизарип-бўзарип ботмоқчи бўлиб турарди. Кўча тўла бола. Улар кечки овқатни тўйиб еб, «ҳазми таом»га бир-бирларини қувлаб, шовқин-сурон билан кўчани бошларига кўтариб югуришарди.

«Катта»нинг невара-эваралари эса кўзларини очолмай bemажол ётишибди.

Чолни вахм босди. У тонг сахарда ўн-ўнбешта иссик ионни қийикка туғиб, Мухторалининг хотини Тўхтахонни эргаштириб кирди.

Кечаси билан түлғаниб чиқкан «Катта» неча марта үйғониб, неча марта ётди. Худоे шу сабийларга үзинг шифо бер, деб илтижолар қилди. У тагида ўт ловуллаб ёнаётган қозонни ўраб турган болаларни кўриб, «хайрият-е, хайрият-е», деб уларга яқин борди.

Саҳар пайти Аинваржон томорқадаң танлаб, танлаб жўхори қайириб чиқкан эди. Болалар қозонда сўтаси билан вакирлаб қайнаётган жўхориларга қараб қачон пишади деб туришарди. «Катта» бири иштонли, бири ингтонсиз болаларнинг биттасини қўлтифидан олиб кўтарди. Осмонга иргитиб, ха, чўчоғингдан, ха, дингирингдан, деб завқ билан қийқириб кулди.

Бола пардек енгил эди.

— Бумайрам, — деди у ҳамон қувнок қайфидан тушмай. — Бунинг мунча енгил, — деди инқиллаб ўтирган келинига.

— Оғирлиги сизнинг чўнтағингизда-ку, — деди жони оғриб турган Бумайрам.

Ҳеч қачон гапни жавобсиз қолдирмайдиган сўзамол чолнинг тили таанглайига ёпишиб лом-мим деёлмай қолди.

У кеча кечқурун болалардан хабар олгани кирган эди. Улар айвонда «тўйбола»лардек шифтга тикилиб қатор ётишипти. Белини шол рўмол билан сириб олган келини айвон даҳанида инқиллаб ўтирипти.

Болалар «Катта»нинг кўзига озиб қолгандек, юзлари сўлғин бир алпозда кўринди. Уни вахм босди. Болалар илгари ҳам шунақамиди? Шу пайтгача эътибор бермагани учун ўзини ўзи койиди.

— Нима овқат едирган эдинг? Айнигандек овқат едириб кўймаганмидинг?

— Ҳеч нарса ейнишгани йўқ. Оч-наҳор ётишибди. Сиз чиқазган овқатни кўриб «Бунақа бемаза овқатни емаймиз» деб ётиб олишган. Ўғлингизни насияга бўлса ҳам гўшт топиб келинг, деб гузарга чиқариб юбордим.

«Катта»нинг жаҳли чиқиб кетди.

— Нариги эшикда гўшт борлигини билардинг-ку, нега менга бир оғиз айтмадинг?

Бу гапдан Бумайрамнинг энсаси қотди.

— Айтмай қўяқолдим. Айтганим билан бари бир бермасдингиз.

Чол ия, ия, эри келиб, тили чиқиб қопти-ку, деди ичида. Кейин ўзига келиб, «жонидан ўткандан кейин тили чикади-да», деб юборди.

«Катта»нинг бу гапни айтишга ундаған ичида бўғи-  
либ ётган одиллик деб аталган қайсар бир кучнинг қал-  
қиб юзага чиққанидан, садо берганидан эди.

У невараларининг анча сўлиб қолганини ҳам энди  
кўрятти. Шу пайтгача кўзинг қаёқда эди, деб ўзини  
сўроққа тутолмади. Ҳозир у ўзини ўзи жуда ҳам ёмон  
кўриб кетди.

Нораста болалар хисобига «тежамкорлик» қилгани-  
ни, шуларнинг соғлигини емирадиган «иктисодий сиё-  
сат» юргизганини қанчалик аччик, қанчалик аламли  
бўлмасин тан олишга мажбур эди.

«Воҳ!» деди пешонасига шапиллатиб ураркан. Шун-  
ча невара-эвараларимнинг қўлида ақалли битта қўғир-  
чоқ, битта ўйинчок кўрмабман-а! Бошқаларнинг ховлиси  
ўйинчоқларга тўлиб кетган. Қайси эшикка кирсанг кат-  
та-кичик велосипедлар, самокатлар, тепкили машиналар,  
ётқизсанг инга-инга қиласидан, ёнбошлатсанг қўзини юма-  
диган қўғирчоқлар, бураб-бураб қўйиб юборсанг, ховли-  
нинг одогигача гувиллаб борадиган жажжи автомобил-  
лар, хар ер, хар ерда сочилиб ёткан шахмат, шашка,  
домино тошлари...

— Пул сарф бўлади, деб болаларимни шу қувончдан  
ҳам бенасиб килибман-а!

«Катта» кейинги кунларда анча кучдан қолган, ҳар  
икки қадамда тўхтаб нафасини ростлаб олар эди. Мана,  
ҳозир у инқиллаб оғиргина тўрва кўтариб кирди. Бола-  
ларнинг ўрнини йиғиб, улар ивирситган полосни супу-  
раётган қизалоққа, бўлдингми, болам, тез-тез қимирла.  
Нариги эшикка бор, бу ерда қиз бола қиласидан иш  
қолмади, деди.

Шу пайт қушдек енгил бир кампирни етаклаб олиб  
кирипди. У «Катта»нинг хотини Ойниса биби эди. Уни  
каттаю кичик Эна деб атарди.

Эна ҳам айвонга чиқиб ўтириди. Ранг-рўйи ўчкан, тин-  
май инқиллаёткан келининг қаради. Унинг ахволини кўриб  
ачиниб кетди.

Бумайрамнинг ахволи оғир эди. Эркак одам хотин  
кишининг дардини билармиди. Унга атала қилиб ичи-  
риш керак. «Менга гапинглар бўлмаса аталага уринақо-  
лай», деди Эна.

У шундай деб ичкаридан бир пакет ун олиб чиқиб  
тапиллатиб супрага элай бошлади.

Эна ун элайтуриб келининг қараб қўяр, шўрги-  
нанг курсин, Бумайрам, келин бўлиб бирон кун рўшно-

лик кўрмадинг-а. Шу аҳволда ўлиб нетиб кетсанг шунча бола чиркиллаб қолишини ўйладингми? Янги бўшанган хотининг лоақал уч-тўрт кун ётмай ишга уриниб кетиши, оч-нахор қолиши ўлим билан баробарлигини наҳот билмасдинг? Бунақада бепушт бўлиб қолишингни ҳам билмасмидинг, деб ич-ичидан унга ачинарди.

«Катта»нинг шу пайт янги бўшанган чиллали хотини бошига одам тўплашга бало борми? Ўзи бу чолга нима бўлган? Уч-тўрт кундан бери хуши ўзида эмас. Сахарлаб туриб олиб айвон даҳанида ҳақ, деб ўй-ўйлаб ўтириб олади. Қаёқкадир чиқиб кетади. Кечгача санқиб, чарчаб кайтиб келади. Ичкари уйга кириб чирок ёқиб пул санайди. Яна чиқиб кетади. Рўзгорхонанинг калитини ташлаб кетмаганидан қозон осолмай кутиб ўтирамиз.

Охират кўзига кўриняптимикин?

— Бумайрам, Тўхтанисо, сен ҳам менга яқинроқ ўтири. Ҳой, Эна, сен ҳам кел.

Эна ўтирган жойида: — Айтаверинг гапингизни, қулоғим кар эмас, ҳаммасини эшишиб ўтирибман, — деди.

Кейинги кунларда «Катта»нинг Эна олдидаги обрўси қолмагандек эди. У эрига шарт-шарт гапирад, баъзан унинг оғиз очишига ҳам қўймай, силтаб ташларди.

Бунга сабаб, эшиқда тўй қозонида ҳар куни «пон палов» дамланиши-ю, каттаю кичик шу «овқат»ни сийишга мажбур бўлиши эди. Эна етмишнинг нариёғига ўтган, тамсиз, жирсиз таомдан силласи қуриб, ўз тили билан айтгаңда, «ўлар ҳолатга» етган, куч-куватдан қолган хотин эди.

— Бакқа кел. Ўтири, сен ҳам эшишиб, — деди «Катта» зарда билан.

Эна «майлис» ҳам ўлсин шу пайтда бўлмай, раислик отидан тушганингизга неча йил бўлди? Ҳали ҳам эгарда қўнқайиб ўтирибсиз, деб қўйди фудирсиниб. У жаврай-жаврай Бумайрамининг ёнига келиб ўтириди.

— Кўп таъна қиласкерма, хотин. Энди эгардан бутунлай тушдим.

У ҳар хил, катта-кичик тугунларга тўлган тўрвани титкилаб, кичикроқ бир тугунчани олди.

— Манаву сенинг пенсия пулларинг. Почтачи қандоқ олиб келган бўлса, ўшандоқ туритпи. Тийинига ҳам тегмаганман.

У тугунчани Эна олдига зарда билан ташлади. Унга бошқа гап айтмади.

«Катта» титкилаб иккита катта тугунни тўрвадан чиқазди.

— Бу Мухторали болагинамнинг хаппайи-ҳалол пули. Барака топкур, ётиб еса тамом бўлмайдиган пул топган. Ҳунар, ҳунардан унар, дейдилар. Ҳозир ҳам болагинам «Биби Убайда»да, заготзернонинг пажарниги Луқмонекининг эшигидаги ётиб ишляяпти. Олиб қўй, Тўхтанисо!

У халтадан олган хом ғиштдек оғир, тўрт бурчак тугунни Бумайрам томон сурниб қўйди. Кейин яна тўрвани титиб, кичикроқ тугунчак олди.

— Анаву катта, оғир тугун Анваржоннинг ўн беш йилда топган шуллари. Кичиги болаларинг учун собес юборган нафака пуллар...

«Катта» манаву сенга, манаву унга, деб охири халтани бўшатди.

— Шу пайтгача сизларни ўз пенсия пулимга боқдим. Кучдан қолган чолнинг топгани «ион палов»га зўрға етарди. Энди бундан буёк қозон-товоғингизни бўлак килдим. Мени йикқан-терган пулим йўқ. Кўзим юмилганда ўраб-чирмаб, маконимга обориб қўйсанглар, бас. Фақат битта илтимосим бор. Шу илтимосим бажо бўлмаса, гўримда тинч ётолмайман. Тентаккинам Ҳамроалини топиб келиб, иссиқ-совуғидан хабар олиб туринглар. Ташлаб қўйманглар...

Анваржон гўшт олгани чиққандаги қассоб бир гап айтганди:

— Отангга нима бўлган, ким кўринса сендан қарзимиз йўқми, киёмат қарз бўйнимда кетмасин, деб розиризолик тилаб юрипти?

Анваржон ердан бош кўтариб ота юзига қаради. У бола бўлиб умрида биринчи марта ота юзига қаравши эди. Ота кўзида ёш кўриб, ғалати бўлиб кетди. Ўрнидан туриб унинг бўйнига осилгиси келди.

— Болам, — деди «Катта», — гапларимга яхшилаб кулок сол. Биз бир хонадон уч хил одам бўлиб яшадик. Отам раҳматли Нишон бобо ирим-сириларга муккасидан кетган оми одам эди. Мен шафқатсиз, золим ота бўлдим. Сен итоаткор, журъатсиз, забун бола бўлдинг. Сенинг шунақа бўлишингга мен, менинг шунақа бўлишингга отам Мулла Нишон сабабчи бўлган.

У ўғлига таънили қаравши килди.

— Гапирсанг-чи, забонинг борми, гапир! Ичингда армонларинг бордир, ахир? Айт, дардингни, тўкиб сол!

— Мен Тонкентга жуда катта ниятлар билан борган

эдим. Устозлар, сендан катта ёзувчи чиқади, деб бағирларига олган эдилар. Сиз, хар ойда палон сүмдан юбо-риб турсанг Тошкентта борасан, йўқ десанг, Олчинда ёзувчилик қилиб юраверасан, деб шарт қўйган эдингиз. Сиз талаб қилган пулни Тошкентдек шахри азимда бир мусоғир боланинг топиши мумкин эмасди. Шунга қарамай, ишдан бўш вақтларда вокзалга чиқиб ҳаммоллик қилдим. Мардикор бозорига ҳам бир-икки марта чиқдим. Мардикор ёлловчилар рангимни, жуссамни кўриб ёнимдан индамай ўтиб кетардилар. Идорада хушдан ке-тиб колган пайтларим ҳам бўлган. Шундай меҳрибон, буюк истиқбол ваъда қилган устозларнинг юзига оёқ қўйиб, Олчинга қайтиб келдим. Сизнинг пулга ўчлигин-гиз, пулга тўймаслигингиз менинг келажагимга завол бўлди. Сиз учун «Олчин» бир мамлакат эди.

Мен ҳатто маҳаллий ҳам эмас, фақат маҳалла ёзувчи-чиси бўлиб қолаётганимдан эзилиб кетаман. Бирга ишлаган, устозлардан бирга сабоқ олган ўртоқларим ҳозир номдор ёзувчи бўлиб кетишиди. Бир-иккитаси «Халқ ёзувчи-чиси» деган катта уивон эгаси бўлди. Сиз мени мана шу баҳтдан бенасиб қилган отамсиз...

Энди «Катта»нинг боши эгилди. Елкалари қаттиқ-қаттиқ силкинди. Ерга икки томчи кўзёши тушди.

— Мен ахмок, ризқингизни қийиб пул йиғибман. Шундай қилсан ўлиб кетганимда болаларим кунига яратади, деб ўйлабман. Бумайрам, сен доно хотинсан, кеча айтган гапинг ўла-ўлгунимча қулоғимдан кетмайди.

Бумайрам, нима деган эканман, деб унга савол назари билан қаради.

— Гўдаклигида тўйиб овқат емаган ўғил болалар катта бўлганда нимжон, килтирик, ланж, оғир ишга ярамайдиган бўлиб қолади, дегандинг.

У шундай деятуриб Анваржонга бир қараб қўиди.

Бу қарашнинг маъносини Энаси ҳам, Бумайрам ҳам, ҳатто Анваржоннинг ўзи ҳам тушунди. Ноқулай вазиятдан қутулиш учун пешонасини силади.

— Энди пул йиғишнинг ҳожати йўқ. Болалар катта бўлиб қолишиди. Бирин-кетин ўз йўлларини ўзлари то-пиб кетишлипти. Катта эшигимиздаги томорканинг кунибогтар томонга икки юзта терак қаламчасини қадаган эдим. Етти йилда йўғонлиги филнинг сонидек бўлди. Худо хоҳласа, бу тераклар сизларни камида йигирма йил боқади. Ҳар кесганда тагидан янга чиқаверади. Ўшаларни парвариши қилинса, ёнидан чиққан бачки шохларини кер-

тиб турилса, бас. Бумайрам, сен уйим-жойим дейдиган яхши келин чиқдинг. Шу бўш-баёв боламни сенга ишониб ташлаб кетаман. Сендан розиман, болам.

Бугун ҳамма невара-эвараларимни Кўқонга обориб, кабобга тўйдираман. Ўйинчоқлар, қўғирчоқлар, музқаймоқлар, уст-бошлар, ҳар хил ленталар, бураб қўйиб юборса гуриллаб югуриб кетадиган автомобиллар, велосипедлар, шахмат-шашкалар, доминолар, портфеллар, қизик-қизик китоблар, бўёқ қаламлар олиб бераман. Бу мен золимнинг шу пайтгача тўйиб-тўйиб, тўкиб-сочиб овқат емаган норасталардан кечирим сўраганим бўлади. Йўқ, бунақа гуноҳни кечирим сўраш билан ювиб бўлмайди. Мабодо шулардан биронтаси ногирон бўлиб қолса, гўримга ўт қўйиб юборинглар. Шунда кўнгилларинг зора таскин топса.

У ўрнидан туриб, бўшаб қолган тўрвани эҳтиёт-шарт бир силқиб кўрди. Кейин уни ёғи тагига ташлади.

— Елкамдан босиб ётган юқ, хайрият, срга тушди. Энди қушдек енгил бўлдим.

«Катта» кўча эшиги томон кетаётгандан босган қадами мўлжалга тушмай маст одамдек чайқала бошлади. У оркасига қарамай деди:

— Соат иккиларда катта эшикка автобус келади. Болаларни кийинтириб тайёр қилиб қўйинглар.

\* \* \*

Эркин Воҳидов Олтиариқ марказидаги маҳаллада туғилган. Қариндошлари билан юз кўришсин, деб Адҳам уруғларига хабар қилиб қўйган экан. Бир пасда уни уруғ-аймоқлари ўраб олишиб.

Эркин илгарилари ҳам Олтиариқка бир-икки марта келган, чет эл шоирлари делегациясини бошлаб келганидан фурсат тополмай уруғлари билан кўришолмаган эди.

Бошига нимчами, рўмолми, лачакми елвагай ташлаб олган хотинлар катор эшиклардан югуриб чиқиб, унинг елкасига иккала панжаларини тегизиб омонлик, деб юзларига сурта бошладилар.

Хотинлар бири олиб-бири қўйиб гапга тушиб кетишди.

— Домла Воҳидовнинг худди ўзлари бўпти-қўйипти. Бола деган отага шунчалик ўхпайдими-я!

Хотинларнинг бири худди тоғамнинг ўзларини кўргандек бўлдим, деса, яна бири акагинамни кўргаңдек бўлдим, деярди.

Раис Файзиматовнинг имоси билан бешта скамейка, учта стол олиб келишиди. Хотинлар топган-тутган пиширикларини дастурхонга тўкиб солдилар. Хотинларниңг фала-ғовуридан ким нима деяётганини билиб бўлмасди.

— Оёғининг тагига манаву жонлиқни сўйинглар, — деди Олтиариқнинг пичоғи кескир валломат фуқароси Маматожи Йброҳимов.

У бир кора қўчкорни думбасидан итариб даврага киритиб юборди.

Кўчкорни судраб Эркиннинг оёғи тагига олиб келишиди. Кассоб, кани, шоир тоға, бир нима деворинг, деди.

Хижолат бўлиб турган Эркин менга қаради.

— Домламиз шатта тургандарида мен гапирсам одоблизлик бўлмасмикин, — деди бу иззат-икромлардан хаяжонга тушган Эркин.

Бу нима деяркин, деб ҳамма оғзимга қараб турипти.

— Эй, қўчкорвой, — дедим насиҳатга ўхшатиб. — Шунча ҳалк ўртасида буюк бир шоирнинг оёғи тагида жон берётганингдан суюнмайсанми? Раисми, ревизорми, ферма мудирими қўздан пана да сўйиб кабоб қилиб еб юборса хурсанд бўлармидинг? Бахтинг бор экан, қўчкорвой, сендан тарқаган авлодинг, отамиз ўзбек адабистининг ривожига жонини тиккан фидойи қўчкор эди, шоир Эркин Воҳидовнинг оёғи тагида жон берган, деб мақтаниб юришади...

Бу гапидан кейин одамлар қарсиллаб кулиб юбаришиди. Факат бўйни ёғ битиб, кават-қават бўлиб кетган киши, ҳазил ҳам эви билан-да, деб тўнгиллаб даврадан чиқиб кетди. Кимдир, «Ферма мудирини ясад ташладингиз! Аммо япиштирдингиз, ака!» деб юборди. Анчагача кулги босилмай турди.

Адҳам слиб-югуриб хизмат қиляпти. У турган-битгани факат бурундан иборат бўлган бир кишини дастурхоннинг тўрига ўтказиб қўйди. Ё алҳазар, бунақа бурунни умрим бино бўлиб кўрмаган эдим. Кўйлак ёқасидан юқорисининг ҳаммаси бурун эди. У ҳар акса урганда залворли бурни силкиниб оғзини суриб қоқ миясига чиқариб юборар экан. Одамларниңг айтишларига қарангда оғзи қимираншини кўриш учун томга чиқиб қарашиб керак эмиш.

У кўп асқияларга нишон бўлавериб, ҳазил-хузулларга қўнишиб кетган бир беозор одам экан. Шундай давраларда унга ҳазил килмасалар кўнгли ўқсиб, нима бўлди, назардан қоляпманми, деб хафа бўларкан.

Шу одам Олтиариқ имомига мени ҳам ҳажга боради-гандар рўйхатига қўшиб қўйинг, деб илтимос қилганда, у: «Сиз овора бўлиб бориб юрманг, шайтонга тош отаёт-гандарида димоғингизга тегиб шикастлаб қўйиши мумкин, яхшиси сизни «Ҳожи бадал» қиласийлик, депти. Имом гапида туриб ҳаж сафаридан қайтишда «Ҳожи бадал» бўлдингиз, деган хушхабар билан бирга ҳужжатини ҳам олиб келган экан.

Олтиариқликлар бурун сўзини оғзиларига ҳам ол-масдилар. Улар бурунни «Димоф», «Ўғил сумак», «Дамский каблук», «Паспорт» деб атардилар.

Маматожи Иброҳимовнинг ўғли Кодиржон асқияга чечан йигит эди. Шу топда тили қичиб-шумлиги тутди.

— Эркин ака, ўзимизнинг Олтиариқдан чиққан бола-сиз. Мунча димоқ-фироқ қиласиз. Димоғингиздан эшак қурти тушади-я! — деб юборди.

Мен дарров жавоб қилдим.

— Кодиржон, эшак қурти тушса нима бўпти. Айтиши-га арзимайдиган гап бу. Ана, устоз Ҳожи отага қаранг, димоғларидан эшак қурти эмас, тайёр тирик эшакнинг ўзи ҳанграб тушиб келяпти, — дедим.

Кийқириқ кулги қарсакларга уланиб кетди.

Олтиариқликлар «пучуқ» деб назарга илмаган, Ўлмас Умарбеков, Умарали Норматов, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Эпионовлар қаторида ўтирган Ўткир Ҳошимовга ғаши келган мезбонлардан бири, ҳой, бу беодоб кимнинг боласи, деб уни пойгакда турган болалар қаторига обо-риб қўйган эди. Ўткир яна жойига келиб ўтириди. Жах-ли чиқиб кетган мезбон келиб унинг қўлидан тортмоқчи бўлиб турганда тўхтатдим.

— Биласизми, бу ким? Бу Ўткир Ҳошимов деган зўр ёзувчимиз-ку, танимадингизми?

Мезбон гапимга ишониб-ишонмай довдираб қолди.

Бир хотин хокандозда тутуни буралиб-буралиб чи-қаётган исириқ олиб келди. Ҳаммамизга бир-бир тута-тиб, Ўлмасга келганда хокандозни унинг бошидан уч марта айлантириди.

— Хуширўйгина йигит экансиз. Олтиариқ аёллари-нинг кўзига дуо кетган, тикилганини йикитади. Уни фа-қат исириқ-испаңд тутатиб даф қилиш мумкин, — деди кулиб.

Қатор тизилиб турган болалар орасида буринни кўргазмага қўйиб кўз-кўз қиласа арзийдиган, хунук десса

хунуклар раңжийдиган бир бола катта ёзувчиларга хавас билан қараб турарди.

Мен уни танирдим. У Тошкентта борганда менга ҳажвий шеърларини, ҳикояларини ўқиб берган эди. Ўшандәк бўладиган бола эканини сезгандим. Агар йўлдан тоймаса, жуда зўр шоир ҳамда дидли-фаросатли носир бўлиб кетиши билиниб турган эди. Факат, факат ҳусн масаласи порлок келажагига соя ташлаб турарди. Бундай талантлар хунук бўлиб туғиладилар ва чиройли бўлиб тарихда қоладилар, дедим.

Хотинлар Эркинни туғилган, она бағрида биринчи марта кўз очиб оламни кўрган ҳонага опкириб кетишиди. Анча ҳаяллаб кетган Эркин кўзлари қизариб ҳомуш қайтиб чиқди.

Маслаҳат билан учрашувни темирийўл нарёғидаги тинчгина боғда ўтқазадиган бўлдик.

Хозир пилла қурти даҳага кирган, қанча барг берсанг кўрдим демайди. Олтиарик бутун Ўзбекистондаги номдор туманлардан бири. Ҳамма вакт олдинда юришга одатланган. Қишлоқ хўжалиги вазири Уркинбоев от миниб тутзорларни оралайди. Қурт боқаётган ҳонадонларга кириб, уни ундоқ кил, буни бундоқ қил, деб кўрсатма беради.

Бодринглар найчалаб қолган. Ўз ишига омил узумчилар валишларга «ингичка бел» новдаларини кўтаряптилар. Олд ғўзалар яганага кирган, ола жойларга махсус қоғоз стаканда тайёрлаган кўчатларни қўйиб чикишяпти.

Хуллас, туманда инқиллаб қолган кампирлару ҳали йўлга кирмаган гўдакларгина «бекорчи» эдилар.

Шундок иш қизиган пайтда туман марказида одам йиғиб учрашув қилиш таънайи маломатларга сабаб бўлиши мумкин эди.

Темир йўлнинг у томонида битта дала шийпонидан бошқа биронта одам яшайдиган уй йўқ. Биз жим-жит деб танлаган жойда ўтирган одамнинг қулоги шовқиндан том битади.

Кари толлар қуршовидаги ҳовузда бири-бирига мингашган сон-саноқсиз бақалар бутун далани бошларига кўтариб «сайрардилар». Ҳовуз худди қайнаётган қозонга ўхшарди. Бу чидаб бўлмас шовқиндан факат қочибгина қутулиш мумкин эди. Мотоцикл миниб келган муҳбир йигит, менда балиқ тутадиган тўр бор, бақаларни тутиб узокроқ жойга обориб ташлайми, деб қолди. Шу пайт

Адҳам ҳасипга тозаланган икки қаричдан мүлроқ пулаб шиширилган ичак олиб келди. Уни чайқалиб турган сувга ташлаб кафти билан сувини суриб ўртага хайдай бошлади. Бақалар бирдан жимиб қолишиди. Кимдир тинимсиз шанғиллаб турган радиони ўчириб қўйгандек бўлди.

Ҳаммаёк сув қўйгандек жимжит бўлди-қолди.

— Тамом, — деди Адҳам. — То ичакни олиб ташла-магунимча мик этмай ўтираверишади, бу муттаҳамлар.

Етмиш кишига мўлжаллаб жой қилинган. Адабиёт ўқитувчилари, ўнинчи, ўн биринчи синфларда ўқийдиган адабиётта қизиккан ўғил-қизлар, туман газетасида шеърлари, хикоячалари босилиб турадиган ёш ёзувчилар чақирилган экан.

Узок бригадаларга одам олиб борадиган усти ярим ёпик машина йигирма чоғли қизни худди консервадек қапиштириб олиб келди.

Эгарқош килиб ўсма қўйган, майда ўрилган узун сочини бураб-бураб қилган турмакларини зар рўмол билан танғиб олган қизлар машинадан тап-тап қилиб ерга сакраб туша бошладилар.

Уларнинг пардоз учун ойна олдида анчагина овора бўлганлари билиниб турарди. Машинада қапишиб кслганларидан баъзиларининг турмаклари тўзғиб, пардозлари чаплашиб кетган. Машина кетиши билан улар толзор орқасига ўтиб, бошқатдан пардоз қила бошладилар. Ечилиб, тўзғиб кетган ўрим соchlар яна турмак бўлиб бошга кўнди.

Бирор машинада, бирор велосипедда, бирор пиёда келяпти.

Туфлисини қўлига олиб ялангоёқ тупрок кечиб келган бир қиз одамларга орқа ўгириб чўнқайганча ариқда оёғини ювяпти. У туфлисини кийиб биз томонга ўгирилди. Ўлмас уни кўриб «оббо!» деб юборди.

Бу Қувадаги учрашувда, бирга сувратга тушайлик, деб Ўлмасни жон-холига қўймаган Раъно-Рўнў эди. Уни кўриб ҳаммамиз баробар кулиб юбордик. Бизга қўшилиб «Рўнў»нинг ўзи хам куларди.

Учрашувдан хабар топган адабиёт ихлосмандлари Наманган, Андижон тарафлардан «Жигули»да, «Москвич»да етиб келган эдилар. Бир ашаддий китобхон Нориндан шу бугун эрталаб тутган олтмиш кило келадиган лакқани иккита ҳўл қанорга ўраб, «Москвич» юкхонасида олиб келган экан. У йўл-йўлакай қанор-копга сув сепиб

келган бўлса керак, юхонадан ҳали ҳам чакиллаб сув томяпти. Лаққани уч киши зўрга қўтариб ҳовузга ташлашди. Ҳолдан тойган лаққа сув бетида тўнтарилиб ўликдек ётарди. У сал фурсатдан кейин қимирлай бошлади. Кейин ўнгланиб думини ликиллатганича ҳовуз ўртасига сизиб кетди.

Учрашув қатнашчиларининг сони тўқсондан ошди. Яна олтига скамейка қўйиб уларни ҳам ўтқаздик.

Йифилишини вилоят вакили сифатида Адҳам Ҳамдам бошқарадиган бўлди. Мен эса келган меҳмонларни бир-бир таништира бошладим:

— Менинг ёнимда ўтирган Ўткир...

Шундай дейишимни биламан, қизлар чувиллашиб, вуй, вуй, Ўткир Ҳошимов, деб ўрниларидан туриб кетишиди.

— «Бахор қайтмайди»ни ёзган. Зўр ёзувчи. Алимардонни боплаган... Ўзи кичкинагина экан. Вуй, ҳали уйланмаган бўлса керак, жуда ёш экан. Буларга Навоий бободан мерос, соқоли кўксига тушгунча ҳам хотин олмайди.

— Биласизларми, қизлар, «Урушнинг сўнгги қурбони» асарини ўқиб йиғлайвериб, бўладиганим бўлди. Жуда оғир, юраги ёмон одам ўқиса инфаркт бўлиши ҳеч гап эмас. Ўқимаган бўлсанглар, топиб ўқинглар. Ўткир Ҳошимов ниҳоятда аяничи воқеани қандок чидағ ёзганига ақлим етмайди. Бу ёзувчини «Атомний ёзувчи» деб атаси керак. Ўзи кичкина бўлса ҳам портлаши ниҳоятда кучли. Рахмат, Ўткир aka! Кечирасиз, ака дейми, ука дейми?

Киз уни таърифламига сўз тополмай кийналарди. Жуда кўп гапларни айтгиси келяпти-ю, хаяжонда айттолмаяпти.

Кўйиб берса бу китобхон қиз гапдан тўхтамайдиган кўринарди.

— Чап томонимда ўтирган Худойберди Тўхтабосв, — дедим қизнинг гапини бўлиб.

Худойберди ҳам бу томонларда жуда машҳур экан.

Қизлар, ўғил болалар «Сехрли қалпокча», «Беш болали йигитча», «Номоз ботир» деб бири олиб, бири қўйиб, гапга тушиб кетишиди.

— Қани энди, менда Ҳошимжоннинг қалпоғи бўлса, вой-бў, кўп ғалати ишларни қилиб юборардим.

Оркамга ўгирилиб, Анварга қарадим.

— Бу Анвар Эшонов деган ёзувчи. Танийсизларми, танимасанглар бир бошдан таништириб чиқай.

Бир қиз ўринидан турди.

— Мен «Найманбўстон»даги ўрта мактабда адабиётдан дарс бераман. Уч кундан бери вилоят газетасида шу акамизнинг бир бет-бир бетдан хикоялари «Боши ўтган сонда, давоми келгуси сонда» деб босиляпти. Икки сонда қувалик машхур колхоз раиси Мусажон Шербўтаев, унинг илфор хўжалиги тўғрисида жуда кизиқ, жуда ўқишли хикоялари босилган эди. Энди ўзимизнинг қаҳрамон раисимиз, ҳаммамизнинг меҳрибон отахонимиз Бозорбой Отакулов тўғрисидаги хикоялари давомли бўлиб босила бошлади. Ўқувчиларимиз у ёқда қолиб қишлоқликлар газета сўраб келаверишади, келаверишади. Шунча одамга қаёқдан газета топиб берамац. Одатда адабий асар хаётда бўлиши мумкин воқсаларни хикоя киларди. Исмфамилияси аниқ, иш жойи аниқ, қишлоғи аниқ одамлар тўғрисида биринчи марта ҳикоя ўқиётганимиз учун ҳам Айвар акамизнинг бу асарларига қизиқсанлар кўпайиб кетди. Директоримиз Фарғонага машина юбориб, йигирмата газета топтириб келди. Раҳмат, Айвар ака. Шунака хикояларни кўп-кўп ёзинг. Сизга бу хайрли ишингизда муваффакиятлар тилаймиз.

Кизининг ичи тўлиб турган экан, яйраб-яйраб гапириб олди.

Навбат Умарали Норматовга келди. уни ўтирганларга жуда болохонадор қилиб таърифлай бошладим.

— Ўрта Осиё Давлат университетининг профессори, филология фанлари доктори... Умарали Норматов, — дедим.

Умрида тирик профессорни яқиндан кўрмаган учрашув ахли худди ҳозиргина фазодан тushiб, ерга қўнган космонавтга рўпара келиб қолгандек ҳайрону лол караб турадилар.

Сочлари окариб кетган, кўринишидан кўп савдолар бошига тушгани билиниб турган кекса ўқитувчи Рискиев ўрнидан турди. У эллигинчى йилларининг бошларида «Ўткан кунлар» романи ҳамда Абдулла Қодирий тўғрисида болаларга гапириб бергани учун етти йилга кесилиб, тўрт йилда кутулиб келган эди. уни билимли, тажрибали ўқитувчи сифатида тан олишарди.

Бирок, байрамларда, ўқитувчилар кунида, Галаба байрамида ҳамма ўқитувчиларга чиройли конвертларда зар билан битилган табрикномалар топширишарди. уни эса оғзаки табриклаб кўя қолишарди.

Маориф вазирининг ўринбосари Туробов Олтиариққа келгандага вақт топиб Рискиевга учрашарди. Иккови узок

сұхбатлашар әдилар. Турабов бу келишида ҳам Рисқиевни сурштириди.

— Юрипти, ойлигига яраша ишлаб, — дея жавоб килди директор.

— Ҳозир топтириб келолмайсизми? Келишимни билардингиз-ку, нега унга бир оғиз айтиб күймадингиз?

— Ўзи шу ерда. Спорт залида дафтар текшириб ўтирипти. Ҳозир чакираман.

Турабов у билан эски қадрдонлардек күчоқ очиб күришиди. Директор ичида: «Бу Турабов хўп юрак ютган одам-да, таржимаи ҳолига сиёсий доғ тушган одам билан кўпчилик ўртасида ҳеч кимдан ҳайикмай гаплашинини қаранг!» деб ўйларди.

— Дўстим, — деди у. — Энди бошингизни кўтариб юринг. Сизни чин дилдан табриклайман. Бугунги «Халқ сўзи»да профессор Умарали Норматовнинг Абдулла Қодирий ҳамда унинг асарлари тўғрисида жуда чиройли мақоласи босилган.

У папкасидан газета чиқариб унга узатди. Халқимизнинг фуурии бўлган Қодирий ва унинг асарлари доимо камситиларди. Аслида эса улар ўзбек адабиёти хазинасини бойитиб турган мумтоз асарлар эканини ёзди профессор.

Мақола охирида таҳририят бундан кейин ҳам Қодирий ижоди ва унинг ўлмас мероси тўғрисида туркум мақолалар режалаштирганини ёзган.

— Қодирийнинг тўла оқланини, бу сизнинг ҳам оқланнишингиз, таъна-маломатлардан қутулишингиз, деб тушунаман. Сизни табриклагани атайн келганман. Вилоятда мени кутишаяпти, — деб, тик турганча бир пиёла чойни шошиб ичди-ю, хайрлашиб изига қайтди.

Ҳозир Рисқиевнинг учрашувда пухта ўйлаб, лекин хаяжондан энтикиб-энтикиб айтиётган гаплари умрида тухматга учрамаган, камситилиш нималигини билмаган одамга унчалик таъсир килмаслиги мумкин. Лекин, адабиёт булогидан бир қултум бўлса ҳам сув ичган шоиру ёзувчилар учун бу ҳолат ғоят таъсирли эди.

— Қодирий ҳамда «Ўткан кунлар» романи тўғрисидаги ҳаққоний мақолаларингизда буюк адабнинг шахси ва ижоди тамоман оқланган. Бу менинг ҳам оқланишим эди. Ана шундан кейин менга муносабат бутунлай ўзгарб кетди.

У хаяжонланганидан гаплари оғзидан бир текис чикмас, жумлалари ҳам қовушмаётганини сезмасди. Буни учрашув ахли сезиб турарди.

— Туманда, маорифда, қишлоқда, мактабда бош кўта-риб юришимга йўл очиб берганингиз учун куллук, профессор! Мен бирорга совға берадиган даражадаги одамлардан эмасман. Кизим ўз қўли билан тиккан марғилон-нусха шу дўппини акл тўла бошингиз омон бўлсин, деб кийдирмоқчиман.

Умарали жавдираб менга қаради.

— Домла, — дедим дўппи ушлаб турган Рисқиевга караб. — Профессоримиз умирида бирон одамдан совға олмаган. Лекин шу дўппини олади. У кишининг уйлари-га туруп, ўрикқоқи, анор орқалаб бола эргаштириб ке-лишади. «Эти сизники, суяги бизники, хозирча уйингиз-да хизматингизни қилиб юрсин», деб болани ташлаб кет-моқчи бўлишади. Профессор уларнинг боламини ўқишига ўзинг киритиб қўй, демоқчилигини дарров тушунади. Копларни ўзларига орқалатиб, кўчага чиқариб қўяди. Кайтиб кирмасин, деб эшикни ичидан занжирлаб қўяди. Эшик қўнғироғи то кечгача жиринглаб, охири коронги тушганда тинчиди.

Кекса ўқитувчи ихлос билан унинг бошига дўппи кий-дирап экан, энтикиб-энтикиб шу гапларни айтди:

— Раҳмат, раҳмат, эл олдида юзимни ёруғ қилганин-гиз учун раҳмат.

У кўз милкларини дастрўмол билан артиб, жойига бориб ўтириди.

Ўрта ўшлардаги кўзойнакли бир аёл қўл кўтариб сўз сўради.

— Касбим кутубхоначилик. Хозир биз билан сухбат ўтказгани келган ёзувчиларнинг китоблари қандай ўки-лаётганини аник рақамлар билан айтиб беришим мум-кин. Ойбеку,Faфур Гулому, Абдулла Қаххорлар гур-кираган Тошкентдек шаҳри азимда бу ёш талантли ука-ларимизнинг борлиги унча сезилмаётган, улар соясида қолиб кетаётган бўлишлари мумкин. Аммо биз адабиёти-мизга тўлқин уриб, пўртанадек хайқириб янги талант-лар кириб келаётганини ўз кўзимиз билан кўриб туриб-миз.

Ўлмас Умарбековнинг китобларини болалар қўлига бердимми, тамом. Кайтиб ололмайман. Ота-оналари, қариндош-урувлари, қўни-қўшилари билан ўкиб, охири изини йўқотадилар. Шу билан китобдан умидимизни узиб қўя қоламиз. Кутубхонамизда Умарбековнинг учта кито-би бор эди. Хозир биттаси хам йўқ. Навбатда турган саксон бир одам бекорга кутиб ўтирипти. Ўткир Ҳоши-

мовниинг «Бахор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари» китоблари қўлимиздан бир чиқиб кетганча қайтиб келмади. Йўқолиб кетди. Китобни олган боланинг ота-оналарига жарима ҳам солдик. Тўлади, барибир китоб қайтиб келмади. Салкам саксон бола бекорга навбат кутиб ўтирипти. Худойберди Тўхтабоевнинг йўриғи бошқа. Нашриётлар унинг бозоргир китобларини пешма-пеш кўп нусхада босиб чиқарадилар. Биргина «Сехрли қалпокча» китоби ўзбек ва рус тилларида йигирма марта босилиб чиқди. «Номоз ботир», «Беш болали йигитча» китоблари кети узилмай дўконга келиб турди. Қани эди, нашриётлар Умарбековнинг ҳам асарларини шунақа тез-тез, кўп нусхада чиқариб турсалар. Кутубхонамиз лимит бўйича атиги бир нусхадан китоб олади. Ўзимиз сотиб олайлик десак, маблағ йўқ. Тўғри,райижроқум ҳиммат қилиб Ибн Синонинг уч томлиги билан «Декамерон» деган китобни олиб берган. «Декамерон»ни болалар тарбиясига тўғри келмайди, деб ўзига қайтиб берганман. Кейин эшилтсан, шунақа китобларни ўқиб юрибсанми, тарбиясиз, деб хотини «Декамерон»ни шоферига берибди. Илтимос, лимитни кўпайтиришга ёрдам қиласангиз.

Ўлмас Умарбеков жавоб қилди:

— Биз хозир маслаҳатланиб, кутубхонангизни оталиқка олишга қарор қилдик. Бундан бўён янги китоблардан имкон борича юбориб турамиз. Бундан ташқари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига июлдан бошлаб йилнинг қолган ярмига обуна ташкил қиласиз. Буни редакция ўз зиммасига олади.

Кутубхоначи опа кўзойнагини сумкасига солиб гапини давом эттирди:

— Ҳамюртимиз Эркин акадан гина қилишга ҳаққимиз бор. «Ёшлик девони» китоблари ҳамманинг қўлида. Уни дўконда пештахта тагидан хуфя сотишиди. Биз ҳатто уни ушлаб қўрганимиз ҳам йўқ. Болалар ўқисин деб бирон нусхасини бизга бермадилар. «Буюк ҳаёт тонги» достонларини уйимдан опкелиб витринага кўйганиман.

Эркин Воҳидов иокулай аҳволга тушди.

— Опажон, шу бугунок, хозирнинг ўзида бу хатони тузатамиз, кутубхонангизга «Ёшлик девони»дан беш нусхасини бераман.

У шундай деб папкасидан бир даста китоб олиб узатди.

— Мана, бенита китоб. Манави олтинчисига дастхат ёзib бераман.

Она сумкасидаи яна кўзойнагини олиб тақди. Кўлидаги китобга меҳр билан қаради. Эркин то дастхат ёзгунча кимирламай қараб турди.

— Энди икки забардаст ижодкор қолди. Уларни яхши биласизлар. Қандай килиб Эркин Вохидов ундоқ шоир, Эркин Вохидов бундоқ шоир, деб сизларга таништиришим мумкин? Ахир у Олтиариқ боласи, уни биз эмас, сиз бизга таништиришинги керак. Мана, ёнимда Ўлмас Умарбеков ўтирипти. Уни яхши танийсизлар. Ёзган хамма асарларини ўқигансизлар. Бу ёзувчи тўғрисида айтмоқчи бўлган гапларингиз шундоқкина тилингизнинг учидаги турити. Эркин Вохидов билан Ўлмас Умарбеков тўғрисида гапиришни ҳам олтиариқликларга ҳавола қиласиз. Учрашувни вилоят ёзувчилари бўлимниниг раҳбари Адҳам Ҳамдам олиб боради. Адҳам Ҳамдам жуда қувнок, гапга уста одам. Ёзган хикояларидан кўра оғзаки хикоялари машҳур. Учрашувни жуда қизиқ, файзли олиб боради деб ишонаман. Қани, Адҳам ака, энди ўз амалимни сизга тошираман.

— Бўпти, — деди у. — Аввал бир масалани ҳал қилиб олайлик. Орамизда Анвар учта бўлиб қолди. Анвар Эшонов, Анвар Муқимов ва Анвар Обиджон. Уларни адаштириб юбормаслик учун ракамлаб қўйишимиз керак. Анвар Эшоновни «Анвар ракам № 1», Анвар Муқимни «Анвар ракам № 2, деб атайлик. ўзимизнинг Олтиариқли Анвар Обиджон деган бола ёзувчи сифатида тўла туғилиб бўлгани йўқ. Ҳозир ўғил боланинг сумагидескина бўлиб бурни туғилган холос. Шунинг учун уни «Анвар ракам № 0,5», яъни «Яримта Анвар» деб кўяқолсан. Нима дейсизлар.

Эркин Вохидов тўғрисида олтиариқликлар гапирсии деган таклифлар бўлди. Ҳар бир юрт фуқароси ўзидан чиққан истеъдод эгалари билан фахрланади. Уни кўзкўз қилтиси келади. Эркин юртдошлари фахрланса арзийдиган шоир бўлди. Ўзбекистонимизда унинг шеърлари кирмаган биронта хонадон қолмаган. Айниқса ҳамюрт хонанда Қобилжон Юсупов унинг шеърларига ўзи куй басталаб, ўзи ижро этиб, шеър маънисини юрак-юракларга сингитиб юборган. «Ёшлик девони» китоби босилиб чиққандан кейин «ҳамюрт»лари кўпайиб кетди. Бирор «Эркин Вохидов бизнинг Бухородан чиққан» деса яна бошка бирори, «Эркин намангандлик» дейди. Тошкент эса уни аллақачон ўзиники қилиб олган.

Эркин Вохидов «Ўзбегим» деган ғоят гўзал, ғоят фикрга бой достонини эълон қилиб бу «сеники, меники»ларга нукта кўйди.

\* \* \*

Эртага Тошкентга қайтмокчимиз. Раис Файзиматов Олтиариқда бир пиёла чой ичмасдан кетсанглар яхши бўлмас, шунчаки ҳазил-хузил қилиб гаплашиб ўтирамиз, деб қолди. Эркинжон бирон йифинда кўнглини очиб ганирмади. Ҳаммамиз у тўғрида нимаики билсак гапириб бўлдик. Бугун порасмий ўтириш бўлса ҳам, барибир гапирмаганига қўймаймиз.

Нўймонжон аканикига жой қилдиришган экан. Бутун ҳовлига осмонни кўрсатмай қўядиган баланд ток сўри тагида ўтирибмиз.

Бу ҳовлига кўп келганман. Баргидан ҳосили қўп сапсарик пилладек «ингичка беллар»га караган одамнинг кўзи қамашади. Еб тугатиб бўлмайдиган, сотиб адо қилиб бўлмайдиган бу узумлар Нўймонжонга жуда катта даромад келтиради. Бирон ойларга қолмай Термиз тарафлардан қора чиллаки Тошкент бозорларига келади. Нўймонжоннинг ўткан йилги узуми билан бу йилнинг узуми Тошкентда юз кўришади.

Бу йилнинг хусайнилари чиқканда ҳам барибир Нўймонжоннинг ўткан йилги «Ингичка бели» бозорнинг олди бўлиб қолаверади.

Дастурхонга катта саватда «Ингичка бел» уйиб қўйилган. Мен бошламасам бошқалар қўл уришга ботинмай туришипти.

— Бу ўтиришга Эркинжон ҳам мезбон, ҳам жўрабоши. Кани, ярми тошкентли, ярми олтиариқли Эркин Вохидов, бошланг.

— Майли. Аввало бир нарсани айтиб қўяй. Тошкентдан келган олти кишининг ҳаммаси Олтиариқقا боғлашиб қолган одамлар. Гапни Оқсоқолимиздан бошлай. Бу одам ўн беш йилдан бери Олтиарик атрофида капалакдек айланади. Мен туғилган юртни ўраб турган Ёзёвон чўллари тўғрисида бир эмас учта роман ёзган. Шу чўл одамлари тўғрисида еттита китоб бостирган. Оқсоқолимизни ҳам олтиариқлик дейишга ҳаққимиз бор. Ҳозирги маъдан суви чиқкан жойдаги санаторийдан ўн минутгина пиёда юрсангиз марказий Фарғона чегараси бошланадиган жойга «Оёқларингизни артиб, тозалаб киринг, коидани

бузганларга бир қоп бодринг, бир қоп туруп жарима солинади, ва бурунларига уч марта зарб билан чертилади», деб ёзиб кўйишгани ҳали ҳам ёдимда.

— Бурни ҳам ўзимизнинг Олтиарик қолипидан чиккан, — дея китмирилик қилиб гап ташлади Кодиржон.

— Энди Ўлмас ака тўғрисида гапирмокчиман. Лекин гапларим беҳазил, жиддий бўлади. Менинг юрга танилишимда Ўлмас аканинг хизматлари бекиёс бўлган. Бу одам мен ҳеч ким танимайдиган ёш шоирни радиога чақириб шеърларимни бастакорларга бериб қўшик ёздиранг. Зўр, зўр ҳофизларга айтдириб лентага туширган. Мен буни асло унутмайман. Ўша қўшиклар то ҳануз радиода тинимсиз эшиттирилади. «Буюк ҳаёт тонги» дostonимни ўз овозимда ёзиб олиб, биринчи марта радиода эшиттирган. «Ёз ёмғири» қиссасини ўқигансизлар. Асар қаҳрамони Раҳим Саидов Файзимат раис билан кўп учрашади. Шу колхозда илмий текшириш институтининг базасида жуда кўп тажрибалар ўтказади. Вильтга қарши ноёб препарат яратади. Агар Ўлмасжон Олтиарикқа келмаса бу гапларни қаёдан биларди. Демак Ўлмас ака ҳам Олтиарикқа боғланиб қолган одам.

Хизмат қилиб юрганлардан биттаси конверт қўйиб кетди.

Ичини очиб карадим. Хат. «Ўлмас ака, мени кечиринг, аввал ёзиб берган «Дастхат»ингизни қизлар олиб қўйишиди. Илтимос, бошқа ёзиб берсангиз. Синглим, деб ёзманг, сал бошқачарок қилиб, сал анақарок қилиб ёзиб беринг. Сизга ҳамиша содик РЎНЎ».

Хатни Раисимиз Эркинга бердим. Эркин Ўлмаснинг олдига қўйди. Ўқиб, Ўлмас дод деб юборай деди. Бир пасда хат қўлма-қўл бўлиб кетди.

Эркин гапини давом этдириди:

— «Анвар ракам № 1» деб номланган Эшонов Файзиматовнинг асранди ўглидек гап. Бир келадию қорнини тўйғизиб яна йўқ бўлиб кетади. Шундай пайтларда «Отаси» кўяверинглар, қорни очканда қайтиб келади, деб кулибгина қўя колади.

Худойбердини таърифлаб ўтирамайман. Бу тарафнинг болалари уни яхши билишади. Ҳошимжоннинг сехрли қалпокчасини орзу килган болалар худди жевачка, пахта қанд, лой хуштак, ҳар хил шарлар бериб шинша оладиган лўлининг аравасига эрганигандек чувиллашиб Худойбердининг оркасидан югуришади.

Манави «Анвар ракам № 2» сизга тапиши. Тушунтириб ўтиришнинг хожати йўқ. Битта айби: нафасни ҳам дадасидан сўраб ичига тортади.

Кодиржонни бир бола мени ўткир Хошимман деб лақиллатмоқчи бўпти. Бир кўринг, ростдан ўша бўлса шунига қараб муомала қилайлик, лақиллатаётган бўлса детдомга топширворайлик, деб қолди. Хужжатини текширмадингларми, десам, ҳали раста бўлмаган болада ҳужжат нима қиласи деди. Уни кўриб, ростдан шу ўткир Хошим, деганимда ёмонам мулзам бўлди, Кодиржон бечора. У албатта ўткирнинг кўнглини олади. Шу баҳона ўткир ҳам бир нимали бўлиб қолади.

Энди манаву «Анвар ракам № 0,5», яъни яримта Анварни нима қиласиз? Уни бу ахволда Тошкентга обориб бўлмайди. Келинглар, онасидан «Бошиқатдан дурустрок қилиб туғиб беринг» деб илтимос қилайлик.

— Э, бу гапни айтканмиз, — деди Кодиржон. — Куч-кувватдан қолдим. Бундан ортиқ қилиб туролмайман, деди.

— Бўпти. Энди буёғини ўзимга қўйиб беринглар. Кўконда бурун таъмирлайдиган устахона очилган. Бонлиги Тошкентлик кадрдонларимдан. Кеча унга телефон қилиб шундок, деб айтганимда ланжлик қилган эди. Қувалик ҳожи ака бурунларини таъмирлашга онкелганлар, бор чармларни ишлатиб қўйдик. Келаси квартал лими-тидан тўрт метр қарз олдик. Агар беш метрча чарм топиб келсанглар, бажонидил яхшилаб таъмирлаб берамиз, деди.

— Беш метр кўплек қилмайдими? — дедим.

— Тепасига ҳам, ичига ҳам чарм қоплаймиз-да, ҳозир чарм топиш кийин. Яхшиси сунъий чарм қоплаб бераколайлик. У ҳам ёмон бўлмайди.

— Э, қўйинг, сунъий чарм ёзда — офтобда оқариб, қишида намдан шалвираб қолади.

Келажаги порлок биттагина бурунни таъмирлашга нахотки Олтиариқда тўрт метр чарм топилмаса?

Олтиариқликларчувиллашиб маслаҳатга тушишди. Чарм топадиган бўлишиди.

— Энди навбат Умарали акага келди. Шу кишини яхшилаб таърифламоқчиман. Ўзлари қанилар?

Кодиржон жавоб қилди:

— Бизникида офтобда ўтириптилар. Боя ариқдан қўл юваман деб турғанларида шогирдларидан бирининг дадасига учраб қоптилар. У ҳавлисидан ҳали куримаган

шилта гүнгларни қопда томорқага ташиётган экан. Ўзингиз биласиз, хўл гўнг ниҳоятда оғир бўлади. Бечора терга пишиб кетган. Умаралижонни кўриптию, э домла, сизни биз томонларга қайси шомол учирди, деб кела солиб бағрига босибди. Домланинг костюм-шимларига хўл гўнг ёпишиб расво қипти. Табиати тирриқ бўлган домламиз бизникига чўмилгани келдилар. Жиянларим костюм-шимни латта хўллаб артиб офтобга ёйиб кўйишди. Ўзлари дунига тушиб тўнимга ўралиб офтобда ўтириптилар. У кишини энди қуритиб, кийинтириб олиб келаман деб турганимда келинингиз домла бир кепқоптилар, боламни кўтариб, дингирига туфлаб берсинлар деб бир яшар ўғлимни қўлларига бериб қўйди. Боласи тушмагур кўп сув ичиб қўйган экан шекилли домланинг кийимларига чоптириб қўйди. Костюм яна тозаланиб офтобга ёйилди. Тўнимга ўралиб яна офтобда ўтириптилар.

Водийниг қаеридадир кал болалар шифохонаси бор экан. Анвар Эшонов шумлик қилиб бош шифокорини бошлиб кепти. Умарали домлани учрашувга олиб кетармиш. Болалар ўз қўллари билан тиккан дўппиларни кийдиришармиш! Ҳозир домланинг тоблари қочкан, тузалганларида Анваржон албатта оборади, дедик. Ҳеч бўлмаса кал болаларимиз тайёрлаб юборган дўшпини кийдириб, улар ўз қўллари билан пиширган таомлардан едириб кетай, деб туриб олди. Боргандা кийдиарсиз, деб зўрга уни жўнатиб юбордик.

— Энди домлани ўзим қўриқлаб, олдига одам йўлатмай олиб келаман, — деди Қодиржон. — Ҳу, эшик олдида домла келсалар қўришамиз, деб бурини кавлаб турган мишики болаларни хам қувиб юборамиз.

Ош сузиш олдидан икки соқчи қуршовида Умарали Норматовни соғ-саломат олиб келишди.

Ўйин-кулги авжга чиқди. Қобилжон қўшикларни эзиб-эзиз айтиб турибди. Йўлдошли мотори ўчиб ерга қўнолмай «кийналаётган» самолётдек лапанглаб рақста тушди.

Эркин Воҳидовнинг жўрабошилиги ана шунака воқеаларга бой, қувноқ, сира эсдан чиқмайдиган ҳангомалар, нутқлар билан ўтди. Аммо-лекин маза қилдик. Ҳеч қаерда бунақа шодон ўтириши бўлмаганди.

## *Иккинчи бўлум*

Ўлмас яхши-яхши ҳикоялари, ихчам, ўқишли қиссалари билан танилиб қолган эди. Абдулла ака кўпинча, шу болани союз аъзолигига расмийлаштириб қўйиш керак, деб юрарди.

Эртага союзда секретариат бўлади. Бир нечта ёш ёзувчилар аъзоликка олиниади, деб бизга хабар килган эдилар.

Ўлмасни 1962 йилинг август ойи ўрталарида «Москвич» машинада Абдулла Қаххорнинг боғига олиб бордим.

— Домла, Ўлмасни эртага бўладиган секретариатда союзга қабул қилинадиганлар рўйхатига киритиб қўйсангиз, деб келгандик, — дедим.

— Шунаقا дардларинг бор экан икки кунгина олдин келмайсизларми. Союзга қабул қилинадиганларнинг хужжати тайёр қилиниб, раисга топширилган.

Ҳар хил қаланғи-қасангилар аъзоликка қабул қилинаверганидан қаттиққўл, талабчан, ҳеч бир томонга оғмайдиган Абдулла Қаххорни шу комиссияга раис қилган эдилар. Абдулла ака аъзоликка қабул қилинадиганлар билан эринмай гаплашар, билимини, дунёқарашини, нималар ўқиётганини ўбдан суриштиради. Хуллас, уларни «майда тароқ»дан ўтқазарди.

— Бўлмайди, — деди Абдулла ака. — Эртага союз аъзолигига мутлақо талантсиз, адабиётда бир ой ҳам умр кўролмайдиган ўткинчи одамлар қабул қилинади. Биттасини айтиб қўяқолай. Нажибулла Хабибуллаев деган бир лўттибоз! Билмадим уни ким оёғидан ўликдек судраб олиб келди экан? Агар Ўлмас шунаقا одамлар билан аъзоликка ўтишдан ор килмаса, майли, қабул қиласиз. Менинча, Ўлмаснинг орияти бунга йўл бермас. Бир ойдан кейин яна секретариат бўлади. Ўшанда уни чиройлик қилиб аъзоликка ўтказамиз, — деди.

Тарвузимиз кўлтиғимиздан тушиб қайтиб келяпмиз. Йўлда унга, хафа бўлдингми, дедим раҳмим келиб.

Ўлмас мулоҳазали, фикри тоза, сабр-қаноатли йигит эди. Сира хафа бўлмаганини айтди.

Эртасига навбатдаги секретариати бўлди.

Ҳайъат аъзолари жой-жойларида ўтиришибди. Эшик олдида Москвалик «ёзувчилар» Борис Привалов, Юрий Карасевлар ичкарига чақиришларини кутиб туришипти.

Раисимиз Яшин ака бугун аъзоликка қабул қилина-

диганларнинг номларини ўқиди. Абдулла ака тажанг бир алпозда эди:

— Шуларни союзга олишимиз шартми? — деди у худди нимадандир ирганаётган кайфиятда. Булар ада-биётта иш бермайдиган тўрт кунлик «мехмонлар-ку».

Яшин ака Абдулла Қаххорнинг қулогига жуда паст овозда рўйхат юқорида тасдиқланганини айтди.

— Бўлмасам бундай қилайлик, — деди Абдулла ака баланд, хамма эшитадиган қилиб. — Сиз ўша юқори идорага беш-ўнта союз аъзоси деган ҳужжатдан бериб қўйинг. Бизни овора қилмай ўзлари аъзо қилиб олаве-ришсин.

Марказкўм котиби Абдулла акага нимадир демокчи бўлди. Афтидан аччикроқ гап айтмоқчилиги билиниб турарди. Аммо Абдулла Қаххор билан олишиб бўлмаслигини билиб юмшади.

«Ёш ёзувчи»лардан иккитасини, шулар орасида Нажибулла Хабибулласвни ҳам боре, нима бўлса бўлди, деб аъзоликка қабул қилдилар. Уларнинг «ижоди» тўғрисида Назир Сафаров, Раҳмат Файзийлар оғиз кўпиртириб роса гапирдилар.

Котиба эшик орқасида навбат кутиб турган Юрий Карасевни чақириди.

Унинг «ижоди» тўғрисида Шевердин билан Владимировлар гапиришди. Бу ажойиб, талантли таржимон ўзбек романларини маҳорат билан таржима қилаётганини, рус китобхонлари унинг таржимасида ўзбек романларини ўқиётганларини гапиришди. Энди ўз навбатини кутаётган Борис Приваловни чақиришди.

Унинг «ижоди» тўғрисида Александр Удалов билан Дмитрий Ковалев деган бугунги номзодларнинг оёғини «ялаб» юрадиган союз дастёри гапирди.

Абдулла Қаххор билиб туриб, қаерда яшайсизлар, деб сўради. Улар Яшин акадан мадад кутгандек илтижо билан қарашиди.

— Нима учун Москвада союзга ўтмай биздан ўтмоқчисизлар? Москвада сизларни ёзувчи сифатида танимайдилар. «Контрабанда» усули билан биздан союзга ўтмоқчисизлар, — деди ачитиб. Сўнг Абдулла ака яна фаоллашиди: — Союзимиз низомида ўзи яшаб турган худудда аъзоликка қабул қилинади деб аниқ ёзиб қўйилган. Уларни биз союзга ўтқизолмаймиз...

Марказкўм вакили, хўп деворинг, оқсоқол, юқорининг розилигини олганимиз, деди юмшоққина қилиб.

— Мумкин эмас. Низомни бузишга хаққимиз йўқ. Агар бошқа масалалар бўлмаса мажлисни ёпиб кўяқолайлик, — деди Абдулла ака ўрнидан туриб.

Шундай деб ўзи чикиб кетди.

Союз аъзолигига номзод икки «Ёзувчи» серрайганча қолди. Уларнинг ҳоммийлари Абдулла ака орқасидан ўқрайганча караб қолдилар.

Келгуси секретариатга Абдулла ака қатнашолмайдиган бўлди. Зудлик билан чет эл сафарига жўнаб кетди.

Ўлмас Умарбеков йигирма биринчи сентябр куни Абдулла ака айтгандек бир чиройли бўлиб союз аъзолигига биронта карши овозсиз қабул қилинди.

Марказкўм вакили уни табриклар экан секингина, шу жой сизники бўлади, деб қўйди.

\* \* \*

«Абдулла ака кўргани келганлар билан хайрлашиб, менинг қолишимни сўрадилар. Ёнларига стул қўйиб ўтирадим.

— Сизга иккита маслаҳатим бор, — дедилар хар доимгидек жиддий оҳангда, қандайдир шу пайтгача мен сезмаган иликлик, юмшоқлик билан.

— Эшитаман, — дедим у кишининг юзларига тикилиб.

— Сизни союзга ишга чакиришлари мумкин. Союздаги йиғилишларга қатнашиб юраверинг. Аммо ишламанг. Иккичи гапим. Хотинингиз сизга жуда меҳрибон. Шуни қадрланг.

Абдулла ака шундай деб енгил жилмайдилар.

Марказкўм вакили мени Ш. Р. Рашидов ҳузурига олиб бораётиб:

...«Ўзбекфильм»ни таклиф қиласалар, рози бўлма. Сени ёзувчилар союзига юборамиз — деди.

Ш. Р. Рашидов ҳузурида чиндан ҳам шу ҳақда гап бўлди. Абдулла аканинг маслаҳати дилимда бўлгани сабабли Шароф ака киностудия ҳақида гап очганида дархол розилик бердим. Тўғри килдим. «Ўзбекфильм» студиясида мен катта бир тегирмонга тушиб чиккандек бўлдим. Саккиз йил директорлик килдим. Студия тарихида бунчалик узоқ ишлаган директор бўлмаган».

«Кизимга мактублар»дан.

...Ўлмас шу ерда кино сирларини, сценарий устида ишлаш, режиссёрлар билан ҳамкорлик қилиш сирлари-

ни билди. Қанчадан қанча бадиий фильмлар яратди. Ҳатто чет эл режиссёrlари билан ҳамкорлик қилди.

«Ўзбекфильм» унга катта ижод мактаби бўлди.

\* \* \*

Каттиқ ухлаган эканман, телефон жиринглаб уйғотиб юборди. Қарасам соат олтидан беш минут ўтипти. Ҳали тоңг ёришмаган. Шошиб трубкани кўтардим. Яшин ака-нинг қабулхонадаги котибаси Любанинг овози:

— Соат саккизда секретариат бўлади. Тезда стиб келинглар.

Нима бало бўлдийкан? Оқсоқол ёзувчилардан бирон-таси... Йўғе ҳаммалари соғ-саломат эдилар-ку! Яна ким билади дейсиз.

Саидахон билан стиб бордик. Союзнинг пленумлар ўтадиган катта залида одам кўп. Раиснинг кабинетида ҳам ҳамма секретариат аъзолари жамулжам бўлиб ўтиришишти.

Яшин ака секретариат мажлисини очди.

— Масала битта. Ёзувчи Фани Жаҳонгировни ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилиш, олдиларингиздаги конвертда бюллетен тайёрлаб кўйилган. Қани, Абдулла-жон, сиз қабул комиссиясининг раиси сифатида ўз вазифагизни адо этинг.

Абдулла Қаҳхор:

— Мен бугун лавозимидан воз кечаман. Умуман, бу одамии союз аъзолигига нолойик кимса деб биламан. Ана энди бу ёғини ўзингиз давом этдираверасиз, — деди.

Яшин ака қизиқ ахволга тушиб қолди. Нима дейишини билмай охири жуда паст овозда, бирор эшишиб, бирор эшифтмайдиган қилиб, ҳам қўрқув, ҳам ташвиш билан деди.

— Бу юқорининг топшириғи.

Гапининг оҳангидан айтсан тилим, айтмасам дилим куяди, деган маъно сезилиб турарди.

— Бўлмасам, мен Абдуллажоннинг розилиги билан аъзоликка номзод Жаҳонгировнинг ижодий биографияси билан таништираман. Қани, ўзини чақиринглар.

Ташқарида жонини ховучлаб кутиб турган номзод кўзлари аланг-жаланг кириб келди.

Яшин ака уни таништиришини давом эттирди.

— Жаҳонгиров Фани, асосан фольклор ҳамда болалар адабиёти билан шуғулланади. Унинг ёш теримчи

тўғрисидаги эртак қиссаси ҳозир ёш китобхонларимиз-нинг севимли асари бўлиб қолган.

Абдулла ака заҳарханда қилиб, савол ташлади:

— Муни қарангга, дуруст-ку. Ўзи ёзганми?

— Шериги ҳам бор. Шеригини ўчириб ташласа ҳам бўлаверади. Жуда ювош одам.

Қорақалпок ёзувчилари телеграммани олиб союзда фавқулодда ходиса юз берганга ўхшайди, самолётни кутсак улгурив боролмаймиз деб автобусда туни билан йўл юриб, келган эдилар. Жўлмирза Аймурзаевдан бошқа яна уч киши бемалол ухлаб ўтирадилар. Халқ шоири Жумамуротов бир-икки марта хуррак отиб юборди. Уни туртиб уйғотиб юбордилар. Бу хурракдан кўзлари очилиб кетган Ибройим Юсупов билан Каипбергеновлар шоша-пиша биз бунака одамни танимаймиз, деб бюллентдан номзодни ўчириб ташладилар.

Жўлмирзанинг ўғли безорилик қилиб қамалган эди. Катта раҳбаримиз Нукусга боргандага унинг ўғлини бўшабиб юборишни ваъда қилган эди. Шунинг учун ҳам буғунги тадбир каттанинг розилиги билан бўлаётганини билган Жўлмирза у кишига ёкиш учун номзодга биринчи бўлиб овоз берган эди.

Абдулла Қаҳхор бу қайсар, ўз сўзли қорақалпок ёзувчиларидан мамнун бўлиб ўтиради.

Яшин ака Абдулла акани қўлтиқлаб бошқа кабинетга олиб кирди.

— Абдуллажон, дўстим, қайсарлик қилманг. Бу иш билан шахсан каттамизнинг ўзлари шуғулланганлар. У кишининг топширикларини бажаряпмиз холос...

Абдулла Қаҳхорнинг қайсарлиги тутди.

— Бу гапни нега секретариат аъзолари олдида айтмай, панада айтяпсиз? Юринг, одамлар олдида гапиринг.

Яшин ака жуда ноқулай ахволда қолди. Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди, деган мақол шу топда жуда жойини топган эди.

Яшин ака қайтиб келиб, бўшашиб жойига ўтиреди. Абдулла ака гапира кетди:

— Ҳар бири тўрт юз, беш юз сахифалик бир неча қисса ва романлар ёзив қўйган ёзувчилар, беш-олтитадан достон ёзив эл оғзига тушган шоирлар, асарлари саҳналарда ижро қилинаётган талантли драматурглар қолиб, бу чала мулла одамни ёзувчи деб соуз аъзолигига олсак, одамлар нима дейди? Ёши олтмиш-етмишлар-

дан ошган оқсоқолларни тонг сахарлаб уйғотиб шу фүр, эртага ўзи нима бўлишини билмайдиган хомгўштдек одам учун безовта килиш шартмиди? Зўрники тегирмон юргизди, деб нима дейишса хўп деяверасизларми? Уюшмамиз адабий утил-сирёнинг омборига айланиб кетди-ку!

Абдулла Қаххор зарда билан ташқарига чиқиб кетар экан, Фатхуллин ушлаб турган конвертни юлиб олиб чўнтағига солиб қўйди. Эшик туткичига қўл узатар экан, орқасига ўгирилиб:

— Бугунги секретариатдан мутлақо порозиман. Бу масалани пленумга кўяман, — деди.

Фатхуллин секретариат аъзоси эмас. Лекин ҳаммадан олдин келиб олиб, одамларга ақл ўргатиб ўтиради. Хатто ёзувчиларниң съездларида, пленумларида хеч ким сайламаса ҳам президиумга чиқиб ўтириб оларди.

Абдулла Қаххорниң чиқиб кетишидан фойдаланиб Жаҳонгировни худди думидан кўтаргандек килиб союз аъзолигига қабул килишди.

Соат тўққизларда марказқўм вакили пленумни шундай сўзлар билан очди:

— Талантли ёзувчи, моҳир сўз устаси, болаларимизнинг севимли адаби Жаҳонгиров Фанини пленум аъзолигига тавсия қиласиз. Номзодимизнинг ижоди ва фаолияти тўғрисида сўз айтиш учун Раҳмат Файзийни минбарга таклиф қиласиз.

Катта зал одамга тўлиб кетган, пленум аъзолари ҳам, бошқа ёзувчilar ҳам бир янгилик бўлади шекилли деб ўйлаб, пленум бошланишини сабрсизлик билан кутиб ўтирадилар.

Худди зилзила бўлаётгандек орка томондагилар ўрниларидан туриб кетишли.

— Биз Жаҳонгиров деган ёзувчи борлигини билмаймиз.

Элликдан ортиқ одам ўрнидан туриб олган, шовқинни босиб бўлмасди.

Иброҳим Раҳим пленум аъзоларига бюллетен таркаби чиқди.

Холид Расул залнинг қок ўртасида срга ўтириб олиб бюллетенини полга қўйди, номзоднинг номини мутлақо ўқиб бўлмайдиган килиб ўчириб ташлади. Унинг тепасига келган марказқўм вакили, уят бўлади, уят бўлади, деди.

Холид Расул унга жавоб бермай залнинг охирига қараб кетди.

Хисоб комиссиясининг раиси — кўп жиҳатлари Жаҳонгиров қолипига мос келадиган, таланти Жаҳонгировдан хам анча паст, аммо берилган овозларни санаб чиқишида устаси фараанг бўлиб кетган Насрулло Охундий сайлов натижасини дазмолдан чиққандек сип-силлик қилиб кўярди. Бу гал унинг найранглари иш бермади. Бюллетен олганларнинг ярмидан кўни бюллетендан номзоднинг номини ўчириб ташлаган эдилар.

Барibir Охундий бюллетенларни бошкатдан санаган бўлиб, яна хисобни учма-уч чиқазди.

Жаҳонгиров Fани «кўпчилик» овоз билан пленум аъзолигига «сайланди».

Юкорининг вакили йигирма минутлик танаффус эълон қиласкаи, тарқаб кетмай сабр қилишларини ўтиниб сўради.

Секретариат ўз ишини давом этдириди.

Ҳар бир секретариат аъзосининг олдига конвертда бюллетен қўйилган эди. Абдулла Каҳхор Фатхуллин олдидаги конвертни олиб, чўнтағига солиб қўйди.

— Кўриладиган масала битта. Жаҳонгиров Fанини ёзувчилар союзининг секретариат аъзоси ҳамда ташкилий ишлар бўйича секретари қилиб сайлани. Кимда қандай таклиф бор? Марҳамат, Иброҳим Раҳим, сўз сизга.

Иброҳим Раҳим раҳбарларга хос бўйинни ичига тортиб гап бошлади.

— Хозир пленумда ўз қўзларигиз билан кўрдингиз. Жаҳонгиров қанчалик обрўга, хурматга лойик эканини намойиш қилди. Барча ҳужумларга бардош бера олди. Ўзининг босикилиги билан, бардоши билан ракибларини енга олди. Мен уюшмамизда ана шундай бир кишининг секретар бўлишини орзу қиласдим. Бугун шу орзум рўёбга чиққанидан хурсандман. Эътиборларигиз учун раҳмат.

Бошқа гапирадиган одам бўлмади. Абдулла Каҳхор шу чиқиб кетганича қайтиб келмади. Яшин ака Жаҳонгиров Fани бир оғиздан уюшмамизининг секретариат аъзоси ҳамда секретари қилиб сайлангани билан ҳаммамизни табриклиди. Секретариат ўн беш минутлардан кейин яна ўз ишини давом эттиришини айтди. Ҳаммамизни пленума тақлиф қилди.

Залга чиқдик. Ҳеч ким йўқ. Берилган бюллетенларни оёқ остига танилаб кетиб қолишипти. Залда тўртта бола ўтирипти. Улар Охундийнинг югурдаклари. Кўл кўтарган, кўл кўтармаганларни санайдиган Охундий айтгандек қилиб хисобни учма-уч қиласдиган болалар.

Секретариат яна ўз ишини тиклади.

Хисоб комиссиясининг раиси Охундий ахборот берабашлади.

— Сизлар секретариат ўтқазаётганингларда мен пленумни якунлаб бўлган эдим...

Хеч ким унга пленум ўтқазишга сенинг нима ҳаққинг бор, деб сўрамади.

— Мен хеч қачон бунақа демократик, очик-ошкора фикрлар айтилган пленумни кўрмаганиман. Ҳамма биол-летенларни ташлаб очикдан-очик овоз берамиз деб Жаҳонгиров Фани номзодини дил-дилдан кувватлаб ўз фикрларини баён қилдилар. Менимча бу пленум уюшмамиз тарихида ёркин сахифа бўлиб қолади.

Секретариат ҳам худди ягана қилингандек сий-раклашиб қолган эди. Ҳар мажлисда бирорвга сўз бермайдиган Уйғун уйқуни афзал билиб пленумга келмади. Аскад Мухтор гапга аралашмай «Оғонёк»ни вараклаб ўтириди. Лазиз Каюмов Кўкон пединститутида имтиҳон комиссиясига раис экан, келолмади. Рамз бошқа ишга тайинланган экан, бир кўриниду кетиб қолди. Воҳид Зоҳидов касалхонада. Одил Ёкубов пленумга атайнин келмади.

Мажлис деса еб турган овқатини туфлаб ташлаб югуриб келадиган Назир Сафаров мажлиснинг гули бўлиб ўтирипти. У Жаҳонгировни бағрига босганича бир кун керак бўлиб қолар, деб бир неча дақика кучаниб, ўпкаси бўғзига тиқилиб қолгунча кўтариб турди. Зўриққанидан бир қизарип, бир бўзаарди.

То тушликкача уч пленум, тўрт секретариат ўтқазган союз раҳбарияти бугунги қизғин ўтган иш кунини якунлаб, яни секретар номидан пастдаги ошхонада тайёрланган зиёфатга йўл олди.

Ушбу сатрлар Фани Жаҳонгировдек бир беозор одами мувозанатдан чиқарип, ноқулай ахволга солгандарга, хаётда ўз жойини тополмайдиган қилиб кўйганларга ўпкаю гина тариқасида ёзилди.

Аслини олганда Жаҳонгиров чиндан беозор, қўй оғзидан чўп олмаган, бирорни маломат қилмаган тоза одам эди. Турли лавозимларда ишлаган кезлари хизмат юзасидан келгандарининг хожатини чиқарип, боз устига қўли кўксида, уларга раҳмат айтиб, метро бекатигача кузатиб қўярди.

Бу гапларни Фани Жаҳонгиров баҳонасида ўз мавкеини кўтариб олиш ниятида слиб-юргурганларга, ҳалол,

безор одамларни нокулай ахволга солган давр ўйинчи-  
ларига қарата отилган таъна тошлари деб билинг.

\* \* \*

Кечаки Ўлмасни уйига ташлаб ўтганимда бир зарур  
гапни айтиш эсимдан чиқкан экан. Қувадаги бедана ови-  
да бир ўлимдан қолганингни Зухрога айтмай қўяқол  
демоқчи эдим. Уйига кўнғироқ қилдим. Трубкани Зухро  
кўтариб, «Лаббай, эшитаман» деди.

Трубкани шошиб жойига қўйдим.

Ўлмаснинг бу дунёдан кетганига беш йил бўлай деяп-  
ти-ку!

Еши ёзувчи укаларим билан водийга қилган сафари-  
мизни сўзма-сўз, кадам-бақадам, соатма-соат хотирлаб  
чиқканман. Уни уйига ташлаб ўтганим ҳам хотира эди.

Бу воқеа хотирага айланмасдан олдин уйига олиб  
келганимда Зухро буни нима қилдинглар, соchlаридан,  
кийимларидан бурқсиб исириқ хиди келяпти. Кўйлакла-  
ри тутундан сарғайиб кетиби, деган эди.

Шунда ҳазил қилиб, эрингизни қаерга борсак исирик  
тутатиб, ёмон кўздан асраридик, дегандим.

Кўз тегиши, кўзикиш деган гапларга ишонмасдим. Унга  
тез-тез «кўз тегиб» турарди. У Тошкентда аварияга уч-  
раб, бир ўлимдан қолди. Миниб кетаётган машинаси  
трамвай йўлига чиқиб кетиб, симёочга урилиб тўнтари-  
либ қолди. Яхшиям трамвай сал узокроқда келаётган  
екан. Хайдовчи тўхтатиб қолди.

Сирдарёда ҳам худди шунака фалокат юз берган.  
Довондан ўтиб Кўкон томон кетаётганда хаёли қочиб  
машинани бошқоролмай қолган, машина бир неча марта  
думалаб кетган. Уни бошқа машинага судратиб, устахо-  
нага олиб боришиган.

Машина минишининг гашти бошқача бўлади. Табиат  
кўйнига сингиб кетаётганга ўхшайсан. Хаёлинга кўп чи-  
ройли гаплар келади.

Ўлмас ана шундай пайтларда ёзаётган ёки ёзмоқчи  
бўлган қисса ё романини ўйлаб кетади. Йўлда учраши  
мумкин бўлган хавф-хатарларни унутади.

Фалокат оёғинг остида, деб бежиз айтилмаган. Ана  
шу оёқ остидаги фалокат тўрт марта унга панд берди.

Қувадаги бедана ови пайтида содир бўлган фалокат  
Ўлмаснинг овга қизиқиб кетиб, ўзини унугани туфайли  
юз берган эди.

Ўлмас кўзга яқин йигит эди. Уни кўрганлар орқасидан сукланиб қараб қолардилар.

Ана шундай пайтларда биз исириқка зўр берардик. Кўйинглар, керакмас, дейишига қарамай орқасидан қувиб, исириқ тутатардик. Уни ниҳоятда эҳтиёт қиласардик. Кўнглига қарадик. Сафарга бирга чиқсан ёзувчи укалаrimiz уни «Коғозга ўралган қантдек» авайлардилар.

Ўша сафаримиз хотирамга шу қадар ўрнашиб қолган эдики, бир нимани унутсам, ҳозир Ўлмаснинг ўзидан сўрайман, деб юборадиган бўлиб қолган эдим.

Аяган кўзга чўп тушар, деган гап бор. Ўлмас бизнинг аяган кўзимиз эди.

У оғир дардга чалинди. Ҳали Ҳиндистон, ҳали Москва касалхоналарида қилмаган муолажалари қолмади. Кундан-кунга ўлим хавфи бостириб келаверди.

Кодир худо эллик олтинчи йилда уни Зухро деб аталган «фаришта»га рўбарў қилган эди. «Мен уни чинакам бахт, чинакам вафо, умрингнинг охиригача ажралмас ҳамроҳ қилиб яратдим», деди Аллоҳ.

Зухрони Ўлмас билан ажал ўртасидаги ўқ ўтмас қалкон қилиб яратган экан Худойим.

Ўлмас ҳолдан кетиб, умр чироғи сўна бошлаган дамларда Зухродан қувват оларди. Шунда умр чироғи яна парпираб кетарди. Зухро Ўлмас учун маҳсус қувват манбай эди.

Бу сатрларни ўқиётган кишилар Зухроҳон Ўлмас билан бирга яшаб, бирон кун роҳат кўрмаган экан-да, деб ўйлашлари мумкин. Йўқ, ундей эмас. Эр-хотин иккови ёнма-ён туришининг ўзи Зухро учун туганмас роҳат, қувонч эди. У Ўлмаснинг дардига эм бўлаётганидан чексиз бахтиёр эди. Уларнинг жуфтлиги Тангри назари тушган жуфтлик эди.

Ўлмас ёзиши керак. Кўп нарсаларни ёзиши керак. Тўхтамай ёзиши керак.

Қани эди шифохонада бунга имкон бўлса?

Зухро шу тўғрида ўйларди. Кичкинагина тикилинич палатада стол-стулга жой йўқ. Факат тиззага бирон нима қўйиб ёзиш мумкин. Магазиндан патнис олиб келсинми, йўқ, бўлмайди. Патнис муздек, совук, унга тўғри келмайди.

Шифохона подвалида синиб, яроксиз бўлиб қолган стол-стуллар қалашиб ётарди. Зухро зора бирон нимага ярайдиган нарса топилиб қолса деб шу кераксиз бўлиб қолган буюмлар орасидан ёзув столининг эшигини топ-

ди. Чироққа солиб буни нима килса бўлади, деб орқа-үнгига яхшилаб қаради. Оғир эмас, енгилгина, тиззага қўйиб хат ёёса бўлади.

Зухро эшикни юқорига олиб чиқди, артиб тозалади. Ҳар хил дори хиди ўришиб колмагани, деб ҳидлаб ҳам кўрди.

Зухро шу ҳалоскор эшикни Ўлмасга кўрсатганда унинг кўзлари яшиаб кетди. Дарров тиззасига қўйиб, худди хат ёзаётгандек қилиб, бармоқларини юргизди.

Ўлмасга ёзиш имкони пайдо бўлганидан Зухро яйраб кетди. Ўлмас эса бу ноёб тухфа учун миннатдор жилмаярди.

Ўлмаснинг жилмайини Зухрога, Зухронинг меҳр билан бокиб туриши Ўлмасга мукофот эди.

Улар бир-бирларини самимий табассум билан мукофотлаган эдилар.

Бугун бизга етиб келган «Қизимга мактублар» шу эшикчага қофоз қўйиб ёзилганини кўпчилик билмаса кепрак. Сарлавҳа тагидаги ёзувга кўзингиз тушгандир. Унга «Мангу дунё бўсағасида» деб ёзиб қўйилти. Бу унинг фоний дунёдан бокий дунёга кўчаяпман, дегани...

У шундай берилиб ёзардики, эртага жарроҳ бўғизига наштар уришини ҳам унтиб қўйган эди.

Ўлмаснинг ёзишга берилиб кетганидан Зухро хурсанд эди. У ўлимни унтиб, энди нималар ёзишини, қанақа китоблар чиқаринини Зухрога тўлиб-тошиб гапнириб берарди.

«Учта китобни тайёрлаб қўйганман. Иккитаси келишиб ҳам қўйилган. Таъланган қиссаларим Faфур Гулом номидаги нашриётда чиқиши керак. Янги романим «Фотима ва Зухра» «Шарқ Юлдузи»да босилади. Уни «Ёзувчи» нашриёти ҳам чоп этиши керак. Уйда ўн бешта янги хикоям турибди. Яхши битта тўплам бўлиши мумкин.

Зухро дикқат билан кулоқ солиб жилмайди.

— Худо хоҳласа шу ишларининг ҳаммасини ўзингиз уйга қайтиб бориб бажарасиз. Мен ёрдам бераман.

Мен ҳам жилмайдим. Қўлини олиб кўзларимга суртдим... Ёзишга тайёр турган режаларим бор... Ҳикоялар, пьесалар, яна битта роман ёки пьеса, ёмон бўлмайди, шулар қофоз юзини кўрса. «Оқсоқол» деган пьесам машиинкада. Ҳамза театрига беринш керак...»

Ўлмас бош вазирнинг маданий ишлар бўйича ўринбосари эди. Намангандага ўтадиган ҳосил байрамига унинг

рахбарлигиде бир неча фан ва маданият арбоблари маҳсус «Тойото» микроавтобусида ҳангомалашиб йўлга чиқдик. Сафимизда машхур раккоса Малика Ахмедова, академик Турсун Рашидов, шоир Ҳамид Фулом, адабиётшунос олим Умарали Норматов, рассом Бахтиёр Бобоев ва бир неча санъаткорлар бор эди. Тошкентдан йўлга чиққанимизда офтоб чараклаб турган эди. Ҳаммамиз енгил кийинганимиз. То стиб боргунимизча Намангандга хаво айниб, аччик шамол эсаётган экан. Совук шу даражада эдики, бирон пана жойга яширинимаса чидаб бўлмас эди. Беш-олтига бризент палатка ичига гулхан ёкиб меҳмонларга жой қилинган эди. Кирдигу гулханга қўл-оёклари мизин тутиб, исина бошладик.

Ўлмаснинг бунақа совукда ўраймай ташқарида туриши қийин эди. Дадажонова бошидан жун рўмолини ечиб Ўлмасни оғиз-бурун аралаш томоғига ўраб қўйди.

Кенг саҳнининг ҳар ер, ҳар ерида иссиқ кийиниб олган кишилар гулхан ёнида мазза қилиб қийқиришиб ўтиришарди.

Юк машинасининг кузовига «Минбар» қилинган. Ўлмас республика ҳукуматининг «Хосил байрами» қатнашчиларига йўллаган табрик хатини ўқиб бериши кепрак. У минибарга рўмолга ўрайниб чиколмасди, албатта, микрофонни қўлига олиб ўқий бошлади. Совук хаво бирдан бўғзига урилиб энтиқтирди, табрик охирига етгунча овози хириллаб колди. Бора-бора нималар деяганини билиб бўлмайдиган ҳолга келди.

Минбардан тушиши билан печкаси аввалроқ ёкиб қўйилган енгил машинага ўтқазиб ҳукумат дачасига олиб кетишиди.

Иссиқ, ҳамма қулайликлари бор дачага маҳсус малакали врач чакирилган.

Ўйин-кулги давом этарди. Камолиддин Рахимов шўх бир қўшикни бошлаб, Маликани раксга тортиди. Бу ноҳизик раккоса совукда шамоллаб қолмасин деб иссиқ тўн кийдириб, белига кийик боғлаб қўйишган. Бошидаги телпак унга ниҳоятда ярашган эди. Камолиддин ашулавни ашулага улаб, уни даврадан чиқиб кетишига имкон бермасди.

Бу байрам томошаларини бошқарни шоир Ҳабиб Саъдуллога топширилган. Ҳабиб бунақа ишларни ўринига қўярди. Тошкентда ўтадиган тўйларимизда, юбилей зиёфатларимизда Ҳабиб даврани жуда чиройли олиб борарди.

Бундан ўттиз-кирқ йиллар олдин Андижонда яхши

обрў билан ишләётган, таги чустлик Дадажон Сохибий шоир Ҳамид Фуломни меҳмонга чақиради. Ўша куни у киз кўрган, бу зиёфат шу хурсандчилик сабабли бўлаётган экан. Сохибий Ҳамид Фуломдан чақалоқка чиройли бир исм қўйиб беришни сўрайди. Шоир кўп ўйлаб ўтирамай, оти Дилшода бўлсин, дейди. Шундай қилиб Ҳамид Фулом Дилшоданинг вакил отаси, яъни маънавий отаси бўлиб қолади.

Ҳабиб: «Ҳозир сўз област ижроқўми раисининг ўринbosари Дилшода Сохибовна Дадажонованинг вакил отаси, машхур шоир Ҳамид Фуломга» деб эълон қилди.

Эрталабдан бери гулхан атрофида кайфчоғлик қилаётганлар бирдан жимиб қолишиди.

Ҳамид Фулом етмишдан ошиб кетган бўлишига қарамай қадди тик, гапга чечан, тингловчиларни гап билан «сехрлаб» кўядиган, уста иотик.

У минбарга чиқиб одамларга таъзим қилди.

— Мен дунёнинг саксондан ортиқ мамлакатини кезиб келган Машрабдек дарбадар шоирингизман. Осиё ҳамда Африка мамлакатларида, Оврўпода мен бормаган жой қолмаган. Ёзувчилар, давлат арбоблари, машхур расомлар, бастакорлар билан дўстлашдим. Мен бу юртларда жонажон Ўзбекистонимиз манфаатини кўзлаб, улар билан талапиб-тортишиб қанчадан-қанча шартномаларга, дўстона борди-келдиларни ривожлантиришга алоқадор келишувларга имзо чекдим. Амирлар, президентлар ҳузурида бўлиб, конференциямизга келадиган арбобларнинг моддий таъминотини ўз зиммаларига олишларини илтимос қилдим. Кўп қийинчиликлардан кейин уларни маблағ ажратишга кўндиридим. У томонларда халқнинг ночор аҳволини кўриб, Ўзбекистон деб аталган жаннат юртда туғилганим ва шу юртда вояга етканимга мингминг шукроналар айтдим. Намангандек гўзал шаҳар ҳуснига ҳусни вобаста Дилшодаҳон қизимнинг меҳри мени бу галги узок сафардан олиб қолди. Биз Дадажон Сохибий билан қизимизга гўзал хулқ, одоб бердик. Ва ниҳоят уни интернационализм руҳида тарбия қилдик. Азиз ва муҳтарам намангандик жигарларим, мен шу кичкинаги-ша нутқимни шеър билан якунламоқчиман.

*Кимки Ўзбекистон деса тилда бол,  
Кўксини тог қадар кўттарар иқбол.  
Минг фазилат берган Аллоҳ инсонга  
Ҳам oddий фуқаро ва ҳам султонга...*

\* \* \*

Куйгаиёрдаги боғимда шийпонга чиқиб Қорадарёнинг айқириб оқишини томоша қиласан.

Кейинги кунларда дарё кирғозини чумчук босиб кетди.

Канал мираблари суви чекипиб, очилиб қолган оролчаларга шоли экишган. Ҳозир улар ўриб олган боғ-боғ шолиларни шундоққина шийпон тағидан орқалаб олиб ўтадилар.

Чумчуклар түкілган шоли донларини талапиб-тортишиб чўқиб юрадилар.

Уларга локдек қоп-қора бир чумчук араласиб қолган. Бопқа чумчуклар уни ётсираб чўқиб хайдайдилар. Охири уни ташлаб бошка ёққа учеб кетадилар. Кора чумчук эса улардан қолмайди. Қанчалик чўқиб хайдамасинлар барি бир ўзини улар тұдасига ураверади. Ажаб! Бу қандок сир-синоат бўлди?

Уруп арафаси эди. Бозордан карнайгул кўчатларини олиб келиб ҳовлимга эккандим. Шу гулнинг хидини ниҳоятда яхши кўраман. Кўпчилик уни назарга илмай қўйган. Ҳар хил атиргуллар ўшанда жуда обрў топган пайтлар эди. Маҳаллада ҳам, районда ҳам ҳеч ким карнайгул экмасди. Оқ, қизил, зангори, сарик, тарғил гуллар орасида биттаси амиркон ковуцдек қоп-қора бўлиб очилди. Хиди ҳам бошқача. Айниқса офтоб тушганда ажиб бир хид ҳовлини тутиб кетади. Кўшниларим бу хид қайдин келяпти, деб ҳовлимизга бош сукадилар.

Уруғини чумчук чўқиб кетмасин деб кечгача қўриклиб ўтираман.

Демак бундан кўп йиллар олдин қаердадир шунака гул бўлган. Ўзига мос иқлими кутиб ётган. Шундай бир шароит бўлгану уйғониб кетган.

Киркинчи йиллар бўлса керак, «Оғонёк» журналида негр бола түккан оқ танли бир ёш аёлнинг қопқора бола кўтариб турган суврати босилган эди.

Вашингтонда машҳур «насли тоза» миллионер оиласида бунақа бола туғилиши кўп шов-шуввларга сабаб бўлади. Ёш аёлни бузукликда айблайдилар. Авлод шажара-сининг сўнгги бўғинига доғ туширган, деб ундан юз ўғирадилар.

Эл олдида бош кўтаролмай қолган миллионер ота шажара китобини вараклайди.

Бундан уч юз ўттиз бир йил аввал боболарининг қора танли бўлгани тўғрисидаги ёзувга кўзи тушади...

Каранг, қора чүмчук, қора карнайгүл, қора танли чакалоқ. Тасодифми, нима?

«Казисан, картасан, асли наслингта тортасан» деб бежиз айтмаган эканларда, деб ўйлаб қоламан.

Эрталаб Дадажонова Ҳамид ака билан икковимизни Ўлмасни күргани дачага олиб кетди.

Дачанинг хоналари хам, кенг-узун ўйлаклари хам бирдек иссиқ. Аллақачон соқолини олиб галстук тақиб олган Ўлмас ниманидир ўйлаб айланиб юрипти. Врач ёнига келиб томогини ушлаб кўради, кўйлаги устидан кўкрагига қулок тутиб хириллаш томогининг қаеридан чикаётганини билмоқчи бўлади.

Назаримда томогининг хириллаши бир қадар камай-гандек эди.

— Тошкентга кетмасам бўлмайди. Зухро хавотир олаётган бўлса керак.

— Водийга самолёт учмаянти. Махсус самолётимизга хам рухсат йўқ. Жўрабеков Ўшга учиб келган. Андижонга келолмай ўтирипти.

Агар Ўлмас бир амаллаб Ўшга бориб олса Тошкентга учиб кетиши мумкин эди. Лекин бунинг асло иложи йўқ. Ҳар қандай уста, тажрибали, таваккалчи шофер хам Ўшга боришга журъят қилолмасди. Ўлмасни бир нарса ташвишга соларди. Ўшга йўл очиқ экан деб Зухро самолётда йўлга чикиб қолса нима бўлади? У телефон қилмасдан олдин ўзим қўнғироқ қилиб тинчтиб кўйишим керак. Биламан, у хозир дачага қўнғироқ қиласди, деб ишонарди.

Шифокор унга қайнок сут ичирди. Туршакдек сарёф солинган қайнок сутни дарров ютмасдан томогида узокроқ ушлаб туришини тайинлади. Шу пайт телефон зарб билан жараанглади. Навбатчи қиз трубкани олди, ким биландир гаплашиб, трубка микрофонини кафти билан босиб, Ўлмаста деди:

— Келин аям сизни сўрайяптилар.

Ўлмас трубкани олар экан, врач унга қўл ҳаракатлари билан хаяжонланманг, ўзингизни босиб гаплашинг, ишорасини киларди.

— Зухро, сизмисиз? Мен Ўлмасман, тинчмисизлар? Умидা нима кияпти...

Сарёғли қайнок сутнинг таъсирими, Ўлмаснинг овози ниҳоятда тиник чикарди. Зухро нималардир деяпти. Ўлмас бошини қимирлатиб қулок соляпти.

— Ўзим телефон килмоқчи эдим. Ўшига уча кўрманг. Андижон — Ўш йўлини қуюқ туман босган. Ахволим ёмон эмас. Ёнимда шифокор, ҳамишира бор. Ташибарига деярли чиқмайман. Дишиода опа пуховой рўмопларини берганлар. Ҳозир ёнимдалар. Сизга салом айтаптилар. Мана, ўзларига бераман.

Ўлмас трубкани Дадажоновага берди.

Икки хотин бири Тошкентда, бири Наманганда роса ўрисча-ўзбекча аралаштириб гаплашишарди.

— Не надо, не надо благодарить. Қўйсанг-чи, это просто человеческие отношения и всё! Ўзинг қалайсан? Как Умида? Передай ей привет от меня, деялман. Наверно ты соскучилась по мужу. Яхши, жуда яхши ахволи. Здоров как бык. Мана гаплаши. Ҳозир трубкани ўзига бераман. Телефон килиб тур, хўпми?

Зухро Ўлмасин кўп гапга тутмади. Томоғи хириллаб қийналмасин, деб аяди.

— Бўпти, Зухро, ўзингизни эҳтиёт килинг.

Ана шу гапдан кейин Тошкентда Зухронинг, Наманганда Ўлмасининг кўнгли таскин топгандек бўлди.

Деразани очиб ташбарига карайман. Бино шахарнинг энг баланд жойига қурилганидан туман учининг сатҳигача чиққану бўёғига қурби стмай холдан тойган эди.

Дача худди туман денгизи устида қалқиб турган кемага ўхшарди.

Ҳабиб Саъдуллонинг нихоятда вафодор дўстлари кўп эди. Меҳмон келадиган бўлса, албатта, уларнинг ҳаммасини чакираарди. Ҳавонинг бунақа кескин айнигани, меҳмонларнинг келиш-келмасликлари аниқ бўлмагани, келса ҳам узок ўтирмасликлари сабабли уларни чакирмаганди.

Даволаётган врач Ўлмасининг шу совуқ туманда боришига рухсат бермади.

Бошка меҳмонлар яйраб ўтиришибди.

Академик Турсунбой Рашидов сухбати ширин, айникса жиндек «отиб» олгандан кейин ўзини қўйиб юборади.

— Андижоннинг «Богишамоли»ни ўрмонга айлантириш зарур. Унга илдизи бақувват дараҳтларни кўп экиш керак. Одамлар адир ёнбағирларига иморатлар қуриб олишган, настликда маҳаллалар пайдо бўлган. Мабодо ер сурисла — кўчки босса уйлар ҳам, одамлар ҳам тупроқ тагида қолади. Кучли насослар юқорига тинмай сув тортиши. Одамлар тез ҳосилга киради деб шофтоли билан бодом экиб ташлаганлар. Бу дараҳтларнинг илди-

зи юза, ёнбошидан оёғинг билан боссанг илдизи юкорига чикиб қолади. Чинорни кўп экиш керак. Илдизи илонга ўхшаб ср тагига ўрмалаб кириб кетади. Буралиб-буралиб ерни маҳкам қучоқлаб олади. Кўчки бўлишига йўл бермайди. Мен ўзим сейсмолог олимман, биламан. Андижон актив сейсмик зона. Катталаримизга айтиб у жойга битта кичкина сейсмик станцияча қуришга рухсат олиб берсангиз. Фалокат юз бергандан кейинги «аттанг»дан фойда йўк.

Хамид Фулом бунақа жойларда нихоятда улфатнинг гули бўлади. Олимнинг интиҳосиз гаплари унинг оғиз очишига имкон бермасди.

— Турсунбой ака, бир маслаҳат. Академиянинг илмий кенгашини бу ичклик бор жойда эмас, Тошкентда, олимлар даврасида ўтқазсак дуруст бўлармиди дейман-да...

Рашидов эзмалик қилиб, одамларни зериктириб қўйганини сезди. Кўлини кўксига қўйиб узр сўради.

Барibir Хамид Фуломга сўз навбати келмади. Дастурхонга ош тортилди. Ўлмас келмагани учун томофимдан овқат ўтмади.

Бахтиёр Бобоев жуда талантли рассом. Ўзбек урфодатларини билиб-билиб, тасвирга туширади. У шеърият понини еб ўсган бола. Отаси дўстимиз Мамарасул Бобоев ўзбек шеърияти ривожига катта ҳисса қўшган шоир эди.

Кўпчилик рассомлар каби Бахтиёр ҳам ичкликка ружу қўйган. Бу хол рассомлар оламида у қадар нуқсон саналмайди.

Хозир у то ўртага ош келгунча битта шишани бўшатиб, ошга фотиха ўқилгунча иккинчи шишани яrimлатиб бўлганди.

У ичса ҳам гапидан адашмасди. Ҳатто ичгани сезилмасди ҳам. Файратий домла айтганларидек, ювошгина, ширингина беозор маст бўларди.

Дачага келганимизда Ўлмас:

— Мени деб сиз ҳам ош емабсиз. Зухрога телефон қилиб олай, кейин енгилрок бир овқат ташкил қиласмиз — деди.

Туман шу қадар қуюқлашган эдики, дачани оппок пахтага ўраб қўйганга ўхшарди.

\* \* \*

Шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи полковник Абдуқаҳҳор Фаппорий кўп дилбар, кўнгли очиқ йигит. У

республикада таниқли қўшикчи шоирларнинг бири. Тошкентда ишлаган пайтларида Ўлмас билан борди-келди қилиб турган.

Шахарни туман босгандан бери Фаппорийнинг тинчи бузилган. Машина тўқнашувлари кўп. Болалар боғчалирига маҳсус милиция ходими қўйилган. Шўх болалар чиқиб кетиб, туманда адашиб кўп ташвиш ортирган пайтлари ҳам бўлган.

Жамики йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари оёқка турган. Фаппорий шу ишлардан ортиниб, икки-уч марта Ўлмаснинг ҳолидан хабар олиб кетди.

— Канақа юмуш бўлса, тортинмай буюраверинглар, — деб қайта-қайта тайинлаган.

Маслаҳат билан Ўлмасни поездда жўнатадиган бўлдик. Шахар оппоқ туманга бурканган, дачадан икки қадамгина наридаги вокзалга етиб бориш бир муаммо бўлиб турарди.

Дадажонова Фаппорийга телефон қилди. Хайрият, ишхонасида экан.

— Хизматингиз керак бўлиб қолди, шоир. Шефни Тошкентга жўнатишим керак. Туманда вокзалга қандай борамиз, деб бошимиз қотиб турипти.

— Бу ишни менга қўйиб беринглар. Ҳозир дачага етиб бораман.

У ўн беш минутларга қолмай етиб келди. Қанча одам кетади, кимлар билан кетади, суриштириб, кейин вокзал бошлиғига кўнғироқ қилди:

— Оқсоқол, иккита купени яхшилаб тозалатинг. Ди-зенфекция қилдиринг. Янги, ҳали печати бузилмаган кўрпа-тўшакларни тайёрлаб, иккита электр печи топиб қўйинг. «Ёз ёмғири»ни ўқигансиз. Ҳа, балли. Сиз билан мен тўғримизда ёзилган. «Севгим — севгилим»ничи? Аттанг, ўқимабсиз-да. Депутатлар хонасидаги қизлар йифлаб-йифлаб ўқишияти, дейсизми? Сиз ҳам ўқинг. Мана шу китобларни ёзган акахонимизни кузатамиз. У кишининг тоблари йўқ.

Биласиз, милиция ўқи ўзган ҳалқ. Бу ҳам камлик қилгандек, у милиция полковниги бўлса. Боз устига шахар йўл ҳаракати хавфсизлигининг бошлиғи бўлса, темир йўл станциясининг тинчлиги унга боғлиқ бўлса ва яна каттакон шоир бўлса. Унинг ўқи ўзмай, кимнинг ўқи ўзсин!?

— То Тошкентга етгунча купедан қайнок чой узилма-

син. Яхши, покиза, хушмумала проводниклардан қўйинг. Беморни Тошкентда катта профессорлар кутишяпти.

Ўлмас ҳадди сиғиб, яна бир илтимос қилди:

— Ортиқча эркалиқ килаётганим учун узр сўрайман. Бизни Андижонда кутишяпти. Шерикларимизнинг Андижонга етиб олишларига ҳам ёрдам килсангиз.

Гаппорий папагини бир томонга суриб, чаккасини қашиди:

— Бир уриниб кўрамиз. «Балиқчи»дан ўтиши оғир. У ердан иккита дарё ўтади. Бири Қорадарё, бири Норин. Водийда туман энг қуюқ бўладиган жой. «Чинобод»га ўтиб олгандан кейин то «Олтинкўл»гача туман сийраклашади. Ўн беш-йигирма қадам йўл бемалол қўриниб туради. У ёғига туман яна қуюқлашади. «Мингбулоқ» газ фонтанини тўхтатган, уни муттасил кузатиб турадиган мутахассисининг юраги хуруж қилиб қолди. Жуда опитний шоферларимиз уни шу туманда зудлик билан Андижон клиникасига обориб қўйинди. Бу ишни ҳам шуларга топширамиз.

Ўлмас менга каради. Унинг айтмоқчи бўлган гапидан хижолат бўлаётгани билиниб турарди.

— Сиздек ёши улув одамга иш буюраётганимдан хижолатман. Уйга телефон қилсан трубканни ҳеч ким олмади. Зухро Намангандаги йўлга чикмадимикин, деб хавотирдаман. Илтимос, хафа бўлманг, сиз шу ерда қолинг. Зухро телефон қиласа, Намангандаги—Тошкент поездидаги кетди, денг. Эрталаб депутатлар хонасида кутсинг. Агар у телефон қилолмаса, ўзингиз кўнғироқ қилиб, шу гапларни айтиб қўйинг.

Йўлга чикканимиздан бери уйимга бирон марта қўнғироқ қилмаган эдим, энди телефон қиляпман. Нодира трубканни олди.

— Нега телефон қилмайсиз? Енгил кийиниб кетган эдингиз. У томонларда совук қаттиқ, деб эшилдим. Андижон поездининг бошлиғи Солисев деган ўртоғингиз телефон қилиб, иссиқ кийимларини опчиқинглар, олиб кетаман, деди. Нашида опам ҳам шу поездда кетадиган бўлди. Акром тоғам ўртоқлари билан чиқиб, кутиб олади. Иссиқ кийимларингизни опамга туғиб бердим. Тошкентдами? Хар куни чараклаб офтоб чикяпти.

— Ҳозир биз Намангандамиз. Эртага Андижонга ўтамиз. Ҳаммаёқ туман, ҳеч нарса қўринмайди. Ҳаво со-вук. Шерикларимиз куёвларга ўхшаб тўн кийиб юришипти. Айтганча, Дилшода опа сени, Камолани кўп сўра-

ди. Андиконга борганимиздан кейин албатта яна телефон қиласан. Ҳаммани сўраб қўй. Айниқса Камолани. Ҳайр.

Телефон жаҳл қилғандек, зарб билан жиринглади.

Трубкани олиб, — лаббай, эшитаман, — дедим.

— Илтимос, Умарбековни чакириб берсангиз.

Бу Зухронинг овози эди. Мен телефонни сал кўпроқ банд қилдим шекилли, ўшанда бир-икки марта чакирган бўлса керак. Овозимдан таниб қолди. «Мени кечиринг. Ўлмас акамнинг ахволи қалай? Ўзлари билан бир гаплашай», — деди.

— Зухрохон, ташвишланманг, ахволи яхши. Уни ҳозир Намангандо Ташкент поездига опчикиб кетишиди. Кўпчилик бўлиб Тошкентгача кузатиб боришади. Доктор, ҳамшира, яна тўрт одам алоҳида иккита иссик, по-киза купеда эҳтиётлаб кузатиб боришади. Эрталаб Зухро депутатлар хонасида мени кутсин, деб менга тайинлаб кетди. Ўлмас бир кун профессорларга кўриниб, эртасига ёқ Андиконга келмокчи. Илтимос, юборманг. Ҳосил байрамини ўзимиз ўтказаверамиз. Келса, совукда касали авж олиб кетини аниқ. Соғ одамни ҳам касал қиладиган ҳаво бўляпти. Тушундингизми? Ўтиниб сўрайман, юборманг. Ҳайр.

Дачада олти киши қолдик. Бемор одамнинг кўнгли нозик бўлади, деб ҳаммамиз Ўлмасни эҳтиёт қилиш билан овора эдик. У шу тоңда поездга чикяпти. Ҳозир Тошкентга жўнаб кетади. Ўзи билан ташвишларимизни ҳам олиб кетяпти.

Энди хеч қандай ташвишим қолмади. Фикр-ўйларимдан ва яна нималарданdir ажralиб қолганга ўхшайман. Кўнглим бўм-бўш.

Шунда хаёлимга галати бир фикр келди.

«Агар ҳамма ишининг битиб ташвишинг қолмаган бўлса, энди ўзинингга бошқа бир ташвиш ўйлаб топ. Ёхуд кимнингдир ташвишига шерик бўл. Инсон ташвишииз яшаёлмайди. Уни оёқка турғизадиган ҳам, ҳаракатга соладиган ҳам шу ташвишдир».

Шерикларим жимгина ўтиришипти. Улар ҳам менга ўхшиаб ташвишини йўқотган. Бу дунёга ғанимат, уч-тўрт кунлик «мехмон» Ўлмаснинг кўнглини олиш билан яшадилар. Энди У Тошкентга ҳаммамизнинг ташвишларимизни олиб кетяпти.

Каранг! Бу дунёда ташвишииз яшамок нақадар зери-карли!

Ҳамид Гулом икки тиззасига шапиллатиб уриб, ўрнидан турди.

— Энди нима қиласиз? Бу ерга бирор келолмаса, ўзимиз бирон жойга боролмасак, зерикиб ўламиз-ку, Битта йўл бор. Бу Бахтиёрнинг йўли.

— Э, яшаворинг-е, — деди Бахтиёр. — Кандоқ яашни рассомлардан ўрганиш керак.

Ҳар галгидек Умарали бу маслаҳатга ҳам кўнмади.

— Кўйинглар, шу пайтда кўнглингизга ичкилик сифадими? Яхшиси шахматми, доминоми ўйнанглар.

Умаралининг гапи ўтмади. Бахтиёр шишанинг копкоғини тиши билан аллақачон очиб бўлган эди.

У ёқка ағанадим, бу ёқка ағанадим, охири ухлаб қолибман.

Тушимга Сталин кирипти. Ели чикиб кетган велосипедни етаклаб келаётган эмиш. Мендан, камера ямайдиган устахона қаерда бор, деб сўради.

Шу пайт қайдандир Анвар Эшонов пайдо бўлди. Хозизир яматиб келаман, деб велосипедни фиддиратиб кетди.

— Мен ўлганимдан кейин Никита оиласнгга хизмат килиб турсин, деб битта машина бериб қўйган эди. Шуни ҳам Брежнев олиб қўйипти. Қизимнинг велосипедини вақтинча миниб турибман. Бугун Тошкент телевизорида Ёрматов деган биттаси оғзига нима келса қайтармай, роса жавради. Гўё Гитлер бир ўзбек шоирини «Қизил майдон»-да дорга осмоқчи бўлганлар рўйхатига киритган эмиш. Бу рўйхатдан хабарим бор. Разведка бир нусхасини топиб келган эди. Унда бир нечта давлат арбоблари, саркардалар, ихтирочилар қаторида Илья Эренбург билан Иттифок радиосининг машхур диктори Левитан ҳам бор. Агар тирик бўлганимда ўша Ёрматов деганни шаҳарнинг овлоқроқ жойига обориб, биронта қарағайга тилидан осиб келардим. Афсуски ўлиб кетганман-да, иложим йўқ.

Анвар камерани яматиб келди. Сталин «Велосипед миниш соғлиққа фойда», деб қизининг дамский велосипедига миниб жўнаб кетди.

Умарали мен билан домино ўйнамоқчи бўлиб кирган экан, кутичаси қўлидан тушиб кетиб уйғотиб юборди. Кўрган тушимдан гарантисиб турардим. Шунда Пушкиннинг «Нелар келмас мудрок хаёлга» деган сўзларини эсладим.

Эрталаб Ўлмас Тошкент вокзалининг депутатлар хонасидан телефон қилди.

— Домла, кеча бир ишни хом қилибмиз-да! Поезд

Андижонда ярим соатдан ортиқ тұхтаб ўтишини айтиш ҳеч кимнинг эсига кемапти. Сизлар хам мен билан поездга чикаверсанглар бўлар экан. Гаппорий қайси поезд, қайси стансияда қанча туришини яхши биларди. Минг хил ташвиш билан бўлиб, шу гапни айтиш эсидан чикиб колган бўлса керак.

Лекин менинг эсимда бор эди. Умарбеков хотиним туманда йўлга чиқиб, сарсон бўлиб колмасин, сиз шу ерда колиб унга поездда кетаётганимни албатта хабар килиб қўйинг, деб қайта-қайта илтимос килганидан, демак, бирга кетмас эканмиз-да, деб тушуниб бу гапни айтмаган эдим.

— Бугунги поездда Андижонга келиб олинглар. Телефон қилиб айтаман. Кутуб олишади, — деди.

Унга бугун поездда боришининг иложи йўклигини, Чуст орқали келадиган поезд Наманганга кирмай Чортокдан Учқўргонга бурилиб, кейин Андижонга етмай туриб «Харкўп» кишлогидаги «Иккинчи Андижон» станциясига келишини, қаршисидан келадиган ҳар бир «қаланғиқасанғи» составга қўл қовуштириб, йўл берадиган, жуда ношуд, жуда эпсиз поезд эканини тушунтирдим.

— Бир кун минг кун бўлмас. Эртага сен кетган поездга чиқамиз, — дедим.

Саксонинчи йилларнинг бошларида бўлса керак, ёзувчиларнинг ижод уйида берилиб ишлатгани пайтларим. Кўп кора кунлардан кейин энди тинчгина яшайман, деганимда Саидахон оламдан ўтиб, биттагина кизим билан иккавимиз мунгайиб қолдик.

Иш билан, ёзув-чиズув билан овунаман. Тирикликтан нолимайман. Мехнатимга яраша қалам ҳақи олиб турибман.

Кизимни узатганман. Невара хам кўрганман. Ижод боғида тинчгина у-буларни ёзиб, беташвиш юрган пайтларим эди.

Уюшмамизнинг раиси Яшии ака мен билан гаплашиш учун атайин кепти. У гапни узок айлантириб, охири Абдулла Қаххорнинг боғини сиз сотиб олинг, деб колди.

— Уни академиянинг президенти Салоҳиддинов сотиб олган эди. Икки-уч кундан бери кўринмай қолди.

— Юкоридаги энг катта ака, бу боғда фактат ёзувчи яشاши керак, Салоҳиддиновга ётиғи билан айтинглар, кўчиб кетсин, дедилар.

— Нима учун мен бу боғни олишим керак. Мендан бошқа ёзувчи йўқми? — дедим хайрон бўлиб.

— Уларнинг пули йўқ. Ҳар қалай сизнинг белингиз бақувват.

— Чўнтағимдаги пулларни санаб юрган экансизларда.

Яшин ака нима дейиншини билмай ўнғайсиз бир холга тушиди.

— Бекорга овора бўлибсиз, оқсоқол. Кибриё опа боққа аллақачон харидор топиб қўйган. Ўрта осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг диний назорати раиси муфтий Зиёвуддинхон Бобоҳонов одамлари билан келиб қаерга азон айтадиган минора, қаерга ёзлик минбар қилишини мўлжаллаб кетишди.

Яшин аканинг бу гапдан хабари йўқ экан бўшашиб қолди. Ижод уйи директорининг кабинетига кириб қаергайдир телефон қилмоқчи бўлди, бўшашиб қайтиб чиқди.

— Каттамиз банд эканлар, гаплаштолмадим. Бугун албатта гапланшиб бу савдо-сотикни тўхтаттираман...

Гапимиз чала қолиб, Яшин ака шаҳарга жўнаб кетди. Эртасига у яна келди.

— Катта рахбаримизга боғни сиз олаётганингизни айтдим. Маъқул, дедилар.

— Мен сизга боғни оламан, деб айтганим йўқ эди-ку.

Яшин аканинг жаҳли чиққаңдек бўлди.

— Хўп дейсизми, йўқ, дейсизми, энди фойдаси йўқ. Фишт қолипдан кўчган.

— Олмайман. Менга кичкинагина боғча бўлса стади. Бу катта боғни эплолмайман. Олма сотиб, шофтоли сотиб тирикчилик қилиш кўлимдан келмайди. Мен ёзувчиман, боғбон эмасман. Бола-чақам кўп бўлса бошқа гап эди... Уйғун ака анчадан бери боққа кўз тикиб юрипти. Ўшанга сотинглар.

— Абдуллажон Уйғунни хуш кўрмаслигини биласиз-ку. Кибриёхоним ўлақолса унга боғни сотмайди. Сиз гапдан қайтманг, Катта ака бир гапини икки қиласидиганларни ёқтиримайди.

Ана шундан бери тинчим бузилган. Кибриёхоним тез-роқ олди-соттини расмийлаштириб қўяйлик, деб тикилинч қила бошлади.

Хужжат кўлимга теккандан йигирма кун ўтар-ўтмас боғ ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Шундоққина айвон тўғрисига ижод уйи учун янги кўп қаватли бино қуриши ишларини бошлаб юборишди. Мендан ўн метрча нарида тоғтоғ тупроқ уюмлари пайдо бўлди. Янги бинонинг подвали учун йиқилиб тушган одам соғ чиқиши гумон хандак-

лар қазилди. Ишни канализациядан бошлаш керак экан. Бөгимнинг қоқ белидан иккى тегирмон сув юрадиган траншеялар қазиб, қувурлар ётқизиши. Қанча мевали да-рахтлар күпориб ташланди. Даражтларнинг илдизлари очилиб қолди. Траншея қазиган трактор бетон деворни парчалаб чиқиб кетганча қайтиб келмади. Қурувчилар тушликни бөгимга опкириб, гуллар орасида ёнбошлаб овқат киладилар. Улар ўзлари билан олма олиб кетиш учун халта, узум олиб кетиш учун пакир күтариб келишганды.

Трактор кавлаб, күммай ташлаб кетган траншеялар сувга тұлды.

Яшин акани қидириб уюшмага бордим.

— Бөшимга бу күлфатларни сиз солдингиз. Бое вайронага айланынды, — дедим.

— Ташиш күлманг. Ҳаммасини түғрилаймиз. Қурилиш министрига айтаман. Ҳамма иш ораста бўлади.

Қурувчилар бөгни «ўзиники» қилиб олганлар. Анонларни хом-хатала узиб оляптилар. Шигил мева қилган тўрт туп бехининг шохлари яланғоч бўлиб қолди.

Сарвар Азимов ижод уйнга ҳеч кимнинг машинаси киритилмасин, бөгни машина турадиган автостоянка қилалими, деган топшириқ беринти.

Яшин ака вайда қилган қурилиш министри одамлари кеч қузда ёмғир авжга чиқкан, ҳаммаёк пилч-пилч лой бўлиб кетган пайтда келди. Траншеяни кўмишга келган тракторнинг ўзи лойга тикилиб қолди. Уни бошқа трактор шатакка олиб опчиқиб кетди.

Бу бое бөшимга биттан бало бўлди. Матёкуб Қўшжонов бөгнинг ҳеч жойи ўзгармасин, уни музей киламиш, деб гапирмаган мажлис, ёзмаган газета қолмади.

Қурувчилар бөгни вайрон қилиб, даражтларни кўпороиб ташлаётгандаридан, олмаю анонларни шохи билан синдириб қоп-қоп қилиб олиб кетаётгандарини кўриб туриб, нега индамади? Бое ўртасидан канализация ўтқазиб ҳаммаёкни қазиб ташлагандада, деворларни бузиб, сув бостириб ташлагандада, нега бундай қиляпсизлар демади?

Янги корпусни қураётган ишчилар, усталар гулларни пайхон қилиб узумларни яшикларга солиб, анонларни, бехиларни қоп-қоп қилиб олиб кетаётгандарини кўриб турган «Абдулла аканинг химоячиси» Матёкуб нега чурқ этиб оғиз очмади? Агар шунчалик жонинг ачишаётган экан, бөгни талончилардан химоя қилмайсанми!

Йўқ, ундаи қиолмайди. У факат қаерда мажлис бўлса

атайин бориб, боғни Саид Аҳмад вайрон қиляпти, деб дод солишини билади.

Бу ҳали холва экан. Энг ташвишили, энг қийин савдо қор ёққанды бошланди. Эрталабгача айвонни тизза бўйи қор босади. Дарров кураб ташламасанг, устига яна қор ёғиб белинггача чиқади. Тахта полга музлаб ёпишиб қолган корни қураб бўлмайди. Гаражнинг томи ҳам шу ахволда. Гаражга машина кўйиб бўлмайди. Тахта орасидан оқиб тушадиган қор суви лойқаланиб машинани таниб бўлмайдиган қилиб юборади.

Айвон панжараларини олиб ташлаб, бир стол бўйи фишт девор қилдик. Тепасига то шифтгача ром ўрнатиб ойна солдирдик. Бўяб бир чиройли қилиб қўйганимиз Кибриё опага ёқмади.

— Абдулла акангизни эслатадиган ҳеч нарса қолмапти. Ҳатто шифтдаги фанерни ҳам бошқатдан бўятибсиз.

Жаҳлим чиққанини кўриб, Кибриёхоним сал-пал тушиунгандек, беш-үн кун индамай, ишларимдан хато топмай юргандек бўлди.

Тўқсон учингчи йили Абдулла акани хотирлаб жонлик сўйиб, у кишини қадрлайдиган етмишдан ортиқ одамни чақириб, дастурхон ёздим.

Кибриё опа дастурхонимиз қуруқ бўлмасин, деб газ плитада элликтакча патир-қатлама ёпиб берди. Кариндош уруғларимдан аёллар хилма-хил пишириклар кўтариб келишди. Дастурхонда пиёла қўйишга ҳам жой қолмади. Шу бугун сўйилган қўйнинг ичагидан ҳасип солинган.

Кибриё опа ўтирганлар олдига борар, патир қандок бўпти, қатлама қандок бўпти, ёқдими, деб бирма-бир сўрарди.

Ўлмас кулибгина опанинг харакатларини кузатиб ўтирипти.

Кибриё опа ижод уйининг эски биносида дам олишига келган. Болохонага чиқиб ё бўлмаса липа тагида бокқа қараб нималарнидир ўйлаб ўтиради.

Биламан, бу боғда, уйда, айвонда унинг ўшлиги, энг баҳтли, осуда, беозор кунлари ўтган. Шу дараҳтларни, шу гулларни ўз қўли билан эккан. Уларни кўрганда Абдулла ака билан бирга кечган масъуд кунлар жонлангандек бўлади. Шунинг учун бу жойда ҳамма нарса ўша пайтдагидек бўлишини истайди.

Опа дараҳтлар ҳам одамга ўхшаб қаришини, куриб ўтинга айланишини тасаввур қилолмайди. Кўп дараҳтлар кариб, умрини тутатган. Курувчилар қанчадан-қан-

часини кўпориб ташлаганлар. Уч туп қарағайдан бошқа у эккан дарахт қолмаган.

Факат гараж бикинидаги Абдулла ака яхши кўрадиган, негадир чумчук чўкимайдиган, хозир қариб ҳосилдан қола бошлаган гилосдан куртак олиб, олчага пайванд қилганман. Уни меҳмонлар ўтирадиган жой ёнига экиб, бемалол қўл чўзиб узид олса бўладиган, шохлари дастурхон устига эгилиб турадиган қилиб ўстирганман.

Уйгун оламдан ўтгандан кейин у яшаган дачани Ўлмасга беришган эди. У билан хар куни кўришиб турдимиз. Бугун Ўлмас, бир ош килмаймизми, деб қолди.

— Янги сўйилган қўй гўшти соламиз.

— Бўпти. Қибрайга чикиб, қўчкор гўшти топиб келамиз, — дедим. — Совлиқнинг ёғи ошни бузади.

Икковимиз Қибрайга бозор қилгани чикиб кетдик. Қибрайдан то Кизил кўприккача бешта гўшт дўконида факат совлик гўшти бор экан. Кизил кўприк самоварчиси жуда шинаванда одам. Уйида доим қўчкор сўйиб чойхонага олиб чикади. У бизни кўрибок, битта чойни эрмак қилиб туринглар, хозир болалар олиб чиқишиади, деб олдимизга чой билан патнисда у-бу келтириб қўйди.

Каттакон дастурхонда икки киши хали суягига болта тегмаган яланғоч қўчкорни кўтариб келишиди.

— Ёғидан беш кило, гўштидан икки кило, тўшининг ҳаммасини шилиб берасиз, агар тозаланган пўстдумба топилса, ундан хам бирон икки кило...

У чаккасини қашлаб бир оз туриб қолди.

— Тозаланган пўстдумба бор-у, аммо бирорнинг бурутмаси эди-да. Майли, сизларга буюрган экан. Бозордан тўғралган сабзи олманглар. Ичи пўк бўлиб қолган сабзиларни тўғрашади. Абдужаббор оғайнингизни олдига киринг. Тоғдан зўр сабзилар олдириб келган. Сувнинг нариги бети — сабзавот базаси. Бошлиғи Абдужаббор оғайнингиз-ку. Сўрасангиз йўқ демайди.

Базага кирдик. Абдужаббор Абдулла акани хотирлаш куни Ўлмас билан танишиб қолган эди. Бизни кўриб севиниб кетди. Унга мақсадимизни айтдик.

— Бизда килолаб мол сотилмайди, неча қоп сабзи керак? — деди кулиб. — Ризки улуғ одамсизлар-да, кор тагига бостирилган сабзилардан ўтган куни беш-олти қоп олдириб келган эдим. Бир қоп етадими? Э, унақа майдакаш бўлманг-да, хеч бўлмас ярим қоп олиб кетинглар. Ўратепаликлар қорга аралаштириб кўмиб қўйган сабзи-

ларни божхонадан ўтказолмай, ўтган куздан то шу қунгача сақлаб ўтиришипти.

Абдужаббор машина юхонасини ўзи очиб, ярим қоп сабзини қўйди. Картон қутида яна нималарни дир жойлади.

— Ўлмасжон селитрли нарса емасин. Алоҳида буюртма қилиб экитирган бодринг, помидорлардан қўйдим. Сижжак ариқларининг бўйида хали ҳам ялпизлар кўкариб турипти. Айтинглар, нима овқат қилишсин?.. Қозофистондан вагон кутяпман-да, бўлмасам ўзим бориб ош қилиб берардим.

Бир бола икки бойлам жамбил олиб келди.

Абдужабборга рахматлар айтиб, оркага қайтдик.

Ишимиз ўнг келганидан суюниб, қайтиб келдик. Липа тагида ижод уйининг директори Сергей бизни кутиб ўтирган экан.

— Кибриё опа бокка кириб кетганига бир соатдан оиди. Ҳалигача чиқмади. Ҳавотир оляпман. Орқасидан киргани хижолат бўлиб ўтирибман.

Кибриё опа арча тагида ўтиради. Икки кўзи жикка ёш. Бизни кўриб, кўзларини артиб ўринидан турди.

— Шу арчаларининг уруғини Кримдан оңкелиб эккандим. Олтита уруедан тўрттаси униб чиқди. Қаранг, кандок катта дараҳт бўлиб кетган.

Кибриё опа сабзи тўғраб берди. У бунақа серсув сабзини қайдан топганимизга ҳайрон. Унга бир ишиқибоз ошпазнинг паловга берган таърифини айтиб бердим. «Девизиранинг гуручи, қора кўчкорнинг гўшит-ёғи, қурбақа минмаган сабзи, чумчук сиймаган ўтин топсанг, ош ошдек бўлади». Бугун шу одам айтган ош бўлади-ёв!

Ўлмас билан икковимиз тунука ўчақка қозон қўйиб, ошга уриниб кетдик. Бундан бирон ой олдин ёғли кўчкор гўштини зираалаб, музлатгичда сақлаб юрардим. Ўшандан тўрт бўлагини олиб чиқдим. Доғланган ёғда қизартириб олиб қўйдим. Вакирлаб қайнастган зирвакда то шўри чиқиб кетгунча қайнатиб, яна олиб қўйдик.

— Ошни ўзим дамлай, майлими, — деди Ўлмас. — Анчадан бери капир ушламагандим.

Дамлашга етилган гуруч устига сур гўштларни қўйиб, ноёб қашқар зирасидан бир чимдим сепди. Ҳаммаёқни хушбўй зира хиди тутиб кетди.

Ана шундан кейин дам товоқни ош устига бостирди.

Ўлмас кўк қалампирни яхши кўрарди. Лекин унинг қалампир ейиши мутлақо мумкин эмасди. Зухро хеч

бўлмаса мазаси ўхшайди-ку, деб битта кўк булғор қалам-  
пирини аввал бир тишлаб кўриб, кейин майда килиб  
тўғраб шакаробга солди.

Энди ярим соатлардан кейин ошни сузамиз...

Телефон жиринглади. Трубкани олдим. Тилидан кав-  
казлик экани билиниб турган бир киши, илтимос, Зухро  
Умарбековани чакириб берсангиз, деди.

Зухро у билан узоқ гаплашмади. Трубкани қўйди.

— Ўлмас ака, эртага Москвада сизни даволаётган  
мутахассисларнинг охирги маслаҳат йиғини бўлар экан.  
Левон Рубенович Погосов билан етиб боришимиз керак  
эмиш. Соат тўққиз яримдаги самолётта жой олишибди.

Ўлмас ўриидан турди.

— Қани, кетдик, Зухро, — деди.

— Э, шошма, ошни еб кейин кетасан. Атиги ярим  
соат кутгин.

— Ўлмас, бир чўқим ош еб кетинг, — деб ялини  
Зухро. — Шошилманг, ҳамма ишларингизни ўзим тахт  
қиласман.

— Дачага кириб китобларимни, кўлёзмаларимни оли-  
шим керак. Уйга қараб турадиган одам топишимиз за-  
тур. Иш кўп. Улгурмаймиз.

— Боғда укангиз Акмалжон қоляпти-ку. Уйда синг-  
лингиз Мавжудаҳон қолади.

Барибир Ўлмасни гапимизга қўндиrolмадик.

Дам товоқни очиб, хил-хил бўлиб кетган сур гўштлар-  
ни иккита нон орасига қўйиб, қофоз пакетга солдим.  
Абдулжаббор бериб юборган нарсаларни қайтадан короб-  
кага жойлаб қўйдим. Зухро «Виноградный сок» шиша-  
часини опчиқиб, сиққанча шакароб солиб олди.

Ўлмасга ош ейиш насиб қилмади.

«Насиб қиласа келар Шому Ироқдин, насиб қилмас  
кетар кошу қобоқдин» деган хикматни эсладим.

Уларни Кибриё опа билан липа тагигача кузатиб чиқ-  
дик.

— Ризқинглар уйларингдан узилмасин, — деб орка-  
ларидан қараб қолдик.

\* \* \*

Ўлмасни Ёзувчилар боғидаги липа тагида Кибриё опа  
билан икковимиз кузатиб қолган ўша кун тўқсон учинчи  
йилнинг иккинчи сентябрини эди.

Ана шундан кейин уни бир марта кўрдим холос.  
Унинг жуда ҳам оз қолган умри ҳали Москва, ҳали

Тошкент касалхоналарида чираб бўлмас уқубатларда ўтаётган эди.

Ўша куни Ўлмас менинг ёрдамимсиз ўзи ош дамлаётганди. Унинг энг қадрдан дўстларидан бири Турғун Азизов «Жигули»сини чўфи тортиб ерга туширилган ўчок олдигача ҳайдаб келди. У ўринидикдан катталиги патнис-дек кўшкават фанера олиб Ўлмасга узатди. Ўлмас капгирни менга бериб фанерани олди. Бу Ўлмаснинг тиззага қўйиб хат ёзиши учун, қаёқка борса чемоданда олиб юрса бўладиган қилиб тайёрланган маҳсус «ёзув столи» эди.

Ўлмас Москва касалхонасида қолган, унга қашчадан қанча қувонч берган, кўлингиздаги «Қизимга мактубларни» ҳадя килган ёзув столининг эшигини хизматчи-лар энди ахлатга қўшиб қайгадир обориб ташлаган бўлсалар керак деган гумонда эди.

Турғуннинг бу совғаси Ўлмасга пажот «эшиги» бўлиб туюлган эди.

Зухро шамолни раво қўрмай, совқотганда нафаси билан иситиб Умидани ялаб-юлқаб ўн саккиз ёшга етқизиб келди.

Умиди орзу-армонлардан бино бўлган бир сабий. Ўлмаснинг руҳи уни ҳамон ғойибдан туриб парвариш қиласди.

Бугун у тенгдошлари катори буюк даргоҳ — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ос-тонасига қадам босади. Бу Ўлмаснинг орзуси эди. Ота орзуси, ота нияти, ота тилаги албатта ижобат бўлади.

Хозир уни дадасининг руҳи кузатиб келяпти.

Умиди энди катта қиз бўлиб қолгани учун Зухро унинг университетга қандоқ кийиниб боришини ўзига қўйиб берди.

Зухро унга қараб ишқилиб боламга кўз тегмасин-да, деб бирдан улғайиб қолган қизига меҳр билан қараб турарди.

Университет ҳовлиси узоқ-яқиндан келган йигит-қизлар билан гавжум. Зухрони ҳам, Умидани ҳам ҳеч ким танимайди. Лекин негадир ҳамманинг кўзи уларда эди.

Шивир-шивир бошланди.

— Ўлмас Умарбековнинг қизи.

— Худди дадасининг ўзи-я!

— Дадасига жудаям ўхшар экан.

Умидага, дадасига ўхшар экан, деган сўз ёқарди. Шу гапни айтган қизга қараб жилмайиб қўйди.

Бир қыз улар олдига келди. Бу бизга таниш Фупра. Ҳозир эса «Севгим-севгилим» түғрисида диплом иши ёзаётган Ғапура Санакулова эди.

Энди уни таниб бўлмасди. Шаҳар ҳаёти бошқача қилиб юборган. Кирда буғдой ўриб юрганда қорайиб, сополга ўхшаб қалинлашиб кетган юзи, пиёздеқ қават-қават лаблари асли холига қайтган. Бўғилиб чиқадиган овози ҳам майинлашган. Бунақа бачканалик намунали студентга яратмайди деб тилла тишени олдириб қўйган. Оғир меҳнат ҳамда шафқатсиз муносабатлар қолдирган изларни пойтахт ҳаёти юваб ташлаган эди.

Каранг-а, у жуда чиройли қыз экан. Ўтдек чақнаб турган кўзлари, қорамагиз юzlари йигитларнииг эсини оғдиради.

Онаси хотинларнииг чирманда чалиб «Ёр-ёр, ёона»-лар айтиб, йигитлар карнай-сурнайлар, қийқириқлар остида Санакул полвонга узатилган эди. Улар қовушган куннинг эртаси «юз очди»да қайнотаси «баҳтли бўлинг, ували-жували бўлинг» деб совға қилган тилла тўғночични онаси энг ноёб эсадлик деб сакларди. Ҳар гал қўлига олиб қараганда ўша унутилмас тоңг худди кўзни қамаштирадиган нур орасида кўрингандек бўларди.

Фупра онаси ўлганда Ёзёвонга елдек учиб борди. Барча маросимларни тоғаси билан кам-кўстсиз ўтқазди. Акаси Алиқул портной сарф-харажатларга аралашмай «без» бўлиб тураверди.

Онаси ер-кўкка ишонмайдиган ўша тўғночични жаноза куни келин аясининг ёқасида кўриб Фупра ич-ичидан йиғлаган эди.

Акаси Алиқул портной, онасининг хай-хайланига қарамай унинг қийналиб ишлаб, қийналиб ўқиган пайтларининг ёдгори «Олтин медалини» сандикдан опчиқиб кетиб хотинига қоплама тиш қўйдириб берганда Фупра вужуд-вужудини муз қоплаб, телбага ўхшаб қолганди.

Энди уни Ёзёвонга боғлаб турган ҳамма иплар узилиб бўлган эди.

У Ёзёвонга ким учун боради? Ҳасис акасини, онасидан қолган ягона ёдгор тўғночични аза куни тақиб юрган юзиз Ялпиза янгасини соғиниб борадими?

Акасининг «Ўзимнииг ялпиздеккинам», деб эркалашларини кўмсаб борадими?

Тоғаси Тошкентта келганда «опагинамдан ёдгорим» деб, ўзи ўстирган нихоятда ҳиди ўтқир хандалаклар,

«шакарпалак» қовунлар, қофоз қутида «ингичка бел» узумлар, ёғли патирлар олиб келади.

Мусоғир юртда пулсиз юрма жиян, деб сумкасига сикқанча пул тиқиширади.

Ғапура Санакулова құли очик қызы. У тоғаси ке-либ кетған күни диплом ёзаётган қызларга, ўғил болаларга дастурхон тузаб «базми жамшид» қилиб берарди. Үннің дугоналари, ўртоқлари хам «Төғамиз қачон келаркинлар» деб йўл пойлайдиган бўлиб қолгандилар.

Дипломант Ғапура Санакулова университет газетасида ўқишига ҳалакит бермайдиган кечки пайтларда мухаррир ёрдамчиси бўлиб ишларди. Стипендия хамда газетадан оладиган тузуккина маоши ичмайдиган, чекмайдиган бу қизга бемалол етиб ортарди. Кўпинча у дугоналарини кафега опкириб яйратарди.

Тоға Сурхондарёниң қайсиидир қишлоғида томорқасига бозоргир хандалаклар, чилги қовун-тарвузлар экиб яхшигина даромад олади. «Далинобойщик» шоферларга, самолёти кўпинча юксиз қайтадиган учувчиларга кўтарасига сотади.

У янтоққа тарвуз пайванд қилиш сирини мукаммал эгаллаган миришкор дехқон. Ҳеч қандай сарф-харажатсиз, ўзидан-ўзи ҳосил туғадиган бу беминнат янтоқ-тарвуздан мўмайгина даромад олади. Сибир томонларда ичи апор донасилик кип-кизил, пирожнийниң кремига ўхаш ажаб ғалати таъмли бу тарвузларга «Райский арбуз» деб ном кўйиб олганилар.

\* \* \*

Ичкаридан билагига «навбатчи» деб ёзилган боғич таққан киши чиқиб, соат ўн иккода университетта ки-рувчи абитуриентларни тест синовига чакирамиз. Биринчи, иккинчи хамда учинчи группалар ичкарига бир вактда киритилади. Қўлларингизда битта гунафшаранг ручкадан бошқа ҳеч нарса бўлмаслиги керак, — деб огохлантириб кириб кетди.

Кўпчилик йигит-қизлар шошиб кафе томон кетдилар. Овқатни ўzlари билан олиб келгандар скамейкаларга ўтириб, баъзилари тик турганча овқатлана бошладилар.

Зуҳро сумкасида олиб келган котлетларни қизи олдиға кўйди. Үмида семириб кетишдан қўрқиб овқатни кам ерди, онаси зўрлаб учта котлетни зўрға едирди.

— Биламан, тест имтиҳони жуда узоқ давом этиши мүмкин. Яхшилаб қорнингни тўйғизиб ол.

Зуҳро жимжилоги билан енг учини кўтариб соатига қаради. Уч минути кам ўн икки.

— Энди сиз кетаверинг, опа, — деди Фапура, — синов тугаши билан Умидани ўзим уйга обориб қўяман...

— Ичкарига кирсинг, кейин кетаман, — деди Зуҳро.

Умиди кириб кетаётганда Зуҳро уни бағрига босиб: Дадангни арвохи кўлласин, болам, деб кўзида ёш билан орқасидан қараб қолди.

Фапура Зуҳрони таксига ўтқазиб жўнатиб юборгандан кейин ётоқка қайтиб келди.

Ётоқни ҳандалак хиди тутиб кетган эди. У ётоқдаги қизлар ҳандалак хидига чидаб туролмай еб қўйишлари мүмкин, деб хавотир оларди. Ҳатто қизларга, агар ҳандалакни еб қўйсанглар ҳаммаигларни ёспасига мункиллаган чолга эрга бериб юбораман, деб ҳазил қилган эди.

У қофоз копга иккита қовун, иккита «Райский арбуз» ҳамда шу охирги бир дона қолган ҳандалакни жойлаб қон оғзини яхшилаб бойлаб қўйди.

Бу нарсаларни Фапура Зуҳро опамининг ҳам оғзи тегсин деб асраб қўйтан эди.

Тест имтиҳони бошлиғанига ҳам икки соатдан ошай деяпти. Иккита қиз йиғлаб чиқиб кетди. Шпаргалка билан ушланиб қолган бўлса керак. Бир абитуриент бола ҳам қовоқ-димоғи осилиб чиқаркан, орқасига қараб, шу университетда ўқимасам куним ўтмайдими, бошқа институтга хужжат топширганим бўлсин-е, деб тўнфиллаб троллейбус бекати томон кетди.

Боятдан бери жевачка чайнаб ўтирган фирвоилик бола мени Сойиб Хўжаев юборди, деб кепти. Тайинлаб қўйганман. Борсанг ўзлари имтиҳондан ўтқазиб студентлик билетини қўлингга беришади, икки ойлик стипендияни олиш эсингдан чиқмасин, деб қайта-қайта тайинлаб юборипти. Навбатчи бу соддагина, лакмагина болага ўзига яраша муюмала қиласди.

— Тониболта оцик эрта-метттан<sup>1</sup> келиб, студентлик билетингиз билан стипендиянгизни олиб кетганлар, деб уни қайтариб юборади.

Тест имтиҳонлари соат тўртгача давом этди. Абитуриентлар толиқиб, сувсаб, тинкалари куриб қайтиб чиқишиди. Умиди ҳам хеч қачон бу даражада чарчамаган,

<sup>1</sup> Барвақт демокчи.

қийналмаган эди. У тест саволларига шошилмай, пухта ўйлаб, фикрини бир ерга жамлаб, бланкаларига билиб белги қўиди. Тахминан икки жойда хато қилган бўлишим мумкин, деган гумондан кўнгли фашланди.

Бухоро республикасининг молиявий ҳаёти Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» асарида қандай акс этган, уни қайси олим батафсил таҳлил қилган, деган саволга Умида иккиланиброк дилида жавоб тайёрлади. Академик Отабой Эшонов, профессор Ҳикмат Собиров...

Отабой Эшонов республиканинг ижтимоий ҳаёти, давлат тузуми тўғрисида илмий иш ёзган. Унинг докторлик диссертацияси ҳам шу ҳақда. Демак у молия ишларини ёритмаган. Профессор Ҳикмат Собиров ҳатто «Судхўрнинг ўлими» тўғрисида қатор-қатор тақризлар эълон қилган. Умида саволга «Ҳикмат Собиров» деган белги қўйган эди.

Ўзи қоникмаган иккинчи жавоби Элеонора Войнич нинг «Сўна» романи тўғрисида.

Артур исмли никоҳсиз туғилган, отасининг кимлигини билса ҳам ошкор қилмаган йигит «Сўна» тахаллуси билан фаол революцион яширин кураш олиб боради. Унинг отаси ким эди? Исми қанақа эди, деган саволга «Кардинал Монтанелла» деган белги қўйиши керак. Аммо шу пайтгача аниқ билган Монтанелла номи шу топда сира тилига келмасди. Ўйлади, ўйлади, тили учida турган бу ном қайсарлик билан мен, деб айтмади. Умида ноилож «Отаси Кардинал эди», деб белги қўиди. Шундай ёздию қўзидан ўш оқиб кетди.

Фапура автоматдан Зухрога қўнғироқ қилди.

— Кетяпмиз. Ҳозир чиқди, — деди.

У томондан, тез келинглар, ошга гурунч солаверман, деган овоз келди.

Қофоз копдаги қовун-тарвузларни кўтариб, такси тўхтайдиган жойга келишди.

Такси шофери ҳар нарсага кизиқадиган йигит экан. Машина салонини тутиб кетган ҳандалак ҳидини исказ.

— Нимани ҳиди келяпти, жуда ёқимли ҳид... — деб сўради.

— Мени ҳидим, — деди Фапура кулиб.

Шофер, ҳидингиз ўзингизга, ўзингиз ҳидингизга ўхшар экансизлар, деди.

Шу пайтгача чеҳраси очилмай келаётган Умида ҳаҳолаб кулиб юборди.

Бугун Муқимий номидаги театрда «Фотима ва Зухролар» томошасининг тақдимот маросими бўлади. Унга барча театршунослар, ёзувчилар, деярли ҳамма театрларнинг режиссёrlари, атоқли артистлар ҳамда Ўлмаснинг қариндош-уруглари, ёр-биродарлари тақлиф қилинган.

«Шарқ Юлдузи» журналида яқингинада эълон қилинган Ўлмас Умарбековнинг «Кизимга мактублар»и режиссёр Рустам Маъдиевга ёқиб қолди. Бу «Хат» унинг юрагига ўт ташлади. Уни саҳна асари яратишга ундали ва ниҳоят пьесани ёзиб театр жамоасига ўкиб берди. Жамоа иштиёқ билан репетицияга киришиб кетди.

Тақдимотга келган Ўлмаснинг рафиқаси Зухро, сингиллари Мавжуда билан Ҳамида, укаси Акмалжон ҳамда қизи Умидажонлар «Фотима ва Зухролар»ни ниҳоятда қизиқиб томоша қилдилар.

Умидада саҳнада юз берётган воқсаларга қизиқиб кетиб, кимирламай ўтиради.

У дадам ўзи ёзган асарини ўзи кўрмади, деб ўқиниб ўтиради. Дадажонимни хурсанд қилолмай қолдим, деган бир армон юрагини тимдаларди.

Ёнида жимгина томоша кўраётган онасиға бурилиб секингина деди:

— Дадам тирик бўлганларида чет эл машинаси олиб берардим...

Бу Умиданинг дадасига юрак-юракдан чиққан сиз менинг жонимдан азиз дадамсиз, сизга пероси тилладан ручкалар, зўр галстуклар, яхши сигареталар олиб бераман, сизни ҳеч кимга бермайман, деган маънодаги эътирофи эди.

Ҳаяжондан Зухронинг мижжаларига ёш тўпланди. Бир киприк қоқса юзларини ювиб кетади. Зухро эса бу ёшларни киприқда куч билан ушлаб турипти.

Саҳнада кечётган оғир, юракларни ларзага соладиган воқеалардан ҳаяжонланиб йиғлаб юбормасин, деб Мавжуда аммаси уни бағрига босиб ўтиради. Умидада ўзини тутди. У эси кириб қолган, ўзини босиб олган, балоғат ёшидаги киз эди.

Спектакль тугагандан кейин муҳокама бошланди. Ҳамманинг, ёзувчиларнинг ҳам, театршунослару режиссёrlар ҳамда артистларнинг, ҳатто оддий томошабинларнинг ҳам фикри деярли бир хил. Бири-бирини тўлдирадиган самимий, ҳалол гаплар бўлди. Модомики тақди-

мотга келдингми, «билағонлигинг»ни күрсатиб қол, деб гапни чўзадиганлар ҳам бўлди.

Машинада уйга қайтишар экан, Умидаги Ўлмаснинг укаси Акмалжоннинг қўлларидан маҳкам ушлаб олди. Қўлларининг томир уришиданми, нимасидандир дадасининг қўлига ўхшатди. Бу қўл, бу томир уришлар унга дунё-дунё қувонч бағишлаган беозор кунларни қайтариб келгандек эди.

Унинг нафаси, сигарет тутунининг иси, хатто Ўлмас баъзи-баъзида сувга томизиб ичадиган аллақандай дори хиди димоғига урилаётганга ўхшарди.

Умидаги опасининг бўйнидан маҳкам кучоқлади.

— Опажон, энди сизни ҳеч хафа килмайман. Жуда-ям яхши нарсалар олиб бераман. Мунданам чиройли бўлиб кетасиз.

Бу гапларга Зухро чида буролмади, йиғлаб юборди.

— Йиғламаңг, сиз менинг биттайи-битта опажонимсиз, ойижонимсиз. Дадамнинг ўрнига колган дадажонимсиз. Кўрасиз, сизни қўғирчоқдек кийинтириб қўяман. Айтинг, Акмал амаким кетмасинлар. Бизникида қолсинлар...

Эрталаб ионушта олдидан бир вақтлар Зухро туғилган кунда Ўлмас совға қилган бриллиант кўзли зирақни Умиданинг кулоғига тақиб қўйди.

Умидаги икки кулоғини ушлаганча трюмо ойнасига ўзини солиб кўра бошлади. Нахорлик ширгуручдан бир қошиқ оғзига солиб яна югуриб бориб ўзини ойнага солади. Ҳамиданнинг олдига келиб, аммажон, ярашибдими, деб сўрайди. Ҳамида жудаям, деб унинг елкаларини си-лаб қўяди.

— Ҳаммангларни яхши қўраман, — деди Умидаги.

У ширгуручини еб бўлгач, кулоғидан зирақларни чиқазиб Зухронинг қўлига берди.

— Опажон, мени кечиринг. Мен бунақа нарсаларни унчалик яхши кўрмайман. Ҳозир сиз хурсанд бўлинг, деб такиб қўрдим. Киностудиянинг фотографи кичкинагина килиб ишлаб берган дадамнинг сурати бор. Шуни медальонга ўрнатиб бўйнимга осиб юрмоқчиман. Хафа бўлмаяпсизми, опажон.

Умидаги Лондон университети қошидаги лицейнинг энг кобилиятли талабаларидан бири. Ахлоки, ўзини тутиши, дарсларни ўзлаштириши университет раҳбариятига маъ-

кул эди. Бутун диккат-эътиборини ўқишига бағишлаган Умидада тўрт йиллик ўқишини уч йилда тугатиб бакалавр унвони олиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Зухро қизини муборакбод қилгани Лондонга борди. Бакалавр либосини кийган Умидани ҳам дадаси, ҳам ўзномидан табриклаб бағрига босди.

Университет ҳамда лицей профессорлари, ўқитувчилари шундай қобилиятли, одобли қиз ўстиргани учун унга раҳматлар айтиниди.

Буюк Британиянинг бу сершовкин, гавжум пойтахтида Зухро илгари ҳам бир бўлган. Ўлмас билан беозор, беташвиши, баҳтиёр купларида буюк зотлар қадамининг изи тушган жойларни бирма-бир зиёрат қилган эдилар.

Умидада Республика «Умид» жамғармаси орқали ўқишига келганди.

Бир куни ойга тенг уч йил ҳам ўтиб кетди. Умидада бўйи чўзилиб катталардек ўзини тутадиган мулоҳазали, андешали, балофат ёшидан хатлаб ўтган катта қиз бўлиб қолганди. Зухро энди у билан тенгдони дугонасилик гаплашарди.

Она-бала бу тиним билмас кўчаларни кезар эканлар, Умидада унга:

— Эсингида борми, она, «Фотима-Зухро»лар тақдимотида агар дадам тирик бўлгандарида чет эл машинаси олиб берардим, деб айтган эдим. Энди сиз дадам ўрнига дадамсиз. Аммо сиз машинна минолмайсиз. Дадамнинг руҳини шод килиш учун сизни кўп мамлакатларга олиб бораман. Шундай қилсан дадамнинг арвохи шод бўлади, — деди. — Эртага сизни Манчестерга олиб бораман.

Англияда катта имтиёзга эга бўлган, асилзодалар, баланд даражали мартаба эгаларининг аёлларини, қизларини леди деб атайдилар. Умиданинг дадаси аввал вазир, ундан кейин Ўзбекистон мамлакати бош вазирининг ўринбосари, вице премьер лавозимини эгаллаган, кўп мамлакатларда китоблари босилган машҳур ёзувчи.

Шунинг учун ҳам уни леди Умидада деб атардилар.

Улар саёҳатни Манчестердан бошлиланди. Англияга келиб Манчестерни кўрмай кетган одам, умуман Англияга келмаган деб хисобланади. Бу юрт дунёга кўп буюк зотларни берган, ўзида Англиянинг ҳамма урф-одатлари, фақат Англияликларга хос чуқур билимли эканликлари билан ажralиб турардилар. Жаҳонга машҳур шоирлари Роберт Саути, У. Вордсворт, С. Колриди каби

үн саккизинчи аср билан үн түккизинчи аср оралиғида ижод қылган романтик шоирлари билан машхур. Тарихда «Күл бүйи шоирлари» деб ном олган адабий гурух ҳақида Пушкин бу тенгдошларига тұлқинланиб шеър бағишилаган эди. Манчестер бутун бир Англияни бағрига жо қылган юрт эди.

Энди йүл Италияга, Португалияга, сафар охири Испаниянинг Гренада вилоятига бориб якун топади.

Жақон ахли факат фотосувратларда ёхуд видеоленталардангина билған мұйжизалар юртиминың күзи билан күриш, минг йиллар бағридан юлиб олинған шаҳарларда кезиш хар кимга ҳам насиб қилмасди.

Рим минг-минг йиллар нареғида қолған ўтмишини туш күриб ҳали ҳануз үз ўтмиши ҳавосидан нафас олиб ётган, ўтмишини яна минг-минг йилларға олиб ўтадиган мұйжизалар шаҳри.

Зухро ҳам Умидә ҳам Помпейни факат рассом Карл Брюлловнинг «Помпейнинг сүнгти куни» деб аталған машхур асаридангина билардилар. Бугун улар неча минг йиллар аввал күл остида қолған, яна минг йиллар заргардек мөхнат килиб уни босған лава кулларини мис-қоллаб, граммлаб, худди чой қошиғида миллион тоннаб (балки миллиард тоннадир) кулларни авайлаб, хар кафтини назардан ўтказиб, бошқа шаҳарға обориб ташлаш машаққати туфайлигина Помпей ҳақиқий юзини очганди.

Шаҳарни лава яшин тезлигіда, балки ундаңда тезлик билан босған эди. Юриб турған одамлар, бир-бирига раз айтаёттан ошик-мошиқлар, келин-қуёвлар қовушған пайтарида қандок ҳолатда бўлсалар ўша ҳолатда котиб қолғанлар. Ҳатто қошиқдаги овқатини оғзига энди оборғанды қотиб, қошиқдаги овқат ҳам ўшандоқлигича қолған.

Бир-икки соат кезиш билан Помпейни кўрганман, деб бўлмайди, уни күриш, бўлиб ўтган фожеани, лава кулидан тозалашдаги машаққатли мөхнатни тасаввур килиш, хис этиш учун кунлар эмас ойлар ҳам кифоя қилмасди.

Она-бала насиб қилса яна келиб бирон хафта шошилмай, ҳамма ҳаммасини күришни ният килиб Помпейни тарқ қилдилар.

Бу юртнинг қаерига борманғиз ақлингизни шоширадиган, ҳайратдан ёқа ушлатадиган бир мұйжизага юзмаз келасиз.

Римдан Венециягача автобусда бир кунлик йүл. Сув устига қурилған бу машхур шаҳарни бир кўрсам, деб

орзу килган одамлар ҳар қанча сарф-харажатларга чи-  
даб күргани келардилар.

Одамлар уйларининг остонасигача машинада келади-  
лар. Автобус ҳам шундоққина эшиклари олдида тұхтаб  
үтади.

Венецияликлар учун гандола деб аталған қайик ҳам  
такси, ҳам автобус вазифасини үтайди.

Венецияликлар шу уйларда туғилиб, яшаб, түйлар  
килиб, келин-куёв бўлиб, фарзанд кўриб, қариб оламдан  
үтадилар. Неча юз йиллардан бўён, балки минг йиллар-  
дан бўён неча-неча авлод шундай яшаб келган.

Зухро билан Умида Адриатика денгизи ёқасидаги бу  
машхур шаҳарни яйраб томоша қилиш, одамлар яшаёт-  
ган хоналарга кириб, шундок захкаш жойда шикаст ет-  
май, қурилганда қандок бўлса ўшаңдок, бирон шувони  
кўчмаган, деворларини сув ивитмаган шаҳарни кўриш  
орзусида эдилар. Афсус, бу бир хаёл, орзу экан.

Венеция иморатлари бирин-кетин нурайбошлигаран,  
одамлар энди яшаб бўлмайдиган ҳолга келган уйларни  
ташлаб, кўчиб кетгандарини, ҳатто томларигача тешилиб  
осмон кўриниб қолган уйларни кўриб хайрон бўлиб қол-  
дилар.

Венеция сувга чўкиш ҳавфи остида қолганди.

Италия ҳукумати молиявий кийинчиликка учраган  
пайтлар бўлса керак, ҳатто миллиард-миллиард доллар  
даромад оладиган туризм ҳам Венецияни сақлаб колиш-  
га ожизлик қиласади. Бу сув шаҳри жуда кенг қуруқлик-  
ка уланиб кетган. Унда минглаб хонадонлар, маҳалла-  
лар хувиллаб қолган. Бошқа шаҳарга кетиб тирикчилик  
қилишга қурби етмаган қари-қартанглар, почор одам-  
ларгина кетолмай қолганлар.

Буюк Венеция аста-секин умрини тугатаётганга ўхшар-  
ди.

Энди сафар Римдан сал наридаги Пиза шаҳрига. Зух-  
ро билан Умида автобусда кетарканлар Умиданинг бо-  
лалиги тутди. Эркаланиб Зухронинг тиззасига бош қўйиб,  
қўлларини силай бошлади. Автобусдаги йўловчи хотин-  
лар инглиз тилида: Кичкина Леди эрка экан деб кулиши-  
ди. Бу гап Зухрога малол келгандек бўлди.

— Уч йилда энди кўришдик. Леди Лондонда ўқий-  
ди. Мен Тошкентда яшайман, бир-биримизни ҳаддан таш-  
қари соғинганмиз, — деб жавоб қилди Зухро.

Хонимлардан бири «Вери всл, сенкю» деб Умидан-  
нинг елкасини силаб қўйди.

Бир томонга оғиб қолган жаҳонга машҳур «Пизанская башня» деб аталган, «Пиза минораси» олдида узок туриб қолдилар. Кети узилмай келиб турган машиналардан тушган сайджлар оғиб қолган минора атрофида кино, фотокамераларида уни тасвирга туширадилар.

Шу оғиб қолган минорани хозирги замон техникаси билан қаддини ростлаб қўйиш мумкин эмасмикин деган савол қўнгилдан ўтди.

Мумкин албатта. Ойга одам чиқариб уни аппарат ёрдамида яна ерга қайтариб олиб тушган хозирги замон илмига, техникасига битта қийшиқ миноранинг қаддини ростлаб қўйиш нима деган гап?

Аммо Пиза минораси шу бир томонга оғиб қолгани билан машҳурдир. Агар уни тик қилиб қўйсалар у хеч кимнинг назарига тушмайдиган оддий бир минора бўлиб қолмайдими? Уни қўргани одамлар келмай қўядилар. Италия туризми нақд «лукмайи ҳалол» даромадини йўқотади.

Монассанинг «Майиблар онаси» деган ҳикояси бор. Бир хотин пул топини ниятида ҳомилалигида қорнининг бир неча жойидан рўмол билан, тасмалар билан сириб боғлаб ташлайди. Ой-куни келганда у қинғир-қийшик бола туғади. Бундан хабар топган шов-шув ишқибозлали болани катта пулга сотиб олиб, жонли гаройиботлар очик қўргазмасига обориб намойини қиласидар. Хотин шунақа қинғир-қийшик болаларни кетма-кет туғаверади. Бу «иш»ни бизнесга айлантиради. Шу орқали бойиб кетади.

Бу гапларнинг Пиза минорасига қангалик алоқаси бор, билмайман. Қадди тик минорадан кўра ночор миноранинг кўп даромад келтираётгани шундай ўйлашимга, сабаб бўлгандир.

Энди навбат харобага айланана бошлиган, лекин қолган қисми кўз қорачигидек асрраб-авайлаб сакланаёткан машҳур Рим колизейини кўрини, томоша қилишга. Шу ниятда буюк ҳурмат ва эътиқод билан колизей остонасига қадам босдик.

Кирғокдан топган чиганоқка қулоқ тутсангиз деңгиз тўлқинларининг, довулларининг гувиллашини эшитасиз.

Агар кўпни қўрган колизей фиштларидан бир бўлагиги олиб қулоқка тутсангиз, бу ерда бўлиб ўтган тантаналар, гладиаторларнинг буқа билан олишув пайтидаги шовкин-суропларни, одамларнинг ҳайқирикларини эшитармикансиз?

Бу ерда бўлиб ўтган ходисалар тасаввурга, хатто хаёлга ҳам сифмасди.

Зилзила ёхуд момақалдирок қудратига тенг бир турткি мудраган колизейни минг йиллар уйқусидан уйғотиши керак. Шунда сиз ҳам уйғоқ колизейнинг галереяларидан жой оласиз.

Ана, Марк Антонийни гиламга ўтқазиб ўнта қул кўтариб келяпти. Дур, гавҳарлар билан безангандан бекиёс гўзал малика Клеопатра унинг истиқболига чиқди.

Колизей қозондек кайнайти. Римликларнинг олқиши овозлари колизейдан тошиб шахар устида айланиб юрипти.

Яна бир фишт бўлагини олиб қулоққа тутасиз. У гунг, у соқов. Лекин сизнинг тасаввурингиз унга тил забон ато қиласди. Аста гапира бошлайди.

Зухро билан Умида Колизейдан худди минг йилликлар ичидан бугунги кунга чиқиб келётганга ўхшардилар. Дунёнинг бошланишидан то шу кунгача бўлиб ўтган воқеаларнинг «шоҳиди» бўлиб, энди бутунлай янги бир оламга етиб келгандек эдилар.

Энди сафар Испания пойтахти Мадрид шаҳрига. Унда бир кун бўлиб Гибралтар бўғозига ўтадилар. Гренада вилоятида араблар қурган бенихоя салобатли масжидларнинг кўкка бўй чўзган нақшинкор мисораларига қараб бу ерларда бўлиб ўтган жанг жадалларда шикастланмаганига ҳайрон қоладилар.

Дунё кенг, одогига етиб бўлмас экан.

Шахарлардаги мўъжизаларни юрган кўради. Ўтирган нимани кўрарди?

Умида муштдек боши билан дунёнинг деярли ярмини кўриб қўйди. У Гибралтар бўғозининг сохилида туриб машхур «Гренада» кўшиғини куйлай бошлади:

*Гренада, Гренада  
Гренада моя...*

\* \* \*

Телефон жиринглади. Трубкани олиб, лаббай, дедим. Зухронинг таниш овозини эшитдим.

— Стационарга келсангиз. Ўлмас акам сизни сўрайаптилар. Айтадиган гаплари бор экан.

Бирон ойлардан бери Зухронинг овозини энди эшитяпман.

Ўлмас билан иккови тайёр ошини ташлаб кетгандари-

дан бүён қаердаликларини билолмай дикқат бўлиб юрган эдим. Шошиб кийиндику машина билан йўлга чиқдим.

Касалхона олдида Зухро мени кутиб турарди. У анча озаб қолган, хорғин. Сочларида бир-иккита оқ тола кўриниб копти.

Ўлмасни Москвадан оғир ахволда олиб келган бўлсалар керак деб ўйладим.

Зухро мени кўп қаватли корпус орқасидаги зинадан палаталар томон бошлади.

Томоги бойланган Ўлмас Турғун Азизов олиб келган фанерини тиззасига қўйиб, нималариидир ёзяпти.

Маълум бўлиппича Москвада ўтган сўнгги маслаҳат йиғилиши Ўлмаснинг томогидаги овоз ўтказадиган жойини бошқа органларига ўтиб кетмаслиги учун қатрон қилиб олиб ташлашига карор қилганлар. Бунга Ўлмаснинг розилигини олганлар.

Операциядан ўн беш кунлар ўтиб Тошкент медицина институтининг жарроҳлик клиникасига олиб келганлар, бир хафта кузатувдан кейин стационарга келган. Бу орада онкология институтидан кўриқдан ўтиб турган.

Мана, бир хафтадирки стационарда оғир ахволда ётиди. У ҳамон тиззасига фанера қўйиб, ҳамма нарсани, бугун-эрта бостириб келаётган ўлим шарпасини ҳам унуптиб ёзяпти.

У деразадан ташқарига қаради. Эрталабдан бери осмонда булут айланиб қолганди. Энди шаррос қўйяпти.

Ўлмас орқа-ўнгига хат битилган қоғозни менга узатар экан жилмайди.

Ё кудратингдан ўргилай худо, бу болага дунёни тарк этар чоғи жилмайишига қайдан куч ато этдинг!

То келгупимча у менга хат ёзиб қўйган экан. Ўқияпман:

«Домла, Сиздек бир кекса, отамдек меҳрибон одамини ўз дардим, бошимга тушган азобли кунларим билан ташвишига солишини истамагандим. Бўлган мураккаб операцияларни билдиргим келмаганди.

Энди тонг отиши билан ҳаммасини, азобларни, чидаб бўлмас оғрикларни ташлаб ҳеч ким тўймаган бу дунёдан кўз юмиб кетаман.

Мен тортган азоблар бошқа ҳеч кимниңг бошига тушмасин.

Сизга яна бир, охирги илтимосим бор. Собир Мирвалиев ўз ташаббуси билан томликларимни чиқазяпти. Мен тўғримда илмий иш ҳам бошлаганга ўхшайди. Наш-

риётларда сизни ҳурмат қилишади. Собиржонга далда бўлиб турсангиз яхши бўларди. Ўзи йўқининг кўзи йўқ, деб баъзи нарсаларимни муҳаррирлар чиқазиб ташлашлари мумкин. Илтимос, Умарбеков энди хеч нарса ёзолмайдиган жойга кетган, касалхоналарининг тикилинч палатасида қийалиб ёзган нарсалари қолиб кетмасин, деб уларни инсофга чақиринг.

Собиржонни ўзингиздан узоклаштирманг. У яхши йингит экан. Афсус, бунака содик дўстни умримнинг охирида топган эканман. Унга биронта яхшилик килолмай кетяпман.

Илгаригидек уйимга келиб туринг, кўзи тўла ёш билан қолган Зухро ҳамда жовдираб қолган жондан азиз, дунёда топган ягона бахтим Умидага мадад бўлинг.

Хайр. Дийдор кўришмок энди қиёматга қолди».

Ўлмас ўша, ичидаги дарди-аламини сездирмайдиган жилмайиш билан оркамдан караб қолди. Ҳовлига чиқаётганимда Зухро шу хат менда турсин, кейин қайтиб бераман, деб олиб қолди.

Ёмғир кўз очиргани қўймайди. Зухронинг ёмғирда дарвоза олдигача кузатиб чиқишига қўимадим. Ўзим то машинага етиб боргунимча шалаббо бўлиб кетдим.

Боққа келиб ётиб ётолмадим, ўтириб ўтиrolмадим. Кўзимга умрининг энг сўнгги дамларини кечираётган Ўлмас кўринаверди. Наҳотки у йўқликка кетади? У эски «қадрдони»ни кутаётгаңдек ўз ўлимига наҳотки сесканмасдан пешвуз чиқади? Бу кичкинагина, нозиккина вужудда наҳотки шунчалар жасорат, шунчалар қудрат бўлса!

Томоfiga тиф қадалиб турган, умри соатма-соат кисқариб бораётганини сезган бу одамда бунчалар ирова, бунчалар бардош қайдан пайдо бўлди деб ўзимдан ўзим сўрайман. «Қизимга мактублар»ни аста варактайман.

Үндаги «Мангу дунё бўсағасида» деган ёзувни ўқиб сесканиб кетдим. Бу гапни мен ўқиб шунчалик изтиробга тушяпман, билмадим бу гапни айтишига қандай тили борди? Наҳотки шуларни ёзаётган қўли титрамади, наҳотки фарёд уриб йиғлаб юбормади...

Ўлмас шу тобда ўша айтган «Мангу дунё бўсағаси»-да турипти. Бир неча дақиқадан кейин бу фоний дунёдан бокий дунёга рихлат қиласи.

Кўзим илингани экан, телефон жиринглашидан уйғониб кетдим. Гўшакин олиб, лаббай дедим. Бундай бемахалда хеч ким хушхабар етказмайди. Соатимга кара-

дим. Иккидан йигирма минут ўтибди. Акмалнинг таниши овози эшитилди. У «акам оламдан ўтди», деди-ю йиғлаб юборди.

Шошиб кийиндуму машина билан йўлга чиқдим.

Ёмғир худди тепангдан пакирлаб қуяётгандек. Машинанинг олд ойнасини ёмғир сувларидан тозалаётган дворник-чўтка ҳам ожизлик қилиб колди. Дўрмон чинорларининг қуриган шохчалари, барглари ёпишиб қолган ойнадан ҳеч нарса кўринмайди. Уни тозалаш учун ташқарига чиқиш керак. Чиқишинг эса иложи йўқ. Но илож чикиб баргларни, шохчаларни сидириб ташладим. Ивиб шалаббо бўлиб кетдим. Мендан икки қатор орқадаги ақация асфалтга ағдарилиб, йўлни тўсиб кўйди.

Калпоқли бризент планинг кийган гаичилар машина хайдовчиларни секин юришга даъват қилардилар. Кишлоп йўлларида ўзи хоҳлаганча тезликни оширадиган учар шоғёрлар шаҳарга тушганда ювони тортиб қоладилар.

Ҳар қалай шаҳарда интизом қаттиқ эди. Шунинг учун ҳам йўлнинг бўёғида кийналмай Ўлмаснинг уйига омонесон етиб келдим.

Жанозага келганлар кўп эди. Бироннинг кўлида соябон, бирор бошига плёнка ёпиб олган, бирорлар эса ёмғирда дўппи билан турардилар.

Ўлмаснинг ҳовлисида деярли пана жой йўқ. Одамлар машина опчикиб кўйилган гараж ичида, шу гараж олдидаги айвончада ёмғирдан қочиб туришарди.

Тобутни опчикиб шу айвонга қўйишиди. Ёмғирдан қочиб кирганлар яна ёмғирга чиқиб қолишиди. Вазирлар маҳкамасининг диний ишларни тартибга солиш бўлиминг раиси йигилганларга мурожаат қилди.

— Жамоат, биз марҳумни олиб борадиган «Минор» қабристонида ёмғирдан пана бўладиган жой йўқ. Ҳамма расм-русларни шу ерда адо этиб, кейин олиб борамиз, жаноза ўкини олдидан марҳумнинг энг яқин киписи ёнимга келишини сўрайман.

Ўлмаснинг укаси Акмал муфтий ҳазратлари олдига келиб бош эгиб турди.

— Марҳум ҳаётлигига кимдандир қарздор бўлиб, вақтида тўлаёлмаган бўлса, ўша одам даъво қилиб келса шу қарзни тўлашини гарданингизга оласизми, — деб сўради.

— Гарданимга оламан, — деди Акмал.

— Қабристонда ҳеч қандай митинг, ҳеч қандай нутқ бўлмайди. Ким гап айтмоқчи бўлса илтимос, шу ерда

айтсии. Мен мархум Умарбековнинг устози, мухтарам акамизга сўз бераман.

Менга сўз бериб колишларини тахминаи билардим. Шунинг учун айтадиган гапларимни унча-мунча ўйлаб кўйгандим. Ёмғирда туриб қолганларни қийнамаслик учун мумкин кадар қисқа ганиришга харакат қилдим.

— Азиз биродарлар, биз бугун мукаммал бир инсонни энг охирги йўлга, Аллоҳ ҳузурига кузатаяпмиз. Мархум бу дунёга факат меҳнат қилиш учун, одамларга яхшилик қилиш учун келган, одам боласини йўлдан урадиган ҳар қандай нопок, ношаръий ишлардан хазар килган, ўзини тия олган, биронвнинг луқмаи ҳалолига ёмон назар солмаган, юзидан Нури Мухаммад Ҳувайдо бир покиза инсон эди. Мархум билан ота-боладек эдик. Кўп йиллардан бери бир-бирилизни авайлаб, бир-бирилизга дилни оғритадиган бирон сўз айтмай, бир-бирилизни соғиниб, бир-бирилизни эҳтиёт қилиб яшадик. Мархум ҳеч кимниң дилини оғритмаган, ҳеч кимга маломат қилмаган, бу дунёга пок келиб, пок кетган нурдек тоза, чехрасидан жаннат нури ёғилиб турган фариштадек инсон эди.

Уни бутун Ўзбекистон аҳли яхши қўрарди. Болам шунга ўҳшасин деб, укам шунга ўҳшасин деб, куёвим шунга ўҳшасин деб болаларига Ўлмасбек деб ном қўярдилар. Мана бугун бағрим ҳувиллаб қолди. Ҳазрат, сиз амри маъруфларда ибратли умр кечирган, ўзидан яхши ном қолдирган инсонлар тўғрисида ҳаяжон билан, буюк мухабbat билан ганириб берасиз. Шу ажойиб инсонлар қаторига Ўлмасбекнинг номини ҳам қўшиб айтишингизни истардим...

Машинани ўша ерда қолдириб «Минор»га кўпчилик билан автобусда кетдим.

Ёмғир ҳали ҳам савалаб турнити.

Қабр бошига бориш қийин эди. Ёмғир мағз-мағзига сингиб кетган ердан тўпиққача лой кечиб қабр олдига боришаётчи. Мен ҳам шимимнинг почасини тиззамгача химариб қабр бошига бордим.

Гўрков бунақа фавқулодда воқеаларни кўп кўрган одам. Гўр тепасига тахта териб устидан плёнка бостириб кўйипти.

Йигитлар гўр устида катта бир чодирни тутиб турдилар.

Акмал билан гўрков икковлари Ўлмаснинг жасадини лахадга кўйдилар. Ҳаммамиз қабрга бир-икки кетмондан лой аралаш тупрок ташладик.

Кори одамларни ёмғирда қийнамаслик учун қисқароқ сурани тиловот қиласы. Түпик бүйи лой илашиб оғирлапшын оёғимизни аранг күтариб асфалт йўлкага чикиб олдик.

«Минор»дан қайтишда яна автобусга чиқдим. Ҳайдовчи, одамлар исиниб олсии, деб автобус печкасини ёқиб кўйган экан. Салонни тўлдириб бир-бирига қапишиб ўтирган одамларнинг оғзидан чиқаётган, кийимларидан кўтарилаётган ховурдан автобус ойналари терлаб, салон туман ичидаги қолгандек бўлди.

Жуда хумор тутди. Чўнтағимдан сигарет олиб чекмоқчи бўлдим. Уст кийимидан ўтган ёмғир кўйин чўнтағимдаги сигарестларни ҳам ивтиб юборган экан.

Ёмғирда ивиб, тўпигигача лойга ботганлар, эртага фотиха ўқигани борамиз, деб йўл-йўлакай тушиб қолинди.

Гараж айвонида ёшгина кори келди-кетдига Қуръон тиловат қилиб ўтиради.

Боя жаноза пайтида бошига плёнка ёпиб, резина этикда юрган Fапурага кўзим тушганди. У менга яқин келиб туфлимни ечиб беришимни сўради. Гаражда қолган машинамга кириб туфлимни ечиб бердим. Уни шариллаб ёмғир суви тушаётган тарновга тутиб ювиб, тозалаб олиб келди-да. Зухро опамининг олдига кирад эмишсиз, деди.

Девордаги соатга қарадим. Зухро уни 2 дан 20 минут ўтганда тўхтатиб қўйган. Бу 1994-йилнинг 10-ноябрь эди.

Бир уй бўлиб ўтирган аёлларнинг хаммаси ёш, айтиб йиғлашини билмас эдилар. Зухро хамма кийинчиликларни Ўлмас билан бирга тортиб бардошли, чидамли бўлиб қолганди. Аммо Умидга ўзини кўярга жой тополмай гоҳ Акмалнинг, гоҳ аммаларининг бўйнига осилиб дод соларди.

— Бир пас исиниб қайнок чой ичиб олинг, деб чакирдим. Кийимларингиз ҳам ивиб кетибди, шамоллаб қолманг, — деди Зухро.

— Зухрохон, энди менга жавоб беринглар, уйга бориб кийиниб олай. Эртага азоңда стиб келаман, — дедим.

Тик турганимча икки пиёла қайнок чой ичиб, улар билан хайрлашдим.

## ЎЛМАС УМАРБЕКОВГА БОҚИЙ ДУНЁ САФАРИ ОЛДИДАН ДУО

Осмон юзини түсгап булутлар оро күл чўзиб, тортиб олган ўз улушинг — кичкинагина биллурый тонг парчасини кўтариб, қайтмас бўлиб зимистон томонларга кетяпсан.

Илоё, сахар пайти узиб олинган шу бир парча нур то охиратгача йўлингни ёритиб борсин! Омин!

Шу қисқагина яшаб ўтказган умрингда сен кўрмаган жабру жафолар қолмади. Барига чидаб бердинг. Бўғзингни пора-пора килиб, жонгинангни оғритиб кесаётган тифга қандок туриб берганинг биргина яратган Эгамга аён.

Эй, Тангрим! Шу умри азобларда ўтган, барига «Сенинг менга атаган буюк неъматинг» деб чидаган бандангни ўз химоянгга ол.

Беҳишт дарвозасини унга очиб қўй. Энди даргоҳингда абад ором топсин!

Эй Аллоҳим, унга ўзинг паноҳгоҳ бўл.

Омин!

... Ёмғир шовуллайди. Ёмғир гувиллайди. Ёмғир сен учун кўзёшларини селоба килиб фарёд уради.

Ёмғир шовуллайди...

2003 йил, 24 апрел.

# УМРИМ БАЁНИ

## Автобиографик қисса

*Мақсад на эди жаҳона келдинг,  
Кайфиятинги баён этиб кет.*

НОДИРА

Табиатнинг донолигига тан бермай иложинг йўқ. Ҳамма нарсанинг ўлчови бор. Дақика-дақикасию сония-сонияси ўлчаб қўйилган. Ёзда кун узун, тун кисқа. Кишда кун киска, тун узун. Нега? Дўппингни тиззангта қўйиб, чаккангни қашлаб, бир ўйлаб карасаңг — буюк бир ҳикматга дуч келасан. Яъни, ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса ер юзида қимирлаган жон учун эканига иқрор бўласан. Аллоҳ, боғбоннинг меваси пишсин, дехқоннинг экини кўпроқ офтобдан баҳраманд бўлсин деб ёруғ куни узайтириб қўйган. Киш тунлари жуда узун, тонг отишини кутиб ўёнбошингдан-бу ўёнбошингга афдарилаверасан-афдарилаверасан. Ҳадеганда уfk чети оқарақолмайди. Бунда не каромат бор? Ўйлайсан-ўйлайсан, яна бир буюк ҳикматга дуч келасан. Миллиард-миллиард фарзанднинг оғзига қўксини тутган она-замин толикиб, уйқуга бош қўйган. Табиат унинг устига оппок кўрпасини ёпиб, мирикиб ухлаб ором ол, деяпти.

Мен мана шундай қишининг, мана шундай ёзнинг сак-сонтасини кўрдим. Бирини йиглаб, бирини кулиб, бирини илҳом тўла ижод билан, яна бирини чилпарчин бўлган умидлар харобаси устида кўзёш тўкиб ўтказдим.

Шоир мендан, бу дунёга нима ниятда келган эдинг, айтадиганингни айтиб кет, деб қистаяпти.

Мен туғилган XX асрнинг йигирманчи йилида авжи ўрик пишиғи, ҳар донаси ёнгоқдек келадиган Аштархон голослари бозорни тўлдирган. Жомеъ масжиди ёнбошидаги Кўчат бозори товсилиб, ўрнини чархчилар эгаллаган пайтлар. Ўша иили Жомеъ гумбазидаги сават-уядада лайлак иккита жўжа очган экан. Бири — оқ, бири — кора...

Тошкентликлар қора лайлак күрмаган эканлар. Ҳамманинг қўзи — сават уясида: «Кеп қолинг, ҳасти Уккошанинг булоқларидан чиқсан Обинифо сувидан ичиб қолинг!» деб жавраб юрган Ҳожи мешкоб бу мўъжизани кўриб, бир хунук гап айтган экан.

— Мусулмонлар, беш вақт намозни кандай қилмангарлар! Йил ёмон келяпти, шундоқ юввош қушнинг уясидан ҳам ола чиқди...

Ҳожи мешкоб башорат қилган экан: Русияда қурғоқчилик бўлиб, Тошкентни Волга бўйларидан, Семиналатинский тарафлардан поездга осилиб келган очлар босиб кетди. Ўзбек дехқонларининг шўри қуриди. Кимнинг уйида бир кафт дон бўлса, бола-чақасининг ризқидан қийиб, тўппонча ўқталиб опчиқиб кетишиди. Ўзига тўқ дехқонларни «кулок» (муштумзўр) қилиб, Сибирга хайдапди. Бедабозор йўлида гадой кўпилигидан ўтиб бўлмай қолди. Бу очарчилик ва бу нотинчликнинг сабабчиси бўлмиш қора лайлакни Раббим деган мерган отиб ташлади. Энди юрт тинчийди, деб ўйлашган эди. Йўқ, қамақамалар бошланди. Ҳар беш кишидан учтаси «халқ душмани» бўлиб қамалди. «Шўргага қарши ташвиқот қилган!» деб сақичмонлик Суннат соқов ўз номини айттолмаса ҳам, қамалиб кетди.

Онам Зулфияхон тахтапуллик Фулом Расул қозининг тўнғич фарзанди бўлган. У киши Уфа шаҳрида таълим олган муаллимани ёллаб онамни ўқитган эканлар. Мен ойимнинг пинжига суқилиб ўтириб ҳусниҳат машқ қилардим.

Араб алифбоси бекор бўлиб, лотин алифбоси жорий этилаётган пайтлар эди. Араб алифбосида ёзилган қизил баҳмал байроқлар, шиорлар олиб ташланди. Менинг жиндек рассомлигимдан, ҳарфларни чиройли ёзишимдан ха-бар топган идора завхозлари той-той баҳмал олиб келишар, мен уларга сира ўчмайдиган зарҳал билан шиорлар ёзиб берардим. Аввалги баҳмал байроқларни кишилокдан келган бозорчиларга сотишар эди. Сароҷоч, Турбат, Кўктерак тарафлардан қизил баҳмал чопон кийган бозорчилар келишарди. Бирининг елкасига «яшасин», бирининг киндигига хитоб аломати, яна бирининг кўкрагига «бирлашишгиз» сўзлари тўғри келиб қоларди.

Ўн саккиз ёшга кирганимда лотин алифбоси ҳам бекор бўлиб, кирилл алифбосига ўтилган эди. Сирдарё бўйи чорвадорлари қиз чикараётгандарни куёв тарафдан юбо-

риладиган сарпо ичида ювса кетмас зархал билан ёзилган баҳмал байрок ёки тўрт метргина духоба шиор — «лозунка» бўлмаса, сарполарни қайтариб юборардилар. Ўша пайтларда тушган келинларни то бола-чақали бўлиб кетгунча «Қизил байрокли келин» деб аташарди.

Номдор ёзувчилар қамалиб кетиб, китоб дўконлари ҳувиллақ қолганди. Кўпдан бери ҳикоялар машқ қилардим. Фоточиликка ишқим тушиб, кундузлари суврат олардим. Уйимизда электр бўлмаганидан кечаларим бекор ўтмасин деб Faфур Fуломга, Абдулла Қаххорга эргашиб ҳикоялар ёзардим. Редакцияларда мени бирор ёзувчи деса, бирор фоточи дер, яна бирор рассом деб атарди.

Минг тўқкиз юз ўтгиз тўққизинчи йили лотин алифбосида босилган охириги китоб менинг «Тортик» деб аталган китобчам бўлди.

Faфур Fулом қаёқка борса оркасидан соядек эргашдим. Аппаратимни бўйнимга осиб, машҳур Пенсон деган фоточининг кетидан колмадим. Бир газстада ҳикоям чикса, бошкасида тагига «Сайидаҳмад фотоси» деб ёзилган суврат босиларди.

Ана шундай учиб-қўниб, босар-тусаримни билмай юрган пайтимда дадамни «халқ душмани» деб қамашди.

Дадам Тошкентда отаси Дадаҳўжабой очган рус-тузем мактабида ўқиган, рус тилини мукаммал эгаллаган киши эди. Русча хатни ҳусниҳат билан бехато ёзарди. Ҳатто ўрислар ҳам бирорта нозикроқ жойга хат юборадиган бўлсалар ёки ариза ёзсалар албатта дадамга кўрсатиб олардилар.

Дадам Тошкентдаги «Қизил шарқ» паровоз ремонт заводи директорининг муовини эди, директор ҳамда инженерлар билан ишчилар ўртасида таржимонлик қиларди. Ишчиларга рус тилида аризалар, тушунтириш хатлари ёзиб берарди.

Бувам Дадаҳўжабой Тошкентнинг машҳур бойларидан бўлган. У шахар Думасининг аъзоси эди. Шунинг учун ҳам унинг иомига қўшимча килиб «Дадаҳўжа дўма» деб аташарди.

Дадаҳўжа дўма Чирчик дарёсидан Тошкентга тош ташитиб, Чорсудан Самарқанд дарвоза гузаригача, тахминан, саккиз чақирим масофага ўз хисобидан тош ётқиздирган. Шу йўл ёқасига ўттизга яқин газ-фонар ўрнатирган эди.

Дадаҳўжа дўма Тошкентда иккита рус-тузем мактаби очиб, рус ўқитувчиларини жалб қилиб, ўзбек болалари-

ни ўқитган. Мактаб харажатларига, ўқитувчиларнинг машиналарига унинг маблағидан сарфланган. Йигирманчи-үттизиңчи йилларда ҳуқумат идораларини бошқарган, мадданий-маърифий ишларга раҳбарлик қилган, рус тилини мукаммал эгаллаган йигитлар бобомнинг мактабида таълим олган ўзбек болалари эди.

Шунинг учун ҳам ҳуқумат бувамга тегмади. Уни ўз холига қўйиб берди. Бувам ички-ташки шаҳар ҳовлиси-ни, таърифи кетган бοғини болалар уйига тошириди, ўзимиз боғ четидаги қўрғончада қолдик. Тиним билмас бу чол бекор ўтиришини ўзига хайф билиб, новвойлик қилиб невараларини бοқди.

Бошимизга тушган кўргуликдан хабар топган Faфур Фулом мени юпатган бўлди:

— Сен кўпам қуяверма! Ҳуқумат адолат қилиб, дадангни қўйиб юборади. Қози буванг сиёсатга аралашмаган, китобдан бош кўтармайдиган одам эди. Дадаҳўжа буванг топганини юрт ободлигига, маърифат йўлига сарфлаган. Энди сен ҳадеб давраларга бошингни суқаверма. Ишингга бор-уйингга қайт. Тилингни тий! Одамлар қуларкан деб ҳар балони гапираверма, — деб насхат қилди. Кейин ўёқ-буёққа қараб, секин қўшиб қўйди: — Энди анкета тўлдирганингда бобомнинг қарамоғида яшаганман деб ёзгии.

Faфур аканинг гани тўғри чиқди. Ҳеч ким «халқ душманининг ўғли» деб юзимга солмади.

Ана шундан кейин ўша кезларда бошланган Катта Фарғона канали қурилишнинг ёшлар газетасининг махсус мухбири бўлиб жўнаб кетдим. Канал қурилиши менга бир ижод мактаби бўлди. Бўлаётган воеаларни, одамларни худди расм чизаётгандек ўзларига қараб туриб ёзардим. Ёзиб юборган мақолаларим, очеркларим тўхтаб қолмасди. Редакцияга стиб борини билан сарлавҳа тагига «Махсус мухбиримиздан» деган таъкид билан босиб чиқаришарди. Қурилишда бошқа газеталарнинг мухбирлари ҳам тинмай хабарлар юбориб туришарди. Ёзганларимизни баъзан самолётда олиб кетишарди.

Канал қурилишида бир ойдан ортиқ ишладим. Мен борганда қурилиш бошланганига ўн беш кун бўлган, қурилишни асосан қирқ беш кунда тугаллаш мўлжалланган эди. Қурилишда факат кўприк курувчилар, йўлсозлар қолганди.

Иккичи жаҳон уруши бошланганидан кейин орадан бирор ой ўтиб, мен ишлайдиган ёшлар газетаси тугатил-

ди. Бир йилча кўчага ҳам чиқмай ҳикоялар ёздим. Баъзан «Кизил Ўзбекистон» газетасининг бир сонида ҳикоям билан қишлоқдан ёзган очерким босиларди. Тажрибали журналистларниг кўплари фронтга чакирилиб, армия газеталарида фаолият кўрсата бошлаган эдилар. Таржимаи ҳолим ёқмадими, билмадим, мени фронтга юбориши мадди. Газета редакциясининг ўзида олиб қолиши. Фарҳод ГЭСи қурилиши бошланиши билан мени яна қурилишга маҳсус мухбир килиб юбориши. «Онажонлар», «Икбол чироклари» ҳикояларимни, «Фарҳод тоғи этакларида», «Тўппонча полвон» номли очеркларимни қурилишда, тупрок уюмлари орасида чангга беланиб, тиззамига блокиот кўйиб ёзганман.

Кўп орзикиб кутилган Ғалаба байрамини шоир Чустий билан ГЭС биноси учун қазилган жойда, минг-минг лаб одамлар орасида ўтказганим ҳалигача кўз олдимда.

Тошкентта чакириб олиши. Редакцияда фельветончи вазифасида ишлай бошладим. Газетада тез-тез фельветонларим босилиб туради. Ўша пайтларда энг машхур журналистлардан бири бўлиб қолгацдим.

Ёшим ҳам бир жойга бориб қолди. Энди уйланиш, рўзғор бошини ушлашим керак. Андижонлик ёш шоира Саида Зуннунова билан аҳд-паймон қилиб, икки томоннинг розилиги билан унаштирилдик.

Оркамдан соядек эргашиб юрган бахтсизлик яна бош кўтарди. Унаштирилган қунимизнинг эртасига ўша – дадами қамоққа олган КГБ ходими Мансуров уйимизни тинтуб қилиб, акамни ҳам қамоққа олиб кетди. Гангиб қолдим. Нима қилишимни билмайман. Тўй қуни тайин бўлган. Одамларга хабар қилинган. Тўйни тўхтатма, деб маслаҳат берниши. 1949 йилнинг 28 ноябр қуни тўй бўлиши керак. Андижондан Сайдахоннинг онаси, синглиси етиб келган. Ўша қуни редакциядан одам келиб мени зудлик билан чакириб олиб кетди. Борсам, озроқ кутиб тур, хозир Андижондан телефон қилишади, дейишди. Нима гап бўлди экан, деб ташвишлана бошладим. Нихоят, телефон жиринглади. Қўркиб трубкани олдим. Сайдахоннинг биттаю битта, ўн тўққиз ёшга кирган Насибжон деган укаси оламдан ўтибди.

Ўша пайтда газета редактори Шароф Рашидов эди. Бу шумхабарни у ҳам эшитган экан. «Сайданинг онаси ни Андижонга кайтариб юбориши керак. Бу хабарни хозирча Саида билмай тургани маъқул», деб маслаҳат берди.

Газетанинг масъул котиби Ахмад Исмоилов Рашидовнинг депутатлик хужжати билан Андижон поездига билет олиб келди.

Абдулла Қаххор бир гап айтган эди.

— Ёш боланинг кучи оёғида, юриб чарчамайди. Йигитнинг кучи билагида, ишлаб чарчамайди. Аммо кексанинг кучи юрагида бўлади. Ҳар қандай оғир дардни ҳам кўтара олади.

Бу гапнинг нақадар ҳақлигига 29 ноябр тонг отар пайтида иқрор бўлдим. Андижонда — Сабоҳон аяннинг уйида ўғлига жаноза ўқилди, Тошкентда айни шу дақиқада кизи Саиданинг келин саломи бўлиб ўтди.

Бу кўргуликлар ҳали ҳолва эканини, бошимизга тушадиган энг даҳшатли кунлар тўй ўчоги совумай туриб йўлимизга чиқиб кутиб турганини билмасдик.

Дадамии, Оқилхон амакими, Имомхон акамни олиб кетган КГБ ходими Мансуров 1950 йилнинг машъум 10 май куни уйимизда бойқушдек пайдо бўлди. Энди у мени олиб кетгани келга. Ҳаммаёкин титкилаб, китоблар орасидан Ўзбекистоннинг ўн йиллигига бағисилаб рус тилида нашр қилинган адабий тўпламни ашёвий далил сифатида айбномага киритди. Унда ўзбек ёзувчиларининг рус тилига таржима қилинган шеърлари, ҳикоялари, роман ҳамда қиссаларидан парчалар босилган эди. Абдулла Кодирийнинг «Обид кетмон» романидан «Я не басмач» деган бир боби босилган экан. Менга, таъқиқланган асарни сақлаган, деган айб қўйилди.

Мухторхон акам Сталинград жангларида дом-дараксиз йўқолган, дадам билан акам қамоқда. Энди мени олиб кетишияпти. Фамдан, айрилиқдан адои тамом бўлган онам болаларидан айрилиб, худди кум қисмлаган қўлдек бўшаб колганди.

Қўлимга кишан солиб олиб кетишди. Онам билан Саидахон бир-бирининг пинжига суқилиб мунғайиб қолишиди.

Машинада икки соқчининг ўртасида караҳт бир алпозда кетяпман. Нималар бўлаётганини, қаёққа кетаётганимни идрок қиласмасдим. Тушимми, ўнгимми-билмасдим. Гўё тақдир менга ҳазил қилаётгандек эди. Ҳозир мени қамоққа олиб боради, ахмок, хукумат билан ўйнашишин сенга ким қўйибди, деб сўқиб-сўқиб уйимга қайтариб юборади, деган телба бир хаёл бошимда айланарди.

Кодирнийлар, Чүлпоnlар, Фитратлар кирган, кириш бор-у, чикиш йўқ эшикдан мени хам олиб ўтишди.

Камалишимиning ўн учинчи куни яна терговчи хонасига олиб чикишди. Мени сўрок киладиган капитан Ко-нююхони тергов бўлиманинг бошлиғи полковник Генкин чакиртирган экан. Камерадан мени олиб чикқан соқчи унинг қайтишини узоқ кутиб қолди. Соқчи терговчидан маҳбусни қабул қилиб олдим, деган қоғозга қўл қўйдирмасдан мени қолдиролмасди. Терговчининг ёрдамчиси кинчик лейтенант Коршунов билан соқчи ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтди.

СОҚЧИ. Шундоқ ёзувчини отиб ташлашадими?

КОРШУНОВ. Отади. Дуниманин отмай, уни сўқимга бокадими?

СОҚЧИ. Ёзувчилар шупақа ёмон одам бўладими?

КОРШУНОВ. Ёмон бўлганда қандок! Улар совет ҳукуматининг душмани. Ҳаммасини тутиб, битталаб отяпмиз...

Умуман, соқчининг бирор билан гаплашиши, айникса, маҳбус олдида бирон гап айтиши мумкин эмас. Улар полковник Генкиннинг топшириғига биноан айбини бўйнига олмаётган қайсар маҳбуснинг иродасини синдириш учун атайин «артист»лик қилишаётган эди.

Бугун саккизинчи марта терговга чакирилишим. Уларнинг қўлида мени айбловчи бирорта хам жиддий далил йўклиги билиниб қолди. Фақат, ўзинг айт, ўзинг айтсанг гунохинг енгиллашади, деб мени лақиллатмоқчи бўлишади. Мен унча-мунчага лақиллайдиган анойилардан эмасман.

Терговчи фақат битта гапни билади. Айт, советларга қарши айтган гапларини айт! Совет воқелигини масхара киладиган латифаларингдан айт!.. Мендан садо чикмайди. Охири шу даражага етдики, кечалари терговчи уйига кетганда хам мени камерага туширмай, ухламасин деб ёнимга соқчи қўйиб кетарди. Ўтирган жойимда мудраб қолсам, соқчи туртиб уйғотиб юборарди. Бир жойда ўтираверганимдан оёқларим шишиб кетди. Уч кун ухламаслик қанақа бўлишини биласизми? Ўтирган жойимдан икки марта йиқилиб тушдим. Соқчи кўтариб табуреткага ўтқазиб қўйганини хам билмабман. Эрталаб терговчи ишга келиб, яна сўроқни бошлийди. Каллам фувиллаган, қўзларим тиниб, терговчи берган сўрок қоғозларини ўқиёлмайман. Қўл қўй дейди. Қўл қўймайман, ухлаб, кейин хушим жойига келганда ўқиб қўл қўяман, деб жавоб

қиласан. Бу хил қийноклардан иш чиқмади. Кейин мен ётган яккахонага (Одиночка) айғокчи киритишди. У Рафкин деган яхудий эди. Ўзининг гапига қараганда, терговчилар уни қўп қийнаб, азоб беришган экан. У ҳамма яхудийлар каби сергап, латифага уста, ҳар қандай одамни оғзига қаратиб қўядиган сўзамол киши эди. У билан тез орада дўстлашиб кетдик. У ҳам советларга қарши ташвикот юритишда айбланган бўлиб, ўзининг айтишича, бундай ишлар билан шуғулланмаган. Терговчилар қийнаб қофозга қўл қўйдириб олишган экан. Терговчиларнинг қўлига тушидингми, бўлди — энди улардан қутила олмайсан. Бари бир ўшаларнинг айтгани бўлади. Яхиси, жаҳлини чиқарма. Жаҳли чиқса, жуда оғир жиноятларни ҳам сенга ёпишириб қўяди. Ҳеч ким унинг гапини бекор қилолмайди. Биз яхудийлар ҳар қандай жиддий масалани ҳам келишув йўли билан битирамиз. Сен ҳам шу йўлни тутишинг керак. Терговчи билан келишгин. Шунда уйдан овқат ҳам оласан, онанг билан, хотининг билан кўришасан.

Баъзи-баъзида Рафкин икки-уч кун йўқ бўлиб кетарди. Қаёқда эдинг десам, терговчи билан айтишиб қолдим, карцерга ташлаган эди, деб жавоб киларди.

Бир куни у терговдан ҳориб-чарчаб қайтди. Уни қийнаган бўлсалар керак. Ахволи оғир эди.

— Менга каранг, — деди у ана шундай азобли терговдан қайтган пайтларининг бирида. — Бу сассик камерадан тезроқ чиқиб кетишининг чорасини топиш керак. Чораси — терговчининг ганига қўниш. Нимайики ёзган бўлса, барига қўл қўйиб, ишни тезроқ судга ошириш чорасини кўриш керак. Ахир дунёга ўн марта келмаймиз-ку! Биттагина жонимизга бунчалик жабр қилиш керак эмас-да! Бугун мен ҳамма қофозларга қўл қўйиб бердим. Бирон хафтадан кейин ишим судга оширилади. Сизга ҳам маслаҳатим шу. Тезроқ бу азоблардан қутилиб, лагерга жўнаб кетиш керак. Ҳар қалай, лагер очик ҳавода...

Чолдан шубҳаланиб қолдим. У икки-уч марта, хотиним киритибди деб, учта булочка билан тўртта бутерброд олиб кирди. Ажаб, булар хонаки таом эмас, КГБ буфетидан сотиб олинганга ўхшарди. Демак...

Демак, бу чол мени учта булочка билан тўртта бутербродга сотган.

Рафкин терговга чиқиб кетганича ўша ёқда уч кун

қолиб кетди. Қаёқда эдингиз десам, турмада эдим, менга тұхмат қилған гувохлар билан юзлаштириши, деди. Мана шу гапдан кейин у бир әхтиётсизликка йўл қўйди. Кўлини елкамга кўйиб, жуда ҳам меҳрибонлик билан: «Э-э азизим, Имомхон ака...»

У шундай дедиу тилини тишлаб олгандек ғалати бир аҳволга тушибди.

Бу гапни эшитмаганга олдим. Юз-кўзларимда бирон ўзгариш бўлмади.

Имомхон Ҳусанхўжаев — менинг акам. Уни мендан олдин олти ой аввал қамоққа олишган. Демак, у ҳали ҳам қамоқхонада ётибди. Рафкинни ундан сир олиш учун ёнига киритишган. Ҳозир у әхтиётсизлик қилиб акамнинг отини айтиб юборди. Акам билан икковимиз бир-биrimizga жуда ўхшаймиз. Овозимиз ҳам деярли бир хил.

Хатто болаликдаги айрим ўртокларим ҳам мени акам билан адаштиришади. Бир куни шундай дўстларимдан биттасини учратганимда мени акам деб ўйлаб: «Укангиз ёзувчи бўлдим деб одам танимай қўйган. Тушунтириб қўйинг, бунчалик кеккаймасин!» деган эди.

Рафкинни ўша хатосидан кейин менинг олдимга киритмай қўйишди. Уни кайта кўрмадим.

Энди мени бир қўшикчи шоир билан юзлаштиришди. Уни сокчи кабинетга олиб кириши билан менга мушт ўқталиб кела бошлади.

— Илон боласи илон, чаён боласи чаён! Унинг дадаси ҳалқ душмани, акаси ҳалқ душмани. Отаси ҳалқ қонини сўрган шафқатсиз бой. Яна бир буваси порахўр қози...

Терговчи уни бурчакка обориб ўтқазиб қўйди ва ундан:

— Манави ўтирган одамни танийсанми? — деб мени кўрсатиб сўради.

— Танийман, — деди Ёнғин. — Бу ҳам отасига, акасига ўхшаган душман.

— Мисоллар билан айт! — деди терговчи.

— Бир минг тўқкиз юзу қирқ еттинчи йилинг олтинчи нояброда ёзувчилардан бирининг уйида бундай деган: «Ленинград ёзувчиларига мазза! Биз ўзбек ёзувчилари бу ерда эзилиб ётибмиз. Ўша куни Ташкентда биринчи кор ёққан эди».

— Тасдиқлайсанми? — деб сўради терговчи.

— Йўқ, — дедим. — Ўша куни газетамизнинг еттинчи ноябр — байрам сонига ўрта чирчилик Қаҳрамон

Замира Муталова тўғрисида очерк ёзишга юборишган эди. Ёзлик кийимда кетганим учун совуқда қайтиб келломадим. Райком секретари Пўлатовнинг уйидан редакцияга сим қоқиб, телефонда очеркни диктовка қилдим. Очеркни журналист, стенограф Аҳмад Шораҳмедов ёзиг олганди. Ундан ташкари, ленинградликлар қандок қилиб ўзбек ёзувчиларидан яхши яшashi мумкин? Ахир улар кечагина блокададан чиққан. Улар ҳали ҳам вайроналар ичидан яшаяпти...

Терговчи унинг гапларини ёзиг олди. Менинг жавобимни ёзмади.

Энди навбат менга келди.

— Бу одамни танийсанми?

— Танийман, — дедим.

— Унинг советларга қарши айтган гапларини эшитганимисан?

— Йўқ, — дедим. — У билан унчалик яқин бўлмаганман. Факат ёзувчилар союзидағи мажлисларда, ёзувчиларнинг тўйларида учрашганиман. У менга бирон марта ҳам советларни ёмонламаган.

Ёнгининг кўзлари қинидан чиқиб кетаёзди.

— Мен аблахман! Ҳаётингга зомин бўлган ифлосман! — деб бақира бошлади. — Мени сен қаматгансан, деб ўйлаган эдим. Энди билдим, сотгандар бошқа экан.

— Энди тўғрисини айт, — дедим.

— Айтаман, лекин фойдаси йўқ. Ҳамма гапларимни ёзиг, тагига имзо чекиб қўйганиман. Бу хатони энди тузашиб бўлмайди.

Худди шундай юзлаштиришлардан бири талантсизгина, умуман адабиётда омади келмаган, ён қўшнимиз Неъмат Тошпўлат билан ҳам бўлиб ўтди. У армия капитани эди. Шунинг учун ҳам уни бошқа қамоқхонада саклашган экан.

— Мени контрразведка қамоқхонасида тергов қилишибди. Қандокки қофозга имзо чеккан бўлсан, калтаклар азобидан мажбур бўлганиман.

Бу юзлашувда менинг жавобим керак бўлмай қолди. Неъмат йигелаб тавба қиласверганидан кейин уни сўқиб-сўқиб опчикиб кетишиди.

Юзлаштиришларнинг ҳаммаси ҳам ана шундай ташкил қилинган ёки дўй-пўписа, калтаклар остида уюштирилган гувоҳларнинг гаплари эди.

Шундай жиддий ташкилот хоналарида бу даражада каллоблик бўлаётганига сира ишонгим келмасди. Аммо

ишионмай иложим йўқ эди. Бу воқеаларни ўз бошимдан ўтказмаганимда бирордан эшитсан ишионмасдим.

Менинг тергов ишимда аник, конкрет бир айб тўғрисида гап йўқ. Ҳаммаси сохта гувоҳларининг омонат гаплари. Мени суд қилиб бўлмаслигига ишионардим. Кейинчалик билсан, суд уч марта тергов хужжатларини, суд қилиб бўлмайди, деб қайтарган. Шунинг учун гунохини бўйнига олмайдиганларга жазо берадиган «Тройка» деган ташкилотга юборган. Ва менга ўша ёқдан ўн йил қамоқ муддати берилди, деган қоғоз келган эди.

Тавба! Бир бегуноҳ одамни уйидан хайдаб олиб келиб зинданга ташласа, суд бўлмаса, прокурорни қўрмаса, адвокатни қўрмаса. Москвадан келган бир варақ қоғоз билан ўн йил лагерларда сарсон-саргардон бўлса! Сен азоб чекаётган лагер дарвозасига ўрнатилган радиокарнидан: «Я другой такой страны не знаю, где так вольно дышит человек», деб ашула айтиб турса, бунга қандай чидайсан?!

Лагерда кечган тўрт йиллик ҳаётим, у ерда қўрган одамлар тўғрисида қанчалаб ҳикоялар, мақолалар ёзганман. Ҳурматли ўқувчиларимнинг бу гаплардан хабарлари бор.

Аммо бир воқеанинг айтсан тилим, айтмасам дилим куяди.

Июн ойининг бошларида Жезқозғоннинг занг босган тошлиқ ерларида капитан конидек нимранг лола очиларди. Лагеримизни ўраб олган тиконли симлар орасида ҳам битта-яримта лола юз очиб қоларди.

Якинда жазо муддати тугайдиган қашқадарёлик Кучум деган йигит билан тиконли симлар орасида очилган лолаларни томошга қилиб ўтирибмиз.

Кучум ёшлигида ота-онаси ўлиб кетиб, чўлда ҳар кимларнинг молини, қўйини боқиб кунини кўриб юрарди. У уч йилдан бери райком котиби Иzzатовнинг хеч каерда ҳисобга олинимаган икки юзта қўйини бокарди. котибининг еттита колхоз чорвасида шунчадан қўйи бор эди. Сир очилиб, қамалиб кетади. Кўп чўпонлар қўйларни ҳукуматга тоширишади. Шундай хунук воқеа рўй берганини Кучум бир йилдан кейин эшитади. Ҳисобда йўқ қўйларни бокқаним учун мени ҳам қамалиб кетмайин деб чет элга қўйларни ҳайдаб ўтиб кетишни дилига туғиб қўяди. Чет эл кочиб кетибдими? Шундоккина қўриниб турибди. Дарёнига нарёғига ўтсанг, чет эл...

Ўзингиз биласиз, чўл болалари, айниқса, чўпон болалари дуркун, бўйдор бўладилар. Сут, қаттик, айрон, пишлоғу каймок, чўл гиёҳларига тўйган кўй-кўзиларнинг гўшти болаларни тез балоғатга стказади. Кучумни кўрганлар ўн саккиздан ошган деб ўйлашарди.

У кўйларни кўройдин кечада Амударёнинг Толлимаржон яқинидаги саёз жойидан хайдаб ўтиб кетади. Нариги кирғодан туриб иштонини ечиб қичкиради: «Мана, сенларга кўчкор! Мана, сенларга...»

Дарёга ташланган тўрини йигиб олаётган балиқчидан:

— Шу ер чет элми? — деб сўрайди.

Балиқчи унинг нима деяётганини тушунмай хайрон эди.

— Шу ер Туркиями? — деб қайта сўрайди Кучум.

— Йўқ, — дейди балиқчи. — Бу ер Туркия эмас, Туркманистон.

— Барибир эмасми?

— Бари бир эмас. Туркия бошка, Туркманистон бошка.

— Бўлмасам, Туркияга қандок борилади?

— Унга бир ойдац кўп юрасан, чўлдан ўтиб, кейин денгизда сузиб Туркияга борасан.

Балиқчи унинг кўйларини кўрага қамаб, ўзини милицияга тутиб беради.

Ўн тўрт яшар болани ўн саккиз ёш деб, чет элга қочаётганда кўлга тушган деб, етти йилга кесиб юборишиди.

Ана шундан бери Кучум камоқда эди. Ўн бир кундан кейин муддати тугаб уйига кетиши керак.

Кучум йигирма бир ёшга кирди. Хат танимайдиган, мутлако китоб ушламаган, ўз номини ёзишни ҳам билмайдиган оми бир чўл боласини сиёсий маҳбус, «халқ душмани» деб етти йил азобладилар...

Офтоб чараклаб турипти. Кучум билан икковимиз тиканли симлар орасида сувга тўймай рангпар бўлиб очилган лолаларга қараб ўтирибмиз. Шу лолалар яна бир ёмғир кўрса гуркираб кетарди, деб осмонда эринибгина сузаётган булутларга қараймиз.

Кучумнинг ниҳоятда кучга тўлган пайти.

У ер бетидаги очик мис конида вагончаларга руда ортади. Бир ўзи саккиз кишининг ишини қиласди. Бошлиқлар унинг жонини жабборга бериб ишлашини кўриб қойил қоладилар. Унга тўйгунича овқат беринглар, гўшти,

ёғли овқат беринглар, бир ўзи саккыз кишининг ишини қиласидиган азаматдан овқат аяманглар, деб онпазларга тайинлади.

Бирга ишлайдиган маҳбуслар уни ёмон кўрадилар.

— Ишлайвер. Ишлаб-ишлаб ўлиб кетганинг билмай қоласан, абрах. Лагердан кўкрагимга орден тақиб чиқиб кетаман, деб ўйляяпсанми? Манавуни тақиб чиқиб кетасан, — дейди биттаси киндигининг пастига шапиллатиб уриб.

Етти йил давомида тўйиб овқат емаган Кучум бирдан тўлишиб кетади.

У худди юнон афсоналарида, минг йилларнинг нарёғида тасвирланган ерни кўтариб турган Атлант деб аталмисш пахлавонга ўхшаб кетганди. Ўнга дикқат билан разм солиб караган одам елкалари кенгайиб, бели ихчам тортгани, билакларидағи, елкаларидаги мушаклари бўртиб танасидан чиқиб кетмоқчига ўхшаётганини дарров сезади. У докторликка ўқиётган студентларнинг анатомия китобидаги яланғоч одам сувратига ўхшарди.

Кучум яланғоч елкасини ерга бериб осмонга қараб ётиди. Негадир у бугун хомуш эди.

— Укагинам, битта чой дамлаб келмайсанми, — дедим.

Кучум ўтириб олди.

— Қани эди. Қуруқ чой йўқ-да. Ҳатто начайликлар ҳам олмачой ичишияти.

Ён чўнтағимнинг тутмасини бўшатиб чойхалтамни олиб унга бердим.

— Мана, укам. Бир мазза қилайлик.

У ўрнидан туриб лапаңлаганча кетди. Назаримда ернинг биз ўтирган жойи енгил бўлиб қолганга ўҳшади.

У бир зумда томатдан бўшаган банкага алюмин тоғорачани копкоқ қилиб чой дамлаб келди. Консерва банкасида лабимизни куйдириб чой ича бошладик.

— Кучум, — дедим. — Бўшаб кетишининг ўн бир кун қолди, тўғрими? Қафасдан қутилган қушдек пир этиб учасан, кетасан.

Кучум қовоғини уйиб олди.

— Мен эркинликдан кўрқаман — деди у ғам-андух билан хўрсаниб. — Лагерда бутунлай қолмоқчиман.

— Аҳмоқ экансан, Кучум. Жазо муддати тугаётган маҳбуслар, тезроқ шу қафасдан қутулсан, ота-онам, болачақам олдига тезроқ борақолсан деб кечалари ухлаёлмай тўлғаниб чикяптилар. Сен аҳмоқ...

— Уларнинг уйи, ота-онаси, бола-чақаси бор. Менниг кимм бор? На уйим, на ота-онам бор.

— Камалишингдан олдин ишлаган совхоз отарига борасан. Дўстларинг билан дийдор кўришасан. Кўй боқасан. Тоза ҳавода сут, қатиқ, айрон ичиб тўйгунингча гўшт еб яйрайсан.

Кучум бошини сарак-сарак қилди.

— Энди у томонга йўл йўқ. Улар мени сафларига олмайдилар. Кўйларимизни яна дарёдан ўтқазиб чет элга опкочиб кетади, деб кувиб соладилар. Итга талатадилар...

— Ундаи бўлса Жезқозғонда қол. Сенек ишчини шахтага дарров ишга оладилар. Катта маош берадилар. Бу ерда ким кўп, қамоқдан бўшаган бева хотин кўп. Биттасига уйланиб олсанг, бола-чақали бўлиб кетасан.

— Йўқ, — деди Кучум. — Лагерда қоламан. Овқатим тайин. Ётар-туар жойим тайин. Бошимдан оёғимга-ча кийимим тайин. Ҳатто пайтавагача берадилар. Юви-нишга иссик сув тайёр. Бунақа жойни эркинликда то-полмайман. Эркинлик менга тўғри келмайди. Мен учун эркинлик қамоқ. Қамоқ эса эркинлик.

Унга нима дейишимни ҳам билмай қолдим. Бунақа одамлар эркинликка сифмайдилар. Кучум қўл-оёғидаги кўзга кўринмас кишанин узиб ташлагиси келмасди.

— Ҳай, ўзинг биласан. Аммо-лекин жазо муддатини битиришинг билан ташқарига чиқариб юборадилар. Бу ерда олиб колиш хеч кимнинг кўлидан келмайди.

У тиканли сим орасида фарибина бўлиб очилиб турган лоладан кўзини ололмасди. Кучум чидаб туролмади. Тиканли симлар орасига белигача яланғоч кириб лолага кўл узатди. Шунда бирдан...

...Бирдан, деворнинг икки бошидаги икки соқчи олдинма-кетини биттадан ўқ узди.

Бири Кучумнинг бўйнига яна бири лолага узатилган кўлига тегди.

Ёмғирга тўймай нимранг бўлиб очилган лола Кучумнинг қонидан қип-қизил бўлиб қолди.

У эркинлик билан туткинлик ўргасида умрини по-ёнига етқазган эди.

\* \* \*

Сталиннинг ўлимидан кейин мамлакат раҳбарлигига ўтирганлар орденбозликка берилиб кетдилар. Хрущёвнинг орденхўрлиги ҳолва экан. Брежнев шимининг тиззасигача орден тақди. Ўттиз марта «Олтин юлдуз»

олди. ГДР, Чехословакия, Куба, Болгария, Польша, Венгрия, Мұғалистон каби мамлакатларнинг ҳам учтүрт мартадан Қаҳрамони бўлди. СССРнинг беш марта «Олтин юлдузи»ни тақди. Рассомлар унинг чан қўкрагини ўиг қўкрагига қараганда икки марта кенг қилиб, ҳамма ордени медаллар сифадиган қилиб чизардилар. Брежнев юрганда бутхона қўнғироқлари жараанглаганга ўхшаш овоз чиқарди.

Мен қамоқдан қайтиб келганимда, совук уруш музлари бир қадар эриб, мамлакатлар ўртасида илгари хеч қачон бўлмаган борди-келдилар бошлиғган эди.

Сут ичиб оғзи қўйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади, деган гап бор. Қўпчиликка аралашмай, уйда ўтириб, хикоя устига хикоя ёздим. Ўша пайтларда хикоячилик сусайиб, газеталар хикояга зор бўлиб турган экан. Ҳар куни бўлмаса ҳам кунора, ҳар уч кунда ҳали у газетада, ҳали бу газетада хикояларим босиларди. Радио ҳаммасини битта қўймай эшилтиради. Ёзганларимга радио ҳам, газеталар ҳам дурустгина қалам ҳаки тўлашарди. Киностудия учун рус фильмларини ўзбекчага афдаардим.

Оиладаги иктисадий қийинчиликларни енгишимда менга беғараз ёрдам берган радио редактори Жонрид Абдуллахоновдан, киностудия редактори Манион Фанидан беҳад миннатдорман. Шулар туфайли паторат топган рўзгоримни жуда тез тиклаб олдим.

Бир йил ўтар-ўтмас, кейинги ёзганларимни тўплаб нашириётга тоширидим. «Ойдин кечалар» деб аталган ушибу китобимни жуда тез босиб чиқаришди.

— Бўлди энди, — деди бир куни Абдулла Қаҳҳор, — паранжини ташланг! Эркак кипининг уйда ўтиравериши жуда хунук нарса. «Муштум» билан гаплашиб қўйдим, ўша ерда ишилайсиз. Туриңг ўрнингиздан, Саида тагингизни супуриб олсин. Эртадан иш бошлиғ. Улфатчиликларни йигиштиринг. «Үёқ»дан келганлар бир-икки йил кузатувда бўлади, дейишади. Ҳушёр бўлинг. Одамларни кулдираман, деб валақтайверманг.

Секин-секин ишларим юриша бошлиди. «Хукм» деган қисса ёздим. Уни москвалик машхур ёзувчи Николай Асанов рус тилига таржима қилди. Шу қисса бир йилдан кейин украин тилида Киевда босилди.

Кишлоқларни кўп кезадиган бўлдим. Ёзёвон чўлларига «ишқим» тушиб қолди. Йилига икки-уч марта борадиган бўлдим.

Шу чўл одамлари тўғрисида бир роман ёзсан, деб

ният қилдим. Бу ишни аввал хикоялар ёзишдан бошлишм керак. Хикояни мұайян мавзуга разведка деса ҳам бўлади. Шундай қилиб, чўл мавзуси мени бутунлай ўзига тортиб кетди.

Минг тўккиз юз эллик еттинчи йилнинг эрта қўклимида Фарғонага боргандим. Кадрдоним, ёзувчи Адҳам Ҳамдам менга Марказий Фарғона чўлларини кўрсатмоқчи бўлди.

Ўша кезларда водий ўртасида пўстакдек бўлиб, мингминглаб гектар ерии эгаллаб ётган чўлии ўзлаштирини авж олиб кетган эди.

Бир вақтлар қамишлар орасида пайдо бўлган Эшон тўпи қишлоғи томон борардик. Сарижўга ариғидан отини суғориб чиқаётган бир қишига рўпара келдик. Унинг оти ҳам, кийган тўни ҳам, ўзи ҳам қоп-кора эди. Худди чўяндан қўйилганга ўхшарди. Фақат бошидаги дўпписи-нинг қаштасигина оқ эди, холос.

У қамчисини кўксига қўйиб, сал эгилганча салом бериб ўтиб кетди.

Мен Адҳамдан «Бу кипи ким?», деб сўрадим.

— уни чўл бўриси, дейишади. Бу тўқайларда кечалари ҳам милтиқсиз бир ўзи юраверади. Жуда довюрак одам. Уч марта бўри билан олишиб, бўғиб ўлдирган. «Қора қишлоқ»нинг этагидаги тўқайдан ер очган. Икки йилдан бери шоли экарди. Бу йил нахта экмоқчи...

Адҳам билан тўрт кун чўл кездим. Қаерга бормай, нима килмай, чўл бўриси кўзимдан кетмайди. Шу одамни бирорта хикояга қаҳрамон қилиб олсанмикан, деган ният туғилиб колди. Номи жуда хунук-ку, дейман ўзимга ўзим. Одамни бўри деб ёзиш қанақа бўларкин? Бирдан миямга лоп этиб, уни бўри эмас, бургут деб қўя колсам бўлмасмикин, деган фикр келиб колди.

Ана шундай кейин уни бургут киёфасида тасаввур кила бошладим.

Ўзидан ўзи воқеалар, деталлар туғилаверди.

Тошкентга келиб, хикояни ёздим. «Ўзбекистон маданийти»га бердим.

Газетада чиққанда кўрсам, хикояга менинг номимни ёзишини унутишибди.

Редакциядагилар, келинг, тузатиш бериб ўтирмайлик, давомини ёзив берса колсангиз, боши ўтган сонда босилган, деб чиқазамиз, дейишди. Тўлиб турган эканман, ўша куни кечасиёқ давомини ёздим. Эртасига яна битта, индинига яна битта хикоя ёздим.

Хикоялар кетма-кет босилаверди. Ким билади, газета хато килмаганда, ўша битта хикоядан кейин бошқала-ри ёзилмай қолиб кетармиди?

Чўл мавзуи мени жуда қизиктириб колди. «Саодат» журналининг илтимоси билан «Лочин» деган ҳикоя ёздим.

Адҳам Ҳамдам Фарғонада мени бир кекса олим билан танишитирган эди. У киши Фарғона пединститутида биологиядан дарс бераркан, ўрик ҳақида кандидатлик диссертациясини ёқлаган экан. Энди калламда ўрик, деган гап айланаверди. Ўша одам тўғрисида нимадир ёзгим келаверди. Хикоянинг номи албатта «Ўрик домла» бўлиши керак.

Ўрикнинг турли навлари, қандай пайванд қилиш, найча пайванд, куртак пайвандлар тўғрисида сўраб-суринтириб, анча нарсаларни билиб олдим. Ниятим – бир фидойи боғбон образини яратиш эди. Шу боғбоннинг фаолияти бевосита Ёзёвон чўлларига алоқадор бўлиши керак.

Ҳикоя, менимча, ёмон чиқмади. Ҳам қулгили, ҳам одамни ўйлатади.

Уни кўтариб «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси редакциясига олиб бордим. Ўқиб, тезда чиқаришга ваъда бериб, олиб қолишиди. Лекин орадан қанча вакт ўтса ҳам чиқавермади. Нега бундай бўлаётганини билиш учун редакцияга бордим. Ҳикояни қайтариб беришиди. Босиша олмасмиш. Партия матбуотига бунака қулгили нарсалар тўғри келмасмиш. Улар билан сан-манга бориб ўтирай, ҳикояни қайтариб олиб кетдим. Ўша куниёқ уни «Ўзбекистон маданияти» газетаси редакциясига обориб бердим. Ўқиб, роса кулишиди. Редактор ҳикоянинг биринчи сахифаси тепасига навбатдаги сонда босилсин, деб ёзиб имзо чекди. Мен шунда «Совет Ўзбекистони»дагилар ҳикояни тушунмай, қайтиб берганини айтиб қолдим. Редакторнинг ранги ўзгарди. Нега, деб сўради. Билмадим, деб жавоб қилдим.

— Бўлмасам, мундай қилайлик. Мен улардан нимага босишмаганликларини сўрай.

— Сўраб нима киласан? — дедим ажабланиб.

Редактор билан бирга катта бўлган ўртоқ эдик. Бир-бишимиз билан сенлашиб гаплашардик.

— Сўраган яхши-да, ҳарқалай, отахон газета. Тажрибаси ҳам катта.

Балки бирон сиёсий томонини кўзда тутиб босишмаётгандир?..

Кўрқиб кетдим. Сиёсий, сиёсий хато, деган сўзлардан юрак олдириб қўйган одамман.

— Ундаи бўлса, қайтариб берақол, — дедим-у, кулишимни ҳам, йиғлашимни ҳам билмай, хикояни қайтариб олиб кетдим.

Орадан икки-уч ой ўтиб, баҳтсиз муҳаббат тўғрисида бир хикоя ёздим.

Биттагина хикояни обораманми, деб ёнига «Ўрик домла»ни қўшиб «Шарқ юлдузи»га олиб бордим. Аскад Мухтор редактор эди. У иккала хикояни ҳам ўқиб, маъқул топди. Албатта, босамиз, деди.

Мен унга «Ўрик домла» иккита газетадан қайтганини кўрка-писа айтдим. Агар Аскад ҳам ланжлик қилса, хикояни йиртиб ташламокчи эдим.

Йўқ, Аскадга ёқди.

— Уларга ёқмагани бизга фойда бўлди, — деди у жиддий.

Орадан бир ярим ой ўтиб, журналда «Икки хикоя» умумий сарлавхаси остида «Пойқадам» ва «Ўрик домла» босилиб чиқди. Хикоя кўпчиликка маъқул бўлди.

«Совет Ўзбекистони»нинг адабиёт бўлими мудири Рамз Бобоҷон телефон қилиб қолди.

— Ҳў, мен ўқиган хикоянг бор эди-ку, опкел босамиз.

— Нега бирдан ўзгариб қолдинглар? — дедим ажабланиб.

— Кечирасан, оғайни, ашиқка бўпти. Редакция каталаридан бирининг лақаби «ўрик» деб эшитгандим. Кеъин билсан, лақаби ўрик эмас, «луччак» экан. Опкел хикояни.

Мен хикоя журналда босилганини айтдим.

— Э, аттанг, яхши хикоя эди-я...

Хикоя тез орада турли тилларга таржима қилинди. Аммо тоҷик тилидагиси босилмай қолиб кетди. Душанбедаги энг катта тоҷик ёзувчиларидан бирининг лақаби «Зардоли» («Ўрик») экан.

Шундай килиб, «Чўл бургути»нинг сўнгги хикояси шу тариқа дунё юзини кўрган эди.

Ёзёвон чўллари тўғрисида хикояларни кўп ёздим. Олтминш биринчи йилнинг эрта баҳорида Миртемир домла билан Фарғонага бордик. Дўстим Адҳам Ҳамдам, баҳорда чўл жуда чиройли бўлади, деб бизни яна Марказий Фарғонага олиб борди. Айтганича бор экан. Ҳаммаёқ

кўм-кўк. Толларнинг чўёдек кизил повдаларида ҳандон пистанинг мағзидек оч яшил куртаклар «ана ёриламан, мана ёриламан» деб турибди. Тўргайлар бошингиз тенасида муаллақ туриб чулдирашади. Яланғочланиб қолган сап-сарик тўқайларда ўрдаклар ғакиллайди. Бака қуриламай туриб келган лайлаклар ҳувиллаб қолган шолипоялар тенасида айланиб, смак излашади.

Ёзувчи ва журналист Йўлдош Шамшаров билан «Яни хаёт» колхозида учрашиб қолдик. У туғилган қишлоғи Олмосга олиб бораман, деб туриб олди. Олмосни париллар юрти, деб эшиштардик. Бу ерликлар бошқа томонга қиз беришмасди. Ёзувчилик экан, париларни кўргимиз келиб қолди. Олмос бутунлай тескари томонда, Чустнинг тоғли қишлоғи.

Адҳам билан шу ерда хайрлашиб, йўлга тушдик. Боришимиз билан Миртемир домланинг инжиқлиги тутиб қолди. Карасам, иситмаси баланд. Доктор чақирайлик, десам кўнимайди. Кетаман, Тошкентга кетаман, деб икки оёғини битта этикка тикиб туриб олди. Бир пиёла чой ичиб-ичмай, орқага қайтдик. Попдан ўтиб, Сирдарё кўпригига якинлашганимизда, бўрон бошланди. Кўқоннинг машҳур тўнка кўчирап шамоли авжга чиқди. Машинанинг орқа эшиги қулфланмас экан. Ҳадеганда очилиб кетаверди. Бир қўлим билан тортиб ушлаб кетяпман. Кўпридан ўтишимиз билан кум бўрони бошланди. Чала ёпилган эшикдан шитир-шитир қилиб ичкарига кум киради. Ташибарида бўрон қумларни шопириб гувиллайди. Коронги тушган, учайтган қумлар қуюнидан йўл кўринмайди. Максадимиз — тезорок Кўқонга етиб олиш-у, домлани «Андижон — Тошкент» поездига ўтқазиб юбориш. Машина эмаклаётгандек имиллайди. Бу имиллашда поездга илинмай қолиб кетишимиз мумкин. Моторнинг шовқинига бўроннинг гувиллаши кўшилиб бўридек увиллайди.

Домла иситма аралаш инкиллайди. Данфара гузаридан тахминан беш километрча ўтганимиздан кейин кум хамласидан қутулдик.

Кўқон станциясига минг азоб билан етиб келдик. Хайрият, Андижон поезди ҳали кетмаган экан. Йўлдош ака билан Миртемир домлани поездга ўтқазиб, ўзим Кўқонда қолдим.

Кўқон театррида менинг «Ҳасан билан Ҳусан» деган комедиям қўйилаётган эди. Премьерага чақиришганда келломаган эдим. Шуни кўриб кетмоқчи бўлдим. Мехмонхонадан театрга телефон килган эдим, эртага уни Ганжи-

равон қишлоғининг мадданият саройида қўрсатишларини айтишиди. Ганжиравон. Шу сўзни эшитганимда болалигим эсимга тушади. Ён қўшинимиз қўкоилик эди. Хотини — ёшгина келинчак, бостирма йўлакка шолча тўшаб, тиззасида қашта тикиб ўтиради. У жуда шикаста овозда, ғалати бир қўшиқ хиргойи қиласиди.

Қўшини хотинларнинг гапига караганда, у қишлоғида бир йигитни яхши қўриб қолган экан. Отаси бошқа бир кишига эрга берган, эри уни Тошкентга қўчириб олиб келган экан.

Мен унинг қўшикларига қулок солиб, ҳайрон бўлиб ўтирадим.

*Мен сени кўрдим бугун  
Ганжиравон кўчасида...*

Театр эртага Ганжиравонда томония қўрсатишини билганимдан кейин келинчак ошиқ бўлган йигитнинг юртни қўргим келди. Бироқ меҳмонхонада ётиб ётолмадим, туриб туролмадим. Ёзёвон тўғрисида ҳамма нарсани ёзиб бўлдим, деб ўйлаганим бекор экан. Эрталабгача у ёнбосимдан бу-ёнбошимга афдарилиб, бугун чўлларда қўрган кипиларни, манзараларни ўйлаб кетдим.

Бояги кум бўрони қаттиқ таъсир қилган экан, сира кўз олдимдан кетмади. Шу бўрон тўғрисида бир нима ёёсам бўлмасмикин, деб ўйладим. Шошма, дедим ўзимга-ўзим, инсон ва стихия деган мавзуни олсан қандай бўларкин? Ахир, Ёзёвон чўлларида дўл-селлар кўп бўлади. Бўрон турганда кўчма қумлар хар куни неча мартараб жойдан-жойга кўчиб юради. Чўлининг ҳали у ерида, ҳали бу ерида кум тепалар пайдо бўлади. Ҳозиргина дўмпайиб турган қумтепа бирпасда қайгадир ғойиб бўлади.

Бўлғуси хикоянинг мавзуи топилгандек бўлди. «Одам ва бўрон». Қахрамоннинг номини Кўзивой қўяман, деб мўлжалладим.

Чўл ўртасида қурилган янги уйлардан бири яқинда армиядан қайтиб келган Омонтой деган йигитга берилади. У ҳомиладор хотини, яқинда йўлга кирган ўғли билан шу уйга келади. У хотини билан боласини шу ерда қолдириб, юкларини олиб келгани Чустнинг Симсор қишлоғига кетади.

Колхоз раиси Кўзивой қок ярим кечада бўроннинг гувиллашидан уйғониб кетади. Симсорга кетган Омонтой келдимикин? Хотини кимсасиз чўлда ёш боласи билан не аҳволга тушаётганикин, деб хавотир олади.

У шошиб кийинади. Отни эгарлайди. Хотини Кокила уни ёлғиз юборгиси келмай, отга мингашиб олади...

Хикоянинг буёғида эр-хотин икковининг кум бўронида бўриларга йўликиб, минг хил азоблар билан чўлдаги янги уйга келиши тасвиранади.

Эрталабгача ўйлаб, ҳикояни калламда пиширдим. Но нуштадан кейин ёзишга ўтирдим. Ўлашдан ёзиш кийин. Ёзман, ўчираман. Кечгача овора бўлиб, охири ҳикояга шукта қўйдим. Колган қинғир-қийшиқ жойларини Тошкентда таҳрир киламан, деб ҳикояни чамадонга ташладим.

Театр Ганжиравонга кетиб бўпти. Э, аттанг. Неча йиллардан бери орзу қилиб, хаёлимда эртакка айланган бу гўшани кўролмайдиган бўлдим. Бир томондан бундан севиндим ҳам. Чунки хаёлимда ўзим яратган Ганжиравоним бор эди. Ўнда адирларга чинакам яшил баҳмал ёспилган, сойлардаги тошлари садафдан, қизлари париларга ўхшайди, ўигитлари тулпор миниб, учиб юради.

Агар борсам-у, хозиргина тасвиrlаб берган манзараларни тополмасам, тасаввурим яратган оламдан айрилиб қоламан, деб кўркдим.

Кечки поездга ўтириб, Тошкентга қайтдим. «Одам ва бўрон»дан кейин ҳикоя сандигим очилиб кетди. Қўзивой, Омонтой, Кокилалар тўғрисида анча ҳикоя ёздим. Бирининг номи «Бўстон», бирининг номи «Ер уйғонди» бўлди. «Тўйбоши» ҳам шулар жумласидан.

«Уфқ»ни ёзишдан олдин «Чўл ҳикоялари»ни яна бир марта хафсала билан, синчилаб ўкиб чиқдим. Адабий асар талабларига жавоб бера оладиган дуруст асар бўпти.

Бирданига хаёлимга, «Ахир бу ҳикояларда инсон дарди, изтироблари йўқ-ку?», деган ўй келди.

Биз ҳаммамиз, жами ижодкорлар офтобда кўйиб, кечалари чивинга таланиб, қум бўронларида юз-кўзини дока билан ўраб ишлаётган юпун одамларни юрак амри билан ватанпарварлик бурчини адо этгани келган, чинакам фидойи, онгли, илғор совет гражданлари, азамат чўлкуварлар, деб таърифладик.

Аслида шундаймикин? Дўппини олиб қўйиб, бир ўйлаб кўрсам, уларни бу худо қарғаган чўлларга эҳтиёж, муҳтоҷлик бошлаб келганлиги маълум бўлмайдими? Ким бекордан-бекорга иссиқ ўринини совутади? Ҳа, улар ўзим емасам ҳам, болаларим нон есин, усти бут бўлсин, велосипед минган болаларга қараб ўксимасин, у ҳам «морожений» есин, магнитофони бўлсин, телевизор кўрсии... деган илинжда бунда ишламоқда-ку!

Бу түғрида бирон дақыла бўлсин ўйлаб кўрмадик. Қайтага уларни баҳтиёр, тўкин совет оиласи, деб таърифладик. Ҳатто чўл шамолларидан қорайиб сополга ўхшаб кетган юзларини гўзаллик тимсоли, деб тасвирладик. Кетмондан қадоқ бўлиб кетган қўлларини «олтин қўллар» дедик.

Ичингда шунича гап бор экан, нега миқ этмай юрибсан, деб хеч ким сўрамади.

Бизга Гоголлар керак, Шчедринлар керак, дейишди. Ўша Гогол бўладиган, Шчедрин бўладиганларни бешигидаёқ гумдон килишарди.

Ижоднинг онаси — изтироб. Ижод — изтироб фарзанди. Биз буни жуда яхши билардик. Билиб туриб қуймай, ёнмай ёзардик. Чунки пролетар адабиётига шеър эмас, шиор керак эди. Социалистик реализм методи қўл-оёғимизни, ҳатто тилимизни ҳам боғлаб қўйганди. Бизда очлар йўқ, очлар чет элда, деса ишонганимиз. Бизда камбағал йўқ, камбағал инқилобнинг нари ёғида колиб кетган, деса чиппа-чиши ишонганимиз. Ўғриликка, талончиликка мухтожлик сабаб эканини очик айтишга тилимиз боғлиқ эди.

Етмиш йил мобайнида қайси валломат ёзувчи халқ дардини, изтиробини ёзипти? Ўққа учганлар, ертўлалардаги яккахоналарда офтоб кўрмай оламдан ўтганлар, Сибир қаҳратонларида умрини поёнига етказганлар тўғрисида ёзган ҳақгўй ижодкорлар эканларини жуда яхши билардик.

Хурматли ўқувчиларимиз бизни кечиришсиз. Биз ана шунича забун ижодкорлар эдик.

Энди мен бўлғуси «Уфқ»ни бошқача ёзишим керак. Одамларнинг ичидаги дардини, юрагини ўртаётган армонларини рўй-рост кўрсатишими керак.

Ёзаётганимда темир кишанлар суюк-суюкларигача эзиг ташлаган кўлларим қалтирамасмикин? Ёзаётганимда беш йил кийимимга ёзиг қўйилган рақам кўзларимга кўриниб турмасмикин? «Сут ичиб оғзи қўйган қатиқни ҳам пуллаб ичади» қабилидан бўлмасмикин?, деб кўп ўйладим.

Биринчи сахифанинг бошига, Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, деб ёздим-у, негадир атрофга бир аланглаб олдим...

Романда пималар ёзилганини, азиз ўқувчи, ўзингиз яхши биласиз. Дунёга факат азоб чекиши учун келган

Икромжоннинг ҳаёти сизни жинидак ўйлантириб қўйдими-йўқми, шуни билмоқчиман. Оғир меҳнатдан ўзининг бутун аёллик хислатларини йўқотиб қўйган, эркакка айланиб кетган, Иноят оқсоқол «от қиз» деб атаган Асрора, ёғиз фарзандининг доғида куйиб, ёниб, ўртаниб, фарёд уриб жоп берган Жанинат хола, халқ ризқидан юлиб йиккан бойилклари алангасида ўзи ёниб, жизғапак бўлиб ўлган Иноят оқсоқол, севгилисими тортиб олган сурбет акасидан безган, туғилган уйидан мосуво бўлган, ота қарғиши бир умр қулогида қолган Низомжон, балофат ёшига етиб, бутун вужудидан муҳаббат хиди анқиб турган ва лекин севгиси саробга йўлиқкан Дилдор, йигитлик умрининг сўнгги дамлари тўқайларда бир вахшийдек якунланган, бу ҳам етмагандек, шон-шарафсиз қўмилган, гўри ловуллаб ёнган Турсунбой...

Кимсасиз сокин кечада ана шуларни ёзаётганимда, гўё елкамдан орган вакили қараб турганга ўхшарди. Гўё у:

— Икромжон коммунист, ўғлининг хоин бўлиши мумкин эмас. Коммунистни ҳакорат қилма. Она деганда Ватан тушунилади. Жаннат холада ватаншарварлик туйғуси йўқ. Хоин боласидан юз ўғирсин. Шу жойларини қайтадан ёзасан. Асрорани Ленин комсомоли тарбия қилган. У Ленин партияси ғояларига содик комсомол. Сен уни ҳам ҳақорат киляпсан. Нега китобингда улуғ рус оғамизнинг вакиллари кўринмайди? Фронтда жанг килиб келган Аъзамжонни нега бетайин одам килиб тасвирлајпсан? Уни ҳаммага намуна қилиб кўрсат. Низомжон «Пўлат қандай тобланди» китобидаги қаҳрамонлардек бўлиши керак. Ҳушёр бўл, келган жойингта яна обориб қўймайлик... — деяётгандек бўларди.

Шундай пайтларда бир вактларда кишан сиққан билакларимнинг суяклари зирқираб оғриб кетади.

Кўпинча роман ва қиссаларнинг воқеалари боғларда, шарқираб оқаётган сой бўйларida, гулзорларда ўтади. Роман қаҳрамонлари гуллар хидидан маст бўладилар, булбуллар хонишидан хаёлларга толадилар.

Мен тасвирлаётган жой такир чўл. Бунда эчкиэмларлар вишиллайди, чиябўрилар увиллайди. Инсон кўзини яшнатадиган бирон нарса йўқ.

Бунда факат осмону сап-сарик ер.

Гулсиз, булбулсиз романимда гўзалликни одамлар юрагидан топишим керак эди. Кучим борича шундай килмоқчи бўлдим. Қандокки детал топсам, Икромжон-

шинг руҳий изтиробларини кучайтиришга сарфладим. Романда бир детал бор. Бир одам Икромжоннинг деворига оҳак билан «Хоининг уйи» деб ёзиб кетади. Икромжон аввал кўрса ҳам сезмайди. Ҳўл оҳак аста-секин куригандан кейин ёзув оппок бўлиб кўриниб қолади. Икромжон ўзини тутади. Аммо ичиди унисиз йиғлайди. Военком тумонат олдида орден топшираётганда кимдир уни, хоининг отаси, деб овоз беради. Икромжон бир қалкиб кетади. Кейин машақкат билан ўзини ўнглаб олади. У қамишлар орасида ваҳшийга айланган ўғли билан учрашган пайтидаги ҳолатини ёзастганимда ўзим ҳам титраб кетгандим. Ҳар бир жумлани ёзганимда ўрнимдан туриб кетардим.

Турсунбойнинг гўри ёнаётган тўқай тасвирини роман битганда бошқатдан ёзганиман. Ростини айтсан, аввал қамишзорларнинг ёнишини сира кўрмагаандим. Щу бўлимни тахминан ёзгандим. Журнал романни боса бошлаганда Мирзачўлга бориб тўқайга ўт кўйганиман. Қайтиб келиб ўша бобни қайтадан ёзиб чиққандим.

Ўқувчилар «Нега романнинг биринчи китобини кеини ёздингиз», деб сўрашади.

Катта Фарғона канали қурилиши худди плакатга ўхшаш тантанали бир ҳодиса эди. Үнда инсон изтиробларини, алам-андуҳларини топиб бўлмасди. Гўё қирк беш кун давомида Фарғона водийсида Ленин айтган коммунизм қурилган эди. Ҳамма нарса бор. Ҳеч ким ҳеч кимга ишла, деб айтмайди. Ҳар ким ўз хоҳиши билан ишлайди. Ишлаганда ҳам котириб, қойил килиб ишлайди. Ҳатто кечалари ҳам машъала ёқиб ишлашади. Бу ерда пул ҳеч кимга керак бўлмайди. Ҳамма нарса текин. Одамларга зўрлаб овқат едиришаётганга ўхшаб кетарди. Водийликлар араваларда қўй, копда гуруч, сабзи-пиёз, сават-сават ион олиб келиб, трасса бўйларига ўчок қуриб, дастурхон ёзардилар. Чоллар ўғиллари, невараларини эргаштириб келиб, одамларга араланиб кетмон чопаверадилар. Чангтўзонлар орасида раккосалар ўйинга тушардилар. Кечалари минг-минглаб машъалалар ёруғида Ҳалимахонлар, Жўрахону Матмуржонлар патнис ашула килардилар. Бир томонда аския, бир томонда қўшик.

Шу воқеалардан роман чиқазиб бўладими? Ҳадеб ер қазиди, ҳадеб план бажарди, деб ёзган билан роман бўлмайди-ку? Бунда инсон такдири, изтироблари бўлиши керак. Ҳатто фожиалар содир бўлиши керак.

Ана шунинг учун ҳам трилогиянинг икки китобини

ёзиб, озрок тажриба орттиргандан кейин бунисини ёзмоқчи бўлдим.

Роман воқеасидан қандайдир кўринмас чизик ўтиши керак эди. Шуни кўп ўйладим. Норин дарёси — жуда асов дарё. Далаларга сув бермай пастликларда оқади. Бир жини қўзиганда тошиб далаларни пайхон килади.

Ана шу дарё инсон ҳукмига бўйсуниши керак. Роман учун бу старли эмас. Ўйлаб-ўйлаб, худди шу дарёдай ўжар бир қаҳрамон яратишм керак, деган фикрга келдим. Бу — Азизхон.

Унда енгиб бўлмас бир ёввойи куч бор. У ўтганинг ўроғини, кетганинг кетмонини оладиган бежилов дулдул.

Мен уни Норин билан ёнма-ён тасвиrlамоқчи бўлдим. Норин инсон иродасига бўйсуниши керак. Азизхон фойдали меҳнат оқимиға тушиши керак.

Фожиасиз роман бўладими? Албатта, уни сунъий равишда яратиб бўлмайди. Каналда бирорта ҳам одам ўлмаган, биронта ҳам одам қамалмаган, биронта ҳам маст тўполои қилмаган.

Хужжатлар билан танишганимда, канал курилиши иштирокчилари билан гаплашганимда, Тошкент театрларининг биридан келган артисткани эри рашик қилиб сўйиб қўйгани маълум бўлди.

Мен уни артистка деб тасвиrlамадим. Азизхоннинг севгилиси, қишлоқдаги тўйдан олиб қочиб келган Лутфинисо деган келинчак, деб тасвиrlадим. Азизхон билан икковлари ўртасидаги ишқ можароларини бутун роман оқимиға ёйиб чиқдим. Лутфинисодан ажралиб қолган куёвнинг каналга келиши, уни ҳалок қилиши манзараларини жиндак детективнамо сюжет билан кориштирдим.

Кўп чиройли воқеалар топгандим. Ёзгани кўрқдим. У пайтларда тазиикнинг қони совумаган, нафас олиб турган пайтлари эди. Яна қамаб қўяди, деб кўрқдим.

Нихоят, ўн беш йиллик меҳнатим поёнига етди. Китоб ҳам ўқувчи қўлига тегди. Яхши-ёмон гаплар эшитдим.

Бирок роман қаҳрамонлари халигача тушларимга киради. Телбага ўхшаб кечалари улар билан гаплашиб чиқаман. Ўн беш йил тўлғокда туққан фарзандларимни унтутишим осонми?

Биласизми, романга сўнгги нуқтани қўйганимда кўнглим бирдан бўм-бўш бўлиб қолди. Ҳозир ўйлаб қарасам, ўша пайтдаги ҳолатим ёлғиз қизини узатган бева

отанинг уй остонасида мунғайиб, қараб қолишига ўхшаркан...

Мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституциясига имзо чекилган кун шундоққина кўз олдимда турибди. Ўша куни Олий Кенгаш депутатлариға, узок-яқиндан келган меҳмонларга ёзилган дастурхондан мен ҳам бир чимдим насиба олганман.

Одамлар кўзидағи ҳар қандай сохталиқдан, ҳар қандай лоқайдликдан холи бўлган чинакам қувончни, ажаб бир ҳайратни кузатганиман. Ўша кундан эътиборан чинакам хукукий давлатда яшай бошлаганимга икror бўлганман.

Баъзилар мустақиллик ўқ отилмасдан, бомба портла-масдан кўлга кирди, деб ўйлашади. Мустақиллик доши-қозонда дамланган тўй оши, ким қанча хохласа, шунча сузиб олаверади, деб билишади. Йўқ, биродарлар, бу қозонга Сибир ўрмонларида, Тайга ботқокларида офтоб кўрмай оламдан ўтган, уран конларида заҳарланиб, она юртни озод кўриш ниятига етолмай оламдан ўтган, қамоқчона камераларида отиб ташланган жигаргўшала-римизнинг кўз ёшлари томган. Бу дамланган палов юрт ҳасратида армои билан ўлиб кетгандарининг ўзларига бу-юрмаган насибаларидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг олдида хил-пираб турган байроқлар орасида мустақил Ўзбекистони-мизнинг ҳам байроғи офтобда товланиб, шамолда хилпи-раб турибди.

1999 йили афсонавор Америкага бориши тақдиримга битилган экан. Нью-Йоркка борган кунимоқ шу муқад-дас, шу арзаңда байроғимизни тавоғ қилмоқчи бўлдим. Афсуслар бўлсинки, якшапба куни байроқлар тушириб қўйилар экан. Душанба куни аzonлаб яна Манхеттенга бордим. Байроқ қўтариш маросимида Нью-Йоркда исти-комат қиласиган ўзбеклар тўпланиб туришган экан. Ўша куни жаҳоннинг энг машҳур шаҳарларидан бирида Ўзбек-лар байроғини қўтариш маросимида катнашиш баҳти мен-га насиб қилди.

Президентимиз Ислом Каримов кечани кеча, кундузни кундуз демай, юрт ташвиши билан яшапти. Мустақиллигимизга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётгандарни ар-доклаб, хизматига яраша тақдирляяпти. Мен ҳам мана шундай олий химматдан баҳраманд бўлган баҳтли ижод-корлардан бириман.

Президентимиз камтарин хизматларимни қадрлаб, қанча самимий, дил-дилдан чиққан сўзлар билан «Буюк хизматлари учун» орденини топширди. Бу унтилмас дақиқалар ҳаяжони мени ҳеч қачон тарқ этмайди.

Кўксимга энг юксак даражали нишон — «Ўзбекистон Қаҳрамони» олтин юлдузини тақаёттанди ўзимни босолмадим. Бир киприк коқкунча ўтган онда бутун умрим кўз олдимдан саф тортиб ўтди. Бошимдан ўтган энг оғир, энг даҳшатли, энг ҳақоратли онлар кўзим олдида туриб қолди. Ўзимни тутолмадим. Ислом Абдуғаниевич бу холатимни сезиб, билагимдан тутди-ю, ўзи ўтирадиган креслага ўтқазиб қўйди. Ҳаяжонимни тарқатиш учун ҳазил аралани: «Қани, президентлик креслосида бир нафас ўтириңг, қанака бўларкин», деб кулиб қўйди.

Бу умримниг энг баҳтли дақиқалари эди.

Бу ҳурмат, бу эҳтиромлар мени янада ғайрат билан, янада илҳом билан ижод қилингга, туғининг юртим фуқароларига манзур бўладиган асарлар ёзишинга даъват қиласарди.

Азиз Ўзбекистоним, жондан азиз юртимниг меҳнаткаш фуқаролари, энди қолган умрим сизники! Бутун умримни вужуд-вудужим билан сизга бағишладим.

Буюк шоира онамиз Нодирабегимниг:

*Мақсад на эди жаҳона келдинг,  
Кайфиятинги баён этиб кет,*

деган талабига энди жавоб бермокчиман.

Шундок азиз, шундок ўз эрки ўз қўлида бўлган Ватанда яшамоқ, ижод қилмоқ баҳти буюк иеъматдир, она-жон!

## БИЛЛУР СИЁХДОН

Faфур ака Амирий ғазалининг «Қошиннга тегузмагил қаламни...» деган бандини ўқиганда беихтиёр Кўконинг эчкини учирадиган чанг-тўзонларини, ҳар қандай туйнуқдан ўтадиган шамолларини кўргандек бўлади.

Мактабдан қайтаётган ўқувчи болаларнинг сиёхга белланган кўлларию, сиёх тўкилган кийим-бошлари кўз олдига келади.

Унинг ўзи шсьрми, хикоями ёзаётганда ручкани сиёхга ботириб, чанг-тўзон илашган ручка учини босма қофозда тозалаб, бошиқатдан сиёхга ботиради. Яна тўзон илашиб чиқади. Жаҳл билан ручкани улоктиради. Қора қаламда ёза бошлайди.

Маълум бўлишича, бу асабни бузадиган холатни Амирий бошидан кечирган, ёхуд шунака холатни синчковлик билан кузатган.

Шоир нега «Қошиннга тегузмагил қаламни...» деяпти?

У пайтларда шарқда металл қалам-ручкада ёзмаганлар. Нат қаламда ҳам ёзмаганлар. Қаттиқ ёғочдан ясалган ҳар хил ўлчамдаги хома-ёғоч қаламда кора сиёх билан ёзганлар.

Аёллар қаламга илашиб чиққан чанг-тўзонларни артиб ўтирумай қошлирига суртиб кўяқолганлар.

Бунда ҳам қалам учи тозаланади, ҳам қош қораяди.

Faфур Ғуломнинг ижоди авжи гуркураган, ўзи кучга тўлиб, фикри ниҳоятда тиниклашган, бир йўла бешолти асарга кўл уриб завқ-шавқ билан ишлаётган пайт. Ёзув столи, хонтахта, токчалар турли лугатларга тўлиб кетган.

«Фарход ва Ширин»нинг насрый матнини жони-жони билан берилиб ёзяпти. У шу қадар берилиб ишлардики, гўё ёнида Навоий бобонинг ўзлари унга раҳнамолик килиб тургандек эдилар. Хонтахтада Эрон ёзувчиси Козимиининг «Кўрқинчли Техрон» романи. Таржима

оёклаб қолган. Бир зарб билан тугатса бүлади. Яна битта хонтахтада Шекспирнинг «Отелло»си. Театрдан ҳар куни «бўлдими» деб одам келади.

Гиламу шолчалар, полослар устида «Отелло»нинг турили тилларга қилингани таржималари. Театрлар саҳналаштиргани нусхалар. Инглиз, турк тилларида таржималар. Бунда энг мўътабар таржима Озарбайжоннинг машҳур шоири, драматурги Ҳусайн Жовиддининг маҳорат билан қилган таржимаси.

Бокуда маҳсус арман театри бор. Отелло ролини жаҳондаги энг яхши ижрочиларидан бири деб тан олинган Папазян Ереван театридан бўш пайтларида шу театрда гоҳ озарбайжон, гоҳ арман тилида рол ижро этарди.

Шахсга сифиниш авж олиб, қама-қама бошлаганда Озарбайжон адабиётига, санъатига ҳам қирон келди. Жовид қатагонга учради. Халк душмани сифатида Сибирда отилди.

Афипалардан Жовиддининг номи ўқиб бўлмайдиган қилиб ўчириб ташланди. Инглиз Шекспир «Отелло»ни озарбайжон тилида ёзгандек бўлиб қолди.

Сиёҳдонга тушган чанг-тўзондан асаби бузилган Faфур аканинг иши юришмасди. Бир кунда килиши керак бўлган ишнинг ярмини ҳам бажаролмасди. Иби Сино: «Хавода чанг-ғубор бўлмаса, одам боласи минг йил яшаши мумкин», деган экан. Агар сиёҳдонга чанг-тўзон тушмаса, Faфур Фулом бир кунда ўпладб саҳифаларни ёзиб ташлаши мумкин эди. Аллоҳ: «Йиглайман деган кўзга ёш бераман, ейман деган оғизга ош бераман», деган экан. Faфур Фуломнинг ноласи Худога етиб, украиналик бир шоир Faфур Фуломга ичига чанг кирмайдиган, тўнкариб кўйса ҳам сиёхи тўкилмайдиган, ручка ботирадиган жойи ёнбошидан қўйилган бир сиёҳдон совға қилди. Faфур Фулом сиёҳдон совға қилган меҳмонга тўн, дўпни кийдирди. Олдига тўкин дастурхон ёзди...

Ишлар юришиб кетди. Бир худуди Қашқару Қалмоқ чўлларига туташган мамлакатнинг подшоси Амир Умархон етишолмаган баҳтга Faфур Фулом етишган эди.

Бир кун нонуштадан кейин Мухаррам опа: «Битта ўрис сизни сўраб кепти, отим Александр Николаев, расом Уста Мўмин десангиз, Faфур билади деяпти, нима қиласай, кирсинми?» деб сўради.

Faфур aka югуриб эшик томон кетди.

Уста Мўмин Шарқ миниатюра санъатини мўкаммал эгаллаган, қилқалам рассом эди. Насриддин Афанди ла-

тифаларига сувратлар ишлаган, у яратган Насрилдин Афанди киёфаси Faфур акага бенихоя маъқул бўлган эди.

У «Кўркинчли Техрон»га расмлар ишлаб келган экан. Faфур aka расмларни кўриб, лол бўлиб қолди. Ўзбекистонда нашр килинган китоблар орасида бу даражада санъаткорона ишланган безакларни аввал кўрмаган эди. Булар хар қандай одамни ҳам ҳайратга соларди.

Михаил Шолохов «Тинч Дон» ҳамда «Очиликан кўрик» асарларига ишланган расмларни ёқтирмасди. Факат Орест Верейскийнинг расмларини китобга киритарди. Верейскийнинг чизган расмлари Шолохов асарларининг жонли сахифалари эди. Булар романларимнинг тилга кирган, жонланган сахифалари, деярди.

Уста Мўминнинг «Кўркинчли Техрон»га чизган сувратлари, безаклари романга жон ато қилган эди.

Faфур aka Папазян ижросида «Отелло»ни кўриб келишини маслаҳат бериши. Аброрни ҳам олиб кет, кўрсин, дейишди. Faфур aka Аброр Хидоятовнинг боришига кўнмади. Аброр Папазян ижросини кўрса, баъзи бир жойларига беихтиёр таклид қилиб қўйиши мумкин. Аброр хозир тўлиб-тошиб бор вужуди билан Отелло киёфасига кирган. У ўз Отеллосини мустакил яратиши керак, деди.

Faфур aka Бокудаги арман театрида Папазяннинг озарбайжон тилида ўйнаган «Отелло»сини кўрди. Бу бекиёс санъаткорнинг бутун жон-жаҳди билан жазавага тушиб қора Маврга айланишини ҳайрат билан томоша қилди. Ўша куни Озарбайжон тилини мукаммал эгаллаган ўзбек кизи Назира Алиева Папазян билан ёнма-ён туриб Дездемона ролини ижро этди.

Шундай қилиб, Назира Алиева буюк Папазян иштирокидаги «Отелло»да Дездемона ролини ижро этиш бахтига муяссар бўлган эди.

Нихоят, Ўзбек давлат академик театри «Отелло»ни саҳнага қўйди. Спектаклни кўриш учун келган минглаб одамлар билет топишолмасди. Аброр Хидоятов — Отелло, Наби Раҳимов — Яго, Сора Эшонтураева — Дездемона ролини ижро этишарди. Ўзбекистонга келган Англия парламент делегацияси «Отелло»ни ҳайрат билан томоша қилди. Театрнинг хотира дафтариға таассуротларни ёзиб қолдирди.

Улар Аброр Хидоятовнинг қўлинини сиқиб, ажойиб ижро билан қутлайдилар. Кавказ томоннинг Отеллосини

Напазян яратган бўлса, Ўрта Осиёнинг Отеллосини сиз яратдингиз. Биз бугун эҳтиросга тўлган, вужуд-вужуди билан рашида ёнган кора Маврии шундоккина кўриб турдик. Сиз чинакам санъаткорсиз. Парламент сизга муваффакиятлар тилайди, деб унга миннатдорчилик билдирадилар.

Назира Алиева Бокуда тахсилни тугатиб, Тошкентга келади. У Сорахоним билан павбатма-павбат Дездемона ролини ижро эта бошлади. У академик театрда Шекспир хамда Шиллер асарларида муваффакият билан роллар ижро этади. Театрдаги фаол ижоди учун «Ўзбекистон халқ артисти» деган шарафли унвонга сазовор бўлади...

«Қўрқинчли Техрон» нашриётда ишга тушиб кетган. «Шум бола»ни ҳали тугатгани йўқ. Вақт-вақти билан менга айтиб туради.

«Фарҳод ва Ширин»га ҳам нуқта қўйилди.

Faфур Гулом ҳовли сахнида у ёқдан-бу ёкка юрар экан, бир гап айтди.

— Энди бас, таржима қилишни тўхтатиним керак. Таржима ёзувчининг мустакил фикрларини чеклаб қўяди. Таржимада бирорининг фикрини қоғозга туширасан. «Шум бола»ни вақт-вақти билан сенга айтиб туришимнинг сабабини биласанми? Яйраб-яйраб ўз фикримни айтишини машқ қилдим. «Шум бола»га нуқта қўяман-у, шеър ёзишига ўтаман. Шеъри соғиниб қолдим, укам!

Ҳамма таржималарга нуқта қўйилган. Катта, кенг меҳмонхонани тўлдирган луғатлар, пьесаю романлар йиғиб олининган. Катта хонтахта устида биргина билур сиёҳдон қолган. Муҳаррам опа хонани сунуриб, йиғишириб қўйған.

Бир маҳал кўча тарафда одамларнинг ширакайф товшилари эшитила бошлади.

Faфур ака ўн чоғли меҳмонни эргаштириб, бирига пакирда олма-анор, нок, бирига қопда сабзи-пиёз орқалатиб, бирига ковун-тарвуз қўлтиқлатиб кириб келяпти. Уларнинг кўпчилиги театр артистлари, Faфур акага эргашиб юрадиган ҳаваскор ёзувчилар. Олдинда яримта қўйни қопга солиб орқалаб олган Саъди ака. Бу одам нашриётнинг кассири, Faфур аканинг маҳалладони, қадрдан дўсти.

Иккита хўрозд билан учта товуқни оёғидан боғлаб, елкасига ташлаб олган Мирзаабдулла ака келяпти. У Faфур аканинг ён қўшниси, ўтинхонасидан унинг майдонига туйнук очилган.

У шогирд болаларни эрганитириб, хўрозу товукларнинг патини юлдиргани майдонга опчикиб кетди.

Бу шодлик, бу кувоғчларнинг сабаби бор эди.

Энг фаол ёзувчилар мукофот олган эдилар. Улар орасидаFaфур Фулом, Абдулла Каҳхор, Собир Абдулла, Султон Жўра, Эминжон Аббослар ҳам бор эдилар. Faфур Фулом алоҳида, баланд даражали мукофотга сазовор бўлган эди.

Махалланинг темир ўчоини олиб келишди. Саъди ака хафсала билан ошга уннаб кетди. Ош тортилгандан кейин «Отелло» репитициясида банд артистлар кайтиб кетишди. Аммо Faфур Фуломининг тенгдоши дўстларидан дарак йўқ. Бир маҳал кўзлари қувончдан чақнаб Ойбек ака, Fайратий домла билан Ҳомил Ёқублар кириб келишди. Ойбек Faфур акани бағрига босиб: «Оббо дўстимей, оббо ёўдайган-эй, маза қипсан-ку. Яша, арзиди, бундан катта мукофотга ҳам арзисан, ёўдайган», — деди.

Ойбек битта сўзни яхшига ҳам, ёмонга ҳам айтаверарди. «Ёўдайган» сўзи унинг ҳам мақтови, ҳам сўккани эди.

Мехмонларнинг кети узилмасди. Ойбек билан бирга келган дўстлари хали ичкарига кириб ўтиришмасдан меҳмонхона яна одамга тўлди. Радиодан, редакциялардан, академиянинг филиалидан, институтлардан келган дўстлари Faфур акани дил-дилдан табриклашарди. Бунака пайтларда Faфур ака ўзини жуда «қўйиб» юборарди. У токчага эҳтиётлаб қўйган сиёҳдонни олиб кўз-кўз килди:

— Ҳамманглар шу сиёҳдонга қуллук қилинглар. Буни буюк Ломоносов ўзи учун ясаган. Нолаларим Аллоҳга етиб уни менга юборди.

Ҳамманинг кўзи сиёҳдонда. У электр нурида чақнаётганга ўхшарди. Ойбек сиёҳдонни қўлига олди. У ёқ-бу ёққа айлантириб кўрди. Эҳтиёт қилиб тўнкариб қаради. Сиёҳ тўкилмади. «Зўр, зўр, қойил, бунақасини сира кўрмаганиман. Муборак бўлсин, ёўдайган» деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Гурра кулги кўтарилди.

Faфур ака мўлжалдаги жами ишларни тугатган. Энг охирида «Шум бола»га ҳам нукта қўйиб бергап. Тоғни ағдаргандек бекиёс зўр ишларни қилиб қўйиб энди тойчоқдек гижинглаб, кишиаб юрган пайтда «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Совет ёзувчисининг қиёфаси ҳақида» деган имзосиз бир мақола босилди.

Ушибу мақола қўзғатган можаролар тўғрисида «Елка-

сини пайғамбарлар силаган шоир» деган каттагина мақоламда батағсил хикоя килганиман.

Үша маколани ўқимаганларга тушунарли бўлсии учун уни қисқагина баён қилмоқчиман.

Турган-битгани тухматдан иборат бу мақоладан Faфур Гулом ниҳоятда фазабланади. Кейинги икки йил ичида ёзган асарларини, «Фарҳод ва Ширин»нинг настрий матнини, «Отелло» таржимасининг қўләзмасини, «Кўрқинчли Техрон» романининг таржимасини, «Шум бола»ниң қўләзмасини, Лермонтовдан килган таржимасини, матбуотда тез-тез эълон қилиниб турган маколаларнинг қўләзмаларини, шеърларини, хажвларини икки тутунда устига сиёҳдон билан ручкасини қўшиб Марказқўмга олиб боради.

Бундан бирон ой олдин Марказқўмдан Ёзувчилар уюшмасига телефон килиб, Ўзбекистоннинг 15 йиллик тўйи муносабати билан халқлар отасига миннатдорчилик билдириб шеърий хат ёзинглар, деб топширик берилган эди. Улар бу топширикни Faфур Гуломдан сир тутишиди. Унга билдирмай шеърий хатни ўзлари ёзиб, биринчи котибга олиб чиқдилар. Шеърий хат муаллифлари орасида Faфур Гуломнинг номи йўқлигига биринчи котиб хайрон бўлади. У рўйхат тепасига Faфур Гуломнинг номини ўз қўли билаи биринчи килиб ёзиб қўяди.

— Билиб қўйинглар, ўзбек шеъриятини Faфурсиз тасаввур килиб бўлмайди.

Faфур Гуломни ёқтирмайдиган, мукофотдан умидиши узгап бу рақиблар мум тишлагандек оғиз очолмай қолдилар. «Ошга пашша тушди», деб баттар иchlари куйиб кетди.

Faфур Гуломга қаинча тошлар отилди. У тошлар қайтиб отганиларнинг ўз бошларига ёғилди.

Ойбек бир куни, «Faфур сен мушуксан», деди кулиб.

— Нега мен мушук бўлар эканман? Оғзингта қараб гапир, булбули гўё.

Faфур Гулом Ойбекнинг дудукланишига ишора килиб уни «булбул» деяётган эди.

— Орқангни пайғамбарлар силаган. Самолётдан ташлаб юборса ҳам оёғинг билан ерга тушасан.

Faфур Гулом мўлжалдаги ҳамма ишларини тугатиб бўлди. Оппоқ сахарларда битилган сахифалар каптардек нашриётлар томон учиб кетдилар.

«Отелло»га эса томошабин ҳамон тирбанд.

Аброр Хидоятовдек полвон артист ҳам чарчаб қоляпти. Унга шерик йўқ. Навбатма-навбат рол ўйнашга тайёр гарлик кўраётган Шукур Бурхон бу бекиёс артист билан беллашишга юраги дов бермай, репитицияни тўхтатиб, рол ўйнашдан воз кечди.

Faфур Fулом баҳтдан энтикиб, ўзи айтганидек, талтайиб, янги бўшнанган хотиндек енгил тортди. У шундай учиб-кўниб юрган пайтда ногаҳон уруш бошланди.

Фашист газандалари қанчадан-қангча шахарларни вайрон килиб, одамларни ўққа тутиб, бўйсумаганларни дорга осиб, кўксига найза санчиб, буғдойзорларни пайхон килиб, ёндириб, вабодек бостириб келяпти.

Яшиаб турган мамлакат хавф остида. Faфур Fулом шундай пайтда бефарқ тура оладими?! Faфур Fулом-а?! Йў-ў-ўк, у жону жаҳонини, оғгини, талантини, нафратию фазабини удуғ жангга сафарбар қилди. Шеърлари шинел кийди. Ўзи жанглар бўлаётган жойларга жўнаб кетди.

Ўққа учиб ўлиб ётган она бағрида чирқиллаб йиғлаётган чақалоклар ҳар қандай бағритош — зол одамнинг ҳам юрак бағрини ўртаб юборарди. Жонсиз онанинг қонга беланган муздек кўкрагини эмайтган мурғак боланинг кўзига боқиб, Faфур Fулом ич-ичидан йиғлади. Кон эмган чақалоқни кўтариб бағрига босгандা илиққина бир вужуднинг титраётганидан сесканиб кетди. Оталик ҳисси туғёнга келди. Беихтиёр пиҷирлади. Унинг ич-ичидан шеърга ўхшаган нимадир туғилаётгандек эди:

*Нега чўчиб тушдинг,  
Мурғак тасаввур,  
Гўдак хаёлингга  
Нималар келди?  
Балки Одесс даҳшати,  
Керчь фожиаси, —  
Ёввойи маҳлуқлар,  
Конхўр ваҳшийлар,  
Маммаси кесилган  
Шўрлик онанинг  
Пажмурда гавдаси  
Кўзинг ўнгидга  
Бутун даҳшати-ла  
Акс этар энди.  
Онаг хўрландими,  
Отанг ўлдими,*

*Сен етим қолдингми,  
Кайгурума қўзим,  
Кўзим усти  
Миннатинг бошимга дурра.  
Ота-онасининг  
Тайини ҳам йўқ,  
Сут кўр қилгур, ҳароми  
Гитлер оқнадар  
Фарзанднинг нелигин  
Каердан билсин  
... Сен етим эмассан,  
Ухла, жигарим...*

Faafur Fуломнинг фикру ёди туғилаётган шеърда эди. Фронтдан қайтишда бомбалар портлаган ўнкир-чўнкир йўлларда силкиниб кетаётган юк машинасида ҳам ёза берди. Самолётда ҳам, поездда ҳам ёзишдан тўхтамади.

У Тошкентга келганида машина силкинишидан қинғир-кийшиқ бўлиб кетган кўллэзмаларни окка кўчирди.

«Сен етим эмассан» шеъри жаҳоннинг деярли ҳамма тилларида босилиб, дунёга тарқалди.

Москванинг Колонна залида Faafur Fулом хотирасига бағишлиланган маросимда Тинчлик қўмитасининг раиси, атоқли шоир Николай Тихонов сўзга чикиб, шундай деди:

— Америка Кўшма Штатларининг Президенти Франклін Рузвельт «Сен етим эмассан»ни ўқиб туриб, кўз ёш тўкиб йиғлаганига ўзим гувоҳман...

Шунда устозим шаънига гулдурос қарсаклар янграб кетди. Бунга энди мен ўзим, Сайд Аҳмад гувоҳман.

Туғилибоқ абадият эшигини қоккан Faafur Fулом юз йилдирки, Навоий бўлиб, Бобур бўлиб, Машраб бўлиб, Насриддин Афанди бўлиб яшапти. Юз йилдирки, салафлари иззатини ўрнига қўйиб, ўз услугуга содик қолиб, факат ва факт Faafur Fулом бўлиб ижод қиляпти.

Этагини қоқса кулги тўкиладиган, кирган хонадони чироқ ёққандек бирдан ёришиб кетадиган, бутун вужудидан самимийлик, бесуборлик ёғилиб турган, нурга, қувончга, файзга, муҳаббатга омухта бир сиймо кўз олдингизда пайдо бўлади.

## СҮНГИ СУХБАТ

Ойбек домланинг уйи орқасида автобус ҳамда троллейбус бекатлари бор. Кўчанинг у бетида гавжум озиқовкат дўкони.

Бу жой худди бозорга ўхшарди. Машиналарнинг серқатновлигидан, одамларнинг кўпилигидан Ойбек домла ҳазиллашиб, худди Лондоннинг ўзи, деб кулиб қўярди.

Домла уйда ишлаб, тоза ҳавода фикрларини тинитин учун баъзан бекатга чиқарди. Бонида гужғон ўйнаган фикрларини бу жойда бир нуктага жамолмасди.

Буюк ёзувчининг қўлини олиш, бир оғизгина сухбатидан баҳрамаанд бўлиш учун уни гапга тутардилар.

Ойбек икки қўлини орқасига қилиб, йўл бўйлаб кетарди. Барибир йўлда учраган, эргашиб келаётган мухлислар уни «тинч» қўйиншасди.

Дарахтларнинг осилиб қолган шохлари йўлни тўсиб қўйган, бўй баробар ўсган буталар орасида тўнгакка ўтириб ўй-ўйларди, қўйида баён қилаётган сухбатимиз худди шу жойда бўлганди. Домла менга шундай деди:

«Faфур тўғрисида ёзганларингизни ўқидим. Баракалла! Жуда яхши бўпти. Асаларини таҳлил қилиб ўтирамбасиз. Ўзини, қаңдок юриш-туришини, кулганини, йиғлаганини, ашула айтганини, раксга тушганини, дутор чертганини, асқияларга қўшилганини ёзисиз.

Вакти келиб Faфур Фулом ҳам, Шайхзода ҳам, Миртемир ҳам театр бўлади, кино бўлади. Ёзганларингиз ана ўшанда иш беради. Айтганча, Шайхзоданинг паровозни ҳуркитадиган хуррагини ҳам бир чеккага ёзиб қўйинг. Шеърларини юз йилдан кейин ўқиса ҳам маъноси ўзгариб қолмайди.

Қўли очик, содда Миртемирнинг олган қалам ҳаки тамом бўлмагунича ёнидан кетмайдиган хира шогирдлари эсингииздан чиқиб қолмасин!»

Афсус, Ойбек домла ўзи ҳакида жуда ҳафсала билан ёзган хотираларимни ўқимай кетди. Шу сухбатимиздан бир ҳафта ўтиб, 1 июль куни бу ёруғ оламдан кўз юмгани эди.

(Уста Ширин кўчасининг Янгиарий – Кисловодск бекатлари оралигига бирор ҳалақит бермайдиган холи жойдаги энг сўнгги сухбатимиздан.

Ўша куни 1968 йилнинг 24 июни эди).

# БОСГАН ИЗИМ, АЙТТАН СҮЗИМ ҚОЛАДИ

(Устоз Ойбек даъвати билан ёзилган хотираалар туркумидан)

Козокнинг улкан шоири Абдилда Тожибоев етмиш беш ёшга кирганда сўнгги китобини «Кузги жапрактар» деб номлади. Ўзбек шоири Шухрат ҳам шу ёшга етганда китобини «Кечки нурлар» деб атади. Каранг, бир-бирининг китобини кўрмаган икки шоирда нақадар яқинлик!

Ўтаётган ғанимат умрнинг энди асло қайтиб келмаслиги уларга аллақандай маҳзунилк соясини ташлаб турибди.

Оптимист ҳаётдан умидвор ижодкорлар эса бу руҳий ҳазинликка чап бермоқчи бўладилар. Олдинда бокий дунё элчиси йўлга пешвоз чикиб кутиб турганини писанд қилмайдилар.

Шухрат ана шундай оптимист шоир эди. У оғир хасталик туфайли то тилдан қолгунча, қўли қалам тутолмайдиган даражага етгунча, гўёки олдинда ўзини кутиб турган фам-хасратли кунларни илгариrok сезгандек, аঁчагина шеър ёзиб қўйганди.

Шухрат шеър ёзиш имкониятидан мутлақо маҳрум бўлган армонли пайтлари нашр қилинган «Ҳали тун узок», «Кечки нурлар», «Шайдо кўнгил» китобларида ҳазинлик туйғуси деярли йўқ, нолиш йўқ, умидсизлик йўқ. Уларда оталик бахти, оналик иқболи, қўзининг оқу қораси уч азamat ўғил, худодан тилаб-тилаб олган биргина суюкли кизию қатор невараларининг толеи куйланади.

Ўғли қамоқда пайтларда тиқ этса эшикка қараб йўл пойлаган қайнонасини юпата олган, ўзи айрилик алансида ўртаниб, ўтга-чўқقا кўл теккизиб рўзғор тебратган хотинига миннатдорлик туйғуси шоир шеърларида гуркираб туради.

Баҳор офтоби танин куйдиради, куз офтоби яйратади. Шунинг учун ҳам қайноналар «баҳор офтобига келинингни, куз офтобига қизингни сол», дейдилар.

Шухратнинг хотини Турсуной қайнона дуосини олиш баҳтига мұяссар бўлган жаинати аёл эди.

Урушдан анча олдин, ўттизинчи йилларда редакциялар янги шаҳардаги Иқон кўчасида, қалам ҳаки берадиган нашриёт кассаси «Узбекистанский» кўчасида эди.

Мен Шухратни биринчи марта шу ерда «Посбон» деган шеърига пул олаётган пайтда учратганиман.

Хали йигирмага кирмаган навқирион Шуҳратнинг сочлари бошига кор ёққандек оқарип кетган, лекин ўзи тетик, қувноқ, соғлом йигит эди.

У ўзи ҳакида ёзган каттагина шеърида агар янглиш масам шундай икки сатр ҳам бор эди.

*Бошимда қор,  
Кўнглимда баҳор...*

Амин Умарий, Султон Жўра, Зафар Диёр, Ҳамид Гулом, Туроб Тўла, Мухаммад Тўлаш ҳамда Шуҳратлар фаол ижод қилаётган вақтлар.

У маҳалда адабиёт назарияси хали яратилмаган, ким қанақа тушунса, ўшандоқ қилиб ёзаётган пайтлар. Шоир бўламан деган бир гурух ёниларFaфур Гуломнинг, хикоячи бўламан деганлари Абдулла Қаҳҳорнинг этагидан ушладилар.

Шеърият кўкида чақнаб кўринган Усмон Носир кўп ёшларнинг кўзини қамаштириб қўйди.

Шуҳрат ҳам бир муддат Усмон Носир таъсирида бўлдию кейин ўзини услугуб жиҳатдан Шайхзодага яқин келаётганини сезиб, Миртемир домла ибораси билан айтганда «Шайхона» шеърлар ёза бошлаган эди.

Кўплар Шуҳрат услубда ҳам, фикр қилишда ҳам Абдулла Қаҳҳорга яқин, дейишарди.

Йўқ, Абдулла Қаҳҳор услубида ўзидан бошқа ҳеч ким ёзолмасди. Шуҳрат ижоддаги ёзувчи Қаҳҳорга эмас, ҳаётдаги Қаҳҳор шахсига эргашган эди.

«Бошқа ёзувчига ўхшатиб ёзиш ҳеч кимга обрў келтирган эмас, — деб айтар эди Абдулла ака. — Бунақалар ёзувчи эмас, ёзувчининг сояси бўлади, холос».

Шуҳрат қай республикага борса албатта ўша ердан дўст ортириб қайтарди. Янги дўстлари уни йўқлаб Тошкентга келишарди. Озарбойжонлар «Шўйрат афандим» десалар, нахичеванилклар, бизим Шўйрат чўх жўзал инсондир, дея иззат қилардилар.

Бу дўстлари уни фоят қадрлашарди. Тўй-маъракаларга албатта олиб кетишарди. Ўзлари ҳам Шуҳратницида бўладиган тўйларга, базмларга етиб келишарди.

Унинг туркман дўстлари ниҳоятда ҳимматли, одамшаванда кишилар эди. Сталин Техрон конференциясида Рузвельт билан Черчилга совға қилган ноёб Каспий балиғидан ҳимматли туркман дўстлари баъзан Шуҳратга ҳам олиб келар эдилар.

Ўттизинчи йилларда хўп ажаб ғалати воқсаларнинг гувоҳи бўлганимиз. Ҳозир эсласам қулгим қистайди.

«Тошсемаш» заводидан бир нечта ишчи адабиётга сафарбар қилинган эди. «Заводдан — адабиётга!» деган шиор газета сахифаларидан тушмас, мажлисларда «Адабиёт энди ишчиларнинг қадак қўллари билан яратиласди» деган «оташин» нутқлар ирод қилинарди.

«Сафарбар» қилинган ишчиларни ёзувчилар уюшмасига бошлаб келиб, қўлларига тантанали равишда «Уюнма аъзоси» деган ҳужжат бердилар.

Қайсиdir фабрикадами, артелдами, ҳозир эсимда йўқ, бинойидек ишлаб юрган фаол бир опани, энди «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналига масъул муҳаррир бўлдингиз» деб редакцияга ташлаб кетишиди. Шахар комсомол комитетида пионерлар билан ишлашиб бўлимининг бошлиғи, инсофлигина бир опани энди болалар журналига ўзингиз масъул муҳаррир бўлдингиз, деб редакцияга қўйиб кетишиди. Тошкент трамвай трестида чикадиган катталиги бир варак қофоздек «Мотор» деган атиги 200 нусха босиладиган газетада муҳбирлик килиб юрган, на имлони, на жумлани жумлага улашини биладиган яна бир ишчи одамни ўша пайтларда ҳар бир сони талаш бўлиб кетадиган «Муштум» журнали бош муҳаррири креслосига ўтказиб кетдилар.

Уларни камситишга тилим бормайди. Бироқ, бу бечоралар нима иш қилишларини билмай «ишга» келиб эснаб-эснаб уйларига қайтиб кетардилар. Улар имлони уччалик билмасдилар. Бирон сатр мақола ёзишга қўлларни келишмасди. Фақат, болалар журналининг муҳаррири мақола ёзолмаса ҳам мактабларда журнални тарғиб қилиб, вожатийларнинг ҳаммасини обуна қилишини уюштиради. Мана шу опанинг ҳаракати билан республикадаги жами мактабларнинг вожатийлари ёппасига журналга обуна бўлган эдилар.

Ўша йиллари Колхозчилар қурултойига раислик қилаётган халқ комиссарлари кенгашининг раиси қурултой катиашчиларига «Ёш шиор Юсуфжон Ҳамдамга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги шоири» унвони беришга қарор қилсак, бу ташаббусни қувватлай-сизларми?», деб мурожаат қилди. Пастдан «Қувватлаймиз, қувватлаймиз» деган қарсак аралаш овозлар чиқди.

Ёзувчилар уюшмаси бу бемаъни ташаббус, матбуотда чиқиб кетмасин, деб фармонини зўрга тўхтатиб қолган эди.

Адабиёттга сафарбар қилингани «Кўли қадақ ишчи шоирлар» хар тарафга тарқаб кетишиди. Баъзилари «Ўзимизниңг ишдан қолмайлик», деб заводга қайтиб кетишиди.

«Сафарбар»лар орасида Фиёс Соатий деган анчагина талантли бир шоир борлиги билиниб қолди. У мұмтоз адабиётдан дурустгина хабардор экан. Ўша пайтда ёзган «Сўлим» қўшиғи 65 йилдан бери бир неча авлод ҳофизлар томонидан завқ-шавқ билан ижро этилади. Ҳозир ҳам катта концертларда байрам базмларида қайта-қайта ижро этиляпти.

Унда, жумладан, шундай сатрлар бор:

*Ёрни ойнакдан қаранг,  
Ноз ўйқуда ётганмикан?  
Ёки қилган нолишим  
Ўйқудан уйғотганмикан.*

*Атри бўйи ёр димогига  
Етишгач эй сабо,  
Тонг шамоли кокилин,  
Мушкини қўзготганмикан.*

*Тун ярмида кун тиг урди  
Ёки бепарво чиқиб  
Зулф орасидан юзини  
Ойга кўрсатганмикан.*

*Офтоби тальяти  
Биз сори кўрсатса жамол,  
Тўлган ой синган сополга  
Ўзни ўхшатганмикан.*

Бу гапларни мен Шуҳрат қандай оғир даврда, қанақа «ижодкорлар» орасидан ўтиб келганини билдириб қўйиш учун айтаяпман.

Ўша пайтларда қўлларидан келмайдиган ишларга «рахбарлик» қилган кишиларни асло камситиш ияятим йўқ. Факат уларни иоқулай ахволга солиб қўйган акала-римизга гинахонлик қиляпман холос.

Бирор чигал иш бошига тушиб ёрдам сўраб келган одамга Шуҳрат астойдил қулоқ солиб унинг мушкулини осон килиш пайида бўларди. Иши битган одамдан кўра Шуҳратнинг ўзи кўпроқ қувонарди.

Шұхрат ичи дардга тұлыб турған пайтда ҳам зорланмасди. Бирордан юпанч күтмасди. Ыз ёғига үзи қоврилиб юраверарди.

У нашриётда мұхаррір бўлиб ишлаб юрган пайтда таржимонликни ҳавас қилған ёнгина қизча Холида Ахроравага ҳеч иккименмай Лев Толстойнинг машҳур «Тирилиши» романини таржима қилишга беради.

Холида атоқли жамоат арбоби, шоир, драматург Сайд Ахрорийнинг кизи эди. Ахрорий «халқ душмани» бўлиб отилиб кетади. Онаси Вазирахон билан уйсиз, жойсиз, таъминотсиз қолған хали гўдак Холида укаларини бағрига босиб сарсон-саргардон кезади. Сайд Ахрорийни билган, ундан кўп ҳимматлар кўрган кишилар Холидага пинҳона ёрдам қўлини чўзадилар. Ишга жойладилар, эски бўлса ҳам бир бошпана топиб берадилар.

Рус тилини дурустгина билган Холида кичик-кичик ҳикояларни, киссаларни таржима қилиб журналларда бостираради.

Холида кечалари мижжа қоқмай «Тирилиши»нинг таржимасини тугатади. Уни ўқиб чиққан Максуд Шайхзода, атоқли таржимон Мирзакалон Исмоилий ҳамда Шұхратлар бир бурдагина бу тиришқоқ қизчанинг шундоқ машҳур, шундоқ мураккаб, шундоқ катта романни жуда яхши таржима қылганига ҳайрон қоладилар. Тезда босиб чиқаришига оқ фотиха берадилар.

Роман босилиб чиққанда Холидадан кўра Шұхратнинг кувончи чексиз эди. Олдига ким келса романни кўрсатар, буни Холида деган кичкинагина қизча таржима қылған, деб мактарди.

Холидани кўпчилик бўлиб «Саодат» журналига ишга жойлаб кўядилар. Шұхрат романни кўтариб Холида ишләйтган журнал таҳририятига олиб боради. Уни ҳаммага бир-бир кўрсатиб бу буюк Толстойнинг энг мураккаб романини сизнинг ходимангиз Холида қизим таржима қылған, деб қувончини ичига сиёғиролмасди.

Журналиниң бош мұхаррири Зулфияхоним, баракалла, синглим, табриклайман, деб Холидани бағрига босиб пешонасидан ўпади.

Шұхрат «Шарқ юлдузи» журналида масъул котиб эди. Республика кўзи ожизлар жамиятининг раиси ВалиFaфуров қалин бир папкани қўлтиқлаб, кузатувчи кўмагида кириб келди. У игна билан ёзилған китобининг машинкада кўчирилған нусхасини олиб келган экан.

Шұхрат уни иккі кунда ўқиб, бўлғуси китоб билан танишиб чиқди. Тажрибали бирон ёзувчи яхшилаб, жиддий таҳрир қилса, дурустгина китоб бўлиши мумкин деган хулосага келди. Лекин қўллэзма жиддий ишланиши керак. У бадий жиҳатдан жуда заиф. Уч-тўрт ой тер тўкиб меҳнат қилиш зарур. Бу ишни ким бўйнига олади? Ёзувчилар ўз ижодлари, хизмат вазифалари билан бандлар.

Шұхрат фикрини Вали Faфуровга очик айтди-қўйди.

— Шұхрат ака, — деди шунда Faфуров. — Икковимиз қуролдошмиз. Шу лаънати урушнинг жабру-жафоларини тортган инсонлармиз. Келинг, шу ишни ўзингиз килинг. Бадий ижодда тажрибам йўқлигини ўзим ҳам биламан. Қанака шарт қўйсангиз ҳам розиман.

Шұхрат ўйланиб қолди.

— Агар шу ишни мен қиласиган бўлсам, нашриёт қонуни қандок бўлса, ўшанга амал киламиз. Муаллифлик ҳуқуқини химоя қиласиган идоранинг юристи кафолат бергандағина иш бошлаймиз. Шуни яхши билинг-ки, уйқумдан кечиб, бошлаб қўйган «Жаннат қидирғанлар» романнимин тўхтатиб қўйиб, фақат сизнинг китобингиз билан банд бўлишим лозим.

Шұхрат кўзи ожиз бир одамнинг игна билан машаккат чекиб ёзган китобига бефарқ қараёлмади. Дунё кўзига зимистон бўлган, ҳаётда ўз ўрнини қидираётган одамга ҳамдардлик ҳисси уни шундай қилишга ундарди.

Китоб ҳали хом, Шұхрат уни пишириши, ортиқча жойларини ўчириб, ўрнига янги боблар ёзиши, қахрамонлар қиёфасига жон ато қилиши керак. Бу осон иш эмасди. Янги роман ёзишдан мушкулроқ эди.

Шұхратдаги бировга яхшилик қилса, уни то охиригача етказиш ва шу яхшиликлардан ўзи хузур қилиш хусусияти ғолиб келди.

Уч ярим ой түнни тонгта улаб меҳнат қилди. То ўзига маъқул бўладиган даражага етгуича қайта-қайта ишлайверди. Нихоят, игна билан ёзилган, кейинчалик «Вафодор» деб аталган романга нукта қўйилди. Уни машинкада окка кўчириб, муаллиф Вали Faфуровнинг ўзига юборди. «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас» романларида орттирган тажрибалари «Вафодор»нинг маъқул асар даражасига етишида қўл келган эди.

Бу роман даставвал «Шарқ юлдузи» журналининг бир неча сонида «Бадий қайта ишлаган Шұхрат» деган илова билан эълон қилинди.

«Вафодор» кўп марта нашр қилинди. Кейинги нашрларидан факат биттасига «Бадий қайта ишлаган Шухрат» деган илова киритилди. Колган нашрларда эса нима учундир «Бадий мухаррир Шухрат» деб қўя қолинди.

«Вафодор» рус тилига таржима қилиниб, зукко рус китобхонларига ҳам манзур бўлди.

Муваффакиятлардан руҳланган ВалиFaфуров яна иккита қисса ёди. Аммо уларни таҳрир қиласиган Шухрат бу орада қаттиқ дардга чалинган эди. Бошқалар таҳрир қилишига уриниб кўринди. Бўлмади. Эпланиолмади. Ўшанда Faфуров «Шухрат аканинг қадри билинди», деб ўқинган эди.

Устоз Абдулла Қаххорнинг ахволи оғирлашиб қолди. Москвада йирик мутахассислар даволамаса бўлмайдиган ҳолга келди. Уни кузатиб қўйин учун Ўлмас Умарбеков билан аэропортта бордик. Санитарлар уни самолётга олиб чиқаёттандарида Кибриё опа, «Домлажон, туфли олишини унуглибиз-ку», деб қолди. Абдулла ака сесканмай, овози титрамай даҳшатли бир гап айтди:

— Кайтишда оёқ кийим керак бўлмас.

Шунда икки қўзим жиққа ёшга тўлиб кетди. Буни Абдулла ака кўриб қолди.

— Сиздек шогирдим борлигидан хурсандман. Кўчадан гап тониб келмадингиз, уйдаги гапни қўчага чиқармадингиз. Илтимос, энди уйимга келманг. Бундан бу ёғига сизга балогардон бўладиган Абдулла Қаххор йўқ... Энди эҳтиёт бўлинг, оёқ остида қолиб кетишингиз мумкин.

Орадан 20 кунлар ўтиб, Абдулла ака Шухратни зудлик билан Москвага чақиртирди. Демак, домланинг ахволи яхши эмас, бирон кор-ҳол бўлса, оёқ-қўли чаққон Шухрат керак бўлади, деб чақиртирган.

Устозни ваъда қилинган энг катта шифохонага эмас, оддий бир касалхонанинг умумий палатасига обориб ташлаган эканлар.

Абдулла акани бенихоя ҳурмат қиласиган, унга тан берадиган машҳур шоир ва адаб Константин Симонов ундан хабар топиб, икки марта йўқлаб келади. Унинг ёрдами билан алоҳида палатага ўтказишади, Симонов академикларни, шомдор профессорларни уни даволашига жалб қиласиди. Бироқ, вақт ўтган эди. У кўши ёстиққа суюниб, қисқа-қисқа нафас оларкан, Дўрмонни соғинидим, боғимпинг ҳавосидан нафас олгим келаяти, деб зорланади.

Абдулла Қаҳхорнинг жасадини эрталаб соат саккиздаги самолётда олиб келишди.

Москвадан то Тошкентгача темир тобут ёнида келган Шұхрат қарчокни унүтиб, елиб-югуриб хизмат киларди. Бу орада Чигатай қабристонига бориб дағын жойини аниклаб келди.

Марҳумнинг ижодхонасида ҳукumat вакиллари түпласиб турардилар. Улар Кибриёхонимга ҳукumat номидан таъзия изхор килиб, ундан «Абдулла ака бизга қандоқ топшириклар бердилар», деб сўрадилар.

Бундай пайтда ҳар қандай гина-кудуратлар унүтилади. Марҳумнинг сўнгги истаги бажо келтирилади.

Шұхрат дағын маросимидағи сўзлаган нутқида Абдулла Қаҳхор ҳакида мардана, ҳаққоний сўзларни айтди. Унинг бу сўзларидан нокулай вазиятга тушиб қолган айрим арбоблар «Бу бола ўзига кулфат тилаб оляпти», деган фикр билан қабристондан чиқиб кетдилар.

Ўша оғир замонининг мафкуравий тазики остида Абдулла Қаҳхор дини, эътиқоди номаълум кимсадек бир калима тиловатга илҳақ бўлиб тупроққа қўйилмоқда эди.

Устозимизга ҳарф танитган биринчи ўқитувчиси Мұхаммаджон домла Қўқондан сахар пайти Тошкентга етиб келган, қабристондаги одамлар орасида эди.

Абдулла Қаҳхорга ихлос қўйган икки юз чоғли адабиёт муҳлислари, нимадандир кўнгиллари тўлмай, қандайдир бир гап бўлиши керакдай тарқамай турардилар.

Мұхаммаджон домла аста тирсагимдан ушлаб «Сиз кетмай туринг», деди. Кейин у баланд овозда:

— Биродарлар, Абдуллажон бир мусулмоннинг фарзанди эди, у тангри ҳузурига тиловатсиз кетмасин, — деди кўзида ёш билан.

У тўнини ерга тўшаб чўккалади. Атрофга бир-бир қараб тиловат бошлади. Бирор тиззалаб, бирор дастрўмолини тагига ёзиб ўтириди.

Қабристон сукутга чўмди. Қуръоннинг сехрли охангарида сел бўлган одамлар ерга қараб қимир этмасдилар.

Одамлар бош эгиб ўтирган шу пайтда гўрковнинг қопқоқли тобутни юқорига узатганини, кафанланган майитни лаҳадга қўйганини ҳеч ким кўрмай қолди.

Шұхратнинг бошига тушган савдолар, шўришлар худди шу ерда, худди шу соатларда бошланган эди.

Шұхратга кийим ярашарди. Шунинг учун бўлса кепрак, сал бошқачароқ, яъни ўзига бино қўйиб, олифта-

роқ, пўримроқ юриш қиласди. Эрталаб хизматга келиши биланоқ, уйдан опкелиб қўйган букма илгакка плашибини, костюмини илиб, коржомасини кийиб оларди.

Хулласи, у жуда саранжом-саришта, «наратка» одам эди.

У ҳаммамизнинг тўйларимизда, юбилей зиёфатларимизда елиб-югуриб хизмат қиласди.

Ойбек домла, Faфур Ғулом, Абдулла Каҳхор, Шайхзода ҳамда Миртемирларининг этагидан ушлаб адабиётга кирган биз ёшлиар бодроқдек потирлаб кетма-кет олтмиш ёшга стиб келдик.

Ҳамид Ғулом, Тураб Тўла, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Рамз Бобоҷон, Одил Ёқубовларининг юбилейлари катта тантанага айланди. Уларнинг ҳаммасига «Ҳалқ ёзувчиши», «Ҳалқ шоири» деган унвонлар берилди, орденлар билан мукофотландилар. Негадир Шуҳрат бу рўйхатдан ўчириб ташланди. Бу ҳам етмагандек, матбуот унинг номини тилга олмай қўйди. Босилиш арафасида турган романлари, шеърий тўпламлари тўхтатиб қўйилди. Радио-телевидение у тўғрида лом-лим демай қўйди.

Нега?!

Шуҳрат ҳаётдан умидвор оптимист одам эди. Майли, бу ишлар вақти келиб изга тушиб кетади, деб ичидан зил кетаётганини сезидирмасликка ҳаракат қиласди.

У хамон тўйларга бош, хамон ўша мағрур юриши.

Шуҳрат тилдан қолгунча, қўлдан қолгунча тиним билмади. Грузин, арман, озарбойжон, туркман, доғистон шоирларининг туркум шеърларини таржима қилди. Кавказ мавзуида қанчалаб балладалар, тўртликлар, олтиликлар ёзди. Уларни шеърхонлар севиб ўқиётганиларидан боши осмонга етди.

Эҳтимол таржима асносида «Кавказ дафтари»ни ёзини нияти туғилгандир. Бу тоғ шоирларининг қандайдир ўзига хос ўқтам оҳанглари Шуҳратнинг дилига оқиб киргандир.

Чархи кажрафторни қарангки, Шуҳратни бир кун олқишишалар, бир кун унга олкишладилар.

Шуҳратнинг начорлигини, эзилиб кетганини кўриб биз сафдошларига берилган унвонлар ҳам татимай қолди. Ёзувчилар уюшмасининг раиси Ўлмас Умарбеков билан раҳбариятга учраб дўстимизнинг ахволи ниҳоятда начорлигини тушунтиридик. Бизнинг илтимосларимиздан кейин инсофга келиб, Шуҳратга «Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиши» унвонини беришди.

Шұхратни күтлаб уйига борганимизда у бир муддат жим қолди. Нимадир демокчи бўлди. Деёлмади. Кейин қўл силтаб, ғамгин жилмайди. У гўё ўз аҳволига куластганга ўшарди. Унинг хозирги ҳолатидан кўнглида бир дунё армон, бир дунё ўқинч, бир дунё алам ғалаён қилаёттани сезилиб турарди.

У ёнбошига қўйилган ёстиқни олдига тортиб, устига дўпписини қўйиб, белгисиз тарафга худди хайрлашаётганга ўшаб қўл силтади.

Бу «Мени сўнгги йўлга кузатаёттанингизда «Халқ ёзувчиси» нишонини қизил ёстиқчага қадаб Чифатойга олиб борасизлар», дегани эди. Бу «сўзлар» Каххор домланинг «Москвадан кайтишда оёқ кийими керак бўлмас», деган даҳшатли гапини эслатарди.

Шұхрат кўзни қамаштирадиган, ёруғ, ёркин қунларни ҳам кўп кўрди. Минг-минглаб одам йифилган маросимларда тўлиб-тошиб, қайнаб, ўтдек чакнаб шеърлар ўқиди. Олқишилардан «маст» бўлган кайфли онларни ҳам кўп кечирди.

Уни Ўзбекистонда деярли ҳамма ўқитувчилар бенихоя севардилар. «Муаллим» деган шеъри ўқитувчиларнинг гимни-таронасига айланиб кетган эди.

Инсон боласининг ҳаёти ҳамма вакт бир текис кечмайди. Бу мураккаб оламда умргузаронлик қилиш узлуксиз курашиш, сув келса симириб, тош келса кемириб яшашдан иборатдир.

Шұхрат ана шундай яшади. У хар қандай қийин-қистовларга бардош билан чидади. Унга ҳатто тирик юришининг ўзи бир баҳт бўлиб қолганди. Афсуски, шуни ҳам ундан қизғондилар.

Шұхрат кечиримли одам эди. Ўзини шу алпозга солган кимсаларнинг гуноҳларини ҳар йили Рамазон хайити қунларида кечириб юборарди.

Бомбалар портлаб турган окопларда кечган даҳшатли дакиқалар, ўлим билан юзма-юз келишлар, катаронлардаги хўрликлар, умрнинг заволи бўлган бўйтонлар нихоят ўз ишини килди.

У нолимай, жимгина оламдан кўз юмди. Халқимизнинг улкан бир ёзувчисидан айрилиб колдик...

*Мен кўзим очганда ҳаёт бор эди,  
Ха, мендан кейин ҳам яшнаб қолади.  
Тилимда кетади ҳаётим томи,  
Ўрнимни ўзга бир одам олади!*

У эса, ўзича яшайди яна,  
Умрни ўзича талқин қылади.  
Мен күйгөн оловда у ёна-ёна  
Эхтимол қадримни шунда билади!  
Мен келдим ва кетдим, изим қолдими?  
Ўртаниб айтганим сўзим қолдими?

Лекин, барчамиз учун энг катта таскин-тасалли шундан иборатки, хассос адаб Шуҳратнинг бу ҳаётда босган изи, айтган мардона ва хаққоний сўзлари ҳамишаликка қолди.

## МУКАММАЛ ИНСОН СУВРАТИ

Асқад Мухтор тўғрисида бирон янги гап айтиш қишин. Қатор романларию қиссалари, драма ва пеърлари, достонларию таржималари баҳонасида ҳамма гапни адабиётшунослар айтиб кўйишган. Унинг ижодига бағишлиланган китобларда, ёқланган диссертацияларда адабиёттимизга қўшган жуда катта хиссаси илмий асослаб берилди.

Лекин эллик йил йўлда ҳамроҳ бўлган, бирга ўй ўйлаб, бирга қоғоз қоралаган дўстининг ҳам юрагида айтадиган гаплари бордир, ахир.

Асқад ёшлигида ҳам жиддий бола эди. Бора-бора бу жиддийлик ижодига ҳам кўчди. Китобларининг қаҳрамонлари ҳам жуда жиддий одамлар. Улар фикр қиладиган, жамият тақдирида катта рол ўйнайдиган қаҳрамонлардир. Асқад бир романини «Давр — менинг тақдиримда» деб атади. Менинча, бу ном унинг ҳамма китоблари учун умумий сарлавҳа бўлиши мумкин. «Опа-сингиллар», «Туғилиш», «Бўронларда бордек ҳаловат», «Чинор» романларининг қаҳрамонлари тақдирида бутун бир давр нафаси гуркираб туради.

Асқаднинг ўзи ҳам шу давр, шу тақдир жараёнининг фарзандидир.

Жуда яхши биламан, Асқад умрида бир марта ариза ёзиб ишга кирган. Шу биргина ариза билан жуда кўп ижодий ташкилотларда турли лавозимларда ишлаб келади. Бу гапнинг маъниси шуки, Асқад ҳеч қачон ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзмаган. Уни юқори ташкилотлар буйруғи билан ишдан ишга кўтаришарди. Асқад ҳеч маҳал «Мехнат дафтарча»сини ушлаб қарамаган. Уни

күрмаган ҳам. Идораларининг кадрлар бўлимлари бу дафтарчани ўзлари Асқад ишга тайинланган идорага ўтказаверганлар.

У қаерда ишламасин, бирон одам «Асқад Мухтор ишни чала қилиб кетди» ёки «ишини хом қилди» деган гап айтмаган. У ҳамиша ўзига юқлатилган вазифали виждин иши деб билган.

Асқад «Шарқ ўлдузи» журналида бош мұхаррир бўлиб ишлаган кезларида жуда кўп кўләзма ўқирди. Катта-катта романлар ўртага қўйилганда энг жўяли гапларни Асқад айтарди. У Ёзувчилар уюшмасига котиб бўлган пайтларда ёш ёзувчиларни кўп кўлларди. У бош мұхаррир бўлган «Гулистан» журналиниң деярли ҳар бир сонида янги бир ёш шоирнинг туркум шеърлари босиларди. Асқад шеър муаллифини ёнига чақириб, шеъридаги нұқсанларни тузаттиради. Ёш шоирга сабок бўлсин, деб унинг кўзи олдида шеърини таҳrir қиласди.

Асқад кўп китоб ўқиган, кўп мушоҳада киладиган мулло ёзувчи эди. Адабиётта оид илмий баҳсларда Асқад бир олимдек гап айта оладиган, фикри тиниқ ижодкор эди. Газеталарда эълон қилинаётган мақолаларида унинг нақадар терап фикрли, катта-катта адабий анжуманларда казо-казо адабиётшунослар билан беллапта оладиган олим-ёзувчи эканига гувоҳ бўлганимиз.

Асқад йирик асар ёзиш олдидаи ташлаган мавзуу ичига «разведка» уюштиради. Унинг биринчи йирик насрый асари худди шу тахлит дунёга келгани эди. Киркинчи йилларда у Бекободдаги металлургия заводи тўғрисида бир неча туркум мақолалар, очерклар ёзди. Биринчи пўлат қуювчилар тўғрисида туркум шеърлар эълон қилди. Ана шундан кейин «Пўлат қуювчи» деган достон ёзди. Барibir Асқад айтмоқчи бўлган гапларини шеърга сиёдиролмаётганига ўхшайверди. Насрий асар яратиш керак, деган холосага келди. Унинг «Дарёлар туташган жойда» деб аталган биринчи йирик асари саноат мавзуига қиласди «разведкаси» натижаси бўлди.

Эллигинчи йилнинг январь ойи эди. Асқад эрталаб уйимга келди. Икковимиз чўян печка ёнида ўтириб янги киссасини ўқидик. Эсимда, ўшиа киссанинг қўләзмаси қалиш мұқовали «Домовая книга»га жуда хафсала билан ёзилган эди. Тахминаи уч соатча қўләзма ўқиган бўлсак, яна икки соатча уни мұхокама қиласди.

Ўша кисса унинг йирик насрый асар томон ташлаган биринчи қадами бўлди.

Кейинчалик ҳам Аскад ҳамма қиссаю романларини шунақа «Домовая книга»га ёзадиган бўлди.

Аскад журналда босиладиган асарларни хафсала билан таҳир қиласди. Кўлёзма эгалари бундан ранжиш масди. Тузатилган саҳифаларни кўриб, маъкул, раҳмат, деб миннатдорчилик билдиришарди. Унинг бу ишлари Миртемир акага ёқарди. «Аскад кўлёзмага билиб калам тегизади», дер эди.

Аскад таржимачилик соҳасида ҳам анча иш қилиб қўйган. Унинг Пушкиндан, Лермонтовдан, Блокдан ҳамда антик адабиётдан килган талай таржималари адабиётизини безаб турибди. Чойхонада ёнбошлаб, мудраб, умрини совурғанлар бор. Аммо Аскад умрини қизғин ижод тўлғанишлари, оппок тонгларни қутиш билан ўтказди.

«Ажаб, — дер эди у, — қўёшнинг дастлабки нури терак учига тушганда офтоб бирдан шаъмга гугурт чакиб юборганга ўхшар экан...»

Романлар, қиссалар, достонлар, қўлтиқка сифмайдиган шеърий тўпламлар, драмалар, хисобсиз адабий-танқидий мақолалар, таржималар мана шу қизғин ижодий тўлғанишлар билан дунёга келди.

Аскад орамиздан кетди. Кайтиб келмас бўлиб кетди. Одамларга малол келмаяпманми, деган бир андиша ичини кемираради. Кўксидаги дардини ташқарига чиқазмай, бир чиройли жилмайиб кўзини юмди.

Фаришталарнинг қадам товушини ҳеч ким эшитмаган. Уларнинг излари ерга тушмаган. Гапларимга ишонинг, Аскад билан эллик йилдан ортиқ бирга бўлиб, унинг оёқ товуши қулоғимга чалинмаган. У ҳудди пар тўшак устида юрганга ўхшарди.

Баъзан ишга берилиб кетиб, машинка шикирлатиб ўтириб, у келганини сезмай колардим. Ўтиравериб, зерикканидан ё столни қимирлатар, ё йўталиб келганини билдиради.

— Нима бало, фариштамисан ё шпионмисан? — дердим кулиб.

У гапиромасди. Гапимга қулибгина қўяқоларди.

Дўрмоннинг энг сўлим пайти бошланган. Аскад хасталиигига қарамай тиниб-тинчимасди. Эрталаб туриб анжир теради. Уларни ликопчага солиб музлатгичга қўяди. Шоҳида қоки бўлиб қолган ўрикларни калтак билан кокади.

У ёзиб-чизиб ўтирадиган жойдан уч-тўрт қадам нарида бир туп «қирқ оғайні» гули бор. У оддий гуллардан

эмас. Қип-қизил бўлиб очилганда уйғур мантисидек катта бўлиб кетади. Уруғ боғлаган новдаларини кесиб турса, кетма-кет, дам олмасдан очилаверади. Аскад ундан қаламча кесиб офтобрўй жойга сукіб кўйган. Ўтган йилги қаламчалар яхши илдиз отиб, бир-иккитаси гул кўрсатди. Бахор келиши билан бу қаламчаларни боғ қўшиларига икки-учтадан тарқатади.

Аскад ўша кезлари бошқа ишларни қўйиб, берилиб шеърлар ёзаётган эди. Кўпингча у қофоз сўраб келарди.

У жуда инсофли, диёнатли одам эди. Журналга бош мухаррир бўлатуриб таҳририят машинасида юрмасди. Ишга пиёда бориб-келарди. Ишхонасидан иккитагина бўлсени қофоз олиб кетмасди. Ишдан қайтишда Ўрда гуваридаги магазиндан қофоз, блокнот, қалин муқовали «общий дафтар» сотиб оларди.

У ёзи билан боғида ижод қиласди. Неваралари ҳам ўзига ўхшаган одобли, қобил болалар эди. Аскад қандок иш буюрса, дарров бажаришарди. Сентябрь бошланиб, болалар шахарга кетишган. Боғда эр-хотин икковлари колишиган.

Кудаси Франциядан мускат узумининг кўчатини олиб келган, дарвозадан кираверишга экиб берган эди. Аскад кунига неча марталаб узум тепасига боради. Яқин дўстларига атири ҳиди келиб турган узумдан битта фужум узиб беради.

Ошхона ёнида икки туп Даннобод аюори бор. Октябрнинг охирларига бориб бир марта киров кўриб, кейин пишади. Баъзилари дони йириклишганидан шабнамда пўстини тутиби, ёрилиб кетади.

Аскад вужуд-вужуди билан шеърга берилиб кетган пайтлар эди. Дўрмоннинг қимиздек ҳавоси, қўм-кўк осмони, қип-қизил чодир ёнишган, куз офтобида лов-лов ёнаётган ўрик туплари, олис юртларга отланган турнларнинг боғ устидан чуғирлаб ўтишлари, далаларга ёнғок «экаётган» қарғаларнинг ерга шўғишилари, майин оқ ипакдек мезон ипларининг унсиз сузиб ўтишлари, яланғоч новдаларга илашиб қолганларининг офтобда чакнашлари Аскаднинг шеърларига шундоққина тўкилиб қоларди.

Аскад хаёт ҳодисаларидан фалсафий хулосалар чиқазарди. Унинг болалик чоғларида ёзган «Соатни ёмон кўрганим хақида» деган шеъри бор.

«Соат келаётган баҳти дамларни эмас, қайтмас бўлиб ўтаётган умрни ўлчайди» деган эди.

Унинг рақиблари тинч туролмасдилар. Дўстим, дўстим, деб нижига кириб обрў олмокчи бўлган, кейин чалик унинг истеъоди олдида почор, соядек кимса эканини сезгач, газстада унга тұхмат тошларини отган «дўсти»га «Арақхўрнинг эрталабки бошоғриғи гаранглигидаги айтган гапларини гап демаса хам бўлади», деб Аскад газета орқали жавоб берган эди.

Аскаддинг хотини Равзахоним ниҳоятда қўли очик, пазанда аёл. Аскадни йўқлаб келгандарни дастурхон ёзмасдан қуруқ жўнатмайди. Зум ўтмай қўймоқ тайёрлар, устига Мустай Карим Уфадан юборган бошкирд асалини суртиб дастурхонга тортарди.

Аскадни боғигача кузатиб қўйиншими керак. Уни қурукдан-қуруқ кузатгим келмайди.

Оиласизда Саидахондан колган бир удум бор эди. Бахорда сумалак пиширардик. Беш-олти банка сумалакни қопқоқлаб музлатгичда саклаб қўярдик. Шулардан бирини очиб битта ииёлада Аскадга бервормоқчи бўлдим.

Равзахон кеч кузда сумалакни қўриб ҳайрон қолди. Аскад тутила-тутила менинг кечаси билан сумалак пиширганимни айтиб лақиллатмоқчи эди. Содда хотин бу ёлғонга чиппа-чин ишонди. Бу химматдан ийиб кетган Равза бирпасда қўймоқ пишириб, устига ноёб липа асалини суртиб олиб чиқди.

Равза мени ўзига жуда якин оларди. Тожикистанда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати кунларида тожик дўстларимиз собиқ Ҳисор бегининг ховлисида ноёб совғалар дўкони очган. Француз упа-эликларини, атиларни аёллар талашиб-тортишиб харид қилишарди. Равзага олиб борасан, деб «Черная магия» атиридан биттасини Аскадга олиб бердим.

Бу ишим Аскадга ёқмади. Кейин майли, суюнсин, деб чўнтағига солиб қўйди.

Ажойиб ҳажвчи, тенгсиз латифагўй қадрдонимиз Адҳам Ҳамдам вафот қилди. Ёзувчилар уюшмаси Аскад билан икковимизни вакил килиб юборди. Жанозадан кейин рапор котиби Мухиддинов, ҳозир пахта терими авжига чиққан палла, биррав далага чиқиб теримчиларга ҳорма-бор бўл қилиб келайлик, деб қолди. Негадир рапор котибидан гуп-гуп атир хиди келарди. У яхши теримчи қизларга атиргуллининг бағридан олинган «Розовое масло» деб аталадиган ниҳоятда хиди ўткир атиларни совға қиларкан.

Мухиддинов Аскад билан иккенинг аямизларга олиб боринглар, деб шу атирдан икки донадан берди.

Француз атирини олиб келганимизда ҳам, гул бағридан олинган атирии берганимизда ҳам Равзахон хаддан ташқари севинган эди.

Аскад ҳазил қиласди:

— Биласами, буни «Розанинг ёғи» дейишади. Яъни, сенинг ёғингдан ясалган атир.

— Сиз икки дунёда ҳам менга совға олиб келмайсиз.

Бу Сайдушканинг иши.

— Сайдушка дема, қулоғимга Сальтиков-Шчедрининг Иудушкасиға ўхшаб эшитилянти.

Орадан сал фурсат ўтиб Аскаднинг гапириши янада қийинлашиб қолди.

Шу алфозда ҳам Аскад битта-битта босиб боғимга келади. Бир-бири мүлтираб қараб ўтирамиз.

Ўша кезлари тили тутиладиганлар билан гаплашавериб «мутахассис» бўлиб қолган эдим.

Шуҳратнинг ахволи бундан ҳам баттар. У на гапира оларди, на бирон сатр ёза оларди.

Рақибларининг бетўхтов ҳужумларидан худди шу ахволга тушган Ойбек домла билан умрининг сўнгги кунларида кўп «гаплашганиман». Раҳматлининг тилига бемалол тушунадиган бўлиб қолган эдим.

Ҳар куни Аскадни бир пиёла сумалак билан қузатиб бораман. Бунга жавобан Равза бошкирд боли суртилган қўймоқ билан меҳмон қиласди.

Баъзан кечалари боғ ҳовлисидағи ўнгдан ўқисанг ҳам, чапдан ўқисанг ҳам «642246» рақами чиқадиган телефонга қўнғироқ қиласман. Равзадан Аскаднинг ахволини сўрайман.

— Ухламаянти, — дейди у. — Бир нималарни ёзяпти. Умр оз қолди, худо омонатини олгунча ёзиб улгуриним керак, дейди.

Дўрмонга совук тушди. Ўриклар яланғочланиб, пойига оловли кўрпа тўшади.

Аскад ҳамон тиним билмасди. Судралиб юриб азим туп анжирни ётқизиб, устига брезентми, эски шолчаларними ёпади. Аиорларни ҳам узиб, танасини эски-тускиларга ўрайди. Мускат узуми устидан хашак бостиради.

Аскадни олиб кетишга редакция машинаси келди. Бу машинадан унинг биринчи маротаба шахсий хизмати учун фойдаланинг бўлса керак. Машинага бир банка сумма-

лак қўйдим. Аскад қўлимни силаб, миннатдор жилмайди.

У шахарга кўчиб кетди. Ҳувиллаган боғда бир ўзим қолдим.

Аскаднинг ён қўшниси, адабиётшунос олима, дилбар аёл Саодатхон Тўрабековага телефон қилиб, Аскаднинг аҳволини сўрайман. Аскад билан ҳам, Равза билан ҳам телефонда гаплашиб бўлмайди. Уларнинг аҳволидан шу барака топкур Саодатхон кечаю-кундуз хабар олиб турди.

Киш қаттиқ келди. Боқка ҳеч ким келмайди. Кишлаб колган икки-уч ёзувчи ҳам хоналарини иситолмай вактингча шахарга кетиб қолишган. Автобусда бўлса ҳам шахарга тушиб Аскаднинг аҳволидан хабар олиб келишим керак.

Ойнадек ялтираган Дўрмон йўлларида бир-бири билан тўқнашиб пачоқ бўлиб кетган машиналарни кўраман. Ён арикка ёнбоши билан тиқилиб колган автобуслар олдида ишдан кечикаётган йўловчилар туришарди. Факат филдирагига занжир ўралган машиналаргина сирпанимай йўловчиларни метрографа обориб кўяди.

Шу тариқа, йўл азоби — гўр азоби дегандек, икки-уч марта Аскаддан хабар олиб келдим. У илгаригидек тинимсиз ишлар, бирон дақика вактини бехуда ўтказмасди.

Яна бахор келди. Ўриклар гулини тўкиб довучча туга бошлиган. Гилос таналари оппоқ гулга бурканган. Боф қўшниларининг ҳаммаси ҳазон тўплаб куйдиришяпти. Бошқа пайтларда тутундан кочадиганларга нечукдир аччик ҳазон тутуни хуш ёқаётганга ўхшарди.

Аскаднинг болалари ҳам ҳазон куйдириб, ичкари хоналарни тозалаб кетишиди.

— Дадам боққа обориб қўйинглар, деб хархаша қиляпти. Кунига беш-олти марта доктор келиб хабар олиб турди. Боф узоқ, докторнинг бориши кийин, келинлар ишда, неваралар ўқища. Ойим ўзини эплолмай қолган. Сиз ҳам бир айтиб кўринг, озроқ сабр қилсин, — дейди ўғли Темур.

Аскад боғни соғинган, тезроқ кўчиб борақолсам, деб Дўрмон томон талпинарди.

Апрелнинг ўн еттинчи куни эрталаб аzonда Саодатхон телефон қилди:

— Аскад ака оғирлашиб қолдилар, етиб келсангиз яхши бўларди.

Аксига олиб Ижод уйида биронта машина йўқ. Боғ кўпинилар шахардан хали келишмаган. Бирон соатлардан кейин боғда ишлатиш учун одам олиб келишади. Гаражда машинам бор, бирок уни юргизадиган одам йўқ. Ўзим кўпдан машина минмаганман. Йўл қоидалари ҳам ўзгариб кетган. Кўзим йўлни унча илғамайди. Ўнг қулоғим эшиитмайди.

Таваккал қилиб машинани гараждан олиб чиқдиму йўлга тушдим.

Етиб келганимда Аскад тўнғичи Темурнинг бағрида, кўксига бош кўйганича кўз юмган, бир умрга бу ёруғ оламни тарк қилган эди...

Қадрдоним билан хайрлашомлай, рози-ризолик қилолмай доғда қолдим.

\* \* \*

Тундаликлар «Уйқу қочганда» номи билан алоҳида китоб бўлиб босилиб чиқди.

Адабиётишунос олим Наим Каримов Аскад хақида, унинг «Тундаликлари» хақида айтган ҳалол гаплари каторида бирданига «ковун туширган» жойлари ҳам анчагина. У шундай деб ёзади: «Бугун кимдир ўша пайтларда Аскад Мухтор ҳолидан мунтазам равишда хабар олиб турганини айтиши мумкин. (Ким у?) Йўқ, унинг уий ҳеч қачон гавжум бўлгани эмас. (?) Оқибатли дўстлари кам бўлганидек оқибатли шогирдлар ҳам қарийб бўлмаган. (?) Ҳатто дўрмондоши Сайд Ахмад ака ҳам «Хаста Аскадни кўрсам эзилиб кетаман» деб унинг эшигини кам чертган».

Наим Каримов бу гапларни қайдан олди экан? Равза бу гапни айтмайди. Аскад икки дунёда ҳам бунақа хоинона, боз устига бўштоб, мўрт сўзларни оғзига олмаган.

Бунақа масъулиятсизлик билан ёзилган мақолалар ўқувчини шубҳага солиб кўяди. Усмон Носир тўғрисида ўйламай, суриштирмай айтган гаплари шоир муҳлислирини хаддан ташқари ранжитган эди.

Зарифа Саидносированинг «Ойбегим менинг» китоби кўллэзмасини Наим Каримовдан бошқа одам ўқимаган. Уни Н. Каримовнинг ўзи таҳрир қилиб, ўзи нашрга тайёрлаган. Ким билади дейсиз, унда қандоқ «ковун туширди»лар қилган экан? Бир марта бебурд бўлгани тадқиқотчига китобхонининг шубҳа сояси доимо тушшиб туради. Faфур Фулом айтганидек, бунақа хайрли ишларни

бошлаш олдидан қўлни атирсовунда яхшилаб ювиб, поклаб олиш керак.

Боғ файзсиз бўлиб қолгандек... Хазонлар орасидан, хиёбонлардан Асқаднинг изларини кидирман. Шу боғ, шу хиёбонда коғозга шитирлаб тўкилган сатрлар товушини эшитаман:

*Бир вақт дўстлар билан ҳасратлашардим...  
Ёлғиз ўтказман гамгин чоғларни.  
Сукунатни чўчитмасин дардим,  
Айланниб ўтаман сокин bogларни.*

## ҚОРАКҮЗ МАЖНУН

Күръони каримдан:

«Сизлардан қайси бирингиз үз динидан қайтса ва шу коғирлигича ўлса, бас, ана ўшаларнинг (қылган савобли) амаллари хабата (бекор) бўлур, улар дўзах аҳлидурлар ва у ерда мангу қолурлар».

(Бақара сураси, 217-оят.)

Хадиси шарифдан:

«Жаннатга кираадиган ўн нафар ҳайвондан бири бу «Асҳоби каҳф»нинг вафодор итидир».

(Ал-жоме ал-Кабир.)

Саодат ая бомдод намозини ўқиб, жойнамоз пойида узок ўтириб қолди. Бундан уч йил олдин оламдан ўтган эри уста Туробга атаб Күръон тиловат қилди. Ўрис шархларида дайдиб қолиб кетган ўғли Бўрихонга худодан иисоғ тилади. Бахти очилмай, гулдек умри хазон бўлаётган кизи Кумрига ачиниб, шу фариштагинанинг йўлини оч, деб Аллоҳга илтижо қилди.

Кампир ҳар сахар ички бир эзгинлик билан шу гапларни такрорларди. У қўл чўзиб, жойнамознинг бир бурчини қайириб ўрнидан турди.

Сентябрь оёқлаб, сувлар тиниқсан, ариқ тубларидан бола-бакра ташлаб юборган пиёлами, чойнак қопқоғими, қошиқми шундоққина кўриниб турибди. Қирғоқлар заҳ тортиб, экин-тикин сув сўрамай кўйган палла.

Кўшни ҳовлилардан мактабга кетаётган болаларнинг инжикликлари, хархашалари, оналарнинг ялиниб-ёлборишлари эшитилиб турибди. Кампир бу товушларга бир дам кулок тутиб, бошини тебратиб, кулиб кўйди.

Саодат ёшлигида жуда чиройли қиз бўлганди. Сочла-

ри тақимини ўпарди. Тараганда шамшод тарок ушлаган кўллари сочининг учигача етмасди.

Ярмини қисмлаб туриб, бүғини таарарди. Опаси бу соchlарни киркта килиб ўрганда, яна шунгчали ортиб қоларди.

— Э, сочинг қурсин! — дерди опаси. — Кўлларим толиб кетди, сочингни ўрдиришга одам ёллаш керак.

Кўчада амиркои маҳси-ковушни фирчиллатиб, соchlарни селкиллатиб юрганда қараган ҳам қаарарди, қарамаган ҳам. Ёш қизалоқлар оркасидан келиб, соchlарини кўзига суртиб қочишарди.

Мана, йиллар ўтиб соч ҳам оқарди, сийраклапиди-ю, барибир ўша узунлигича қолди. Учига бирор парса тақмаса, ҳурпайиб, бўйни, елкаларини тутиб кетади. Шунинг учун ҳам у сочининг учига ўғри тутар сандиқнинг калитини осиб қўяди. Сандиқни очаётганда калитни ечиб олмайди. Сочи узун бўлганидан тиззаласа калит бемалол қулфга стади. Энди янги уйларга сандиқ урф бўлмай қолди. Ҳамма уйни пўрим жавонлар босиб кетди.

Бундан ташқари, қулфни даранглатиб очадиган қалитларни ясайдиган усталар қолмаган.

Камирнинг соchlари ҳамон ёшлигидаги. Фақат ярмидан кўпи окариб кетган. Орқасига ташлаб қўядиган, учи бирлашибирлигидан икки ўрим сочининг учига эрининг фронтдан олиб келган оғиргина медалини осиб қўйган. Тайёр илгаги ҳам бор, сочни пастига тортиб туради.

Ховлинииг ярмига яқин жойга таингадек офтоб туширмайдиган қари тут барглари сарғая бошлаган. Қуриган шохига баҳорда илиниб қолган варракнинг қамиши қовурғалари скелетдек бўлиб турибди. Фақат узуни латта думи шамолда илондек тўлғонади.

Шу тут тагида бир опиоқ ит супурги устида ухлаб ётибди. Кичкинагина, белида белбоғдек иккита — бири қора, бири жигарранг чизиги бор. Худди кимдир атай-лаб бўяб қўйганга ўхшаб қўринаади. Тумшуғи билан икки кўзи қоп-кора. Бир кўзининг тепасида тўмтоқ қони ҳам бор. У камипрнинг оёқ товушидан бир кўзини эринибгина очди-ю, чала ярим кериниб, яна уйқуга кетди.

— Ҳа-а, жонингни хузурини билмай ўл-а! Супургиниям ҳаром килдинг.

— Қўй, уришма, опаси, Коракўз ҳали бола-да!

— Нима деяпсиз, ойижон! Бу ит ўлгурга мен нега опа бўларканман?! — деди Қумрихон нолиб.

— Агар Коракўзни яна супурги билан урсанг, унга

косов отсанг, билиб кўй, укаларингникига кетиб қоламан.

— Вой, ойижон-эй, ит ўлсин, одамдан азиз бўлмай! Шу итни деб бизни ташлаб кетмоқчимисиз? Кўйинг-э!

— Шу билан овуниб юрибман. Қаёққа борсам, ёнимда. Бир қадам нари кетмайди. Менга айт-чи, укаларинг, сингилларинг ҳафтада бир хабар олса олади, олмаса йўқ. Касалхонада ётганимда шу итгина кўкрагини қорга бериб ҳовлида бир ой дераза тагида ётган. Сенлар кўни-қўшинининг қистови билан бир-икки хабар олдиларинг, холос.

— Ойижон, кўйинг энди... — деди Қумри норози бўлиб.

Итнинг бир қулоғида, бўйнида, оёқларида қон қотиб қолган эди.

— Ахмок! — деди кампир. — Қаёкларда санқиб юргандинг?! Яна маржабозликка бордингми? Мажнун бўлмай кеткур! Ахволингни қара, хотин талашиб роса таъзиринг-ни ебсан-ку! Э ўлмагин-а, шилинмаган жойинг қолмапти... Энди ўзингдан кўр. Мажнун, яраларинги дори суртаман. Илло, дод демайсан!

Қумрихон итнинг бўйнидан босиб турди, кампир яраларига йод сурта бошлади. Ит ғингшийди, ингиллайди. Қумрихоннинг кўлларини тишламоқчи бўлади.

— Ана, бўлди. Энди овқатингни берамиз.

Бир ойдан бери ўғли сурункасига кампирнинг тушига киради. На ётишида, на туришида ҳаловат бор. Ўғлини ўйлагани ўйлаган. Ёши саксонга яқинлашиб, кучқувватдан кола бошлаган, боламни кўрмай ўлиб кетамани, деб куйиб-ёнади.

Ўғли Бўрихон олтмиш еттинчи йили армияга кетган. Ҳарбий хизмати тугади ҳамки уйга қайтмади. Ўша ёкларда уйланиб, бола-чакали бўлиб, қолиб кетди. Баъзи-баъзида ундан «Я здоров» деган икки эиликкина хат келарди. Якин ўн беш йилдирки, адресни унтиб кўйганми, ишқилиб, шу ўрисчагина хат ҳам келмай кўйган.

Кампир кўни-қўшиларникига ҳам чиқмайди. Уйда ўтиравериб қон бўлиб кетади. Баъзан кийимбошларини апил-тапил тугиб — ўфиллари ё қизларидан бириникига отланиб қолади.

Барибир борган жойида ҳам ҳаловат топмайди. Қизи Қумрихонни ўйлаб қайтиб келади. Қумрихоннинг баҳти чопмади. Икки бор турмуш килди, фарзанд кўрмади, қайтиб келди. Бирон жойда ишлаб овунай деса, хайҳотдек

ҳовлига, мункиллаб қолган онасига ким қарайди. Акаукалари, сингиллари: «Опа, қўй, ишлама, тирикчилигинг бизнинг бўйнимизда, онамга қара», деб қўйишмади.

Кампирнинг ўғиллари, бизницида туринг, ойи, деб худонинг зорини қилишса ҳам, отанг чиқкан уйни ташлаб кетолмайман, мен ҳам шу уйдан чиқазиламан, деб кўнмади.

Кампир жуда доно хотин эди. Болаларим ҳафтада бир марта ҳабар олишса, етти кун уйим тўлади, албатта, улар қуруқ келишмайди, шу баҳона Қумрининг ҳам куни ўтади, дея қадрдан уйидан жилмасди. Оналар шунака — бахти чопмаган боласи билан бирга бўлади.

Ўтган йили ўтли-шудли, ҳар иш қўлидан келадиган невараси Анваржон, тоғамни топиб келаман, деб чикиб кетди. Шу кетганча йигирма кун деганда дарагини топиб келди.

Бу гапдан ҳабар топган қўшини хотинлар кампирни кутлагани кирдилар.

— Бувижон, ташвишланманг, тоғамнинг ишлари «беш». Рўзгори бут, тирикчиликдан ками йўқ. Учта боласи бор. Ўзи ўзбекчани эсидан чиқариб юборибди. Мен билан ўрисча гаплашди. Битта соғин эчкиси, тўртта қанор қопдек чўчкаси, ўнтача чўчқачалари бор экан. Қиши забтига олганда шу молларини ҳам уйига опкириб олишаркан. Бўчка-бўчка самогон-арок ясаб, қипи билан ичишаркан. Қишлоқдагилар тоғамни «Бўрихон» демай, «дядя Боря» деб чақиришпар экан.

Бу гапларни эпнитиб, кампир ер ёрилмади-ю, кириб кетмади. Боласи тушмагур-эй, қўшини хотинларнинг олдида шу гапларни айтиб ўтирибди-я! Бирорвга сўзини бермайдиган эррайим кампирнинг шохи синди, остона хатламай уйда муқим ўтириб қолди.

Қачонгача чилла ўтираман, деб кампир бугун қизиникига отланиб қолди. Кампирнинг ниятини сезган Коракўз остонага бориб ўтириб олди. Якин бир ойдан бери ҳеч қаёққа бормаган Коракўз ўзида йўқ шод эди. Бошини бир томонга эгиб иргишлар, тезроқ чиқмайсизми, дегандек, ҳар хил овоз чиқариб фингширди.

Кампир шошилмасди. Ўсма экилган бир бўйра ер олдида чўнкайиб, ўсмаларнинг серсув, бўлиқ баргларини тагидан кертиб узарди. Охири кафти ўсмага тўлгач, райхоннинг гул отмаган шохларидан синдириб олиб, ўсмага қўшиб дастрўмолига ўради. У қиз невараларига, келину қизларига албатта ўсма олиб борарди. Нихоят, кампир

түгунни құлтиқлаб чиқди. Коракүз ўтирган жойидан бир сапчиб күча томон отилди. Кампир унинг кетидан бораркан, ҳой, мунча шошасан, секиирок, деб жаварди.

Коракүз унинг гапига тушунғандек, күча ўртасида тұхтаб орқасига қарайди. Кампир етиб келгунча яйраб қулоғини қашлайды. Бир қулоғини диккайтириб, биттасини шалпайтириб әркалиқ қиласады. Орқа оёғида туриб бир-икки айланады. Кампир етиб келиши билан яна ўйноклаб югуриб кетады. Йўлда учраган мушукларни тирақайлатиб қувиб, ним қызыл тилини осилтирганча ҳансираб қайтиб келади. Дараҳтлардаги мусичаларга ирғишилаб ақиллады. Ариқдан шапиллатиб сув ичади. Баъзан йўл четига чикиб, пахса девор тагини хўл қилиб қайтади. Велосипед миниб ўтган болаларга эргашиб узокларга кетиб қолади.

Кампир унинг қиликларига андармони бўлиб йўл юрганини сезмайди. Коракүз доилаб юрган товуқларни қақағлатиб, тўрт тарафга тўзғитиб юборади. Йўлда учраган итлар билан искашиб, қувлашмачоқ ўйнайди. Кўча бетидаги уй остонасида тинмай ақиллаётган каламушдек кучукни тупрокка коришитириб булғалади. Ариқ бўйидан кўпориб ташланган тунгак соясида ётган бўрибосар итга ҳам зўрлик қилмоқчи бўлганди, таъзирини еди. Бўрибосар унинг гарданидан тишлаб, улоктириб ташлади. Йўл ўртасига бориб тушди, тупрокка коришиди.

Кампир бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳой, жинни, сенга ким қўйибди отанг тенги ит билан олишишини!

Коракүз унга қарай олмади. Йўлнинг бу ёғига маъюс алпозда, югурмай, охиста кетди. Барibir Коракүз итда, итлигини қиласади. Бир кора итнинг думини хидлаб, очик турган эшикдан кириб кетди. Бир оздан кейин унинг вангиллагани эшитилди. Эшикдан чиқаётганда ичкаридан отилган эски туфли қоқ белига тушди.

Катта йўлга чиқишиди. Бу йўлнинг ўнг ёғи Чирчикка, чап ёғи Тошкентга олиб боради. Олдинлаб кетган Коракүз, қаёққа юрайлик, дегандек, кампирга қаради.

— Абдумалик акангникига борамизми, Дилбар опангникигами? Дилбар опанг домда туради. Итдан ҳазар қиласади. Сени уйига киритмайди. Энди нима қиласиз? Майли, шуникига борайлик. Ётиб қолмаймиз. Чиккунимча ховлида болалар билан ўйнаб турсан.

Коракүз бу гапларга тушунади. Ҳар гал кўча бошига келганда албатта кампир шу гапларни такрорлайди.

Олисдан баланд иморатларнинг қораси кўринди. Қоракўзниң сабри чидамади. Илдамлаб кетди. Кампир унга етолмай ҳаллослаб колди. Коракўз югуриб эмас, филдираб кетаётганга ўхшайди. Бир зумда кўринмай кетди.

Учинчи қаватнинг болохонасида ўйнаётган болалар Коракўзни кўриб, бувим келяпти, деб қийқиришиди. Тапир-тупур килиб зинанинг икки поясини битта килиб, пастга югуриб тушишди. Биттаси Коракўзга конфет, биттаси сергўшт суяқ берди. Бирпасда ҳовли болаларга тўлиб кетди. Коракўзниң бошини, орқасини силашди. У эркаланниб туриб берди. Болохонада Дилбархон кўринди. Онангиз келяпти, деган хушхабар олиб келган Коракўзга меҳр билан бокди. Унга қанд ташлади.

Нихоят, ҳансираб кампир етиб келди. Болаларга қурт, ёнғоқ, туршак улашди. Коракўз ҳам умидвор бўлиб қўлига қаради.

— Сенга йўқ, бевафо! Мени йўлга ташлаб кетгансан. Орқангдан ҳаллослаб югуриб, тилим оғзимга сиғмай қолди.

Коракўз гунижкорона бош эгиб турди. Кампир конфет ташлади. Коракўз илиб олдию қувончдан ҳовлини шамолдек айланаб чиқди. Кампир қизи билан кечгача эзилиб гаплашди. Ўғлини эслаб кўз ёш ҳам килиб олди. Кумрининиг бетолелигидан, мен бир бало бўлиб кетсан, у шўрлик нима бўлади, деб афсус-надоматлар килди. Гап орасида Коракўз эсига тушиб, овқат-повқат бердингми, деб сўраб кўярди. Кампир аср намозини ўқиб, кетишига шошилди.

— Энди кетай, шом намозини уйгинамда ўқирман.

— Овқат киляпман, ойижон, сб кетинг. Бир кечагина ётиб кетсангиз нима бўлади. Уйингизни бўри еб кетармиди!

Кампир тугунни қўлтиклаб пастга тушиди. Ҳовлида болалар билан яйраётган Коракўзниң кетгиси келмайди. Болалар туфлаб улоқтирган калтакни ўтлар орасидан топиб келади.

Кампир йўлга тушди. Коракўз эркаланиб, ирғишлиб гоҳ ундан ўзиб, гоҳ орқада қолиб қулоини қашлайди.

Уйда Ҷаодат аянинг йиллаб қалбида қалашиб ётган губорларини тарқатадиган, кўксидан тоғдек босиб ётган армонларни ушатадиган оламшумул бир янгилик кутиб турарди.

У уйига яқинлашганда эшиги олдида у ёқдан-бу ёққа шошиб юраётган одамларни кўриб, юраги ҳапқириб кет-

ди. Қадамини тезлатди. Эшик олдида турғанлар унга, куллук бўлсин, севиниб қолдингизми, қариганингизда дилингизга ёруғлик тушгани муборак бўлсин, дейишарди.

Кампир хажга кетаётганларга пенсиядан йиккан пулларини «Хожи бадал» учун бериб юборган эди. Ҳаж қабул бўлди, деган хушхабар келган бўлса керак, ўзингга шукур, Аллоҳим, деб остона ҳатлади.

Шохига катта лампочка осилган тут тагидаги супада ёши олтмишлардан ошган бир нотаниш одам ўтиради. Унинг кўзлари... бундан ўттиз икки йил олдинги Бўрихоннинг кўзлари эди. Кампир,вой болам, деб унга талпинди. Супага югуриб бордими, учиб бордими, билмайди. Бағрида ўғлини кўрди. Ундан арок ва шам ёқилган уйнинг ҳиди келарди. Кампир буни сезмасди. Фойибининг хозир бўлганидан маст-аласт эди. Каракт эди, баҳтиёр эди. Ўғлининг бошларига, елкаларига кўз ёшлари тўклиларди.

Ўғли унинг бағридан чиқишига уринар, аммо кампирнинг кок суяқ, чайир кўллари уни бўшатмасди.

— Ну зачем, зачем плачеш, мама, вот и приехал, хватит, хватит, — дерди ўғли.

Она бу гапларни эшитмасди. Эшитганда ҳам бариниб тушунмасди.

Кампир хушини йиғиб, боласини бағридан бўшатди. Серрайиб турган Қумрига:

— Нега бақрайиб турибсан, Рахмон қассобни чакир, боламнинг оёғи тагига оғилдаги қўйни сўйсин! Қўшниси-никида телефон бор, aka-укаларингга, сингилларингга, акам келди, деб хабар қил! — деди.

Коракўз кампирнинг оёғи тагига ўтириб олган. Бу нотаниш одамга ғашлик қилиб тинмай ирилларди.

— Каёкларда юргандинг? — деди кампир ўғлига. Ўғли онаси нима деяётганини тушунмай елка қисди. Тушунмадингми? Сен бошқа одам бўлиб кетибсан.

Кампир унинг юзларига караб эзилиб кетди. Қарив, адойи тамом бўпти. Башарасига ҳам ўша томонларнинг нуқси уриб, ўзбеклиги қолмабди. Эллик бир ёшда стимиш яшар чол бўлиб қўя қопти.

Рахмон қассоб аллақаёққа кетиб қолган экан, тошиб келишди. Қўча томонда қўш машинанинг гуриллагани, ўғил-қизларининг овозлари эштилди.

Абдумалик қўй етаклаб кирди. Қизлари, куёвлари картон қутиларда, халталарда мева-чева, олма-узум қўтариб киришиди. Бир зумда ҳовли гавжум бўлиб қолди.

Бўрихон укаларини ҳам, сингилларини ҳам танимади. Улар ҳам буни танишмади.

Бўрихон бегона уйга кириб қолган одамдек қовушмай турарди. У укаларига, сингилларига нима дейишни билмасди. Тўғри, нима дейишни биларди. Аммо тил билмас нима килсан? Ўйлаб-ўйлаб, «Салям!» деди. Жигарлари кулишини ҳам, йиғлашни ҳам билмай ҳайрон туриб қолишиди.

Қассоб оғилдан каттакон, бокувдаги қўйни судраб чиқди. Бўрихоннинг оёғи тагига ётқизиб, укам, қани бир фотиха беринг, деди. Э, дарвоқе, ўзбекча билмаслигинизни эсимдан чиқарибман, қани, омин денглар, кампир энамизниг умрлари узун бўлсин, бойиблари ҳозир бўлгани рост чиқсан, омин!

Қассоб шундай деб қўйнинг бўғзига пичоқ тортди.

— Ну зачем, зачем? — деди Бўрихон. — ведь барана жалко, все равно я столько мясо не ем! У нас баранина не едят.

То ярим кечагача кампирниг ҳовлиси тўйхонага айланиб кетди. Таркапи пайтида Абдумалик акасини меҳмонга таклиф қилди.

Ҳовли жимиб қолди. Қумри она-болага сушага жой солиб берди. Кампир боласига тикилиб мижжа қоқмади. Бўрихон тўйгунича ичган эди. Оғиздан гуп-гуп арок хиди келиб турибди. Кампир рўмолининг уни билан бурнини беркитганча ўтирибди. Ростдан ҳам шу одам менинг боламми, деб ўйларди кампир. Қариб кетибди, соchlари тўкилиб, бошининг ярми яланючланиб қопти. Кўп ичадиган одамлардагина бўладиган захил бир бефайзлик зохир эди унинг юзларида. Кўзларининг таги салқиган, тишлари тамакидан жигарранг тусга кирган. У отаси ўтган уйда, тукқан онасига, жигарларига бегона бўлиб бепарво ётибди.

Саодат кампир уни чақалоқлигига худди шу супада бенникка белаб тебратарди. Уч ёшга киргунча шу супада бағрида олиб ётган эди. Бўрихон дўмбокқина бола бўлганди. Уни ёмон кўздан асрасин, деб кийимларига тумору кўзмунчоқлар такиб қўярди. Султонимга атаб унга кокил қўйганди. Олти ёшга тўлганда уни эр-хотин Туркистонга олиб бориб ҳазрат Яссавий мақбарасининг шайхига атаганларини бериб, кокилини кесдиришган, қўй сўйиб худойи қилишган эди.

Бўрихон у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Шундай... шунда унинг устидаги оқ чойшаб сирғалиб елкала-

ри, кўкси очилиб қолди. Кампир баданидан чаён ўрмалагандек сесканди. Ўзини орқага ташлади.

Бўрихоннинг бўйнидаги занжир учиди бут ялтиради. Кампирнинг кўзлари тинди. Бир дам уни шуур тарк қилди. Телбадек санчиб ўрнидан турдию айвон томонга чекинди...

Бўрихон армия хизматини ўтагандан кейин ҳам уйга қайтмади. Ўрмон ичкарисидаги қишлоқ бутхонаси қўнғироқчисининг эрдан колган қизига ошику бекарор бўлиб қолди. Қаллиғининг отаси, бошқа диндаги одамга қизимни бермайман, деб туриб олди. Қиз Бўрихонни христиан динига киришга унадди. Ишқ-мухаббатдан кўзини парда босган Бўрихон ҳеч иккиласмай рози бўлди. Уни черковда чўқинтиришди. Кейин черков оқсоқоли келин билан куёвга тож кийдириб, никоҳ ўқиди.

Ана шундан кейин Бўрихон хотини, қайнотаси билан ҳар куни черковга бориб чўқинадиган бўлди. Қайнотаси ўлгандан сўнг унинг ўрнига черков қўнғироқчиси қилиб қўйишиди. Нимаики иш бўлса, барини у бажарадиган бўлди. Пилиги сўхта бўлган шамларнинг учини қайчилайди, ёниб тамом бўлганларини алмаптиради.

1970 йилнинг кеч кузида бир мусулмон боласи диндан чиқди...

Оҳ, отагинаси тирик бўлганда шу супа устида болта билан чопиб ташларди-я! Кампир айвон томон тисарилаб борар экан, ана шундай ўйларди. У айвонга етолмай ҳушидан кетиб йиқилди. Қоракўз унинг атрофида улиб айланарди. Қумри ётган уйнинг эшигини тимдалаб, уни уйғотмоқчи бўлди. Қумри уйқусини бузган итни қарғай-қарғай ховлига чиқди. Қоракўз унинг этагидан тортиб, кампир ётган жойга судради. Қумри онасининг бехуш ётганини кўриб кўркиб кетди. Қариб, муштдеккича бўлиб қолган онасини даст кўтариб айвонга олиб чиқди. Бони остига ёстик қўйиб, сув ичирди. Елкаларини уқалади. Кампир кўзини очди. Ҳали тонг ёришмай туриб, Абдумалик машинада келиб акасини олиб кетди. Унга Тошкентнинг мустақилликдан кейинги манзарасини кўрсатмоқчи, Чорсу бозоридан унинг болаларига совфа-саломлар олиб бермоқчи эди.

Бўрихон учун Ўзбекистонда мустақиллик бўлдими, бўлмадими барибир эди. У ўзга юртнинг фукароси, ўзга эътиқоднинг сифидиси эди. Туғилган юрга муҳаббат туйфуси уни тарк қилганига кўп йиллар бўлган. Она

тили қадим-қадим замонлардаёк унутилиб кетган Шумер тили қатори туманлар орасида қолиб кетганди.

Эрталаб кампир хеч нарса бўлмагандек ўридан турди. Кумри караса, онасининг қолган кора сочлари хам бир кечада окариб, ажинлари кўпайиб кетибди.

Кумри онасининг нега бунака бўлаётганини билиб турарди. Боя акаси тонг ёришмай ҳовли этагидаги ёнфок тагида деворга қараб чўкинаётганини кўриб ҳайрону лол қолганди. Аёллар умуман титимсак халқ бўлади. Акаси Абдумалик билан ҳовлидан чиқиб кетгач, ичкари уйда турган чемоданини титкилади. Шунда сарик баҳмалга ўралган бир нарсага кўзи тушди. Ушлаб кўрди. Қутичага солинган нарса тўппонча эмасмиш, деб баҳмал туғуни ечиб каради. У христианларнинг муқаддас китоби Йинжил эди. Уни ушлаган кўллари қуяётгандек шошиб яна баҳмалга ўраб қўйди.

Кампир бомдод намозини ўқиётиб, ҳар саждага бош қўйганида жойнамозга кўз ёшлари томарди. У жойнамоз бурчагини қайириб, эрига атаб Қуръон тиловат килди. Баҳти чопмаган Кумрига бағишлаб шу фариштагинанинг йўлини оч, деб Аллоҳга илтижолар қилди. Фойибдан хозир бўлган ўғлининг номини тилга хам олмади.

Саодат ая шу боласига тўлғоқ тутаётганда офтоб чараклаб турарди-ю, ёмғир шаррос қуяётган эди. Деразадан ҳовлига қараб турган доя хотин: «Бўри болалаяпти», деганди. Шунинг учун хам ўғлига у Бўрихон деб исм қўйганди. Орадан эллик бир йил ўтиб, бу болани мен эмас, бўри туккан экан, деган хаёлга борди.

— Ойи, кийинасизми? Абдумаликнинг машинаси хозир келиб қолади. Ўғлингиз тайинлаб кетган.

— Ўзинг боравер, мен шу ерда қоламан, — деди кампир.

— Ахир, акам, кечқурун поездга чиқади. Хайрлашмайсизми?

— Ўзи келган, ўзи кетаверади. Машина келса, чемоданини ташлаб қўй. Бу уйга энди қайтиб келмасин, — деди кампир қатъий килиб.

— Ойижон-ей, жуда қаҳрингиз қаттиқ-да! Бугун кетади, қайтиб кўрамизми-йўқми, болам-бўтам, деб кузатиб қўя колсангиз пима килади-я! — деди зорланиб Кумри.

— Бу болани мен эмас, бўри туккан... Бир марта дадам қани, деб сўрамади-я! Қандоқ ота эди-я раҳматли.

Күчадан машина овози келди. Коракўз ўқдек отилиб чикиб кетди. Бир оздан кейин кампирнинг невараси Абдунабининг атрофида гир айланаб кириб келди.

— Ия, ҳали ҳам кийинмай ўтирибсизми? Уйимиз қарииндош-уруғларга тўлиб кетди. Дадамнинг ўртоқлари ҳам келишган. Кани, бўла қолинглар!

— Мен бормайман, — деди кампир. — Кумри боради. Чемодан ўлтурни ола кетинглар.

— Ия, қизик бўлди-ку! Амаким бугун кетадилар-ку!

Кампир иидамай уйга кириб кетди, кейин деразадан бошини чикариб:

— Сен боравер, болам. Мен билан ўтириб қон бўлиб кетдинг. Жигарларинг билан бирпас ёзилиб келасан, — деди Кумрига.

Машина кетди. Кампир хайҳотдек ҳовлида бир ўзи колди. Унинг қўксига аллақайдан келиб тушган бир парча муз кечадан бери эримай, вужуд-вужудини қақшатарди.

У уйга кириб тугун кўтариб чиқди. Ундан Бўрихоннинг гўдаклигида, болалигида кийган кийимларини олиб қаради.

Илгари кампир баъзи-баъзида бу кийимларни хидлаб йиғларди. Энди қўксидаги муз уни йиғлашга қўймади. У ҳовли ўртасига ҳазон тўплаб гугурт чақди. Гуриллаб ёнаётган гулханга Бўрихоннинг кийимларини бирма-бир ташлай бошлиди. Гулханда Бўрихоннинг болалиги ёнарди. Коракўз гулхан атрофида айланар, гоҳ аланга тафтинга чидолмай нари кетарди. Бир бўхча кийим зум ўтмай ёниб кулга айланди. Шамол кўйиндиларни ҳовлининг тўрт тарафига учирив кетди.

Кумрининг кўнгли бир нимани сездими, кўча бошига стмай машинадан тушиб қолди. Уйга келганда, онаси кафтини иягига тираб, қимирламай ўтирибди. Коракўз унинг хаёлларига шерик бўлгандек, у ҳам олд оёқларига даҳанини қўйганча қўзларини юмиб, қимирламай ётибди. Кумри у ёқ-бу ёкка қаради. Ҳовлидан куйган латта хиди келяпти. Кўпинилардан бирортаси эски-тускиларни ёндирияпти шекилли, деб ўйлади. Ҳовлиниң супрадек жойи корайиб қолганини кўриб ҳайрон бўлди. Яқин бориб қараса, корайган ерда болалар кўйлагига қадаладиган ўн-ён бешта қовжираган тугма сочилиб ётибди. Кумри нима бўлганини билди. Ичидан зил кетди.

— Ойи, — деди у, — нима овқат қилиб берай? Эрталаб ҳам ҳеч нарса татимадигиз. Бунакада толиқиб қоласиз-ку.

Кампир бошини сарак-сарак килди.

— Иштахам йўқ, болам. Ичим тўла муз. Танамга аста тарқаляпти.

Кумри кўркиб кетди.

— Кўп куйинманг энди, бўлар иш бўлди. Худонинг иродаси бу.

— Э, кизим-а, бола туғмагансан-да, билмайсан!

Кампир қизига ҳеч қачон «туғмагансан» деб айтмаган. Айтса, таъна килаётгандек бўларди. Қизининг шундок ҳам дарди ичида. Бу гапни бегона айтса чидаш мумкинлар. Аммо ўз онанг айтса, юрагингни кимга очасан?

Кумри онасиининг гапини малол олмади.

— Фарзанд доғи ёмон бўлади, болам.

— Ахир акам тирик-ку, шукр қилмайсизми?

Кампир унинг гапини чўрт кесди:

— У йўқ энди!

Кампир сўзини охирига етказа олмай ёнбошига бешхуш ийқилди. Коракўз безовталаниб сапчиб туриб кетди. Кумри онаси билан овора эди. Ҳовлига маҳалла мачитининг имом-хатиби билан мутаваллиси кирди. Кампирнинг ахволини кўриб, бир-бирига қараб олишди.

Эшик тақиллади. Коракўз дарвоза томон югурди. Кумри онаси билан овора эди. Ҳовлига маҳалла мачитининг имом-хатиби билан мутаваллиси кирди. Кампирнинг ахволини кўриб, бир-бирига қараб олишди.

— Кизим, — деди мутавалли, — бемаврид келиб копмиз. Онахондан суюнчи олмоқчи эдик.

Улар айвон олдига келишди. Сўнгги нафасини олаётган кампирга:

— Онажон, кеча муборак ҳаж сафаридан қайтдик. Сизнинг ҳажингиз қабул бўлди, — дейишиди.

Имом-хатиб Саодат аянинг «Хожи бадал» бўлгани тўғрисидаги ҳужжатни узатди. Кампир кўлини кўтара олмади. Кўзини аранг очиб, ўзингта шукур, Аллоҳим, дея олди, холос. У қизига бир нима демокчи бўлган эди, тили калимага келмади.

Кумри унинг нима демокчилигини билди. Югуриб уйга кирдию иккита охорли тўён кўтариб чиқди.

— Ойим шу кунга атаб саклаб юрган эдилар.

У шундай деб икковининг елкасига тўён ташлади.

Кампир икки кун шу алпозда ётиб, сал ўзига келгандек бўлди. Тилга кирди.

Аслини олганда, унинг умри тугаган эди. Бу хушхабар унинг тугаб бораётган умрига умр улаган эди. Бу хол шамнинг ўчиш олдидан бир лоп этишига ўхшарди.

— Укаларингни, сингилларингни чакир! Васият килиб

қўйай. Сен қўрқма, қизим. Ўлим ҳақ. Бу жон дегани Аллохнинг тандаги омонати. Ундан қочиб қутулиб бўлмайди. Пуф этади-ю, чиқади-кетади.

Кампирнинг болалари етиб келишиди. Қумри онаси-нинг орқасига ёстик қўйиб берди. Катор ўтирган болаларига, невараларига қарап экан, кампир мамнунлик билан:

— Худога шукр, тобутим олдида борадиган ҳассакашларим кўп экан, — деди. — Эшитинглар, болала-рим. Абдумалик, энди буларга сен ота ўрнида оталик қиласан. Қумри, қизим, энди сен менинг ўрнимга кола-сан. Абдунабини шу ховлида уйлантирглар. Йилимни кутиб ўтирамай тўй қиласверинглар. Шундок қилсаларинг, арвоҳим шод бўлади. Абдунаби келин билан Қумрининг олдида қолсин. Шу уй уники. Онам гўрида типч ётсин, десанглар Қумрини асло ёлғизлатиб қўйманглар.

Кампирнинг лаблари қуруқшади. Қумри пиёладаги сувга пахта ботириб оғзига томизди.

— Шошиб турибман, болаларим. Мени оталаринг ол-дига олиб кетишга келишияпти. Энди буёғини эшитинглар. Ҳамма тадоригимни кўриб қўйганман. Йилим ўтгунча бўладиган маросимларга етарли пулни Қумрига бериб қўйганман. Қизим, қулогимдаги зирагимни, маҳси-кову-шимни фассолга бергии. — У эндиги айтмокчи бўлган гапидан ийманди шекилли, жилмайди. — Азага келган хотинлар олдида хунугум чиқиб ётмайин, қопимга ўсма...

Кампир шу жилмайганча ичидаги муз эримай осонги-на жон берди.

Ховлига тумонат йифилди. Унга «Ҳожи она» деб жа-ноза ўқишиди. Тобутни кўтаришаётганда Коракўзни қаб-ристонга бормасин, ёмон бўлади, деб қўшнининг ҳужра-сига қамаб кетишиди.

Кампирнинг кирки ўтгандан кейингиниа ховлидан одам оёғи товсилди. Эгаси кетиб файзи йўқолган ховлида Қум-ри ва Коракўз мунғайиб қолишиди.

Бир кун Коракўзning мижжаларида ёш кўриб Қум-рининг юраклари эзилиб кетди. Коракўзга қўшилиб у ҳам йиглади. Аста қўл юбориб, унинг бошларидан сила-ди. Оддин бу итни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Неча марта косов билан урган. Оёғи остида ўралашганда те-ниб юборган. Коракўз ҳам уни унчалик суймасди.

Ана энди икки мунглиғ бир-бирига қараб юм-юм ёш тўкишияпти.

Коракўз энди кечалари дайдиб кетмай қўйди. Ҳар куни хали тонг ёришмай туриб (кампир бомдодга турганда) уйғониб кетарди.

Кампирнинг болаларидан иккитаси Тошкентда, биттаси Чирчиқда, иккитаси Кибрайда яшайди. У тонг отгандан то кун ботгунча ҳаммасининг уйнга борарди. Кампирни тополмай, хориб-чарчаб қайтиб келади.

Бугун ҳам тонг саҳардан Коракўз чикиб кетди. Пилдираганча Чирчик томонга йўл олди. Кимёгарлар шаҳарласида кампирнинг кенжা кизи туради. Ўғли магнитофон жининиси. Ҳамманинг овозини тасмага ёзиб юради. Шу йил баҳорда бувисининг овозини ҳам билдирумай ёзибди. Ўшанда кампир супада ўтириб, аллақаёкларда дайдиб келган Коракўзга танбех бераётган эди.

Коракўз Кимёгарлар шаҳарласининг энг чеккадаги «дом»га етиб келганда кампирнинг невараси шиша бапкада сут олиб келаётган эди. Коракўз унга думини ликиллатиб ялтокланди. Унга эргашиб учинчи қаватга чикди. Уйга кирмай қайтиб тушди. Бир оздан кейин кампирнинг овози эшитила бошлади. Коракўзининг қулоғи динг бўлди. Яқин икки ойдан бери йўқотган қадрдон кишисининг овозини эшитиб йиғлаётгандек ғингшиди. Коракўз учинчи қаватга отилиб чиқди. Эшикни тимдалаб вовуллади. Яна қайтиб тушди. Болохонага қараб вовуллайверди, вовуллайверди...

Магнитофондан кампирнинг овози келарди.

«Коракўзгина, қаёкларда санқиб юрибсан? Ҳеч уйда ўтирасами-йўқми? Корнинг ҳам очгандир? Тентаккина. Гапимга қулоқ сол, нега беозор мусичани кувасан?..»

Коракўз акиллар, ери тимдалаб оркасига тупрок отарди. Шу ховлида кеча тўй бўлганди. Ширақайф йигитлар микрофонни баланд қўйиб, ҳеч кимни ухлатмаган эди. Уйқуга тўймаган одамларга тонг маҳали акиллаётган итнинг бу килиғи малол келарди. Қутурган бу ит қаёқдан пайдо бўлди, уни йўқотиш керак, деб ўйлашарди.

Коракўз одамларни жонидан безор килиб, тинмай вовуллар, у ёқдан-бу ёққа югуриб, акиллагани акиллаган эди.

— Дайди итларни тутадиганларни чақириш керак, — деди биринчи қават болохонасига чойшаб ёпиниб чиқкан касалманд бир киши.

— Қутурган бу, болаларни тишлиб олмасин-да! Уни отиб ташлаш керак! Хой, кимнинг мильтифи бор? — деб асабий кичкирди учинчи қаватдан биттаси.

Кампирнинг овози ҳамон эшитилиб турибди. Коракўз акиллашини кўймайди.

Шу пайт тўртипчи қаватдаи кимдир варанглатиб ўқ узди. Коракўз вангиллаб ёнбошига ағдарилди. Орқа оёгини бир-икки силкитиб жимиб қолди.

Магнитофон тасмаси ҳамон айланарди.

«... Коракўз ўлмагур, Мажнунгина, яна қаёққа кет-япсан? Машуқаларинг олдигами? Келинни қачон кўрса-тасан? Лайлингни бир олиб кел, кўрай...»

Коракўз кампирнинг овози келаётган болохона то-монга юзини бурганча жонсиз ётарди.

1999 йил, январь

## САРОБ

*«Ота қаргиши мисоли ўқ — у охиратда эмас, шу дунёнинг ўзида нишонга тегади».*

(Бухоролик 100 йил яшаган темирчи Усто Амин бобонинг ўгитларидан)

Бугун лагеримизга янги маҳбусларни олиб келишиди. Кўрининшидан уларни янги деб бўлмасди. Эгниларидаги кийимларига, елка ва тиззаларидаги рақамларга қара-ганда, кўп йиллардан бери лагердан-лагерга кўчиб юрган дайди маҳбуслар эканини дарров пайқаш мумкин эди.

Одатда, янги келган маҳбусларнинг оёғида янги этик, янги ботинка, эгнида оҳори тўқилмаган костюм ё гимнастёрка бўларди. Лагеримизнинг блатной-зўравонлари уларнинг эгнидаги кийимларни кўришлари биланоқ ўзаро тақсимлаб олардилар. Орадан бирон хафта ўтиб, ўша кийимларни блатнойларнинг эгнида кўрадик.

Бу галги этапда келганлар зўравонларимизга ёқмади. Ҳар бири ўн-ўн беш йиллаб СССРиning жамики лагерларида яшаб, кирриқ бўлиб кетган, наинки бирорвга ўз кийимини берадиган, аксинча, бирорларникини кийкиртириб счиб оладиган, бети қаттиқ маҳбуслар эди.

Солдатлар, лагер назоратчилари уларни битта-битталаб санаб, ювилавериб ранги уннишиб кетган кулранг курткаларидаги, шимларидаги рақамларни текшириб ўтказа бошлидилар. Шунда маҳбуслардан биттаси менга жуда таниш туюлди. Унинг ғамгии ва лекин лоқайд кўзлари... Каерда кўрганман уни? Таниш, жуда таниш!

Олди тиканли сим билан түсилган баракда янгиларни бир неча кун карантинда саклайдилар. Ҳозирча уларни бошқа маҳбусларга қўшмайдилар. Овқатни ҳам пакирда обориб берадилар.

Баҳорнинг илиқ-иссиқ кунлари эди. Янгилар яланғоч бўлиб барак олдиаги майдончада чалқанча ётиб, баданларини офтобга тоблардилар. Улар Шимол лагерларида ойлаб офтоб кўрмай, ранглари синиқкан кишилар эди. Уларни бир-икки ойгина ёз бўладиган, офтоб эса туман орасидаи худди дока орқасига ёқилган шамдек хира кўринадиган, бизда баҳор офтоби чараклаб турган шу кезларда ҳам киш бўронлари увиллаб турган жойлардан олиб келишган. Бу маҳбуслар учун Жезқозғон энг яхши курортлардан ҳам афзал эди. Яланғоч ётганларнинг баданида игна санчиб ёзилган сўзлар, турли шармсиз сувратлар, бирида «тукқан онамини унутмайман» деган ёзув бўлса, бошқасининг кўкрагида карта, аёл кишининг расми билан бир шиша ароқ тасвириланган. Тагида: «Мана шулар бизни хароб килди», деган ёзув бор. Деярли кўпчилигининг кўксидаги яланғоч аёлларининг турли ҳолатдаги сувратлари бор эди. Бу манзара қамоқхонадаги «рассом»ларнинг асарлари намойиш қилинаётган кўргазмага ўхшарди.

Менга таниш туюлган маҳбус эса негадир ечинмай, кийим-боши билан офтобда ётарди.

Ким у? Кўзимга жуда иссиқ кўринияти. Бориб ўзидан сўрасаммикан? Бунинг имкони йўқ. Соқчилар, назоратчилар уларга яқин йўлатмайди.

Мендан сал нарида ёши етмишлардан ошган, умрининг ўн беш йилдан ортиғини лагерларда ўтказаётган Олимжон домла ҳам уларга маъюс қараб турибди.

Домла ғалати одам эди. У ҳеч ким билан сирлашмасди. Бирорга на дардини айтарди, на кувончини. Кўпчилик уни орқаворотдан «инدامас домла» деб атарди. У яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам бирдек локайд эди. Аммо унинг ҳозирги ҳолати бошқача. Офтобда яланғоч ётганларга қараб ичи ёниб, куйиб, ўртаниб кетаётгани шундокқина билиниб турарди. Зимдан унга кўз ташлайман. Уни ҳеч қачон бундай алпозда кўрмагандим. У йиғларди. Кўзларидан оқкан ёш соқолларига томарди. Домла кимирламас, ҳар киприк коққанда мижжаларида тўпланиб қолган ёш дув тўкиларди.

Назоратчи келиб сим тўсикнинг бериёғида тўпланиб қолган томошабин маҳбусларга, кетинглар, деб буюрди.

Махбуслар нари кетиши. Домла ҳам ёшли кўзларини кафтига артиб, бошини эгганича кетди.

Мен лагерда рассом эдим. Бир вактлар рассомлик мактабида ўқиганим яшаш, ишлаш қийин бўлган бу жойларда аскотди. Вазифам — махбусларнинг кийимларига ракам ёзиш, жез конида ишлаб қайтган бригадаларнинг канча руда қазиб чикарганини катта-катта плакатларда акс эттириш ва уларни лагернинг кўринарли жойига илиб қўйиш эди.

Тушликдан кейин устахонамга бош назоратчи бир қоп кийим олиб келди-да, шуларга то кечки овқаттагача ракам ёзиб, тайёр қилиб қўйишимни буюрди.

Бу янги келганларга бериладиган кийимлар эди. Шимларининг чап тиззасидан юкориси, курткаларнинг елкасидан пасти совун қутисича келадиган жойидан қайчидан қийиб олинган. Устидан оқ латта тикиб қўйилган эди. Агар махбус ракам ёзилган латтани олиб ташлаб қочиб кетса, кидирувчилар кийимидаги қийиб олинган жойидан билиб оладилар. Шу латталарга махбусларнинг ракамини ёзишим керак. Ракам офтобда ҳам, қор-ёмғирда ҳам ўчмайдиган қора лак билан («Кузбас лак» билан) ёзилади. Лак совуқда тошдек қотиб қолади. Новвойхонадан тошкўмир чўғини куракчада олиб келиб, лак солинган банкани унинг устига қўйдим. Лак эригандан кейин боя назоратчи бериб кетган рўйхатга қараб, ракамларни ёзишга киришдим. Рақам ёнига махбуснинг исм-фамилияси қайд этиб қўйилган эди. Ўн еттинчи курткага ракам ёзмоқчи бўлиб рўйхатга қарадиму хайратдан ёканини ушладим. «ЁЕ3781» раками ёнига «Кимсанбой Ёлқинов» деб ёзиб қўйилган эди. Эрталабдан бери хаёлимдан кетмаётган «ким у» деган жумбок ечилган эди.

Олисда қолган беозор, шўх, ерга урса осмонга сакрайдиган тизгиниз болалигим, тезроқ катта бўлиб, азиз ва жонажон Ватанга хизмат қилиш, «халқлар доҳийси, улуғ ва меҳрибон отамиз Сталинга содик бўлиш» орзуси юрак-юракларимизда жўш урган қайноқ ёшлигимиз кўз ўнгимдан чакмоқдек бир ялт этиб ўтди.

Кимсанбой! У бизнинг болалардан чиққан қаҳрамонимиз эди. Ўттизинчи йилларда унинг суврати газеталардан тушмасди. Мактабларда, пионер уйларида, истироҳат боғларида, ёшлар лагерларида одам бўйи қилиб чизилган сувратлари бир қараща кўзга ташланадиган жойларга илиб қўйиларди. Ва суврат тагига: «Пионер! Қаҳрамон Кимсанбой Олимжоновга салют бериб ўтишни

унутма!» деб ёзиб қўйиларди. Бутун Ўзбекистон болалири ундан ибрат олишига, у адо этган ватанпарварлик жа-соратини такрорлашга қасамёд қилишарди.

Унинг отаси Олимжон Раҳмонов район маориф бўлимининг мудири эди. Тарих билимдони бўлган бу одамни райондаги жами тарих ўқитувчилари устоз деб атардилар. Ҳатто уйига ҳам келиб, ундан Туркистон тарихи бўйича билмаганиларини сўраб билиб олардилар. Унинг уйида китоб кўп эди. Алоҳида битта уйдаги токчаларга жуда ноёб китоблар териб қўйилган эди. Домла бу китобларни бирорларга бермасди. Зарур бўлса, шу ерга келиб ўқишгагина рухсат берарди. Амир Темур, Мирзо Бобур, Наршахий, Форобий, Шарафиддин Али Яздий, Нажмиддин Кубро, Ал-Беруний, Ҳожа Ахрор, Аҳмад Яссавий каби алломаларнинг ўтган асрларда хаттотлар томонидан кўчирилган ноёб кўллэзмаларини Домла кўз корачи-фидек асрарди. Кечалари еттини лампа ёруғида тоинг отгунча мутолаа қиласарди.

Кўпингча Домланинг уйига кекса зиёлилар тўпланиб, тарихда ўтган ўзбек мутафаккирлари тўғрисида сухбатлар қилишарди. Йиғилганлар Олимжон домланинг билимига, билағонлигига қойил колардилар. Сухбат ўз-ўзидан ота-боболари Шахрисабз барлосларидан бўлган буюк шоир Мирзо Абдулқодир Бедилга бориб тақаларди. Бедилхонлик бошланарди, кўпланиб Бедилнинг сирру сеҳрга тўла ғазалларининг мағзини чақишига киришиб кетардилар. Албатта, Олим домланинг талқинлари ҳаммани лол қолдирарди. Ўшандай сухбатларнинг бирида гап айланиб Фузулийнинг битта ғазалига бориб қадалди. Мехмонлардан бирори Фузулий ҳам ўзбеклар орасида Навоий даражасида машҳур эканини, унинг кўп ғазалари ўзбек хофизлари томонидан қўшиқ қилиб айтилишини гапириб колди.

— Домла, Фузулийнинг бир ғазали бор, мағзини сира чаколмадим. Кўп билимдонлардан сўраганимда тайинли бир жавоб беролмадилар. Шу тўғрида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

Олимжон домла нариги хонадан Фузулийнинг девонини олиб чиқди. Кўзойнак такиб, дўстининг тиши ўтмаган ўша ғазалини топди. Чирокқа солиб, икки-уч марта ўқиди.

— Хўш, қайси жойига тушунмадингиз? — деб сўра-ди дўстидан.

— Фузулий шундай деб ёзади: «Фамларим шунча кўпки, түянинг устига ортсам, зиндонга ташланган кофирлар озод бўлади». Хўш, нима учун озод бўлади? Тушунмадим.

Домла ўйланиб қолди. Дарҳақиқат, түянинг устига фам юкини ортса, нега кофирлар озод бўлади? Домла кўп ўйлади. Кейин бошини кўтариб меҳмонларга каради.

— Гап бундок. Бу сирнинг маънисига етиш учун Фузулий яшаган даврга мурожаат қилиш керак. Ўша даврдаги ривоятларни, мақолу маталларни, ҳатто қўшикларни хам билмоқ керак. Бир ривоятда одамлар Аллоҳдан, эй тангри, зиндоңда ётган кофирлар качон озод қилинади, деб сўрабдилар. Аллоҳ, тия игнанинг тешигидан ўтгандагина кофирлар озод қилинади, деб жавоб килган экан. Фузулий ана шу ривоятини ғазалига асос қилиб олган. Яъни: «Менинг фамларим шунчалик кўпки, түянинг устига ортсам, кўтаролмай, озиб, индек бўлиб қолади». Ипдек озиб қолган тия игнанинг тешигидан бемалол ўтиши мумкин. Демак, кофирлар зиндоңдан озод қилинади.

Домланинг бу кадар билимдонлигига қойил қолишди, тахсинлар ўқишиди.

Домланинг бўйига стиб қолган эгизак қизлари бор эди. Шу эгизаклардан кейин қўрган болалари турмади. Бир ёшга тўлар-тўлмас вафот этавердилар. У хар гал ойкуни яқин қолган хотинининг дўппайиб қолган қорнига қараб: «Кимсан, ўғилмисан, қизмисан?» деб куларди. «Агар қиз бўлсанг, отингни Кимсаной қўяман, ўғил бўлсанг, Кимсанбой қўяман», дерди ширин бир энтикиб. Хайрият, ўғил туғилди. Оти Кимсанбой бўлди. Шу бола ўи икки ёшга кирди. Бешинчи синфда ўқийди. Домла китоб титиш билан овора. Тоиг отгунча ўтириб, нималарнидир ёзади. Ёзган мақолалари «Маорин ва ўқитувчи», «Маданий инкилоб» газеталарида бот-бот босилиб туради.

Кимсанбой мактабда фаол пионерлардан. У Ленин, Сталин тўғрисида ёзилган шеърларни ажиб бир маҳорат билан декламация қилади. Уни район, ҳатто вилоят миқёсида ўтадиган тантанали йиғиниларга, слётларга, ўқитувчиларнинг конференцияларига чакириб, шеърлар ўқитишади. Олимжон домла унга, болам, бунака хавоий ишларга жуда хам берилиб кетма, ё артист бўлмоқчимисан? Яххиси, дарсингни тайёрла. Жамоат ишлари дарсдан кейин бўлсин, деб насиҳат қиларди. Бир хонада домла қалам китирлатади, Кимсанбой бошқа хонада хар хил

ҳаракатлар қилиб, баланд овоз билан шеър декламация килади.

Бир куни мактаб директори уни дарс пайтида идорага чақыртирди.

Директорнинг кабинетида нотаниш одам ўтиради.

— Бу ўртоқ сен билан гаплашгани келганлар. Сизларни холи қолдирман, гаплашиб олинглар, — деб директор чикиб кетди.

Нотаниш одам гапни нимадан бошлишни билмай, бирпас унга тикилиб ўтирди. Кейин портфелидан газета олиб унинг олдига қўйди. Бу Москвада чикадиган «Пионерская правда» газетаси эди.

— Иккинчи сахифадаги мақолани яхшилаб ўқиб чиқ, — деди у, — сувратга ҳам яхшилаб қара. Қахрамон пионер Павлик Морозов шу бўлади.

Кимсанбой ўрисчани дуруст билмасди.

Павлик Морозовни ҳалқ душманлари вахшийларча ўлдиришиган. У ватанга содик, Ленин-Сталин ишига ҳаётини бағишлаган замондошимиз. Унинг отаси ҳалқ душманни, Шўро тузумини ағдариб ташлашни инят қилган. Павлик ўша душманнинг сирини фош этади. Ҳозир Шўролар жумҳуриятининг ҳамма жойида Морозовчилик ҳаракати бошлиниб кетди. Ёш ватанпарварлар ички душманларни фош қилиш учун қасамёд килмоқдалар. Сен ҳам шу ҳаракатга қўшилишинг керак. Бу сенинг муқаддас бурчинг. Биз айтган ишларни бажарсанг, сени Бутуниттифок пионерларининг «Артек» номли лагерига юборамиз. Фаол пионерларининг Москвада бўладиган слётида ҳам қатнашасан. Ўша ерда буюк устозимиз, доҳиймиз Сталинни кўрасан.

Кимсанбойнинг кўзлари яшнаб кетди. «Муқаддас пойтахтимиз улуғ Москвани, тирик доҳийни кўриш, Қора деңгиз соҳилидаги жаҳон болалари дам оладиган лагерда шоҳсупага кўтарилиб шеър ўқиб берса борми!..» Кимсанбой шопиб қолди.

— Мен нима иш қилишим керак?

— Аввало, ўртамиизда бўлиб ўтган бу сухбатни бировга айтмасликка сўз берасан. Бундан кейинги сухбатларимизни ҳам сир сақлайсан. — Ў шундай дея туриб, портфелидан бир варак қоғоз олиб унга узатди. — Бунга имзо чекиб бер. Аввал ўқи, кейин имзо чек.

Қоғозга шундок сўзлар ёзилган эди:

«ТИЛХАТ. Менким, Кимсанбой Олимжон ўғли ГПУ ходими М. Мансуров билан бўлган сухбатимизни биров-

га айтмайман. Отам Олимжон Раҳмоновнинг хатти-харалатларини кузатишга сўз бераман. Уйга келадиган меҳмонлар билан нималар тўғрисида гаплашганини ёзib бераман. Агар бўлиб ўтган гапларни, отам ҳакида тўпланган маълумотларни бирорга айтсан, жиноят кодексининг тегишли моддаси бўйича жазоланаман».

— Ўқиб бўлдингми? Энди имзо чек!

Кимсанбой ўйлаб ўтирумай тилхат остига имзо чекди.

— Тилингга эҳтиёт бўл. Отанг ҳакида ёзив қўйган хатларни ҳар хафтанинг душанба кунлари ўзим келиб, шу ердан олиб кетаман. Агар бирорга айтсанг, ё отангга билдиранг, худди Павлик Морозовдек ҳалок бўласан. Янаги келишимда, агар айтганларимни уddaласанг, вилоят пионер ташкилоти сени қўл соат билан мукофотлади, билдингми?

ГПУ ходими Мансуров ҳар душанба куни мактабга келар, Кимсанбой ёзив қўйган маълумотларни ўқиб кўргач, бошқатдан ёздиради.

— Керакли гапларни ёзиш керак. Фактларга сиёсий тус беришни ўрган! Бобокалон дохиймиз Карл Маркс: «Дин ҳалқ учун афюндири», деган. Уйимизга келган меҳмонлар Аҳмад Яссавий деган реакцион диндор шоирни кўкларга кўтариб мақташди. Ҳалкин асоратга соувучи шеърларини ўқнишди, деб ёзиш керак. Алишер Навоий «Хамса»ни, «Чор девон»ни ёзганда Пушкиннинг ҳабаш бобоси Ўрта Ер денгизининг жанубий кирғоқларида чиганоқ териб юрарди. Мирзо Улуғбек Самаркандда Расадхона барпо этган пайтларда ўрислар хоҳолларнинг малайи эди, чипта ковуш кийиб юришарди, деган гапларни айтишди, деб ёзгин!

— Бунака гапларни энди сиздан эшишиб турибман...  
Қайдоқ қилиб ёлғонни ёзаман?!

Бирдан Мансуровнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ёзавермайсанми, тирранча! Айтмаган бўлишса, энди айтишади! Ҳалқ душманлари хамма гапларни бирдан айтиб қўя қолишмайди. Улар ниҳоятда пиҳини ёрган, ниқобланган ёвларимиз.

Кимсанбой бир хафта мобайнида жонини жабборга бериб тўпланган маълумотларни қайтадан Мансуров айтгандек қилиб ёзди. Тагига имзо чекди.

— Ҳа, балли! Мана шунақа қилиб ёзиш керак. Менга қара, вилоят пионер ташкилоти сени қўл соати билан мукофотлади. Ма, тақиб ол! Эҳ-хе, сени ҳали қанча мукофотлар кутяпти!

ГПУнинг пионер ташкилоти номидан берган соатини Мансуров Кимсанбойниң билагига тақиб кўйди.

Кимсанбой ўзида йўқ шод эди. Эртага болаларниң кўзини ўйнатиб тақиб юраман, деб қувончици ичига сифира олмай, Мансуровга миннатдорчилик билдириб, у билан хайрлашиди. Мансуров кетар чоғида: «Қанақа ёзишини билиб олдинг-а?» деб эслатиб кўйди.

Бу хил маълумот ёзишлар уч ойдан ортиқ давом этди. Бу орада «пионер ташкилоти» Кимсанбойни велосипед билан ҳам мукофотлади. Ўша ойнинг охирларига бориб Кимсанбой Бутуниттифоқ пионерлари слётида қатнашиши учун Москвага кетди. Ўзбекистондан Кимсанбойга ўхшаган «Морозовчи»лардан яна ўн бир бола бор эди. Слёт қатнашчиларидан ўн етти нафар бола «Хурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. Улар орасида Кимсанбой Олимжонов ҳам бор эди. Кимсанбой Иттифоқ оқсоқоли Калинин қўлидан орден олар экан, президиумда қарсак чалаётганлар орасида «буюк доҳий, ҳалқлар отаси Сталин»га кўзи тушибди. Ўзини тутолмай хўнграб юборди.

У Москвадан қайтиб келганда дадаси йўқ эди. Олимжон домла билан яна етти ўқитувчи қамоққа олинган экан.

Улар нима гуноҳ килган эканлар, деб хайрон бўлган одамлар газетада босилган «Маорифга уя қурган қузфунлар» номли мақолани ўқиганларидан кейин нима гаплигини билдилар. Бирор: «Буни қаранглар-а, домла тун-па-тузук одам эди, одамнинг оласи ичиди, деганлари бе-жиз эмас экан», деса, яна бирори: «Пухта никобланган, айёр одам экан», дейди. «Кингир ишининг қийифи кирк йилдан кейин ҳам чиқади, ҳушёр бўлиш керак, бунақалардан ҳали орамизда кўп бўлиши мумкин», дейдиганлар хам бўлди. Дунёниң ишлари хўп қизик-да, ота — сотқин, боласи — чин ватанпарвар!

Кимсанбойни икки марта терговга чақириб, отаси билан юзлантирилар. Олимжон домла бу ишларда ўғлиниң ҳам қўли борлигини билмасди. Юзма-юз пайтида Кимсанбой айтган гапларни эшитиб, ёқасини ушлади. Терговчининг: «Шу гаплар ростми? Тасдиқлайсизми?» деган сўроғига жавоб бермади. Пешонасига шапиллатиб уриб: «Э-э, аттант, аттант! — дея ўғлиниң бетига қараб: — Илоё, жувонмарг бўл! Умринг хор-зорликда ўтсин! — деб юзига фотиха тортиди.

Москвадан «Тройка» Олимжон домлани ўн беш йилга ҳукм қилгани тўғрисида қоғоз келди.

Орадан саккиз йил ўтди. Кимсанбой йигирма ёшга тўлди. 1942 йили армия сафига чакирилди. Кишлоклардан фронтга кстаётганиларни тантанали кузатиш маросимига юздан ортиқ комсомол аъзолари тўпланди. Бўла-жак жангчилар номидан «Хурмат белгиси» ордени ишондори Кимсанбой Олимжоновга сўз берилди.

— Мен ҳаёт-мамот жангига кетяпман. Халқ душманининг ўғли бўлиб эмас, асл ватанпарвар, дохий Сталин фарзанди бўлиб урушга кираман. Бугундан бошлаб фамилиям Олимжонов эмас, Ёлкинов бўлди. Кўксимда буюк Сталин билан жангга кираман! — У шундай деб кўйлаги ёқасини ечиб юборди. Унинг кўксисида игна санчиб ишланган Сталиннинг суврати бор эди. — Улуг дохий жангда менга мададкор бўлади, — деб сўзини тутатди Кимсанбой.

Карсаклар янгради. Олқишилардан маст бўлган Кимсанбой кўксини очганча тантанавор илжайиб турарди...

Шу тобда камоқхонанинг кулранг курткасига «ЕЕ3781» ракамини ёзар эканман, кўзларимга ишонмай, ракам ёнидаги фамилияга яна бир марта қарадим. Адашмабман. Унга «Кимсанбой Ёлкинов» деб ёзилган эди.

Боя офтобда ётган маҳбусларга қараб юм-юм йиглаётган Олимжон домла — Кимсанбойнинг отаси. Кийимини ечмай ётган, боши бир томонга қийшайган маҳбус — собик қаҳрамон пионер Кимсанбой Олимжонов эди.

Олимжон домла ўғлини таниди. Аммо Кимсанбой отасини танимади.

Орадан беш-ён кун ўтиб яиги маҳбуслар карантиндан чиқди. Уларни учта-тўрттадан қилиб баракларга жойлаштиришди. Очик конда портлатилган руда харсангларини вагончаларга ортадиган бригадаларга қўшиб юбошидди.

Кимсанбой лагернинг ўзида — «зона»да қолдирилди. Чунки унинг ўнг кўли синиб, қийшиқ битиб қолган. Юрганда боши у ёқ-бу ёққа оғиб кетаверади. Кўзи ҳам хираланишган. Олдида турган одам туман орасидан кўринаётганга ўхшайверади. Лекин эшитиш қобилияти жуда кучли.

Янгилар келгандан кейин лагердаги маҳбуслар ҳаёти бирдан ўзгариб кетгандек бўлди. Ҳаёт ҳаёт экан-да. Маҳбуслар ҳар қандай азоб-уқубатлар ичida ҳам, эртага уларни даҳшатли фожиа кутаётганини сезганда ҳам яшаш тарзини ўзгартирмайди. Оғир, жуда оғир меҳнатдан толикиб келиб, тўрт кошиккина сули бўтқани еб олиб,

баракда ўринга ечинмай ётиб ором олади. Назоратчи маҳбусларни санаб, баракни устидан кулфлаб қўйгандан кейин бир дамгина асил инсонликка қайтгандек бўладилар. Бу барак уларниг дахлсиз ватани, уйи, ҳовлиси бўлиб туюлади. Бунда уят, жуда уят латифалар айтилди. Барак деразалари кулгидан зириллаб кетади. Бунда маҳбуслар хаёлларига эрк берадилар. Бошларидан ўтган воқеаларни сўзлаб берадилар. Айтаётган саргузашлари, албатта, ёлғон гаплар. Ҳеч ким ёлғон айтяпсан, демайди. Ёлғон бўлса ҳам қизик бўлса бас.

Бири профессорнинг ўғлимани, деб Большой театрнинг ёш бир раққосасини йўлдан урганини, жуда озғин экансан, деб эрталаб уйидан хайдаб юборганини худди рост гапдек ҳаяжон билан айтиб беради.

— Шу десангиз, — деб гап бошлайди яна бири, — СИБЛАГалик пайтимда жуда бадтарин, жоҳил бир началнигимиз бўларди. Бир кўзи шишадан эди. Жаҳл билан столни муштлаганда шиша кўзи отилиб чиқиб столга, ундан сакраб ерга тушарди. Шиша кўзни кўпчилик бўлиб излаб тупроқдан топиб, ювиб берардик. Бир куни кўзи отилиб ерга тушганда билдиrmай бир тепган эдим, руда олиб кетаётган транспортёр лентасига бориб тушди. Руда билан вагонга тўкилди. Буни ҳеч ким сезмади. Ўша куни кечгача эллик кини кўзни қидиршди. Топилмади. Началник янги кўз буюртма қилиш учун Москвага кетди. Бир ой йўқ бўлиб кетдию янги кўз билан келгунча отпускага чиққандек яйраганмиз, — дея ғурур билан фирт ёлғон хикоясини кула-кула тутатади.

Яна бири «Оғонёк» журналида босилган чиройли бир йигитнинг сувратини қийиб олиб, машхур киноактрисага ўлдим-куйдим деб ёзган хатига қўшиб жўнатганини, актрисадан «иккинчи бунака аҳмоқлик қилманг, бу ўз эримнинг суврати-ку» деган жавоб олганини айтганда барак ичи, бомба портлагандек, кулгидан ларзага тушганди.

Янгилар келгандан кейин бу кулгилар, бу хил кувнок сухбатлар бархам топганди. Бунга сабаб — янгилар асосан «сексотлар», «стукачлар» эди («сексотлар», «стукачлар» маҳбуслар тўғрисида бошликларга яширинча маълумот бериб турадиганлар).

Янги келганлар ичидаги зўравонлар «маҳаллий» зўравонларнинг кўзини очирмай кўйди. Улар ошхонага бориб, кўпчилик билан овқатлангани ор қиладилар. Бизнинг зўравонларимиз уларга овқат ташиб, қўлини артишга сочиқ тутиб турадилар. Қариндошларидан посил-

ка олганлар куруқ қўл билан қолаверадилар. Тукқан онаси пишириб юборган тансик ширинликлар ҳам ўша зўравониларнинг насибаси бўлиб қолганди.

Сексотларни, стукачларни бир лагерда узок ушлаб турмасдилар. Уларнинг айғоқчилиги очилиб қолиши билан бошқа лагерга жўнатардилар. Агар жўнатмасалар, маҳбуслар уларни албатта ўлдириб юборардилар.

Кимсанбой ҳам фаол сексотлардан эди. Воркута лагерида маҳбуслар уни уриб, маълумот ёзадиган ўнг қўлини тирсагидан синдиришган эди. Балхаш лагерида орка миясининг пастига, қок энсасига белкуракнинг сопи билан уриб, чукурга ташлаб кетишган. Соқчилар унинг додлаган овозини эшитиб, чукурдан чиқариб олишган. Ана шундан кейин унинг ўнг қўли тирсагидан қотиб, боши гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ўзидан-ўзи бурилиб қоладиган, соғ қўли билан тўғрилаб, олдинга қаратиб қўйса, боши мусичанинг калласидек олд-орқасига силтаниб, бориб-келаверадиган бўлиб қолганди.

Июль ойининг охиirlарига бориб ҳаво ниҳоятда исиб кетди. Дараҳтсиз, гиёҳсиз, тупроғига мис қукуни аралашган ер қиздирилган товадек бўлиб, кирза ботинканинг таг чармидан ўтиб, оёқни куйдиради. Маҳбуслар баракларнинг соя томонларида жон сақлашарди. Тердан шалаббо бўлган курткаларини тошлиарга, қизиган тупроққа ёзиб қуритишарди. Кўпчиликнинг курткаси ювилавериб, рақамлари ўчиб кетганди. Шундай пайтларда менга иш кўпаярди. Кийимида рақами ўчган маҳбусларни сокчилар дарвозадан чиқаришмас, менга юборишарди.

Олимжон домла олдимга келиб, орка ўғириб тиззалади-да, елкасини тутди. Янгилар келгандан бери домла озиб кетди. Яна беш-олти ёш қаригандек эди.

— Домла, яхши юрибсизми? — дедим елкасига рақам ёзарканман.

— Худога шукур, ўлмаган кул яшайвераркан.

— Шу деймац, домла, ёшингиз ҳам бир жойга бориб қолди. Катталарда инсоф йўқ-да. Сизни ишга чиқармасалар ҳам бўларди.

Домла сергакланди. Унинг кўнглидан, нега бундай деяпти, сексот эмасмикан, деган хаёл ўтдиёв!

— Жуда унчалик қари эмасман. Берган ионини оқлаб юрибман.

Сут ичиб оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуллаб ичади, дегандек, домланинг ҳам кўп марта оғзи куйган кўрилади.

Камоқхоналарнинг «телеграфи» жуда аниқ ишлайди. Кайси лагерда қандок воқеа юз бергани уч кунга қолмай ҳамма лагерларга стиб боради. Кайси шаҳар турмасида кимлар ётгани, улар қайси модда билан айбланаётганлари, улар орасида сексотлар бор-йўклигини аниқ биладилар. Янгиларнинг кўпчилиги сексот экани тўғрисидаги хабар ўша куни ёк келган эди. Олимжон домла узок йиллардан бери қамоқда яшаб лагер ҳаётининг минг бир чийриғидан ўтиб, пишиб кетган одам эди. Шунинг учун ҳам у бирор билан дардлашмас, ўз ёғига ўзи қоврилиб юраверарди.

Махбусларни конвойлар ишга ҳайдаб кетгандан кейин уч минг кишилик лагер бўшаб қолди. Менинг эрталабки хизматим ҳам шу билан тугади.

Энди баракка кетмоқчи бўлиб турганимда, калласини ликиллатиб Кимсанбой келди.

- Биродар, шу ортиб қолган лакни менга берсангиз.
- Лакни нима киласиз? — дедим.
- Керак, ўйқ деманг.
- Майли, олинг, — дедим лак солинган тупука бандани унга узатиб.

— Раҳмат, — дея орқасига бурилар экан, соғ қўли билан калласини барак томонга тўғрилаб қўйди-да, аста кета бошлиди.

Ажаб, Кимсанбой таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Навқирон ёшида юзларини ажин қоплади. Кўз косалари чуқурлашган, сочлари тўқилиб, боши яланғочланиб қолганди. Аммо қўзлари, овози ўша-ўша, болалигидагиdek эди. Кунлар чидаб бўлмас даражада исиб кетган бўлишига қарамай, у ҳамон томонигача тутгалари қадалган курткасини тердан бижғиб кетган бўлса ҳам ечмасди. У ҳар куни эрталаб кора лак олгани олдимга келадиган бўлди. Шундай кунларнинг бирида унинг кимлигини ўзига айтдим.

— Отангиз сизга хўп билиб от қўйган экан. Қаранг, кимлигинизни ўзингиз ҳам билмайсиз.

Унинг қўзлари олазарак бўлиб қолди. Қўлига тиралиб ўриидан турмоқчи бўлганди, чап қўли кучсизлик қилиб яна ўтириб қолди.

— Кимсанбой, мендан яширмай қўя қолинг, — дедим босиқлик билан. — Икковимиз битта қишлоқнинг боласимиз, Кимлигиниз кафтимининг чизигидек аён. Сиз Павлик Морозовнинг садоқатли издошисиз. Ўз отангизни ГПУга сотганингиз учун «Хурмат белгиси» ордени би-

лан мукофотланган Кимсанбой Олимжоновсиз. Сизларни фронтта кузатиш маросимида қишлоқ комсомоллари-га: «Мен кўксимда буюк Сталин билан жангга кираман», деб кўкрагингиздаги Сталин сувратини минбарда туриб кўрсатганингизда мен ҳам бор эдим. Сизга қора лак нима учун кераклигини биламан. Сталиннинг суватини чаплаш учун керак. Бунақа қилишининг энди фойдаси йўқ. Саратон иссиғида терлаган баданга бўёқ ёпишмайди. Кўчиб кетаверади. Бундан ташқари... — деб зимдан унга назар ташладим. Бони ўнг томонга бурилиб қолганди. — Кўксингизда Сталин борлигини зеклар аллақачон билиб олишган. Якшанба куни сизни счинтириб, кўкрагингиздаги қора лакни керосин билан, солярка билан, бензин билан Сталиннинг суврати кўрингунча ишқаламоқчилар. Кўксингиздаги Сталинни минг-минглаб маҳбусларга кўрсатишмоқчи. Сизга маслаҳат, хўжайинингизга айтинг, сизни ё вақтинча қамаб кўйсин, ё бошқа лагерга жўнатиб юборсин.

Хоинни огохлантириб тўғри иш қилдимми, билмадим. Ҳарҳолда бир қишлоқдан бўлганимиз учун шундай қилдимми, билмайман, билмайман.

Кимсанбойнинг калласи чапдан ўнгга, ўнгдан чапга муттасил бориб келаверди. Ҳудди тутқаноқ тутаётганга ўхшарди. У машақкат билан ўриидан туриб, бошини барак томонга тўғрилаб қўйди. Барибир боши ён томонга силкинаверганидан йўлни кўролмай гандираклай бошлади. Икки марта йикилди. Яна турди. Кўр одамдай тусмоллаб юра бошлади. Унга ҳам раҳмим келди, ҳам ундан жирканиб кетдим.

Эртасига у қора лак олгани келмади. Тушликка яқин учинчи баракда нимадир бўлди. Ўша томонга санитар югуриб ўтди. Лагер касалхонасининг жаррохи — каторжник Штокман ва замбил кўтарган икки санитар изма-из ўша ёққа югуриб кетишиди. Бир оздан кейин замбилда қонга беланган Кимсанбойни касалхонага олиб ўтишиди.

— Кўксига пичоқ санчиби, — деди барак навбатчиши. — Баттар бўлсин! Итга ит ўлими. Маҳбуслар барисириб уни тирик қўйишмасди.

Кечқурун ишдан қайтган Олимжон домла касалхона бараги олдида у ёқдан-бу ёққа асабий бориб-келиб турибди. Эшик олдида маҳорка чекиб турган санитардан:

— Аҳволи қалай? — деб сўрадим.

— Билмадим, ҳозирча бир нима дейиш қийин. Пичоқ юрагига бир сантиметрча кирган.

Эрталаб санитар олдимга келиб:

— Бемор Ёлкинов сизни сўрайти, — деди.

Кимсанбой кўкка боқиб ётиби. Ора-сира ожизгина инграб кўяди. Тепасига бориб, ахволини сўрадим. Унинг ҳуши жойида эди. Фақат кўп қон кетганидан жуда холсиз, bemажол.

— Ҳамкишлок, якинда муддатингиз тугаб уйга кетасиз, — деди у паст товушда. — Илтимос, дадам қамоқдан қайтиб келган бўлса, менинг узримни етказинг. Гунохини қони билан ювди, деб айтинг.

У чарчадими, хартугул, анча пайтгача индамай ётди. Навбатчи санитар, керакли гапини айта олмаяпти, деб ўйлаб бизни холи қолдириб чиқиб кетди.

— Бу дунёнинг азобларидан қутулишимга санокли соатлар қолган. Сиздан ўтиниб сўрайман, Штокманга айтинг, жоним узилиши билан танам совумай, жасадим қотмай туриб кўксимдаги Сталин сувратини терим билан шилиб олсин. Фашистларнинг концлагерида ўликларнинг терисини шилишда Штокман асистентлик килган. Қандоқ шилишни яхши билади. У дунёга ҳам Сталин билан кетмай. У билан битта қабрда ётгулик қилмасин.

Унинг бу гаплари илтимос эмас, васият эди.

— Хотиржам бўлинг, албатта унга айтаман, — деб ваъда бердим.

Фашистларнинг концлагерида Кимсанбой Ёлкинов ўликхонага коровул бўлган деб эшитган эдим. Ўлган асиirlарни тиканли сим билан ўралган жойга саржинга ўхшатиб тахлаб қўйганлар. Қиши чилласида ўликлар тошдек қотиб, музлаб қолади. Уларнинг оғизларидағи тилла тишларини олғирлар коқиб кетмасин, деб қўриклишарди. Баданида яра-чақаси йўқ ўликларни ичкарига, иссиқхонага олиб кирганиларида муз эриб, мурдаларнинг бадани юмшаб қолади. Шундан кейин терисини шилиши осон бўлади. Бу терилардан таниноз хонимларга сумкачалар, танга-чака соладиган ҳамёнчалар, қайишлар ясашибарди. Баъзан ёрилган барабанларга ҳам қоплашар эди.

Кимсанбоянинг олдидан чиқиб, жарроҳ Штокманнинг хонасига кирдим. Ёлкиновнинг васиятини унга айтдим. Штокман бош чайкади.

— Буни хатто хаёлинигизга келтирманг. Умримда бу нақа иши килмаганман. Аммо қилмаган ишимни зўрлаб бўйнимга қўйиб, отувга ҳукм қилишганди. Кейин отув ҳукмини йигирма йиллик каторгага алмаштиришиди. Ке-

чирасиз, яна бошқатдан отувга ҳукм этилишни истамайман!

Шу билан Штокман гапни киска қилдио мени хонасидан чиқариб юборди. Эрталаб борганимда санитар Ёлқиновнинг сахар пайтида жон берганини айтди. Ичкарига кириб мурдани кўрмоқчи бўлдим. Икки санитар унинг устидаги чойшабни очиб, Сталиннинг сувратини томоша қилишашётган экан. Ничоқ Сталиннинг чап қўзидан сал пастроғига санчилган эди. «Дохий»нинг суврати шу қадар маҳорат билан ишланган эдики, худди тирикка ўхшаб кўринарди. Ажаб, ўлик танада тирик Сталиннинг суврати.

Мендан олдин Олимжон домла келиб, мурдага узок тикилиб ўтирганини, ўпкасини босолмай ўкириб йиғлаганини айтиб беришиди. Қайтиб чиққанимда домла эшик кесакисига бошини тираб, холсиз бир алпозда турарди.

— Домла, бир мусулмоннинг боласи оламдан ўтди, — дедим. — Шунга жаноза ўқитсак бўлармиди?

Домла индамади. Узок сукутдан сўнг:

— Унга жаноза лозим эмас, — деди. — Кўкрагида кофирнинг суврати бор. Энди у бежаноза, бекафанд кўмилади.

У шундай дедиу гандираклаб-гандираклаб, барак орқасига ўтиб кетди.

«Дохий» Сталиннинг жасади тупроққа кўмилмади. Уни ичига похол тикиб, мавзолейга, устози Ленин ёнига ётқизиб қўйдилар.

Бу ерда эса у бир хоиннинг баданига ёпишиб, атиги битта мурда аранг сифадиган гўрига шерик бўлиб ётибди.

Шу билан ичимииздан чиқкан хоиннинг жирканч умри якун топди.

1999 йил, 17 июнь.

## БОРСА КЕЛМАС ДАРВОЗАСИ

«Шаҳидлар хотираси» майдонидаги гамгин ўйлар

Бу ватан қандай ватандир, ҳар гүшасида турмалар,

Құнғани бир ер тополмай осмонда йиглар турналадар.

(«Халқ душмани»нинг қизи йиглаб айтган күшикдан)

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуйи бугун-эрта тантанали вазиятда очилади. Ҳар бир терилган ғиштга, ҳар бир чекилган нақшга зиёратчиларнинг күз ёшлари томади. Одамлар бу ерга шодон қўшиклар куйлаш учун эмас, ўйнаб-кулиш учун эмас, азоб-уқубатларда зор-зор қақшаб жон берган жигарларининг руҳлари билан юзмайоз бўлгани келадилар. Ўга толадилар, соғинчдан пора-пора бўлган юракларини бўшатгани келадилар. Бунда буюк бир сукунат ҳукмрон. Бу ерда хотира, бу ерда хаёллар, ўксиклик, етимлик изтироблари, соғинч ҳукмрон...

Майдон ёнбошидаги темир йўлдан гулдираб, қичкириб шумшук поезд ўтади, баланд, салобатли кўпприк тагига бош сукиб сўнгсиз, поёнсиз темир излардан боболаримизни олиб кетган ёқларга, борса келмас Сибирь томон йўл олади. Бу йўлдан ёпиқ вагонларда юз минглаб юртдошларимиз қон қақшаб ўтганилар. Қайтмаганлар.

Болалигимнинг бир бўлаги шу ерда, хозир биз «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуйи деб атаётган жойнинг худди ўзгинасида ўтган. Одамлар «Алвасти кўпприк» деб ном қўйган кўпприк тагидан тиннимсиз поезд ўтарди.

Онамининг синглиси, катта холамнинг боғи шу ерда эди. Боғнинг бир томони «Алвасти кўпприк»ка, бир томони Сабзавотчилик тажриба станциясига, этаги темир йўлга тулаш эди.

Бу жойлар кечалари жуда ваҳимали, кўрқинчли бўларди. Кўпприк тагида ажиналар бор, деб тунда кўпприкдан деярли одам ўтмасди. Бу жойларга хали электр келмаган, атрофда милт этган бир нур кўринмасди.

Баъзан маҳаллага ГПУ одами келиб, оқсоқолга нималарнидир тушунтиради. Оқсоқол эса уйма-уй юриб,

коронғи тушгандан кейин құчага чиқмасликларини, болаларни ҳам уйда ушлаб туришларини тайинларди. Биз болалар барибир қочиб чиқиб кетардик. Биламиз, ГПУ одами бекорга келмаган. Буталар орасига яшириниб Темир йўлнинг нарғидаги «Нажас тепа»га қараб пусиб ўтирадик. Темир йўл бўйлаб милтиқ кўтарган соқчи-лар у ёқдан-бу ёққа бориб, келиб туардилар. Бошлиқлари камарига тўппонча таққан коровулбоши улардан хабар олиб туарди. Бундай пайтда «Алвасти кўприк»-дан бирорни ўтказишмасди.

Тун ярмидан оққанида кўприкдан усти берк юк машинаси ўтади. Чап томонга бурилиб, «Нажас тепа» олдидаги ўнгир ёнида тўхтайди. Ундан кўли боғланган беш-олти кишини туширишиди. Русча сўкишлар баралла эшитилиб турди.

Коронғида хеч нарса кўринмайди. Бута шохлари орасидан машина чироги аранг кўринади.

Бирдан машина фараси дўнгликни ёритиб юборади. Бута шохлари орасидан ўша тарафга тикилиб қараймиз. Кўли боғлик етти кини қатор турибди. Улардан ўн беш метрлар узоқликда соқчилар елкадан милтиқларини олиб шай бўлиб туришибди. Затворларининг шараклагани эшитилади. Бошлиқ «от!» деган буйрук беради. Етти милтиқдан баробар ўқ узилади. Кўли боғликлардан иккичаси йикиласди. Дод-фарёдлар, инграш товушлари эшитилади. Милтиқли кишилар йикилмай тик турганча чайқалаётган ярадорларга яна ўқ узадилар. Отилганларнинг овози тинади.

Холамнинг ўғли Несъматилла, душманларни отишиди, деди. Мен эса дағ-дағ титрайман. Унинг билагига оси-либ, юр, кетайлик, деб қистайман. Жим тур, билиб қолади, деб мени жеркиб ташлайди у.

Коронғи кечани сукунат босди. Бир оздан кейин ўша жойдан чанг кўтарилди. Пастга ташланаётган тупроқ чанглари машина фарасининг ўткир нурида пастак булутдек аник кўриниб туарди.

Темир йўл шпаллари устида у ёқдан-бу ёққа юриб турган соқчилар юкорига чиқиб кетишиди.

Машина чироги гоҳ дараҳт учларини, гоҳ пастак томларни ёритиб орқага бурилди. Кейин «Алвасти кўприк» тепасига чиқиб шаҳар томон шитоб билан кетди.

Орқага қайтамиз. Еттинчи лампа ёниб турган кўшни мизнинг йўлагида тўрт кини бош экканча сукут сақлашарди. Дурадгор амаки хозиргина шахид бўлганилар ру-

ҳига қуръон тиловат қиласы. У оятларни шундай ҳазин ўқирдикі, беихтиёр йиғлаб юборгинг келади. Зимистон жимлигіда қорининг овози тох баланд, тох паст сузіб юрарди.

Ана шу воеадан кейин холамнинг боғига жуда кам борадиган бўлдим. Кейинчалик тўйгами, маъракагами борганимда, кўпrikка чиқиб, темир изларга қараб ўйга толаман. Тагидан тинимсиз поезд ўтаверганидан, паровоз тутуни қорайтирган, курумга тўлган кўпrik тагига қарайман.

Мана шу кўпrik тагидан поезд мени ҳам олиб кетган. Ўшанда нималарни ўйлагандим? Билмайман. Мени шуур тарқ этган, бутун вужудим қарахт бўлиб қолган эди...

Эшик ўрни тўр сим билан қопланган тўрт кишилик купега кўрпа-тўшакларию, озиқ-овқатлари билан йигирма етти киши тикиштирилган. Кани энди қимирлаб бўлса! Бирининг оёғи бирининг бошида, бирининг боши бошкасининг қўлтиғида қисилиб қолган. Пастьда қолганлари буқчайиб, белларидан босаётганларни аранг кўтариб турардилар.

Бирор бирорини тапимайди. Бир-бирини ўрисчалаб, болаҳонадор қилиб сўкишдан бўлак гап йўқ. Оёқ остида қолиб кетган маҳбус бор овози билан қичқира бошлади. Соқчи йигит қафас эшигини очиб уни суғуриб олди. Ҳамон додлаётган маҳбуснинг чап қўлинин қўлтиғидан ўтказди, ўнг қўлинин елкасидан ошириб, иккала қўлинин бир-бирига тортиб яқинлаштируди. Кейин икки билагига автомат кишанинни солди.

Хар қандай бардошли одам бу хил азобга чидаёлмасди. Иккала қўл беихтиёр орқага тортилади. Тортилганда автомат кишан билак суюкларини синдириб юборгудек қисади. Кани энди бу азобга чида бўлса! Маҳбус инграр, ваҳший бир овозда бўкиради. Ерга думалаб додларди. Соқчилар унга парво қилмайдилар. Аксинча биттаси, бўкирма фашист, деб унинг биқининг икки марта бор кучи билан тенди. Ана шундан кейин у ҳушидан кетди. Овоз чикармай қўйди.

Бутун умрими қамоқларда ўтказган, шўро ҳукуматининг жами қамоқхоналарини кўрган ашаддий, зўравон блатнойлар ҳам пусиб қолишибди. Соқчи ҳушидан кетган маҳбуснинг бетига сув сепиб, чала ўлик ҳолда судраб яна қафасга тиқди. Қўшни қафаслардаги ғовур-ғувур

хам тиңди. Одамлар йўл азоби — гўр азоби, дейдилар. Гўр азоби нима экан? Жаҳанинам азоби нима экан? Бу хил азобларга инсон боласи ҳали ном топмаган.

Бахтсиз инсонларни кўравериб бети қотиб кетган сокчилар учун булар одамми ёки гўштга топшириш учун күшхонага олиб кетилаётган молми, бари бир эди.

Вагон ичида узок вақт йўлни кўрмай кетаётганингда аввалига олд томонига караб кетаётганингни биласан. Бир муддат мудраб кўз очганингда поезд орқага караб кетаётганига ўхшайверади. Шундай пайтларда сенда қадрдан юртимга қайтиб кетяпман, деган бир илинж пайдо бўлади.

Поезд ҳеч қаерда тўхтамасди. Сиёсий маҳбусларни олиб кетаётган эшелонга станцияларда алоҳида «хурмат» билан йўл бўшатиб беришарди.

Бир катта станцияда — менимча, Олмаота станцияси бўлса керак, узок туриб қолдик. Икки офицер ва тўртбешта солдат йўлакда пайдо бўлди. Катта папка қўлтиқлаб олган офицер қўлидаги рўйхатга караб маҳбусларни номма-ном чақира бошлади.

— Номи чикқанлар юклари билан йўлакка чиқсин, — деб буйруқ берди у. Икки соатлар чамаси вақт ичида вагон енгиллаб қолди. Бизнинг қафасдан ўн тўққиз киши кўрпасини кўтариб чиқиб кетди. Офицер:

— Ширимбетов, юкинг билан чик! — деб буйруқ берди.

Ширимбетов тунов куни қўлига кишаи солинган, сокчидан тепки еган маҳбус эди. У ҳали ҳам хушига келмай, икки букчайганча маҳбусларнинг оёғи остида ётарди. Офицер уни яна икки марта чакирди. Аммо Ширимбетовдан садо чиқмасди. Икки сокчи уни судраб олиб чиқмокчи бўлди. Ширимбетов ўлган, танаси ҳам аллақачон совиб бўлган эди. У қачон ўлган, ҳеч ким билмасди. Уни икки сокчи кўтариб йўлакка олиб чиқди. Унга кишаи солишганда азбаройи тикилинчда оркамга бурилиб унга қараёлмаган эдим. Унинг юзига энди кўзим тушди. Ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги ҳали мурти чиқмаган қорақалпок боласи эди.

Ширимбетов букчайганча, оёклари букилганча котиб қолган эди. Ҳалигача очик турган кўзларида нур сўнган. Чексиз алам, изтироб, нафрат акс этган бу кўзлар энди локайд, ҳеч қандай маъно англаатмас эди.

Кафасда етти киши қолдик.

Ёнимиздаги бўшаб қолган кафасга биздан яна уч

кишини опчиқиб кетиши. Энди бизга жой бемалол бўлиб колди.

Шерикларимиздан бири Шинжоннинг Фулжа шахридан Ўрта Осиё Давлат университетига ўқинига келган, жосусликда айблапиб «Тройка» томонидан ўн йил муддатга ҳукм қилинган Кодирхон деган уйғур йигити эди. Яна бири ёши етмишлардан ошган соков. Қай миллатга мансублигини сўраб билолмадик. Кар-соковлар ўртасида советларга қарши ташвиқот юритгани учун қамалган, бармоқларини букиб кўрсатишича ўн беш йилга ҳукм қилинган ашаддий «душман» экан.

Яна бири қайсиидир район газетасининг муҳаррири, райком бюросининг аъзоси бўлган. Пленумда учинчи секретарликка тавсия қилинган, районда суюқоёклиги билан ном чиқарган аёлга қарши овоз берган. Эри рус бўлгани учун ёқлаб овоз бермаганса, деб миллатчиликда айблапиган. Етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Қамоқда зўравон блатнойлар оғзидағи тўртта тилла тишини қоқиб олганлар, милклари, лунжлари шишиб кетган. Йигирма беш ёшлардаги Абдулла Гаппоров деган чиройли бир йигит эди.

Поезд илгарила бораради. Не манзилу не мароҳиллардан ўтмадик. Бу қафас-вагон уйларга кимлар чиқмади, кимлар тушмади. Бутун шўро заминининг қон томиридек таралган темир излар бўйлаб судралган «Бахтсизлар уйи»да бугуни қоронғу, эртаси номаълум ЗЕК деб аталмиш жисмоний шахслар сарсон-саргардон кезарди.

Лагерга келганимдан кейингина «қонуний» маҳбус мақомига эга бўлдим. Шу кундан бошлиб зек номини олдим. Бу жойда йигирма йиллаб ракам билан аталган ва ўз номини уннутиб юборганлар кўп эди. Улар кимликларини ўйларидан тўрт-беш йилда бир келадиган посилка кутиси устидағи ёзувдан билардилар.

Лагеримизниг тепасига тиканли сим қадалган, ўртаси йўлакли икки тош девор аёллар бўлимидан ажратиб турарди. Шу қўш девор орқасидаги маҳбус аёлларининг бақириш-чакиришлари, қўшиқлари, йигилари, қарғишлари аниқ эшишиларди. Йиллаб аёл кўрмаган маҳбуслар бу овозлардан қийқириб юборардилар. Баъзан ўша томондан шамол эсганда аёл хидига қоринган ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олардилар.

Карантин муддатини ўтаб бўлган кунимниг эртаси мени лагер бошлигининг ёрдамчиси чакиртирди.

— Ёзувчимисан? Энди касбингни ўзгартиришингга тўғри келади. Мухим топшириқни бажарасан. Кандай топшириқ эканини зонадан ташқарига чиққанда биласан.

— Қани, марш! — деди у истехзоли кулиб. — Ёзувчи эмиш, ҳозир ким кўп, ёзувчи кўп. Гўрков кам, билдингми?

Соқчи мени эргаштириб ташқарига олиб чиқиб, кекса қозок назоратчига топширди. Бошлиқ ёрдамчиси бу бўшашиб ёзувчи қаёқка кочарди, деб ўйлаган бўлиши керакки бешотарни аранг қўтарадиган назоратчига мени топширган.

Штаб олдида оқ халат кийган итхона ветеринари иркитгина чол бир кўлида белкурак, бир кўлида қофоз қоп ушилаб кутиб турарди.

— Шуни қабристонга обориб кўмиб келасан.

Қофоз қонда йигирма килоча келадиган муздек бир нарса бор эди. Олисда маҳсублар қабристони кўриниб турарди. Елкамда белкурак, кўлимда оғир қофоз қоп, орқамда бешотар қўтарган назоратчи етовида йўлга тушибдим.

Кандоқ кунларга қолдим, дейман ўзимга ўзим. Қабристонга етиб келганимдан кейин қопни очдим. Очдиму миямга чакин урилгандек бўлди. Қонда немис овчаркасининг музлаган мурдаси бор эди. Бўшашиб харсанг устига ўтириб қолдим. Назоратчи маҳорка тутатиб, олисларга тикилиб ўтирибди.

Чўл нихоятда бефайз, одам боласини ютаман, деяётганга ўхшарди. Қозоклар бу жойни бекорга «Петпак дала» (Бадбаҳт дала) деб атамаган. Мис куқунларидан занглаган чўл яшил тусга кирган. Олисда адашган ёлғиз тия кимирамай турибди. Саробда унинг акси, худди чайқалган ховузда кўринаётгандек гоҳ чўкиб, гоҳ пайдо бўлади.

Икки соатча уришиб, тошлок ерда бир ярим бурма болиш сифадиган гўр казидим.

— Ўтири, дамингни ол, — деди назоратчи. — Не ерининг боласисан? — деб сўради. Унга, тошкентликман, деб жавоб қилдим.

— Ташкент улкан қала, Астана қала, — деди.

Кондан итингни котиб қолган ўлигини олиб тупрок устига кўйдим.»

— Бу ит генералимизининг ити. Кочган маҳбусларни тутишда бунга тенг келадиган ит топилмасди. Лагердан

қочган бир маҳбус уни лом билан уриб ўлдириб қўйган. Аблах ҳалигача қўлга тушганий йўқ. Генерал Москва касалхонасида операция бўлган. Ҳали-бери келмас эмиш. Боншилқларимиз итининг ўлганини телефонда айтиб, ундан кўнгил сўрашди. «Кўринарли жойга кўминглар, борганимда ўзим унга ёдгорлик ўрнатаман» деган телеграмма келди. Бечора бефарзанд эди. Шу ит билан овунарди. Энди унга кийин бўлади.

— Итми ё генералниңг ўзи бефарзандми? — дейман киноя билан. Назоратчи, тилинг курсин, заҳаргина экан, деди гапим малол келганидан.

Ахволимдан, қилаётган ишимидан ўз-ўзимга хўрлигим келди. Азизнинг боши ерда, итининг боши мис товоқда, деб шуни айтсалар керак-да. Неча минг одам хор-зорликда мис конларида ўпкаси занглаб жон беряпти. Уларнинг қадри шу итчалик йўқ.

Бунда генераллар, полковниклар амалдорининг ўлган итига мотам тутадилар. Эгасига ҳамдардлик изхор қиладилар.

Итни кўмиб орқага қайтаяпмиз.

— Жуда юзага кўмдинг, чироғим. Тунда қашқирлар тупроқни тимдалаб очиб, итни еб кетадилар. Тупроқ устига оғиррок тош бостириб қўйиш керак эди. Бу ишинг учун генерал сени соғ қўймасов.

Орадан икки хафтача вакт ўтиб, назоратчи менга бир «хушхабар» етказди. Генерални Кисловодск санаторийсида бирор палатада сўйиб кетибди. Бу ишни лагердан қочганда итни ўлдирган маҳбус килган бўлиши керак, деб гумон килишаётган эмиш.

Бутун нафратимни ҳазилга қориштириб дедим:

— Ўлгини шу ерга олиб келишса, итининг ёнига ўзим яхшилаб кўмиб қўярдим. Тепасига «Бу гўрда иккита ит ётибди» деган лавҳа қўярдик.

Назоратчи сергакланди.

— Сен болага ўн йил камлик қилаётганга ўҳшайди. Бу гапинг учун яна ўн йил қўшиб қўйишларини биласанми?! Оғзингга эҳтиёт бўл. Эшилса сексотлар дарров сотади. Айтганча, кўмиб келган итимизни ўша кечасиёқ шоқоллар еб кетибди.

Бизнинг баракда ўн йил муддатини ўтаб бўлган, бугун-эрта озодликка чиқиши сабрсизлик билан кутаётган Дадажон деган андижонлик киши бор эди. У билан кўп гаплашардик. У мени почча, деб атарди. У эртадан кеч-

гача ғимирсиб кестишга тайёрланарди. Йўлда кийиб кетиш учун ўзига брезент қўлқопдан шипшак тикди. Хомсуруп чойшабдан кўйлак тикдирди. Яшиклардан кўчириб олган фанердан чемодан ясади. Болаларининг олдига қуруқ бормасин, деб баракдаги биз маҳбуслар баҳоли қудрат бир сўмдан, икки сўмдан пул тўплаб чўнтағига солиб кўйдик.

— Почча, — дерди ажиб бир энтикиш билан у, — албатта Тошкентга тушиб ўтаман. Саидахонга сиздан салом етказаман. Андижонга борганимда ховлиларига кириб, оналарига ҳам саломингизни етказаман.

Дадажон ўн йиллик азоб-уқубатлар юкини елкасидан тушириб, озодлик остонасида энтикиб-энтикиб турарди.

Нихоят уни маҳсус бўлим вакили чакирди. Ўн беш чоқли маҳбус уни кузатиб чиқдик. Дадажон күшдек енгил бўлиб ичкарига кириб кетди.

Хозир у чиқади. Уни бағримизга босиб эркинлик билан кутлаймиз. Беш минут ўтмай, у елкасида оғир тош кўтариб келаётгандек буқчайиб чиқди. Нима бўлди, деб ундан сўраймиз. У гапиролмас, тили танглайига ёпишиб қолгандек энтикарди. У зўрга «яна беш йил» дея олди, холос.

Тройка — маҳсус кенгаш (особое совещание) хукм қилган маҳбус муддатини ўтаб ҳам кутулолмасди. Маҳсус кенгаш қарори абадий қамоқ жазоси билан тенг эди.

Дадажон адойи тамом бўлди. Буқчайиб, бир ойда юзларини ажин босиб кетди.

Эллик биринчи йилинг октябри оёқлаб қолган. Айтишларича, бу жойларнинг киши қаттиқ бўлади. Хозирданоқ очиқда қолган идишлардаги сувларнинг бетини пиёс пўстидек муз қоплади. Эртаңги кун ҳеч қандай яхшилик ваъда қилмайдиган куз кечалари нақадар ҳазин, нақадар оғир. Истиқболда бирон йилт этган нур кўришмайдиган совуқ оқшомларда ўзингни ўлдиргинг келади.

Мени ҳам «особое совещание» ўн йилга хукм қилган. Энди бир ярим йили ўтди. Олдинда яна саккиз йилдан ортиқ қора қунлар...

Яшагим келмай қолди, кўнгилни кўтарадиган, яшашга ундейдиган бирон гап тилимга келмайди.

Бу оқшом ухламай Саидахонга хат ёзаяпман.

«Саидахон, салом!

Бошингизга тушаётган кўргиликлардан хабарим бор. Сизни қийин-қистовларга олишаётгандарини эшитдим.

Илтимос, шуларнинг гапига киринг. Йўқса жувонмарг бўлиб кетасиз. Қамоқдан қачон чикиши номаълум бўлган одам учун кўпам ўзингизни кийнаманг. «Эримдан кечдим» деб ёзиб беринг. Ўлай агар, хафа бўлмайман. Сиз яшашингиз, ижод қилишингиз керак. Шунча азобларга чидаяпманми, бунга хам чидайман.

Очиғини айтсам ўзимнинг хам яшагим келмай қолди.

Сиз озод қуши эдингиз, менга тегиб қафасга тушдингиз. Шу қафас энгигини бугундан бошлиб очиб юборининг қарор килдим. Мен тўғримда ўйламанг. Мени йўқ деб биллинг, Сизнинг яхшиликларингизни, атиги беш ойгина яшаган тотли қунларимиз хотирасини ўзим билан олиб кетаман.

Хайр. Қандокки гуноҳларим бўлса барига тавба қилдим. Хайр.

*Сайд Аҳмад. 1951 йил, 21 октябрь».*

Хатни қозоқ назоратчисига бериб, вагон почтаси қутисига ташлашни илтимос қилдим.

Эллик иккинчи йилнинг 24 январида Саидахондан хат келди. Гинаю таъналарга тўлган хатни ўқирканман, ўксис-ўксисиб йиғладим. Бу қамалганимдан бери иккинчи марта йиғланим эди.

Бир оғиз сўз, биргина оғиз сўз юрак-бағримни алғовдалғов қилган, кўз ёнларимни ич-ичимдан мижжаларимга олиб чиққанди. «Сизга кийим-бош олиб қўйдим», десган эди Саидахон ўшандা.

Ўйлаб карасам, шу пайтгача ҳеч ким менга меҳрибончилик қилмаган экан. Гўдак пайтимда, эсимни танимаёқ ўз ташвишнимни ўзим тортган эканман.

Бирор менга манавуни еб ол демаган, бирор менга манавуни ол, деб бир сўм бермаган экан.

«Сизга кийим-бош олиб қўйдим...»

Бу сўз фойибдан келган илохий бир сўз эди. Бу сўз бутун вужуд-вужудимга сингиб кетган иссиқ, ёқимли сўз эди.

Мана, энди бу хат бутун ҳаётимни силтаб ташлади.

«...Беҳуда ҳаёлларга борманг. Сиз нима бўлсангиз мен хам шундай бўламан. Ҳеч қандай қийин-қистовлар мени сиздан ажратолмайди. Яшасак бирга яшаймиз, ўлсак бирга ўламиз.

Сиз бунаقا иродасиз одам эмасдингиз-ку, нима бўлди? Чиданг, аёл бошим билан мен чидаяпман-ку! Ҳали олди-

мизда, эх-хе, қанча яхши күнлар бор. Уйлар қурамиз, боғлар қиласиз. Энди хатни кулиб-кулиб ёзинг, хўпми?

Сизга ҳамиша ва яна ҳамиша садоқат билан Саида.

1951 йил 30 декабрь.

Сизни кириб келаётган янги 1952 йил билан табрик-лайман. Илоё 53-йилни бирга кутиш насиб қилсин.

*Йиллар хатто сочдан рангни ўчирди,  
Хуснга ташлади нурсиз бир соя,  
Аммо хаёлимга етмайин кучи  
Ўзичга бутунлай берди ниҳоят  
Лекин сен чўчимча ўйларингни мен  
Фақат ўнсаккизда туриб эслайман  
Фақат ўнсаккизда юриб эслайман  
Ўнсаккиз ўйдаги ўйларингни мен.*

*Илова:*

Хабарингиз бор, мени союздан ўчиришган. Агар эрин-гиздан кечсангиз яна союзга қайтариб оламиз, дейишиди. Мен гапимдан қайтмайман, деб жавоб қилдим».

Гоҳ қулиб, гоҳ йиғлаб эллик иккинчи йилни хам ўтказдик. Махбуслар хар бир байрамни ёш болалардек сабрсизлик билан кутишади. Байрамда албатта амнистия бўлади, деб умид қиласидар. Байрам ўтгач, хавоси чи-киб кетган пуфакдек бўшашиб қоладилар ва бўлғуси байрамдан умидвор бўлиб яшайдилар.

Эллик учинчи йилинг баҳори хам келди. Бу баҳор мамлакатнинг сиёсий хаётини бутунлай ўзгартириб ташлади. СТАЛИН ЎЛДИ! Бутун мамлакат мотамда. Радио куни билан оғир, юракларни ўртовчи хазин кўйлар эшитирияпти.

Марказнинг буйруғи билан «дохий» Сталин мавзо-лейга қўйилаётганда Совет мамлакатининг жамики ҳудудларида поездлар, кемалар, машиналар, ҳамма транспорт воситалари келган жойларида тек қотадилар. Заводлардаги станоклар тўхтатилади. Мамлакатнинг икки юз миллиондан ортиқ фукароси тик туриб сукут сақлади.

Лагеримиз бошликлари жами маҳбусларни тўрт қатор қилиб сафга тиздилар. Икки мингдан ортиқ маҳбус тик турибди. Соқчилар бошлиғи, лагер бошлиғининг ёрдамчиси, назоратчилар ниманидир кутишяпти. Бошлиқ би-лагидаги соатга тез-тез қараб қўяди.

Радиода Кремль соатининг жаранги эшитилди.

— Азиз фуқаролар, азиз фуқаролар, диккат, диккат! Тик туриб сукут саклансин!

Шундан кейин сукунат бошланди. Бутун мамлакат мотам сукунатига ғарқ бўлган.

Кўш девор орқасидаги аёллар зонасида қувиоқ қўшиқ янгради. Юзлаб аёллар қўшиққа жўр бўлишиди. Кетмакет шўх лапарлар бири-бирига уланиб кетаверди. Тиканли сим бериёғида буюк мотам, нари ёғида байрам бўлаётгандек эди.

Эркаклар зонасидаги маҳбуслар ўринларидан турмадилар. Уларни солдатлар милтиқ кўндоғи билан урсалар ҳам ўтиравердилар.

Аёллар зонасидан эркаклар шаънига таъналар ёғиларди.

— Эркакмисанлар, сенларни Сталин пичиб қўйган. Эркак бўлсаларинг бошла қўшиқни. Бугун айтмасанг, қачон айтасан шодлик қўшиғини!

Шу гапдан кейин ўтиромай тик турганлар ҳам ўтириб олишиди. Уларни дўқ-пўписа билан ҳам ўринларидан турғизиб бўлмади. Чап томондан журъатсизгина бошланган қўшиққа бошқалар ҳам аста-секин қўшила бошладилар. Икки минг маҳбус «Бродяга Байкал переехал» деган қўшиқни айта бошлади. Бу қўшиқни мамлакатдаги жами лагерларда маҳбуслар дард билан, мунг билан хонини килардилар.

Маҳбуслар Москванинг «Централка» деб аталган қамоқхонаси тўғрисидаги қўшиқни бошлашиди. Кўшиқда «Централка, централка, сенинг қалин деворларинг орасида менинг ёшлигим, менинг талантим қурбон бўлди», деб кўйланарди.

Украин, белорус маҳбуслар «Гопак»ка ракс тушиб кетдилар. Кавказликлар «Лезгинка»га ўйнардилар. Ўтирган икки минг маҳбус баробар «Асса», «Асса» деб чапак чаларди. Ўзбеклар «Андижон полка»сини бошладилар. Бу ерда «майда миллат» (натсмен) деб аталган ўзбегу қозоклар, қирғизу туркманлар ҳам раксга тушиб кетдилар.

Соқчилар бошлиғи ўйинни тўхтатмоқчи бўлиб хавога автоматдан уч марта ўқ узди. Барибир ўйин тўхтамади. Деворнинг нариёғидан, балли, балли, йигитлар, деган товушлар кела бошлади. Мен ҳам қизиқиб кетиб ўрнимдан турдиму ичимда минғиллаб полкага ўйнай бошладим.

Қамоқхона бошлигининг ёрдамчиси мени ўйиндан тўхтатди.

— Сенга нима бўлди? Сен ахир ёзувчисан, буларни тўхтатишимиизга ёрдам берипшинг керак.

— Мен ёзувчи эмасман, ит кўмадиган гўрковман.

Шундай дедиму ўтириб олганлар орасига кириб ўйнайдырдым.

Ўтириб олганлар баробар қарсак чалардилар.

«Дохий» Сталин хурматига билдирилган сүкут дақиқалари лагеримизда ана шундай тантанали вазиятта ўтган эди.

\* \* \*

Хаёллар, хаёллар, интихосиз, сўнгиз саёллар, сиз мени қай манзилларга бошладингиз? Энди бу йўлларга мени бошламанг. Бу манзилларда умрим гуллари тўкилган. Ёшлик туёёнлари шу жойларда сўнган. Хур бўлиб яратилган инсоннинг қанчалик хор бўлишини, ота-онаси яхши ният билан қўйган исмининг ракамларга алмаштирилганини наинки кўрдим, аксиягча, ўз бошимдан кечирдим. Инсонга бир марта бериладиган умринг яхлит бир парчасини юлиб қолган бу манзилларни қайта кўрмок нақадар оғир ва кўнгилсиз.

Шу топда бир вақтлар «Алвости кўпприк» деб аталган жойда олисларга, Сибир ёқларга чўзилиб кетган темир изларга караб, ана шундай изтиробли хаёлларга берилдим.

Темир йўлнинг нарёғига қарайман. Етти маҳбус отилган жойни қидираман. У жойлар энди йўқ бўлиб кетибди. Шу етти баҳтсиздан хотира бўлиб қулоқларимда етти ўқ овозию уларнинг дод-фарёдлари қолган, холос.

«Халқ душмани»нинг қизи куйлаган қўшиқ янга ёдимга келади:

*Сиз асир бўлган қафасни тишларим бирлан бузай,  
Бузмасам маҳшар куни бағримни армон тирналар...*

Тошкент, 2000 йил 4 май.

### **Профессор Умарали Норматовга хат**

*Азизим Умарали! Сиз ҳар кўришганимизда «Бошингиздан ўтган воқеаларни ёзинг!» деб қистар эдингиз. Нима деб жавоб берганим эсингиздами?*

У воқеаларни ёзмоқ учун хаёлан қамоқ лагерларига боришм, ўша азоб-уқубатларни қайтадан бошимдан кечиришим керак. Бунга энди юрагим бардош беролмас, дегандим.

*Мана, «Борса келмас дарвозаси»га нуқта қўйдим.*

Үрнімдән тұраёттеганимда бошим айланыб, үтириб қолдим. Ичкари үйда телевизор күриб үтирган күёв үглім Маҳмуджонни чақырдым. У рангимни күриб құрқиб кетди. Шошиб томиримни ушлади. Ичкаридан аппарат олиб чиқиб қон босимимни үлчади. 200 га 130.

Биламан, бу инсульт останасидаги ҳолат.

Беш күн кекаю күндүз үхламай үшбу хотирани ёздим. Гүё беш күн қайтадан қамалиб чиқдим.

«Сароб» деган ҳикоямни үқигансиз. Үнга ҳам нүкта қүйганимда шу ақволга тушғандым. Үшанда мени шу Маҳмуджон үлімдән сақтаб қолманди. Кечаси соат учда неварал шаҳар үйимизга телефон қылыш дадасыга ақвөлимни айтганида, у гүё Қибраїга үчиб келган эди, «Тез ёрдам»ни чақыриб касалхонага оборған.

«Сароб»да ҳам лагер, қамоқ воқеаларини ёзғандым. Юрак күттаролмади. Шундоқ бүлишини билатуриб ёзған эдім. Қандоқ қора күнлар бошимизга тушғанини биздан кейингилар билсин, деб ёздим.

Үқиб күринг, маъқул бўлса беҳад қувонардим.

Сизга самимий салом билан С. А.

2000 йил 5 май.

## ТАКДИР, ТАКДИР, МУНЧА ШАФҚАТСИЗСАН?

(«Күз ёши томган ҳикоялар» туркумидан)

Сталин ўлган, Берия отилган, маҳбусларга муносабат бир қадар юмшаган пайтлар. Август ойида лагеримизга республика ички ишлар вазирининг үринбосари генерал Жаксилик Степанов келиб, маҳбуслар билан сұхбатлашди. Қамоқ ичидағи қамоқ, янын кечаси маҳбуслар устидан қулфлаб қўйилған бараклар деразаларидан темир панжаралар якин күнларда олиб ташланишини айтди. У Қозоғистон Россия билан чегарадош Павлодар вилоятінда, Иртиш дарёси бўйларида катта бўлган, руслашиб кетган қозоқ оиласида туғилған эди. У етказгаи хушхабардан қувонган маҳбуслар қарсак чалиб, миннатдорчиликларини изхор қилдилар.

— Яхши күнларни кутинглар. Ҳаммангизнинг тергов материалларнинг иттифок комиссияси томонидан кўриб чиқыляпти. Улар биздан ҳар бирингиз тўғрингизда фикр сўрашади. Ҳозир юздан ортиқ одам сизларга характеристика ёзиш билан банд. Илтимос, тартиб-қондани бузманг-

лар. Ўзини яхши, интизомли тутгандар вақтлироқ эркинликка чиқадилар. Ҳар ким ўз мутахассислиги бўйича иш кўрсатиши керак.

Норқобил деган зек ўриидан туриб, кўлинни кўтарди. У асли термизлик бўлиб, Амударё портида қайиқчи бўлиб ишлаган. Вазифаси — кемада келган юкларнинг Афғонистонга тегишлисини қайиқда нариги қирвоққа ўтказиб топнириши. У жосусликда айбланиб, ўн беш йил муддатга хукм қилинган. Яъни айби — дарёнинг нарёғида афғон саводогаридан бир костюм билан туфли сотиб олгани. Чет эллик шубҳали одам билан алокада бўлгансан, деб айбланган эди. Ҳозир у кирқ ёшдан ошган. Ҳамон муддат устига муддат олади. Йигирма йиллик қамоқ уни профессионал маҳбусга айлантирган. У жосус сўзига кўнишиб кетган. Ўзини чинакам жосус бўлсан керак, деб ўйларди. Ва бунга ишонарди. Норқобил асосан лагер тарбиясини олган. У блатнойлар тилини мукаммал эгаллаган. Озодлик, эркинлик, деган сўзлар энди унинг учун ўз маъносини йўқотган эди. У бутунлай «лагер ўғли» бўлиб кетган.

— Гражданин генерал, сиз ҳозир, ҳар бирингиз ўз мутахассислигингизни ишга солиб хизмат қилинг, дедингиз. Менга топшириқ беринг, ўз мутахассислигим соҳасида ўзимни оқлай.

Генерал Степанов унинг сўзларини эшитиб, қизиқиб сўради:

— Мутахассислигингиз қандай? Албатта фойдаланамиз.

— Шпионман, гражданин генерал. Топшириқ беринг, бажармасам гад буду.

Мингга яқин маҳбус қарсиллаб қулиб юборди. Генерал унинг чала-чулпа ўрисча гапларию сўкинишларидан завқланиб куларди.

— Нега куласизлар? Чего смесетесь гады, эх вы подонки.

Унинг блатной дўстлари эса:

— Во дает зараза, шуруй, шуруй натсмен, — дея уни рағбатлантиришар эди.

Генерал кетди. Зекларнинг кўнглида аллақандай эркинлик учқуни қолди.

Эллик учинчи йилнинг киши жуда оғир келди. Ҳар куни шамол аралаш қор бўралайди. Ёнингда турган одамини ҳам кўролмайсан.

Бундай пайтларда соқчилар сони кўпайтирилади.

Көр тинган пайтларда туман босади. Лагер деворларидаги кучли прожекторлар зона ичини ёритиш у ёқда турсин, прожекторнинг ўзи қоғозга томган ёдек аранг кўринади. Туманда адашиб колган маҳбуслар йўл тополмай, тиканли симлар билан тўсилган девор ёнига бориб колишар, симга тегиб кетганда тревога занги ўзидан ўзи чалиниб, лагер бўйлаб узоқ вақт жаранглаб туради. Девор бурчидаги вишкада сокчилар автоматдан осмонга ўқ узадилар.

Маҳбуслар яшайдиган ўн бир баракдан то ошхонагача ўн битта темир арқон тортилади. Маҳбуслар ошхонага шу арқонни ушлаб борадилар. Агар арқондан қўллари чикиб кетса, то туман тарқагунча йўл тополмай сарсон бўлиб юраверадилар. Маҳбуслар ўн бир баракдан тортилган арқонларни қуёш нурига ўхшатишарди. Баъзилар чумолилардек ўн бир жойдан ошхона томон ўрмалаётгандарга қараб: бу ерда ҳамма йўллар коммунизмга олиб боради, деб пичинг қилишарди.

Туман чоғлари маҳбуслар қочмасди. Қочганларнинг қанча-қанчаси чўлда музлаб қашкиру шоқолларга ем бўлишган.

Файзиз бундай киши оқшомларида юраги шундоғам фамга тўлган зеклар мурдалек қимирамай ўтираверадилар.

Ишга олиб чиқилган маҳбуслар то туман тарқамагунча олиб келинмасди. Кон олдидаги атрофи тиканли сим билан ўралган майдончада корга кўмилиб, оч-наҳор ўтириб туман тарқашини кутардилар.

Зеклар яшайдиган бараклар қанчалик ёритилмасин, одамлар кўксини ёритолмасди. Улар негадир қўшини уйда ўлик ётгандек бир-бирлари билан шивирлаб гаплашишарди.

Узок йиллар қамоқларда яшаганлар бу холга кўнишиб кетишган эди. Айникса, гарбий украиналиклар эркинликдан тамоман умидларини узган эдилар. Шу топда улардан бири нара (тўрт киши ётишига мўлжалланган икки қаватли сўри) устида чалқанча ётганча шифтга тикилиб «Двлюсь я на небо» деган украинларнинг энг севган фамгин қўшиғини куйлаяпти. Бу қўшиқни тинглаган ҳар қандай тошюрак одам ҳам юм-юм ёш тўкарди.

Одамзот қизик бўларкан-да! Шундок азобли, аянчли дамларда ҳам бир-бирлари билан жикқамушт бўлардилар.

Баракдаги каттакон бак сувга тўлдириб қўйилади.

Унинг пастидаги жўмракка банди занжирланган ва қулфланган кружка осиб кўйилган. Кўпинча мусулмон динидаги ўрта осиёликлар, кавказликлар, татарлар шу бак олдида чўккалаб таҳорат оладилар.

Бонка диндагилар, биз сув ичадиган идишини ҳаром қилдинг, деб тўполон қиласдилар. Мунитланини бошлинади. Соқчилар баракка кириб, қонга беланганд жанжалашларни ажратадилар. Бир, икки зекни ҳайдаб опчикиб кетадилар.

Барак деразаларидағи панжараларни олиб ташлашга, баракни қулфламасликка сўз берган ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал ваъдасини бажармади. Махбуслар кечқурун баракка келишилари билан назоратчилар уларни санауб, устларидан қулфлаб қўйишади. Ҳамма хожат ишлари шу ернинг ўзида бўлади.

Мен ўша пайтда «Маданий тарбия» бўлимида рассом эдим. Вазифам кайси бригада қанча руда қазиганини сахаргача катта-катта шчитларга ёзиб, зонанинг кўринарли жойига илиб қўйиш эди.

Совук шундок заптига олган декабр кечаси эди. Олтинчи баракда қий-чув бўлиб қолди. Махбусларининг додвойларини эшитиб, ўша томонга югурдим. Баракда ёнғин бўлаётган эди. Махбуслар этик билан тениб, ойналарини синдирган деразалардан буралиб-буралиб қоп-кора туутун чиқарди. Ўт ичидаги қолганлар ёрдам сўраб кичқиришарди.

Кор қалин ёккан пайтларида махбусларга пийма (валенка — тагчарми йўқ намат этик) бериларди. Илашган қор баракка киргандаги эриб, валенкалар жикка ҳўл бўлиб кетарди. Махбуслар уларни куритиш учун барак печи устига қатор териб қўярдилар. Ёнғин ана шу валенкалардан бошланган эди.

Назоратчи старшина Демянов ёнаётган баракка қараб, маҳорка тутатиб турарди.

— Эшикни очмайсизми? — дея унга зорландим.

— Ҳаққим йўқ. Махсус буйруқ бўлмагунича очолмайман, — дея катъий жавоб қилди у.

— Етминн икки одам бўғилиб ўлади-ку! Наҳотки ражмингиз келмаса? Бу ишингиз учун ҳали жавоб берасиз, — дедим фазаб билан.

— Мен буйруқни бажараман. Бу фашистлар кўйса куяверсин, ёнса ёнаверсин. Баракдан етминн иккита калла билан бир юз кирк тўртта оёқ топилса бўлгани. У ёни билан, ўлик-тириги билан ишим йўқ.

Зона деворидаги соқчи бўлаётган воқеани кузатиб турган экан. Телефонда штабга хабар килибди. Зудлик билан штаб навбатчиси стиб келди. Демяновга эшикларни оч, деб буйруқ берди.

Дадажон ҳам шу баракда яшарди. У бир ярим ойдан бери тўшакка ётиб қолган, ҳассага таяниб аранг ошхонага бориб-келарди. Кўпинча ҳамюртлари унга овқатини келтириб берардилар.

Дадажонга нима бўлдийкин, деб ташвишлана бошладим.

Барак эшиги ўт ўчириш қоидаларига риоя қилинмай ўрнатилган эди. Эшиклар ичкарига очиларди. Бу баракни маҳбусларнинг ўзлари кургандилар. Прораб қапча тайниламасин, қулоқ солмагандилар. Ёғин чиққанда, ё ер қимирлаган пайтда ичкаридагилар ўзларини эшикка урадилар. Шунда эшик ёпилиб қолиб, очишнинг иложи бўлмайди. Маҳбуслар баракда ўзлари учун ўзлари қопқон ясаган эдилар. Бир солдат лом олиб келиб эшикни бузди. Ичкаридан тутунда ҳолсизланганлар бири-бирини итариб ташкарига чиқа бошладилар, тўлиб оқаётган ашор кирғоғи ўпирилгандай бўлди. Одамлар тинмай йўталишар, ўқчишарди. Улар орасида Дадажон кўринмасди. Деярли ҳамма маҳбуслар ташкарига чиқди. Дадажон йўқ. Назоратчи маҳбусларни бир-бир санади. Уларнинг сони етминш битта эди.

— Дадажон йўқ, ичкарида қолиб кетибди. — дедим. Батарея чирок ушлаган тўрт солдат газ ниқоб кийиб баракка, тутунлар орасига кириб кетди. Сал фурсатдан кейин ҳушидан кетган Дадажонни кўтариб чиқинди. Қалин кор босган ерга ётқизишди. Шошиб бордиму бушлат боғичини счиб, кўкрагига қулоқ тутдим. Юраги урмасди. Лекин тани хали иссиқ эди. Билагини кўтариб, томирини ушлаб кўрдим. Ўттиз уч йил дукиллаб муттасил уриб турган юрак энди уришдан тўхтаган эди. Уининг очик қолган кўзларига қарадим. Тун қоронғусида кўзларида қандай ифода котиб қолганини билолмадим. Қабоқларини кафтим билан настга қараб силадим. Етдим, деганда йиқилган Дадажоннинг бу дунёга тўймаган, эркинлик йўлига интизор тикилган кўзлари энди бир умрга юмилди.

Гаризондан капитан Расулов стиб келди. Катор ётқизиб кўйилган, тинмай ўқчиётган ўттиз беш чоқли маҳбуснинг бошига бориб, бир-бир қараб чиқди. Дадажоннинг тепасига келиб узок туриб колди.

Бош врач Шкарин ҳолсиз ётганиларнинг ҳаммасини санитар замбарида касалхонага жўната бошлиди

Лагер уйғониб кетган. Махбуслар панжарали деразалардан бу томонга жимгина қараб туришибди.

Дадажонни замбарга ётқизишиди. Бир томонидан ўзим кўтаришиб ўликхонага обордик.

Соат саккизда барча баракларнинг эшиги очилди.

Олтинчи барак лоп этиб ёндию аланга ичидаги қолди. Ачимсик тутун хидига тўлган лагер устида, туманлар орқасидан тоңг ёришиб келарди.

Бир юртнинг одами хар қандай шароитда ҳам бир-бирига қайишар экан. Бирон соатлар ўтиб, капитан Расулов коғозга ўроқли бир нарса бериб кетди. Очиб қарасам, саккиз метр оқ суруп. Дадажон учун кафандик эди бу. Ҳали ҳам туман тарқагани йўқ. Анича баланд кўтарилиб қолган қуёш туман пардаси орқасидан худди қиздирилган чакадек кўринади.

— Кафандикни мен олиб келганимни бирор билмагани дуруст, — деди у ёқ-бу ёққа алантглаб Расулов. — Мархумнинг жасадини соат учларга тайёрланглар.

То соат учгача мархум Дадажонни ювиб, кафандик, жанозасини ўқидик. Бричка аравада дарвозадан олиб чиқишиди. Вахтада тунда эшикларни очмай, шунча одамга шикаст етказган, Дадажоннинг ўлимига сабаб бўлган назоратчи старшина Демянов турарди. Бричкани қўриқлаб бораётганиларга ташиб берди:

— Кафанини очиб каранглар. Баданига штик санчиб кўринглар, муғомбирлик қилаётган бўлмасин.

Расулов:

— Текшириб қўрилган, хотиржам бўл, — деб жавоб қилди.

Уни дафи қилишига мени олиб чиқишиди. Ана шунда Расуловнинг миллатга қайишишига тан бердим. Гўр қазиш, мурдани қўмиш учун бухоролик учта солдатни юбораётган эди. Улардан бири Қуръонни жуда чиройли тиловат қилас экан.

Туман тарқаган. Офтоб қор босган оппок чўлда кўзни камаштиради.

Кабристонга келганимизда генералнинг ити қўмилган жойга қарадим. Жуда чиройли қилиб гумбаз кўтарилибди. Бефарзанд генерал ўлими олдидан, «Мендан қолган пулларни сарф қилиб содик итимга ёдгорлик ўрнатинглар», деб васият қилган экан. Ёдгорлик яқинига бордим. Кора мармар тошга шундай сўзлар ўйиб ёзилган:

«Менинг содик ва вафодор дўстим, ўттиз етти қочоқ маҳбусни тутиб берган ва ўзи ёвуз маҳбус қўлида ҳалок бўлган Жек номли итга миннатдор дўсти генерал майор Максим Михайлович Речниковдан».

Атрофга қарайман. Бу қабристонга академик Туполевнинг истеъодди шогирди, Мехнат қаҳрамони Дудинцов кўмилган. СССР ҳалқ артисти Вера Квятко, Валерий Чкаловнинг самолётини хамиша учишга синчковлик билан тайёрлайдиган авиация майори Степанов, Бухорода ришта касалини тугатишда катта хизмат кўрсатган Рустам Азимзодалар шонсиз-шарафсиз кўмилган. Уларнинг қабри қани? Аллақачон теп-текис бўлиб кетган. Биргина шу Жек деб аталган итга кўйилган савлатли ёдгорлик қабристонни «обод» килиб туриби.

Тақдир, тақдир, мунча қаҳринг қаттиқ! Мунча шафкатсизсан! Шу буюк зотларни битта ит қатори кўрмадинг-а!

Файзиз, кишида бўронлар увиллаган, ердан бош кўтарган гиёхларни саратон ковжиратиб ташлайдиган бу бефайз аяичли бадбаҳт дала манзарасига қараб бу хунук, бу совуқ қабристонга қараб ич-ичимдан фарёд ураддим.

Уч бухоролик азамат йигит лом билан, белкурак билан тошга айланниб кетган заранг ерини кавлаб қабр очгунча терга пишиб кетдилар. Жасад лаҳадга кўйилди. Оғзи ясси това тош билан бекитилди. Бухоронинг Шофирконидан хизматга чакирилган Мир Араб мадрасасининг талабаси Истам Аҳадов деган ёшгина йигит тиловат бошлади. Шағал аралаш тупрокни қабрга ташлай бошладик. Истамбой Қуръон ўқишининг ҳадисини олган экан. Оятларни тиник, юракка тўппа-тўғри бориб қадаладиган ажиб бир оҳанг билан ўқирди. Бир умр тиловат эши-тилмаган бу какир чўлда муаллак туриб вижирлаётган қушлар ҳам тепамизда чир айланар эди. Улар ҳам кори боланинг овозидан маст бўлган эдилар.

Тиловат тугаб, тўртвомиз юзимиизга фотиха тортидик.

— Истамбой укам, раҳмат сенга. Илтимос, шу ерда ётган мусулмони бандаларнинг руҳига ҳам бир тиловат килсанг.

Истамбой бошлади. Боя тиловат пайтида тепамизда чирқиллиб айланган, энди эса совуқдан жон саклаб, қалашиб ётган тошлар орасидаги хас-хаشاқдан ясалган уяларида хурпайиб ўтирган қушлар Истамбойнинг овозини эшитиб, яна тепамизга қайтиб келдилар. Қанотларини

пирпиратиб ҳавода жимгина муаллақ қотиб турадилар. Улар баландга ҳам чикмас, пастга ҳам тушмас, аллақандай кўринмас ип билан тепамизга осиб қўйилгандек тек қотган эдилар.

Икки оёғи билан тумшуғи қип-қизил, бошида гунафша ранг кокили бор бу күшларнинг пайдо бўлганига хали кирқ йилдан ошгани йўқ. Уларнинг асли номи қанака, ҳеч ким билмайди. Қозоклар Бейишт қуши, Крим татарлари Ридвон (Ризвон) қуши, деб атайдилар.

Улар тошлиар орасидаги инларига чўл гиёхларининг уруғларини ёзда фамлаб оладилар. Бўрон турганда, ёғингарчилик пайтларида хафталақ инларидан чикмайдилар.

Одамлар уларнинг инлари оғзига нон ушоқлари, ҳар хил дон-дуналарни сочиб қўядилар.

Уфадаги Мадрасайи олияда таҳсил олиб қайтаётган бир талаба қүшларнинг инлари олдига тиз чўкиб, йиглаб қуръон тиловат қилган экан. Унинг гапига қарагандай, бу қүшлар оддий қүшлар эмас, мана шу теп-текис бўлиб кетган қабрлардаги азоб-уқубатларда шахид бўлган бегуноҳ инсонларнинг бир калима тиловатга илҳақ бўлиб ётган руҳлари эмиш.

Кимки Ризвон қушига озор берса, тузалмас дардга мубтало бўлармиш. Шу қабристон ёнидан тунда ўтган одамларнинг айтишларича, қүшларнинг уяларидан тонг отгунча йифи, оху фарёдлар эшитилармиш.

Лагеримизда ер юзида бармок билан санаса бўладиган Ассира-Вавилонликларнинг бири – Давидов деган маҳбус бор эди. Ризвон қушининг битта хўрози билан битта макиённи тутиб келган эди. Яқинда шу Бобил фарзанди тутқанок қасалига учраб оламдан ўтди. Бобилликларнинг яна биттаси дунёдан кетди.

Истамбой кироатни соғинган экан. Армия сафига чакирилгандан бери комсомолларнинг зуфумига учрамаслик учун овоз чиқармай, ичиди тиловат килиб юраркан. Назаримда тиловат қилаётганда унинг ўзи ҳам аллақандай руҳий озиқланаётгандек эди.

Гап-сўз бўлишдан чўчимай, бу дафн маросимиға йўл очиб берган ҳамюртим, капитан Расуловга дил-дилимдан раҳматлар айтдим.

– Укам, – дедим Истамбойга, – Қўлингни фотихага оч: шу Расулов деган азамат инсон ҳақига бир дуо қил!

Бу дунёning фамларидан, айриликларидан, адолат-

сизликларидан у дунёга фарёд уриб кетган аламдошим, хасратдошим Дадажонни кимсасиз чўл тупроғига топшириб қайтиб келяпмиз.

Кипи кунлари бир тутам. Соат беш бўлмаёқ коронги тушган. Зона деворларидаги профекторлар ёкиб қўйилган. Гўриллаб ёнаётган гулхан олдида маҳбуслар тик турганларича гоҳ қўлларини, гоҳ оёкларини ўтга тутиб исининшарди.

Зонага бирор кирмас, бирор чикмасди.

Ҳамманинг оғзида битта гап: «Старшина Демяновга чора кўрилсин, жиноий жавобгарликка тортилсан».

Ёнғин пайтида барак эшикларини очмаган старшина Демянов ваҳтада пўстинга ўралиб, коровуллар билан қайнок чой ичиб ўтириби. Унинг башараисига туфлагим келди. Афсуски, бунинг сира иложи йўқ эди. У озод гражданин, мени эса ҳамма хукуқлардан маҳрум қилинган маҳбусман.

Бир пасткаш, инсонлик қиёфасини йўқотган, шафкатсиз, ҳиссиз тўнка олдида ожизу потавон қолини нақадар аламили, нақадар ўқинчли!

Маҳбуслар сўзларида туришиди. Эртасига ҳам ишга чиқишмади. Маҳбусларга бош-қош бўлган Норқобилни кечаси солдатлар опчикиб кетинган экан. Эрталаб зонага илжайиб кириб келди. Оператив вакил ундан маҳбусларни тинччишини, эртага ишга чиқишларини тушунтиришини сўрапти. Агар шу топширикни бажармаса кўзғолон кўтаришда айбланишини айтиби.

— Гапига кўндингми, дурак, — дея таъна қилди маҳорка тутунидан мўйловлари сарғайиб кетган, исми мутлақо унили ҳарфсиз ёзиладиган Мкртч деган арманин чол.

— Мени ким деб ўйляяпсан? Билиб қўй, я не сексот и не дурак.

Тушга якин лагер бошлиғи зонага кирди. У баракларни айланиб чиққандан кейин орқасидан, бошлиқ нима киларкин, деб эргашиб юрган маҳбусларга деди:

— Бўлди энди. Эртадан ишга чиқинглар.

Норқобил унга эътиroz билдириди:

— Пока старшина жазоланмас экан, работат не будем.

Лагер бошлиғи полковник Самсонов бирон тайинли гап айтишга ожиз эди.

— Келинглар, очиқласига гаплашайлик. Демянов масаласида ҳарбий прокурорга мурожаат қилдик. У старшина қонун доирасида иш тутган. Уставни бузмаган,

жазолаб бўлмайди, деб жавоб қилди. Ундан кейин ҳарбий трибунал билан гаплашдик. Унинг фикри бошқача. Жазолаш керак. Одамлар ҳалок бўлишини кутиб ўтирамай, штабга ёнғин тўғрисида зудлик билан хабар қилиши керак эди, деб жавоб қилди. У албатта суд килинади, деган фикрни айтди. Хотиржам бўлинглар, биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Шуни яхши билингларки, Давлат ҳавфсизлиги комитети билан Ички ишлар вазирлиги хеч қачон маҳбуслар фикрини тан олмайди. Ишга чиқишдан бошқа иложларинг йўқ.

— Барак эшиклари қачон очилади, — деб сўрашди ундан.

— Кутяпмиз. Юқоридан алоҳида рухсат келиши керак. Кутяпмиз.

Полковник чиқиб кетгандан кейин Норқобил бошчилигига гулхан атрофида маслаҳат «мажлиси» бўлди. Тўртинчи баракдан Дорфман деган юристни чақириб келишди. У эркинликда Ленинград адвокатурасида ишлаган, кўп чигал суд жараёнларида ютиб чиқсан обрўли адвокатлардан эди.

— Агар хафа бўлмасанглар, гапнинг очигини айтаман. Ҳозирги уринишларингиз хеч қандай натижа бермайди. Маҳбуснинг вазифаси — итоат қилиш. Бирон нимани даъво қилишга мутлако ҳаққи йўқ. Чунки у гражданлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Даъволарнингизнинг биронтаси инобатга олинимайди. Вазифаңгиз факат ва фактат бўйсуниш.

— Нима, биз қул что ли? — деди норози бўлиб Норқобил.

— Ундан ҳам баттар, — деди Дорфман. — Бу килаётган ишимиз яхшилик билан тугаса-ку майли-я, оқибати ёмон бўлиши, беш-олти кишининг жазо муддатини ошириб қўйишлари ҳам мумкин. Ана унда ёмон бўлади.

Дорфман тўғри айтаётган эди. Лагерда юз йилдан ортиқ муддатга кесилганилардан анчагина бор эди. Лагер ички интизомини бузган, ё бирон жиноят қилиб, ўн-ўн беш йиллаб муддатини ўтаганларига қарамай, яна йигирма беш йилдан жазо муддати олганлар бор эди. Жук деган маҳбус йигирма еттиничи йилдан бўён муддат устига муддат ўтаб келади. Ҳозир унинг жазо муддати бир юз ўн тўрт йилга етган.

Дорфман тажрибали одам. Конун-коидаларни билади. Унинг гаплари тўғри эди. Маслаҳат билан эртадан ишга чиқишига карор қилинди. Эрталаб вахтада ўн етти кишини

тұхтатиб қолдилар. Ўн етти кишининг ҳаммаси тройка қарори билан хар хил муддатта кесилғанлар эди. Бошлиқ ўринбосари ҳаммамизни түплаб, «тройка» қарори билан кесилғанларга енгиллик берилганини, улар маҳсус рух-сатнома билан ташқарыда соқчисиз ишга бориб келишлари мүмкінлегини айтди. Ана шу жазо муддати енгилла-тилғанлар орасыда мен ҳам бор эдим. Расулов мени гарнizon клубини безатиш учун ўзи билан олиб кетди.

— Киш оғир келяпти. Шахтага борсанғыз совукда қийналиб қоласиз. Энди иссиққина клубда солдатлар шавласидан сб, суврат чизаверасиз. Узоқ ишланадиган суврат танланғ. Баҳорга етиб олгунча ишланадиган суврат бўлсин. У олдимга бир даста «Оғонёк» журналини ташлади. Журналдаги рангли сувратларни кўриб, «Сталинград панорамаси»ни танладим. Унда юздан ортиқ одам суврати бор эди.

— Бу иш энди сизга муддатингизни ўтаб бўлгунини гизча етади, — деди Расулов.

Ишга жуда берилиб кетган эдим. Орқамда кимдир турганини сезиб, ўгирилиб қарадим. У болалик ўртоғим, биринчи синфдан то тўққизинчи синфгача бирга ўқиган, жуда ҳам қадрдан дўстим, маҳалладоним Ҳамид Азизов эди. У ўнинчини тугаттандан кейин Тошкент медицина институтига ўқишига кирган, институтни битирмай фронтга юборилган, қайтиб келгандан кейин яна ўқишини давом эттирган эди.

Уни кўрмаганинга кўп йиллар бўлган. Орадан шунча вақт ўтиб, энди, жуда ноқулай вазиятда кўришиб турибмиз. У медицина хизмати майори, кўкси орден, медаллар планкаси билан тўла эди.

Бир-биримизга сўзсиз караб турибмиз. Кўз олдимда унинг ранги оқара бошлади. Охири юзидан қон қочиб бўзга айланди. Нима бўлди, тоби кочдими... Йўқ, у ҳозир тирик «халқ душмани»ни кўриб кўркиб кетган эди. Тўғриси, ундан ҳазар қилаётган эди.

— Ия, ия, — деди у лаблари титраб. Бироз туриб яна, ия, ия, деди. — Мен ҳозир... ҳозир...

У шундай орқасига ўгирилдию ёв қувлагандек, шитоб билан ташкарига чиқиб кетди. Шу кетганича қайтиб келмади.

Кин оёқлаб, баҳор қадами эшитила бошлаган, тепа-лик жойларда қор эриб, занглаған ерда мис кукунлари худди яшил баҳмал ёпингандек кўрина бошлаганди. «Сталингард» панорамаси яримлаб қолган.

Расулов мункайган рус кампирини эргаштириб келди.

— Бу опа мархум сержант Гаврюшевнинг хотини. Эслайсизми уни?

Гаврюшев лагер қошидаги ўт ўчириш командасининг бошлиғи, ёнғинга қарши огохлантирувчи плакатларга буюртма берарди. «Чекилмасин! Рухсат этилмаган жойда чекиш мана бундок оқибатларга олиб келади», деган сувратлар ишлаб берардим. Уни дурадгорлик комбинати, шахталар, бензин складлари деворларига михлаб қўярди. Бу плакатлар учун у дурустгина ҳақ олар, бир қисмини менга ташлаб кетарди. Гаврюшев ўтган йили қазо қиласган эди.

— Битта илтимос билан кепти. Йўқ, деманг.

Кампир рўмолчага ўралган ниманидир менга узатди, очиб қарадим. Фотосуврат. Нихоятда мохир, профессионал фоточи олган лейтенант йигитнинг суврати эди.

— Гаврюшевнинг ўғли. Прага остонасида ҳалок бўлган. Шуни мойли бўёқ билан ишлаб берсангиз. Тўрт кундан кейин ўғлининг туғилган куни экан. Поминка қилмоқчи.

— Бўпти, Гаврюшевнинг ҳурмати, албатта ишлаб бераман, — дедим.

Кампир қофоз халтадаги йигирматача тухумни стол устига қўйди.

— Кераги йўқ, олиб кетинг, — дедим қатъий

— Олаверниг, кампирнинг олтмишта товуғи, саккизта ҳўрози бор. Бозорда тухум сотади.

Портретни айтган муддатда битқаздим. Кампир келди. Қўлтифида ниҳоятда чиройли бир бабақ ҳўroz бор эди.

— Э, қўйинг, олмайман. Мен эрингииздан кўп яхшиликлар кўрганман. Ҳақ олсам уят бўлади-я.

— Э, болам. — деди у кулиб. — Хўрошим қўпайиб кетяпти. Уларни нима қиласман. Тухум килмаса бу олифталар кимга керак. Барибир бозорга опчикиб сотвораман. Яхиси, сен шўрвага бос бу фўдайган ухажёри...

Кўлтифимда ҳўroz билан зонага келдим. Кутубхона олдидаги кичкинагина гулзор бикинида ҳўroz учун катак ясадим. У жуда фаол ҳўрзлардан экан. Товукларини соғинди шекилли эрталабгача етти-саккиз марта қичкирди. Узок-яқиндан бошқа ҳўрзлар унга жавоб қайтаришиди. Ташқарига чиқсан, маҳбуслар ҳам ховлига чиқиб, ҳўroz қичкиришини эшишиб ўтиришган экан. Шу

биргина хўрозд уларга қадрдан қишлоқларини, ойдин кечаларни эслатиб, уйкуларини кочирган экан.

Махбуслар хўрозни жуда эркалатиб юборишиди. Уни катақдан чиқариб юборишим билан бараклар олдида махбуслар ташлаган ушокларни териб ер, кечалари эса уларнинг уйкусини кочириб сахаргача кичкиради.

Дўшанба куни кечқуруни лагер ола-тўполон бўлиб кетди. Соат тўққиз бўлди, ҳалигача саккизинчи шахтага ишга чиқкан маҳбуслар қайтиб келмаяпти.

Бошликлар, гарнизон командирлари зонада асабий бир холатда бир-бирларига гап маъқуллардилар.

Қандайдир бир жиддий, кўнгилсиз воеа юз берганга ўхшайди. Зонага қайтиб келганларнинг ҳаммасини сафга тизишиди. Ошпазларни ҳам, касалхона врачларию санитарларини, новвойхонадагиларни ҳам ҳайдаб чиқиб сафга тиздилар. Шонилмай, бирма-бир санадилар. Яна санадилар. Етти марта санадилар. Бир маҳбус кам чикаверди. Маҳбусларнинг ҳаммасини битта колдирмай баракларга тикишиди. Эшик олдига қўйилган сокчилар, назоратчилар уларнинг исми, фамилиясини, рақамини ёзиб, битталаб чиқара бошладилар. Уч соат давом этган бу «тадбир»дан кейин рўйхатни штабга опчикиб кетдилар. Штабдаги рўйхатга солиштириб, икки соатдан кўпроқ уриниб, ғойиб бўлган маҳбус Норқобил Аъламов деган шахс экани аниқ бўлди.

Саккизинчи шахтадан бригадани кечаси соат иккинарда олиб келинди.

Лагер бошлиғи ҳам ўша тун ухламади. Папирос устига папирос чекади. Тонгга яқин хўрозимиз чўзиб-чўзиб қичкирди. Унинг товушидан ғазабга келган бошлиқ ер тепиб бақирди.

— Хўроз боқишига ким рухсат берди? Йўқотинглар, хозироқ йўқотинглар бу хўрозни.

Демянов қувиб юриб хўрозни тутиб келди. Бошлиқнинг оёғи остида хўрознинг танасини кирза этиги билан босиб бўғзига пичноқ тортиб юборди-ю, кийимиға қон сачратмаслик учун ҳали жони узилмаган жонворни қўйиб юборди. Хўроз тапирлаб, ердан ярим метр баландликка икки-уч марта сапчиб жон берди.

Махбусларга уйларини, қишлоқларини, бола-чакаларини эслатиб ҳар оқшом, ҳар сахар қичқирадиган хўрозд уларнинг кўзлари олдида қонга беланиб жон берди.

— Барибир қўлга тушади бу натмен, — деди Демянов қўлига сараган қонни иркит дастрўмоли билан ар-

таркан. — Бу чўллардан биронта маҳбус қочиб кутулмаган.

Лекин Норқобил тутиб бўлмайдиган, қўлга тушмайдиган бўлиб кочган эди.

Кончилар посёлкасида маҳбуслик муддатини ўтаб бўлган, беш йиллик сургун жазосини ўтаётган собиқ маҳбуслар ҳам яшардилар. Уларга бошқа томонларга бориб ишлашга рухсат йўқ эди. Улар ҳам конда ишлашга мажбур эдилар. Улар орасида Норқобилинг блатной дўстлари кўп эди. Улар конга маҳсус гувохнома билан кириб ишлардилар.

Ўтган сешанба куни саккизинчи шахтада ишлайдиган блатной дўсти унинг ракамланган кийимларини кийиб, маҳбуслар билан зонага келади. У беш кун маҳбуслар билан ишга бориб келаверади. У душанба куни ишга келганда яшириб қўйган ўз кийимларини кийиб рухсатномаси билан шахтадан чиқиб кетади.

Норқобил эса дўстлари тайёрлаб қўйган граждан кийими билан, улар тўплаб берган анчагина пул билан, суврати ёпиштирилган, хақиқийлигига хеч ким шубха қилмайдиган қалбаки паспорт билан шу беш кун ичидаги Термизга етиб келади. Пуфлаб шиширилган бузоқ теринсини миниб, афғон шамоли қутургандан қутуриб қўз очирмаётган тунда жиянлари кўмагида Амударёда сузиб, чегарадан ўтиб кетади.

Шу топда, уни тутамиз, қўлга туширамиз, жазосини берамиз, деб гапираётгандарнида у Афғонистонинг Ҳайратон қишлоғида, чўпон ўтовида қўқ чой ичиб, ўрисча сўкиниб ўтирадар эди.

## ХОТИМА

Қамоқдан бўшаган кунимдан бир хафта аввал Демяновининг уивони оширилди. Зонага погонида битта юлдуз билан кириб келди.

Қадрдон Тошкентимга эсон-омон етиб келдим. Вайрон бўлган рўзгоримни тикладим. Фарзанд кўрдим. Катор-қатор китобларим чиқди. «Халқ ёзувчиси» унвонига сазовор бўлдим.

Ховлида ўтирган эдим. Эшик қўнғироғи жиринглади. Чикиб эшикни очдим. Остонада болалик «ўртоғим» Ҳамид Азизов турарди. У бағрига босиб кўришмоқчи бўлди. Орқага чекиндим. У жуда иоқулай ахволда қолди. Тутила-тутила, тўй қилаётганини, тўйга таклифнома олиб кел-

ганини айтди. Хўп, хайр, дедиму эшикни бекитиб, ичкарига кириб кетдим. У хайрону лол, серрайганча қолди. У берган таклиф қоғозини ўқимай, фижимлаб, йўлақдаги ахлат челягига ташладим.

2000 йил, май

## ОТ БИЛАН СУҲБАТ

Ургутда адир тепасидаги Наврўз байрами ўтказиладиган ялангликка чиқадиган тик сўқмок ёнбошида бир қабр бор. Андак тўхтаб, унга эътибор беринг. Бу жангчи, қаҳрамон отнинг қабри. У фронтда яраланган эгасини олиб кетаётган санитар вагони орқасидан югуриб, поезд тезлаб кетганда етолмай, йўлда қолиб кетган. Неча ойлаб тоғ-тошлардан, дарёлардан ўтиб, чўлларда саргардон бўлиб, охири Ургутни топиб келган. Бу вафодор от эгасини кўриш илинжида ойлаб Самарқанд вокзалидаги поездларни бошдан-оёқ айланниб чикади. Ўзига таниш санитар вагонни тополмай, келгуси поездни кутади. Ургут билан Самарқанд оралиғида катнайвериб, туёклари емирилиб, юришга имкон бермай қўяди. У охири қадрдан чавандозга илҳақ бўлиб жон беради.

1960 йилда кончилар тўғрисида бирон нима ёзини ниятида Оҳангаронга бордим. Юз метрча чуқурлиқдаги шахтага тушганимда ғаройиб воқеага дуч келдим. Бу воқеа мени ҳали-ҳали ларзага солади. Илгари бошимга қора қунлар ёғилганда Жезқозон мис конлари шахталарида ишлаганман. Ер қаъридаги бунақа ҳаёт менга таниш эди. Боя айтганим — мени ларзага соглан нарса — кўмир конида 17 йилдан бери ёруғлик кўрмай, тоза ҳаводан нафас олмай яшाटтган от эди.

Бу от кирк биринчи йили фронтга жўнатилади, икки йил жант қиласди. Яраланган отлар қатори «брак» қилиниб, кўмир конлари бошқармаси ихтиёрига юборилади. Шу тариқа у фронтдош дўстлари билан Оҳангаронга келиб қолади. Ўша пайтларда электр кувватининг этишмаслиги туфайли техникани ишлатиб бўлмасди. Электр қуввати фақат шахта ичини ёритиш ва ҳавони тозаловчи вентиляторни айлантиришга зўрға етарди. Отлар ер тагига туширилди. Кўмир ортилган вагончаларни тортиш шулар зиммасига тушиди. Яраси битиб, асил ҳолига келган от исён кўтариб, юк тортмай кўйди. Шунда ер усти-

дан бир яхудий мол дүхтири тушиб, уни ахта қилиб қўйди. Ана шундан кейин у юввош тортиб, итоатли бўлиб қолди. Кўп отлар хаво етишмаслигидан, оғир меҳнатдан бирин-кетин ўла бошладилар. Юқори қувватли электр линиялари тортиб келтирилгандан кейин отлар керак бўлмай қолди. Улар ишдан озод қилиниб, ер бетига чиқазилди. Аммо, ёруғликка чикқач, қорачиклари кенгайиб кетгандан кучли ёруғликка чидамай, ҳаммаси кўр бўлиб, бадбўй ифлос ҳавога ўрганган ўпкалари тоза ҳавога дош беролмай қолди. Шахтада қолган уч-тўрт от ҳам ўлиб кетди. Факат шу биргина от ҳамон ер қаърида яшаяпти.

Бошимдаги каска чирофини отга тушираман. У жимгина тураверади. У ахта қилинганидан бўён ана шунаقا бефарқ, локайд бўлиб қолган экан.

Менга ҳамроҳ бўлган кон муҳандисига қарайман.

— Буни нима қилмоқчисизлар? Юқорига чиқазилса кўр бўлиб, ўлиб кетади. Бечора шу срда яшайверадими?

— Бошқа илож йўқ. Худо қанча умр берган бўлса шу срда поёнига етказади.

Ўз ўлимини сокин, итоат билан, исёнсиз қутаётган баҳтсиз жониворга қараб юракларим зирқираф кетди. Қанчалар раҳмсиз бўлиб кетганимиз-а, дейман ўзимга ўзим. Динга қарши тинимсиз ташвиқотлар ўз ишини қилмаётганмикин? Дилемиздан имон кўтарилмаётганмикин? Наҳотки, Худони унутаёздик? Йўқса, бу шафқатсизлик бизга қайдан илашади?

Қамок лагерларида умрини ўтказаётган маҳбуслар уйини, бола-чақаларини соғиниб мушук боқишарди. Ўзлари тўймаган овқатдан юлиб мушукларга беришарди. Лагер сиёсий раҳбари шу мушукларни қопга солиб, олов гуриллаб ёнаётган новвойхона печига ташлаганини кўрганман. У алангада жизғанак бўлиб ёнаётган мушукларни завқ билан томоша қилганди. Бу шафқатсиз одам ибодат қилаётган насронийларни, намоз ўқиётган мусулмонларни аямасдан калтакларди. Бу хил шафқатсизликлар ўшанақа имонсизлардан ўтмаганмикан?

Шундай изтиробли хаёллар билан отдан узоклашдим.

Гоҳ эмаклаб, гоҳ букилиб, вагончаларга, электр симларга тегиб кетишдан қўркиб, минг бир хавотир билан шахта йўлларини айланиб чиқдим. Тепамда ким билсин, неча миллион тоннали ер катлами. У тинимсиз қисирслайди. Ҳар бири уйдек-уйдек келадиган кўмир харсанг-

ларининг дарзидан қурум тўкилади. Вагончаларниң тарака-туруқ товушлари, тепадан ёмғирдек қўйилаётган сувларниң шовқини, сув тортаётган насосларниң тишимсиз гувиллаши, пармаларниң пулемёт товушини эслатувчи овози, улар кўчирган кўмир харсангларининг настга қарсилаб тушишидан ҳосил бўлган момоқалдироқдек ваҳимали товуши мени довдиратиб қўйди, кулокларим битиб, чиқиш жойига келдим. Ҳамроҳим юқорига чиқиб кетган экан. Лифтчи чол ахволимни кўриб, темир курсини мен томон суриб қўйди.

— Бирнас дам олинг. Анча уриниб копсиз. Шахтага бириничи тушган одам шуниқа эсанкираб қолади.

Ўтиридим. Икки кўзим отда. Унинг бадани харакатсиз эди. Ер бетидаги отлар танаисига қўнгани пашшаларни думи билан хайдайди. Думи етмаган жойларига қўнгандарини терисини дириллатиб учирниб юборади. Бу жойда на пашша, на чивин бор. У отниң ўзи эмас, гўё хайкали эди.

От ҳам ўйлармикан, дейман ўзимга ўзим. Кўрган кунларини эслармикин? Толстой ҳам, Айтматов ҳам от ўйлаш, эслаш қобилиятига эга жонивор, деган. Шундай бўлса, бу от ҳам болалигини эслай олади. Шаталоқ отиб яйраган яшил яйловини, онасининг тўлиб, тирсиллаб турган елинини боши билан туртиб-туртиб ийдиргандарини, илиқ, хўшбўй она сутини мириқиб эмгандарини эсластгандир. Чакмоқ чакиб, момоқалдироқ гумбурлаб, ёмғир қўйгандан онасининг иссик пинжига сукилганларини хайлидан ўтказаётгандир. Авжи ғуонон бўлган пайтида рагибларини доғда қолдириб, кўнгли хушлаган сулув бияни эргаштириб, уюр орасидан ғолибона олиб ўтган пайтларини наҳотки эсламас!

От хўрсинса, кўзидан ёш окса бир фалокат юз беради, эгаси ўлади, дейишади. Хўрсинган отни албатта сўйиб юборишиади.

1952 йили шу отниң кўзидан мўлт-мўлт ёш окканди. Ним коронги шахтада буни хеч ким сезмаганди.

Ўша йили олис Жезқозғон конида мис харсангларини кўчирадиган маҳбуслар орасида бир маҳбус, собиқ қаҳрамон, отлик аскар Эрмат чавандоз оламдан ўтди. Мис тўзонлари унинг ўпкасини чиритган эди. Эрмат чавандоз умрини ватан хонини деган «унвон» билан яқунлади.

От ўз чавандозининг оламдан ўтганини сездимикин? Унинг хўрсиниши, кўзида мўлтираган ёш балки шундан-

дир? У жонворлик хисснёти билан фожиани олисдан туриб сезган бўлиши мумкин.

Бу руҳий холат, бу эрк соғипчи менга таниш.

Йигит ёшим барқ урган, уйланиб, хаёт нашъасини суроётган, ёниб ижод килаётган пайтимда мени зинданга ташладилар. Ёруғ тушмайдиган, ташқарида тик этган товуш келмайдиган якка зимистон хонада (одиночка) ётганимда худди шу отга ўхшаб кўрган-кечиргандаримни эслаб ўтирадим. Қизик, негадир фактат баҳор пайтларини эслардим. Ўрик гуллаган, шаббода шафтоли гулларини тўзғитарди. Мажнунтолларнинг узун яшил соchlарини янги уйғонган майсаларнинг бошлирини силарди. Жаннатга бермагулик ўзбек боғларида баҳор бир неча ҳафталик меҳмон эди.

Йигитлик ҳам ана шундай меҳмон. Шу ғанимат, кейин ҳеч қачон қайтиб келмас дамларни коронғу зинданда ўтказиш накадар аянчли, накадар армонли...

Шу топда, ер тагида от ўйлашти, мен ўйлашман.

От яшил яйловларни кўряпти. Она бағрида яйраганларини эслаяпти. Мен биринчи китобим чиқсан, қувончим оламга сифас бахтиёр дамларни кўз юниб хотираамда жонлантиряпман.

Беихтиёр отга қарайман. У ҳамон бош экканча лоқайд турарди.

— Э, биродар, не гуноҳинг бор эдики, сени шу алпизга солишиб?

От тилга киргандек бўлди:

— Менда қандай гуноҳ бўлсин. Бир безабон жониворман. Одамларнинг юкини енгил қилдим, узогини яқин қилдим. Ўзимни инсоннинг дўсти дегандим... Ҳайронман. Олис юртларда жангларга кирдим. Одамлар менга ўқ уздилар. Яраланиб, узок юртлардан ватан деб билган манзилга стиб келдим. Мана, кўриб турибсан, ўша соғиниб келган ватанда офтоб кўрмай турибман...

— Биламан, биламан, жонивор. Ҳалклар отаси ҳўлу қуруқини баробар ёндирган эди. Сендан бирон зурриёт қолмадими? — деб сўрайман ундан. У бош чайқайди.

— Мени бундай баҳтдан мосуво қилгандар.

Кўксимда бир дунё ғам билан ер бетига чиқиб кетдим.

Осмон кўм-кўк, укпардек оппок булатлар беозор сузади.

От пастда, қуёшсиз, ойсиз, юлдузсиз маконда муинг тўла кўзларини юмганича қора тақдирини поёнига етка-

зиш учун зимиstonда қолди. Ўттиз етти йилдирки, уни эслайман. Баъзан у тушларимга киради. Бирон ерда от кўрсам шу фариб, бахти чопмаган жонивор эсимга кела-ди. Шундай пайтларда дохий «падари бузрукворимизга» қаратади: «Зулмингни, жабриигни тортмаган ким қолди? Одамларга килган зулминг каммиди, жониворларни хам бахти кора қилдинг-ку!» деган бир нидо ич-ичимдан оти-либ чиқади.

Ўтган йили водийга машинада кетаётганимда ёмғир куйиб юборди. Олмалиқ йўлидан Оҳангарон томон бу-рилишда ҳассага таянган бир кекса одам ёмғирда ивиб, ўтган-кетган машиналарга қўл кўтариб, олиб кетишлари-дан умид килиб турарди. Ўнинг ёнгинасига келиб, ма-шинани тўхтатдим. У эшикни очиб, Ангренгача олиб кетишими сўради. Олиб кетдим. У менга икки-уч мар-та караб олгач:

— Сизни танийман, биродар, — деди. — Эсингида борми, ўттиз етти йил олдин сизни шахтага олиб туш-гандим.

Тасодифни қаранг, шунча йилдан бери хаёлимни башд қилган одамни топдим. Ундан шошиб сўрадим. «Эсин-гиздами, ху, шахтадаги от? У нима бўлди?» дедим. У ички бир изтироб билан, паст овозда: «Ўлди», деди.

— Сиз келиб кетганингиздан бирон йил ўтиб, жонивор казо қилди. Жасадини Жигаристондаги фронтчи дўстлари дафи килинган жойга кўмдик. Жуда баҳаво жой. Баланд адир пойнда. Кон ветеранлари маслаҳатла-шиб, шу отларга ёдгорлик ўрнатмоқчи бўлдик. Бироқ ўзингиз биласиз, Жигаристон воқеасини бутун дунё би-либ кетди. Бемаҳал келган ёмғир селга айланиб кўприк-ларни бузди. Дараҳтларни кўпорди. Адирнинг таги нам тортиб, сурила бошлади. Охири ўпирилиб, одамларнинг уйларини босди. Эҳ-хе, қанча одам тупроқ тагида қолди. Ўшанда отларнинг мозори хам тупроқ тагида қолиб кет-ди.

Бу гапдан инграб юбордим.

Тақдирни қаранг, бу бахти қора отнинг ўн етти йил ер тагида яшагани, ер тагида жон бергани камлик қил-гандек, қабри ҳам ер тагида қолиб кетибди. Ўзи айтган-дек, «ватанини топибди».

Хамрохимни Ангренда қолдириб, тоғ томон кетдим. Ёмғир тинган, лекин тоғ бошида булатлар ғужрои ўйнар-ди.

Довоиға кўтарилеман. Ёнбағирларда уюр-уюр йил-

қиласар ўтлаб юришибди. Улар орасида мен билган от-  
нинг зурриёти йўқ. У дунёдан ном-нишонсиз кетган...

«От кишнаган окшом» қиссанинг сўнгти сатрлари-  
ни ёддан ўқийман: «Аё Тарлон, сен менинг акамсан. Ука  
деса дегулик мендайин уканг бор... Аё Тарлон, сен ме-  
нинг киёматлик биродаримсан, киёматлик...»

Бу сўзлар инсоннинг энг яқин дўсти, вафоли жўра-  
си — от шаънига айтилган мадху таронадир.

## АЗРОИЛ ЎТГАН ЙЎЛЛАРДА

*Собиқ шўро терговчилари қўлида азоб чеккан  
юртдошлиримга бағишлайман*

Зўр қураш кўрамиз, деб келганларнинг ҳафсаласи  
пир бўлди. Биринчи даврадаёқ қурап алана олмай,  
чўғлигича қолди.

Икки полвон ярим соатдан бери ҳадис олиб, томоша-  
бинларни зериктириб юборди. Даврада ўтирганларнинг  
тоқати ток бўлди.

— Ажрим қиворинглар, қураш кўргани келганмиз!  
— Жалол полвон чиқмаса қураш қизимайди. Жалол  
чиқсин!

Жалол полвон стмиши ёшларга борган, эллик йилдан  
бери қураш тушади, шу пайтгача қураги ер кўрмаган  
полвон.

Ишқивозлар уни беҳудага қурашга чақиришаётган  
эдилар. У даврага чиққани билан талабгор бўлмагани  
учун қайта жойига бориб ўтиради. Қурапаман, деб кел-  
ганларнинг кўпчилиги уйдан енгилган, ҳаммасининг ала-  
ми ичиди эди.

Ишқивозлар талаб килаверганларидан кейин баковул  
уни даврага судраб чиқди. Қўлидан ушлаб ўртада ай-  
лантириб юрди.

— Мамлакатимизнинг мутлақ чемпиони, юзлаб ёш  
чемпионларнинг устози Жалол полвонга талабгор бор-  
ми? — деди у даврага мурожаат килиб.

Хеч ким чиқмади. У билан бир беллашсам армоним  
йўқ, деб келган ўспирин полвонлар одоб сақлаб жим  
ўтиришарди.

Орка қаторда ўтирган йигирма беш ёшлар чамаси  
бир йигит ўрнидан турди.

— Мен беллашаман!

Хамма унга қаради. У танаси худди чўяндан қўйилгандек, миқти бир йигит эди. Елкалари кенг, билакларидан мушаклари бўртиб чиқиб турган, очик кафтига битта одам бемалол ўтиrsa яна икки бармоғи ортиб қоладиган бўз йигит эди. Даврада кимдир ҳазил қилди:

— Вой-бў, баданига мих қоқсанг қайилиб кетади-ку!

Кимдир, Жалол уни икки ямлаб, бир ютиб юборди, деб юборди.

Жалол полвон, писанд қилмагандек, мийнида кулиб турарди. Унинг жилмайиши ёш полвоннинг нафсониятига тегди.

— Кўй, болам, мен гўдаклар билан курашмайман. Ўз тенгинг билан беллаш, — деди унга насиҳат қилгандек.

— Йўқ, факат сиз билан курашаман. Билиб қўйинг, енгаман! Курагингизни ерга ишқайман!

— Катта кетма, бола! Менинг курагим факат ўлганимда — гўрда ётганимда ерга тегади.

«Майли, майли, беллашсиз, боланинг сазаси ўлмасин, хўп деңг, полвон бува!» деган овозлар чиқди.

Баковул икки томоннинг розилигини олиб: «Бўстонликлик Жалол полвон Ёзёвонлик Эрмат полвон билан беллашишга рози бўлди!» деб эълон қилди.

Жалол полвон ерга ўтириб этигини ечаркан, қилаётган иши ўзига кор килиб, энди кунинг шу миниқи гўдакка қолдими Жалол, шу норасида болани енгиб, шима обрў топасан, дерди ичида.

Эрмат полвон эса уни писанд қилмай, енгаман, дегандек мағур турарди. Унинг бу «сурбестларча» туриши Жалол полвоннинг фашини келтирди. Энди ўзингдан кўр, бола, деб ўрнидан турди.

Баковул уларнинг белбоғларини бошқатдан бойлаб, омин, деб фотиха берди.

Жалол полвон бепарво эди. Қани, бир уришиб кўрсии, деб кўйиб берди. Эрмат унинг белбоғи орқасига қўлини сукиб, билагига уч марта ўради. Жалол полвон хотиржам эди. Эрмат: «Ё эгам, ўзингдан мадад!» деди уни бир силтаб кўтариб, оёғини ердан узди. Яна бир марта силкинганида кўкрагигача чикарди, турган ерида икки айланниб чап ёнбошига отди. У болалар чойнак қопкоғини бураб қўйиб юборгандек чир айланниб, яна қимирламай туриб қолди.

— Энди, бас, хумордан чиқдингми, — деди у ракибининг қулогига. — Энди шавбат менга! — у шундай деб

Эрматин бир силтаб кўтарди-ю ерга отди. У ерга чалканча тушди. Жалол полвон тик турганча энгашиб унинг икки елкасидаи босди. Эрмат типирчилади. Рақибининг чайир қўллари ҳамон унинг елкасини ерга қапиштириб турарди. Шунда... Шунда Жалол полвон рақибининг ў чақнаган кўзида гўдаклар йиғлаганда оқадиган шаффоф, бокира ёшлигини кўриб, сесканиб кетди. Унинг елкасидаи қўлини олиб, ажиб бир меҳрибонлик билан қўлидан тортиб турғазмокчи бўлди. Аммо Эрмат унинг қўлини силтаб ташлади.

Эрмат ўкириб-ўкириб йиғлади. Бу йиғи Жалол полвоннинг юрак-бағрини ўртаб юборди. Болам, йиғлама, кўз ёшингни ют, бирор кўрмасин, деди унинг қулоғига шивирлаб, Эрмат шу заҳоти яктагининг енгини кўзига суртди. Увол, увол, дерди Жалол полвон. Мана шу бола менинг ўрнимга қолади. Уят иш қилиб кўйдим. Боланинг шохини синидирдим. Аттаңг, аттаңг... Жалол полвон гулдурос қарсак товушлари остида даврадан чиқиб кетди. Этагини тутиб пул йиғмади. Ёнғоқзор оралаб уий томон кетди. Йўл-йўлакай, бу енганимми, деб ўзидан ўзи сўраб бораарди. Енгилганим, енгилганим! Майда болалар билан бел олишадиган бачкана полвон бўлиб қолдингми, Жалол, дерди бошини сарак-сарак қилиб.

Эртага жавоб беллашуви бўлади. Нима қиласай? Беллашмасам, полвонлик шаъним тупроққа қоришади. Белланисам-у, атайин йиқилиб берсам, унда нима бўлади? Полвонлик ғуруримни қаёққа яшираман...

Шундай хэллар билан кетар экан, яқин орада аёл кишининг қикирлаб кулгани эшитилди. Аланглаб қаради. Уч тегирмон сув оқадиган сой бўйидаги харсанг устида ўғли Кўчкорвой Нурим сартаропининг келиши Одинани бағрига босиб ўпяпти. Одина қийшанглаб кулар, Кўчкорининг юзига беозор шанатиларди. Сойнинг шовуллашидан улар оёқ товушини эшитмасди. Ўз ишлари билан машғул эдилар. Кўчкор Одинани тиззасига ўтказиб олиб, юз-кўзларидан, лабларидан тинмай ўпарди.

Жалол полвон нима қилишини билмай серрайиб туриб колди. Кўчкорининг ерга тушган дўпписини олаётган Одина сапчиб ўридан туриб кетди.

— Вой, мен ўлай... дадангиз! Шарманда бўлдик! — деди ю тутглалари қадалмаган ҳарир кофтасини очиқ қолган оппок кўкрагига бостанича кочди.

Кўчкор нима қилишини билмай дадасига караб тургач:

— Йигитчилик — итчилик экан-да, дала, — деди. — Бу ахмок, эримни турмадан чикармасанг, ўзимни сувга ташлайман, деб...

— Дуруст, дуруст... Бир одамгарчилик қипсан-да, баракалла! Агар кучоклад турмаганингда, бағрингга бошиб, томоғининг тагидан ўпмаганингда, албатта, ўзини сувга отарди. Менга қара, күппак, хотинингни олдига шу алпозда борма! Юзингни артиб ол, хаммаёғинг қипклизил лаб бўёғи бўлиб кетибди.

Жалол полвон ғудрана-ғудрана нари кетди.

Полвон ўғлининг шу жувонга айланишиб қолганини биларди. Одинанинг эри қамалмасдан буруноқ бошланган эди бу савдо.

Нурим сартарошнинг ўғли Собит зўр Одинани Чустнинг Олмосидан опқочиб келганди. Ҳусни бир дунё, юзи сутга чайқаб олингандек, кўзлари-ку... Бу дунёда унақа кўз бўлмаса керак. Машхур рассом Чингиз Аҳмаров уни Нанайда кўриб қолганда, бу жувоннинг кўзларида лазер нури бор, караган жойига ўт кўяди, деган эди. Кўчкор охудек ҳуркагич шу дилбарга элакишиб колди. Неча марта учрашувга чакирди, келмади. Эридан кўркди. Эри уни ҳаддан ташқари рашқ киларди.

Собит зўр кишлоқда тизгинсизлиги билан машҳур эди. Кўнглига келган ҳар қандай ишни тап тортмай қилиб кетаверарди. Баъзан у икки-уч ойлаб йўқ бўлиб кетар, поездларда лўлиларга кўшилиб кимор ўйнар, йўловчиларни карта ўйинига тортиб, чўнтакларини қоклар эди. У йўқ пайтларida кишлок тинчib қоларди. Одамлар Собит йўғида кишлок дам олади, дейишарди. Баъзан у бор буд-шудини ютқазиб, уйига коронғи тушганда май-качан қайтиб келарди. Беш-үн кун уйида «мўмин-қобил» бўлиб юрарди-да, яна сигирми, бузоқними ўғирлаб, лўлилар тўдасига қараб кетарди. Омади келган пайтларда бир халта пул билан қайтар, сигир-бузоқ эгаларини саҳийлик билан рози килиб, ўз кўнглида гунохлардан фориф бўларди.

Собит зўр Одинани Олмосдан опқочиб келгандан кейин номи ўзига ярашмай колди. Худди онаси бошқатдан туққандек яхни бола бўлди-кўйди. Кўни-қўшнилар Собитга худо инсоф берди, деб севинишиди.

Собит отасига кўшилиб тўй-маъракаларга боради. Нурим сартарош ичкарига — қариялар олдига кириб кетганда Собит ташқаридан қолиб, самоварчига қарашар, келди-кетдига чой ташир, ошпазга ўтин ёриб берарди. Унинг

бир чиройли қобил бола бўлганидан севинган ҳамкишлолклар, «Каранг-а, худо инсоф бераман, деса ҳеч гап эмас экан», дейишарди.

Собит Одинани ер-кўкка ишонмасди. Одина эса бу эркалашлардан талтайиб кетган эди. Рўзғор ишларига кўл урмасди. Ҳатто ечиб ташлаган кийимларини қайнонасининг олдига ташларди. Овқатни еб, идиш-товоқни йифишишимай индамай туриб кетаверарди. Қайнонаси жавраб-жавраб кир ювар, жавраб-жавраб ҳовли сунурар эди. Бальзан у эрига нолиб қоларди:

— Нега индамайсиз, бошимизга чикиб олди-ку, қайнотамисиз, нимасиз? Мен кимман? Қайнонаманми, келинманми? Мундоқ насиҳат қилиб қўйсангиз бўлмайдими?

Нурим сартароши босиклик билан жавоб қиласди:

— Кўй, хотин, қўпам зорланма. Ўғлиниг шунга андармон бўлиб, қиморбоз дўстларидан кечди. Ёмон қилинларини ташлади. Шу келин, деб юртга қўшилиб қолди. Икки марта жума номозига ҳам олиб бордим. Келинингдан нолима, унга раҳмат де. Ўғлиниг хозир мисоли мажнун.

Собит ҳар қуни кечқурун жомда иссиқ сув опкириб хотинининг оёғини ювиб, оппок сочиққа артар, тирсиллаб турган болдириларига шапалатиб уриб қўярди. Кейин уни даст кўтариб тўшакка ётқизарди. Одина бу хизматларга мукофот сифатида узук тақилган бармоқларини унинг пешонасига тегизиб ўпиб қўярди.

Собит ҳали тонг ёришмай елкасига милтиқ ташлаб тоққа чиқиб кетарди. Тун салқинида қанотлари карахт бўлиб қолган беш-тўртта каклик уриб келарди. Хотини уйқудан тургунча какликларининг патларини юлиб, тозалаб, тузлаб қўярди. Одина ҳовлига чиққанда шамол учирив юрган патларини кўриб бурнини жийирарди. «Шу каклик ўлгир ҳам жонимга тегиб кетди-да», деб нолирди.

Собитга отаси, болам, ўртоқларинг ҳашарга айтса, қолмагин. Энди сен юрт ичига кириб қолдинг. Кексалар олдидан саломсиз ўтмагин, ўтирган бўлсанг, ўринингдан туриб салом бергин, деб насиҳат қиласди. Одна бўлса унинг кўйлакларини жухуд домлага обориб дам солдирарди. У ёзиб берган аллақандай коғозларини чойга ивтибиб ичирарди.

Кунларниң бирида эшик тақиллаб қолди. Собит эшикни очса, оstonада машхур рассом Чингиз Ахмаров турипти.

— Келинг, мулла ака, — деди Собит унга ҳайрон караб.

— Келиннинг сувратини ишлашга рухсат берсангиз. Париж кўргазмасига юбораман.

Собитнинг бундан беш ой олдинги қони қўпирди. Панжалари муштга айланди.

— Каин, яхшиликча жўнаб қолинг, бўлмаса бир корхол бўлади. Мени ким деб ўйладингиз, хотинини томошага қўядиган ҳезимкашлардан деб ўйладингизми?

Аҳмаров бир сўз айтмай орқасига қайтди. У шунаقا жавоб бўлишини аввалдан биларди. Зора унга худо инсоф бериб роз бўлса, деб ўйлаганди.

Лекин бу бекиёс истеъодди рассомда бир-икки марта кўрган одам киёфасини ёддан чиза олиш қобилияти бор эди. Барибир ишлайман, дея дилига тугиб қўиди.

Қўчкор Одинага етишиш учун бор ҳунарни ишга солди. Собитни ҳўқиз ўғирлади, деб қамади. Тергов пайтида мотоцикл ҳам ўғирлагансан, деб соxта гувоҳга рўпара қилди. Ўзи унинг томига ташлаб қўйган бир халта кўкнорини ҳам «дело»га ёпинтириди. Собит саккиз йилни бўйнига олиб кетдию, хотини милиция терговчиси — капитан Қўчкор Жалоловга қолди. Хоҳлаган пайтида учрашиб, айш-ишрат қилишга имкон яратилди. Бир кун Одина унга эркаланиб, ўлсин, тўнка эrimдан айниганд тухумнинг хиди келарди, деб кулди.

Яқинда, бир хаftача бўлди, Собит турма қоровулини ўлдириб қочгаи эмиси, деган гап тарқалди.

Бу гапни эшитган Нурим сартарош боласидан умидини узиб қўиди. Энди уни эплаб бўлмайди. Бу бола кон тўкиб қўиди. Унинг ичидаги аждар уйғониб кетди. Энди у дуч келганга ўт пуркайди, дуч келганини ғажиб ташлайди, деб афсус-надоматлар чекди.

Шу тобда қўзи олдида бўлиб ўтган ходиса Жалол полвонга негадир таъсири қилмади. Унинг хаёли эртага бўладиган кураш билан банд эди. Нима қилсин, беллашмаса, Жалол полвон қочди, дейишади. Беллашса, бир навқирон йигитнинг дили вайрон бўлади. Эрмат енгилса курашга қўл силтаб, иккинчи марта даврага чикмайдиган бўлиб кетади. Агар унга йикилиб берса, эллик йил елкаси ер искамай келган, шу охирги курашдан кейин полвонликни ташлаб, умрининг қолганини тоат-ибодат билан ўтказаман, деб аҳд қилиб қўйган. Кураш — бошқаларга томониша. Полвон учун эса ғурур, нафсоният, айникса, охирги жантдан тўнишинг чангини қоқиб, давра-

дан бош эгіб чиқиб кетиш Жалол полвонга ўлым билан баробар эди.

У шундай деб ўйладиу дарров фикридан қайтди. «Жалол, шұнақа паст одаммисан? Бир оғеңинг гүрда турибиди-ю, шоп-шавкатни ўйлайсан-а! Уят, уят!»

У бири-бирини инкор киладиган хаёллар гирдобида тұлғаниб-тұлғаниб уйқуга кетди.

...Бугунғи курашга кечагидан иккі баробар күп одам келған. Уч автобусда шахардан ишкібозлар, енгил машиналарда тұманлардан полвоилар келишган. Кечаги кураш телевизор орқали күрсатилған эди. Жавоб беллашув қандок бўлар экан, деб келганлар сон-саноқсиз.

Кабобазлару морожнийчиларниң қўли-қўлига тегмайди.

Жалол полвон бугунғи беллашувга хушламайроқ келди. Ўзига қолса, мен енгилдим, деб қайтиб кетишіга ҳам рози эди. Уни бу ерга факат орият олиб келганди.

Саккиз беллашувдан кейин Жалол полвон билан Эрмат полвонга гал келди.

Эрмат полвоннинг қовоғи солиқ. Ундан кечаги мағлубиятнинг захри кетмаганди. У рақибига тилар-тиламас, ҳатто, бетига қарамай күл берди. Унинг авзойи бузук. Агар бугун Жалол полвонни тупроққа қоришишимасам, фалон-пистон бўлай, деб дўстларининг даврасида оғзига ёмон сўз олиб қўйган. Полвон ҳалқи жазавага тушганда берган ваъдасини унутадиган қавмдан бўлади. Кечаси билан Жалол полвон ўйлаб-ўйлаб, Эрматга йиқилиб берай, энди зўр келиб қаёққа борарадим, шу ёш полвонга бугунғи ғалабаси қанот бўлсин, деб инят қилғанди. Беллашув пайтида инятидан ғурури ғолиб келди. Бу ўжар, ўзига ортиқча бино қўйган полвончанинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. Эрмат ҳам астойдил эди. Унга асло белини бермасди. Жалол полвон уни ўзига торганда, бир кучаниб қўлини чиқариб юборарди. У эллик йил курашиб ҳали бунақа бели бақувват полвонни кўрмаган эди. Кўпдан синалган усулини қўлламоқчи бўлди. Рақибини бағрига қапиштириб кўтарганда ҳар қандай полвон ҳам тоб беролмасди. Бунинг учун аввал Эрматни бағрига тортиши керак. Аммо Эрмат сира белини бермасди. Ҳамла билан бир-икки марта уни кўксига қапиштириди ҳам. Аммо Эрмат бир кучанганда Жалол полвоннинг бақувват қўллари узилган занжирдек белбогдан чиқиб кетарди. Жалол полвон пайт пойлаб уни бағрига босди. «Ё тангрим!» деб оғеини ердан узди. Ҳамма

жим. «Жалол ютди, Жалол ҳозир уни ерга қапишира-ди», деган овозлар эшитилди. У ракибини энди ёнбошга отмокчи бўлиб турганда ёнғоқзордан кетма-кет икки марта ўқ товуши эшитилиб қолди. Ҳамма ёнғоқзор томонга қаради. Отилган ўқ гўё Жалол полвоннинг қон томирига, бақувват пайларига теккандек бўлди. Бир дам қони айланишдан тўхтагандек, пайлари дуторнинг таранг ипларига сув сепилгандек бўшади-қолди.

— Ур, ур, болам! — деди Жалол полвон инграб. — Шу топда ерга отмасанг, кейин мени енголмайсан!

Эрмат нима бўлаётганини тушунмасди.

— Ур, шошиб турибман! Зудлик билан кетишими ке-рак, ур!

Эрмат уни даст кўтариб ўнг ёнбошга отди. Жалол полвон икки қулочини ёзганча ерда ётар экан: «Енгдинг, енгдинг, бола!» деди.

Эрмат уни қўлидан ушлаб турғизиб қўйди. Жалол полвон этигини ҳам киймай ёнғоқзор томонга ўқдек учиб кетди.

Даврада шивир-шивир гап айланиб қолди: «Ёнғоқзорда Собит зўр Кўчкор билан Одинани отиб кетиби-ди...»

Икки марта ўқ отилгандаёқ Жалол полвоннинг юраги муджиш воқеа юз берганини сезганди.

Саккиз йил мусичадек бир-бирининг патини ялаб яшаган, эри ишдан кечикса остонаяда интизорлик билан кутадиган, келиши билан бўйнига осиладиган хотинининг бир дақикада эридан кўнгли қолиши мумкини?

Уйга олиб келишганда Кўчкорнинг танаси ҳали совумаганди. Билагидаги соати юриб туриши, миллари бе-парво айланяпти. Ундан дам ўтмай қандайдир шўх куй тарапади. Хотини Гуландом фарёд уриб унга ўзини отди. Отдию бир дақика ўтмай нафрат билан сапчиб ўрнидан туриб кетди. Мурдадан францууз атирининг хиди келарди. Унинг юзларида, бўйинларида, кўкракларида лаб бўёғининг кип-кизил излари аниқ кўриниб турарди.

Шу топда ўлган Кўчкор эмас, Гуландом эди. Орзулари, кўксида ёнган оловдек муҳаббат, эркаланишлари бир зумда жон берди-қўйди.

Марҳумнинг йигирмаси ўтгунча ҳам Гуландомнинг кўзида хеч ким ёш кўрмади. Гўё у эрицининг эмас, бегонанинг маъракасида юргандек эди. Қулоғидан зирагини, бўйнидан шода-шода марваридларини, бармоқларида

чақнаган узукларини олиб қўймади. У азадор уй сохибаси эмас, тўй эгасидек эди.

Гуландомпинг борадиган жойи йўқ эди. Тўйда келин томондан биронта тирик жон келмаганди.

Полвон ўғил уйласам, кудаларим билан борди-келди килсам, деб орзу қиласди. Афсус, ундай бўлмади.

Кўчкор Охангарон томонларда милиция терговчиси бўлиб ишларди. Бир тўйда Гуландомга кўзи тушадио ҳаловатини йўқотади. Ётса ҳам, турса ҳам кўзидан Гуландом кетмайди. Неча марта йўлини тўсиб, гапга солмоқчи бўлади. Аммо қиз ёввойи кантардек унга тутқич бермас, ошиқ йигитнинг ёлворишиларини эламас эди. Охири Кўчкор кўпдан сипалган усулини қўллади. Гуландомнинг укасини, мотоциклда одам уриб кетган, деб қамаб қўяди. Гуландом бош эгиб, Кўчкорнинг олдига боришга мажбур бўлади. У қиласди. бу қиласди, қизнинг у ёғидан ўтади, бу ёғидан ўтади, алдайди, аврайди. Фалон вакт фалон жойга кел, укангни кўрсатаман, дейди. Шундай учрашувлардан кейин Гуландомда Кўчкорга мойиллик сезила бошлайди. Қиз тегадиган бўлади, Кўчкор уйла-надиган бўлади. Кўчкордан қизникига совчи келади. Ота унамайди. Жаллодга берадиган қизим йўқ, деб узил-кесил жавоб қиласди.

Гуландомнинг онаси эрига ётиғи билан тушунтирумоччи бўлади.

— Рози бўлинг, дадаси, бўлмаса, шармандамиз чиқади. Йигит ўлгир қизимизни бошқа эрга теголмайдиган қилиб қўйган.

Хотинининг гапи оғзида қолади. Ота сапчиб ўрнидан туриб, ичкари уйдан Гуландомнинг сочидан судраб чиқади. Кўча эшигидан итариб чиқаради.

— Иккинчи бу уйда корангни кўрмай! Оқ қилдим, — дейди...

Гуландом кечалари айвон даҳанига ўтириб, шум тақдирини қарғарди. Бегона хотин қўйнидан чикиб келган наҳс эр билан ётганига ўксисб-ўксисб йиғларди. Шундай пайтларда бу пушти куйган, зурриётсиз эрининг гўрига ўтлар қўйиб юборгиси келарди.

Жалол полвоннинг буйрагига бирдан оғрик кирди. Чидаб бўлмас бу оғриққа Жалол полвон тишини-тишига қўйиб чидаб берди. Уч кун маъракага ким келди, ким кетди, билмасди. Ўзи билан ўзи овора эди. Охири у белини кўтаролмай букчайиб қолди. Докторлар оғриқни

босадиган укол қилиши, барып сал фурсатдан кейин яна оғрик бошланаверди.

— Бу узок давом этадиган дард, — дейиши әрнәләр. — Агар төзөрк тузаламан десангиз, Бухорога боринг. Давоси ўша ерда. Бухоро санаторийсидан шифо топасиз. Албатта боринг, йигирма кунда тузалиб қайтасиз.

Оғрик чидаб бўлмас бир холга келди. Полвон жиянини чақиртирди.

— Жиян, ахволимни кўриб турибсан. Оғрик зўрайиб кетди. Келгунимча бола-чақанг билан шу уйга келиб тур. Ҳовлини шундоқ ташлаб кетаверсам ҳам бўлаверарди. Ўғри оладиган ҳеч вақо йўқ. Биласан-ку, мол-дунёга ҳирс кўймаган одамман. Аммо уйда бироннинг омонати бор. Жияннингни ўртоғи чет элга ишлагани кетган. Мана-ви машина билан битта чамадонни ташлаб кетган. Омонатга хиёнат бўлмасин, деб ҳалигача итдек кўриклаб ўтирибман. — У дарвозаси очик турган гаражга қаради. Устига брезент ёпилган «Волга»нинг фиддираклари кўриниб турарди. — Эҳтиёт қил, болаларинг чизиб-нетиб ўтирумасин.

Қўчқорнинг ҳовлиси полвоннинг уйидан олти эшик нарида. Тошкентнинг энг яхши усталари қурган. Таги ертўлали саккиз хона уй. Ҳаммасига чўғдек ёнаман деб турган гиламлар тўшалган. Шифтларида биллур қандиллар. Жавонларда япон, хитой, немис чиннилари. Ҳовли ўртасида фавворали тўртбурчак ҳовуз. Полвон хонларнинг саройидек ҳовлини кўрганда, болам, уч уйландинг, худо сенга фарзанд бермади. Боланг бўлмаса, чақанг бўлмаса, шунча уйни нима қиласан, деди. Эр-хотинга иккитагина хона бўлса етарди-ку, деганда Қўчқор гапга чап бериб, ха энди, бу ҳам бир ишқибозчилик-да, деганди.

Остонада эшик кесакисига суюниб Гуландом турарди. У узоққа кетаётган қайнотаси билан хайрлашгани келган.

— Болам, — деди полвон унга, — азадор хотинсан, бўйнингдан, қулоқларингдан анави ялтир-юлтириларни олиб кўй. Ўзбекчиликда айб бўлади. Дўст бор, душман бор, ўзингни эҳтиёт қил. Энди сени кўриқладиган эринг йўқ. Хайротдек ҳовлида бир ўзинг қоляпсан. Қулоғингдаги зирақ жуда кимматбаҳо буюм эмиш. Самовардаги чойхўрлар эрмак қилиб, полвоннинг келини иккита «Волга»ни қулоғига илиб юриди, дейишпти. Уйда ёлғиз

ётма. Хайр энди, соғ-омон бўлинглар. Сизларни Оллоҳга топширдим. Мен Бухоройи шарифга кетдим.

Жалол полвон тўнини елкасига ташлаб, кафти билан ўмганини босиб, инқиллаб, сафар анжомлари солингган халтани аранг кўтарганча буқчайиб чикиб кетди.

Етмиш йил яшаб бирон марта дардга чалинмаган, факат болалигига қизамиқ бўлган, кўййутал бўлган Жалол полвон умримнинг қолганини ҳам ана шундай доктору дори нималигини билмай ўтказаман, деб ўйлаган эди. Бандасининг айтгани бўлмас экан. Дард ҳам, дармон ҳам худонинг иродасидан. Ҳеч касал бўлмаган одам дардни оғир кўтаради. Жалол полвон беш кун бош кўтартмай, шифтга бокиб, ох-воҳ қилиб ётди. Ўмрида емаган уколларни еди. Кўнгли айниб-айниб, қўланса дориларни ютди.

Мана, беш кун ўтиб, энди кўзини очди. Шунда қаерда ётганини билди. Атрофига қаради. Палатада ундан бошқа яна уч бемор бор эди. Улар стмишга етиб-стмаган, кўп дард тортганликлари шундоқкина билиниб турган кишилар эди. Бирининг ияги асабдан баъзи-баъзизда чап томонга тортадиган, бири андак дудукланадиган, бири оёғи ногирон одам эди.

Юрса ер силкинадиган, оркаси битта стул ўриндиғига сифмайдиган Жалол полвон беш кунда бир бурдагина бўлиб қолди.

Тоғу арчозорларнинг шаффоф ҳавосига ўрганганди бу одам дард билан бўлиб дори ҳидига тўлган палатанинг бўғиқ, қўланса бўйини сезмаган экан. Жони сал ором олиб, энди сезяпти.

— Мехмон ако, бизде жидо кўркитиб юбордингиз-ку! Хайрият кўзди очдингиз. Ҳудо хоҳласа кризис ўтди. Апарасияга кўйманг. Буйрак сабсл нозик нарса. Тиф тегизиб бўлмайду.

Жалол полвон ияги чап томонга тортадиган бу одамнинг гапларидан бухоролик эканини билди.

— Мен кафел, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Томирингизга беш кундан бери гимодез деган дори томизишиди. Бу дори қонни тозалайди. Йўқ демай билагингизни тутиб бераверинг. Бу ер касалхонаи эмас, санатория. Сизни шахардаги катта касалхонага олиб кетишмоқчи эди. Аҳволингиз оғир бўлгани учун безовта қилишмади. Энди ҳаммаси ўтди. Буёғига ўзимизди кўли енгил дўхтирларимиз даволайверадилар.

Ҳамшира киз Жалол полвонга дори ичириб, чиқиб кетаётганды дудукланадиган бемор уни тұхтатди:

— Сангча бону, мәхмөнди гулайсага олиб чиқсак майлимү?

— Ойтимуллодан сүрай-чи, — деб чиқиб кетди ҳамшира. Жалол полвон: «Ҳамширанинг исми кизиқ экан, бу Ойтимуллоси ким бўлди экан», — деб ўлади.

Бир оздан кейин ок халати ўзига ярашган навбатчи врач кирди. У эллик ёшларни қоралаб қолган, юзида битта ҳам ажини йўқ, кўхлик аёл эди. Ўнг чеккасида тароққа сўз бермаган зулфи қулфнусха зирағига илиниб турарди.

Оёғи ногирон бемор тилга кирди:

— Қаерларга юрибсиз, Ойти? Ишқингизга ўллик-ку!

Ойти унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди:

— Бошқа палаталарга ҳам жазманларим кўп, акамулло!

— Аёқим мундоқчикин бўлмаганда сизни ўзим опкочичиб кетардим.

— Ундоқ бўлса, оёғингизни шу бугунок тузатиб қўйганим бўлсин. — У шундай деб ёнидаги ҳамширага юзланди. — Аравачани олиб келиб отахонни бир боғ айлантиринг. Тоғ ҳавосига ўргангандан одам палатада жуда кийналиб кетди.

У беморларнинг қон томирини ўлчаб, «Зўр, зўр, юрак эмас, паравоз. Овқатдан қисмасак, қутуриб кетибсизлар», — деди.

— Ундоқ бўлса бир кунга уйга жавоб беринг, момонинг кулоқига секратний гапим бор эди.

Ойти, ёмонсиз, ёмонсиз, раис бова, дея чиқиб кетди.

Аёллар кирган палата бирдан ёришиб кетгандек бўлди. Улардан қувонч ва нур қолди.

— Барака топкур, зап файзли аёл-да. Беморнинг оғригини икки оғиз сўз билан тузатворади-я!

Жалол полвон ўзим юраман, дейишига қўйишмай, уч кишилашиб уни аравачага ўтқазиб, ташқарига олиб чиқишиди.

Ҳаво очик, фир-фир шаббода эсиб турипти. Кўлида стакан, пиёла ушлаган bemорлар сув ичгани булоқ томонга кетишяпти.

Бу ердан чиқкан булоқ суви нақ буйрак касалининг тайёр давоси эди. Жуда кўп одамлар буйрак оғрифидан вой-войлаб келиб, шу сувдан шифо топиб, хандон-хушон

уйларига қайтиб кетганилар. Учта чол полвон ўтирган аравачани навбатма-навбат итариб хиёбон айланишар эди.

— Бу ерда аёлларнинг исми қизиқ экан, — деди Жалол полвон хайрон бўлиб. — Сангча, Ойти... бу нима дегани? — Қўлтиқтаёқда судралиб келаётган бемор туширила бошлади:

— Сизнинг Тошкентингизга Тошхон, Тошибиби деган аёллар борми? Бале, бизнинг Бухор тилига Сангча дегани Тошкент тилига Тошча дегани. Оналари бошинг тошдан бўлсин, дўхтарим, деб шунақа исм қўядилар. Ойти дегани асли Ойтўта дегани. Бу Ойхола деган маъно беради, ўрисларнинг тёта деган сўзи ҳам шундан олингани бўлиши керак. Сизлар эркакларни мулла ака дайсизлар, биз акамулло деймиз, опамулло деймиз. Дўхтир опанинг исми дакументга бошқача. Яъни Истат Фузайловна. Тушундингизми?

Полвон, тушундим, дегандек бош ирғаб қўиди. Улар сўлимгина шийлончага чиқиб чақ-чақлашмоқчи бўлишиди.

— Мехмон, ўзларини қаердан сўраймиз? — деди ияги силкинадиган бемор.

— Сўраманг, — деди полвон. — Юртим жуда узоқда, тоғлар орасида. Ўзларнингдан сўрай. Сизларга нима бўлган? Кўп дард тортганга ўхшайсизлар.

— Ҳа, нимасини айтасиз, Гуляйнинг тошкентлик итялоғи уравериб, ҳаммамизни инвалид қилиб кетган. Балки эшитгандирсиз у итни? Қўчкор Жалолов деган терговчи, ҳа, онангни...

— Ҳой, ҳой, оғзингга қараб гапир, «Ойти» келяптилар — Фузайловна ўтиб кетгандан кейин у сўзини давом эттириди: — Ўша падар лаънат кўп ишлар қилиб кетди. Бутун бир шаҳарни бокса етадиган бойлик олиб кетди ўша итнинг боласи.

— Сўқинмай гапир, — деди дудукланадиган бемор аранг гапириб.

— Сўқинаман, нега сўқмас эканман! У аблахнинг отаси эшак, онаси мочахар!

Жалол полвоннинг вужуд-вужудига минглаб игна санчилгандек бўлди. У дунёга келиб ҳали бунака ҳақорат эшитмаган эди. Тишини-тишига қўйиб чидади.

— Гуляйнинг ўзи хафта-ўн кунда бир келиб Қўчкорнинг йиккан-терганинни чамадонига солиб олиб кетарди. Унинг терговчилари Фарғонада, Хоразмда, шу бизнинг Бухорда иш олиб борарди. У аблах жуда ҳам

шафқатсиз, жаллод эди. Хотинларимизни ҳам, келинүү қизларимизни ҳам қамаган эди...

Хамшира Сангча Амонова уларни тушликка чақирди:

— Қани, тойчокларим, дўмбоқларим, авқотга.

Унинг бу гапига Жалол полвоннинг ғаши келди:

— Ия, биз унинг бобоси тенги бўлсак, бу тирранча қизалоқ эрмак қиляптими?

Учала бемор баробарига хацдон ташлаб қулиб юбориши.

— Шу қизалоқнинг икки күёви, бир келини бор. Саксонинчи йилда неварам кўричак бўлиб касалхонага тушиб қолди. Сангчани ўшандада биринчи кўришим эди. Карасам, у тил-жағли, оёқ-қўли чаққон, сухсурдек киз. Кенжা ўғлимга киз қидириб юрган пайтимиз эди. Бош врач олдига кириб, Сангча деган ҳамширангиз бор экан, ахлоқ-одоби қандоқ, деб сўрадим. Бош врач кулди.

— Бу кизнинг биринчи эридан уч, кейингисидан тўртта боласи бор. Эри аварияга учраб ҳалок бўлгандан кейин отасининг қистови билан бошқа бир қобилгина эрга теккан. Отаси бир юз бирга кирди. Онаси тўқсон олти ёшда оламдан ўтди. Битта опаси хозир саксон бир ёшда.

Жалол полвон бу гапга ишонкирамай «Йўғ-е», деб юборди.

— У Ойтимуллодан уч ёш катта. Қаранг, юзида битта ҳам ажини йўқ. Сочларига ҳалигача оқ ораламаган. Ойти эллик бир ёшда бўлса, у демак эллик тўртда бўлади. Ҳали зуваласи пишиқ. Кизларига совчи келса, янглишиб, Сангчани қизлардан биттаси бўлса керак, деб гапга солиб кўришади.

Жалол полвон, ё алҳазар, деб юборганини билмай қолди.

— Бухоронниг тагига тилло бор. Мана шу ичаётган сувимиз ҳам тилло қумлар орасидан ўтиб келаётган бўлса ажаб эмас, — деди қўлтиқтаёқда судралиб келаётган бемор. Пошшою амирлар ҳам аҳмок эмас. Тилло пиёлада шароб ичишган. Тилло меъданни тозалайди. Одамлар бекорга тилло тиши қўймайди. Қайнотамнинг дадаси заргар эди. Йилига бир марта битта бухор тангани эговлаб кукунини кан отарди. Ана шу одам бир юз етти ёшда оламдан ўтган.

Кечқурун Сангча Амонова дори ичиргани кирганаца полвон унга разм солиб қаради. Унинг жилмайишга мояйил бўлиб турган маъсум лаблари, куюқ киприклари куршовида қолган мастона кўзлари, ҳали пардоз кўрмади.

ган юзлари қарамаганин ҳам ўзига қаратади. Жалол полвон етмиш ёшли чол бўлатуриб унга беҳаёларча караб турганидан уялиб кетди. Тангрим, ўзинг кечир, тавба қилдим, деб истиғфор келтирганини ўзи ҳам билмай қолди.

Сангча чиқиб кетар экан, билиб қўйинглар, болакайларим, телевизорни ровна соат ўнда ўчириб кетаман, деди.

— Ундай қилма, болам. Бугун соат ўну ўнда Марям билан Гулбаҳорнинг консертси бўлади. Марям «Курбон ўлам»ни, Гулбаҳор «Барно йигит»ни айтади. Ўчирма, жон болам, — деб ёлборишиди чоллар.

— Бўпти, — деди Сангча раҳми келиб. — Мехмон, — деди у Жалол полвонга. — Сиз фамил чой ичмай туринг. Қўқ чой буйракни ювади. Ҳозир айтаман, ҳамманларга бир чойнақдан кўк чой келтирадилар.

Бир оздан кейин патнисда чойнакцўш кийдирилган тўртта чойнак келтириб стол устига қўйиб кетишиди.

Ияги силкинадиган бемор анчагина гапдон экан.

— Мехмон, биз сизниг исми шарифингизни билмаймиз, сиз бизникини билмайсиз. Кслинг, яхшилаб танишиб олайлик. Менинг исмим Ҳамро Очил. Мана шу жойдаги колхозга раис эдим. Санатория боғига сени ўзим ўлчаб берганман. Манави лантнинг, яъний чўлоқнинг оти Ихтиёр Камол, коракўл совхозинг директор бўлган. Ана ву соковнинг оти...

— Соқов дема, дудук де.

— Хўп, бўпти. Унинг оти Зулфиқор, фомиласи... — айтаверайми, деб унга каради. Зулфиқор менга бари бир дегандек кўл силтаб кўйди. — Унинг фомиласи Гадоев. Пахта заводига директор бўлган. Ана энди сиз ўзингизнинг исми шарифингизни айтинг.

— Мен унақа машхур одам эмасман, пўристой бир полвонман, холос. Полвон ака десанглар бўлади.

Орага жимлик чўқди. Ҳар ким ўз чойнагидан чой қуиб қайтара бошлади.

— Чойни бир қайтарсанг чой бўлади, икки қайтарсанг мой бўлади. Уч қайтарсанг, гижинглаган той бўлади, — деди Зулфиқор Гадоев.

Жалол полвон яна Кўчкор тўғрисида гапириб қолишмасин, деб, асли камгап одам бўлишига қарамай, узундан-узоқ гап бошлади:

— Эллик беш йилдан бери кураш тушаман. Манаман деган зўр полвонлар билан беллашганман. Худонинг

мехрибонлигидан ўргилай, умримда енгилиш нималигини билмай ўтдим. То ўлгунимча шундок кетаман, деб ўйлагандим. Аммо бир ёш боладан йиқилиб, шармандаи шармисор бўлдим. Касалим ҳам шундан. Бола ниҳоятда кучга тўлган, абжир, кураш ҳадисини олган паҳлавон экан. Урди, мени чалпак қилиб ерга урди. Белбоғимни тирсагига ўраб қисганда белим чўрт узилиб кетадиёв, деб ўйладим. Белбоғим худди сим арқон бўлиб суяксуякларимгача қисарди. Қўймичим билан ерга зарб билан тушдим. Ичак-чавоқларим аралаш-кralаш бўлиб кетди, деб ўйладим. Даврадан оғрик азобида, юрт кўзига қараёлмай, шармандаи шармисор бўлиб чиқиб кетдим. Дўхтирлар буйрагингиз жойидан қўзғалиби, дейишди. Мана энди, қариганимда дардга чалиниб ўтирибман.

Беморлар унинг бу гапларини қулок қокмай тинглашарди.

— Ҳар бир одамнинг ичида дард бор. Э, нимасини айтасиз, биравники ошкора, биравники пинхона. Мана, бизди олсак...

Ҳамро Очил Зулфикорнинг гапини бўлди:

— Яна анаву ифлос, итдан тарқаган Кўчкор Жалол тўғрисида гап бошламоқчимисан, гадойнинг боласи? Қўй, ўшанинг ҳаром отини оғзингга олма.

Полвон бир қизарди, бир бўзарди. Ноилож чидади. У шунча, узуидан-узоқ гапириб уларни чалғитмоқчи бўлганди. Бари бир гап айланиб яна ўғлига келиб тўхтади...

— Эртага бизникига нонушта қилсак. Уйим якин, шуердан кўриниб туради. Бир яйраб сарёкли ширчойхўрлик қилсак. Тандирдан янги узилган, ушлаган қўлни кўйдирадиган мойли патирни ширчойга тўғраб еган одам прама жаиннатга тушади. Нима дейсизлар, жўралар?

— Билмадим, — деди полвон. — Бу ернинг қоидасини учалик билмайман. Дўхтирлар кўнишармикан?

— Билдирмаймиз-да. Улар то ишига келгунча биз нонушта қилиб бўламиз. Ширчой сахар пайтига ичилади. Тушундингизми, жўра?

Полвон яна гап Кўчкордан бошланмасин, деб дарров, хўп, деди.

Ҳамро Очилнинг ховлиси катта, иморатлари ҳам раисчасига қурилган. Ҳоналари кенг, шифти баланд. Қандайдир патнисларга қараб чизилган гул, тарвуз, кушларнинг сувратлари билан бежалган эди. Ҳона жихозлари ночор эди. Бирор ҳавас қилса бўладиган гиламу жа-

вонлар йўқ. Бир китоб жавонида беш-ўнта пахта гулли пиёла билан тўртта чойнак бор эди.

Полвон кўп раисларнинг уйларида бўлган. Уларни кида кимматбахо мебеллар, деворларда ҳам, оёқ остида ҳам эрону туркман гиламлари, япон, хитой, немис чиннилари токчаларда, жавонларда чакнаб кўзни оларди. Жалол полвон Ҳамро раиснинг завқи пастрок экан, деган ўйга борди. Ё бўлмаса кўп қиз узатгану ҳар тўйда қизлар ўйни бўшатиб кетаверган, деб дилидан ўтказиб қўйди.

Ҳамро Очил унинг кўнглидан ўтаётган гапларни сезди.

— Ажабланяпсиз-а, Полвон ако? Бу уйдаги қимматбахо буюмлар музейларда ҳам топилмасди. Бебаҳо чинниларнинг кўплигидан йўталсанг чинни овози ярим соат жаранглаб хонада айланиб юрарди. Мен қамалганимда болаларим бир чеккадан сотиб ўша онангни... Кўчкорга обориб беришишти, на гилам қопти, на чинни асбоб.

Полвон ҳеч бўлмаса шу ерда Кўчкорнинг номи тилга олинмас, деб ўйлаган эди. Йўқ, бўлмади.

Дастурхонга ажойиб неъматлар тортилган эди. Каттақўғоннинг ушласа уқаланиб кетадиган пашмагидан тортиб, Бухоронинг машҳур ёғли холvasигача, ҳар бири «Жигули»нинг филдирагидек ёғли патирлар...

Ховлида ҳеч ким йўқ.

— Келинлар, қизлар саҳарлаб бу таомларни тайёрлаб бирлари ишга, бирлари ўқишга кетишган.

Ёши олтмишларга бориб қолган озғин бир хотин патнисда тўрт коса ширчой кўтариб кирди. Ҳамро Очил туриб, патнисдаги чинниларни олиб дастурхонга кўйди. Шунда Жалол полвоннинг кўзи хотиннинг бармоғига тушиди. Унинг ўнг қўлидаги ўрта бармоғи худди ипга осиб қўйгандек саланглаб турарди.

— Кани, ширчой совумасин. Патир қайноклигига тўғранглар, мазаси бошқача бўлади. Мурч сепсак-ку, мазаси янаям бошқача бўлади-я, аммо буйракка аччик нарса тўғри келмайди-да.

Мехмонлар ниҳоятда тотли ширчой билан овора бўлиб, ҳеч биридан садо чиқмади. Ҳамро Очил жимликни бузди:

— Полвон ака, хотинимнинг бармоғини кўриб ҳайрон бўлдингиз-а? Бу ўша падарлаънат Кўчкор терговчининг иши. Мен уйланганимда онам раҳматли бармоқла-

ридаги узукни чиқарып, келинга, болам бу узукни катта бувим таққанлар, у кишидан кейин мен таққанман, энді сиз тақинг, деб хотинимнинг ўрта бармоғига такиб күйгап әдилар. Узукнинг иккита мөшдек олмос кўзи бор эди. У пайтда хотиним озғин, бармоқлари хам қаламдек ингичка эди. Икки бола тукқандан кейин эт кўйиб, семириб кетди. Бармоқлари хам йўғонлашиб қолди. У шу узукни кирқ йилдан ортиқ тақди. Аммо қўлдан кўймади. Тўнғи чимни уйлантирганимизда, хотиним келинининг бармоғига шу узукни такиб кўймоқчи бўлди. У анча уринди, бармоғидан чиқаролмади. Узук гўштдор бармоғи териси орасида қолиб кетибди. Келинга Бухородан бошқа узук опкелиб бергандим. Мен камалганимдан кейин хам аблах Кўчкор терговчи уйни обис қипти. Келинларимнинг, қизларимнинг ҳамма тақинчоқларини опти. Хотинимнинг бармоғидаги узукка кўзи тушиб, шунча уринибдики, чиқазолмапти. Охири узукни омбур билан қисиб бор кучи билан тортибди. Узук бармоқнинг терисини, гўштларини сидириб чиқибди. Бармоқ бўғинлари узилиб кетибди. Хозир кўрдингиз-ку, битта бармоғида жон йўқ, тўртта бармоқ орасида латтага ўхшаб осилиб қолган. Кир юволмайди, хамир қоролмайди, игна ушласа, жони йўқ бармоқ халақит беради.

Гап нимадаи бошланса охири Кўчкор билан тугарди. Жалол полвон Бухорога келганига пушаймонлар еди. Минг ўлиб, минг тирилди.

— Шу десангиз, — дея гапини давом эттирди Ҳамро Очил. — Эрта-индин пенсияга чиқсан, колхоз машинасини топширишим керак бўлади. Ҳар қалай ўттиз-кирқ йил машинада юрган одам ниёда қолмай, деб кенжамга битта «Волга» олиб бердим. Номер олдик. Правоси йўқ бола миниб-кетиб юрмасин, деб калитини хотинимга бериб кўйдим. Аблах Кўчкор ҳали мойн артилмаган япяниги машинани ҳам олиб кетибди. Илоё буюрмасин, илоё аварияга учраб ўлиги хор бўлсин! Ота-онаси тобути кетида фарёд уриб қолсин...

Жалол полвон дод деворай деди. Бирдан, кутилмаганда юрагига санчик кирди. Томири тўхтаб-тўхтаб ура бошлади. Ҳамро Очилдан юрак дориси борми, деб зўрга сўраёлди. Раис «хозир, хозир» деганича югуриб чиқиб кетди. Бир оздан кейин дори солингган кутичани кўтариб кирди.

— Хотинимнинг ҳам юраги хуруж килиб туради. Манавуни тилингизнинг тагига ташлаб олинг, хозир ўтиб

кетади. — У шундай деб полвонга валидол таблеткасини узатди.

— Чайнаманг, ўзи эриб кетсии, — деди Зулфиқор Гадоев.

Жалол полвон юрак оғриғи қандок бўлишини энди билди.

— Доктор чақирайликми? — деди Иҳтиёр Камол.

— Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ, хозир ўтиб кетади, — деди аранг ўзини тутиб полвон.

Полвонни палатага онкириб ўрнига ётқизиб қўйишди. Сангчахон унинг қон босимини ўлчаб лабини тишлади.

— Сизга нима бўлли, қўзичофим? Бирон нимадан диққат бўлдингизми?

Полвон бошини сарак-сарак қилди. Истат Фузайловна Сангча ваҳима қиляпти, деб бошқатдан қон босимини ўлчади.

Полвонни доктор кўраётганда бошқалар ташқарига чиқиб туришган эди.

— Бу одамнинг ичи тўла дард. Сиз билан биздан кўра аламли күпларни кўрганга ўхшайди. Оғир, босик одам экан, ёрилиб дардини айтмаяпти.

— Сизга ҳаяжонланиш мумкин эмас. Кўрган яхши кунларингизни эсланг, — деди Истат Фузайловна.

— Дўхтир опа, энди менга жавоб бераколинг. Худога шукур, буйрагим дуруст бўлиб қолди. Юракни Тонкентда даволатсан ҳам бўлади.

Ойти бошини сарак-сарак қилди:

— Буйрак билан ҳазиллашманг. Ҳали тузалгани йўқ. Биласизми, буйрагингиз жойидан силжиган. То тузалмагуниизча кетишни ўйламанг.

Полвон яна бирон ой туришга ҳам рози эди. Аммо шерикларининг гаплари унинг жон-жонидан ўтиб кетяпти. Эрталаб турибоқ бисмиллосига Кўчкорни падарлашнат, деб сўкишади. Кечқурун ётишда ҳам яна ўша гап. Бу гапларга қандок чидайди? Ўша аблахнинг падари менман, сиз оғизга олиб бўлмайдиган уят гаплар билан сўқаётган онаси менинг хотиним, деб айтольмасди.

— Зулфиқор Гадоев бундан икки ой олдин неварасини куёвга чиқазган эди. Эртага куда чақириқ қилишяпти. Албатта боринг. Кўпни кўриб дилингиз ёришади. Яна ўн марта томирингизга гимодез юборсак, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Энди аравачадан тушинг. Пиёда юринг.

Аммо оёкни ерга зарб билан ташламанг. Сувда сузгандек белга оғир келмайдиган қилиб юринг.

Полвон лом-мим дейлмай қолди. Тани бошқа дард билмас экан. Агар эшитаётган юзлаб хақоратларининг биттасини у эшиганаңда эди, ҳовли ўртасида сочини ёзиб дод дерди. Билмайди-да. Буни полвоннинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Энди бүёғига Полвон, кўзим кўр, қулоғим кар, деб яшашга мажбур. Қийин, жуда қийин бундок қилиш. На илож!

Эрталаб ионуштадан чикиб, бир стакандан булок суви ичиб, шийлончада ўтиришган эди. Зулфикарнинг ўғли хаммаларини машинада олиб кетди.

Ойтимулло кўпни кўриб дилингиз ёришади, деганди. Қаёқда, меҳмонлар учун дастурхон тайёрланган хонага қадам босишлари билан полвонни электр токи ургандек бўлди. Кўзлари тишиб, боши айланди.

Девордаги кип-кизил чўғдек эрон гилами ўртасида илиб кўйилган заррин рамкада ниҳоятда кўхлик аёл кишининг катталаштирилган фото суратини кўргандаёқ Полвоннинг ранги ўчди. Сувратдаги аёлнинг қулоғида келини Гуландом такиб юрган зиракни кўрди. Полвон Гуландомнинг қулоғидан олиб, салмоқлаб кўриб, тақма, азадор хотинсан, олиб кўй, деган эди ўшанда.

— Бу кимнинг суврати? — деб сўради полвон Ихтиёр Камолдан.

Ихтиёр кўлтиқтаёғини деворга суюб, стул томон интилар экан, мувозанатини йўқотиб ёнбошга оға бошлиди. Полвон ушлаб колмаганда йикилиши аниқ эди.

— Хозир сўраманг, полвон ака, кейин айтаман, бу аёл ўзига ўт қўйган.

Кўчадан қўш машинанинг кетма-кет сигнали эшитилди. Болаларнинг бақирик-чакириклари бошлиди. Бундай пайтларда болаларга худо беради. Куда тараф албатта болаларга турли совғалар олиб келишади. Бирига жевачка, бирига шоколад, бирига сувотар тўппонча таркатадилар.

Аввал аёл қудалар ҳовлига киришди. Зулфикарнинг хотини уларнинг оёғи тагига оқ сурп пойандоз ёзди. Келинлик либосида ял-ял ёниб кирган наварасини бағрига босиб, кўзёш қилиб олди. Зулфикар эркак қудаларга хам худди шунака оқ сурп пойандоз тўшади. У олдига келиб бош эгиб турган невараси Бахшанда келинчакнинг пешонасидан ўпиб: «Бахтли бўл, болам, борган жойинг-

да палак отиб, ували-жували бўл, — деб елкасини силаб кўйди. — Энди даданг билан кўриш».

Бахшанда ўрик тагида ўпкаси тўлиб, хикиллаб турган дадаси олдига борди. Дадаси кирқбеш ёшлардаги жиккак, кўзлари чакнаб турган чиройли киши эди. Бахшанда юзидан тўр пардани олиб, дадасининг бўйнига осилди. Болалик пайтларида гидек, худди бирор ота бағридан тортиб олмоқчи бўлаётгандек ёпишиб олганди.

— Онанг раҳматли кўрмади бу кунларни, — деди у боласининг бошларини, елкаларини силаб.

У ўзини тутишга уринарди. Аммо иродасидан хаяжони зўрлик қилди. Йиғлаб юборди.

Кузатиб турганлар ҳам қаттиқ хаяжонда эдилар. Охирни бувиси келиб Бахшандани отаси бағридан, бўлди, бўлди, духтарим, бас энди, дея олиб кетди.

Аёлларни ховли этагидаги хонага, эркакларни кираверишдаги меҳмонхонага олиб киришди. Дастурхонга қуюқ-суюқ тортилди. Зулфикорнинг кенжা ўғли хокандозда исириқ тутатиб чиқиб кетди. Ўтирганлар баҳоли кудрат бири юз сўмлик, бири эллик сўмлик узатдилар. Удум шунака, исириқ тутатган одамга албатта пул бериш керак.

Зулфикор қудаларига полвонни таништириди.

— Ихтиёрни ҳам, Ҳамрони ҳам танийсизлар. Полвон ака биз билан санаторияда бирга даволаниятилар. У киши кўп яхши одам. Босик, мулоҳазали, андишли.

Полвон ичидан зил кетди. У ўйларди, шу андишли, шу мулоҳазали одамнинг фарзанди бу оиласа чексиз жағолар килган. Қаршингизда ўтирган шу андишли одам — одам эмас, бўрининг, шоқолнинг отаси...

Хали бир-бири билан танишиб улгурмаган одамлар одатда ў ёқдан-бу ёқдан гапириб, охирни сухбат мавзуини топиб оладилар.

Айний театринг Обид кизик билан Мирза кизик келганини, роса қизик ҳангомалар айтиб одамларни қулдирганини, Баҳовуддин пирам зиёратидан қайтаётган Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов Лабиҳовузга чой ичгани келишганини, одамлар ўраб олганини, Девонбеги мадрасасининг гумбазигача одам тўлиб кетганини, икки соатдан ортиқ шеър ўқитишганини гапиришарди.

Бу бўлаётган гаплар Полвоннинг қулоғига кирмас, икки кўзи девордаги сувратга кадалган. Назарида сувратдаги аёлнинг қулоғидаги зирак қимирлаётганга ўҳшайверди. Ихтиёр Камол меҳмонларга мулизамат килиб,

кириб-чиқиб турган Зулфиқорнинг кулоғига нимадир деди. У бош ирғаб, хўп, деб чикиб кетди-да, билагига иккита тўйи ташлаб кирди.

— Қудажонлар, бу меҳмонларимизни, — у полвон билан Ихтиёр Камолга ишора килди, — дўхтирлардан қарзга олиб келганимиз. Кетинимаса бўлмайди. Полвон аканинг томирларига дори юборадиган пайт бўлди. Нима дейсизлар? Жавоб берайлиг-а...

Зулфиқор полвон билан Ихтиёрнинг елкасига тўйи ташлади.

Улар икковлашиб машинада қайтишар экан, Зулфиқорнинг уйидаги аёлларнинг пазандалигига тасанинолар айтишарди.

— Дўстим, — деди Полвон, палатага киришгач, — ўзига ўт қўйган аёл тўғрисида кейин айтаман, деган эдингиз. Айтиинг, нима бўлган?

— Хунук иш бўлган, жўражон, жуда хунук, анаву ярамас, ит эмган Қўчкор Зулфиқорни қамаб, кўп азоблар берди. Зулфиқор ҳам аюйи одамлардан эмас. Хоннинг саройидек уйни қуришга ғиштни қайдан олдинг, тахтани қайдан олдинг, деб кийин-қистовга тутаверди. Зулфиқор иморат учун нимаики олган бўлса, ҳаммасига фишт заводидан, тахта искалатидан, семону тунукаларга-ча квитансия олиб қўйган эди. Бундан иш чиқазолмаган терговчи, қанча пахта сотиб олгансан, қанча сотгансан, деб қийнайверади. Пахта заводини уч марта ревизия қиладилар, пичокқа илинадиган бирон ишкан тополмайдилар. Тиллангни, бойлигинги қаерга яширгансан, деб яна дўппослайдилар. Зулфиқор менда бунақа нарсалар йўқ, деб азобларга чида беради. Бу орада бир ярим йилга яқин вақт ўтиб кетади. Охири Зулфиқорнинг хотини билан келишини қамаб тергов қиладилар. Гулоян Қўчкор тайёрлаган хужжатларни кўриб, бўлмайди, деди. «Уни шундок қўйиб юборсак гап тегади. Хужжатларни икки йилга кесини мумкин бўладиган килиб тайёрла. Хотини билан келишини шу бугун қўйиб юбор», деб ўзи Қарши томонга ўтиб кетади.

— Қўчкор Жалолов ўша куни Зулфиқорнинг хотинини қўйиб юборади. Унинг ёлғиз қолган келини олдига тун ярмида киради. Қўлларини қайириб, уни зўрлайди. Қулоғидаги зирағини олиб, тонгга яқин чиқариб юборади. Телба бўлиб қолган жувон ҳали осмон оқармай туриб уйга келади. Ҳолдан тойган қайнонаси ухлаб ётарди. Ҳали уйғонмаган кизи Бахшанда тепасига келиб узок

қараб туради. Ҳаром вужуди билан унга яқин келолмайди. Ошхонага кириб керосин тўла тунука банкани кўтариб чиқадио бошидан кўяди. Гугурт чақиб юборади.

Том бўйи бўлиб ёнаётган олов ҳовлининг у бошидан бу бошига югуар, шу олов ичиди аёл кишининг бўғик овози эшитиларди. Уйғониб кетганлар унга яқин боролмасдилар. Челаклаб сув сепсалар ҳам ўт ўчмасди.

Зулфикорни турманинг ичиди суд қилиб икки йил берадилар. Икки йиллик муддатни ўтаб бўлди, деб чиқариб юборадилар. У қамоқдан чиққанди келиннинг кирки ўтиб бўлганди.

Ихтиёр Камол столдаги аллақачон совуб қолган чойни симириб, инсоннинг боши тошдан экан, жўра, деб ўтирган ерида қўлтиқтаёғига кўксини тиради. Ташқаридан одамларнинг овози эшитила бошлади. Бир оздан кейин томирга дори томизадиган мослама кўтариб Сангча кирди.

— Бугун вақтида укол олмадинглар, жужуқларим, гимодез томизиш ҳам кечикиб кетди.

Сангча Полвонга факат қувноқликка яратилган бир малак бўлиб кўрипади. Ер юзи шунака нурли одамлар билан мунаvvар, деб ўйларди у. Худо жами гўзалларни одамларни маҳлиё килиш учун, инсонлар кўнглидан бадбинликларни кувиб, вужуд-вужудини эзгуликка чулғаб, яхшиликларга чорлаш учун яратгаңдек эди.

Полвон салкам икки соат билагида игна билан бир литрли шишадаги гимодез суюқликнинг охириги томчиси қолгунча кимирламай ётди. Кўзини уйқу босди. Ҳамшира қўймичига укол килгаңдагина уйғонди. Ҳали офтоб ўчмаган. Беморлар кечки салқинда хиёбонларда сайр қилиб юрадилар. Ихтиёр Камол ҳамон қўлтиқтаёғини ияигига тираб қимирламай ўтирипти. Полвоннинг уйғонганини сезгач, ташқарига чиқмаймизми, дея ўрнидан тура бошлади. Полвон ҳам турди. Икковлашиб ҳовлига чиқишиди. Булоқдан бир пиёладан сув ичиб, ўзлари ўрганган шийпонга чиқиб ўтиришиди.

— Уч кундан кейин муддатим тугайди. Кетсам, сиз зерикиб қолмасмикинсиз, деб ўйлайман, — деди Ихтиёр Камол.

— Мен ҳам кетсам керак, — деди Полвон.

Аслини олганда, бу меҳрибон, қайғуннга қайғудош одамга Полвоннинг меҳри тушиб қолганди. Факат, факат Кўчко' ан гап бошламаса бўлгани. Бари бир бўлмади. Кўчкорнинг номи аралашмагани сухбат сухбат ўрнига ўтмай қолди.

— Оёғингизга нима қилди, деб сўрамадингиз, ўзим айтай. Терговчи Қўчкор Жалол мени қамоққа олган куниёқ, олтиналаригни, бойликларигни қаерга яширгансан, деб кечасию қуандузи ухлатмай сўрок қилди. Менда бунақа нарсалар йўқ, десам, ишонмайди. Уради, тепади, қўлларимни қайнради. Мен бир чорвадор одам бўлсам, менда тилло нима қиласди, дейман, қани ишонса! Икки барзанги ерга ётқизиб, қўл-оёғимни босиб турди, яна бири стулга чиқиб, икки тиззамнинг кўзига сакраб тушибди. Оғриқ азобида хушимдан кетиб қопман. Тиззаларимнинг ошиқ-мошиғи жойидан кўзғаб қопти. Докторлар гипсга солишиди, бўлмади. Охири ромитонлик мош табибин чақириб келишиди. Қўли енгил экан, ошиқ-мошиқни жойига солди. Оғриқ колгандек бўлди. Лекин тиззаларимдан пастда жон йўқдек. Шу-шу, қўлтиқтаёққа осилиб, судралиб юрибман. Қўчкор Жалол ҳароми, фарнинг боласи битта гапни билади. Олтиц, олтии қани? Яширган жойингни айт. Айтмасанг, қўлларигни ҳам синдираман, дейди. Бўлмади. Болаларимни, күёвимни чақирирдим. Уларни зудлик билан олиб келишиди. Кенжам аҳволимни қўриб додлаб юборди. Икки тарсакидан кейин болам шўрлик жим бўлиб қолди. Уларнинг ҳаммаси чўпон. Совхоз қўйларини бокишади. Ҳар бирининг хусусий икки-уч юздан қўйи бор. Бунга хукумат рухсат берган. Терисини, жунини, гўштини давлатга сотишади. Бундан ташқари, план устига қўшимча маҳсулот бергани учун яхшигини мукофот пули ҳам олишади. «Болаларим, қўйларигни битта колдирмай сотинглар. Пулини манавуларга келтириб беринглар», дедим. Болаларим ота сўзидан чиқмайдиган қобил болалар эди. Хўп, деб чиқиб кетишиди. Совхоз қўй сотиб олмайди. Олганда ҳам пулинини бир йил судраб чала-ярим қилиб, каттагина солиқ олиб, баракасини кетказиб кейин беради. Мингга якин қўйни бозорга чиқариб бўлмаса! Болаларим нима қилишларини билмай икки мотоциклда чўлдаги чўпонлар олдига боришади. Совхозининг Кизилқумда бир юз қирк минг қўйи бокилади. Икки юздан ортиқ чўпон қишин-ёзин саратонни саратон демай, чиллани чилла демай, офтоб тигида куйиб, чўл бўйлаб қўй хайдашади. Норменгли деган чўпон уларга бошлилик қиласди. У асли Сурхондарёнинг Шеробод туманидан. Ёшлигида Шофирконга келиб қолган. Норменгли ҳалол, покиза одам, чорвачилик унга отакасб бўлган. Болаларим ўша Норментлининг олдига бориб, ишявларини айтадилар. Норменгли

бошини қашлаб узок ўтиради. Ерга кўзини қадаганча тинмай сигарета чекади. Ярим соатча шу алпозда ўтириб ўрнидан туради, у ёк-бу ёкка юради. У нихоятда асабий, ҳозир бирор билан муштлашмоқчидек муштларини тугади. Норменгли кейинги пайтларда уйкусизлик касалига мубтало бўлганди. Ана олиб кетади, мана олиб кетади, деб ўтов олдига чиқар, олисда тўзон кўтарилса, то етиб келгунча ўзини қўярга жой тополмасди. Машинада ё зоотехник, ё ветврач келганини қўргандан кейин қўнгли жойига тушарди. Норменглининг туман марказига бормаганига ҳам уч ойдан ошди. Гулоян айғоқчиларининг кўзи тушса уни ҳам рўйхатга тиркаб қўйишларини билади. Яхшиси, ёмон кўзлардан йирокроқ юрай, деб чўл кезгани-кезган эди.

Норменгли бир карорга келди шекилли, жойига ўтириб: «Кетаверинглар, — дейди у, — ҳамманг ўз отарингга бор. Эрталаб олдиларингга одам боради».

Эрталаб Норменглининг ўғли тўнгичимникига мотоцикл кажавасида бир қоп сабзи-пиёз, картошка ташлаб кетади. Кетар ҷоғида келинимига пиёз тагида пул бор, ҳаммасини терговчига берманглар, эллик минги ўзларингда колсин, ҳали сизларга пул кўп керак бўлади, деб жўнаб кетади.

Ўғлим Кўчкор Жалолга пулни олиб борганди у бола бечорага бақириб беради.

— Мен сенларга пул деганим йўқ. Тилла танга олиб кел, деб айтганман, тушундингми? — дейди.

— Бизда ушақа нарса йўқ. Умримда бир донасии ҳам ушлаб кўрмаганман.

Кўчкор тажанг бўлади.

— Бундай қиласан. Ҳозироқ Бухорога бориб катта бозордан Ашот деган армани кабобпазни топасан. Мени Кўчкор Жалол юборди, деб қўлига пулларни берасан. Ҳушёр бўл, олдида одам йўқ пайтида у билан гаплаш. Нима килишини унинг ўзи билади, — деб тушунтиради.

Нафсингта ўт тушкур Кўчкор Жалол юзта бухор тангани олгандан кейин, «Айби исботланмади», деб мени қўйиб юборади.

Уйни тинтув килганда олиб кетган битта қўл соат билан Парижда мукофотга беришган олтин медалимни қайтиб бермади. Уни «антика» тери учун олгандим. Танлов ҳаками билагимга ҳар ўн беш дақиқада куй чаладиган швейцар соатини такиб қўйганди. Афсус, жуда кимматли эсадалик эди. Ҳай, жанозасига буюрсин...

Чиққанимнинг эртаси кеч коронғида Норменгли келди. Кўйлардан биронтасини ҳам соттирганини, пулларни чўпонлар тўплаб берганини айтди. Буниака одамгарчиликдан кўзларим ёшга тўлди. Ўзимни тутолмай ҳиқиллаб йиглаб юбордим. Ифлос Кўчкор шунча азоб берганда ҳам мижжамга ёш келмаганди. Чўпонларнинг одамгарчилигидан таъсиrlаниб кетибман.

Кечкурун палатада улфати чор бўлиб, чой ичиб ўтиришарди. Телевизор бириичи ўзбек космонавти Шариповнинг хонадонини кўрсата бошлади. Кариндош-урублари, кўни-кўшиллари, ёр-биродарлари Шариповнинг отаоналарини табриклишаётди. Ҳовли одамга тўлган. Ҳамманинг кўлида гул.

Чой хўплаётган Ҳамро Очил, қандай баҳтли оила бу! деб юборганини билмай қолди.

— Отасига раҳмат! — деди Ихтиёр.

— Шундок фарзанд ўстирган онасига минг-минг раҳмат-е! — деб юборди Зулфикор.

Фақат Жалол полвоннинг тилига гап келмасди.

Ҳамро Очилнинг файласуфлиги тутиб кетди.

— Биласизми, инсон нима учун фарзанд ўстиради. Мехнат килиб, топиб келган ош-нони учунгина эмас, ўлганингда гўрингга қўядиган мармар тоши учунгина эмас, эл-юртдан олиб келадиган отангга раҳмат, деган биргина сўзни эшитиш учун ўстиради. Отангга лаънат, падарингга лаънат, деган сўз олиб келадиган фарзанднинг юзини худо тескари килсин!

Мана шу сухбат асиносида Жалол полвон минг ўлиб, минг тирилди. Ўзидан ўтганини ўзи билади. Мум тишлагандек, тилини ютиб юборгандек забун эди у.

— Мана, масалан, абраҳ Қўчкор Жалолнинг отасига ҳеч ким раҳмат, дермикин? Қани, айтингларчи? Нима дейсиз, Полвон ака?

Жалол полвон нималардир деб гудранди. Нима деганига ҳеч ким тушинмади. Унинг ранги оқариб кетган, кошлари ўртасига тугунчак тушиб, бир нуктага тикилганча телбанамо алпозда ўтиради.

— Йўқ, — деди Ихтиёр Камол. — Ҳеч ким раҳмат демайди. Шундай ифлос бола ўстирган сендек отага минг, миллион марта лаънатлар ёғисин, дейди.

Жалол полвон ҳолсизланиб ўрнидан турди, маст одамдек чайқала-чайқала ҳовлига чиқиб кетди.

— Бечоранинг яна қон босими ошиб кетди шекилли, —

деди Зулфикор. — Ё юраги хуруж килдимикин? У шундай деб чўнтағини кавлаб, валидол қидира бошлади.

Жалол полвон кечаси ухлаётмади. У ёнбошидан, бу ёнбошига ағдарилаверганида каравот фичирлаб, шерикларини ухлатмади. Охири ўрнидан туриб, шипнагини кийдию ташқарига чиқиб, ҳар гал ором оладиган шийпонда ўтириб ўй-ўйлаб кетди.

Кечак сокин. Тик этган товуш йўқ, ой ҳам синидирилган патирдек яримтагина бўлиб қолган. Полвоннинг холига кулгандек яқингинада бақа куриллайди. Кетма-кет, чўзиб-чўзиб қуриллайди.

Полвоннинг ичида нимадир ёнаётганди. Ичидаги олов чиқиб кетишга йўл излаётганга ўхшарди. Охири бир хўрсинганида бўғзини куйдирди-ю, ташқарига чиқиб кетди. Одамнинг жони ҳам шунақа чиқиб кетармикин? Йўғе, ундаймасдир. Полвон жилмайиб туриб жон берганиларни кўрган.

— Э, аттанг. Эсиз умр, эсизгина умр-а! Худо мени одамларнинг лаънатини эшитиш учун яратган бўлса иложим қанча! — деди у афсус-надоматлар билан.

Полвоннинг даволаниш муддати тугади. Уни кузатгани аэропортга чиқиши. Полвон самолёт трапига оёқ кўя туриб, кутинглар, бир хафтага қолмай келаман, деб тақорлади.

Самолёт ҳавога кўтарилиганда полвон бирдан енгил тортиди. Бадбахт ўғли туфайли ёғилган қарғишлар, ундан азоб чеккан аламзада одамлар серда қолди.

Кишлоқ ўша-ўша, одамлар ўз ташвишлари билан овора. Чолларга ҳар куни бўлмаса ҳам кунора наҳорги ош бўлиб турибди. Бирор киз узатаяпти, бирор ўғил уйлаяпти. Яна бирор оламдан ўтган отаси ё онасиға йигирма оши беряпти.

Факат Нурим сартарош бу ошларга боролмайди. Одамлардан юзи шувит. У дўконини ҳам очмай қўйган. Кулодига бир хунук гап кирди-ю дўконга қулф солди. «Нурим ўша одам овчиси Собитнинг отаси-да, боласидан ўтиб қаёқка борарди. Бўйнингга лунги бойлаб, кекиртагингга устара тортиб юбориши ҳеч гап эмас. Ҳукумат ўйли билан бошқа сартарошхона очиш керак».

Шу гап кулодига кирдию Нуриминг кирқ йиллик касби барҳам топди. Кўчага ҳам чиқмай томорқасида ғимирсиб юради.

Куидуз соат бирларда самолётдан тушган Полвон қишлоқка кун ботмай кириб келди.

Нурим сартарош эшиги олдида омборга тиқилиб қолған хашакларни олаётган эди. Жалол полвоннинг қораси кўринини билан ишини ташлаб шошилганича уйига кириб кетди. Унинг Полвонга кўринишга бети чидамасди. Ўғлини отиб кетган боласи учун албатта мендан қасос олади, деб ўйларди. Полвон эса унга қараёлмасди. Шу тинчгина оилани хароб қилган ўғли учун Нурим албатта мендан ўч олади, деб ўйларди. Полвон Нуримдан, Нурим Полвондан қочиб юрипти. Полвон шу топда, ҳозир Нурим кетмонними, болтаними кўтариб чиқади, менга ташланади, деган ўйда сергакланиб келарди. Нурим эса, Жалол ховлимга бостириб киради ю ҳозиргина хашаги олинган омборга мени икки буклаб тиқади, дея қочини учун девор нахрасини мўлжалга олиб, даф-даф титраб турарди.

Йўқ, Жалол полвон индамай ўтиб кетди.

У уйига келганда жияни томда кечаги шамол учирив туширган тарновни жойига ўрнатаётган эди. У тоғасини кўриб, ишини шоша-паша биткизди-ю, томга энгашган тут шохига осилиб пастга тушибди.

— Келдингизми, тоға? Аҳволингиз дурустми?

— Шукур-шукур, — деди Полвон айвон даҳанига ўтирар экан. — Битта чой қўйиб бер. Бухоронинг таъмсиз сувини ичавериб тинкам куриди.

Жияни газга чойгум қўйиб чиқди.

— Жиян, — деди Полвон. — Шу машинани юрғизса бўладими, бир кўр-чи.

— Аккумулятори ўлган, уни бир кун токка қўйини керак.

Кўчкор машина аккумуляторини чиқазиб, сувини тўкиб гараж токчасига қўйган эди.

— Зарур бўлса ҳозироқ устага бериб келаман, эрталабгача тайёр қилиб қўяди.

— Жуда зарур. Бухорога шу машинада кетаман. Устага олиб бор, ўшанақаси акангни ҳам чақириб кел. Гуландом уйда бўлса айт, тез келсин.

Жияни чой дамлаб чиқди, кейин чанг босган аккумуляторни велосипед оркасига ўрнатиб жўнаб кетди.

Полвоннинг катта жияни автомобил назорати бошлигининг ўринбосари эди. Бухорога машинани шу миниб боргани дуруст. Йўлда инспекторлар бўлар-бўлмасга тўхтатмайди.

Полвон новвот сувидек тотимли чойни ҳузур қилиб ичаркан, ўзингга шукур, ўзингга шукур, деб қўйди. Бир-

пасда чойиакни бүшатди. Пешонасадан терларни сидириб яктагининг этагига қўлини артиб, ҳовли пастидаги ўтихонага кириб кетди. Кўмир кукунлари ўрнашиб асли ранги қандоқлиги билинмай кетган чамадонни кўтариб чиқди. Супурги билан ўбдан чангини қоқиб, латта билан артди. Чамадон қулфланган эди. Уриниб очолмади. Гаражга кириб омбир билан катта бир отвертка олиб чиқди.

Шу пайт Гуландом келиб қолди. Қайнотаси билан йиғлаб кўришиди. У эди ўзини олдирган, кўзи тагларидан, иягининг пастида майда ажинлар пайдо бўлган. Аввалги шиддати йўқ. Йигидан хўл бўлган киприклари орасида илгари чақнаб турадиган ўт сўнгандек эди. Овози ҳам сўлғин. Шу бир ой ичидаги сўлиб, эртанги тақдирдан умидини узган афтодаҳол бир алпозда эди. Полвон унга қараб раҳми келди. Бечора...

Полвон уни бағрига босиб бошларини силади. Юпатмоқчи бўлди. Нима деб юпатади? Уни овутадиган кандоқ сўз бор дунёда? Гуландом эса унинг бағрида ўксисиб ўксисиб йиғларди.

— Болам, қандоқ қиламиз, пешонамиз шўр экан. Баҳт бизга бетини эмас, кетини кўрсатган бўлса, кимга зорланамиз? Бор, болам, муздек ариқ сувида бетларингни ювиб ол!

Полвон тугунчасидан бир сурат олиб унга узатди.

— Ия, ота, бу менинг зирагим-ку! — деди ҳайрон бўлиб Гуландом.

— Йўқ, болам, сенини эмас, шу келинчакники. Сен унинг зирагини тақиб юрган эдинг. Эринг абллаҳ уни зўрлаб, кейин қулоғидан чиқариб олган. Бу келинчак ҳозир йўқ. Номуси барбод бўлганига чидамай, ўзига ўт кўйган.

Гуландом сесканиб кетди. Бесихтиёр икки қулоғига кўл юборди. Шу топда унинг икки қулоғи ўтда куяётгандек эди.

Гуландом қайнотаси «такма бу зиракни», деганда олиб кўйган эди.

— Ўтири. Энди манаву чамадонни очамиз.

У шундай деб чамадон қулфининг тагига отвертка тиқиб кўчириб олди, қопқоғини очди. Елимхалтага солинган бир зарбоф тўнни олиб халтадан чиқазди. Бухоро зардўзларининг ноёб бу намунаси аслида амир вазирларидан бириники эди. Полвон тўнни наматга ташлаб, хинд чойидан бўшаган тунука банкани олди. У жуда

оғир эди. Қопқоғини очиб ичидағиларни дастурхонга түкди. Бухоро тилла таңгалари жарапнглаб кетди.

— Биласанми, болам, шу тилла учун эриг совхоз директорининг икки оғини синдирган.

Полвон бир түрвани олди. Тугунни ечиб ичидағиларни түкди. Улар аёлларнинг турли хил тақинчоқлари эди. Полвон кийшик бир узукни қўлига оларкан, овози титраб деди:

— Э худойим-а, бу қандок қўргилик! Узукка яхшилаб қара, болам.

Гуландом узукни қўлига олди. Узук негадир доира шаклида эмас, тухумга ўхшаш узунчоқрок эди.

— Бу узук бир хотиннинг қўлидан омбирда тортиб чиқарилган. Бечора хотиннинг бармоқ бўғинлари ажралиб кетиб, шалвираб қолган. Бармоқ териси шилиниб, гўшти чиқиб қолган. Кўряпсанми, унда омбир излари қолган.

Юлиб ётган тилла тақинчоқларни титкилаб бир медални олди.

— Бу уйингдаги эринг тақиб юрган соатнинг эгаси-ники. Ҳали хаёт. Бу соат билан медални Францияда мукофотга беришган.

Гуландом сапчиб ўрнидан турди-ю кўча томонга ўқдек отилиб чиқиб кетди. Полвон тақинчоқларни яна халтага солди. Тилла таңгаларни чой кутига битта-битталаб саниб ташлади. Бухор танга роппа-роса 100 дона чиқди. Николайнинг сурати чекилган танга бир юз саксонта эди.

Полвон шу ишлар билан банд экан, Гуландом келганини сезмай қолди.

— Мана, — деди у, — зиракни чамадонга ташлар экан. — Мана соат.

Гуландом ютурганда соат механизмлари ишлаб кетган эди. Бир-икки дақиқадан кейин соат шўх бир куйни чалди. Бу соат ўлиб ётган Кўчкорнинг билагида шу куйни чалиб турганди.

Полвон чамадон тагида яхшилаб қоғозга ўралган китобчага ўхшаш қаттиқ бир нарсани олиб очди. Ҳали тахти бузилмаган, банқдан олинган долларлар эди.

Чамадонда булардан ташқари сопига олмос, бриллиант қадалган ханжар, тилло, кумуш куйма нақшлар қадалган кизил баҳмал камар бор эди.

Полвон буюмларни жой-жойига қўйиб, чамадон қопқоғини ёпти.

— Мана, болам, — деди Полвон Гуландомга. — Қўйнимизда чәён бор экан. Топган нарсасини инига ташыйдиган каламуш бор экан.

Кўча тарафда машина гуриллагани эшитилди. Бир оздан кейин эпикдан бир милиция майори билан Полвоннинг жияни кириб келди. Бу марҳум синглисининг ўғли Салоҳиддин эди.

У тоғасининг анча ўзига келиб қолганидан севинди. Ҳол-аҳвол сўради.

— Жиян, сендан битта илтимос. Бошлиғингдан икки кунга рухсат сўра. Манаву машинада Бухорога борамиз. Жуда зарур иш бор. Йўқ дема, жиян.

Салоҳиддин чаккасини қашлаб туриб жавоб қилди.

— Бизда йўл ҳаракати ойлиги кетяпти. Майли, бир кунга борай. Ҷораману яна самолётда орқага қайтаман. Майлими?

— Майли, — деди Полвон жиянидан хурсанд бўлиб.

Кичик жияни машинани ювиб, ёғларини текшириб сафарга тайёр килиб қўйди. Энди эрталаб битта аккумулятор кўйса бўлди. Бемалол кетаверсалар бўлади.

Полвон эртаси аzonда Салоҳиддин билан йўлга чиқди.

Гуландом эпик кесакисига суюниб мунғайғанча машина орқасидан қараб қолди.

Полвон эртасига самолётда қайтиб келди. Унинг чехраси очик эди. У умрида бир марта савобли иш килдим, ҳамма вакт курацда полвонларни йиқитиб ранжитардим. Рақибларим албатта енгилгандари учун менга раҳмат айтмагандирлар. Шуларниң уволига қолдим, деб ўйларди.

Полвон кишлоқда бир ноҳушлик устидан чиқди. Гуландом бир банка керосинни Кўчқорнинг гўрига сепиб ўт қўйиб юборипти. Гўр ловуллаб ёнипти. Тенасидаги дараҳтлар ҳам куйиб кетибди. Гуландомнинг ўзи аллақаёққа ғойиб бўпти. Қаёққа кетган, тирикми, ўликми, ҳеч ким билмасди.

Полвон кечқурун самоварга чиқди. Чойхўрлар билан ҳардамхаёл, узук-юлук гаплашиб, қишлоқ халқини эрталаб уйига таклиф килди. «Нима, Полвон ака, юртга ош берасизми?» — деб сўрашганди, «Эрталаб биласизлар», — деди у чойхонадан чиқиб кетаркан.

Кишлоқда ош берилса, оқсоқоллар сабзи тўғрашга киришади. Масжид омборидан идииш-товорқ олишнади.

Стол-стул, дастурхон деган гаплар бор. Қизик-ку, хе йўқ, бе йўқ, эрталаб уйга чакирипти.

Полвон уйга келиб, жиянидан сув иситиб беришни сўради. Ювениб, тоза кийимларини кийди. Хуфтон на-мозини узок ўқиди. Икки қўлини кўкка кўтариб, Аллоҳ-га илтижолар қилди.

— Тангрим, бу жонни ўзинг бергансан. Энди омонатингни ол. Сен берган жонга қасд қилиб гунохга ботишни истамайман. Жонимни ўзинг ол.

Полвон бу гапларни беш-олти мартадан тақрорлади. Тоғ тепасида кимирламай туриб қолган ойга узок тикилиб ўтирди. Тун осуда. Тиқ этган овоз йўқ.

— Берган неъматларингга минг бора шукур. Даври-даврон сурдим, курашлардан яккачифт бўлиб чиқдим. Хорлик-зорлик кўрмадим. Энди бас, кийналиб кетдим. Ўз болам мени юрт кўзида шармисор қилди. Омонатингни ол, Аллоҳим. Бас, энди кетай. Бу дунёда энди яхшилар яшасин.

Тонготар маҳали Жалол полвоннинг жони узилди.

Жанозага қишлоқнинг катта-кичик ҳаммаси келди. Факат Нурим сартарош келолмади. Юрт кўзида унинг юзи шувит эди.

Орадан тўрт кун ўтиб, Чорвок денгизида чўмилаётган болалар қирғоқдан бир пой туфли топиб олдилар. Бу Гуландомнинг туфлиси эди.

1999 йил, апрель

## ОФТОБ ОЙИМ

*Ватанинни севмоқни, юрт отасига садоқатни японлардан ўрганиш керак.*

Максуд ШАЙХЗОДА сўзи.

Кечадан бери лагеримиздаги японлар ғимирлаб қолишиди. Еттинчи барак олдида тўпланишиб, қандайдир жиддий бир гапни қизишиб мухокама қилишарди. Ероси Дюн деган япон йигити рассомлик устахонамни супуриб-сириб юради. Дюннинг юрак ўйноғи касали борлигидан уни шахтада ишлашга олиб чиқиши масди. Баъзи-баъзида, жаҳли чиққан пайтларда юрак касали хуруж қилиб коларди. Бошликлар уни менга бўёқ кориб берадиган

қилиб қўйиниган эди. Мен Дюндан, нима гап, тез-тез тўпландиган бўлиб қолдинглар, деб сўрадим.

— Товарищ Ахмед, юртимизга кетадиган бўлиб қолдик, — деди у ичига сифмаган қувончини яширолмай.

Уни дил-дилдан табрикладим.

— Бошликлар шундай деб айтишдими? — деб сўрадим.

— Қаёқда! Улар бу хабарни биздан икки-уч кун кейин эшитишади.

Унинг гапи рост эди. Умуман қамоқхоналарда кўзга кўринмас, қўл билан ушлаб бўлмас «телеграф» ишларди. Москвада, ҳатто сиёсий Бюорода маҳбусларга алокадор бирор гап бўлса, ўша куниёқ жамики лагерларга стиб бораради.

Лагер бошлиғининг ўринбосари капитан Гусак, мой бўёқда ишлаб бер, деб онасининг сувратини ташлаб кетган эди. Бугун туш пайтида сувратни олгани келди. Ундан японлар юртларига кетадиган бўлдими, деб сўрадим.

У хайрон бўлди.

— Бунақа гап йўқ. Бу маҳбусларниң ўзларидан чиккан галдаги «параша» бўлса керак, — деб жавоб қилди.

«Параша» — бу қамоқхона камераларига қўйиладиган ҳожат челаги. Тарқаладиган ҳар хил бўлар-бўлмас гапларни шундай деб аташади.

Барibir лагер «телеграфи» аниқ ишларди. Биз Сталлин ўлганини бошлиқларимиздан бир кун олдин эшитганимиз. Бериянинг қамалганини, Молотов билан Кагановичнинг Сиёсий Бюро таркибидан чиқарилганини ўша куниёқ эшитган эдик.

Дюн устахонани шопиб-пишиб йигиштираарди-ю, сттинчи барак олдида тўпланган ҳамюрлари даврасига чопарди. Лагеримиздаги ўттиз тўрт нафар японнинг ҳаммаси ўша ерда. Бундан кирхонада ишлайдиган Судзе деган япон йигит мустасио. Судзе ҳамюрларига қўшилмас, кирхона зинасида бошини эгиб ўтириб хаёл сурарди. Японлар Судзени сафларига қўшишмасди. У японларга хос бўлмаган баланд бўйли, худди циркдаги полволонларга ўхшаган, мускуллари бўртиб чиққан жуда бақувват йигит эди. Бошка японлар лагеримизда Судзе деб аталган япон борлигини билмагандек, унга эътибор беринишмасди. Судзе эса ҳар тоңг ҳали кўёш кўтарилемай кирхона томида пайдо бўларди. Шахталардан чиқариб ташланган тоғ-тоғ рудалар орқасидан қуёш чиққунча ҳай-

калдек қотиб турар, юзига офтоб урилиши билан икки қўлинин баланд кўтариб қўёшга нималардир деб илтижолар қиласди.

Дюннинг қувончи чексиз эди. Бир гапириб ўн куларди. У ўн бир йилдан бери бегона мамлакат қамоқхоналарида сарсон-саргардон кезарди. Шу ўтган ўн бир йил она юрти, туғилган диёри Япония хаёли билан яшайди.

— Хайрият, қоним юртимга тўқиладиган бўлди, — деди у аллақандай қувонч билан.

— Жинни бўлдингми, юртимга қайтай, уйланиб, болачақали бўлай, бошқалардек беармон яшаб юрай, деб ният қилмайсанми, ахмок! — дедим унга.

Дюн бошини тебратди.

— Товарищ Ахмед, — деди у русча билишини намоъниш қилаётгандек фуурур билан, — биласанми, мен самурайман. Самурайлар душманга тирик асир тушмаслиги керак. Асир тушиш хавфи туғилгандаёқ ўзини харакири килиши шарт. Яъни, ўзини ўзи чаваклаб ўлдириши керак. Мен харакири қилишга улгурмаганиман — Ватанимдан қон қарздорман.

Мен Дюнни доимо юзи кулиб турадиган, болалардек бесубор, унча-мунча ҳазилларни кўнглига олмайдиган, мусичадек беозор одам деб ўйлардим. Ичидаги шунча гап борлигини, юрагини қонли армон ўртаётганини билмасдим. Ероси Дюн кўз олдимда юксалиб, ўн бир йил Ватанидан олисда, чўлларда, ўрмонларда сарсон-саргардон кезиб, Япониянинг буюк муҳаббатини дилида ардоқлаб келган, ҳар куни биттадан қўёш туғадиган Ватани олдидаги бурчини, бир дақика бўлсин, унумтаган бекиёс инсонга айланган эди.

Дюннинг Иосиро деган ҳамюрти баъзан устахонага келиб узок гаплашиб ўтиради. Рус аскарлари уни асирликка олган пайтда ҳали тили чикмаган эгизак қизалоқлари бўлган. У қизларим катта бўлиб қолгаандир, тирикмикан, деб йиғларди.

Японларга муносабат ўзгариб қолди. Уларни ишга олиб чикмай қўйишди, ҳатто алоҳида овқат пишириб берадиган бўлишди. Аммо Дюн қадрдонлигимиз учун ҳамон устахонада ишлаб юрибди. Японларни бошка кичикроқ баракка санаб киритилгандан кейин устидан қулфлаб қўйишади. Японларнинг бараги қулфланмайдиган бўлди.

Бу ишларнинг Судзега алоқаси йўқдек эди. У ҳамон

кирхонада ишлар, зинапояда ўтириб ўй ўйларди. Алохиды пиширилган овқат унга берилмасди.

Негадир ўша пайтларда лагерда чой ўриига кофе беришарди. Ҳатто ошхона ёнидаги бостирумда коп-коп кофе қалашиб ётарди. Кофе жонимизга тегиб, бир қултум қора чойга зор бўлгандик. Шаҳардан газета олиб келишига борганимда магазиндан бир қути грузин чои сотиб олгандим. Дюн тунука чойнакка аччиққина килиб дамлаб келди. Ҳовлида скамейкада ўтириб чойхўрлик қилмоқчи бўлдик. Махбуслар уйқуда. Факат Ватан соғинчи уйқу бермаган японлар тўда-тўда бўлиб, ой нурига фарқ бўлган лагер саҳнида жимгина айланиб юришибди.

Дюн билан иккимиз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, чой ичиб ўтирадик. Бизнинг бу сухбатларимиз ҳам фаниматдек эди. У Ватанига кетади. Албатта, бундан кейин у билан дийдор кўришолмаймиз. Ҳар қалай, беш-олти йиллик қадрдошлик бир-биrimizga яқин қилиб қўйганди.

Ана шу сокин ойдин кечада Дюндан сўрадим:

— Менга қара, Дюн, нега Судзени ёмон кўрасизлар?  
Нега уни даврага кўшмайсизлар?

Ероси Дюн индамади. Ой нурига терс ўтиргани учун унинг юзида, кўзида қандоқ ифода акс этаётганини билмасдим. Сўроғимга жавоб бериш нияти йўққа ўхшарди. У узок ўйлаб ўтиргандан кейин:

— Яна битта чой дамлаб келайми, буниси совуб қопти, — деди.

— Йўқ, — дедим, — сўровимга жавоб бер.

Ероси ўрнидан туриб у ёқ-бу ёққа юрди. Кейин жоийга келиб ўтири-да, гапира бошлади:

— Буни тушунтириш қийин. Японияни, японни, урфодатларимизни билмаган одамга тушунтириш қийин. Мана, энди ажралишиб кетадиган пайтимиз келди. Бу Дюн ким эди. Судзе ким эди, деган жумбок кўнглингда қолиб кетмаслиги учун айтаман. Сен бир марта мени ҳақорат қилганинг ҳалигача дилимни ўртайди.

Уни нима деб ҳақорат қилганимни эслай олмадим.

— Айт, агар шундай қилган бўлсанм, сендан астойдил узр сўрайман.

— Япон аёллари бузук бўлади, дегансан. Шунда аламларимни ичимга ютиб жавоб бермаганман. Ўшанда япон портларида гейшалар матросларни йўлдан уради, дегандинг. Э-э, ошнам, бу гапинг мутлақо нотўғри. Бунақа гап учун сени ўлдириш им керак эди. Ундай қилмаганман.

Тұғри, шундай ғап бўлган эди. Ўшанда Дюнпинг тишлиари ғичирлаб кетган, қошлари чимирилиб, худди ҳамлаға тайёр турган шерга ўхшаш бир ахволга тушган эди. Лекин индамай ўрнидан туриб, баракка кириб кетганди. Уч кун юрак хуружи тутиб, устахонага келмаганди.

— Билиб қўй товарищ Ахмед, боя айтдим-ку, Японияга бормаган одам японлар тўғрисида аник бир ғап айтольмайди. Экилган ҳар бир туп дарахт, йўлга ётқизилган ҳар битта тош, қурилган ҳар битта иморат Япония манфаати учун хизмат қилиши керак. Ҳар бир қимирлаган жонда, одамларнинг муомаласида, юриши-туришида Япония манфаати яшайди. Сен ўша бузук деб айтган гейшалар Япониянинг порлок келажаги учун хизмат қиласидан буюк ватанпарвар аёллардир...

— Шопма, Дюн, бунақа баландпарвоз ғапларни қўй. Сал пастрок тушиб гапир.

— Хўп, — деди у, — майли, кизишмай гапира қолай. Гейшалар сен ўйлаганчалик ахлоқсиз аёллар эмас. Ниҳоятда назокатли, ёқимтой, билимдон аёллардир. Улар маҳсус мактабларда таълим олган, сухбати ширин, япон қўшиқларини хониш қиласидиган, кадим замонлардан бизга стиб келган ажойиб раксларни маҳорат билан ижро қиласидиган, тарих ҳақида гапиргандан тингловчига ўтмишни тирилтириб берадиган, тенгсиз пазанда, табобат сирларидан огох ва шу билан бирга бекиёс гўзал аёллардир. Улар сухбатидан бир марта баҳраманд бўлган хорижиклар бир умр бу ширин онларни унута олмайдилар.

Ероси Дюн совуб қолган чойдан хўплади. Бир оз тин олиб, гапини давом эттиреди:

— Ана энди Судзэ тўғрисида гапирай. Йўлда ётган кичкинагина тош ёки бир қарашда назарга тушмайдиган бирор рўзбор буюми тўғрисида гапириш учун, аввало, бутун Япония тўғрисида гапириш керак. Бизда хамма шарса бир-бири билан узвий боғлик, уларда бутун Япония яшириниб ётади. Судзэ тўғрисида гапириш учун шунчак ғапларни айтдим. Шундай қилмасам, ҳеч нарсани тушунмасдинг, товарищ Ахмед. Судзени гейша туқкан дейишарди, у отасини кўрмаган. Портимизга Португалиядан юқ кўп келарди. Баланд бўйли, бақувват матрослар кемадан руда туширишарди. Судзенинг чўяндан қуйилгандек бақувват гавдаси худди ана ўшаларга ўхшаб кетади. Эътибор берганмисан, Судзенинг кошлари бургутнинг қанотига ўхшайди. Бунақа кошли денизчиларни Португалия кемаларида кўрганиман.

Судзе махсус энагалар, махсус тарбиячилар, билим-дон ўқитувчилар тарбиясида, император ардоғида вояга етди. Энг яхши кийимларни кийди. Энг лаззатли таомларни сиди. Чунки у камикадзеликка қабул қилинган эди. Камикадзе — бу «ўқ одам» дегани. Мамлакат хавф остида қолган пайтларда камикадзелар бир кипи сифадиган ва даҳшатли бомба жойланған самолётда душман истекоми томон учирлади. Самолётта факат учеб боришгагина етадиган ёнилғи қуйилади. Агар учувчи қўрқоқлик килиб ортга қайтмоқчи бўлса, қайтишга ёнилғи йўқ. Камикадзе душманинг қурол-яроғ омборига урилиб, ўзи ҳам портлаб кетиши шарт. Аммо Судзе сўнгти бурчини адо этишдан бош тортди. Қўрқоқлик килди. Биласаними, товарищ Ахмед, Камикадзе бурчини ўтамаса, уни урмайдилар, сўкмайдилар, суд килмайдилар. Бўйнига худди Рикша аравасининг филдирагидек қулф-калитли филдирек кийдириб қўядилар (Рикша — бу хачир ёки эшак ўрнига одам қўшиладиган аравача). Бўйнига филдирак осилган одамга ҳеч ким сув бермайди, овқат бермайди. Ердан бирор нима топиб сий деса, ё ариқдан сув олиб ичай деса, қўли етмайди. Ётай деса, филдиракка бўйнидан осилиб қолиб, нафас ололмайди. Бирор уйга кирай деса, эшикка сифмайди. У факат ариққа тиззалаб ўтириб, филдирак четини қирғоққа илинтириб дам олади. Бу филдирак факат у ўлгандан кейингинча бўйнидан олинади.

Судзенинг онаси Манико хоним ўғлининг хоинлигидан номус қилиб кўчага чиколмай, одамларга қўшилолмай қолди. Бу орада Судзе икки марта уйига келди. Киролмади. Эшикка филдирак сифмади. Озиб-тўзиб, сочсоқоли ўсиб кетган боласининг аянчли ахволини Манико хоним болаҳонада йиглаб кузатиб турарди. У боласининг олдига чикмади, бўйнига осилиб юпатмади. Судзе энди унга суюкли фарзанд эмас, умумхалк лаънатига учраган жирканч бир кимса эди. Орадан бирон ой ўтиб, Манико хоним чодрага ўралиб, ибодатхонага борди. Муқаддас Будда пойига кўйилган тилла баркашга рўмолчага туғиб келган олтин-жавохирларни, кимматбахо тошлар билан безатилган зирагу билакузукларини, жамики тақинчоқларини жаранглатиб тўқади. Тиз чўкиб Буддага тавба-тазаррулар килади. Аста ўринидан туриб ичкарига кириб кетади.

Иккичи жаҳон уруши арафасида Парижда бўлиб ўтган «Гўзаллар танлови»да Манико хоним биринчи ўрин-

ни эгаллаб тож кийган эди. Французлар уни «Офтоб ойим» деб аташганди. Ҳатто бир газета «Бугун қүёш Париж уфқидан күтарилиди» деб ёзганди.

Тенгсиз гўзал, бенихоя доно, бутун Япониянинг фахри бўлишга арзийдиган бир малак — Офтоб ойим роҳи-балар либосини кийди, роҳат-фароғатдан кечиб, монастирда колди.

Судзенинг ахволи оғир эди. У ўлиб ўлолмасди, тирик қолишининг асло иложи йўқ эди. У самолётда учеб бориб душман истеҳкомига урилиб, портлаг кетмаганига минг-минг пушаймонлар ерди. Охири у ўзини денгизга ташлаб чўкиб ўлишга қарор килди. Денгиз шовуллар, тўлқинлари кирғоққа сапчиб, Судзенинг тиззаларига уриларди. Денгизнинг кирғоққа яқин жойлари саёз эди. У аста-секин сув кечиб бораверади. Сув тиззасидан келарди. Кейин белига чиқади... Епирилиб келган тўлқин уни орқага силтаб, яна қирғоққа улоқтириб ташламоқчи бўлади. Тўлқин орқага қайтишда уни денгиз ичкарисига судраб кетди.

Судзэ ерда юрганда бунчалик азобини кўрмаганди. У тик ҳолатда қулоч отиб сузолмасди. Филдирак эса уни чўкиб кетишга қўймасди. Факат бўйнидангина филдиракка осилиб турарди. Тўлқин уни ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа улоқтирап, хар улоқтирганда бўйни узилиб кетадиганга ўхшарди. Унинг бу ахволини олисроқдан кузатиб турган одам, кимнингдир калласини узиб филдирак ўртасига қўйиншибди, деб ўйлапи мумкин эди.

Бир хафта таом емаганидан Судзэ кучдан, дармондан қолган эди. Охири у ҳушидан кетди. Уни рус денгизчилари катерга чиқариб олганларини билмади. Матрослар филдиракни арралаб бўйнидан олиб ташлапди. Унинг ўзи эса икки кундан кейин ҳушига келди...

Дюн узоқ гапирди. Бахтсиз, шўрпешона маҳбуслар дунёнинг жами ташвишларини унтутиб, барқ уриб ухлаётган оромли саратон тунида Дюн билан иккимиз ҳеч бир мамлакатга ўхшамаган буюк Япония тўғрисида дум-думалоқ ой руда уюмлари орқасига ботиб кетгунча гаплашиб ўтиридик. Дюн ватани тўғрисида гапирмас, гўё қўшиқ куйлаётган, гоҳ завқ-шавқ билан, гоҳ фарёд уриб достон ўқиётгандек эди.

Судзэ бетига офтоб тушиши билан икки қўлини қўёш томон чўзиб буюк Японияга, Қуёшга, Улуғ императорга ёлвориб таваллолар қиласди:

— Эй менинг буюк Япониям. Эй менинг ҳар куни

биттадан қүёш туғадигаң кунчиқар ватаним. Эй менинг отам, падарим, ягона сиғинганим императорим! Кечир мени. Самурайлик бурчини ўтолмаган, сенга ўғил бўлишга нолойик қўрқоқ, юрт ишига, япония ишига, императорнинг ўғли деган шарафни оқлолмаган бадбаҳт камикадзе Судзени кечир. Шу жойда минг-минглаб чақирим олис юртда туриб сенинг шарафингга харакири килиб жон беришинга ижозат бер...

Император жим. Қүёш жим...

Ҳар куни шу ахвол. Ҳар куни Судзе шу томда офтобга, японияга, императорга таваллолар қиласди...

Кунчиқар томонда уфқ оқариб қолди. Мана шу опок уфқ аста бўзара бошлаганда Судзе томга чиқади.

— Бўлди энди, Дюн, бориб ёт. Жиндек ухлаб ол. Бўлмаса, юрагинг яна хуруж қиласди.

Дюн бош чайқади.

— Ухлаёлмайман, юртимга тезроқ кетгим келяпти.

Берия отилгандан кейин «Тройка» карори билан камалгаиларининг баъзиларига зонадан ташкарига чиқиб ишлашга рухсат берилган эди. Шундай имтиёз менга ҳам берилган. Бугун эрталаб бўёқ олиш учун шаҳарга кетган эдим. Қайтиб зонага кирсам, дарвоза олдида японлар тўпланиб туришибди. Дюн югуриб олдимга келди.

— Товарищ Ахмед, қаёқларда юрибсан? Бизни бугун олиб кетишармиш. Кўришолмай қоламиз деб, ташвишланиб тургандим.

Атрофга қарайман. Ҳамма япон маҳбуслари шу ерда. Фақат Судзе ўйқ. У томда офтоб нурига беланиб, кунчиқар томонга караб турибди.

Штабдан келган майор Кузин рўйхат ўқий бошлади. Номи ўқилган маҳбус дарвоза томонга юриши керак. Ўн бир йил тутқунликда яшаган японлар шу топда озодлик деб аталган буюк бир оламга қадам боса бошладилар. Нихоят, рўйхатдан Дюннинг номи ўқилди.

— Хайр энди, товарищ Ахмед. Оғир кунларимда ҳамдард бўлганинг учун, топган бир бурда ионингни мени билан баҳам кўрганинг учун, фам-андухга ботган дамларимга шерик бўлганинг учун раҳмат. Энди кўришолмаймиз, хайр, омон бўл!

У кўзда шашқатор ёш билан дарвоза томон кетди.

Рўйхатдан Судзенинг номи чиқмади. У кирхона томида туриб, юз-кўзларида қувонч порлаган ҳамюртларига алам билан караб турарди.

Штаб олдига келиб тўхтаган «ЗИС-101» машинаси-

дан кора фрак кийган савлатли бир япон тушди. У Япония әлчиҳонасиининг ходими эди. У озодликка чиққан японлар билан бир-бир қўл олишиб кўришиди. Нималардир деди. Японлар қарсак чалиб, қийкириб юборишиди. Улар йиғлаб, бир-бирларини табриклашарди. Шу пайт шернинг ўкиришига ўхшаш бир овоз уларни Судзе тик турган кирхона томига қаратди. Махбусликда ўн йилдан ортиқ овоз чиқармай забун яшаган Судзе ичидаги ийилиб қолган хамма товушларини жамлаб кичкираётгандек эди.

— Кунчикар Ватаним, менинг Япониям! Кечир, бурчини ўтолмаган бадбаҳт ўғлини кечир! Кечир!..

Унинг қўлидаги дудама пичок офтоб тифида чақнаб кетди. У пичоқни яланоч танасининг чап бикинига зарб билан уриб, ўнг бикини томон тортди. У оғрикни хам унутиб, икки ёёғи оралигида осилиб қолган ичак-чавоқларига хам парво қилмай, хамон хирқираф кичкиради:

— Жапан! Жапан! Менинг Ватаним, Жапан!

У шундай дея туриб тунука том қирғогига йиқилди. Ўзининг қони ҳалқоб бўлиб қолган том қирғогига белидан осилиб ётарди. У бир муддат тиширчилаб тургандан кейин сирпаниб ерга шалоплаб тушди. Тарновдан оқаётган қайнок қони энди ўзининг устига шариллаб қуйиларди.

Бу мудхиши манзарадан баданларим музлаб кетгандек бўлди. Уни кузатиб турган японлар юзларини терс ўғиришмади. Ҳар қалай, Судзе собиқ бўлса хамки япон эди. У умрининг сўнгги дақиқасида японлигини исбот қилди. У япон бўлиб оламдан ўтди. Жапан, Жапан, деб жон берди.

Зонадан чиққанимда японлар автобус олдида тўпланиб турардилар. Дюн олазарак бўлиб мени кутаётган эди.

— Товарищ Ахмед, сувратга тушайлик.

У шундай деб бўйнига иккита аппарат осган япон фотомухбирини бошлаб келди. Дюн, Иосиро учовимиз елкаларимизга қўл ташлаб сувратга тушдик. Бошқалар аллақачон автобусга чиқиб бўлган. Аммо Дюн шошилмасди. Мени бағридан қўйиб юборгиси келмасди. Ҳиқиллаб йиғларди.

Алик Четкаускасга ташқарига чиқишга рухсат йўқ эди. У томга чиқиб Дюнга қўл силтаб хайрлашарди.

Автобус икки марта сигнал бергандан кейингина мени бағридан қўйиб юборди. У автобусга чиққандан кейин хам деразадан қўл чиқариб, кафтларини ўпиди силкитарди.

У кетди. Хижрон азобларидан, хўрликлардан қутублиб юргига кетди.

Орадан ойлар ўтди. Биз яшаётган қамоқ-лагерга юз минглаб баҳтиқаро маҳбуслар келиб кетган. Бу мустахкам деворлар, тиканли симлар гўё ҳеч нарсани кўрмайтгандек гунг-соқов эди. Бирок ўн йилнинг нари-берисида келиб-кетган япон маҳбусларини ҳеч ким унутмасди. Уларнинг ахиллигидан, одобидан, сезгиру топафонлигидан, бир иш қилса, астойдил меҳр билан қилишидан гапиришарди. Айниқса, Дюнни қўп гапирадик. Унинг «Л»ни «Р» деб талаффуз қилишини эслардик. У «лагер»ни «Рагер», литвалик рассом Аликни «Ритовец Арик» дейишини эслаб қулишардик.

Бир шум хабар кўиглимизни вайрон қилиб юборди. Олиб кетилган японларнинг ҳаммасини Императорнинг маҳсус буйруғи билан Ватан хоинлари сифатида денгизга чўқтириб юборишган эмиш. Бу совук хабарга бирор ишонди, бирор «параша» деб қўя колди.

Ўша воқсаларнинг бўлиб ўтганига ропна-роса эллик йил бўлди. Яқинда тақдир тақозоси билан, тўғрироғи, «Келинлар қўзғолони» баҳонасида олис Америкага — Атлантика океанининг нариёғига бориш манглайимга битилган экан, бордим. Нью-Йорқда орзу қилиб етиб бўлмас жойларни кўрдим. Машхур афсонавий Бродвей шоҳкӯчасини, Американинг тимсоли бўлиб қолган Озодлик ҳайкалини кўрмок насиб қилди. Айниқса, Манхэттенда БМТ қароргоҳи олдида хиллираб турган байроклар қаторида Ўзбекистон байробини кўрганимда, мижжаларимга ёш қалқиб чиққанини сезмай қолдим.

Ўзбекистон элчихонаси ходимлари, атайнин Вашингтонга келиб музейни кўрмай кетсангиз, кейин афсусланиб юрасиз, машхур Вашингтон музейида буюк бобомиз Алишер Навоийнинг ўз қўли билан ёзган иккита фазали бор. Албатта, бориб кўриниг деб, маслаҳат беришиди. Ўша куниёқ бордим. Афсуслар, бўлсинки, музейнинг Кўлёзмалар бўлими берк. Маҳсус мутахассислар кўлёзмалар ҳолатини ўрганаётган экан. Афсус-надоматлар билан қайтиб чиқдим. Музейда кўрса арзийдиган миллионлаб экспонатлар бор. Ўшаларни кўриб қўя колсанам ҳам бўларди. Аммо, очиғини айтсам, Даҳо шоиримизнинг Кўлёзмаси олдида муқаддас Каъба тошини тавоб этгандек буюк эътиқод билан бош эгиб турмокчи эдим. Ниятимга етолмадим.

Боя шоффёр бу срда камида икки соат бўласиз, шо-

шилмай кўраверинг, мен бир ярим соатларда келаман, деганди. Қаёқка боришимни билмай, музей ховлисида ги гулзор ёқасига қўйилган скамейкага омонатгина ўтиредим. Эртага Америка сафарим поёнига етади. Вашингтондан машинада тўрт юз километр йўл босиб Нью-Йоркда Кеннеди помидаги аэропортга боришим керак. У ёғи Тошкентгача ўн беш ярим соат океан устидан учиб ўтаман. Элчихонага бориб сафар тадоригини кўришим керак. Аксига олиб, шофер ҳам бир ярим соатдан кейин келади. Уни кутишдан бошқа иложим йўқ эди.

Скамейканинг нариги бошида ўтирган, ёшини аниклаб бўлмайдиган бир япон қарияси менга қараб ҳадеб жилмаяди. Кўзини олади, яна қарайди, илжаяди. Ҳайрон бўлдим, нега у бунақа қиляпти. У сурилиб ёнимга келди.

— Вий, товарищ Ахмед?! — деб сўради чала-чулпа рус тилида.

Ҳайрон бўлдим. Дунёнинг нариги бурчиди мени танийдиган одам бор экан, деб ўйладим.

— Рутфирро помнити? — деди у кулиб.

Биз лагерда Дюн Еросини «Рутфирро» деб атардик. Мен Дюнга учинчи баракдаги муқовачи Лутфуллони чақириб кел, деб илтимос қилганимда у муқовачини тополмай, Рутфирро йўқ экан, деб жавоб қилган эди. Ана шундан кейин баъзилар уни Рутфирро деб атайдиган бўлишганди. Буни нотаниш чол қаёқдан билади экан деб ҳайрон бўлдим.

— Товарищ Ахмед, бундан роппа-роса кирқ беш йил олдин, сиз билан қамок-лагерида бирга бўлганмиз.

Эсладим. Бу — Дюннинг энг яқин дўсти Иосиро эди. Аммо лагердан бўшаб кетган японларни Императорнинг маҳсус буйруғи билан денгизга чўқтириб юборишган деб эшитган эдим...

У тиззамга қўлинини қўйиб, Дюнни эслайсизми, деб яна сўради.

— Бу ажойиб, олижаноб инсонни упутиб бўладими? — дедим афсусланиб.

У пайтда Иосиро ўттиз ёшларда эди.

У ўйланган пайтларини, қайлиғи билан икки марта Кабуки театрига борганини, машхур актёрлар ижро этган ролларни худди тушида кўрган воқсаларни айтиб беряётгандек гапиради. Айтганча, унинг эгизак кизлари бор эди.

— Кизларнинг билан, хотинингиз билан дийдор кўришдингизми? — деб сўрадим.

— Битта кизимни топдим. Хотиним билан бир кизим атом нурланишидан ҳалок бўлишган экан.

У хассасининг учи билан ер чизиб узок туриб қолди.

— Мен сизни кўп эслайман. Эсингиздами, кетар чоғимида Дюн, сиз учовимиз сувратга тушган эдик. Ўша сувратни қора қунларимиздан хотира деб сақлайман. Кизим шу музейнинг Япон бўлимида илмий иш қиляти. Куёвим дипломат. Элчинонада ишлайди. Кизимнинг кетидан бу ёқларга келиб қолганман. Икки неварам билан овуниб юраман...

Унинг гапини бўлдим:

— Сизларни денгизга чўқтириб юборишган, деб эшитган эдим...

— Ёлғон гап. Бу «нараша» гап. Ҳаммамиз соғ-омон юртимиға стиб келганмиз.

— Дюн омонми? Бола-чақали бўлиб кетгандир? — деб сўрадим ундан яхши бир гап эшитиш илинжида.

— Дюн энди йўқ, — деди Иосиро ҳасрат-надомат билан. — Кемада кетаётганимизда Дюннинг юраги икки марта хуруж килди. Врачлар аранг саклаб қолишиди. Кемамиз қирғоққа стиб борганда бизни кутиб олиш учун Негате портига чикканларнинг сон-саноғи йўқ эди. Ўзингиз биласиз, Дюннинг хеч кими йўқ, стимхонада ўсган. У кемадан тушиб, хеч нарсага қарамай, қирғоқ бўйлаб, тўлқинлар ювавериб биллурдек шаффоф қилиб қўйган қумларни тўпик бўйи босиб анча нари кетди. Курткаси ни счиб улоктириди. Букчайиб ўтирида, шўр қумни ўпа бошлади. У бир букчайганича бошини, қаддини кўтармади. Тўлқинлар унинг устидан сапчиб икки-уч метр ўтиб кетди. Дюннинг гавдаси тўлқин остида кўринмай қолди. Тўлқин орқага қайтди. Дюн томонга югурдим. Етиб боргунимча, уни яна икки марта тўлқин босди. Уни қўлтиғидан кўтармоқчи бўлгандим, эплолмадим. Дюн қадрдан юртинг биллур қирғонини ўниб, жон таслим қилган эди. Лабидан оққан қонни қум шимиб кетаётганди.

Мендан нарида гуллаб турган Сакура тагида қора чодирга ўралиб бир рохиба одамларга жавдираб, қарар, юм-юм ёш тўкарди.

У бир вақтлар парижликлар ҳуснига маҳлиё бўлиб, Офтоб ойим деб атаган тенгсиз гўзал Манико хонимга энди ўхшамасди. Кўзларидан нур қочган, арчилган шаф-

толидек пушти юзларини ранг тарк қилган, фарзанд доғи уни ғижимлаб ташлаган, афв қилингандар орасида менинг болам ҳам бормикини, деган ўйда келганга ўхшарди. Унинг олдига боролмадим, Дюн билан овора эдим.

Дюнни ўз кўлим билан қабрга кўйдим. Қабри бошига бир туп Сакура кўчатини экиб қўйдим. То бу томонларга келгунимча ҳар баҳор унинг қабри бошига бориб узоқ ўтирадим. Сакура гуллари тўкилиб, пушти рангга ўралган қабр пойига тиз чўкиб, бирга кечирган қунларимизни кўз олдимга келтираман.

Мен эсам, лагерда Дюн билан сўнгги учрапувимни эслайман. Ўшанда ой дум-думалоқ, оппок эди. Ўшанда Дюн Ватанимдан бир томчи қон қарздорман, деганди. Шу гапи учун уни қаттиқ сўккан эдим. Қаранг-а! У ниятига ётиби.

— Товарищ Ахмед, хозир куёвимга телефон қиламан. Қамоқдан бўшаганимизда Дюн билан учовимиз тушган сувратни олиб келади.

Йосиро ёнидан уяли телефонни олиб куёви билан гаплашиди.

... Одам боласи туғилган юртига ўхшайдими? Билмадим, мен негадир шунака деб ўйлайман. Дюннинг сувратига қарайман. У менга ҳар куни битта офтоб туғадиган Японияга ўхшаб кўринади. Унга қараганимда буюк Японияни кўриб турганга ўхшайман. Бодроқдек фуж-фуж гуллаган Сакура соясида Дюн ором уйқусида ётиби. Денгиз томондан шамол эсганда Сакура гуллари дув тўкилади. Гўё қабр устига пушти кўрпа ёпиб кетгандек бўлади. Дюн оксан довулларининг долғали товушларини, чағалайларининг қийқириқларини эшлиб ётиби.

2001 йил 20 январь

## МИННАТДОРЛИК

«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 26 январдаги сонида чоп этилган ҳурматли адаб Сайд Ахмаднинг «Офтоб ойим» номли ҳикояси менда жуда катта таассурот қолдирди.

Собиқ Совет иттифоқи ҳудудида асир сифатида яшаган японлар ҳақида уларнинг ўзлари ёзган кўплаб асарлар, ҳикоя ва хотира китобларини ўқиганман. Лекин япон асирлари ҳақида четдан туриб ёзган муаллиф ҳикоя-

сини илк бора ўқишимдир. Бу ҳикояда инсоннинг туйфулари ва ички кечинмалари чукур хиссият билан акс эттирилган, шунингдек, унда хозирги қуига келиб унтулаётган аниъаналар ҳам ёритилган.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан бўён ярим асрдан кўп вақт ўтди, бу урушнинг хотираси бугунги япон ўшлари орасида аста-секин унтулиб бораётган бир пайтда Япониядан олиса бўлган Ўзбекистонда япон асиirlарининг қисматини эслаш мени чукур таъсирлантириди. Ярим асрдан кўп вақт мобайнода кўнгил қатида япон асиirlари хотирасини саклаб келиб, улар ҳақида ажойиб ҳикоя ёзган жаноб Сайд Ахмаддан бағоят миннатдорман.

Хозирги вактда жуда кўп японлар Ўзбекистонга сайёх ва тадбиркор сифатида келмоқда, икки томонлама алоқалар кун сайин ривожланмоқда ва шу боис ярим аср мукаддам юзага келган дўстлик, яъни ўзбек ва япон ўғлонининг дўстлиги — хозирги япон ва ўзбек ҳалки орасидаги яқин ришталар даракчиси эди, деб биламан.

Ўзининг бутун бир сахифасини шу ҳикояга бағишиланган «Халқ сўзи» таҳририятига ўз миннатдорчилигимни билдиromoқчиман.

*Кёко НАКАЯМА,  
Япониянинг Ўзбекистондаги  
Фавқулодда ва Мухтор элчиси.*

## ТУТ ПИШИГИ

(«Кўз ёши томган ҳикоялар» туркумидан)

Тошкент—Наманган поезди келди. Проводник икки оёғининг тиззасидан бир қарич пасти кесилган ногирон кишини тўртта подшиппинка ўрнатилган аравачаси билан кўтариб тушди. Уни шу кўтарғанча стансиядан ташқарига, асфальт йўл бошланадиган жойга чиқиб вокзал чирокларининг ёриғи тушиб турган ерга кўяр экан.

— Ана энди «Чайка»ни шалдиратиб кетаврасиз, — деб елкасига қоқиб кўйди.

Ҳали тонг отмаган, уфқ чети энди оқариб келаётган маҳал. Коронғида аравача овози аста узокланиб боради.

Осмон этаги оқара бошлади. Ногирон йўловчи ҳамон икки таҳтакач таянчини асфальтга қадаб олдинга интиляпти. Филдирак шалдираб-қалдираб аста силжиб борар-

ди. Йўловчининг қўллари толди шекилли, аравача худди бензини тугаётган машинага ўхшаб силтаб-силтаб аранг ўйл босарди.

Аллақачон тонг ёришиб кетганига қарамай, бир сингил машина олисни ёритувчи чирогини ўчирмай ўқдек учиб келарди. Унинг ўткир нуридан йўловчининг кўзлари камашди. Машина ҳайдовчиси уни ўн беш метрча оралик қолгандагина кўрди, зарб билан тормоз берди. У фийқиллаб келиб йўловчининг аравачасига урилди. Йўловчи ағдарилиб тушди. Аравачаси тўнкарилиб қолди. Машина ҳайдовчиси аёл киши экан, қилиб кўйган ишидан кўркқаниданми, эс-хушини йўқотиб қўйганиданми, гандираклаб йўловчининг тепасига келди. Ёнбошлиб қолиб, ўзини ўнглай олмаётган йўловчининг қўлтифидан олиб ерга ўтқазиб кўйди. Аёлдан тамаки тутунига қоришиқ копъяк иси бурқсириди. Йўловчи сергакланди.

— Ҳозир... ҳозир аравачангизни ҳам ўнглаб бераман, — деди у.

Йўловчи хайрат билан, афсус-надоматлар билан овоз чиқарди:

— Сухсурा, сенмисан?..

Аёлнинг аравачага узатган қўли ҳавода муаллақ қолди. Орқага бир қадам тисарилди.

— Абдулла ака.

Улар бир-бирларига хайрат ва даҳшат билан караб туришарди.

Машина кабинасидан эркак кишининг ширакайф товуши эшитилди:

— Нима қиласяпсан? Ўлмаган бўлса бўлти-да, қайт оркангга, Сука.

Сухсурा деб аталмиш аёл орқасига тисарила-тисарила машина томон боради.

— Ким экан у? — деди талаффузидан қайси миллатга мансуб эканини билиб бўлмайдиган бир оҳангда.

— Билмасам, — деди Сухсурা зарда билан.

— Тезроқ ҳайда. Эринг соат тўққизда ўтадиган Тошкент поездидан қайтади. У келгунча қишлоққа етиб олайлик. Мени Гелдиеванинг уйига ташлаб ўтарсан. Жиндек мизғиб олмасам, бўлмайди. Қачон учрашишимизни Гелдиева айтади.

Сухсурा кўзёшларини тиёлмас, унсиз йиғлаб машинани аранг бошқариб борарди.

Абдулла отлик йўловчи чақмок урган одамдек эсан-кираб қолди. Нима бўлди?

Хозиргина нафаси-нафаси билан тўқиашган, овозини аниқ эшитган Сухсурани тушида кўрдими, ё увойидан пайдо бўлди-ю яна фойибга қайтиб кетдими?

Йўловчи узоклашиб кетаётган машина орқасидан ҳайрону лол қараб қолди.

У бундан ўн йилча олдин районом бюросида суюкоёк Гелдиева деган аёлнинг районом секретарлигига ўтаётганда овоз бермаган Абдулла Фаппоров эди. Ўша пайтда Фаппоров район газетасининг мухаррири ва районом бюросининг аъзоси эди. Ўшанда Гелдиева уни миллатчиликда айبلاغан: «Эрим рус бўлгани учун шундай қиляпти», — деб даъво қилган эди.

Гелдиева уни судга берган, суд эса «халқлар дўстлигини тан олмаган, айниқса, улуғ рус оғамизниң тинчтотув оиласига раҳна солмоқчи бўлган» миллатчи Фаппоровни етти йил қамоқ жазосини ўташига хукм қилган. Хукм ўқилгандаги Гелдиева:

— Эрим улуғ рус халқининг вакили эканидан фахрланаман. Сен эса қамоқ жазосини ўтаб келганингда хотинингни бир чулчутнинг қўйнида кўрасан, — деб «башорат» қилган эди.

Бир вақтлар юрса ер гурсиллайдиган, билагига кучи сиёмаган Фаппоровнинг хотиндан омади келган эди. Кўрганинг кўзини куйдирадиган тенгсиз гўзал умр йўлдоши билан баҳтиёр бўлган, энди эса том маънода яримта бўлиб қолган, ракибига зарба берии имкониятидан мутлақо маҳрум бўлган Фаппоров қишлоқда ўзини қандай савдолар кутаётганини ҳали билмасди.

Офтоб чараклаб чиқди. Фаппоров атрофга аланглади. Шундагина йўл четидаги девордан шохлари кўчага ошиб ўтган азим туп марварид тутга кўзи түшиди. Ҳар биттаси бодроқдек келадиган оппоқ тутлар ер билан битта бўлиб ётарди. Фаппоров лагерларда сарсон-саргардон кезган пайтларда тушига маҳалла масжидининг ховлисида ўслан тут киради. Қўйнига яримта кулчани солиб, шохларда фарқ пишган тутларни ионга кўшиб тўйиб еган пайтларни эсларди. Энди бу дамлар асло қайтиб келмаслигини ўйлаб ич-ичидан хўрсиниб қўярди.

Фаппоровнинг лаблари куруқшаб, кечадан бери сув кўрмаган оғзида тили айланмасди.

Тану жони соғ одамга икки қадам, Фаппоров учун стиб бўлмас олис эшик бир вақтлар унинг қўлида кор-

ректор бўлиб ишлаган Зумрад холанинг ҳовлиси эди. Раҳбарларнинг нутқлари босиладиган куни газетага кўпинча ярим кечаси имзо чекиларди. Шундай пайтларда Фаппоров уни шу уйга машинада опкелиб қўярди.

Тахта яшиклардан ясалган дарвоза бинкинидаги эшик очилиб, қўлида супурги билан бир кампир чиқди. Бу Зумрад хола эди. У ҳар кеча ётиш олдидан супага чо-дир ёзиб қўяр, эрталаб тўкилган тои-тоза тутларни тоғорага солиб, йўловчиларнинг оғзи тегсин, деб йўл четига обориб қўярди. Ерга тўкилганиларини супуриб тухуми ширин бўлади, деб товукларга берарди.

Зумрад хола ҳам қариб қопти, ёши саксонни қоралаб қолгандир-ов, деб кўнглидан ўтказди Фаппоров.

Зумрад хола тут тўлдирилган тоғорани йўл четига олиб келаркан, беш-олти қадам нарида – асфальт йўлнинг ўртасида ўзини ўнглайолмай қийналаётган икки оёғи тўмток одамин кўриб, унга томон юра бошлади.

– Сенга нима бўлди, болам? – деди тепасига келгач. Унга яқинлашиб тикилдию ҳайратдан ёқасини ушлади. – Фаппоровмисан, сенга нима бўлди? Сени шу алпозда кўрмай менгина ўлай.

Зумрад хола ундан кўп яхшиликлар кўргап, икки неварасини шу Фаппоров Тошкентга обориб ўқишига жойлаган, ҳар байрамда уни совға-саломлар билан йўқлаб турадиган ажиб бир меҳрибон инсон эди.

Зумрад хола шошиб уйга кириб кетди. Ухлаб ётган ўғлини уйғотиб чиқди. Унинг ўғли район почтасининг усти брезентлик юқ машинасини минар, Тошкент поездидан район почтасига келадиган хатларни, посылкаларни олиб қайтарди. Навбатдаги Тошкент поездидан келгунча машинани ҳовлига киритиб, озгина мизғиб оларди.

Она-бона Фаппоровнинг тепасига келишди. Ўғли Фаппоровни бола кўтаргандек қилиб бағрига босиб кўтариб олди. Зумрад хола асфальт йўлда тўнкарилиб ётган аравачани судраб супа олдига келишди. Кампир то уйдан кўрпача олиб чиққунча ўғли Фаппоровни кўтарганича турарди. Фаппоровнинг томоги қуруқшаганидан тили гапга айланмас, сўз ўрнига хириллагап хунук овоз чиқаради. Кампирнииг ўғли уни худди капалакдек эҳтиёт қилиб кўрпачага ўтказди. Кампир чой дамлагани кириб кетаркан ўғлига:

– Офтобрўй тарафдаги шохни силкит. Пишган-пишган тутларни патнисга териб ол, – деди.

Бир оздан кейин Зумрад хола қўлида чойнак-пиёла билан чиқди. Гаппоров чой тўла пиёлани оларкан:

— Шошилма, сал қайноғи тушсин, — деб огоҳлантирди.

Гаппоров чидаб туролмади. Оғзи кўйса ҳам, икки ҳўплашда пиёлани бўшатди. Яна ичди. Уч пиёлани бўшатгандан кейин куриб қолган қовун пўчоғидек бўлиб танглайига илашмаётган тили юмпади. Хириллаши ҳам бо силди.

— Раҳмат, холажон.

— Раҳмат дема, болам. Яқин одамларимиздан, қадрдонларимиздан бир пиёла чойни аясак, Худонинг ғазабига учрамаймизми? Болам, энди манави тутни еб ол. Тут емаганингта ҳам ўн йил бўлиб қолгандир?

Гаппоров боши қимирлатиб қўйди. Унинг хаёли бутунлай бошқа ёқда — аҳд-паймонарни барбод қилган Сухсурада эди. Олис юртларда тушларига кирган тутлар шу топда ер билан битта бўлиб ётарди.

Бирор, фалончи ўлсин-э деса, унака деманг, тут пишигини кўриб қолсин, дейиншади.

Тут пишиғи хосиятли фасл. Ана кетаман-мана кетаман деб, ўлимини кутиб ётган беморлар тутга оғизлари тегиши билан қувватга кириб, юриб кетадилар.

Тут пишиғи ёз фаслига эшик очиб беради.

— Энди қаёққа борасан, болам? — деди Зумрад хола.

— Уйга бораман, — деди Гаппоров қатъий қилиб.

— Борма, шу ерда қол. Сухсурга энди сенга хотинлик қилмайди.

— Барибир уни кўришим, нега бунака йўлга кирганини билишим керак.

— Хотинингнинг ҳусни бошига бало бўлди. Ярамас, бузук Гелдиева уни шу кўйга солди. Уйингга борма, болам, борма.

Хозир хеч қанака гап Гаппоровнинг қулоғига кирмасди. Охири поилож қолган Зумрад хола ўғлига:

— Нуриддин болам, акангни обориб кўйгин, — деб буюрди.

Машина Гаппоровнинг тотли дамлари кечгаи, баҳти умрининг унтутилмас дақиқаларига гувоҳ бўлган қадрдон уйи эшиги олдida тўхтади. Нуриддин эшикни итарган эди, очилиб кетди. Ў Гаппоровни кўтариб ҳовлига олиб

кирди. Аравачасини текис ерга қўйиб, устига уни ўтқазди. Сахни ер билан тенг хонанинг эшиги қулфланмаган экан, ҳалқасидан тортганда очилиб кетди.

Фаппоровнинг хуши ўзида эмасди. Назарида ҳақиқий Сухсурчики бўйнига осилиб, каёкларда юрибсиз деб лабларини буриб, таъна киладигандек эди.

Фаппоров атрофга аланглади. Ҳовли аёл кишининг оёғи етмаган, бирон марта супурги кўрмаган, файзсиз, фариштасиз эди. Винодан бўшаган шишалар, бижимлаб ташланган папирос кутилари сочилиб ётар, атрофида кул уйилиб қолган кабоб кўраси ёнида кўмир тўлдирилган шляпа. Тошкентта боришига уни Сухсурча совға қилган, ўз қўли билан кийдириб қўйган эди. Ўчоқ четидан иркит қозонсочик осилиб турибди. Бу матбуот куни Фаппоровга редакция ходимлари совға қилган яшил галстук.

Ҳовли эшиги берк пайтларда почтачи девордан отиб ташлаган хатлар сочилиб ётарди. Бу кўлда ясаган конвертлар ичida Фаппоровнинг олис лагерлардан юборган, кўз ёшлиларга коришик хатлари, изтироб тўла дардлари ўксиб ётарди. Уларнинг бирортаси очилмаган. Конвертларда осёқ излари қолган.

Фаппоров аравачасини шилдиратиб хонага кирди. Диомогига қўланса конъяк хиди урилиб, кўнгли бехузур бўлди.

Сухсурча хонада йўқ. Яқинда чиқиб кетган бўлса кепрак, хона ичida сигарета тутунлари ҳали ҳам сузуб юрибди. Стол устида курси. Тепасида шифтдаги илгакка ташланган арқон осиғлигича қолган. Демак, Сухсурча ўзини осмоқчи бўлган, лекин журъатсизлик килиб ниятидан қайтган. Стол четида икки букланган қофоз, унга узук бостириб қўйилган. Фаппоров узукни олиб у ёқ-бу ёғига қаради. Бу ўша — никоҳ кечаси Сухсуранинг бармоғига такиб қўйган узук эди. Фаппоров кўзларини юмди. Күлогига ёр-дўстларининг чапаклари, «горько-горько» деб кичкиришлари эшитилиб кетди.

Фаппоров қўллари қалтираб қофозни олди, очди. Худди хозир мўъжиза рўй берадигандек шошиб ўкий бошлади:

«Абдулла ака, бу хатни ихтиёри қўлидан кетган, очикда юрган бир «махбус», гунохларга ботган Сухсурча отлиқ Худонинг бир бацаси ёзяпти. Бир вактлари ёғ томса ялагудек бўлган ҳовлимизни бу ахволда кўриб ҳайрон бўлманг. Сизни «халқ душмани» деб олиб кетгандаридан бир йил ўтар-ўтмай, уйимиз давлат фойда-

сига мусодара қилинганды. Собиқ ҳовлимизга кирмаганим-  
га күп йиллар бўлган. Энди бу ҳовлида бошимизга шу  
қаро куиларни солган Гелдиева-Андреева келди-кетди  
«мехмонлар»ни кутади.

Бугун сизни кўрганимда, албатта, шу уйга келишин-  
гизни билардим. Сўнгти марта кўриб қолиш учун интиқ-  
лик билан кутиб ўтирдим.

Биринчи май арафасида Гелдиева-Андреева нима би-  
ландир мукофотланган экан. Бир хафта бурун бу ҳов-  
лида мукофотни ювии маросими бўлган. Маст-аласт раҳ-  
бар ходимлар коммунист Гелдиеванинг саломатлиги учун  
тўйғунча ичишган.

Бошимдан ўтган савдоларни айтиб бермоқчи эдим.  
Аммо қўзингизга қарашга дош беролмаслигимни билиб  
хат ёзаяпман. Шошиб турибман. Ўлишим керак. Ўзимни  
осмоқчи эдим. Мендек хиёнаткор хотин учун бунақа  
жазо жуда жўн, жуда осон бўлиб туюлди. Мен ана шу-  
нинг учун ҳам ўзимга атаб тиккан дорнинг сиртмоғига  
бошимни сукмадим. Мен энг даҳшатли жазога лойик  
хотинман. Бир неча дақиқадан кейин шунака ўлимни  
қидириб чиқиб кетаман.

Мен сиз билан баҳтиёр эдим. Чексиз баҳтиёр эдим.  
Баҳтимни юлиб олдилар, олис юртларга улоктиридилар.  
Мен сизни жон-дилим билан, бутун вужудим билан яхши  
кўрадим. Дилемни вайрон килдилар. Вужудимга эга  
чиқиб олдилар. Мен очиқда юрган бир маҳбус бўлиб  
қолганман. Устимдан истаганларича ҳукм юритаверади-  
лар.

Энди номим Сухсурда эмас, Сухсурка бўлди. Бу ҳам  
етмагандек, Сухсурка номим қисқартирилиб Сука бўлди.

Банк бошқарувчиси Акопов астойдил ёпишиб олди.  
У паспортимга аллақайси ЗАГСдан никоҳ муҳрини бос-  
тириб кепти. Беихтиёр унинг хотини бўлиб қолдим.

Гелдиева-Андреева ҳамон ортимдан қолмайди. Алла-  
қаердан бир барзангি юристни бошлиб келди. Шу ҳов-  
лимида, мана шу ҳозир мен сизга хат ёзётган жойда  
унга бошимдан ўтган савдоларни айтиб бердим. У нима-  
ларнидир ёзиб олди. Кейин «эслаб юринг» деб сизга  
юборган сувратимни кўрсатиб: «Эринг сени менга қиморга  
ютказган, энди бу суврат ҳам сенини бўлди деб, ўз қўли  
билан берган», — деб айтди. Унинг важохати ёмон эди.  
Ёнидан пичоқ чиқариб, бўғзимга қадади. «Ё менини бўла-  
сан, ё шу ерда қонга беланиб ўлигинг қолади. Энди сен  
менинг тирик мулкимсан» — деб хирс билан бағрига

боса бошлади... Эшик пойлаб ўтирган Гелдисева-Андреева: «Мана, бу бошқа гап. Унга итоат қил, бўлмасам холингга вой» – деб илжайиб чиқиб кетди.

У миллатининг ҳам, динининг ҳам тайини йўқ бир чулчут. Ўғрилар оламида «Таракан» номи билан машхур бўлган Брика деган қароқчи экан.

Айтинг-чи, шұнақа хотин билан яшашга рози бўласизми? Сиз рози бўлсангиз ҳам, мен рози бўлмайман. Пок одамнинг тўшагини нопок танам билан булғатишга кўксимда тасодифан сақланиб қолган иғнанинг учидек зарра диёнат бунга йўл бермайди.

Хайр энди. Энг даҳшатли, энг азобли ўлимни излаб кетдим».

Фаппоровнинг боши фувиллади. Нахотки, Сухсурा ўзини ўлдиргани кетди? Орқасидан югуриб бориб тўхтатиб колишга илгари истаган ерига зумда оборадиган оёклари энди йўқ, олис юртларда колиб кетган. Инсон учун энг даҳшатли фожиа – бу почорлик. Унинг миясига келган ўйлар худди радиотўлқинлариdek узлуксиз алмашиниб турибди. Гелдисева-Андреева хозир Сухсурани сўроқлаб келади. У эгалик килаётган уйда бегона одам ўтирганини кўрса, шанғиллаб, тўполон килмайдими? Энди бу уйда Фаппоровнинг заррача ҳақки йўқ. Ўз уйнингта ўзиниг сиғмайдиган замонлар келибди. У аравачасини шалдиратиб кўча эшиги олдига борди. Икки поя зинадан тушолмаслигидан афсусланиб, бирорта йўловчи ўтиб колишини кута бошлади. Фиддирагининг ели чиқиб кетган велосипедини слкалаб бир йигит кела бошлади.

– Укам, мени шу зинадан тушириб қўй.

Йигит велосипедни деворга тираб олдига келди. Фаппоровни аравачаси билан кўтариб йўлкага олиб қўйди.

Олисдан машиналарнинг ўткир сиреналари эшитила бошлади. Бироздан кейин йиғма нарвони баланд иморатларнинг томигача етадиган ўт ўчириш машинаси узлуксиз қичкириб ўтиб кетди. Ундан сўнг поезд вагонларини ҳам кўтара оладиган кўтарма кран, «Тез ёрдам» ҳамда милиция машиналари ҳаммаёқни шовкинга тўлдириб ўтиб кетишиди.

Ойналари қорайтирилган бир «Победа» машинаси Фаппоровнинг шундок ёнгинасига келиб тўхтади. Ундан кора кўзойнак таққан эллик ёшлардаги бир киши тушди. У негадир жуда шошар, атрофга тез-тез аланглаб оларди. У Фаппоровни азот кўтариб машинанинг олд ўринидигига ўтқазди. Кейин аравачани орқа ўринидикка

жойлади. Шошиб машинага чикдию, моторга ўт берди. Фаппоров унинг кимлигини билмасди. Кимлигининг аҳамияти ҳам йўқ эди. У анчагина йўл юргандан кейин овлок жойда, қалин ўсган буталар панасида машинани тўхтатиб, кўзидан ойнагини олди.

— Эди танидингизми, Абдуллажон? — деди у кулимсираб.

У асли ҳакқулободлик Каримжон деган, лагерлардан етти марта қочган, ҳар қўлга тушганда йигирма беш йил муддатга хукм қилинган, жами 175 йил муддатга кесилган махбус эди. Лагерлардаги зўравон-блатнойлар, бир пачка маҳоркага одами сотиб юборадиган сексотлар ундан ажалдан қўрккандек қўркардилар.

Каримжон энди ўнинчи синфни битираман деб турганда отасини «халқ душмани» деб қамаб юборадилар. Укалари, сингиллари водийнинг турли стимхоналарига тарқалиб кетадилар. Шунда ўша пайтда колхоз раиси бўлган Фаппоровнинг отаси шу Каримжоннинг бошини силади. Ўнинчини битираётганда кўнгли ўксимасин, деб бош-оёқ кийинтириди. Каримжон мактабни битириши базмидан отасини, сингилларини ўйлаб, шу химматли, шу муруватли одамга қачондир бир яхшилик қилишини дилига туғиб қўйганди. Водий стимхоналарини кезиб сингилларини, укаларини тополмаган Каримжон кайтиб қишлоққа қадам изи қилмай кетди.

Махбусликда юрган Фаппоровнинг ҳам, очиқда юрган хотинининг ҳам бошига тушган кулфатларга Сухсурга юборган суврат сабабчи бўлган эди. Таракан лақабли барзангি — илгари милиция терговчиси бўлиб, «айби»ни бўйнига олмаган махбусни уриб ўлдириб қўйгани учун қамалганди. «Брика» отлик шафқатсиз бу одам ўша лақаб билан машҳур эди. Таракан Фаппоровнинг қўлидан Сухсуранинг сувратини тортиб олиб, ўзи ётадиган жойнинг деворига ёпиштириб қўйганди. Фаппоров Худонинг зорини қилиб ёлворса ҳам, бермаган. «Сен бунича жононг муносаб эмассан» деб барак эшиги олдидағи ахлат бўчкасининг ёнида ётишга мажбур қилган эди.

Тасодифан лагерга Каримжон келиб колади. У Фаппоровни кўриб ҳол-ахвол сўрайди. Фаппоров унга Таракан азоб бераётганини, хотинининг сувратини олиб қўйганини айтади. Шунда Каримжон Тараканнинг ёқасидан судраб ташқарига олиб чиқади, ахлат бўчкасини кўтариб тўкиб келишга мажбур килади. Сувратни ундан олиб, ўзини ахлат бўчкасининг ёнида ётишга мажбур қиласди.

Ўшанда кин жуда қаттиқ келганди. Қарағай кесишига олиб чиқилған махбусларнинг кўпи совуқдан мудраб ухлаб қолишар, уйқу ичида дунёдан кўз юмганларини сезмай қолишарди.

Шундай кунларнинг бирида Фаппоров қарағайга суюниб, бошига тушган савдолардан ээилиб ўтиради. Кўзи илинганд пайтда Таракан унинг оёғидаги пийманинг кўнжиға илиқ сув қуяди. Кўз очигига мадори қолмаган Фаппоров илиқ сувдан роҳатланиб ухлаб қолади. Бир маҳал қаттиқ оёқ оғриғидан қичкириб кўзини очади. Пийманинг кўнжиғига қўйилған илиқ сув совиб, музлаб қолган, иккала оёғини чидаб бўлмас даражада қисарди. Унинг аламли товушини эшитган махбуслар тошга айланган пиймани ечиб ололмадилар. Икки конвой замбилда уни зонага олиб кетади. Ўша куни тун ярмида жарроҳлар унинг оёғини кесишиади.

Каримжон бу ишлардан хабари йўқ. У яна қочиб кетган эди.

Кўчадан бир юқ машинаси гуриллаб ўтиб кетди. Каримжон шошиб кўзойнагини тақиб, ўзини панага олди.

— Каёкка обориб кўяй? — деди Каримжон. Фаппоров елка қисиб кўйди. — Тезроқ айтинг, вақтим зик. Мен Тараканини кидириб келганиман. Сизнинг ўчингизни олишим керак. Отангиз менга яхшилик қилганда, қачондир унинг бу яхшилигига яхшилик қайтаришни дилимга туғиб қўйгандим.

— Шошманг, Каримжон, Тараканинг қаердалигини мен биламан. Гелдиева-Андрееванинг уйида яшириниб ётибида.

Каримжон уни Зумрад холанинг эшиги олдида тушириб, зудлик билан орқасига қайтиб кетди. Фаппоров уни шундан кейин кўрмади.

Ўша куни Каримжондан: тутиб келишларини билатуриб яна қочасиз, бу қочишлар жонингизга тегмадими, деганида у шундай жавоб қилган эди.

— Ох, укагинам, озодлик, эркинлик Худойимнинг инсон боласига атаган бир буюк иеъмати эканини наҳотки билмасангиз? Ўша буюк иеъмат тиканли симнинг нарёғида. У ерда хаво бошқача, шамол бошқача, оғроб бошқача. Шу тиканли симнинг нарёғига ўн қадамча юриб осмонга бир қаранг, мана шу ўтирган ерингиздан кўринмаган юлдузларни кўрасиз. Осмоннинг тиниқлигини, сўнгсизлигини шу атиги ўн қадам нарида кўрасиз. Мен бу ерда бахтсизлик, эрксизлик ҳавосида бўғилиб кета-

ман. Одамлар йилига бир марта курортга бориб келадилар. Мен ҳам ана шу «эркинлик» деб аталган «курорт»да дам олиб келиш учун кочаман

Унинг охирги учрашувида айтган бу гаплари эркинлик учун, озодлик учун жонини аямайдиган инсоннинг ич-ичидан тошиб чиккан армонли, ўқинч тўла фарёди бўлиб Гаппоровнинг хотирида колганди.

— Кайтиб келишингни билардим. Ўз қўлинг билан курган уйингта бир кун ҳам сифмаслигингни билардим — деб Гаппоровни кутиб олди Зумрад хола.

Гаппоров қаттиқ чарчаган, уйқусизлик уни адойитамом қилган эди. У ҳамма нарсани упутиб, мудрок босиб ўтиради. Кампир уни ичкарига олиб кирди. Супага жой қилиб, неварасига уни кўтартириб супага ётқизди. Гаппоров ётди-ю ухлаб қолди. Унинг бош томонида ўтирган Зумрад хола ияига кафтини тираб ўй ўйларди. Кўзларидан оқаётган ёшни ҳам сезмасди.

Гаппоров шу ухлаганича сахар пайти Нуриддин Тошкент поездидан почта олиб келганда машинасининг гуриллашидан уйғониб кетди.

Кечакаримжон бир гап айтган эди: «Биласизми, мен шунча йил қамоқда яшаб, хоинларга оғат бўлдим. Уравердим, уравердим... Аммо кон тўқмадим. Топиб бўлмайдиган бўлиб тарқаб кетган сингилларим учун, укаларим учун, отиб ўлдирилган дадам учун умримнинг охиригача уларни жазолайман. Барибир мени яна тутишади. Яна йигирма беш йил муддат беришади. Бу йигирма беш йиллар аввалги йигирма беш йиллар устига бостирилади. Шунда тўрт юз йилга кесилган бўламан. Худо хохласа, шу тўрт юз йилни юбилей киламан» деб кулган эди.

Зумрад холанинг бечораҳол бева қўшниси обдастада сув олиб келди.

Нуриддин бир вактлар у муҳаррир бўлган район газетасининг бугуниги сонини узатди.

Гаппоров кўлидаги чой тўла пислани дастурхон четига қўйиб, шошиб кадрдон газетани вараклаб сахифаларига кўз югуртира бошлади. Тўртинчи сахифа тагидаги таъзияномага ногаҳон кўзи тушди:

«Район банки жамоаси бошқарув раиси коммунист Вазген Акоповга турмуш ўртоғи СухсурАкопованинг фожеона ўлими муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади».

Гаппоровнинг кўзлари тиниб кетди. Хўрсинди. Ичидан чиккан қайнок нафас бўғзини қўйдириб ўтди. Турли

азобларни, хўрликларни кўравериб, чидайвериб пишиб кетган Фаппоров бу хил зарбага чидаш бермади. Бир қалқиб олди. Инграб унисиз фарёд урди. Қандайдир тубсиз чуқурлик қаърига тортаётгандек эди. Шу жарлик қаърида Сухсурга унга таъна билан қараб турганга ўхшайверди.

Зумрад холанинг овози уни ҳушига келтирди. Кампир ўғлидан районда нима гап, деб сўраётган эди.

— Анави ўрис эри қочиб кетган Гелдисева-Андреева бор-ку, ўшани Таракан деган босқинчи билан иккавининг бўйинга кимдир битта сиртмоқ солиб ёнғоқ шохига осиб кетибди.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Бу Каримжоннинг иши экани аник эди.

— Сухсурани Коражардан ўт ўчирувчилар кран билан опчикишилти. Машинасининг бутун жойи қолмади. Ўзи таниб бўлмайдиган даражада мажакланиб кетибди.

Фаппоровнинг икки кўзи жиққа ёшга тўлди. Юзини тескари ўгириб ох уриб юборди.

Зумрад хола салмоқланиб гап бошлади.

— Энди ганимга қулоқ сол, болам. Ҳадеб куяверсанг адойи тамом бўласан. Сенга бир танмаҳрам керак. Бугун хотиним ўлди, унинг тани совумай туриб менга хотин топяпсизларми, деб ўйлама. У энди ўлгани йўқ. Ўлганига кўп йиллар бўлган. Бутун район халқи уни аллақачон ўлдига чиқариб қўйган. Албатта уни ёвузлар ўлдиришиди. Хор-зор қилишиди. Оёқостига олиб тепкилашиди. Лекин сен яшашинг керак-ку. Шу ахволда сени кимга кераксан? Зудлик билан бошингни иккита қилиб қўйини керак. Аёл киши ёлғиз ўзи сени эплаштиrolмайди. Ёнида битта дастёр ўғли бор хотин олишинг керак. Ўғил бола сенга таянч бўлади.

Зумрад хола боя Фаппоровнинг қўлига сув қўйган қирқ ёпилардан ошган жувонни кўрсатди.

— Тўққиз йилдан бери қўшничилик қиласиз. Қўли гул чевар, пазанда аёл. Шуни олиб берай, ўн бир ёшли дастёр ўғли бор. Шунга ўзинг ота бўл...

...Хотира майдонида одам кўп. Кимдир ўғлини, кимдир отасини, кимдир эрини, кимдир акасини эслаяпти. Одамлар майдоннинг энг балаанд жойида тикланган гумбаз тагидаги рамзий қабр томон оқиб келяпти.

Ногахон кимдир орқамдан қучоқлаб олди. Ўгирилиб қарай десам, унинг бақувват қўллари бунига монеълик қиласарди.

— Ким бу? — дедим ажабланиб.

— Топинг, — деди у.

Унинг овози танишга ўхшаб кетди. Каерда эшигтганиман бунака овозни?

Икки қадам нарида Зумрад хола шуни сенга олиб бераман деган бева қўшиниси бизга қараб жилмайиб турарди.

— Гаппоров, — дедим ишонч билан.

— Топдингиз, — деди мени қучоғидан бўшатар экан.

Ўгирилдим. Тўқ яшил костюм-шим кийган Абдулла-жон Гаппоров бор бўйи билан ёнимда тик турарди. Бошқатдан кўришдик. Ҳаяжон билан опиоқ соchlарини, елка-ларини силадим. Гап тополмай хайратдан довдираф қолдим.

— Ўн кундан буён Тошкентдамиз, протез заводида эдик. Менга оёқ ясаб беришди. Унга ўргангунимча роса машқ қилдиришди. Неча марта лаб юргизиб, неча марта лаб созлашди, — у хотинининг қўлидан олган ҳасса билан болдиrlарига тарсиллатиб икки-уч марта уриб қўйди. — Энди тамом, қадрдон шалдирок арава болаларга эрмак бўлиб қолди. Бирон ойда ҳассани ҳам ташлайман.

— Тут пишиғида сизни кутдик, — деди Гапиоровнинг хотини, — аямнинг маъракаларига келиб қолармисиз деб ўйлагандик.

Юрагим зиркираб кетди.

— Худо раҳматли жаннати хотин эдилар, — дедим ҳазин бир овозда.

Одамлар рамзий қабр ўрнатилган шийпон томон ёпирилиб келишарди. Улар орасида қолиб кетдик. Тумонат ичида бир-биримизни йўқотиб қўйдик. Президент шийпондаги қабр ёнига келиб, икки қўлини баланд кўтарди. Майдон бирдан жимиб қолди.

Мен юртбошимизнинг бир вактлар тўсдек қоп-кора бўлган, энди оқ оралаб сийраклашиб қолган соchlарига, пешоналарига бевакт тушган ажинларига қараб ич-ичимдан, «Эй худо, ҳастини халқ баҳтига бағишлиаган, юртим деб уйқудан, ҳаловатидан, роҳатидан кечган шу жонсарак инсоннинг умри узун бўлсин», дея Оллохга илтижолар килдим.

2001 йил 24 август.

## УЧИНЧИ МИНОРА

Гап-гаштакларда, тўю томонпаларда Жуман бобо ҳамиша битта гапни такрорлайди:

— Мени шонширманглар, невара-чевараларимни нариги минг йилликка ўтказиб қўяй, ана ундан кейин ҳайдасанглар ҳам ўзим кетаман. Мен тенгилар кетиб бўлди. Куним сен мишиқиларга қолиб ўтирипти. Сенлар нимани кўрибсанлар, бошларингдан қандок савдолар ўтиптики, мен билан гаплашасанлар. Бу йил кузда, худо хохласа, тўқсон олтидан ҳатлаб ўтаман. Ҳисобчи бўлсанг, бир чўтга уриб қўр. Ҳар ўттиз йилга бир йилдан кўш, она корнидалигимга ҳам битта тош ташла. Қанча бўпти? Баракалла, роппа-роса юз бўпти.

Даврада ўтирган ветврач Козимбой ёнидаги кишига, бармогини чаккасига тираб, пармага ўхшатиб бураб кўрсатди. Жуман бобо буни пайқаб қолди.

Козимбой гапни чалғитмоқчи бўлди.

— Ўи тўққизинчи асрнинг тўрт йилини кўрипсиз, йигирманчи асрнинг тўқсон икки йилини кўрляпсиз. Бо, яна йигирма бириичи асрни ҳам кўрмоқчимисиз? Иби, инсоф кане.

— Кўраман, — деди Жуман бобо. — Аммо сен кўрмайсан. Моллар орасида юриб молфаҳм бўлиб кетгансан. Одам боласининг кўнглида нима бор, билмай ўлиб кетасан. Шу ичишининг, шу чекишинг бўлса ёшимнинг иккидан бирига ҳам етмолмайсан. Мард бўлсанг, тур ўрнингдан. Минораи Калонга дам олмай чиқишига баҳс бойлашамиз.

— Бухорога бориб нима қиласизлар, ана, Вобкентнинг минораси кўриниб турипти. Шунга чиқа қолинглар, — дейишиди даврадагилар кулишиб.

Жуман бобо шарт ўрнидан турди. Уни калака қилмоқчи бўлган Козимбой турмади. Ҳазиллашдим, ҳазил қилдим, деб қўлини кўксига қўйиб, узр сўраган бўлди.

Чол қайтиб ўтирмади. Эшик томон юраркан, орқасига ўгирилди. Военком билан қўлга тушиб қолган келин аянга ҳазил қил, аҳмоқ, деди ю, чиқиб кетди.

Унинг дили оғриган эди. Шундай пайтларда дилини ёрадиган биттагина Мутаваккил деган жўраси бўлар эди. У ҳам кетди. Энди қаёққа боради. Кимга дардини тўкиб солади.

У жимжит кўчадан бораркан, қадами секинлашди. Илгари бунақа имиллаб юрмасди. Дўстининг ўлимидан

кейин чўкиб қолди. Юрғанда астарсиз чопонининг этаги икки ёнида қанотга ўхшаб пирпиради. Соқоли тўзғиб, гоҳ ўнг, гоҳ чап елкасини сийпаларди.

Жуман бобо битта-битта қадам ташлаб бораркан, кўп нарсаларни ўйлади. У яшаган умридан хижолатлик эмасди. Аммо бояги гап юрак-бағрини ўртаб юборди. Одамларга малол келмасидан бу дунёдан тезрок кетиш керакка ўхшайди, деган гап хаёлидан ўтди. Қандоқ қилсин, дунёга қачон келишинг, қачон кетишинг ихтиёрингда эмас экан.

Жуман бобони Бухоронинг учинчи минораси деб аташарди. Биринчиси минг йил умр кўрган Минораи Калон, иккинчиси, ундан салгина ёш Вобкент минораси, учинчиси шофиркошлик шу Жуман бобо эди.

У остона ҳатлаб ҳовлига кириши билан илгаригидек баланд овоз билан эмас, шикаста бир товушда, Истамбой, деб хотинини чақиради.

Кўлида элак билан Мўмина момо чиқди. У слкасига тушиб қолган рўмолини шошиб, бошига ташлади.

— Жой қилиб бер, ётаман, — деди Жуман бобо.

— Завол пайтига-я, бо сизга нима бўлди, Истамбой, тобингиз қоғдими?

Эр-хотин бир-бирларини тўнғич ўғилларининг номи билан чақиришарди. Истамбой ўи тўрт ёшида оламдан ўтган. Аммо номи ота-она хотирасида бир умр қолиб кетганди.

Мўмина момо элакни қозикқа илиб уйга кирди. Эрига, овқат ейсизми, деди. Чол жавоб қилмагандан кейин, чирокни ўчириб, чикиб кетди.

Жуман бобони хаёл ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа бошларди. Алла-паллагача тўлғониб, ухломади. Нариги айвонда мультфильм кўраёттан невараларининг овозларига қулок солиб ётди.

Мўмина момо деразадан қаради.

— Истамбой, турмайсизми, шом бўлди. Обдастага обтахорат қуйиб қўйдим.

Чол ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб келди. Жойнамоз пойига чўккалади. Узоқ намоз ўқиди. Ўқиб бўлиб ҳам ўрнидан турмади. Хотини Мўминага, етти ўғлига, қудаларига, невараларига худодан умр тилади. Ўрнидан туриб ҳовли айланди. Ўғилларига атаб курилган пешайвонли уйлар олдида бир-бир тўхтади. Невараларининг шовқинига қулок тутди. Чехраси ёришгаңдек бўлди. Кўйхонага кириб чирокни ёқди. Беш кун один туғилган

икки күзичокни күтариб эркалатди. Совлиқ безовтала-ниб пишириди. Чол уни ҳам силади. Уларга сув берди, ҳашак ташлади. Уйга кириб ечиниб ётди. Зум ўтмай, кўзи уйкуга кетди.

Тушига отаси кирипти. Ариқ бўйида туриб уни имлаб чакиравмиш. Орқасида турган онаси, келма, келма деб, ишора қиласмиш. Туш айланиб, боя отаси турган жойда Мутаваккил пайдо бўпти. У ҳам имлаб чакиравмиш. Ана ундан кейин Истамбой пайдо бўпти. Ота, сизни соғиндим, қачон келасиз, деб сўрармиш. Жуман бобо, яқинда бораман, демокчи бўлиб оғиз жуфтлармиш, аммо овози чиқмасмиш. Бир нима даранглаб, уйғотиб юборди. Очик қолган деразадан кирган муншук патнисни тушиб юборган экан.

Тонг ёришиб келарди. Сўфининг бомдод намозига чақириб, оллоҳу акбар, оллоҳу акбар, деган товуши эши-тилди.

Жуман бобо кўнгил хиралик билан тахорат олиб мас-жидга чиқиб кетди. Ҳеч ким билан гаплашмади. Намозни ўқиб оркасига кайтди. «Нима бўлди, отам чақирияпти, Мутаваккил ҳам, Истамбой ҳам чақирияпти. Ўлганлар куни битган кишини чақиради. Нима, куним битдими-кин?»

Нонуштада эр-хотин бир-бирига гапирмай, жимгина ширчой ичишарди.

Жуман бобо бўшаган косаларни олиб кетаётган Мўми-нага ўтири, Истамбой, гапим бор, деб қайта ўтқазди.

— Менга кара, хотин, бу дунёда ишим битганга ўхшайди. Тадоригингни кўриб кўйсанг бўлармиди. Ниманг бор, нимантай йўқ, караб кўй.

Мўмина момо эридан бирон марта бунақа гап эшитмаганди. Чол ўлимдан оғиз очмасди. Нима бўлди?

— Эсингизни еб кўйибсиз, Истамбой, нафасингизни иссик қилинг, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта омин, дейди.

Чол салмоқлаб гап бошлади:

— Э, хотин, ўлмайдиган одам борми? Худонинг инояти билан шунча йил яшадим. Гапимни бўлма! Яхши ёмон гапирган бўлсам, кўнглингдан чиқариб юбор. Тўққиз бача туғиб бердинг, минг раҳмат. Бир марта чертмадим. Оғзимдан ножӯя гап чиқмади. Нимайики орзу қилган бўлсам, ҳаммасига етдим. Бирорвни дилини оғритмадим, бирорвни маҳрамига кўз ташламадим. Худонинг даргохи-га пок имон билан бораман.

Кампир ўйланиб қолди. Нимадир демоқчи бўлиб, бир-икки марта оғиз жуфтлади. Айттолмади. Чол буни сезиб турарди.

— Қандоқ гап айтмоқчисан? Тортинма, айт. Гунохим бўлса, тавба қиласай...

Мўмина момо эрига узок қараб турди. Кейин журъатсизлик билан гап бошлади:

— Айт, дедингиз, айтай. Гунохингиз бор, Истамбой. Худо кечирмайдиган гунохингиз бор.

Чол қопиларини кериб унга қаради. Манглай ажинлари қават-қават бўлиб кетди. «Нахот худо кечирмайдиган гуноҳ қилган бўлсан. Бу кампир нима деб алжияпти». Шу ўтиришида чолнинг хаёли дунёни икки айланиб келди. Янааб ўтқазган тўқсон олти йилни бир-бир элакдан ўтказди. Олти ёшидан сурув кетида чанг ютиб, чўл кезди. Кирчиллаган қиши чилласида, офтоб олов пуркаган саратонда қўйлар билан бирга ётиб, бирга турди. Отарида туғиладиган қўзилар орасида ақлни лол колдиралигидан «Антиқа», «Сур», «Шероз» териларини бошка чўпонларга ўхшаб бекитмади. Совхозга топшириди.

Кампир умрида биринчи марта эрининг кўзига тик қаради:

— Сиз тўққиз бача қўриб... худодан тилаб-тилаб олган биттайи-битта қизингиз билан юз қўрмас бўлдингиз. Бу гуноҳ эмасми? Ҳасан-Хусан невараларингиз бу йил саккизга киради. Бирон марта бориб қўрдингизми? Бача бечорлар Шофирконда герой бобомиз бор, деб маҳтаниб юришармии.

Мўмина момо тўққиз йилдирки, эрини инсофга келтиролмасди. Ҳозир мавриди келиб ичидаги дардларини тўкиб солди:

— Қизингиз ғар бўлмапти, ўғри бўлмапти, Ҳамробойнинг духтарига ўхшаб ўқишидан корнини дўппайтириб келмапти...

Жуман бобо икки тиззасига шапиллатиб уриб, ўрнидан туриб кетди.

Бундан тўққиз йил мукаддам Жуман бобо тўшакка ётиб қолган тенгдош дўсти уста Мутаваккилни кўргани борди. Унинг икки оёғи шол бўлиб, кўчага чиқолмай қолганди. Киевда ўқийдиган ўғли почтадан аравача юборипти. У боргандада аравачада юришини машқ қилаётган экан. Жуман бобо аравачани тортиб гузарга олиб чиқди. Иккови чойни эрмак қилиб, ўтган-кетганлардан гаплашиб ўтиришиди. Тенгдош бўйинса дўстларини эслашди.

Биринн-кетин хаммаси кетиб бўлган. Бу «одам тўймас» дунёда тенгқурлардан икковигина шўппайиб қолишишти.

— Жуманбой жўрам, — деди Мутаваккил. — Сен билан, адашмасам, саксон етти йилдан бери жўрачилик қиласман. Орамизга бирон марта бўлсин совуқчилик тушмади. Гинахонлик қиладиган бирон гап айтишмадик. Бизку, кетамиз, аммо оркамизда қоладиган бачаларимиз бирбиридан узоклашиб кетишмасмикин? Шундоқ бўлмасин десанг, кел, қудачилик қилайлик. Қизинг Истатнисони келин қиласай. Үқлим Лукмонбай бу йил ўқишини тугатиб келади. Тўй қилайлик.

Мутаваккилининг ўғли эс-хушли йигит бўлганди. Куёвинг борми, десанг, бор дегулик.

— Э, дўстим ўнта қизим бўлса, ўнтасини ҳам қўлинингга топшираман. Истатнисо таътилга келсин, қўл-оёғини боғлаб остонангга ташлаб кетганим бўлсин.

Икки куда обдон эзилиб гаплашишди. Тўй режасини ҳам тузиб қўйишиди. Кечга томон Жуман бобо арава тортиб Мутаваккилини уйига элтиб қўйди.

Мутаваккил шу кўчага чиққанча қайтиб чикмади. Ётиб қолди. Дўхтирлар Бухоро шифохонасига олиб кетишиди. Икки оёғи корасон бўлган экан, кесмаса, айниган қон тананинг бошқа томонларига ҳам ўтиб кетиши мумкин экан, кесишиди. Тўрт кундан кейин олдига одам қўйишиди. Жуман бобо боргандга у кўкка бокиб қимирламай ётарди. Қўзини аранг очиб унга қаради. Нимадир демокчи бўлди, айттолмади. Лаби сал-пал қимирлагандек бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтиб уни тупроққа қўйишиди.

Мутаваккил у билан бирга узок йўл босган жўрала-рининг энг сўнгтиси эди. Энди бу ёруғ жаҳонда Жуман бобонинг бир ўзи қолди.

Бу орада кизи Истатнисо дўхтирлик ўқишини тугатиб, қайтиб келмади. Бирга ўқиган тошкентлик йигит билан дон олишиб копти. Ота-оналарини, ака-укаларини янгаларини тўйга айтиб телеграмма юборипти. Жуман бобо ҳеч кимни тўйга юбормади. Бундай қизим йўқ. Уни танимайман, деди. Мўмина момо йиғлади, ялиниб ёлворди, бўлмади.

Чол эса эрта сахардан чиқиб кетганича Жилвои чўлларида тентираб кунини кеч қиласади. Баъзан Вардонзе қалъасига бориб вайроналар устида кун ботишга қараб ўтиради. Чўёдек қизариб ботаётган қўёш унинг дардларини ҳам оловли баркашига солиб ботаётгандек бўларди.

Бухорои шарифга тенгдош бу қалъани Вардон худотлар давлати тиклаган. Бунда кимлар бўлмади, нималар бўлмади? У Кутайбани ҳам, элакчи Торобийни ҳам, жомакор сафидлар стакчиси Муқанинани ҳам, мўр-малаҳдек ёпирилган Чингизхон лашкарларини ҳам, тўп, замбараклар судраб келган шафқатсиз Фрунзени ҳам ва ниҳоят қишлоқма-қишлоқ юриб одам отган Куйбишевни ҳам кўрган.

Чол ҳар гал Вардонзега келганда шаштидан тушар, бу қалъа олдида инсон умри бир оний эканига икрор бўлар, тани совиб, фикри тиниклашиб уйига қайтарди.

Мутаваккилининг ташлаб кетганига, Истатнисонинг Тошкентда қолиб кетганига ҳам тўққиз йил бўлди. Дунёнинг тўхтатиб бўлмас ташвишларию янгидан янги жумбоқлари эскисининг устига кул тортади. Аста-секин хирадлашиб, хотира деб аталмиши гўшанинг бир пучмоғида кўмилиб кетади. Аммо Жуман бобо Мутаваккилни унуптолмасди. Ҳар жума намоздан кейин қабристонга бориб, гўри тепасида қуръон тиловат килар, ваъдасида туролмаган дўстингни кечир, деб пичирларди.

Бугун негадир ҳаммаёқ жимжит. Ҳар куни эрталаб отасига салом бериб ишга кетадиган ўғиллари кун пешиндан оғдики, кўринишмайди. Келинлар бурчак-бурчакда пичирлашибади. Мўмина бугун сигирни ҳам соғмаяпти. Маъраб, ховлини бошига кўтараман дейди. Товуклар доисиз колган. Нима бўлди? Тинчликми?

Кўча йўлагидан ҳассага таяниб учта оқсоқол кирди. Мўмина уларни ичкарига бошлади. Жуман бобо пойгакда тиз чўкиб, уларнинг оғзига тикилди. Чоллар гапни нимадан бошлапларини билмай, сен айт, сен айт, дегандек бир-бирларига қарашарди. Улар аввал об-хаводан, кейин бу йил кузнинг яхши келганидан, ҳукумат СЖКни таъкилаб, зап иш қилганидан гапиришиди.

Жуман бобонинг тоқати тоқ:

— Чайналмасдан гапираверинглар, нима бўлди? — деди ташвишили бир оҳангда.

Чоллардан бири унга эмас, жўмрагидан ховур чиқаётган чойнакка қараб гап бошлади:

— Сизга худо сабр-тоқат берсин. Қандоқ қиласиз. Дунёнинг ишлари шу экан. Бир келмоқнинг бир кетмоғи ҳам бор, дейдилар. Истатнисо омонатини тоширипти.

Жуман бобонинг боши эгилди, бели букилиб, букилиб, охири соколлари тиззасини кордек босди.

Бутун олам бирдан сукутда қолгаңдек, жим-жит. Шундай жимлик чўқдикни, бандидан узилган баргнинг ерга қўнгани ҳам эштилди. Жуман бобонинг баданидаги ҳар бир мўй оғир занжир бўлиб уни настга тортарди...

Бундан бир йил олдин Истатисо билан Раҳмонжонни ҳарбий комиссариат чакириб, дўхтирил, ўтишмаяпти, деб уларни Афғонистонга жўнатган эди. Бу гапдан факат Жуман бобонинг тўнгич ўғлигина хабардор эди.

Буни на онасига, на отасига билдирган. У ойда бир марта Тошкентга бориб, жиянларидан хабар олиб туарди.

Бугун эрталаб Тошкентга иккита тунука тобут келди. Бирида Истатисонинг, яна бирида Раҳмонжоннинг жасади бор эди. Жуман бобонинг икки ўғли шитоб билан Тошкентга жўнаб кетишиди. Қудалар маслаҳат билан икковига ёнма-ён гўр қазитмоқчи бўлиб туришган экан. Истатисонинг акалари бунга кўнишмади. Синглизмизни туфилган юритига дафи киламиз, дедилар. Маслаҳат билан Раҳмонжон Тошкентда, Истатисо Шофиркоңда дафи килинадиган бўлди. Бугун пешин нағозида Раҳмонжонга жаноза ўқилди. Дуои фотихадан кейин Истатисонинг тобути солинган автобус Бухоро томонга йўл олди...

... Чоллар юзларига фотиха тортиб, ўриниларидан туришди. Жуман бобо ҳарчанд уринса ҳам ўринидан туролмади. Икки киши қўлтиғидан олиб турғазиб қўйди.

Кўп яшаган, кўпни кўрган, баҳту баҳтсизликларни, тўё азаларни кўрган Жуман бобо шу топда ўзини эпломай мувозанатини йўқотган эди.

Ховли одамга тўлиб кетган. Куда-кудағайлар, қариндош-уруғлар, ҳамқишлоқлар кўча эшиги олдида жимгини ер чизиб ўтиришарди. Ичкаридан хотин-халажнинг айтиб йиғлаши эштилди. Оқсоқоллардан бири ховлига кириб, ҳой, тобут эшиқдан чикмай, йиғлаб бўлмайди, деб уларни тинчитиб чиқди. Барibir Мўмина белини бойлаб ховлининг у бошидан бу бошига юриб йиғларди.

Автобус кечаси ўп бирларда келди.

Аллақайдан пайдо бўлган военком тобутни очишга рухсат бермади.

— Тобути билан кўмилади. Ким очса жавобгарликка тортилади.

Рухсат бўлгандა ҳам очиб бўлмасди. Рухланган қалин туниукани фақат электр пайванд аппаратида кесиш мумкин эди.

— Вой, мусофириликда ўққа учган болам. Темир кафан кийган болам.

Мўминанинг бу фарёди одамларнинг юрак-бағрини ўртаб юборди. Ҳамма баравар ув тортди.

Истатнисонинг Ҳасан-Хусан ўғиллари ҳеч қачон келмаган ховлида, ҳеч қачон кўрмаган одамлар орасида ҳайрон қараб туардилар. Улар гўдак эди. Бир кунда ҳам отасидан, ҳам онасидан ажралганини, энди етим бўлиб қолганларини ҳали билмасдилар. Уларнинг болалик онгига эртами, кечми улар қайтиб келадигандек эди. Энди бир умр ота билан онани кўмсаబ яшашларини, шодлик ва аламли дамларда энг яқин ҳамдард кишилари бўлмаслигини идрок қилмасдилар.

Тобутни ичкари уйга олишиди. Мўмина тобутни қучоқлаб фарёд уради.

— Болагинам, тўққиз йил дийдорингдан бенасиб бўлганим етмасмиди. Чик, чик, бу темир кафандан. Жамалак соchlарингни бир силай. Жонсиз танангни бағримга босай.

Келинлар уни суяб ташқарига олиб чиқишиди. Уostonада бел боғлаб турган нораста икки неварасини бағрига босиб фарёд урди.

Жуман бобо айвон даҳанида кўксини хассага бериб кимиirlамай ўтиради. Унинг ўғиллари тобутни бузиб очамиз, деб болта кўтариб келишиди. Военком билан икки солдат йўлларини тўсиб, болтани олиб қўйди. Бу оқшом хонадонда ҳеч ким ухламади. Жуман бобо икки етим неварасини тўнига ўраб, кўзларини юмганча кимиirlамай ўтиради, ҳадеб ўзини ўзи қарғарди.

Йиги-сиги, дод-фарёд билан Шофирикон тонги ёришиди. Офтобнинг оловли кўли Вобксит миораси пеитокини шам килиб ёқди.

Кўча эшиги олдига қўйилган курсиларда кексалар ўтиришарди. Ёш-яланг қўл ковуштириб тик турипти. Кимдир ювилмаган, кафанаимаган мурдага жаноза лозимми, деб сўраб қолди. Масжид мутавалиси жавоб қилди:

— Муҳорабада қурбон бўлганлар шахид кетадилар. Уларнинг жасадлари хаво билан, офтоб билан ювилади. Буни таяммум дейдилар. Истатнисо тўппа-тўғри биҳиштга тушади. Ҳур-фулмонларга қўшилиб кетади.

Қабристондан қайтаётганлар орасида Жуман бобо кўришмасди. Ҳар кимнинг ўз гунохи ўзи билан. Балки Жуман бобо қизини кечирганда, кел, деб эшигини очганда бундай бўлмасмиди. Энди Мўминанинг бетига қандай қарайди? Ахир у нимага бундай бўлганини билади-ку! Ундан қаёққа қочиб кутулади?

У қалъа томон оғир юк орқалагандек буқчайиб борарди. Неча юз йиллар олдин қулақ кетган минг йиллик дараҳтларинг тошга айланган илдизларига тирмашиб харобалар тепасига чикди. Бу жойдан бутун воҳа кафта-да тургандек кўринарди.

Офтоб ўчяпти. Кўм-кўк осмонда сузиб юрган пахтадек юмшоқ булутлар ёнаётгандек ловулларди.

Жуман бобо икки қўлини баланд қўтариб, аллоҳга иона қилди:

— Э, худо, мунча қаҳринингга оласан? Нега мени ўлмайдиган дардга мубтало қилдинг?! Илон-чәйнлар чақса ҳам ўлмайдиган, бўрию шоқоллар даф қилмайдиган, ўтда ёнмас, сувда чўкмас қилиб яратдинг. Ўз боласини осто-надан қувган гуноҳкор бандангман. Даргоҳингга сифи-ниб келдим. Омонатингни ол! Дунёга тўймаган норастан-лар умрини нега менга юлиб берасан? Ахир мен ёшимни яшаб бўлдим. Яшайвериб зерикиб кетдим. Ўзингдан тилаб олган ёлғиз қизим у дунёга мендан дили оғриб кетди. Бунга қандок чидайман? Тонгла машҳарда унга қандок кўринаман? Энди кетай, бу ёруғ жаҳонда бошқа-ларга жой бўштатай.

Кўм-кўк осмон жим. Булутлар жим. Унинг илтижо-ларига на кўк, на ер жавоб қиларди.

Олисда ҳарир туман ортида салкам минг йил яшаган Вобкент минораси кўриниб туради. Гўё у:

— Юр, узок асрларга яна бирга кетайлик, — деб чорлаётганга ўхшарди.

Чол қалъадан хорғин қайтиб келаркан, атрофии корони-булиқ пардаси ўраб, нилдек осмонда бирин-кетин юлдузлар кўз оча бошлиган эди.

1992 йил, май

## ТОФ АФСОНАСИ

Машина хўп яхши нарса-ю, унинг ҳам ўзига яраша нағмалари бор-да! Машини олган одамларнинг хотинлари ҳазил аралаш, бу машина эмас, кундошим, дейишар экан. Сабаби, эр ишдан келибоқ овқатга ҳам қарамай, машинасининг тагига кириб кетганича ярим кечада мойга қориниб чиқар, азоилаб яна машинага униаб кетаркан.

Ваҳобжон райводхозда техник. Унинг ҳам ўзига яраша кўримсизгина «Москвич» и бор. Ўзи хайдайди. Эски машина минган одам яхши шоффёр хисобланади. Ҳадеб бузилавергандан кейин у ёнини ковлади, бу ёнини ковлади, хуллас, ичиди нимаси бўлса, барини билиб олади. Яхшиямки, Ваҳобжон хали уйланмаган. Уйланганида, албатта, хотини чидамасди, ё мени дейсан, ё машинани дейсан, деб туриб оларди. Рост-да, у бўш қолди дегунча машинани ковлади. Уни гуриллатавериб қўнишниларнинг жонига тегди. Қўши nilар, шу Ваҳобжон уйлана қолсади, ўзидан тинчиб кетармиди, дейишади. Аммо Ваҳобжоннинг ҳали-бери уйланадиган нияти йўққа ўхшайди. Ўзи мундок бирортасини топмайди, кариндошурӯрунлар топганини ёқтирамайди. Кампир ойиси полиб қолса, ҳазилга олади-да, яна машина тагига кириб кетади. Охири жонидан безор бўлган қўши nilар кампирга ялинишади:

— Ўғлингиз машинани кечаси гаражга обориб қўйсин. Ухлатмаётиби.

Райводхознинг гаражи йўқ, қаёқда қолдиради. Ундан ташкари, ўзингизга маълум, Ваҳобжонга кечалари ҳам у ёқни сув уриб кетди, бу ёққа сув керак, деб раислар телефон қилиб туришади. Шоффёр олайлик дейишса, қайси шоффёр бунақа шалоқ машинага — бунақа безовта ишга кўнади. Битта-яримта янглишиб келиб қолган шоффёлар ҳам икки кунга чидамай ташлаб қочишади. Хуллас, бу ишга Ваҳобжоннинг ўзидан бошқаси тўғри келмайди.

Мана шу Ваҳобжон баҳор тошқинида сув олиб кетиб, ҳалигача тузатилмаган канал тўғонини тузаттиришга бир хафтадан бери овора эди. Шу пайтгача раислар шоҳ бостириб, бу ёғига шағал тўқтириб эплаб келишаётган эди. Шу алпозда пахта сугориб бўладими, ким қанча сув олайтганини билиб бўлмаса! Раислар бай-байлаб водхоз масаласини бюрога қўйиб қолипди-ку. Ана водхоз бошлигининг типирчилаб қолишини кўринг. Икки кунда

цемент ҳам топилди, бульдозер ҳам, бетон плиталар ҳам топилди. Кечасиу кундузи иш. Колхозлар одам ҳам тошиб беришди. Доротдел йўлга «ўтилмасин!» деган белги қўйиб, машина ва автобусларни вактинча бошқа йўлдан катнайдиган қилиб қўйди.

Соч-соколи ўсиб кетган Вахобжон, прожектор ёнида турган монтёр болага бақиради, шағал тўкаётган самосвалга чироқни тўғрила, кабелни торт, сув тегмасин, деб кичкиради. Орқасига тисарилиб, шағалли машинага йўл кўрсатади. Иш қизигандан қизиб кетган. Ёз кечалари шунака ишлашлик бўлади. Айникса, бу томонларнинг оқшомига ҳеч нарса тенг келолмайди. Дарё шовуллайди, тоғ орқасидан осмонга сут пуркагандек бўлиб, аввал ой шуъласи кўринади, кейин ўзи салмоқлаб осмонга кўтарилади-да, тоғ чўққисига айри миниб, туриб қолади. Бирам чиройли, бирам ёқимли шамол эсади. Саратон дазмолдек киздирган тошларни шу шабада пулфлаб совутади. Ўт-ўланларни силкитади. Жўжаси хали учирма бўлмаган она ўрдакларнинг аллага ўҳшаш ғалати ғакиллашини узоқлардан олиб келади. Каналнинг бетўсиқ бетўлкин суви ойдинда худди поёни йўқ яхлит ойнадек ялтирайди. Кулоқ бошида сув очаётган миробларнинг товуши эшитилиб қолади. Айникса, биттаси эзиб-эзиб ашула айтади. Кечаси олисади келган қўшиқ ғалати бўларкан. Одамнинг томир-томирига кириб кетаман дейди. Бетончи бола ҳам қўшиқка ишқивоз экан, овози бирам дўриллаган. Қўшиқ сўзларини пойма-пой қилиб хониш қилиб қолади. Курувчилар атайин уни майна қилиб «яна бўлсин», «дўст» деб қўйишиди. Йигит ҳам уларнинг «илтимоси»ни ерда қолдирмай, ашулага ашулани улаб кетади:

*Тошга ёмғир кор қилурми,  
Муттасил ёқсан билан...*

- Дўст, бу Навоийданми?
- Йўғ-э, Машрабникидир.

Кийқириқ, кулги.

Шу зайлда қулги билан, қўшиқ билан иш давом этади. Вахобжон у ёқдан-бу ёққа зир югурниб, ишни жадаллатади. Каттакон бак олдида чой дамланган тунука чойнакни чўкка қўйиб ўтирган чолнинг ёнига тушиб кестаётган эди, узоқдан машина чирофини қўриб тўхтади. Машина «ўтилмасин!» белгиси қўйилган муюлишдан ўтиб, тўппа-тўғри келаверди. Вахобжон ижрокомдан бирор кеялётган бўлса керак, деб ўйлади. Тикилиб қараса, таига-

дек зангори чироғи бор. Нечук такси машинаси бу томонларга ўтди экан, деб йўлга чиқди-да, қўлини кўтариб уни тўхтатди.

— Мумкин эмас, белгини кўрмадингизми, қайтинг!

Шофёр кабинадан бош чиқариб, қўлини кўксига кўйиб, узр айтган бўлди.

— Кўктошга кетаётган бўлсанглар. Хонимобод томондан айланиб ўтасизлар.

Хонимободдан айланиб ўтиш учун ортиқча ўн тўқкиз километр йўл юриш керак. Хар қандай одамга ҳам таксида бориши жабр бўлади!

Шофёр кабинадан тушди. Икки қўлини белига кўйиб, у ёқ-бу ёққа қаради-да, ўтиб кетишининг сира иложи йўклигини билгандан кейин, ноилож орқа эшикни очиб, ичкарига қараб елкасини кисди.

— Иложи йўқ, опажон. Буёфи кўп колмади. Пиёда йигирма минутда етасиз. Хонимободдан борсангиз қимматга тушади. Майли десангиз, яна ўзингиз биласиз. Менга бари бир.

Машинадан чамадон кўтарган бир аёл тушди. Ваҳобжон қоронғида унинг юзини аник кўролмади. Аёл шофёр билан анча вактгача ниманидир гаплашиб туриб қолди. Кейин машина орқасига қайти. Аёл битта-битта босиб Ваҳобжоннинг олдига келди. Кўктошга кайси томондан боришини сўради. Тавба, овози таниш. Каерда эшитган бу товушни? Шу пайт шағал тўкиб бўлган самосвал кескин бурилган эди, унинг ўткир чироғида аёлнинг юзи бир дам ёришиб кетди.

Сочлари бошига чамбарак қилинган, лабларига билин-билинмас қизил суртилган, йигирма-йигирма икки ёшлардаги келишган қиз. Ваҳобжон уни таниди. Бу қизни у бир марта, атиги бир марта кўрган. У билан ёнмаён ўтириб чой ичган. Шу қизнинг ўзи унга чой куйиб берган. Аммо Ваҳобжон, тўғрисини айтганда, у куйиб берган чойни қийналиб ичган, негаки, бу қизнинг бир қўлида одамнинг калла суюги бор эди. Ваҳобжон ўтган йилнинг августида сиртқи институттга имтиҳон топширгани Тошкентга тушган эди. Консультация ўтказадиган ўқитувчининг тоби қочиб колиб, институтта келолмай колибди. Декан Ваҳобжонга ўқитувчининг уйига бориши маслаҳат берган эди. Борди. У Чилонзордаги катта кўча бетидаги уйнинг иккитчи қаватида яшаркан. Кириб гаплашди. Билмаганиларини сўраб олди. Ўқитувчи Ваҳобжонга имтиҳонга кирсангиз бўлади, деб маслаҳат бер-

ди. У хұрсанд бўлиб чиқса, машинасининг бир ғилдирағи шалпайиб ётибди, камеранинг золотигини бирор бураб олиб кўйибди. Асфальт йўлкада «босдимми» ўйнаётган қизчалар унга қараб туришарди. Уларниң бири яқин келиб шивирлади.

- Акбар миниарсангизни бураб олиб қўйди.
- Қанақа Акбар?
- Ҳу анати уйда туради. Ҳозир қочиб чиқиб кетди. Иnobat опамларниң укалари.

Ваҳобжонниң жуда жаҳли чиқиб кетди. Бу қандай гап! Запас ғилдирак бўлганда ҳам бошқа гап эди.

Ваҳобжон бояги киз кўрсатган уй эшигининг тугмасини босди. Жавоб бўлмади. Яна қўнғироқ тугмасини босган эди, аёл кишининг: «Хо Акбар, эшикни оч, бирор келди» деган товуши эспитилди. Ҳадеганда эшик очилавермади. Аничадан кейин шиппак товуши яқинлашиди-да, эшик қарсиллаб очилди. Ваҳобжонниң қарисисида одамнинг калла суюгини ушлаган қўхлик бир киз турарди. Ваҳобжонниң юраги орқасига тортиб кетди. Киз қопларини кериб, кимда ишингиз бор эди, дегандек хайрон бўлиб турибди.

- Акбарда ишнам бор эди. Чакириб берсангиз.
- Киз эрмак қиласётгандек орқасига қараб қичкирди:
- Ҳой, Акбар, ўртоғинг келдилар, бу ёққа чик!

Ичкаридан трусишан, олти ёшлилардаги бир бола бурнини тортиб чиқди. У Ваҳобжонни кўриши билан тўхтади. Кейин Ваҳобжонниң ўртоғи бирдан орқасига тирадақайлаб қочиб қолди. Киз нима гаплигига тушунга олмай хайрон. Ваҳобжон бўлган гапни айтиб берди. Киз хижолат бўлиб, ундан узр сўрадида, ҳозир ўша буюни олиб бераман, деб орқасига бурилди. Кейин тўхтаб, қўлидаги калла суюгини Ваҳобжонниң кўлига тутқазди.

- Ҳозир, ҳозир олиб бераман.

Акбар ваннахонани ичидан беркитиб олган экан. Киз ялиниди.

Охири Акбар эшикни очди. Ваҳобжон қараса, у ваннага сув тўлдириб, минг ямоқ бўлиб кетган автокамерага насос билан ел бераётган экан.

— Бу ўлгур чўмилишга керак-да. Сузинига ўрганаётганмин. Қани, бер, ким ўргатди сенга бирорниң нарсасини олишни?!

— Магазинда йўқ-да, бўлмаса олармидим, — деди Акбар бурнини тортиб.

Шундай деди-ю, ваннадаги илма-тешик камера оғзи-

дан золотникни чиказиб берди. Вахобжон кизга раҳмат айтиб, ташқарига чикди. Уст кийимини ечиб, машинаға домкрат қўйиб, фиддиракни кўтарди, уни чикариб олиб, бошқатдан ел бера бошлади. То у ишини битказгунча қора терга тушиб кетди. Анча кеч бўлиб қолган эди. Унинг қийналётганини балкондан кўриб турган киз:

— Кириб ювениб олинг, — деди.

Вахобжон бир сўз демай қайтиб кирди. Киз елкасида сочиқ, кўлида совун билан уни кутиб туради.

У юзига совун суртаётганида ҳам, оппок, крахмалланган сочиққа артинаётганида ҳам бир ўй калласидан кетмасди: «Қандай чиройли киз-а, аммо қўлидаги одамнинг калла суюги нимаси».

— Чой дамлаб қўйдим, ичиб ола колинг, қорнингиз ҳам очгаңдир.

Вахобжон узр айтса ҳам киз қўймади. Чой қуйиб узатди. Бола бечора ичишни ҳам, ичмасликни ҳам билмай хайрон эди. Ичдию яна бояги каллани эслади. Охири, у кизга раҳмат айтиб кетар экан, Акбарга золотник келтириб беришга ваъда қилди.

Ана шу воқеадан кейин Вахобжон қизни учратмади. Ўйига Акбарга ваъда қилган нарсани олиб боргаңда киз йўқ экан. Мана, орадан бир йил ўтди. У ўша қизни эслаганида нихоятда қўхлик бир қизнинг юзи, кўзи, келишган гавдаси кўз олдига келарди-да, зум ўтмай, бу гўзаллик ўринини тиржайган калла суюги эгаллаб оларди. Шунинг учун ҳам Вахобжон уни эсламасликка тиришарди.

Мана бугун дарё шовуллаган, шағаллар қалдираган тоғ оқшомида иккови яна бақамти келиб туришибди. Киз уни танимаган бўлса керак. Негаки, Вахобжоннинг сочсоқоли ўсиб кетган, кийимлари чанг, тупрок эди.

Уларнинг хар иккови бир-бирларига қараб анча туриб колишгандан кейин Вахобжон гап бошлади:

— Кўктошга кетяпман денг. У ерда кариндошларингиз борми?

— Йўқ, — деди киз. — Ишга шу ёққа тайин қилишди. Райздрав ихтиёрига...

Кизнинг овози бирам ёқимли, бирам жарангли. Вахобжон сесканиб кетди. Демак, бу киз районга доктор бўлиб келяпти. У докторликни битирган. Одамнинг калла суюгини бекорга кўтариб юрмаган экан у...

— Мени танияпсизми? — деди Вахобжон.

— Йўғ-а, — деди киз елкасини кисиб.

— Уйингизга боргандим. Ақбарнинг орқасидан ваннага киргандим...

Ваҳобжоннинг гапи оғзида қолди.

— А-а-а, ўша сизмидингиз, буни қаранг-а, танимапман. Уйимиизга яна бир келган экансиз. Йўқлигимни қаранг-а.

Бульдозерчи Ваҳобжонни чакириб қолди. У қизга: «Хозир келаман» деб чопганича кетди.

Алламахал бўлиб колган эди. Ваҳобжон прорабга топширикларни бериб, қизнинг олдига қайтди.

— Кани, меҳмон, кетдик. Кўктошга ўзим обориб қўяман.

Киз қаршилик қилмай, «Москвич» эшигини очди. Йўлга тушишди. Ой худди машина билан ёнма-ёп кетаётганга ўшайди. Соядек бўлиб кўринаётган тоғ тизмалари бирам ажойиб, бирам ажойиб.

Ваҳобжон руль бошқариб бораркан, ўй ўйларди:

«Кани эди шу қизга уйлансан, менга тегармикан? Тегмас, балки севгани бордир...»

Машина мотори бир-икки йўталиб ўчди. Ваҳобжон шошиб тушиб, копотни очди. Вентиляция тасмаси узилиб кетибди. Запаси йўқ. Энди нима бўлади? Шу ерда тунаб қолишдан бошка илож йўқ! Уларнинг иккови ҳам хафсалалари пир бўлиб, тошга ўтиришди.

— Қизик бўлди-ку! — деди Ваҳобжон хижолат чекиб. Қиз индамади. У азамат тоғ тизмаларига, қоя учига жига бўлиб қўниб турган балдоқдек ойга жимгина қараб ўтиради.

— Биласизми, мен ҳеч токқа чиқмаганман. Буни қаранг, кечаси, айникса, ойдинда жуда фалати бўларкан. Бирам яхшики.

Қизнинг товушидан совуқотганилиги шундокқина билиниб турарди. Ваҳобжон машинани очиб, олд суюнчини тушириб, кетидагисига ёндаштириб қўйди.

— Сиз кириб бир оз мизғиб олинг.

Қиз аввалига кўнмай турди. Кейин совуқдан титраб ичкарига кириб кетди. Ваҳобжон радиони секинлаб бураб қўйди. Қиз тўйга ўраниб олди.

Тоғ ўнгирида ёқимли куй оқар, кичкинагина, кўримсиз машина ичиде эса ҳусида ягона бир қиз ухларди.

Ваҳобжон унинг атрофида папирос чекиб айланиб юрипти.

Бу ҳолат гердайган тоғ этагида туғилаётган янги достон, янги афсонага ўхшарди.

Ким билади, балки Ваҳобжон афсонавор бу окшомда  
ўз баҳтини, мұхаббатини қўриклиётгандир.  
Зора шундай бўлса!

1969 йил.

## МЕНГА ЕТИБ КЕЛМАГАН ХАТ

Эллик тўртингчи йили Саидахондан бир хат олдим.  
Унда аввал ҳам хат юборганини айтган эди.

«Билмадим, бу юбораётганим хатми, хикоями ё бо-  
шимдан ўтган савдоларми? Ўқиган бўлсангиз, ўзингиз  
бирон нима деб номларсиз...»

Саидахон айтган ўша хат менга стиб келмаганди. «Бо-  
шимдан ўтган савдолар» деганидан хат етиб келмагани  
аён бўлди.

Қайтиб келдим. Саидахон билан дийдор кўришдик.  
Бир куни у ўша хатдан гап бошлади. Олмаганимни айтдим.

— Хатда анча гап бор эди. Нималар ёзганимни хозир  
айтиб беролмайман. Уйма-уй кўчиб юрганимдан хатнинг  
кораламаси ҳам йўқолиб кетган. Афсус, юрагимдаги бу-  
тун дард-ҳасратларимни қофозга тўкиб, кўнглимни бўша-  
тиб олган эдим...

Яқинда иш кабинетимни таъмир килиш учун китоб-  
ларни, асарларимиз босилган газета-журналларни, қўлёз-  
маларни айвонга олиб чиқдик. Шунда Саидахон кўпдан  
тополмай юрган, йўқолиб кетган деб гумон қилган хат-  
нинг коралама нусхаси чикиб қолди. Бундан кирк тўрт  
йил муқаддам ёзилган бу хат анча хиралашиб, қора қалам  
билан ёзилгани учун кўп жойлари ўчиб кетган эди. Мук  
тушиб ўқий бошладим.

«...Мен учун ҳамма йўллар бекилган. Радио, газета-  
журналлар, нашриётларга йўл йўқ. Ёзганларимни редак-  
циялар олмайди. Радиода биттагина «Кокилинг» деган  
қўшиғимни баъзан эшиittiриб туришарди. У ҳам тўхтади.  
Шу қўшиқнинг куйига Ўйғун бошқа шеър ёзиб берибди.  
Рўзғорнинг ҳам таги кўриниб қолган. Кайнона-келин  
бир-биrimизга қараб мунғайиб ўтирамиз. Бирор жойга  
иш сўраб борай десам, Ўйғун ҳамма ташкилотларга, ишга  
олманглар, деб хат юбориб қўйган. Нима қилишимни  
билмайман. Ўйлаб-ўйлаб 15 ёшга тўлганимда дадам совға  
қилган тилла соатимни сотиб, бир эски ёзув машинкасини  
олдим.

Нашриётдаги машинисткаларга кўчиритириш учун тез-тез кўлёзмалар олиб келиплади. Лекин, ўзларининг ишлари кўп бўлганидан гоҳида қайтариб беришарди. Энди келган кўлёзмаларни менга юборишяни. Сал ишларим юришгандек бўлди. Оз бўлса хам қўлим пул кўрди. Бир қисмига рўзгор қилиб, яна бир қисмига у-бу олиб, сизга посилка юбораман.

Ойим сахар пайти бомдод намозини ўқинига туради. Мени уйғотиб юбормаслик учун жойнамоз устида паст товушда Қуръон тиловат қиласди. Тиловатдан сўнг мени узоқ дуо қиласди. Ястиқдан бош кўтариб қулоқ соламан. «Э худойим, шу мусофиргинани ўзинг кўлла! Шу фарингтагинага тикилғанларнинг юзини тескари қил! Бола бечора келин бўлиб нима ҳаловат кўрди... Келин бўлиб яйраб-яшишамади. Борса келмасда банди зиндан бўлиб юрган боламнинг мушкулини осон қил! Каҳри қаттиқ Исталининг кўнглига инсоф согин! Келин бўлиб рўшинолик кўрмаган, ўйнаб-куладиган, яйраб-яшишайдиган пайтида азобларда ўртанган шу бегуноҳ келингинашнинг йўлларидан ёвларни олиб ташла! Рўшинолик кўрсинг шу болагинам...»

Ойимнинг майин, хаста овоз билан қилаётган илтижоларидан ўпкам тўлиб, кўзларимга ёш қалқиёди. Ойимни бағримга босиб, бакириб йиғлагим келади. Ўзимни босаман. Кўрпани бошимга тортиб, эзилиб-эзилиб йиғлайман. Кўзим тўла ёш билан ухлаб қоламан. Уйғонганимда дераздан тунгига офтоб стол устидаги биллур кўзада чақмокдек ял-ял ёнади. Унинг акси деворда нурли шакллар пайдо қиласди. Ойим кириб пепонамни силайди.

— Туриңг, болам, чой дамладим. Тамадди килиб олинг, — дейди.

Андижондаги ҳовлимиз эсимга келади. Бувим худди шуниقا маҳал ариқ бўйида пиёла ювади. Бармоғидаги узуги пиёлага теккандаги чиқ-чиқ этиб овоз чиқазарди. Кейин чой дамлаб, сочиққа ўраб кўяди. Бошимга келиб: «Тур, тура қол, Саида», деб бошимни силайди. Шу топда бувим хам чой дамлаб, сингилларимни уйғотяпти. Қандоқ беозор, беармон кунлар эди Андижондаги кунларим! Мени Тошкентга нима боғлаб турибди? Шу меҳрибон, шу покиза кампир билан тақдиримиз бирлашиб кетганиданми? Унга бехад меҳр қўйганимданми? Айрилик доғида ўртанган шу мусичадек беозор хотинини ташлаб кетини менга худди хиёнатдек бўлиб туйилишиданми? Шу мунглиф, кичкинагина жуссасида тоғдек юкин инграмай, фар-

ёд урмай күтариб юрган жаниати хотинни ташлаб кетиш мүмкүнми? Биз ойим билан иккимиз битта вужуд бўлиб кетганимиз, ахир! Отилган тошлар икковимизга баробар тегади. Овсиним ҳам, эгачиларим ҳам ойимни мендан қизғанишади. Бизни Фотима-Зухралар деб пичинг қилишади.

Чарчаб, дикқат бўлиб қолган пайтларимда ойим: «Юринг, овсинингизнига борамиз», деб қолади. Мехмон киладилар. Ошга уннайдилар. Шунда овсинимнинг бирон гапи ойимга тегиб кетади. Анжанча гапимими, «Р»ни айтольмаслигимими эрмак қилса, ойим дарров ўрнидан туриб, тугунини кўлга олади. «Туринг, Сандахон, кетдик!» дейди. Мени ҳеч кимга чўқиттириб, эрмак қилдириб қўймайди. Энг ширин таомни олдига қўйганда ҳам, «юринг, Сандахон, кетдик», дерди-да йўлга тушиб кетаверади.

— Ойи, бекор қилдингиз, овсиним хафа бўлиб қолди, — дейман йўл-йўлакай.

Хафа бўлса бўлар! Тилига эхтиёт бўлсин-да! Билиб қўйинг, сизни уларга талатиб қўймайман. Сиз Андижондек шахарни, онангизни, бир этак укаларингизни ташлаб, ёнимда ғамғузорлик киляпсиз. Ҳар сахар сизга худодан умр тилайман. Бу қунлар ҳам унут бўлар, болам ҳам келиб колар. Шунда икковимиз бир-биримизнинг пинжимизга суқилиб яшаганимизни эртакдек эслаб юрамиз.

Биз уйга стиб келганимизда овсинимнинг ўғли велосипедга суюниб, кутиб турган бўлади. Овсиним ошни сузиб, бир тогорачада бериб юборади.

— Катта ойи, бирпасдан кейин адам билан ойим келишади, — деб жиянингиз велосипедига миниб жўнаб кетади.

Ойим гиналарни унугиб, уй йифиширишга киришади.

— Сиз самоварга ўт ташланг! Пиёлаларни кул билан ювинг. Биласиз-ку, Зухурхон доғ бўлган пиёлада чой ичмайди, — дейдилар.

Зухурхон акани жуда яхши кўраман. Тўғри сўз, ҳалол, бирорни ялаб-юлқашни билмайди. Бор гапни тикка бетига айтади.

Билиб туриман, Зухурхон акам бизнинг аразлаб кетганимиздан ранжиган. Эр-хотин жиндек чўкишиб олишган. Бу ноҳушликни тарқатиш учун эр-хотин келишяпти.

Тахминим тўғри чиқди. Шайхонтохур бозорчасидан майда-чуйда харид килишибди. Ҳеч нарса бўлма-

гандек ойим уларни хандон-хушихон кутиб олди. Алла-паллагача гаплапиб, ўтириб кетишиди.

Кеч кириб, ўз хонамга кирдим. Сизнинг тўнингизни кийиб, машинка босинига ўтиридим. Азиза опа деган яхши бир машинистка бор эди. Ўзига олган кўлёзмаларнинг teng ярмини менга берарди. Ҳақ берилса, баробар бўлишиб олардик. Яқинда у Мухтор Авезовининг «Абай» романини кўчиришга олганди. Роман жуда катта ҳажмда бўлиб, Азиза опа: «Ҳаммасини ўзингиз босинг, қўлимда иш кўп», деган эди. Мен ичкари уйда чиқиллатиб машинка босаман. Бир томонига иш боғланган кўзойнагини тақиб, ойим Ҳувайдо фазалларини овоз чиқариб ўқиди. Баъзан ишимни тўхтатиб қулок соламан. Ойим шикаста овоз билан фазалларни жуда равон, майин ўқиди. Гоҳида олдига чиқиб, пинжига суқилиб эшитаман. Ойим Ҳувайдони негадир аёл киши деб ўйлади.

— Болам, биласизми, Ҳувайдо бу фазалларни худонинг жамолига ошиқ бўлиб битган, — дерди ойим.

Ўзингиз биласиз, уйда ойимнинг тўртта китоби бор. Бири Каломи Аллоҳ. Эсингиздами, уйимизни тишинг қилган терговчи Қуръонни олиб кетаётганда ойим йиғлаб-йиғлаб унинг қўлидан тортиб олганди. Фузулий, Машраб, Ҳувайдо фазаллари ойимнинг овунчоги.

Бир куни ишлагим келмай дангасалигим тутди. Ойимдан фазал эшитгим келди. У Фузулий фазалларини ўқиди. Бир жойда тўхтаб, байтии икки-уч марта қайтарди. Маззини чакқандан кейин менга тушунтира бошлади.

— Фузулий чиройли аёлларга бағищлаб кўп ошиқона фазаллар биткан. Манави байтии эшитинг:

«Махшар куни кўрам дерам ул сарви қоматин,  
Гар анда ҳам кўролмасман, кел, кўр қиёматин».

Биласизми, бу нима дегани? Ёрнинг жамолини қиёматда кўраман, агар қиёматда ҳам кўролмасам қиёматнинг ҳам қиёматини чиқазаман, дегани!

Ойим Машраб фазалларини кам ўқиди. Ўқиган тақдирда ҳам, албатта: «Э худо, ўзингга тавба!» деб кўяди.

— Нега тавба қиляпсиз? — деб сўрайман.

— Болам, шоҳ Машраб сал девонарок бўлган эканлар. Баъзан оғизларидан куфр сўзлар ҳам чиқиб кетади. Ҳатто Маккайи мукаррамани писанд килмаган пайтлари бўлган. Бир фазалларида: «Иброҳимдан қолган у эски дўконни на қилай», дейдилар. Ёки «Этагимнинг гардидан юз минг Хизр пайдо бўлур» дейдилар. Шунака байт-

ларни ўқисам, охиратим куймасин, иймоним сусаймасин деб, аллоҳга тавба киламан.

Ойим тасаввуф фалсафасини билмайди. Уччала китобдаги май тўғрисида ғазаллар бор бўлган сахифаларга хатчўп ташлаб қўйган. Шу сахифаларни менга ҳам ўқиб бермайди. Ўқинг, десам, қўйинг, болам, охиратимиз куймасин, дейдилар.

Бундан ташқари, ойим бу қама-қамаларни Сталин билмайди деб ўйлади. «Сталин билса, ҳамма маҳбусларни қўйиб юборарди», деб умид қилади. Сталин ўлганда ойим ниҳоятда хафа бўлди. Сквердаги ҳайкали атрофидан бир неча марта айланиб ўтди.

Сталин ўлди, Берия отилди. Аммо, бирон енгиллик бўлишидан дарақ йўқ. Жуда дикқат бўлиб кетдим. Усмон Юсупов Министрлар Советига раис бўлиб келди, ойимнинг номидан унга ариза ёздим. Ахволимизни тушунтиридим.

— Ойи, манави аризани Усмон Юсуповга олиб чиқиб берасиз. У киши ўғлингизни яхши танийди, — дедим.

— Вой болам, у кишини қайдан топаман?! Борсам, олдига киритишмайди. Ундан кўра, ўзингиз опчикиб берсангиз яхши бўлармиди, — деди ойим.

Жаҳлим чиқиб кетди. Қайнона-келин ўртасида гап кочди.

— Агар опчикиб бермасангиз, мен Андижонга кетаман! Ўғлингизни кутиш керак бўлса, Андижонда ҳам кутавераман! — деб шарт қўйдим.

Ойим мунғайиб қолди. Кўзларида ёш айланди. Унга таъсир қилиш учун янада қаттирок гапирдим. Ўша гапларимга ҳалигача пушаймон қиламан. Ўзимни ўзим кечирмайман. Хуллас, ойим рози бўлди. Эрталаб вақтли икковимиз «Кизил майдон»га бориб, дарахт тагида кимирламай ўтиридик. Соат тўққизларда Юсуповнинг машинаси узокдан кўринди.

Аризани ойимнинг қўлига бердим.

— Югуринг! Аnavи милиционер турган эшикка қараб югуринг! — дедим.

Ойим қўлида ариза билан ўқдек отилиб кетди. Юсупов машинасидан тушаётган пайт ойим аяча берида эди.

— Ҳой, болам! Ҳой, Юсупов болам! — деб қичқирди ойим.

Ичкарига кирмокчи бўлиб турган Юсупов орқасига ўгирилиб қаради. Бу кампир ким экан деб, бир-икки қадам ойим томон юрди.

— Келинг, ая. Келинг!

— Мен ёзувчи Сайд Ахмадининг онасиман. Шу қофозни сизга олиб келдим. Ҳамма гап шунда ёзилган. Адолат килинг, болам! Сиздан бошқа ҳеч кимдан умидим йўқ.

Юсупов қофозни олиб, бир нима деди. Ойим бошини тебратди.

— Қаерга борасиз? Ана, машина элтиб қўяди.

— Йўқ-йўқ!

Ойим шундай дедиую зудлик билан орқасига қайтди. Ойим кўздан йироклашгунча Юсупов орқасидан қараб турди.

Шу воқеадан ўп кунлар ўтиб, Навоий кўчасида Собир Абдуллани учратиб қолдим. Юсупов бир неча атокли ёзувчилар билан сухбат ўтказган экан. Шунда Юсупов Уйғунни тикка турғизиб қўйиб, қаттиқ-қаттиқ гапирибди.

— Ёшлиарни турмага тайёрлаганимизми?! Қаёққа қараб ўтирибсан?! Агар Сайд Ахмад душман бўлса, сен билан мен хам душманимиз! Чунки уни биз тарбиялаганимиз.

Уйғун жавоб беролмай, лавлагидек қизариб-бўзариб, жойига ўтириб қолибди.

Бу гапларни Собир Абдулла айтиб берди.

Билмадим, Усмон Юсупов аралашдими, хартугул, мени Бирлашган нашриётга корректор қилиб ишга олишди. Бу нашриётда асосан сиёсий адабиётлар босилади. Пленумларда ўқилган докладлар эрталабгача босмадан чикарилиб, тарқатилиши керак. Кечаси соат икки-учларгача ишда қолиб кетаман. Мухаррир ўринбосари Рихси Сахибоев, ЎзТАГ таржимони Яхё Йўлдошевлар билан қайтишм керак. Улар сизнинг уйингизда яшаётганимни билиб қолмасинлар деб, олдинроқ ниёда уйга жўнайман. Кўчалар хавфли. Ўрилар, йўлтўсарлар кўп. Тонготарга якин уйга яқинлашганимда катта кўчанинг бошида ойим кимирламай кутиб турган бўлади.

— Ҳа, ишингиз хам бор бўлсина!

У менинг соғ-омонлигимни билгач, пилдираганча олдимга тушиб кетади. Орқасидан ҳовлига кираман. Дастурхонга ўраб қўйилган илик овқатни олдимга қўяди. Мудраб-мудраб бир-икки қошиқ овқат ейману ечинмасдан кўрпача устида ухлаб қоламан.

Шу ухлаганимча соат ўиларда уйғонибман. Чой ичиб ўтирган эдик, кўча томондан машина товуши эшитилди. Бир оздан кейин эшигимиз тақиллади. Ойим бориб эшикни очган эди, битта ўрис хотин ичкарига кирди.

— Зуннунова Саида шу ерда яшайдими? — деб сўради у.

— Издес, издес, — деб жавоб берди ойим.

Мен ҳовлига тушдим.

— Зуннунова мен бўламан, — дедим.

— Москвага ариза юборган эдингизми?

— Ха, — деб жавоб бердим.

У ёқдан сизнинг ишингизни текниргани одам келди. Соат тўртда Марказий Комитетга боринг. Сиз билан гаплашишади.

У кетгандан кейин шонилиб кийиндиму наприётга чопдим. Наприёт директори Василий Фёдорович Архангельский бир ажойиб инсон эди. Унга мени юқорига чақиришаётганини айтдим.

— Хабарим бор, — деди у. — Кечкар унга мени билан гаплашиши, сен тўғрипгда билганларимни айтиб бердим. Бежиз келмаган. Яхшилик бўлишини сезиб турибман. Кўпам ҳаяжонланмасдан, ўзингни босиб гапиргии. Ортиқча гап аралаштирма...»

Кирк тўрт йил муқаддам ёзилган ушбу хатнинг охирги сахифаси йўқ эди. Партия комиссия вакили нима деди, билмадим. Шуни яхши биламанки, 1954 йилнинг ўрталарида Саидахондан ҳамма айблар олиб ташланди. Ёзувчилар уюшмасининг аъзолигига тикланди. Газета-журналларда асарлари бирин-кетин чоп этила бошлиди. Ўша йили «Гуллар водийси» номли шеърий тўплами ҳам босилиб чиқди.

Ойим қазо килганда Саидахон ҳамма маросимларини бир фарзандек адо этди. Ўзи ҳам то умрининг охирлари гача, ойим ундоқ эдилар, ойим бундоқ эдилар, деб эслаб юрди.

Кирк тўрт йил кўздан яширилган хат бугун кўлимда. Кичкинагина жуссасида шунча ғамларни филдек кўтара олган Саидахоннинг муニс чехраси кўз олдимга келди. Ичимдан аламли бир хўрсипик отилиб чиқди-ю бўғезимни кўйдирди.

Дунёнинг ишлари шунаقا экан-да, чидамай иложинг қанча, деб ўзимни ўзим овутаман.

## ФАРМОНБИБИ ҚАЛЬАСИГА ШТУРМ. БОЛЬШЕВИКЛАР ОЛОЛМАГАН ҚҮРГОН

Минг түккиз юз етмиш олтинчи йилинг май ойида Хамза театри олдида «Тез кунда «КЕЛИНЛАР ҚҰЗФОЛОНІ» күрсатилади», деган афиша пайдо бўлди. Бир ойга яқин туриб қолган афишанинг бўёклари ёмғирда ювилиб, офтобда оқариб кетганидан уни тез-тез янгилаб қўярдилар. Аммо томошанинг қачон кўрсатилишидан хамон дарак йўқ эди.

Ичкарида бўлаётган хангомалардан, «сен-мен»гача борган тортишувлардан, пъесани йўқка чиқариш, уни бадном килиш учун бўлаётган жанглардан бесабр томошабининг хабари йўқ эди.

Коммунист шоирлар ўзбек халки номидан: «Ким эдик тарихда биз, номи йўқ қашшоқ гадо», деб турган бир пайтда, мактаб болалари: «Ўрис тили оға тилим — она тилим», деб қўшиқ айтаётган бир пайтда, «Менинг дадам иккита, бири — Сталин, бири — ўзимнинг дадам!» деганда, дадасининг: «Ия, хотинии шерикчиликка олган эканмиз-ку!» деб тўнини елкасига ташлаб уйдан чиқиб кетгани ва қайтиб келмагани, хотинини улуғ Сталиндан рашк қилгани салбий баҳоланган бир пайтда манави тутуруксиз, боясиз, ҳатто заарали «Келиллар қўзғолони»-нинг пайдо бўлиши ёз чилласида ёқсан қордек, танқид ахлини гангитиб қўйган эди.

Сағъатшунослар, адабиётшунослар, режиссёrlар, Маданият вазирлиги вакиллари, мухбирлар Марказқўм ходими Мирзамухамедовнинг зуфуми билан эрталаб худди ишга бораётгандек тўппа-тўғри театрга келишарди. То мухокама бошлангунча Фармонбиби, унинг келиллари, ўғиллари тўғрисида, уларнинг қилиқларидан, айтган гапларидан мирикиб кулиб ўтиришарди. Мухокама бошланиши билан бирдан жиддий бўлиб колишар, лабларидағи кулгини яшира олмай, мажбуран қовоқ солиб олишарди.

Мухокамадаги сўзлар асосан Бердиали Имомов услубида бўлаётган эди. Университет домласи Имомов дурустгина ўйлаб кўрмаган, ҳали пишиб етилмаган, ланж гапларни ҳам катъият билан, ишонч билан ҳар жумлани силтаб-силтаб, зарб билан, худди болға билан михқокаётгандек қилиб айтарди.

Мухокама ахли эснаб, бу «доно» гапларни бош қимирлатиб эшитиб ўтиради.

Мухокаманинг яна бир қатнашчисини айтмасам бўлмас. Бу аёлни кўпчилик санъат ахли яхши биларди. Ў театрларда бўладиган мухокамалардан қолмас, албатта сўз олиб, бир пималар дерди. Неча марта мухокамага борган бўлсам, унинг биронта тайинли гап айтганини билмайман. У Имомов услубининг заифона нусхаси эди. У йигирманчи йилларнинг комсомол қизларига ўхшатиб соч кестирган, ўзига ниҳоятда бино қўйган аёл эди. Мухокама қатнашчилари унинг нима деяётганига тушунмасалар ҳам дазмолнинг уч тарафига ўхшаган гажагига маҳлиё бўлиб ўтирадилар. (У хонимнинг исм-шарифиши ошкор қилишин лозим кўрмадим). Ҳозир мухбирлик килиб анча дуруст ишлар қиласпти. Услубига ҳам, нуткига ҳам бинойидек маъно, раиг кириб қолган.

Орқароқда жимгина ўтириб, бўлаётган гапларнинг мағзини чакиб, ўзимча бир холосага келгандек эдим. Пьеса ҳаммага ёқкан. Бироқ Мирзамухамедов, Фрунзе Жўрасев, Морозов ҳамда Санъатшунослик институтининг ходими Александр Рибникларнинг хохини билан уни ёмонлашга мажбур эдилар. Ёмонлап учун эса тайинли бир гап тополмасдилар. Мен ҳамон индамай ўтирибман. Домла Иззат Султон: «Сиз гапирманг, пьеса ўзини ўзи химоя кила олади», деб тайинлаган эди.

Асарнинг финал қисми ўзимизга ҳам маъкул бўлмаётган эди. Ўйлаб-ўйлаб бирон йўлини тополмай уни комиссияга кўрсатган эдик. Улар худди ана шу «нозик» жойдан ушлаб қолишиди. Асарни «топибўрон» қилишга ҳаклари бор эди. Режиссер Баҳодир Йўлдошев улардан шу сахна мухокамасини эртага давом эттиришларини илтимос килди. Комиссия аъзолари эртага ҳам иш топилганидан кувониб рози бўлишиди.

Баҳодир артистларнинг эртага барвақт келишларини тайинлаб уйга жавоб бериб юборди.

Эрталаб комиссия аъзолари учинчи парда мутлако бошқача бўлиб қолганини кўриб ҳайрон қолиниди.

Финал ниҳоятда кулгили чиккан эди. Баҳодир асарга биронта сўз кўшмай, биронта янги одам кўшмай, ниҳоятда кулгили бир йўл қўллаган эди. Комиссия аъзоларининг кулавериб ичаклари узилгудек бўлди. Лекин барабири комиссия деган номи бор, бирон нима демаса бўлмайди. Асарнинг у ер, бу еридан чўқиляб кўришди, асар бачканга бўпти, эркак кишининг хотин ролида чиқипни ўттизинчи йилларда қолиб кетган, дейишди.

Учинчи пардан энди ўзгартирмаслик керак, жуда

яхши чикибди деган одамлар кўпчилик эди. Кўпчилик-нинг гапи гап-да, шу холда кўрсатилсин деганларниң гапи ўтди.

Бугунги мухокамани яна Мишанинг ўзи бошлаб берди. Мирзумухамедов ўзбекчага нўнок, ўрисчага чечан эди. Ўз она тилидан ўрисчани афзал билган бу одамии ҳамма Миша деб атарди. Миша ниманидир эслаб кулиб юборай дер, аммо ўзини аранг тутиб турарди. Менимча, кеча уйида оила аъзоларига Фармонбиби ва унинг келинларини гапириб берганга ўхшарди. Аммо у хизмат тақозоси билан айтиши керак бўлган жуда «жиддий», жуда «муҳим» тайёр гаига чоғланиб турарди.

— Авторга битта савол, — деди у ковоғини солиб. — Пъесани ёзишдап мақсадингиз нима? Мен тушунмадим.

— Уни тушунадиган одамлар учун ёзганман, сизнинг тушунмаслигингиз табиий бир хол, — деб ачитиб жавоб бердим.

Мишанинг тарафдорлари, биз ҳам тушунмадик, дейишиди. Мухокама катнашчиларининг ярми: «Биз тушундик-ку, нимасига тушунмадинглар?!» дейишиди.

Хозирги ахволни кўриб бир латифа ёдимга тушди.

Афанди бир йигинда араванинг тепасига чиқиб: «Халойик, нима демоқчилигимни биласизларми?» дебди.

Одамлар: «Йўқ, билмаймиз», дейишибди. Афанди эса: «Билмайдиганларга айтадиган гапим йўқ», деб пастга тушибди.

Эртасига яна аравага чиқиб: «Нима демоқчилигимни биласизларми?» деб сўрабди. Одамлар: «Биламиз, биламиз!» деб кичкиришибди. Шунда афанди: «Билсанглар бўйти-да, гапириб нима қиласман?» деб яна настга тушибди. Учинчи куни афанди халойикка: «Нима демоқчилигимни биласизларми?» деб мурожаат қилибди. Одамлар ўзаро маслаҳатлашиб: «Афандим, ярмимиз биламиз, ярмимиз билмаймиз», дейишибди. Шунда афанди: «Билганлар билмаганларга тушунтириб кўйсин!» деб эшагини миниб кетаверибди.

Биргина адабиётшунос олим Ҳафиз Абдусаматов, асар томошабинга маъқул бўлади, уни тўхтатиб ўтирмаслик керак, деб айтди.

«Тушумаган» Мишанинг тарафдорлари яна Имомов методини ишга солиб, бири олиб-бири қўйиб, гапга тушиб кетишибди.

Театр директори Олим Хўжаев ўрнидан турди.

— Биродарлар, бу қанақаси, салкам бир ойдан бери

тортишасизлар?! Нима деяётганингни ўзларинг ҳам билмайсизлар! Бўладиган бўлса, «бўлади» денглар, бўлмаса асарни йигиштириб қўйлиқ. Театрининг ўз молия плани бор. «Антигона» асарини саҳналаштириши учун Гуржистондан машхур Аликсидзе деган режиссёрни чакирганимиз. Унинг театрда ўтган ҳар бир кунига фалон пулдан ҳақ тўлаймиз. Бунақада артистлар ойликсиз колади-ку! Бир қарорга келинглар-да, ахир! — деди иолиб.

Хуллас, афанди айтганидек, тушунганилар тушунмаганларга тушунтирадиган бўлди. Эртага: «Охирги кўрик, охирги муҳокама бўлади», деб эълон қилишиди.

Эртасига яна театрга бордим. Ўтирганиларга халақит бермаслик учун энгасиб қоронғи залда тимирскиланиб жой топиб ўтиредим. Парда очилди. Фармонбиби қўлига Сотти сув қуяётганда нимадандир шубҳаланиб обдастани туртиб юборди. Саҳна олдига келиб, кафтини қўзига соябон қилиб залдан кимнидир қидираётганга ўхшади. Саҳна четида турган электр устасига: «Залниг чироғини ёқ!» деб буюрди. Зал ёришиди. Ҳайхотдек залда Миппа билан Фрунзедан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Фармонбиби рўмоли билан юзидағи гримларни арта бошлади.

— Шу иккита турки совукқа комедия кўрсатамани?! Томошибин йўқ залда комедия ўйнаб бўладими?! Қани, болалар, томоша тамом! Уйларингга кетаверинглар! — деди ю зи ҳам саҳнадан чиқиб кетди...

Олим Хўжаев Марказкўмга чиқиб, Катталарга ахволни тушунтирганига ўхнайди. «Келиллар қўзғолони» томошибинга кўрсатилсин, деган рухсат келди.

Директор кабинетини яна комиссия босди. Одатда, уч кун премьера бўлар, олдинги уч қатор жой меҳмонларга атаб қўйиларди. Бугун комиссия аъзолари аммахоласию, қайнонасию, келинойиларига текин билет олини учун келинглан эди.

Биринчи спектаклда унчалик одам кўп бўлмади. Афиша кечқурун, фира-шира коронғи пайтида чиқарилган, кўп томошибин бундан хабарсиз қолган эди. Залда асосан комиссия аъзоларининг қариндошлиари, вазирлик ходимлари, бошқа театрларининг артистлари, режиссёrlари, редакция ходимлари ўтиришарди.

Мен биринчи қаторининг чап томонида Сора Эшонтўраева билан ёнма-ён ўтириб қолибман. У бутуни вужуди билан саҳнага сингиб кетган, ҳадеб: «Вой, Зайнаб ўлмагур, яшиаб кетди-ку! Бирнасда саҳнани ўзиники қилиб

олди-я! Бу саҳна эмас, Зайнабнинг ҳовлиси! Вой, Зайнаб ўлмагур-эй!.. Шунча йил бирга ишлаб Тўйчивоининг шунақа маҳоратли артист эканини билмаган эканман. Боплаяпти! Ёзилиб, яйраб, мирикиб ўйнайпти!» деб гапириб ўтиради.

Сора опа ижрочиларни олкишлаб ҳаммадан кўп чапак чалар, кулар, баъзан кийқириб юборарди.

Комиссия аъзолари қотиб-қотиб кулишар, менга кўзлари тушганда дарров ковокларини уйиб сўмрайиб олишар, мендан яшириб яна кулишарди.

Кечаги томошанинг овозаси эрталабгача Тошкентга тарқаб бўпти. Пьеса хақида хилма-хил гап юрарди. Бирор: «Кекса онахонларимизни масхара қилиб кўрсатган эмиш» деса, бошқаси: «Аксинча, доно ўзбек онасини улуғлаган!» дерди.

То тушгача уч кунилик билет сотиб бўлниди. Факат театр маъмурияти «нозик» одамлар учун ҳар томошага юздадан билет олиб қолган. Маъмур Абдуллажон худди асаларининг подшосига ўхшарди, қаёқка юрса юзлаб одам асаларидек унга ёпириларди. Театр яқинига бориб бўлмайди. Залга вақтлироқ одам қўймаса, тўполон бўладиганга ўхшаб қолди. Нихоят, эшик очилди. Одамлар бир ёпирилганда металл ромли ойнаванд эшик ошикмошиғидан узилиб мармар полга тушдию чил-парчин бўлди. Одамлар ойна синикларини босиб ичкарига киришарди. Билети бор ҳам, билети йўқ ҳам ичкарига кириб кетди. Хонимларнинг кийимлари ғижим, хафсала билан килинган пардозлари чаплашиб, прическалари тўзғиб кетган.

Ташқарида яна икки-уч томошага етадиган одам тўплашиб қолган эди.

Залда одам кўп. Ерга ўтириб олганлар қанча, тик туриб қолганлар қанча. Фала-ғовур, ким нима деяётганини англаб бўлмайди. Агар томошা пайтида ҳам шундай бўлса, билмадим, нима бўлади?!

Залда чирок ўчирилиб, пардага нур туширилди. Ҳали ҳам жой талашаётгандарнинг асабий товушлари тинмасди. Саҳна олдига Ҳалқ артисти Зикр Мұхаммаджонов чиқиб, икки қўлини баробар кўтарди. Бунака тўполонда томошা кўрсатмаймиз, демасмикин деб, ҳамма бирдан жимиб қолди. У залда тинчлик сақлашни илтимос қилиб, ролларни ижро этувчи артистларнинг номларини айта бошлади. У Фармонбиби ролида Ўзбекистон ҳалқ артисти Зайнаб Садриева деганда зал момокалдиroxдек бир

гумбирлаб олди. Фани Аъзамов номини айтганда кийкирик, хуштакбозлик бўлиб кетди.

Шарда очилди. Фармонбиби кўлини орқасига килиб саҳнанинг у бошидан-бу бошига ўта бошлади. Соттини ўйнаётган Тўти Юсупова (бу ролни кеча Эркли Маликбоева ўйнаган эди) спорт кийимида, кўлида хала-хўп ҳалқаси билан кенжা келин, Фармонбибининг тили билан айтганда, қип-яланғоч Нигора — Дилбар Икромова сахнага чиқди.

Уларнинг ҳар бирига алохида-алохида олқишилар янграпар, қарсаклар тўхтамасди.

Зайнаб Садрисванинг бир неча ойдан бери репитиция килиб чеккан азоблари, айниқса кейинги бир ой ичида комиссия берган озорлари ункутилди. У бутун вужуди билан, жон-жаҳди билан берилиб ўйнарди. Ташкаридан караганда у роль ўйнамаётганга, ўз уйида, келинлари даврасида бемалол юрганга ўхшарди. Аслини олганда, у бирон ҳаракатни меъёридан оширмаслиги, юз ифодалари сунъий бўлиб қолмаслиги, овозида асабийлик сезилмаслиги учун бутун вужудини иродасига бўйсундирриб ҳаракат қиласди. Аммо томошабинга буни сездирмасди.

Бугун ҳам ёнимда ўтирган Сора Эшонтўраева тинмай қарсак чалар: «Вой, Зайнаб ўлмагур-эй!» деб қийқиради.

Шу пайт ёнимдан пояндозии пайпаслаб бир кампир жавраб ўтди: «Вой, томошанг ҳам бор бўлсин-а! Кулаверриб жағларим оғриб кетди-ку! Ковушим ўлгур қаёқда қолдийкин?..»

Томошанинг қандай тугаганини, қандай қийқириклар, қандай олқишилар бўлганини айтиб ўтирамайман. Ҳаммангизга тушунарли қилиб битта гап айтаман, холос. Ўша оқшом Тошкентининг гулбозори Ҳамза театрининг саҳнасига кўчиб келгандек бўлди.

Эртасига театрнинг яна бир металл ромли эшиги қарсиллаб қулади. Ойналари чил-чил бўлди.

Билетлар чайқовчи болаларнинг кўлига ўтганидан кўчада очикласига билет савдоси бўлаётган эди.

Театрнинг артистлар кирадиган томонидан Яшин ака Ҳалимахоним билан Мукаррамахонимни олиб кирди. Мукаррамахоним мени кўриб Яшин акага нимадир деди. Биламан, унинг нима деганини. Бир меҳмондорчилликда мени аскияга тортиб, енгмоқчи бўлганди. Ўшанда ~~уни~~ бир гап билан оғиз очирмай қўйгандим. Ўшандай бери

мени ёмон кўрар, тўйдами, йиғинлардами кўриб қолса, «Анави турки совук ёзувчи бу ерда нима қилиб юрибди?!» деб менга эшиттириб баралла айтарди.

Бу ажойиб санъаткор, ўзбек раксининг беназир устаси ниҳоятда завкли, латифаларга уста, ўтирган даврасини гурра-гурра кулдирадиган қувнок аёл эди. Шу топда у пьесани мен ёзганимни билмаса керак. Ўқтин-ўқтин менга караб ғижиниб қўярди. Кулаётган одамларнинг овози орасида унинг қарсилаб кулиши баралла эшитилиб туради. Биринчи танаффус бўлиб чирок ёнганди Яшин ака келиб мени табриклади. Шунда Мукаррамахоним: «Ия, буни сиз ёзганмисиз?!» деди. «Биласизми, сизни жинимдан хам ёмон кўрардим. Шу пьесангиз учун гунохингиздан ўтдим. Қўлни беринг, энди ярапдик. Илтимос, хотин киши билан асқия айтишганда ракибингиз аёл киши эканини эсингидан чиқарманг! Табриклайман сизни».

— Гап келганда онангни хам аяма, деган экан бир доно, — дедим қулиб.

Бир неча йиллардан бери урушиғли бўлиб юргани хоним билан «Келинлар қўзғолони» баҳонасида ярашиб олдик.

Тўртинчи кунги томоша қолдирилди. Эшик деразалири синган, ичкарида бирон фалокат юз берса, кўнгилсизлик бўлини мумкин деб, ўт ўчириш командаси залга одам қўйиш мумкин эмас, деб туриб олди. Икки кунилик билет одамлар қўлида қолди.

Томошабин ҳамон театр томон оқиб қеларди. Кўлида билет билан қолганлар тўполон қилиб маъмурни хам, директорни ҳам жонидан безор қилиб юборишиди. Театр олдига: «Бўлғуси спектакль алоҳида эълон килинади. Билетларни сақланг», деган эълон чиқарилди.

Жанжаллардан безор бўлган театр колективи бир кечадаёқ Хоразмга «қочиб» кетди. У ерда бир ой гастролда юргандан кейин таътилга чиқади.

Театр таътилдан қайтди. Биринчи сентябрда янги мавсумни бошлани керак. Томошабиндан икки спектакль қарз бўлиб қолган театр янги мавсумни «Келинлар қўзғолони» билан бошламоқчи бўлди. Лекин театр бу ниятига етолмади. «Мавсум Ленини бор асар билан бошлансин!» деган буйруқ келди. Ўна пайт раҳбарлари одатда, театрга келмасди. Факат Ленини бор спектаклгагина келарди.

Сотиб олган билетини икки ой сақлаган томошабинлар яна қайтиб кетиниди.

Мавсумнинг очилиши учалик тантана бўлмади. Идоралардан, корхоналардан, маҳаллалардан ташкил қилинган томошибинлар асарнинг охиригача ўтирмай ташлаб чиқиб кетишиди.

Хуллас, мавсумнинг очилиши муздеккиниа бўлиб ўтди.

Сентябрь ойи деярли «Келинлар қўзғолони» билан ўтди десам хато бўлмас. Кунига икки мартадан, ҳатто уч мартадан кўрсатилган кунлар бўлди. Ўша кезлар артистлар гринмларини артмасдилар, ролдаги кийимларини хам ечмасдилар. Шундай купларининг бирида театр эшигининг олдида «Тез ёрдам» машинасини кўриб ҳайрон бўлдим. Билсам, Зайнаб Садриева касал бўлиб қолибди. Ҳамшира унга укол килиб чиқиб кетгандан кейин олдига кирдим.

— Чарчабман. Уколдан кейин анча ўзимга келдим.

— Ўзингизга битта партнёр тайёрлассангиз бўларди.

Мана шунаقا пайтларда ўйнаб, юкингизни енгил қиласди, — дедим. Зайнаб опа кулди.

— Мен ўлганимдан кейин Фармонбибини бошқа одам ўйнайди, билдингизми? Умримнинг охиригача шу ролни ўзим ўйнайман.

Кўчада минг хил гап. Биров: «Хукумат иега кампирларни масхара қиласидан театрга рухсат бериб қўйибди?» деса, бошқаси: «Ҳамза театрининг қуни майнавозчиликка қолган, уни циркка қўшиб юборса хам бўлар экан» дерди.

Тошкентда канча келин зоти бўлса, ҳаммаси қайнонасини бошлаб келарди.

Қайноналар: «Нимаси ёмон, ҳаммаси тўғри! Оила бир кўлда бўлса, нимаси ёмон?!» дейишарди. Келинлар эса: «Менинг хам шунаقا қайнонам бўлса, жон-жон дердим! Ишдан келсан овқатим тайёр бўлса, болаларимдан кўнглим тўқ бўлса, ҳатто шиппагимни хам яматиб қўйса, бозорга бормасам. Пайпоқдан тортиб ич кўйлаккача ўзи опкелиб берса! Бунака қайнонани қаёқдан топасан?!» деб Фармонбибини мактарди.

Орадан бир йил ўтмай пъесани Ўрта Осиё республикаларининг ҳамма академик театрлари саҳнага қўйди. Шу баҳонада Олмайтага, Ашхободга, Душанбега, Хўжандга бориб асарни кўрдим. Ҳалк артистлари Собира Мойконова, Сона Муродова, Мушаррафа Косимова, Сайрам Исаевалар Фармонбиби ролини меъёрига етказиб ўйнаган эдилар.

Тошкентдаги Рус академик театри пьесани тайёрлаб, комиссияга топшираман деб турганда Миша яна иши кўрсатмокчи бўлди. Унинг килаётган тинимсиз харакатларидан шубҳаланган Марказқўмниг идеология секретари О. У. Салимов ўзи театрга келиб, томошабинлар билан бирга қўришини айтди.

Миша билан Фрунзе Жўраев залнинг коронғи бурчагида Салимовга кўринмай ўтиришарди. Аммо Александр Рибник қанчалик лаин, қанчалик юзиз одам эканини ўзи намойиш килаётганига гувоҳ бўлдим.

У Салимовга пьеса ниҳоятда яхши эканини, уни шу кунгача химоя килиб келаётганини гапираёттанды лукма ташладим.

— Пьесани бадном қилиш учун курашганларнинг энг фаоли сиз эдингиз-ку!

У бундай гапни кутмаган экан, ранги ўзгарди.

— Буни сизга қайси аҳмок айтди? — деди асабий бир ҳолда.

— Айтган одам аҳмок эмас, жуда ақлли, пок одам. У факат сизнинг гапингизни айтиб берди, холос. У ёғини ўзингиз билаверасиз, ким аҳмогу ким ақлли!

Киличи синиб, қалқони тешилган Миша билан Фрунзенинг залдан қачон чиқиб кетганини ҳеч ким билмай қолди.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси Мухтор Авезов номидаги Қозогистон Давлат академик театри Темиртов шахрида «Келинлар қўзғолони»ни кўрсатаётган бир пайтда залда томонча кўриб ўтирган бир ҳомиладор қозоқ келинчак куламан деб туғиб қўйганини, Фармонбibi чақалоқни йўргаклаб саҳнага олиб чиққанини ва унга менинг отимни қўйганини хабар килган эди.

Бу хабар пьесани йўқ қилмасам отимни бошқа қўяман деган Мишанинг қорнига козик қоққандек бўлди.

Бу йилги баҳор театр учун ҳам, мен учун ҳам ниҳоятда оғир келди. Ажойиб артист, маданиятимизнинг беназир арбоби Олим Хўжаев оламдан ўтди. У бир неча ойлардан бери тайёрлаётган Антигона ролини бир марта ҳам ижро этолмай армонда кўз юмди.

Тинимсиз курашлардан, камситишлардан чарчаган Саидаон ҳам бу азобли дунёни ташлаб кетди.

Уни кеча кечқурун касалхонага бориб кўргандим.

— Ҳали ҳам олишиб ётибсизларми? — деди ўзига хос паст овозда.

— Курашлар тўхтади. Биз енгдик, шекилли.

Саидахон «Келинлар қўзғолони»ни бир марта бориб кўрган, томошадан жуда хурсанд бўлиб қайтганди. Эртасига тоби қочиб ётиб қолди.

Faфур Fулом номидаги нашриёт унинг уч томлик «Танланган асарлар»ини чиқараётган эди. Охири жилди босмадан чиқкан экан, нашриётга бориб ҳали бўёғи қуrimаган учинчи жилдни уни хурсанд қилиш учун олиб боргандим. Вараклаб кўриб, хато кетмадимикан, деб шивирлади. Кечаси синичиклаб ўқиб чиқаман, деб олиб қолди.

Кечаси соат учдан ошгаңда унинг жон берганини телефонда хабар қилишди.

У курашларда енгилмаган аёл эди. Факат интиҳосиз курашлардан толиқкан эди. Бу бемаъни курашлар жонига теккан, тинкасини қуриптган эди. У хиёнаткор дўстларидан норизо бўлиб, хатто партия аъзоси бўлганидан пушаймонлар қилиб оламдан кетди.

Унинг тобутини дўстларим, шогирдларим, Ҳамза театрининг артистлари елкада кўтаришди. То ҳамма мъракалари ўтгунча ҳамдард бўлиб ёнимда туришди. Зайнаб Садриева эса унинг «йигирмаси» ўтгунча ҳар куни уйимизга келиб турди.

Театрнинг Москва гастроли жуда тантанавор ўтди. Ўз футболчиларига мадад бўлиш учун футбол ишқибозлари севган командалари қайси шаҳарга борса, ҳаммадан олдин стиб борганидек, «Келинлар қўзғолони»нинг юзга якин ишқибози Москвага борган, уларга пойтахтда ўқийдиган ўзбекистонлик студентлар қўшилишиб, Малый театр олдига эрталабдан келиб олишар эди.

Иттифоқ Маданият вазири Демичев: «Зал ўзбеклардан бўшамай қолди. «Келинлар қўзғолони» москваликлар учун қўшимча яна бир марта кўрсатилсан! Факат билетлар заводларда, муассасаларда сотилсан!» деб буйруқ берди.

Бутун дунёда қайта-қайта намойиш қилинган машҳур «Чапаев» фильмида бош ролни ижро этган таникли артист Борис Бабочкин Малый театр олдида бир неча кундан бери тўпланаётган ўзбекларни кўриб, русларнинг «головокружение от успехов» («ютуклардан эсанкираш – бош айланиш») иборасини сал-пал ўзгартириб: «Сегодня у меня головокружение от узбеков!» («Бугун ўзбеклардан бошим айланиб кетяпти»), деган эди ҳазил аралаш.

Гастрол охирида Иттифоқ Маданият вазирлиги Москва санъатшунос олимлари иштирокида муҳокама маж-

лисими ўтказди. «Инкилоб тонги» асари мухокамада яхши баҳо олмади. Асар шовқин-сурондан иборат бўлиб қолганини, Ленин драмага ноўрии киритилганини, унинг сюжетта сира алоқаси йўқлигини айтишиди. Шу саҳнани олиб ташлаш кераклигини ҳамма бир оғиздан маъқуллади. «Киёмат қарз» асарида Шукур Бурхон асосий ролни маҳорат билан ўйнаган бўлишига қарамай, асар сунъий воқеа асосига қурилгани сабабли Москва томошабинларини ўзига жалб қилмади ва ишонтира олмади, деб баҳолашди. «Антигона» спектакли ҳам дуруст баҳо ололмади. Бош роль ижрочиси Олим Хўжаев вафотидан кейин бошқа артистни шошилинч тайёрлаганлари бунга сабаб бўлди. Ижро хали маромига етмаганилиги таъкидланди. «Келинлар қўзғолони» асари томошабинларга маъқул бўлганини, театр бу асар билан яна бир пофона кўтарилигини таъкидлашди.

«Антигона» билан «Келинлар қўзғолони»ни Тбилисига обориб, грузин томошабинларига кўрсатаман, деб ваъда бериб қўйган Аликсидзенинг дами ичига тушиб кетди.

Маданият вазирлиги «Келинлар қўзғолони» ижрочиларини мукофотлаш учун кирқ минг сўм пул ажраттанини эълон қилишиди. Ўша пайтда кирқ минг сўм жуда катта пул бўлган. Шу пулга саккизта «Волга» ёки ўн олтита «Москвич» машинасини харид қилини мумкин эди.

Мишанинг тарвузи қўлтиғидан тушгандек бўлди. Устига-устак, «Правда» газетаси профессор Рудницкийнинг «Талантлар ҳамоҳанглиги» номли катта мақоласини эълон қилди. Унда «Келинлар қўзғолони» муваффакият билан саҳнага қўйилганилиги, асар талантли ижрочилар билан ҳамоҳанг эканлиги алоҳида эътироф этилган эди.

Бошқа спектаклларда иштирок этганилар ҳам Москва-га умид билан келганлар. Ажратилган пулни барча иштирокчиларга баробар тақсимлаш керак деган маслаҳат ўртага тушди. «Келинлар қўзғолони»ни саҳналаштирган ажойиб режиссеримиз Баходир Йўлдошев ҳам, мен ҳам бунга рози бўлдик. Мен ўз улушимни олмаслигимни айтдим.

Театр оллидаги Островский ҳайкалининг супасига суюниб турган Мишанинг олдига бордим. У аламиданми ё бирон бошқа сабабданми озрок ичган, ширақайф эди. Уни ҳеч қачон ичганини кўрмаган эдим.

— Хўш, энди нима бўлади? — дедим пичинг билан. У хайрон бўлди. — Отингни бошқа қўймокчи эдинг-ку?

У ўзича қизиқчилик килмокчи бўлди:

— Отимни Миша деб ўзгартиргансиzlар-ку, яна ўзгартаманими?

У хали ҳам сингилганини бўйнига олмасди.

Тошкентда бир янгилик кутиб турғанди. Хитой Халқ Республикасининг Урумчи шаҳрида Ўйфур автоном вилоятининг театри «Келинлар қўзғолони»нинг премьера-сига чакирибди. Эртасига ёк йўлга чиқдим. Шу баҳонада Қашқар, Ўримчи, Фулжа шахарларини кўрдим. Махмуд Кошғарий, Юсуф Ҳос Ҳожиб, Қораҳонийлар давлатининг асосчиси Сўтуқ Буғроҳон ҳамда шайх Убайдулло Офоқ Ҳўжам мақбараларини зиёрат килдим.

Ўйфур санъаткорлари асарни жуда яхши сахналаштирган эканлар. Хурсанд бўлиб қайтдим.

Ана шундан кейин турли мамлакат ва қардош республикалардан премьерага таклифлар кела бошлади. Лаос, Мўгулистон театрлари ҳам асарни ўз томошабинлирига кўрсатиши. Грознийда Нураддинов номидаги Чечен-Ингуш театри билан Жанубий Осетия театрларидан ҳам таклифнома келди.

Хуллас, «Келинлар қўзғолони» мени кўп мамлакатларга олиб борди. Кўрмаган жойларимни кўрсатди.

Айникса, олис Американинг Нью-Йорк шаҳридаги «Возрождение» театрида пьесанинг намойиш қилиниши мен учун етти ухлаб тушимга кирмаган, хатто орзу қилишим ҳам мумкин бўлмаган бир баҳтли ходиса эди. Нью-Йорк телевидениесида кўрсатилган рекламада «Бунт невесток» сўзларининг жаҳонга машҳур Озодлик ҳайкали атрофида айланиши ва унда менинг ҳам номим ёзилганини кўриб ҳаяжонланиб кетдим.

То Киев шаҳригача беш ярим соат, океан устидан тўққиз ярим соат учиш керак. Сафар олдидан бизга оқ йўл тилаган Президентимиз Ислом Каримовга ниҳоятда ихлосим ошиб кетди. Океан устидан учиб кетаётib ҳам, учиб қайтаётib ҳам бағри кеңг бу саховатли инсонга океан билан осмон оралиғида туриб чин дилдан узок умрлар тиладим. Америкадан қайтиб келганимда яна бир янгилик кутиб турған эди. Билмадим, ростми-ёлғонми, Фрунзе Жўраев устозига садокат билдириб, Фрунзе Жўраев деган исми шарифини «Бишкек Жўраев» деб ўзгартирган эмиш. Бу гап қанчалик рост, кафилини ололмайман.

Бугунги коммунистлар — ўша Қишки саройга штурм қилган большевикларининг авлоди бўлса, Фармонбиби

қалъасига штурм қилиб, битта кесагини ҳам күчиролмади.

«Халқлар отаси» Сталин: «Большевиклар ололмайдын күрғон йўқ», деган эди. Бироқ улар Фармонбиби күрғонини ололмади.Faфур Гулом айтганидек, «қалъа бут, күрғон саломат»лигича қолди.

*«Хуррият» мустақил газетаси. № 33(237)  
15 – 21 август, 2001 йил.*

# ОЙИМ, ДАДАМ ВА МЕН

(Сўнгсўз ўрнида)

Дадам «Уфқ»нинг иккинчи китобини ёзаётган пайтлар эди. Ойим дадамнинг кайфиятини бузмаслик учун кўчада бўлаётган ҳар хил гапларни, мишишларни етказмасликка ҳаракат қиласди.

Дадамнинг бир одати бор, бирон нарсадаи диққат бўлиб қолса диққатвозлиги босилмагунча бирон сатр ёзолмасди. Шунинг учун ҳам ойим уни суюнтирадиган гапларни топиб келарди. У мутлақо ёзмай кўйган, оғайнилари билан вақтини бекор ўтказаётган пайтларда, худо кечирсин, деб дадамга ёлғон гапиради:

— Faфур акани кўрган эдим, бурунбой нега ҳеч нарса ёзмаяпти, бунақа қилса союздан ўчиритирвораман, деяптилар.

— Абдулла ака телефон қилдилар, кечагина чиққан болалар ундан ўтиб кетяпти, айтиб кўйинг, адабиёт дангасаликни ёқтирамайди. Ёзмаса, бошқа тириклилик қилсин, дедилар.

Дадамга бу гаплар хуш ёқарди. Чиппа-чин ишонарди. Кўчага ҳам чиқмай, берилиб ёзинига тушиб кетарди.

Дадам кечаси билан ишлаб, тонг пайтида ухларди. Кечаси ойим билан икковимиз дадамнинг иш кабинетидан эшитилиб турган машинка товушига қулок солиб ётардик. Ойимнинг мана бу сатрлари ўша пайтда ёзилганди.

Эшик тирқишидан бир чизиқ ёниб,  
Офтоб бўлиб кириб, ёритар хонам.  
Машинканг чиқиллар, тўхтайди баъзан,  
Биламан, чекяпсан, чекяпсан улаб.  
Кошки очиб қўйса, деб деразани,  
Камроқ чекса-чи, деб бўламан хуноб,  
Хонангни тутундан поклаш дардида  
Бедор ўтираман сендан нарида.

Дадам тонготар пайтида ухлашга ётарди. Ва албатта ойимга хат ёзиб, столга қўярди:

«Саидахон, илтимос, қўлёзмани ўқимант. Устидан бир кўз югуртириб, албатта, ўзим ўқиб бераман. Ҳар эхтимолга қарши қўлёзмани сиз тополмайдиган жойга бекитиб қўйдим. Кидирманг, барибир тополмайсиз».

Дадам қўлёзмасини печка дудбуронининг ичигами,

менинг ўйинчоқларим солинган қутичанинг ичигами яшириб күярди. У эртасига қўлёзмани таҳир килиб ойимга ўқиб берарди. Ойим, фалон жумланинг ўзи яхши эди, бекор тузатибсиз, деганда, дадам, ия, ўқиганмидингиз, деб сўрарди. Шунда ойим, хотин кишининг уйига нарса яшириб бўладими, деб куларди.

Олтмишинчи йилларнинг охирилари бўлса керак, дадам жуда берилиб «Уфқ»нинг охирги китобини ёзаётган эди. Дадам сахарда ётганича, кундуз соат ўн иккиларгача ухлаб оларди. Шундай кунларнинг бирида почтачи бир даста газета-журналларни ташлаб кетди. Ойим «Шарқ юлдузи»ни вараклай бошлади. Ичаётган чойи ҳам совиб қолди. Берилиб ниманидир ўқирди. Кейин уйдан кайчи олиб чикиб, журналдаги боя ўқиётган мақолани жуда эҳтиётлаб кийиб олди. Синчиклаб қараган одам журналнинг шу жойидан мақола олиб ташланганини билолмасди ҳам. Кейин журнал охиридаги мундарижа босилган сахифани ҳам йиртиб олиб ташлади. Менга қараб, дадангта айтма, деб тайинлади.

Ойим йиртиб олган мақола «Уфқ»ни атай бадном килиш учун қандайдир гараз билан ёзилган мақола эди.

Дадамнинг одатини мен ҳам билардим. Бирон нимадан дикқат бўлиб қолса, қўли ишдан совиб, мутлақо ёзмай кўярди.

Роман «Шарқ юлдузи»да босилган эди. Ойим телефон қилиб, Ҳамид Фуломга шундай дегани эсимда:

— Журналинг ўзи романини босиб, энди ўз деразасига ўзи лой чапляяпти.

Дадам бу мақолани кўрмадиам, билмадиам, ўқимадиам. Фақат яқинда уйимиз таъмирланаётганда ўша мақола топилди. Дадам ўқиб, кулиб кўя қолди.

Андижондаги боғимиз этагидан Корадарё кирғокка сашиб оқарди. Бу томонда ховлимизнинг ичидан Катта Фарғона канали ўтарди. Дадам канал бўйидаги барглари куюқ бир туп дараҳт тагига каналнинг кирғофидан то кок ярмигача етган сўри қурганди. Мен қўпинча сўрида оёғимни сувга ботириб, маза килиб ўтирадим. Ойим уришиб-уришиб, сув бўйидан мени ҳайдарди. Бунга сабаб каналдан баъзан илон сузиб ўтарди.

Дадам боғимизда кечаси ёзмасди. Дарё бўйларидаги шоликорликда чивин кўп бўларди. То кечаси соат ўн бирларгача чивин чакиб безор қиласди. Кечаси дарё томондан шамол эсганда чивинлар аллақаёққа ғойиб бўларди. Дадам эрталаб тонг отиши билан машинкасини

күтариб, канал бўйидаги сўрига чиқарди. Сўридан етти-саккиз метр нарида дадам каналга қурган чархпалак гийқиллаб айланиб туради. Уининг новидаи оқаётган сувдан ичиш учун хар хил қушлар учиб келишарди. Кизил, кўк, сарик, зангори ниначилар тинимсиз учиб туради. Баъзан улар сувда оқиб келаётган баргларга қўниб, худди қайиқда сузаётгандек сайр қилардилар. Баъзилари сувга қўниб оқиб ўтардилар.

Богимизга меҳмон кўп келарди. Саратон авжига чикканда, ҳатто ҳашнатли боғлар қурган раислар ҳам салқинлагани бизникига келардилар. Бутун Избоскан ва Андижон туманида шу жойдан ортиқ салқин жой йўқ эди.

То тушиликкача тўрт-беш қофоз ёзиб олмаса кейин ишилаб бўлмасди. Шунинг учун ойим сўри билан уйимиз оралиғидаги шафтоли тагига кичкинагина курси қўйган, мен дадамга қоровул бўлиб ўтирадим. Дадам чарчаб ёнбопласа, дарров, ойи, дадам ётди, деб хабар қилардим. Дадам шошиб яна машинка босишга тушиб кетарди.

Ойим сувга, чархпалакка қараб ўтириб, мана бу шеърни ёзганди:

*Жазирмана кунларнинг олов дақиқалари  
Бир мажнунитол тагида роҳатга айлангуси.  
Олманинг тарам-тарам тиник ҳақиқларига  
Офтобининг етти рангин ҳаммаси жойлангуси.*

*Бўтана сувлар оқса ятизларни тортқилаб,  
Қалқиб-қалқиб кўринса қовункоса пўстлоги,  
Капалаклар учисса алвон рангни орқалаб,  
Хеч жойдан тополмасман ҳордиқнинг дурустрогин.*

*Оқ яктақ, оппоқ соқол чоллар силкиниб кулса.  
Лорсиллаб кетгусидир сувга қурилган сўри.  
Лабда қимтиб узилган узумдан бол тўйкилса,  
Соқолларда товланар қўёшнинг етти ранги...*

*...Қошига лойқа қўнгган бир тўјда болакайлар  
Ўрдак полононидек сувга урса ўзларин,  
Хаёлларидан ҳозир кўтаришмиш хоккейлар,  
Корайган юзларида йилтилтайди кўзлари.*

*Ненидир тутуб кетди қалдиргоч бир шўнгышда,  
Анжирга кўзин тикиб ҳилват пойлар заргалдоқ.  
Деҳқоннинг яхна чойи сувда турад ҷойдишда,  
Шимирсангиз, бадандан сизиб чиққуси чарчоқ.*

Бир куни қоқ туш пайтида салқинлангани Избосганинг машхур раислари Тиллабоев, Суяров, Фозиевлар келишди. Шунда Тиллабоев бир гап айтганди:

— Богингиз биз ҳам дам оладиган жой бўлиб қолди. Айтинглар, шу жойга биз ҳам бирон нима қуриб берайлик. Чорпоями, шийпонми...

Ойим у кишига босиклик билан жавоб қилди:

— Абдусамад ака, биз бу жойни Тошкентда игна билан қудук қазиб, тоиготар мижжа қоқмай ишлаб топган пулларимизни дарёлардан, тоғлардан ошириб келиб қурганимиз. Келинг, шу уйга... Ойим буёғига нима дейишини билмай туриб қолди.

Чамамда, ҳаром пул аралашмасин, демоқчи бўлди шекилли.

— Келинг, бегона пул аралашмасин. Сиз катта колхознинг раисисиз. Узумзорларингиз, анжирзорларингиз бор. Келаётгандаги битта ковунини қўлтиқлаб, ё бир товокда анжир олиб келсангиз, бошимиз кўкка етади.

Ойим бу гапни билиб айтган экан, кейинчалик бир амалдорроқ ёзувчи (у ҳозир ҳам тирик) бу боғни раислар қуриб берган, деган гап тарқатибди. Ойим бу гапдан ниҳоятда фазабланди. Ёзувчилар уюшмасининг мажлисида титраб-қақшаб гапирди:

— Сизнинг хотинингиз Кримда, Кораденгиз соҳилида офтобда ётиб баданини қорайтирган бўлса, мен Андижонда, Корадарё бўйида саратон офтобида гувала қуйиб қорайганман. Сизнинг хотинингиз ателье модда бичикчига инжиқлик қилаётгандаги, мен саккизинчи март базмига дурустрок кўйлагим йўклигидан боролмай, қизимнинг кўзига термулиб ўтирганман...

Бу гапларни мен қаёқдан биламан? Ойим мени уйда ёлғиз қолдирмасди. Мажлисларга ҳам ўзи билан олиб борар, мен ташқарида қолиб, журналми, китобми вараклаб ўтирадим.

Ойимга тез-тез хужум бўлиб турарди. Ҳозир кирк йилдан кейин яхши асар деб баҳолангандаги «Сўқмоклар» қиссасининг бошида калтаклар синган эди. Бу асар ҳатто собиқ марказқўм бүросида ҳам муҳокама қилиниб, «зарарли асар» деб баҳоланганди. Қиссани ҳозир ўқиганлар, ия, буни Саида бугун ёзганга ўхшайди, дейишаётди. Бундай ҳастий қиссани фақат аёл ёзувчигина ёзиши мумкин, деб баҳолашяпти.

Етмишиничи йилларнинг бошларида эди, чамамда, ойимнинг «Соч» деган шеърини унга билдирмай муҳока-

ма қилишган. Шеърда қизларимизга соч ярашиши, уни кесмаслик керак, деган маъно чиқарди. Мухокама эса уни «зараарли асар» деб хулоса чиқазганди.

Ойим хуноб бўлди. Наҳотки мендан яшириб мухокама қилишса? Собик марказқўм бўлим мудири Мирзамуҳаммедов ташкил қилган мажлисда Тошкентдаги жами газеталарнинг бош редакторлари катнашган эди. Ойим мажлис қатнашчиларидан бирига, шу шеърни ўзингиз босиб чиқариб, индамай бош эгиб ўтирдингизми, дегани эсимда.

— Қандок қиласай, катта жойда ишласа, гапини қайтариб бўлмаса, — деганди у.

— Йўқ, айтинг, шу шеърда қандок заарарли гап бор?

— Йўқликка йўғ-а, энди катта даргохнинг гапи гапда...

Шу шеърни ҳалигача тополмаймиз. Мабодо топсак, бир шеърий тўпламини шу шеър билан бошлаймиз.

Ойимнинг эллик ёшлик юбилейини ўтказишга қарор килиб, юбилей бўладиган куни унга берган азобларини айтсан тилим, айтмасам дилим куяди. Шу юбилей деб аталган азобли тантанани ўйлаганимда, ойимнинг шу тўйдан бир йил ўтмай ўлиб кетганининг сабабини билгандек бўламан. Кетма-кет берилган зарбалар, азоблар уни бу ёруғ оламдан юлиб олиб кетганди. Унинг шогирдларига, устоз дегани битта бўлади, дуч келганин устоз деяверасизларми, деб ёш шоираларнинг оғзини беркитишлар ҳам ўз ишини қилганди.

Ойим, Истиқлол замонида Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган дадам тўғрисида, уларнинг синов тўла ҳаёти ҳақида ёзаверсам, катта китоб бўлиб кетади. Ушбу маколамни ойимнинг сатрлари билан тугатаман:

*Мен ёзсанму у ёзмаса, гўё эдим гуноҳкор,  
У мақталаса, мен қувондим эсланмаган кезларим.  
Аёллигу оналиқдан мушкул, ширин нима бор,  
Ота-бала ўртасида талош бўлди ҳисларим.*

*Кундуз демай, оқшом демай, яна демай ёзу қиши  
Соғиндимми, ҳамроҳ бўлди Андижон йўлларида.  
Қадрдоңлик, дўстлик шундай орамизда урди ниш,  
Бўстон бўлди богим-ҳовлим ҳавасманд қўлларида.*

Нодира САИД АХМАД кизи.

## МУНДАРИЖА

### Киссалар

Киприқда қолған тонг. Қисса . . . . .	5
Умрим баёни. Автобиографик қисса . . . . .	106

### Хотиралар

Биллур сиёхдон . . . . .	133
Босған изим, айтган сүзим қолади . . . . .	142
Муқаммал инсон суврати . . . . .	152

### Хикоялар

Коракұз мажнун . . . . .	161
Сароб . . . . .	175
Борса келмас дарвозаси . . . . .	190
Тақдир, тақдир . . . . .	202
От билан сұхбат . . . . .	216
Азроил ўтган йұлларда . . . . .	221
Офтоб ойим . . . . .	252
Тут пишиғи . . . . .	265
Учинчи минора . . . . .	278
Төғ афсонаси . . . . .	286
Менга етиб келмаган хат . . . . .	293
Фармонибиң қалъасига штурм . . . . .	300

Ойим, дадам ва мен. (Сүнгсўз ўрнида). <i>Нодира Сайд Ақчад қизи</i> . . . . .	313
---	-----

САИД АҲМАД  
КИПРИКДА ҚОЛГАН ТОНГ

*Қиссалар, хотиралар, ҳикоялар*

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2008

Мухаррир З. *Мирзаҳакимова*  
Бадиий мухаррир А. *Мусахўжаев*  
Техник мухаррир Р. *Бобохонова*  
Компьютерда саҳифаловчи М. *Атҳамова*  
Мусахихлар Ю. *Бизаатова*, Н. *Охунжонова*

Босишига рухсат этилди 27.05.08. Бичими  $84 \times 108^1 / 32$ . Петербург гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоги 16,8. Нашриёт-хисоб табоги 18,2. Адади 5000 нусха Буюртма № 4623. Баҳоси келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси 100083 Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41